

Жармон Қармон



АБАДИЯТ ОСТОҲАСИДА

САЎДАРАМА



III
жиг

Наманган давлат
университети кутубхонасига
Сайданма Имомови
Наманган қаноти ва
Ношёр Фажаббеков ва
Зотини
Анвармурзо Нуралиев
Забдуллоҳ катол

09.05.2019

САЙДАНМА



*Эй Ватан, чексиз гўзал жононадирсан, эй Ватан,
Ҳаммамизга меҳрибон бир онадирсан, эй Ватан,
Биз агарда мард эсак, мардонадирсан, эй Ватан,
То жаҳонда бу диёрнинг эрку истиқлоли бор,
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор...*

——————

III
ЖИЛД



АБАДИЯТ
ОСТОНАСИДА

ОЛТИ
ЖИЛДИК

——————

САЙЛАҒМА

——————

Долзарб мақолалар,
адабий мушоҳадалар,
хотиралар, киноқисса


ИСТИҚОЛ
ТАРИХИ
ОИЛИ
Тошкент
2018

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

К-21

Камол, Жамол

Абадият остонасида. Сайланма. Олти жилдлик. III жилд.
Долзарб мақолалар, адабий мушоҳадалар, хотиралар, киноқисса / Жамол Камол. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 464 бет.

ISBN 978-9943-20-449-2

Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол «Сайланма»сининг ушбу учинчи жилдига унинг юртимиз мустақиллиги арафаси ва мустақиллик йилларида битилган, жамият ҳаётининг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари, ижодкорлар ҳақидаги адабий мушоҳадалари, хотиралари жамланди.

Китоб сўнггида «Чор дарвеш ёки Зарафшон ёди» киноқиссаси илова этилди.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

Нашр ташаббускори ва ҳомийси:

Анвармирзо ҲУСАИНОВ

Нашрга тайёрловчилар:

Фахриддин ИБРАГИМОВ,

Азалшоҳ ҲАМРОЕВ,

Мавлуда РАҲМОНОВА

Масъул муҳаррир:

Муҳиддин ОМОН

ISBN 978-9943-20-449-2

© Жамол Камол, «Абадият остонасида». «Янги аср авлоди», 2018 йил.

УМИД ЧИРОҒИ ҚАЧОН ЁНАДИ?

- Яна Оролми? Ўша эски гапдир-да...
- Йўқ, янги гап.
- Ҳамма гап айтилди-ку. Айтилмаган яна нима қолди?
- Сўнги сўз қолди... Дунё олдидаги сўз.
- Қатл олдидаги сўз денг?..

...

Кўзингизни юминг ва тасаввур қилинг...

Қуёш Тянь-Шан ортидан балқиб чиқади. Унинг илк шуъласи аввал Олой ва Помир чўққиларини чақнатиб, сўнг Аму ва Сир дарёларини ярқиратиб, кейин Орол сатҳини яшнатиб, ниҳоят бир ҳовуч юлдуз бўлиб Каспийга тўкилади... Бу бир лаҳза ичида кечади. Ана шу бир лаҳзада гўё мўъжиза рўй бериб, кўзингиз ўнгида дунёнинг сўлим бир гўшаси – ажойиб ўлка очилади... У борган сари ёришиб, қуёш нурларига тўлиб боради. Қадимий замин!.. Азалий ватан!.. Тарихларда даставвал «Турон» деб аталган, сўнг «Мовароуннаҳр» деб номланган, кейин «Туркистон» деб танилган, ҳозир «Ўрта Осиё» деб юритилаётган бўлиқ, барокатли тупроқ... 2 миллион 687 минг квадрат километрдан иборат майдон... Бу ерда дарёлар шовуллайди. Ариқлар шилдирайди. Ҳаволарда қушлар чарх уради. Боғлар шамолда солланади. Анвойи меваларнинг ҳидини шабада узоқ-узоқларга олиб кетади... Полизларга шудринг тушиб, қовунлар саҳарга яқин «тарс-турс» ёрилади. Ҳосилдор ерлар яшнаб, гуркираб ётади... Шу тупроқнинг ости ҳам, усти ҳам хазина:

Бадахшонда ёқут, Тошкентда кумуш, Самарқандда мрамор, Бухорода олтин... Даштларини тўлдириб отлар кишнайдди. Яйловларига ёйилиб, қўй-қўзилар маърайди. Учоқларида олов ўчмайди, қозонларида тирикчилик таоми пишади. Одамзот эсини танибдики, шу ерда умргузаронлик қилади. Замонларга замонлар, авлодларга авлодлар туташади. Тирик экан, инсон бу тупроқни кўзига суртади, ўлганида яна «шукр!» деб шу тупроққа бош қўяди... Ер ҳайдайди, бола ўстиради, иморат қуради, мақбара кўтаради. Туғилади – ўлади, қувонади – йиғлайди, гоҳ ғолиб, гоҳ мағлуб бўлади... Хуллас, одамзотга азалий бешик ва қадамжо бўлган бу маконда ҳаёт мароми узилмайди, узлуксиз оқади... Бу – кўпроқ кечаги кун, эртанги минг йилларга туташган кечаги кунимиз...

Энди кўзингизни қаттиқроқ юмиб, яна тасаввур қилинг... Қуёш Тянь-Шан ортидан чиқиб келади... Унинг қизғиш шуъласи минглаб километр масофани босиб ётган қоронғилик бағрини қиличдек кесиб ўтиб, «ялт» этиб Каспийга тўкилади... Бу – бир лаҳза ичида рўй беради. Ана шу бир лаҳзада гўё оғир босириқ остида қолгандай, этингиз жимирлаб, кўзингиз олдида даҳшатли манзара очилади. Тянь-Шан пойига тўлқинлар бош урмоқда... Бир-бирига мингашган беҳисоб илонлардек иланг-биланг ғимирлаган қум тўлқинлари!.. Оч-қўнғир тусли, баҳайбат махлуқлардек қаторлашган барханлар шафақ яллиғида қизариб кўринади. Улар ҳам бетиним ғимирлаб, қимирлаб турадилар... Қуёш кўтарилиб, уфуқ этағи очилган сари қум денгизининг сатҳи ҳам кенгайиб боради... Қум, қум, қум... Ниҳоят, у сўнгсиз – сарҳадсиз саҳрога айланиб, Каспийга бориб туташади... Янги Саҳройи Кабир!.. Бошқача атаб бўлмайди. Анави ёқда ёлғиз қаққайиб турган кўланка – Тошкент телеминораси... Нариги ёқда Самарқанднинг бир-икки гумбази тиккайиб турибди.

Ундан нарида қумдан сўппайиб туртиб чиқиб турган нарса – Бухоро минорасининг учи... Ундан нарига синчиклаб қаралса, уфқ тагида яна бир нималар қорайиб, ғира-шира кўзга чалинади: кўҳна Урганч ёки Хиванинг харобалари бўлса керак... Дарвоқе, дарёлар қани? Дарёлар қуриган. Боғлар-чи, далалар-чи? Боғлар ҳам, далалар ҳам қум остида. Одамлар қани? Улар қаяққа кетишган? Одамлар йўқ, бу тупроқда одамзотнинг изи ўчган...

Бу энди – бизга, бизнинг авлодларимизга жудаям узоқ бўлмаган келажакда насиб этажак кун... Эртанги кунимиз!.. Ваҳимами? Ишонмайсизми? Бўлмаса, кўзингизни очинг. Бугунга қайтинг. Атрофга синчиклаб назар ташланг. Нималар бўляпти ўзи? Кўрмаяпсизми? Фалокат еримизнинг ҳам остидан, ҳам устидан бостириб келяпти. Остидан – зах, устидан – қум бўлиб... Ҳаммаси Оролдан бошланди. Ўрта Осиёдаги ягона денгизнинг қуришидан бошланди... Такрор бўлса ҳам айтаман: Аму ва Сир дарёларидан оқиб келиб, Оролда тўпланадиган сув жазирама қуёш нурида кучли буғланади. Қалин буғ «девори» тикка кўтарилиб, Атлантика ёқдан, Европадан оқиб келадиган совуқ ҳаво оқимини бамисоли тўғон бўлиб тўсади. Сўнг у билан қоришиб, уни ўн-ўн беш километр баландга кўтаргач, паға-паға булут бўлиб, бутун Ўрта Осиё осмонига таралади. Ўша булутлар Помир, Олой, Тянь-Шан тоғларига бориб, ёғин бўлиб ёғади. Кейин ўша ёғинлар яна Аму бўлиб, Сир бўлиб бизга оқиб келади, яна Оролга йиғилади. Яна буғ бўлиб кўкка кўтарилади. Яна...

Хуллас, бу табиий доира – азалий жараён. Табиат томонидан биз, ўрта осиеликларга қуриб берилган абадий чарх... У тўхтовсиз айланади. Айланиб, минг йиллардан бери бизга ҳаёт бағишлайди, тирикчилигимизни таъминлайди. Тарих тарих бўлиб, замон

замон бўлиб, шу пайтгача бу ҳаракатга ҳеч ким моне бўлмаган. Очқўзлигимиз, бепарволигимиз туфайли, мана, биз моне бўлиб турибмиз. Нафсни катта қўйиб, беҳисоб бойлик ундирмоқчи бўлдик. Юзлаб каналлар, ўнлаб сув омборлари қуриб, Оролнинг «қони»ни сўриб олдик. Натижада денгизнинг тинкаси қуриди, табиий занжир узилди...

Мен табиий фанлар мутахассиси эмасман. Лекин бир нарсага ақлим етади. Бу дунёда нимаики бор – ўз турдошига қараб интилади: сув – сувга, ўт – ўтга, тош – тошга, шамол – шамолга, қуш – қушга, одам – одамга, ҳатто чумоли – чумолига... Кузатганмисиз, кичик лайча ҳам узоқдан бир итни кўриб қолса, бас, то бориб, ўша билан ҳидлашмагунча тинчимайди. Бу – балки қонундир, табиат буюрган қоидадир, билмадим.

Лекин яна шуни ҳам биламанки, бир турдошнинг пайи қирқилган жойда иккинчи турдошга йўл очилади... Орол ҳақида ўйлаганимда ана шу ҳақиқат ёдимга тушади. Биз бир турдошнинг йўлини тўсиб, иккинчи турдошга йўл очдик. Сувнинг сув билан қўшилишига моне бўлиб, қумнинг қум билан қўшилишига имкон яратдик...

Қизилқум билан Қорақум азалдан бир-бирлари билан қўшилишга қўшилиб-қоришиб олгач, Ўрта Осиёнинг экинзор ерларини ямлашга интилади. Аммо Аму билан Сир афсонавий паҳлавоннинг икки забардаст қўлидек ўзаро чирмашиб, бизни бағрига олиб, ўша очофатларни қўшилишга қўймас, еримизни балоофатлардан ҳифзу ҳимоя қилиб турарди... Энди нима бўлди денг? Табиий чарх тўхтади, азалий жараён бузилди. Ўша нажоткор қўллар бир-биридан узилди... Даҳшатли фалокат юз берди: Орол ҳавзасида Қизилқум билан Қорақум қўшилди!.. Қумлар қўшилишиб, дарҳол ҳужумга ўтишди... Хатарли шамоллар эса бошлади. Орол бўйларида кучли чанг-тўзон кўтарилди.

Қорақалпоқни туз босди. Хоразмни шўр босди. Зах офати Бухорони ҳам чирмаб олди. Тузли тўзонлар Навоий оша Самарқандгача етиб келди... Ҳадемай Тошкентга ҳам етиб келиши ҳеч гапмас. Кейин ундан нарига... Ҳа, энди фалокатга йўл очиқ – ёпирилиб келаверади: олдин тузли тўзонлар, кейин қумли бўронлар... Қўшилиб олган қумлар қараб турмайди, тўхтовсиз силжийверади. Улар ўз рақиблари – дарёларнинг мансабини эгаллаб олишдими, бас, ямлаб-ютоқиб олдинга, уларнинг манбаига қараб интилади. То Тянь-Шан билан Помирга келиб қадалмагунча тўхтамайди...

Энди Помир ва Тянь-Шан устига Оролдан булутлар келмайди. Бунинг натижаси ўлароқ Аму билан Сирнинг ҳам тинкаси қуриб бораверади. Бора-бора улар ташна қумларга сингиб кетувчи кичик дарёчалар, анҳорларга айланиб қолишса, ажабмас... Ўша, дарёчалар сингиб кетадиган ўлик қум денгизи шамол юрмас кунларда сўник ой сатҳидек хира йилтираб, бўзариб ётади... Шамол юрган кунларда у ҳаракатга келади. Барханлар ўрнидан қўзғалади... Бир учи Помир ва Тянь-Шанга бош уриб, этаги Каспийга шовуллаб қуйилади. Шимолда қозоқ даштларига ёпирилиб, жанубда қадим Хуросон воҳасига човут солади. Бутун Марказий Осиё заҳарли чанг-тўзонлар ичида қолади. Нега заҳарли дейсизми? Орол тубида йигирма йил давомида кўп миқдорда заҳарли химикатлар йиғилган. Денгиз қуриса, шамол ана шу заҳарни атроф-теварака сочади. Биз туркистонликлар ўша чанг-тўзонлардан омон қола билсак, кўч-кўронни кўтариб, бошқа юртларга жўнаймиз. Бўлак чорамиз қолмайди... Дарёси қуриган халқнинг шўри қурийди, дейди донолар. Денгизи қуриган халқнинг ўзи қуримайдими? Оролга берилган даҳшатли зарба Туркистон халқларини

ҳаёт-мамот маррасига келтириб қўйди. Туркистон халқлари шу тупроқда яшаб қоладими ёки оқибат бир кун бу ердан бош олиб кетадими? Орол деганда масала ана шу тахлитда туради... Машъум аломатлар кўриниб қолди. Улар кўзга ташланиб, йўқ санчилиб турибди. Мана, улардан айримлари: Қорақалпоқда боғлар қуриб битди. Водопровод сувини қайнатиб ҳам ичиб бўлмаяпти. Чақалоқлар оналарнинг кўкрак сутидан заҳарланиб ўлаяпти. Дарвоқе, болаларнинг ўлими бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Бу гап энди сир эмас, Москвада, СССР ёзувчиларининг саккизинчи съезди минбаридан туриб айтилди... Хоразмда ҳам боғлар қуриб битди. Ўлганларни тупроққа топшириш ҳам муаммо бўляпти, бир қарич қазилса, сув зах чиқади. Марҳумларни ерга ётқизиб, устига сағана кўтаришяпти...

Бухорода ҳам боғлар кетма-кет қовжираяпти. Касалхоналар касалларга тиқилиб кетган. Ичишга сув йўқ. Ерусти сувлари-ку Навоий ГРЭСи ва химкомбинатининг чиқиндилари билан тўла. Бу ҳам етмагандай, Зарафшон дарёсига Самарқанд, Каттақўрғон, Навоий шаҳарлари атрофида жойлашган ўнлаб чўчқачилик фермаларининг ахлатлари оқизилмоқда. Шундай бир вазиятда ерости сувлари ҳам ичишга яроқсиз: симоб конларига тонна-тонналаб қуйилаётган кислоталар сув йўллариغا тушиб, қудуқларни заҳарлаяпти. Магазинларда минерал сувлар талаш. Аммо минерал сувдан чой қайнатиб ёки овқат пишириб бўлмайди-ку... Далаларда, чурқ этган қуш йўқ... Қашқадарёда ҳам боғларнинг қуриши хатарли тус олди. Одамлар бир тонна сувни йигирма сўмга сотиб олиб ичаяпти. Қишлоқларда аҳвол оғир. Хотин-қизлар ўзларига ўт қўйиб, ёқиб юборишяпти. Бу соҳада ҳам дунёда биринчи ўриндамиз, шекилли... Регар алюминий заводининг касофати туфайли Сурхондарё воҳасининг

бошига тушаётган кулфатлар, хазон бўлаётган асрий боғлар, касалга чалиниб, ҳаётдан бевақт кўз юмаётган одамлар ҳақида матбуотда ҳам, телевидение орқали ҳам кўп марта айтилди. Экологик офат Фарғонага ҳам ёпишди. Ичимлик сув бу ерда ҳам муаммо бўлиб қолди. Нефтни қайта ишлаш заводининг сирқиндилари ерости сувларини қоплади. Одамлар юз йиллардан бери сув ичадиган қудуқлар арзимаган тасодиф билан ёниб кетяпти... Чирчиқнинг тутуни Тошкентни кунора тўлдириб турибди. Пойтахт ҳавосининг булғаниш даражаси меъёрлагидан ўттиз беш карра ортиқ. Тошкентликлар гўё мўрида яшайдилар. Республика аҳолисининг салкам етмиш фоизи сувсизлик азобини чекмоқда, улар ичаётган сув аслида ичишга яроқсиз... Булар ҳали ҳаммаси эмас. Лекин шу гапларни ҳам эшитган киши агар кўзи кўр, қулоғи қар, юраги тош бўлмаса, «ёпирай» деб ўрнидан туриб кетиши муқаррар. Ёзувчилар, журналистлар, айрим олимлар додвой солишяпти. Аммо, не фойда? Кўпчилик масъул мутахассислар, мутасадди раҳбар идоралар индамай, жим туришибди. Ростини айтганда, бошимизга шу кунларни солганлар ҳам ана шу тоифа кишилар: бири юқоридан расмий буйруқ берган бўлса, бошқаси уни қувватлаб, «илмий» хулосалар ҳозирлаган. Мана, ўшалардан биттаси: «Орол денгизи сатҳининг пасайиши бошқа томондан ҳам катта фойда келтириши мумкин. Маълумки, Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқимларида тез-тез катта сув тошқинлари бўлиб туради. Денгизнинг сув сатҳи пасайса, дарёларнинг эрозия базаси пасаяди. Дарёлар ўзанини чуқурлатади ва атрофдаги ҳосилдор ерлар ва тошқинлар хавфидан қутулади. Сўнгра, Орол денгизи сатҳининг пасайиши билан келажақда денгиз тагидан бўшаган серунум ерлар пайдо бўлади ва бу ерларда иссиқсевар экинлардан (пахта дейилмоқчи – Ж.К.) мўл ҳосил олиш

ажаб эмас. Келажакда Орол денгизи тагининг айрим қисмларида дарё сувлари билан суғориладиган обод воҳалар пайдо бўлиши ҳам мумкин» (М.Қориев, «Ўрта Осиё табиий географияси», «Ўқитувчи» нашриёти, 1968 йил, 132-бет).

Бу сатрлар бундан йигирма икки йил олдин битилган. Демак, йигирма икки йил олдин ўз олимимиз Оролга ўлим ҳукмини чиқариб қўйган. Ва бу ҳукм йиллар давомида талабаларга ўқитилган, уларнинг қулоқларига қуйилган. Энди шу муаллиф ўша талабаларга дуч келиб қолса, уларнинг кўзига қандай қарайди? «Домла, аҳволимизга бир назар ташланг... Қани сиз айтган обод воҳалар? Денгиздан бўшаган ерларда хирмон-хирмон пахта эмас, тонна-тонна туз унаяпти...» – дейишса нима деб жавоб бераркин? Оролга минг йиллар муқаддам кафан бичиб қўйган акалар бугун мард бўлиб майдонга тушса, эл-юрт олдида ўша айбларини ювиш учун жонбозлик кўрсатса, оролни ҳимоя этса, кошкийди... Лекин уларнинг аксарияти жим турса-да, айримлари ҳамон эски ашуласини қўймаяпти. «Агар керак бўлса, биз ҳамма сувни суғоришга сарфлаймиз. Орол чип-чиройли бўлиб ўлаверсин!» Бу гапни СССР сув хўжалиги министрининг ўринбосари П.А. Пўлатзода бундан ўн йил олдин айтганидек, ҳозир ҳам такрорлаб турибди (Қаранг: «Комсомольская правда», 1988 йил, 28 январь).

Биз матбуотда Орол баҳонасида П.А.Пўлатзода номини СССР гидрометеорология давлат комитети раиси Ю.А. Израэль номи билан ёнма-ён учратиб тураемиз. Чамаси улар жон таслим этаётган денгизни кўриш учун гоҳ-гоҳ келиб туришади. Ёзувчи Валентин Распутин суҳбатлари орқали Ю.А. Израэлни баҳарҳол таниймиз. Аммо П.А. Пўлатзода ким?

Ўзим сари боқма, сўзим сари боқ, дейди машо-йихлар. «Орол чип-чиройли бўлиб ўлаверсин!..» Бу

сўзлар П.А.Пўлатзоданинг кимлигини айтиб турибди... Ҳа-да, Туркистонни кум босса, унинг тўпифига чиқадими? У Москвада яшайди, керак бўлса, жомадонини кўтаради-да, Озарбайжонга жўнайди... Лекин шундай сўзларни айтишга қандай тили борди? Қардошларим устидан ўлим ҳукмини чиқариб келдим, деса, юртдошлари ундан хурсанд бўлишармикин? Дарвоқе, шундай беомон ҳукм чиқазишга унга ким ҳуқуқ берди?.. Скандинавия мамлакатларида ҳайвонларнинг ҳам ҳуқуқини ҳимоя қилишяпти. Ахир Орол деганда катта бир регионда яшовчи инсонлар – эллик миллион нуфузли аҳолининг тақдири устида сўз боради. Нега шу кўп сонли аҳолининг фикрини сўрашмайди? Орол – турғунлик даврининг қурбони, энди уни ошкоралик ва демократия орқали даволаш жоиз эмасми? Масалани тор кабинетлар доирасидан олиб чиқиб, умумхалқ муҳокамасига қўйиш фурсати етмадими? Биз кўпинча марказий матбуотда Бойкўл, Ладога, Азов ҳақида танқидий материаллар ўқиймиз. Уларда гап аввало ўша сув ҳавзаларининг табиий тозалигини тиклаш, уларнинг саноат чиқиндилари билан булғанишини тўхтатиш ҳақида боради. Шубҳасиз, булар – ғоят муҳим, зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган ҳаётий муаммодир... Лекин Орол масаласи муаммо эмас, фожиа. У булғаниб бўлса-да яшаб турса, кошкийди. У қуриб, адо бўляпти, энтикиб жон беряпти. Фақат мамлакатимизда эмас, балки бутун дунёда қуриб, адо бўлаётган, энтикиб, жон бераётган ягона денгиз – шу бизнинг Орол бўлса керак... Шундай пайтда халқимиз юксак маҳкамалардан, шоирларимиз «нажот қалъаси» деб таърифлаган олий даргоҳлардан Орол учун умидбахш сўз кутади. Лекин йиллар бўйи интизор бўлиб кутилган ўша нажоткор овоз янграмайди...

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ўлкамиз ҳаёти учун гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор масалалар муҳокама этилди. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилояти вакиллари ҳам сўзга чиқишди. Ҳаттоки шулар ҳам оғиз жуфтлаб, куриб бораётган Орол ҳақида бир нима дейишмади. Гўёки бу муаммо йўқдай... Гўёки бу масала аллақачон ҳал этиб қўйилгандай. Тушунаман, айтадиган гап бор, айтмайдиган гап бор... Кеча Орол – айтмайдиган гап эди, лекин бугун у – қичқариб, дунёга дод солиб айтадиган гап. Фалокатни жим туриб енгиб бўлмайди-ку! Нега буни тушунмаймиз? Нега дардимизни юксак минбарлардан туриб айтмаймиз? Орол – бутун Ўрта Осиёнинг денгизи. Нега унинг бошига тушган фалокатни Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳукуматлари доирасида биргалашиб муҳокама этмаймиз? Шундай жим тураверсак, эртага жудаям кеч бўлиб қолмай-дими? Кейин аччиқ афсус-надоматларнинг фойдаси бўлармикин? Баъзан газеталарда олимларимиз Орол фожиасини етарли даражада илмий исботлаб беришолмаяпти, шу туфайли ҳам масала олдинга силжиямаяпти, деган гапларни ўқиб, ҳайрон қоласан киши. Шундоқ кўз ўнгимизда бутун бошли денгиз, унинг атрофидаги табиат ҳалок бўляпти-ку, илмий исботга яна бало борми! Уйига ўт кетган киши илмий исбот кутиб ўтирармиди? Челакни кўтариб, сувга югурмай-дими? Дунё халқларининг бошига бир иш тушса, биз ҳамиша ёрдамга шаймиз. Лекин ўша иш бизнинг бошга тушганда нега дунёга арз қилиб, бошқалардан мадад сўрамаймиз?.. Хуллас, бундай аламли, ташвишли саволларнинг чеки йўқ. Улар халқ орасида қуюндек айланади. Халқ кўп йиллардан бери Оролни муҳокама қилади. Бирор йиғин, бирор давра уни четлаб ўтмайди... Балиқчилар, пахтакорлар, журналистлар,

агрономлар, ўқитувчилар, инженерлар, ирригаторлар. чўпонлар, ёзувчилар, олимлар – хуллас, ҳамманинг юрагида Оролнинг қайғуси бор. Бировлар унга ўлим ҳукмини чиқарса, чиқараверсин, лекин халқ ўз денгизининг ўлишини истамайди. «Оролни қутқаз-иш керак!.. Оролни қутқаз-иш мумкин!..» – минглаб меҳнаткашларнинг ягона фикри шу. Мутахассислар ўз йўлига, лекин оддий одамлар масалани аллақачон ҳал қилиб, ҳисоб-китоб қилиб қўйишибди... Мана, эшитинг: бизга Сибирдан сув келтириш ҳожатмас. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Тўғри, оқи-лона йўлни табиатнинг ўзи айтиб турибди. Ўтмишда Орол Каспийга тутшиб турган. Ўртада ҳали ҳам сув йўли – ўзан бор. Ана шу ўзанни тозалаш, уни каналга айлантириш керак. Орол учун Каспий суви-нинг юздан бири кифоя. Фақат уни қирқ беш метр баландга кўтариб беришса, бас... Кейинги йилларда Каспий суви бир неча метрга кўтарилди, деган хабар-лар босилди. Демак, ундан бироз сув олинса, зиён қилмайди. Бу ҳам доимий эмас, вақтинча. Орол ўзини ўнглаб олгач, Каспийдан сув олиш тўхтатилади. Бу – битта чора. Асосий эмас, ёрдамчи... Асосий чора шуки, жумҳуриятимизда ўнлаб сув омборлари бор. Уларда озмунча сув йиғилмаган: атроф-теварақдаги экинзор ерларни захлатиб, шўрлатиб ётибди. Аслида бу – Оролнинг ҳаққи. Биз уни инъом-эҳсон этилишини кутиб ўтирмай, зўрлик билан тортиб олганмиз. Энди шунинг ҳаммасини бўлмаса-да, катта бир қисмини Аму, Сир орқали Оролга оқизиш керак. Олишнинг бериши бор. Танги туриш керак...

– Ҳўш, унда пахта нима бўлади?

– Пахтани камайтириш керак, маълум бир муд-датгача. Унинг ўрнига сувни кам ичадиган экинлар экамиз. Пахта экилавериб, тинкаси қуриган далалар дам олсин. Оролни тиклаб, ишни ўнглаб олгандан

кейин қараб турмаймиз. Пахта майдонларини тагин кенгайтирамиз. Лекин унда жаҳл билан эмас, ҳушёр бўлиб, ақл билан иш кўрамиз...

Давлатга ҳозир пахта керак-да...

Давлат ким?

Давлат – сиз, биз, ўзимиз...

Ҳўш, унда сиз, бизга биз ўзимиз керак эмасми?..

Суҳбат ҳар гал ана шу йўсинда тугайди.


Мен халқ фикрига, халқ қалбининг чуқур, ҳаётий туйғусига ишонаман. Бу сезги алдамайди. Халқ адашмайди. Ҳақ гапни, тўғри йўлни унинг юраги айтиб туради. Ҳамма гап ана шу юракни тинглаш ва англай билишда. Ҳўш, қачон тинглаймиз уни? Халқ ҳукми – худо ҳукми, дейди боболар. Буни қачон англаймиз?.. Орол учун – биз учун умид чироғи қачон ёнади?..

Баъзан Орол билан дардлашгим келади...

Ҳаёлан унинг тузли соҳилларига бораман. Унсиз, жонсиз сувларига тикиламан. «Нега бундай аҳволга тушиб қолдинг, Орол? – дейман, нега шундай кунларга қолдинг?.. Қайси айбинг, қайси гуноҳинг учун?.. Сен борингни одамлардан аямадинг-ку!.. Умр бўйи ўшаларни деб яшадинг... Бир деганда ўн қилиб, неъматингни уларга тутдинг... Мана, оқибат нима бўлди!.. Ҳа, айб ўзингда!.. Сахий эмас, хасис бўлганинга, бундай бўлмасди... Балки андиша қилишарди, ҳурмат қилишарди... Мана, энди бойлигингни талаб, ўзингни ташлаб кетишди... Ҳой, менга қара, рамафингда жонинг борми ўзи?.. Дод солмайсанми?.. Фарёд солмайсанми?.. Дунё бўм-бўш эмасдир... Битта-яримта эшитадиган топилиб қолар, ахир...» Орол кўзларини аранг очади, лаблари унсиз шивирлайди. Мен тушунаман... Тушунаману юрак-бағрим яна хун бўлиб кетади: «Вой шўрлик!..

Мадорим етмайди, дейсанми?.. Тинкам қуриди, дейсанми?.. Одамлар қичқирсин, дейсанми?.. Яна

одамлар дейди-я!.. Улар тузингни еб, юзингга ту-
пуришди!.. Ҳозир чекка-чеккада ўлимингни кутиб
юришибди... Уларни қўй!.. Сен соҳилингга шўрхок
ялаб юрган қўйлардан ибрат ол... Қассоб бўйнига
пичоқ қўйганда, ўша жониворлар ҳам «Иҳ!» дейди...
Тақдир бўйнингга ханжар қадаб турибди!.. «Иҳ!» деб
юбор, жоним!



ЭШИКСИЗ ҚҰРҒОН...

МУХБИР. Жамол ака, яқинда Москвада ўз ишини тамомлаган ССЖИ халқ вакиллари IV қурултойи яқунлари ҳақида нима дея оласиз? Қизғин муҳокама, мунозараларга сабаб бўлаётган янги иттифоқ шартномаси тўғрисида-чи?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Халқ вакилларининг Москвада ўтказилган тўртинчи қурултойидан умидимиз катта эди. Аҳволимизни теран таҳлил этувчи нутқлар эшитмоқчи эдик. Амалий, ҳаётий таклифлар кутгандик... Аммо «Совет Иттифоқининг тарқалишига йўл қўймаймиз!», «Қаттиққўл бўлиш керак!» деган умумий хитоб ва чақириқлардан нарига ўтишмади... Президентга янги ваколатлар беришди, унинг ҳокимияти билан бир нарсаларга эришмоқчи бўлишди... Балки бир нарсаларга эришиш мумкин бўлар, аммо кўп нарсаларга эришиб бўлармикин? Ҳолбуки, аҳволни тубдан тузатиш учун кўп нарсаларга эришиш талаб этилади. Бунинг учун аввало холис туриб, иккита саволга жавоб беришга тўғри келади. Биринчиси – Совет Иттифоқи нега тарқала бошлади? Иккинчиси – Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керакми? Керак бўлса, нега керак?.. Афсуски, қурултой аҳли бу саволларни кўндаланг қилиб қўймади ёки қўёлмади. Қўймагандан сўнг жавоб ҳам беришмади». Ҳолбуки, миллион-миллион кишиларнинг дилида ва тилида шу саволлар. Фақат бизнинг мамлакатда эмас, бутун дунёда. Бу саволларни дадил ўртага қўйиб, уларга жавоб ахтариш ўрнига бутун айбни «бузғунчи кучлар», «сепаратистлар», миллатчилар»га тўнкашди. Ҳўш, нега шундоқ қилишди? Буни ҳам изоҳласа бўлади. Ҳалиги саволларни кўндаланг қўйиш ва уларга холис туриб жавоб бериш учун катта маънавий куч ва юксак маданият керак. Бизда на униси, на буниси бор. Биз бор аҳволни бор ҳолича

сақлаб қолишга ташнамиз, холос. Совет Иттифоқининг тарқалишини миллатчилар, сепаратистларнинг иши деб биламиз. Бу нарса объектив тарихий жараёнлар туфайли, яъни тарихнинг ҳукми билан рўй бераётганини ўйлаб кўриш хаёлимизга ҳам келмайди...

«Хўш, Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керакми? Керак бўлса, нега керак?» деган саволларни бериш эса гўёки гуноҳи азимга ботишга баробар... Лекин биз қанчалик чўчимайлик, ўзимизни қанчалар олиб қочмайлик, бу саволларни беришга ва уларга жавоб ахтаришга тўғри келади. Бошқа йўл йўқ. Ўзингиз ўйлаб қаранг: дунё бозори бор. Дунё бозори асосида шаклланган дунё хўжалиги бор. Бу хўжалик ўзаро иқтисодий интеграцияга суянади. Манфаатлар қоришиб, чатишиб кетган. Масалан, Америка бозорисиз япон капитали, Япония бозорисиз Америка саноати яшай олмайди. Шу йўсинда кичкина Сингапур йирик Канада билан чамбарчас боғланган. Муносабатлар тенг манфаатлар асосида кечади. Ўртада хўжайинлик, қарамлик йўқ. Йўқса, Япония бунчалар ривожланмас, Сингапур бунчалар яшнамасди... Гоҳо остинлик – устунлик рўй берадиган бўлса, бу ҳам бозор – бизнес талаблари, иқтисодий қонунлар асосида. Тепадан туриб буйруқбозлик қилиш натижаси эмас. Ягона хўжаликка уюшиб, ягона бозорга суянган ана шу дунё ғоят илгарилаб кетди. Биз беҳисоб қурол-яроғларимиз ва бениҳоя ривожланган хавфсизлик идораларимиз билан жуда орқада қолдик. Оралиқдаги масофа мутахассисларнинг айтишича, бир асрга тенг. Тасаввур қилинг: биз йигирманчи асрда бўлсак, улар йигирма биринчи асрда. Магар улар йигирманчи асрда бўлишса, биз ўн тўққизинчи асрда... Мана келиб чиқадиган хулоса. Энди бир асрга тенг ана шу масофани босиб ўтиш учун аввало тўғри йўлга тушиб олиш керак. Тўғри йўл бу – дунёга эргашиш, ўзбекча қилиб айтадиган

бўлсак, дунёнинг этагидан тутиш деган гап... Балки бир кун келиб, унинг қўлидан тутишга ҳам мушарраф бўлармиз... Иншооллоҳ, ўшанда дунё билан қўл ушлашиб кетамиз... Бу – тарих бизнинг олдимизга қўйган қатъий талаб, ҳаётий вазифа. Аммо ана шу тарихий вазифани бажаришга Совет Иттифоқининг ҳозирги тартиботи йўл қўймайди... Совет Иттифоқи дегани – эшик қопқалари михлаб-тамбалаб ташланган кўрғон. Москвадан очилган кичик бир дарчадан чиқиб, дунё билан муносабат қуриб бўлмайди... Дунёнинг эса бизни кутиб туришга фурсати йўқ. Тўхтовсиз олға босаверади. Ўртадаги масофа ўсаверади. Бугун – юз бўлса, эртага – икки юз йил. Москвадаги айрим акалар эса бу дунёвий жараённи кўриб, кўрмаганга олишяпти. Ун тўққизинчи асрнинг даъволаридан, улуғ давлатчилик шиорларидан воз кечишолмаяпти. Тўғриси, уларга ҳам осон эмас. Империядан кечиш кимга осон бўпти дейсиз? Бошимиздан кечган, биламиз, биз ҳам империя кўрган халқмиз... Аммо бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи бўлганидек, империялар ҳам боқий эмас. Айниқса, йигирманчи аср охири учун империя – анохранизм... Чунки империя табиатан императив – буйруқбозликка суянади. Буйруқбозликни эса бозор кўтармайди. Шу сабабли Совет Иттифоқи ҳозирги туриши билан дунёга, дунё хўжалигига қовушолмайди. Дунёга қовушолмаган нарсани дунё рад этади. Дунё рад этган нарса муқаррарки, емирилишга, заволга маҳқум... Мана сизга «Совет Иттифоқи нега тарқала бошлади?» деган саволга жавоб... Ахир бу ерда яшаётган халқларнинг кўзи кўр, қулоғи қар эмас. Дунё халқлари нималарга эришди, нималарга эришяпти, дунё қаёққа кетяпти, кўриб, эшитиб туришибди. Радио, телевидение, умуман, ахборот воситалари, алоқа техникасининг ўсиши билан дунёдан хабардорлик ортиб бораверади. Баланд деворлар, тамбаланган

эшиқлар писанд бўлмай қолади. Бунинг таъсирида халқлар ҳозирни реал баҳолашга, истиқболни жиддий чамалашга киришадилар. Ва алал-оқибатда эшиқсиз кўрғондан қутулишга, ўз тақдирларини ўзлари белгилашга, дунё сафига қўшилишга интиладилар. Буни «сепаратизм» ёки «миллатчилик» деб айблаш беҳуда. Энди табиийки иккинчи савол келади: Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керакми? Керак бўлса, нега керак?

Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин: Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керак, аммо унинг ҳозирги тартиботидан воз кечиш шарти билан. Бунинг маъноси шуки, Совет Иттифоқи тартиботини тубдан янгилаш, уни дунё хўжалиги тартиботига мослаш зарур. Шунча йиллар тарафма-тароф бўлиб, дунёга ўзни қарама-қарши қўйдик, етар, бас энди. Акс ҳолда уни сақлаб қолиш маҳол. «Қўп асрлик буюк давлатимизни (империяни!) сақлаб қолайлик!» деган дод-войлар бефойда. Тарих бари бир ўз ҳукмини юритади... Хўш, нима қилиш керак? Такрор айтаманки, дунёдан, дунё тарихидан ўрнак олиш даркор. Бир пайтлар инглизлар, испанлар, португаллар, голландлар, франсузлар, италянлар, турклар нима қилган бўлса, шунини қилиш керак. Тарихда тараққиёт йўли битта: руслар учун алоҳида йўл, бошқалар учун алоҳида йўл йўқ. Суринамга мустақиллик бериш жоиз бўлганда Эстонияга ҳам мустақиллик бериш жоиз бўлмоғи даркор. Хуллас, тарихий тараққиёт йўлидан бориб, мустамлака ва қарам ўлкаларга мустақиллик бериш керак. Хўш, унда Совет Иттифоқининг ҳоли не кечади? Ҳамма тўрт томонга тарқалиб кетмайдими? Бундай деб ўйлаш анойилик, тарихий истиқболни кўролмасликдан бўлак нарса эмас. Ўйлаб қаранг: мустақилликка эришган Болтиқбўйи, Украина, Белоруссия, Молдавия, Кавказ ёки Туркистон жумҳуриятлари қаёққа боришади? Ўз

тупроқларини орқалаб бир ёққа кетишадими? Қўни-қўшни, оға-ини бўлиб (хўжайин-хизматкор бўлиб эмас!) яшашни бизга тарих буюрган. Ҳаммамиз тенг, озод бўлиб, тарих ҳукми, замон талаби, ҳаёт тақозоси ила янги Иттифоққа уюшамиз. Бу – эркин Иттифоқ, ҳозирги зўраки Иттифоқдан юз карра мустақкам бўлади... Биз истаймизми-истамаймизми, шундоқ бўлади. Бозор иқтисоди талаблари, дунёдаги мавжуд кучлар нисбати бизни шунга олиб келади... Хуллас, кенг демократик ислоҳотларсиз, халқларнинг, инсонларнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқларини тўла таъмин этмасдан туриб, энди тараққиётга эришиб бўлмайди. Дунё билан эркин муносабатга кириш учун дунёнинг эркин бир қисмига айланиш керак...

Хўш, бизга нимани таклиф қилишяпти? Янги Иттифоқ шартномасини. Ўқиб, бунинг нимаси янги экан, деб ҳайрон бўлиб қолдим. Хўп, боринги, мен бир тушунмаган авом бўлай, уни ўн беш жумҳуриятнинг барчаси барабар рад этди-ку... Мана, биз имзо чекамиз, деган бирорта анойи топилмади-ку. Шунинг ўзи муносиб баҳо эмасми? Москвадаги марказий идораларга яна нима керак?

Мулоҳаза қилиб қаранг, таклиф этилган янги шартномага имзо чеккан жумҳурият бирйўла қўл-оёғини боғлаб, ўзини Марказга тутиб беради: аввало ўз ери, ўз бойликларига ўзи тўла хўжайин бўлолмайди; ташқи дунё билан эркин ва мустақил муносабат қила олмайди; чет эллар билан ўз истагича савдо-сотиқ қилишдан маҳрум; миллий банки, божхонаси йўқ; чегаралари шунчаки қоғозда қайд этилган, холос; шаҳарлари бедарвоза – истаган кириб, истаган чиқаверади; чекланган миқдорда бўлса ҳам миллий қўшин сақлашга ҳақсиз... Хўш, бунинг нимаси суверен, нимаси мустақил? Бундан кўра қарам, мустамлака, деб ростини айтиб қўя қолса бўлмайдами?

Эсимда бор, бир гал ўзаро суҳбатда шоир Туроб Тўла: «Мен Сталин замонида бир йил уй-қамоқ бўлганман» деб қолдилар. «Уй-қамоқ нимаси», деб ҳайрон қолдик. Тушунтириб бердилар: уй-қамоқ бўлган киши остона ҳатлаб кўчага чиқа олмас экан... Биз, Туркистон халқлари етмиш уч йилдан бери уй-қамоқ бўлиб ўлтирибмиз, остона ҳатлаб дунё гузарига чиқишга ҳаддимиз йўқ. Чамаси, элик миллион аҳоли яшайдиган бу регионда бир-икки консулхонани ҳисобга олмаганда, на бир хорижий элчихона, на бир хорижий мухбирлик, на бир хорижий авиаширкат идораси бор... Биз дунёдан соқитмиз, дунё биздан соқит. Дунё даврасида бор-йўқлигимиз маълуммас. БМТ минбарига чиқиб, бизнинг номимиздан бошқалар сўзлайди. Дунё бозорига тушиб, бизнинг молимиз билан бошқалар савдо қилади. Фарғонада сув тошса, хабарини аввал Лондон, кейин Москвадан эшитамиз. Биринчи бўлиб оғиз очишга бизга йўл бўлсин... Марказ тақдим этган Иттифоқ шартномасига имзо чекадиган бўлсак, шу аҳвол давом этаверади. Яна кўп йиллар уй-қамоқ бўлиб ўтираверамиз...

Хуллас, дунёдан узилган – тараққиётдан узилади. Дунёга туташган – тараққиётга туташади. Бу соҳада ҳам тарихий тажрибаларимиз бор. Буюк ипак йўли орқали шарқу ғарбни боғлаганда ватанимиз – Турон дунёнинг энг яшнаган ўлкаларидан бири эди. Ипак йўли кесилиб, дунёдан узилгач, давлатимиз тарқоқликка, таназулга юз тутди. Кейин нималар бўлгани маълум. Ҳалигача ўзимизни ўнглаб ололмаяпмиз...

МУХБИР. Москвада юксак минбарлардан туриб: «Янги тузилажак Совет Иттифоқи – суверен давлатларнинг эркин иттифоқи бўлади», деб такрор-такрор айтишяпти. Аммо ана шу эзгу ниятни амалга ошириш қийин бўляпти шекилли. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

Ж. КАМОЛ. Сабаби маълум. Етмиш уч йил давомида бизда янги ижтимоий қатлам пайдо бўлди – амалдорлар табақаси. Олтмишинчи-етмишинчи йилларга келиб, улар савдо аҳли, савдогарлар билан қўшилиб, бирикиб кетишди. Бирида – пул, иккинчисида – ҳокимият. Ҳозир мамлакат шуларнинг қўлида. Балки сиз Америкада ҳам давлат амалдорлар ва савдогар-бизнесменлар қўлида-ку, деб эътироз этарсиз. Тўғри, аммо улар у қадар калтабин эмас. Ҳамиша узоқни кўзлаб ҳаракат қилишади, тарихий тараққиётга қарши боришмайди... Бу нарса илмий-маданий даражага, инсоний савияга боғлиқ. Бизникилар эса демократик ислохотлар ўтказилса, халқларга ҳақ-ҳуқуқ берилса, юксак мавқе ва имтиёзларимиздан маҳрум бўлиб қоламиз, деб қўрқишади... Шунинг учун ҳақ-ҳуқуқ талаб қилганларга таҳдид қилишади. Шунчаки дўқ-пўписа эмас: ахир улар қўлида катта ҳарбий куч, қудратли хавфсизлик органлари бор... Аммо зўравонликка суянган иттифоқ – иттифоқ эмас. Бугуни бор, эртаси йўқ. Жумҳуриятларга тўла мустақиллик бериш керак. Хавфсизлик органлари ҳар бир жумҳуриятнинг ўз ихтиёрида бўлсин. Шунда ҳар ким ўз уйида ўзи тартиб жорий этади. Дунё гузарига битта дарчамас, ўн бешта эшик очилади. Дунё даврасидан ҳар ким ўз ўрнини эгаллайди... Аммо улар битта СССР – Озод ва суверен жумҳуриятлар Иттифоқида иш кўрадилар. Битта парламент уларнинг ишларини уйғунлаштириб (бошқариб эмас) туради. Худди Умумевропа парламентига ўхшаб...

МУХБИР. Ҳўш, унда ҳалиги табақанинг ҳоли не кечади?

Ж. КАМОЛ. Улар қўрқмаса ҳам бўлади. Дунёда амалдорлар ёки савдогарларсиз бирор жамият бўлмаган, бўлмайди ҳам. Жумҳуриятлар мустақилликка эришиб, бозор иқтисодига ўтиларкан, биз, ёзувчилар

ўша-ўша қалам ҳақиға кўз тикиб, бир чеккада қола-
верамиз. Улоқни яна ўша амалдору савдогарлар илиб
кетишади. Сабабки, уларда маблағ бор, шароитга
мослашиш малакаси бор, оз бўлса-да бизнесменлик
тажрибаси бор. Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча улар-
дан янги бадавлат табақа, миллий буржуазия ўсиб
чиқади...

*МУХБИР. Шундоқ экан, уларни деб шунча жон
куйдириш шартмикин?*

Ж. КАМОЛ. «Буржуазия» деган сўздан чўчиш керак-
мас. Бутун бошли халқни камбағал – ялангоёқ қилиб,
нимага эришдик? Бой-бадавлат кишилари бўлган халқ
қудратли халқ бўлишини бугун тушуниб турибмиз...

*МУХБИР. Жумҳуриятларга мустақиллик берилса,
атом ва ядро қуролларини уларга бўлиб берамизми?
– деб айрим ҳарбийлар киноя қилишяпти...*

Ж.КАМОЛ. Бу ерда кинояга ўрин йўқ. Атом ва
ядро қуролларини бўлишга ҳам ҳожат йўқ. Уларнинг
бир қисмини йўқотиш, қолганларини йиғиб, Бир-
лашган Миллатлар Ташкилоти ихтиёрига топшириш
керак. Даҳшатли қуроллар фақат БМТ қўшинларида
бўлсин. Шунда дунё тинчийди. Космик тадқиқотларни
ҳам БМТ ихтиёрига ўтказиш керак. Шунда беҳисоб
сарфу харажатларга бироз чек қўйилади. Совет Ит-
тифоқида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан
бири – Армия масаласи. Совет Армияси бир ёқлама
тарвақайлаб ўсган баҳайбат дарахтга ўхшайди... Ҳар
беш аскарга битта офицер тўғри келади. Генерал-
ларимиз сони АҚШ генераллари сонидан беш карра
зиёд. Рус йигитларининг асосий кўпчилиги – ҳарбий
офицерлар. Йўқса, Россияда юз минглаб қишлоқ
кимсасиз, ҳувиллаб ётармиди... Ер ҳайдаб, экин эка-
диганлар ер тепиб юришибди... Катта командирлар
ҳам асосан руслардан. Масалан, Туркистон ҳарбий
округи бош қўмондони ҳеч қачон ўзбек, қозоқ ёки

Ўзга туркистонлик бўлмаган, бўлмайти ҳам. Нега? Негаки, муносиб кадрлар йўқ. Нега йўқ, десангиз, турли афсонаю баҳоналар тўқишди. Аммо афсонаю баҳона тўқишдан олдин ўйлаб кўриш керак: ўша қудратли Америка қўшинларида ҳам ўнлаб юксак лавозимли негр генераллар бор... Биз, туркистонликлар наҳотки ўшалардек ҳам бўлмасак... Хуллас, армияда ҳукм сураётган бирёқламаликларга чек қўйиш зарур.

МУХБИР. Жамол ака, сиз яқинда, адашмасам, иккинчи марта Туркияда бўлиб қайтдингиз. Иккинчи Халқаро Туркистон қурултойида қатнашдингиз. Таас-суротларингиз нечук?

Ж. КАМОЛ. Биз тўрт ёзувчи – Одил Ёқубов, Шукрулло, Тоҳир Қаҳҳор ва мен халқаро Туркистон қурултойида иштирок этдик. Қурултой Истанбулда, Мустафо Камол Отатурк номидаги Турк культур маркази саройида ўтказилди. Чамаси 700 – 800 киши қатнашди. Дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз номидан вакиллар қатнашди. Жумладан, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони, Туркия, Олмония, Америка Қўшма Штатларидан... Қурултой уч кун давом этди. Асосий масала – она юрт, Туркистон билан маданий-иқтисодий алоқалар ўрнатиш. Хорижда яшаётган қарийб беш миллион нуфузли туркистонликларнинг орзу-истаги мана шу.

Улар, биз дунёнинг истаган ўлкасига бемалол бориб келамиз, қанийди юртимизга ҳам шундоқ бориб келолсак, қуда-андачилик қилсак, қўлдан келган хизматимизни элимиздан аямасак, дейишди. Истанбуллик Шаҳобиддин Яссавий, жиддалиқ Зухуриддин Туркистоний, нью-йорклиқ Неъмат Бегиш ва Абдулла Хўжа, келнлик Боймирза Ҳайит, мюнхенлик Зиёвуддин Бобоқурбон ва Темур Хўжаларнинг чиқишлари қизгин қаршиланди. Тошкентда ва Истанбулда ваколатхоналар очилсин. Истанбул – Баку – Тошкент

– Олмаота ҳаво йўли бўйлаб тайёралар учсин, деган таклифлар такрор-такрор айтилди... Қурултойда Орол денгизи фожиаси махсус муҳокама этилди. Америкалик юртдошлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу ҳақдаги мактубини ўқиб, бизга топширишди. Орол кўмитаси раиси Пирмат Шермухамедов номига ёзилган бу мактубда шундай дейилади:

«Азиз дўстлар! Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига йўллаган, Орол денгизи ва унинг ҳавзаси фалокатлари хусусида ёзилган мактубингиз учун ташаккур. Гарчи Орол денгизи Совет Иттифоқи территориясида жойлашган бўлса-да, унинг жуғрофий ва иқлимий таъсири шу чегаралар билан чекланиб қолмайди, узоқларга ёйилади. Шунини ҳисобга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Атроф-муҳит программаси (ENEP) Орол денгизини тиклашга қаратилган ҳозирликнинг ҳаракат дастурини тузишга ёрдамлашмоқни ўз зиммасига олади.

1990 йилнинг февраль ойида лойиҳа – ҳужжат атроф-муҳит программасининг ижроия бошқани М.К. Толба ва СССР Ташқи ишлар нозири ўринбосари В.Р.Петровский томонидан имзоланди. Унда Орол ҳавзасининг табиий ҳолатини тиклашга қаратилган узоқ муддатли ва шошилинич тадбирлар белгиланган ва бу чораларни амалга оширишда совет ҳукуматига кўмаклашиш йўллари ҳам кўрсатилган.

Оролбўйи ҳавзаси катта майдонни эгаллайди, унинг табиий ҳолатини тиклаш ҳам осон иш эмас. Лекин биз умид қиламизки, қўлни қўлга бериб ҳаракат этсак, муддао ҳосил бўлади, Орол тикланади.

Биз билан ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат этасиз, деган умиддамиз.

Эҳтиром ила С.ЭВТЕЕВ,

БМТ Атроф-муҳит программаси Ижроия Бошқанининг ёрдамчиси, Нью-Йорк, 1990 йил, 30 июль».

Қурултойда кутилмаган, ғоят аламангиз гаплар ҳам бўлди. Афғонистондан келган юртдошлар бомба тушиб, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий ва Саъиддин Қошғарий мақбаралари вайрон бўлганини хабар қилишди... Биз бу ёқда юбилей, тантана қилсагу у ёқда устозларимиз қадамжолари вайрон бўлиб ётса, даҳшат. Ўйлашиб, бир чорасини кўришимиз керак.

МУХБИР. Очигини айтсам, кўп йилларки хориждаги юртдош-элдош қаламкашлар, зиёлиларимиз билан алоқаларимиз, борди-келдиларимиз кўнгилдагидек эмас. Ҳолбуки, мустаҳкам туташишлар жуда-жуда зарур. Шу ҳақда нима дейсиз?

Ж. КАМОЛ. Қурултойда хорижда яшовчи икки ўзбек шоири ўз шеърларини ўқишди: Америкадан келган Эргаш Учқун ва Афғонистондан келган Муҳаммад Учқун... Яхши шоирлар. Уларнинг ижоди билан халқимизни таништирсак, китобларини Тошкентда чоп этсак, ёмон бўлмасди... Сўнг «Халқ сўзи» рўзномаси шаънига яхши гаплар айтилди. Фарғонадан меҳмон бўлиб борган Муборақхон деган қизимиз рўзноманинг нишона сониди босилган мурожаатномани ўқиб берди. Ўртадаги деворлар қулади, энди қўлни қўлга берайлик, яхши маданий, иқтисодий муносабатлар ўрнатайлик, деган даъватларни қурултой қатнашчилари қарсақлар билан кутиб олишди. Кўпчилик «Халқ сўзи» га обуна бўладиган бўлишди...

Журналист Зиёвуддин Бобоқурбон туркистонлик хорижий қаламкашлар уюшмасини ташкил этиш ва шунга хизмат қилувчи махсус нашриёт очиш, ахборотнома чоп этиш нияти борлигини айтди. Менимча, ана шу уюшма билан Жумҳурият журналистлар уюшмаси ўртасида алоқалар ўрнатилса, ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди.

МУХБИР. 1991 йилда Жумҳуриятимиз ҳаётида юз берган воқеалар ичида қайси бирини Ғоят муҳим деб ҳисоблайсиз?

Ж. КАМОЛ. Яқинда телевидениеда шундай савол берилганда юқори лавозимда ишлайдиган бир йигит: «Пахта планининг бажарилиши» деб жавоб берди... Аввалига ҳайрон қолдим, кейин алам қилди. Москвада шундай савол берилганда бирор кимса ғалла тай-ёрлаш планини эсламайди. Гарчи яқин ўн йиллар ичида Россияда ғалла плани бирор марта бажарилмаган бўлса ҳам... Биз эса шўримизни қуритган пахта планини гапиришдан чарчамаймиз. Гўё бошқа гап қуриб қолгандай... Мен учун бултур юз берган энг муҳим воқеа – Жумҳуриятимиз мустақиллигининг эълон этилишидир.

МУХБИР. Қоғоздаги мустақиллик...

Ж. КАМОЛ. Бари бир. Бугун қоғозда бўлса, эртага амалда бўлади. Йигит ҳам бирйўла паҳлавон бўлиб дунёга келмайди. У аввал чақалоқ бўлиб туғилади...

МУХБИР. Жамол ака, сизга кутилмаган бир савол бермоқчиман...

Ж. КАМОЛ. Буюринг...

МУХБИР. Мана, йигирманчи аср ҳам охирлаб қолди. Ғоят алғов-далғов аср бўлди. Шу серташвиш, нотинч асрда одамзотни кўпроқ ўйлатган, унинг бошини банд этган тушунчалар сизнингча қайсилар?

Ж. КАМОЛ. Худо ва миллат... Худо – борлиқ оламнинг (демак, инсониятнинг ҳам!) бирлиги, бир бутунлиги рамзи... Миллат – башарият тириклигининг таянч тимсоли. Инсоният кўкда Тангрига таяниб, ерда миллатта суяниб яшайди. Бу икки тушунчани инсонлар онгидан ҳайдаш, супуриш учун озмунча ҳужумлар қилишдими? Бирликда ранг-баранглик, ранг-барангликда бирлик мавжуд, дейди диалектика. Худо ва миллатни

инкор этганлар ана шу қонунга қарши чиқиш билан инсониятга қарши чиқишди. Инсониятни битта миллатга, боғни битта дарахтга қовуштирмоқчи бўлишди. Ҳолбуки, битта дарахтдан иборат бўлган боғ яшнамайди, сўлади. Битта миллатдан иборат бўлган инсоният яшамайди, ўлади...


Бу фикрни яна давом эттирадиган бўлсак, масала миллий давлат тушунчасига бориб тақалади. Ҳар бир халқнинг ўз миллий давлати бўлиши керак – йигирманчи асрнинг қатъий хулосаси мана шу. Миллат учун ҳеч нарса миллий давлатнинг ўрнини босолмайди. Яхудийлар икки минг йиллик сарсонлик-саргардонликдан сўнг Исроилни қайта тиклаб, буни исбот қилишди. Бу – бутун инсониятга берилган буюк сабоқ... Бугун Россияни миллий давлат сифатида қайта қурамиз деб елиб-югуришаётган экан, бу ёлғиз Борис Елциннинг хоҳиш-иродаси эмас, балки бутун рус халқининг миллий манфаатлари шунга тақозо этмоқда.

МУХБИР. Сўнги савол. Янги йилда ижодий режаларингиз...

Ж. КАМОЛ. Тўғриси айтсам, биз, ёзувчи ва шоирлар сиёсатга шўнғиб кетдик. Бу яхшимас. Аммо на илож. Ҳуқуқшуносларимиз мум тишлаб, жим турганда ёзувчилар, масалан, Абдуқаҳҳор Иброҳимов жумҳуриятимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишга мажбур бўлди. Бизда профессионал фикрловчи сиёсатчилар оз. Муҳит, тизим уларни етарлича етиштирмади, балки етишиб чиқувига монелик қилди... Шунинг учун истаймизми-истамаймизми, биз сиёсатга аралашамиз. Шеър, дoston ёзиш ўрнига публицистик мақолалар ёзамиз. Лекин, ишонаманки, бир кун келиб, ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Сиёсатчи сиёсат билан, ҳуқуқшунос ҳуқуқ билан, ёзувчи ижод билан шуғулланади. Ўша кунларга етказсин!..

Энди саволга жавоб берадиган бўлсам, биласиз, «Муҳаммад алайҳиссалом қиссаси» ва «Будда қиссаси»ни таржима қилдим. Навбат – «Исо алайҳиссалом қиссаси»га. Шуларни йиғиб, «Пайғамбарлар китоби» номи остида ўқувчиларга тақдим этмоқчиман. Худо соғлиқни берса яна бошқа ниятлар ҳам бор...

Азим СУЮН суҳбатлашди. 1991 йил



ЖАҲОН ТАРОЗИСИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

*Бир қушча йиғлайди бўғот тагида,
Увоққина қалби қайғуга тўлиб.
Не ажаб, бир қатра ёш пардасидан
Олам кўринади ёшга фарқ бўлиб...*

*Бир қушча қувнайди бўғот тагида,
Увоққина қалби қувончга тўлиб.
Не ажаб, бир зарра нур пардасидан
Олам кўринади нурга фарқ бўлиб...*

Ҳа, ҳамма гап дунёни қайси нуқтадан туриб, қайси кўз билан кузатишда, юксакликка кўтарилибми ёки тубанликка тушибми...

Дунё «янги тафаккур» палласига қадам қўйди. «Умумевропа уйи», «Умумосиё уйи», «Умуафрика уйи», «Умуамерика уйи» бирикиб, бир кун одамзотнинг «Умумдунё кўрғони»га айланса, ажабмас. Биз, ўзбеклар машъум шахсга сифиниш ва турғунлик йилларидан мерос қолган чўнқирлик – зўравонликнинг сассиқ ўрасидан чиқиб, дунёга кўз солишимиз, дунёни ўзимизга, ўзимизни дунёга қиёслаб боқишимиз, шу йўсинда ўзимизни ҳам, дунёни ҳам янгича баҳолашимиз лозим ва лобид. Бошқача айтганда, ўзимизни ҳам, қадриятимизни ҳам, орзу-армонларимизни ҳам бирийўла дунё тарозисига қўйиш пайти келди. Нега? Негаки, биз ҳам шу дунёнинг бир бўлагимиз, башариятнинг бир парчасимиз. Бировлардан кам еримиз йўқ. Янгича тафаккур миллатлараро остинлик-устунликни рад этади. Инчунин, тенглар сафида тенгмиз. Биласиз, тенглик ва озодлик – тарихнинг, асрларнинг ўтли фарёди. Тенглик ва озодлик – дунё тафаккурининг авж нуқтаси. Тенглик ва озодлик – жаҳон

тарозисининг икки палласи. Тенглик йўқ жойда озодлик, озодлик йўқ жойда тенглик йўқ. Мана, бугун жаҳонга жорий этилган тарози. Бошқача мезон энди кетмайди...

Шоир Жамол Камол билан суҳбатимиз ана шундай қизгин пардаларда бошланди. Биз бир неча саволлар билан унга мурожаат этдик.

– Жамол ака, суҳбатни ҳозирги мулоқотларда анъанавий тусга кирган мавзу, қайта қуриш ва ошкораликка бўлган муносабатингиздан бошласак. Айтингчи, жумҳуриятимизда қайта қуришни тезроқ амалга ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

– Неча бор кузатганман: «қайта қуриш» деса, бировлар жонланиб, «ёниб» кетади, бировлар мийғида кулиб қўл силтайди, бировлар маънос тортиб, ўй-хаёлга чўмади. Лекин қайта қуриш ҳаёт-мамот масаласи эканлигини ҳамма ҳам етарли даражада тушунармикин? Ёлғиз биз учунмас, дунё учун ҳам. Бизда қайта қуришнинг қанчалар амалга оширилиши дунё тақдирини белгилайди. Дунёнинг тонглари келажакда ёруғ бўладими, қоронғи – бизнинг қайта қуришимизга боғлиқ. Шу туфайли ҳам буткул дунё нафасини ичига ютиб, бутун жисму жони кўз ва қулоқ бўлиб, бизни кузатиб турибди: «Уддасидан чиқишармикин? Ҳориб-чарчаб аро йўлда қолишмасмикин? Унда нима бўлади?» ва ҳоказолар...

Сиз жумҳуриятда қайта қуришни сўрадингиз. Нега умумиттифоқ миқёсида эмас? Ахир, Ўзбекистон – Совет Иттифоқининг бир бўлаги, то Иттифоқда қайта қуриш амалга оширилмас экан, бизда қайта қуриш қилиб бўлмайди. Биз, ўзбеклар баъзан керагидан ортиқ даражада андишали ва камтаринмиз. Нуқул жумҳурият миқёсида ўйлаймиз, умумиттифоқ доирасида гапириш гўё ноқулай. Келинг, шу сафар ана

шу анъанани бузамиз. Хўш, нима қилса, қайта қуриш умумиттифоқ доирасада тезроқ оёққа қалқади? Мен шу ҳақда кўп ўйлайман.

Шундоқ ён қўшнимиз Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳри яқинида атом синов полигони бор: бир йилда ўн саккизта бомба портлатилади. Бундай полигонлар Иттифоқда битта эмас. Кетадиган сарфу харажатларни чамалаб кўринг: миллиард-миллиард пул. Халқнинг пешона теридан йиғилган маблағ. «Мудофаа учун» деб ўтказилаётган ана шу синовларни вақтинча тўхтатиб турса, нима қилади? Ахир шусиз ҳам қиёмат-қойимни бир қадам қилиб қўйибмиз-ку...

Бойқўнғирдан космик кемалар фазога кетма-кет парвоз қилиб турибди. Бир учиш – бир жумҳуриятнинг йиллик бюджетига тенг, дейишади. Шуларнинг «шарофати» билан баҳорда қор, ёзда ёмғир ёғади. Экин-тикин, боғ-роғларга қанча зиён, қанча зарар... Хўш, шу учишларни икки-уч йилга тўхтатиб қўйса, осмон узилиб ерга тушадими? СССР халқ депутатларининг биринчи қурултойида академик А.Сахаров ғалати бир гапни айтиб қолди. Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси ва Олмониянинг қуролли кучларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам бизнинг қўшинимиз уларникидан кўпроқ экан. Эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Наҳотки? Ахир бу қанча куч, қанча харажат дегани. Демак, миллион-миллион инсонлар умри ҳарбий машқларга сарфланиб, зое кетяпти. Россиянинг марказий районларида қарийб бир миллион ҳовли-жой кимсасиз, қаровсиз, ҳувиллаб ётибди. Улар атрофидаги экилмай ётган беҳисоб далалар-чи... Ана шу майдонларда деҳқончилик қилиб, ризқ-рўз ундирадиган йигитлар отишни машқ қилиб, ер тепиб юришибди. Хўш, инсофданми шу? Хуллас, армияни кескин қисқартириш керак. Тўғри, ҳозир қисқартиришяпти, лекин бу кифоя эмас... Ҳа, ривож-

ланаётган мамлакатларга бераётган ёрдамларимизчи? Бир йилда олтмиш миллиард сўм! Уларнинг баъзи бирида турмуш даражаси бизникидан баланд.

Бизда аҳолининг 85 фоизи камбағал. Қирқ миллион киши камбағалликдан ҳам тубан аҳволда яшайди... Шу ҳолатда ҳотамтойлик қилиш ақлга сиғадими? Мамлакатда ҳукм сураётган вазиятни ҳисобга олиб, четга моддий ёрдам кўрсатишларни дарҳол тўхтатиш керак... Лоақал ана шу тадбирлар амалга оширилса ҳам, мамлакатнинг томирига қон югурар, кескинлик, таранглик йўқолар, одамлар эркин нафас оларди.

Энди Ўзбекистонга қайтайлик. Болтиқбўйи республикаларини бекорга «қайта қуриш байроқдорлари» дейишмайди. Улардан ибрат олиш даркор. Тасаввур қилинг: бир отанинг ўн беш ўғли бор. Ўн беш ўғилда ўн беш оила: хотин-халаж, бола-чақа дегандек. Қозон битта, битта дастурхон атрофида ўлтириб овқатланишади. Ҳамма ёқ қий-чув, аралаш-қуралаш, тартиб-интизом йўқ, роҳат-фароғат оз, қут-барака ҳам ҳалигидек... Шунда табиийки, ақли ота охир-оқибат ўғилларини чақириб: «Болаларим, мана, кўпайишиб қолдингиз, энди ҳадеб бир-бирингиз билан туртишиб-туртишмай, ҳар ким ўз қозонини ўзи қайнатсин. Ҳа, мени ҳам унутманглар, ҳолимдан хабар олиб туринглар», – дейди. Чамамда бизда ҳам шундай бўлади. Бу яхши. Ўн беш жумҳуриятда тартиб ва фаровонлик яратилса, бутун мамлакатда тартиб ва тўкинчилик ҳукм суради. Хуллас, пайсалга солмай, жумҳуриятни хўжалик ҳисобига ўтказиш, иқтисодий мустақилликка эришиш лозим. Халқимиз етиштираётган пахта, пилла, қорақўл тери, гўшт, сут, мева ва сабзавот маҳсулотлари ҳамда қазиб олинаётган газ, нефть, тилла каби ерости бойликларига жаҳон бозори харид нархлари талабларидан келиб чиқиб, нарх қўйиш – бирламчи вазифа. Пахтанинг сувтекинлиги

маълум. Бир килограмм пилла жаҳон бозорида 136 сўм туради. Бундан кўз юмиб, бор-йўғи олти сўм тўлаб, ўзбек пиллакори қўлидан уни қоқиб олиш инсофдан эмас. Биздан фақат пахта, пилла каби қимматбаҳо хомашёлар эмас, ҳаттоки озуқабоп кунжара, маккажўхори каби маҳсулотлар ҳам қириб-қиртишлаб, талаб кетилар экан. Мен буни нима деб аташни ҳам билмайман... Табиийки, турмуш машаққатини ошириб, турли норозиликларга сабаб бўлмоқда. Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг сиёсий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъмин этилмас экан, қайта қуришда илгари силжиш бўлмайди.

– Гапингиз ўз-ўзидан миллий масалага келиб тақалаяпти. Айни кунларда миллий масала мамлакатимиздаги энг долзарб, энг оғир муаммолардан бири. Миллий келишмовчиликлар, норозиликларнинг туб илдизи нимада, деб ўйлайсиз?

– Одамзот дунёга келибдики, дунёни англашга, дунё кўзгусига солиб ўзини танишга интилади. Шунини ўйлаб, тўхтовсиз йўл босади. Йўл бошида у ёлғиз эди, кейин уруғ-қабилла бўлди, қабилалар элатга уюшди, элатлар қовушиб – халқ, халқлар бирикиб, миллатга айланди. Миллат – инсоният ривожининг олий чўққиси, одамзот камолининг тимсоли, мужассами. Ленинизм байроғи остида иш кўрган сталинча бюрократия ана шу олий ҳақиқатни бирйўла рад этмоқчи бўлди. Ҳамма жойда миллатга човут солди, миллий кадриятларга ўт очди, миллатнинг қонуний ҳақ ва ҳуқуқларини тупроққа қориштирди. «Миллатчи (ўз халқининг равнақини кўзлаган киши) сўзининг асл маъносини бузиб, уни «душман» сўзига тенглади. Миллатларни нари уриб, бери сурди. Уларнинг азалий отларини ўчириб, янгидан ном қўйди.

Мана эшитинг:

*Иосиф Сталин – азиз отамиз,
Ўзингиз бердингиз халқимизга ном.
Шунинг-чун ўзбеклар ҳар қутлуғ ишда
Азиз номингиздан олади илҳом...*

Ғафур Ғулом қаламига тегишли бу мисралар замирида халқимиз тарихининг неча бир фожиали саҳифалари яшириниб ётибди... Сталинча бюрократия миллатларни истаса бор, истаса йўқ қилди. Қарор чиқариб «совет халқи» деган янги бир миллат жорий этмоқчи бўлди. Аммо декрет билан миллат яратиб бўлмаслигини хаёлига ҳам келтирмади. Энди мулоҳаза қилиб қаранг: жамиятимизнинг аввал-асосини советлар ҳокимияти ташкил этади. «Совет жамияти», «Совет мамлакати», «Совет халқи» деган тушунчалар шундан келиб чиқади. Шундоқ эмасми? Бугун маълум бўлишича, орадан етмиш икки йил ўтса ҳамки, советларга ҳали ҳокимият берилмаган экан... Шу пайтгача «совет ҳокимияти» деб юрганимиз нисбий бир гап экан. Унда юқорида саналган тушунчаларнинг аҳволи не кечади? Демак, улар ҳам нисбий, ясама гаплар эканда... Ўша уқубатли йиллар СССР Конституциясида «эркин, тенгҳуқуқли, суверен» деб аталган жумҳуриятларнинг ҳақ-ҳуқуқлари амалда назар-писанд этилмади. Бу беписандлик ҳамон давом этипти. Атроф-муҳитни омонсиз заҳарлаётган Навоий саноат комплексининг марказга бўйсунувчи раҳбарлари жумҳурият матбуоти вакиллари қабул қилишмаяпти. Уларнинг иддаоси маълум: «Биз Ўзбекистонда яшаймиз, унинг суви, ҳавоси, бойликларидан баҳраманд бўламиз, лекин Ўзбекистоннинг ўзини тан олмаймиз!» Бу – сталинча, брежневча сиёсатнинг оқавалари. Дарвоқе, марказий министрликлар томонидан миллий жумҳуриятларга гўёки мустамлака деб қараш майллари СССР халқ депутатлари қурултойида кескин танқид қилинди.

– Мазкур қурултой совет кишиларининг сиёсий мафкурасида бутунлай тўнтариш ясади, десак, янглишмаймиз. Лекин таҳририятимизга қурултойда шунча гаплар айтилди, бироқ амалда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаяпти, деган маънода кўплаб хатлар келмоқда. Сизнингча, анжуман халқ ҳаётини яхшилашга бирор туртки берадими?

– Фалсафа тарихида «Аввал сўз яралганми ёки дунё» деган масала бор. Одатда, аввал сўз яралган, дейишади... Қурултойда йиллар бўйи одамлар қалбида тош бўлиб чўкиб ётган аччиқ ҳақиқатлар, ҳаққоний сўзлар бирдан тилга келди. Тилга келди-ю, дунёни ларзага солди. Андрей Сахаров, Юрий Власов, Сергей Залигин, Евгений Евтушенко, Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймонов, Тилепберген Қаипбергенов, Болтиқбўйи республика вакилларининг оташин сўзлари ёдингиздами? Бу сўзлар шунчаки сувга отган тошдек изсиз, самарасиз кетармикин? Йўқ, ишонмайман. Хайриятки, ўзимиздан борган депутатлар орасида Одил Ёқубов бор экан. Ёзувчининг сўзи билан ўзбек халқининг юзи ёруғ бўлди. У ҳам бошқаларга ўхшаб, оғзига сув олиб, тавозе билан ўтирса, ҳолимиз не кечарди? Яқинда СССР Олий кенгаши мажлислари яна давом эттирилди. Бирор ўзбек минбарга чиқиб, дардимизни айтармикин, деб соатлаб телевизорга кўз тикамиз. Қани энди чиқа қолса!.. Чиққани ҳам майда-чуйда гапдан нарига ўтолмай, энсани қотирыпти. Ахир бутуниттифоқ минбариди туриб, муҳокама, мунозара юритиш учун билим керак, тафаккур керак. Ёлғиз илғор ишчи, илғор колхозчи бўлишнинг ўзи камлик қилади. Хўш, бизда муносиб номзодлар йўқ эдими? Академик Мирзаали Муҳаммаджоновни нега сайлашмади? Абдураҳим Пўлатовни нега сайлашмади? Сайлашмади эмас, сайлашга қўйишмади. Мана бугун раёсатда кўкракни ғоз кериб, уят ва хижолатбозликни кўриб,

Ўзимизни кўрмаганга солиб ўтирибмиз. Бу халқимизга сабоқ бўлиши, бошқа такрорланмаслиги керак. Давлатимизнинг олий органларига «фалон қадар ишчи, фалон нафар колхозчи» эмас, ким бўлишидан қатъи назар, халқ дарди билан яшайдиган, чуқур билимли, кенг тафаккурли, чинакам интеллектуал шахслар сайланмоғи даркор.

Энди ўзгаришлар хусусида. СССР халқ депутатларининг қурултойи чақирилиб, унда аччиқ ҳақиқатларнинг рўй-рост айтилиши – биринчи ижобий ўзгариш. СССР Олий кенгаши мажлисида Эстония, Латвия, Литва жумҳуриятларини хўжалик ҳисобига ўтказиб, уларга иқтисодий мустақиллик берилиши – иккинчи яхши ўзгариш. Тўғри, бу ўзгаришлар кутилган даражада эмас. Русларда «Тоғ сичқон туғибди» деган нақл бор. Ҳар қалай, сичқон бўлса ҳам туғибди-ку. Ҳеч вақо туғмаса нима қилардик? Энди қўл қовуштириб ўтирмай, ҳаракат қилиш керак. Хўжалик ҳисобига ўтиш, иқтисодий мустақилликка эришиш – Ўзбекистон учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи. Жумҳуриятимизнинг бойликлари, моддий-иқтисодий имкониятлари Эстонияникидан кам эмас, ортиқ. Бу икки карра икки – тўртдек ҳаммага аён ҳақиқат. Лекин баъзи ваъзхонлар ана шу кўриниб турган ҳақиқатни ҳам бузиб кўрсатмоқчи бўлишди. Ўзбекистонни «текинтомоқ», «боқиманда» дейишгача бориб етишди. Хали ҳам аҳён-аҳёнда шу гапни такрорлаб, минғирлаб юришибди. Ҳа-да, пахта-нинг харид нарҳини карам ва картошкадан ҳам кам қилиб кўйгач, бундан бошқача бўлиши мумкинми? Халқ бундай ваъзхонларга энди ишонмайди.

– Дин – жаҳолатдир, деган ақида энди эскириб қолди. Ҳатто Чингиз Айтматов ўзининг «Қиёмат» романида дин вакили Авдий Каллистратовни ҳозирги даврнинг энг пок кишиси сифатида гавдалантиради. Бугунги одамларнинг ваҳшийлашиб кетишига диний

этиқоднинг йўқолиб бораётгани сабабдир, деб талқин этади. Айтматов фикрига қўшиласизми?

– Қўшиламан. Дин – тарих, дин – тажриба, дин – тарихий маърифат ва донишдир. Ёлғиз бугина эмас. Дин – меҳр ва шафқат, инсоф ва диёнатдир, инсоният ўзи устидан ўзи ўрнатган олий назоратдир... Хўш, инсонга ўз-ўзини назорат этиш нега керак? Ҳайвонларга табиат ато этгани – ёлғиз жисмоний куч, холос. Одамзотга ҳам жисмоний куч берилган, ҳам ақл-заковат. Ана шу икки қувватга суюнган инсоннинг қудрати нақадар чексиз... У нималарга қодир эмас!.. То инсоф ва диёнат кучи билан тўғри йўлга солиб турилмас экан, инсон ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам маҳв этиши мумкин. Хуллас, инсонга инсоф ва диёнат керак. Бунга тарихимиз кафил. Биз яқин-яқинларгача буюк файласуф шоир Хўжа Аҳмад Яссавийни художўйликда айблаб, маломатларга кўмиб юбордик. Инсоф билан айтинг: дунёда қайси улуғ ижодкор Худога ишонмаган? Пушкин ишонмаганми? Гоголь ёки Толстой ишонмаганми? Данте-чи? Шекспирчи?.. Аҳмад Яссавий ҳам ишонган ва ўз ишончига суюнган. Биласизми, нега? Тасаввур қилинг: бек жабр қилса, султонга борасиз, султон зулм қилса, кимга арз қиласиз? Худога. Яссавий ҳам Худони ўртага қўйиб, жаҳон ҳукмдорларини инсофга чақирган. Демак, унинг учун Худо – восита, назорат воситаси. Мақсад – инсонга шафқат, инсоф ва адолат... Энди бугунги кунга қайтайлик. Яқинда марказий телевидение орқали хабар қилишди: Семипалатинскда ўтказилган атом синовлари таъсири остида 110 киши касалга чалиниб, ўз-ўзини осиб ўлдирибди. Инсоф-диёнат бўлса, шунгача бориб етармидик? Бизда инсоф бўлса, зарур эҳтиёт чораларини кўрмасдан Чернобил атом электр станциясини ишга туширармидик? Бизда инсоф бўлса, америкаликлар Вьетнамда қўллаган даҳшатли

заҳар – бутифосни ўн беш йиллаб ўз халқимиз устига сочармидик? Бизда инсоф бўлса... яна қай бирини айтай? Худодан кўрқмагандан кўрқ, деб бекорга айтишмаган. Биз ўн йиллаб ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам кўрқинч солиб яшадик. Дунё ҳозир нафасини ичига ютиб, инсоф-диёнат йўлини тутармикин, деб бизни кузатиб туриши бежиз эмас... Бу – масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, динни кўр-кўрона рад этиш инсониятнинг минг йиллик маънавий тажрибасини рад этиш, ўзини доно санаб, динга эътиқод этган ва этаётган миллиард-миллиард инсонларни ялписига нодонга чиқариш деган гап. Хўш, ақлга, мантиққа сиғадими шу? Ҳозир дунёнинг кўпгина мамлакатларида марксизмни ҳам, пайғамбарлар тарихини ҳам баравар ўқиб, ўрганишяпти. Бу – табиий. Чунки униси ҳам, буниси ҳам «инсоният тафаккури» деб аталган сўнгсиз дунёнинг изма-из ёки ёнма-ён тўлқинлари.

Мендан гоҳо «Худо борми?» деб сўрашади. «Художўйга Худо бор, худосизга Худо йўқ», деб жавоб бераман. «Космонавтларимиз осмони фалакни кезиб, ҳамма ёқни титкилаб чиқишди, лекин Худони кўришмади», деб менга эътироз этишади. «Кўзи борлар Худони кўради, кўзи йўқлар Худони кўрмайди», деб жавоб бераман мен. Ахир Худо етти қават арш устида калтак кўтариб турган, серсоқол, қаҳрли бир қария эмас. Худони атеистларча жўн ва схематик тушуниш бу. Хўш, Худо ким? У – Худо. Сўнгсиз қудрат, юксак ҳақиқат, қутлуғ инсоф ва адолат, мислсиз сирри хилқат рамзи. Бутун дунёни тўлдирган эзгуликнинг мўътабар исми. Олий ном. Олий тимсол. Ҳусни мутлақ... Меҳри мутлақ... Жонсиз ва жонли табиатда унинг жилваси. Қимирлаган ҳар бир жонда унинг нафаси. У – инсоннинг чексиз камолот йўлидаги сўнгсиз порлоқ нуқта. Шўъласи оламга таралган...

Унга етишиб бўлмайди, фақат яқинлашиш мумкин... Инсон ҳар гал унинг шуъласига ўзини солиб, ўз-ўзига баҳо беради. «Худоё, – дейди у – тирик жон ато этганинга, инсон қилиб яратганинга шукр! Лекин мен ана шу ҳимматингни оқлаяпманми? Меҳру муруватинга муносиб яшаяпманми? Сенга банда, яъни инсон бўлишни эплаяпманми?» шундай дейди-ю янада юксакликка, камолотга интилади...

– Инсонни борлиқ оламнинг эгаси, дейишади-ку...

– Бундоқ дейиш жуда катта кетиш бўлади. Бу – ўйламай-нетмай, ғоят манманлик, такаббурлик билан айтилган сўз. Тасаввур қилинг: чексиз-чегарасиз ўрмон. Унда беҳад-беҳисоб дарахтлар ўсади. Шу дарахтларнинг бирида, аниқроғи, унинг битта бутоғида ёлғиз бир уяча бор. Ана шу уячада ёлғиз бир қушча яшайди. Ой ўтиб, йил ўтиб, қушча қанот чиқзади ва бир гал «пирр» этиб учиб, ошиёнини гир айланиб, яна ўрнига қўнади. Атрофга мағрур кўз солиб, дейди: «Шу чексиз-чегарасиз ўрмон меники! Мен унинг танҳо хўжасиман!» Қушчанинг шу айтганига сиз ишонасизми? Эшитиб, кулмайсизми? Ахир шу чексиз-чегарасиз ўрмоннинг наҳот шу қушчадан бўлак эгаси бўлмаса?..

– Шу кунларда жумҳуриятимизда «Тиллар тўғрисида қонун» муҳокама этилмоқда. Лойиҳага ва матбуотда билдирилаётган фикрларга муносабатингиз...

– Лойиҳанинг яроқсизлиги такрор-такрор айтилди ва айтилмоқда. Аввало унинг аталиши чатоқ. «Ўзбек тили тўғрисида қонун» бўлиши керак эди, тиллар тўғрисидамас. Нега? Негаки, Совет Иттифоқида ҳар бир тилнинг ўз қонуний эгаси бор. Рус тилининг қонуний эгаси – РСФСР, украин тилининг расмий эгаси – Украина ССР, тожик тилининг эгаси – Тожикистон ССР... Биз ўз тилимиз ҳақида қонун чиқара оламиз, бошқа тиллар ҳақида қонун чиқариш кафолати бизга берилмаган. Тўғри, «Ўзбек тили тўғрисидаги қонун»да

бошқа тилларни ҳам муҳофаза этиш, асраб-авайлаш тўғрисида гапириш лозим. Аммо бу уларга қонуний мақом бериш деган гап эмас. Қонуний мақомни уларга ўз қонуний давлатлари – жумҳуриятлари беради.

Тил комиссияси тайёрлаб тақдим этган («Правда Востока», 22 июль) лойиҳаларда ўзбек тили – Ўзбекистон ССРнинг давлат тили, рус тили – миллатлараро муомала тили, деб кўрсатилибди.

Ўқиб, ажабланасан киши. Бу ерда биринчи гап иккинчини, иккинчи гап биринчини рад этиши наҳот муаллифларга аён бўлмаса? Ўзингиз ўйлаб кўринг: ўзбек тилига давлат тили ҳуқуқи берилди, дейлик. Демак, давлат идоралари тили – ўзбек тили. Лекин ўша давлат идораларида турли миллат вакиллари ишлайди. Уларнинг ўзаро муомала тили – рус тили... Хўш, бундан ортиқ мантиқсизлик бўладими? Жумҳурият давлат тили шу жумҳурият миқёсида миллатлараро муомала тили бўлмас экан, унинг давлат тили эканлиги – ёлғон. Ва аксинча: жумҳуриятда миллатлараро муомала тили – давлат тили эмас экан, бу ҳам кулгили бир гап... Ўзбекистонда давлат тили ҳам, миллатлараро муомала тили ҳам – ўзбек тили. Тўғри, кези келганда рус тили ва бошқа тиллардан фойдаланиш керак. Лекин бу ўзбек тилининг давлат мақомига дахл этмаслиги, унга соя солмаслиги шарт. Рус тилининг ўз қонуний ўрни бор. У – Россия тили, умумиттифоқ минбарлари тили, халқаро муносабатлар тили. Шунинг ўзи кифоя эмасми?

Ўзбекистон аҳолисининг 72.5 фоизини ўзбеклар ташкил этади. Жумҳуриятда яшовчи қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар, турклар, озарбайжонлар, татарлар, бошқирдлар, чувашлар, қумиқлар, уйғурлар, қрим-татарларни қўшиб ҳисоблаганда ўзбек тилини билувчилар сони 90 фоиздан ошади. Шунинг ўзи ўзбек тили Ўзбекистонда миллат-

лараро муомала тили эканлигини ҳам кўрсатмайдими? Аслида-ку «Миллатлараро муомала тили» деган модданинг сира ҳожати йўқ. Бу – тўқиб чиқарилган гап. Дунёдаги бирор конституцияда учрамайди. Ҳаттоки давлат тили тўғрисида бундан ўн йиллар олдин қабул қилинган Арманистон, Озарбайжон, Грузия конституцияларида ҳам бу ҳақда бир нима дейилмаган... Одамлар ўзаро қайси тилда гапиришади, қайси тилда муомала қилишади, бу уларнинг инон-ихтиёридаги нарса. Буни қонунга солиш, қонунлаштириб қўйиш – бачканалик, бюрократизм ва ҳаттоки инсонларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларига дахл этиш билан баробар... Ҳуда-беҳудага ўзбек тили ёнига рус тилини тикиштира беришга келсак, бу – ўзига хос зўравонлик белгиси, монокультура оқибати...

– *Тушунмадим...*

– Бизнинг жамиятимиз – монокультура жамияти. Биз умр бўйи битта шахс, битта дунёқараш, битта йўл, битта экин, битта тилга сиғиниб яшаймиз. Рус тилини улуғлаб, уни кўкларга кўтариб, нималар деб мақтамадик! Ҳолбуки, мамлакатда кўпчилик кишиларнинг рус тилида гапириши бу тилнинг танҳо гўзаллигию мислсиз улуғлиги туфайли эмас. Бу – тарихнинг ҳукми. Замонанинг зайли. Агар тарих буюрсаю замона зайл этса, бошқа тилларни қўя турунг, ўша узоқ шимолдаги чукчалар тили ҳам шундай қудрат ва қамров касб этиши ҳеч гапмас. «Улуғ халқлар бўлмайди, улуғ шахслар бўлади», деган эди Карл Маркс. Бунинг бошқа бир маъноси: «Улуғ тиллар бўлмайди, улуғ шоир ва ёзувчилар бўлади», демакдир. Бир тилда бир киши гапирсин, бошқа тилда – миллиард киши, лекин улар ўз яратувчиси олдида теппа-тенг. Ва инсонлар учун бирдек азиз ва мўътабар. Чунки униси ҳам, буниси ҳам – инсон тили. Айтайлик, бир хил гул юз гектар майдонда ўсади, бошқа гул – кафтдек

бир ерда. Лекин бундан уларнинг моҳияти, қиймати ўзгармайди. Униси ҳам, буниси ҳам – гул, табиат фарзанди. Бу – олий ҳақиқат, таъбир жоиз бўлса, илоҳий адолатдир. Биз ана шу ҳақиқат ва адолатдан кўз юмдик, бошқа тилларни нари суриб, бутун мамлакатда рус тили монокультурасини жорий этдик. Энди ана шундан воз кечиш қийин бўлаяпти. Худди пахта яккаҳоқимлигидан қутулиш оғир кечаётгандек.

Рус тили бепоён Россияда дахлсиз, шериксиз, эркин жаранглайди. Масалан, эстон халқи ҳам бир парча тупроғида ўз тилининг шундай дахлсиз, шериксиз, эркин жаранглашини орзу қилади. Юрагида эзгулик ҳисси, адолат туйғуси бўлган кишилар буни қўллаб-қувватлаши, бунга фақат хурсанд бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳам мустамлака эмас, худди Россия ёки Эстония каби тенгҳуқуқли, суверен жумҳурият. Ўзбек халқининг шу ёруғ дунёдаги яккаю ягона қонуний давлати. Бошқа Ўзбекистон йўқ. Қонуний ягона давлатимизнинг қонуний ягона давлат тили ўзбек тили бўлиши – биз учун қуёшдек равшан ҳақиқат.

Лойиҳалар муносабати билан баъзан ўйлаб-ўйламай, алмойи-ажмойи гаплар айтиляпти. Бу борада айниқса, «Ташкентская правда», «Правда Востока» газеталари «соврин» олишяпти. Яқинда «Правда Востока» да ғалати бир мақола босилди. Эмишки, ўзбек тили давлат тили бўлса, ўзбек йигитлари рус тилини қандай ўрганadi?.. Бундан ҳам ортиқроқ тутуруқсиз гап бўлиши мумкинми? Ажабо, арманлар, озарбайжонлар, грузинлар рус тилини биздан ёмон билишадими? Ахир улар аллақачон ўз тилларини давлат тили деб эълон этишган-ку...

Адашмасам, «Ташкентская правда» газетасида бир рус инженери ўзбек тилининг луғат бойлиги 60 минг сўздан иборат, рус тилиники – бир неча юз минг, шунга кўра, ўзбек тили давлат тили бўлолмайди,

деб ёзди. Бу ерда «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га жамланган олтмиш минг сўз рус тилининг жамики сўзлари, бор бисотига қиёс этилибди. Бу адолатдан эмас. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» «Рус тилининг изоҳли луғати»га қиёсланмоғи лозим эди. Муаллифи С.И.Ожегов бўлган мазкур луғатда бор-йўғи 57 минг сўз бор, холос. Ўзбек тилининг бор бисоти баҳоланадиган бўлса, ундаги сўзлар нуфузи бир неча юз минг эмас, миллионга етади...

Болага она тили – она сути каби ҳаётбахш. Бу илмий жиҳатдан исбот этилган. Халқаро илмий кузатишлар, айниқса, Скандинавия мамлакатлари олимлари тадқиқотларида шу нарса исбот этилганки, боланинг келажакда етук шахс бўлиб етишувида унинг она тилида гапириши бағоят муҳим. Бола камида ўн бир ёшгача она тили муҳитида шаклланиши даркор. Бу ҳақда халқаро ташкилот – ЮНЕСКОнинг махсус тавсиялари бор... Боринги, бу гаплардан маданият нокирининг хабари бўлмасин, аммо у Чингиз Айтматовнинг айтиши шу мавзудаги чиқишларидан ҳам беҳабармикин? Бу деганим – рус тилини ўрганмаслик керак, деган гап эмас. Рус тилини ўрганиш керак. Лекин аввал-асос – она тили. У бамисоли суянч тоғи. Инсон ана шу тоққа таяниб туриб, бошқа-бошқа тоғларга тирмашади...

Хулоса шуки, биз рус, украин, белорус, арман, озарбайжон, грузин ва бошқа тилларнинг ўз жумхуриялари чегараларида, тарихий территорияларида тўлақонли давлат тили бўлишига тарафдоримиз. Мабодо ўзбеклар Арманистонга бориб яшайдиган бўлишса, улар арман тилини ўрганишлари мутлақо шарт ва вожиб. Биз ўзимизга қўйган ана шу талабни бошқаларга ҳам қўямиз: биродарлар, Ўзбекистонда яшамоқчи экансиз, унинг иззатини ўрнига қўйиб яшанг, тилини ўрганинг, маданиятини қадрланг, турмуш тарзига

риоя қилинг... Тупроғи саховатли, суви роҳат, ҳавоси ёқимли, ноз-неъматлари ширин бўлган юртнинг тили аччиқ бўлмайди.

– *Жамол ака, энди анъанавий савол, ҳозирги ижодий ишларингиз...*

– Ора-сира шеърлар ёзиб турибман. Умар Ҳайём, Абу Али Ибн Сино, Адиб Собир Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Мавлоно Жалолиддин Румий, Абдулла Ансорий, Ҳаким Санойи, Мирзо Абдулқодир Бедил, Амир Хусрав Деҳлавий ижодидан саралаб таржима қилиб, «333 рубоий» деган бир китоб тайёрладим. «Маснавийи маънавий» таржимаси давом этяпти. Аммо кўп вақтим ташкилий ишларга кетяпти. Биласиз, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузурида Республика таржима маркази очилди. Хорижий тиллардан таржима бўлими мудирлигини менга юклашди. Чамалаб кўрдик: инглиз, француз, немис, испан, араб, форс, турк, ҳинд, хитой, япон тилларидан ўзбек тилига бевосита таржима қилувчилар ҳозир 200 киши. Мақсадимиз – ана шу сафни кенгайтириш, хорижий тиллардан таржима қилиш тўлқинини жумҳурият маданият ҳаётининг қудратли бир оқимига айлантиришдир. Илк қадам сифатида чет эл ёзувчиларининг ҳикояларидан иборат «Муҳаббат» тўпламини тайёрлашга киришдик. Чет тиллардан бевосита таржима қилиб босувчи «Ер юзи» журналинини тикляпмиз. Хорижий тиллардан таржима қилиш кучимизга куч, идрокимизга идрок қўшади ва бу алал-оқибатда жаҳонаро миллатлар даврасидаги тенглик ва озодлигимизга хизмат қилади.

Бобур ТҲҲТАБОЕВ суҳбатлашди.

«Ёш ленинчи» газетаси, 1989 йил 19 июнь

ТИЛ – ХАЛҚНИНГ НОМУСИ, ТАРИХ – УНИНГ ҚОМУСИ

Дунёдаги энг машъум қуллик – тафаккур қуллиги, энг аянчли қашшоқлик – фикр қашшоқлигидир, деган экан бир донишманд. Зеро, халқнинг қудрати ёлғиз унинг сони билан эмас, сифати билан ҳам ўлчанади. Халқнинг сифати эса унинг маданий савияси, фикрлай олиш иқтидорига боғлиқ. Қайта қуриш фикрлаш жараёнини бу ғовлардан озод қилди. Биз фикрлашимиз, фикрлашимиз, фикрлашимиз керак... Фикрлашдан тўхтаган халқ – ҳалокатга маҳкум. Фикрларни умумлаштира олиш, улардан лўнда, аниқ хулосалар ясаш ҳам – санъат. Фикр хулосага, хулоса қарорга, қарор ҳаракат ва амалиётга етаклаши даркор. Шунда тараққиёт бўлади, ижтимоий-маданий юксалишга йўл очилади...

МУХБИРимиз таниқли шоир, таржимон ва адабиётшунос олим Жамол Камол билан учрашиб, ҳаётимиз, тараққиётимизнинг долзарб масалаларига доир бир неча савол билан мурожаат қилди.

– Жамол ака, сизнингча жамиятимизда қайта қуриш жараёни қандай кечаяпти?

– Гап кўпайиб кетди. Тепада ҳам, пастда ҳам. Мен гап камайсин, демоқчимасман. Гап билан овора бўлиб, баъзан асосий мақсадни унутиб қўйяпмиз. Асосий муддао назардан четда қоляпти. Хўш, мақсад нима эди? Ҳақиқий социализм. Унинг шиорлари, шартлари ҳам маълум; ер – деҳқонларга, фабрика- завод – ишчиларга, бутун ҳокимият – советларга, яъни халқ идора органларига... Бу шиорларни илк бор Октябрь инқилоби майдонга отган, аммо В.И. Ленин вафотидан сўнг, сталинизм касофати туфайли улар амалга ошмай, ўлда-жўлда қолиб кетган эди... Жамиятимиз етмиш

йиллик сарсонлик-саргардонликдан сўнг яна ўзининг асл маррасига қайтди. Партия XIX конференцияси Октябрь инқилоби шиорларини яна майдонга сурди: ер – деҳқонларга, фабрика- завод – ишчиларга, бутун ҳокимият – советларга!.. Нега шундай қилди? Негаки, шундай қилмаса, асосий муддаога эришиб бўлмайди. Хуллас, яна йўл бошидамиз. Мақсад ҳам ўша-ўша, мақсад йўлидаги мухолиф ҳам ўша-ўша...

– Жилла тушунмадим...

– Мақсад – социализм, мухолиф ерни ҳам, фабрика-заводларни ҳам, ҳокимиятни ҳам халқ номидан эгаллаб олган бюрократия. У Сталин ҳукмронлиги даврида шаклланди, ленинча социализм қуриш принципларини оёқости қилди. Мамлакатни жар ёқасига олиб келди. Ўша жарга бир кўз солиб, ўзи ҳам сесканиб кетди. Бир-икки қадам орқага тисарилди... Энди депсиниб турибди: шундан кейин бундай яшаб бўлмаслигини ҳар ҳолда англайди, лекин ўзи учун аллақачон қуриб олган «коммунизм» дан воз кечгиси йўқ. Шунинг учун панд-насиҳатга зўр беради, гапни айлантиради: яшаб қолган ҳар бир дами – ганимат. Танти туриб, баҳс-мунозара қилолмайди. Лекин ҳақиқат йўлида баҳс-мунозара қилганларни ёмон кўради. Босиқликка чақириб, ўзи жирракилик қилади. Ахлоқ-одобга ундаб, ўзи ҳақоратлайди, «миллатчи», «ғаразгўй», «нияти қора», «қаллоб», «экстремист», «арзон шон-шухрат кетидан қувувчи» қабилида ёрлиқлар тақайди... Керак бўлса, Ю.Кружилин каби қаламкашларни ишга солади... Энди асосий гапга ўтайлик: бригада пудрати, оила пудрати, ижара пудрати деган гаплар айтилиб турибди. Амалда-чи: ер деҳқонларга берилдими? Йўқ. Ер – колхозники, колхозга эса бир гуруҳ амалдорлар хўжайин, халқ эмас. То Сталиндан мерос бўлиб қолган колхоз-совхоз тартиботи битирилмас экан, деҳқон ерга хўжайин бўлолмайди, унинг

косаси оқармайди, у колхоз ерида арзимаган маош олиб ишловчи мардикор, батрак бўлиб қолаверади. Бунинг устига, пахтанинг давлат харид баҳоси бир неча барабар кескин оширилмас экан, «пудрат» деган гаплардан ҳам фойда оз. Бунга боланинг ҳам ақли етади... Хўш, фабрика- заводлар-чи? Улар ишчилар ихтиёрига ўтдимиз? Йўқ. Ҳокимият советларга топширилдимиз? Йўқ. Ҳаммасига ўша-ўша бюрократия хўжайин. Демак, Октябрь инқилоби олға сурган талаблар ҳали-ҳамон жамият ҳаёти кун тартибида кўндаланг бўлиб турибди.

– Аммо ҳокимият жойларда маҳаллий советлар ихтиёрига ўтганти-ку...

– Олдин ўтсин-чи, кейин кўраимиз... Мен маҳаллий советларнинг формал ҳокимиятини эмас, ҳақиқий ҳокимиятни кўзда тутяпман. Қоғозда уларга берилган ёки берилаётган ваколатлар анча-мунча. Лекин амалда-чи? Узоққа бормайлик. Бўстонликда кимё заводи қурилиши атрофидаги жанжаллардан хабарингиз бор. Жумҳурият вазирлар кенгаши раиси телевидение орқали сўзлаб, завод қурилиши тўхтатилди, дейишига қарамай, қурилиш давом этаверди... Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ўз маърузасида Бўстонликда завод қурилиши тўхтатилганини алоҳида қайд қилди. Аммо эртаси куни ўша ерда яширинча кимё заводи қурилаётгани тўғрисида матбуотда фош қилувчи материал босилди. Шуниси қизиқки, ҳалиги маъруза ҳам, танқидий материал ҳам бир кунда, «Ёш ленинчи» газетасининг шу йил 3 февраль сонидида босилиб чиқди. Бири – биринчи саҳифада, бошқаси – 4 саҳифада. Мана аҳвол... Жойлардаги маҳаллий советлар нари турсин, жумҳурият олий ҳокимият органларининг ҳам қўли қисқа, сўзи инобатга ўтмаяпти... Хуллас, гап кўп, ўзгариш оз. Депсиниб турибмиз. Ўртоқлар, гап-сўзни камайтириб, кўпроқ

амалий ишга ўтайлик!» қабалидаги чақириқлар сувга отилган тошдек чўкиб кетяпти. Самарасиз. Нега? Токи социализм қурилишининг асосий шартлари бажарилмас экан, токи ер – деҳқонга, фабрика- завод – ишчига, ҳокимият – советларга берилмас экан, шундай бўлиб қолаверади. Халқ етмиш йил давомида баландпарвоз шиорларга ишониб яшади. Энди шиорларга ишонмайди. Реал ҳақиқатга ишонади.

– Қайта қуришнинг етарли даражада олға босмаётганига ўзимиз ҳам бир қадар айбдор эмасмизми?

– Айбдормиз. Ўзбекистонда умумий маданий савиянинг пастлиги қайта қуришнинг олға босишига халал беряпти. Халқимиз меҳнатда чақилиб кетди. Меҳнат қилиб, роҳат кўрмасликка ўрганиб қолди. Тирикчилик қозиғига боғланди: бир куни ўтса, бас, ҳамма нарсага бефарқ, бепарво, теварак дунё билан иши йўқ... Ўзи нари турсин, боласини аямайди. Устига-устига, захар ютавериш, соғлигидан ажради... Мен қишлоқларимизни оралаб, бир нарсага амин бўлдим: халқимиз хунуклашиб кетган, қизларимиз қаримсиқ, йигитларимиз йигитга ўхшамайди... Нега? Негаки, маишат ёмон. Ҳусн ҳам оғиздан киради, деган гап бор. Болтиқбўйида йилига киши бошига 90 кг гўшт, 27 кг балиқ тўғри келади. Москвада – 120 кг, бизда – 8 кг. Россияда бир йилда киши бошига 90 кг мева-чева тўғри келади, меванинг кони бўлмиш Ўзбекистонда – 40 кг. Кўриб турибмизки, тафовут – ер билан осмонча. Бунга ким айбдор? Боғ-роғлари, ўтлоқларни бузиб, то эшигига қадар пахта эккан халқми? Давлат бир килограмм пахтага ўртача 60 тийин тўлаб, кейин ундан 60 сўм фойда олиши, ҳар килограммига ўртача 6 сўмдан тўланадиган пилла жаҳон бозорида 136 сўм туришини халқ қаёқдан билсин. Бир тонна карамга ҳам, бир тонна пахтага ҳам бир хилда – 500 сўм тўланишини

халқ ўйлаб ҳам ўтирмайди, чунки у ўйламасликка одатланиб қолган. Бу – даҳшатли ҳодиса... Биласиз, етмиш йиллик ҳайқиреқ-чақиреқларга қарамай, бизда миллий ишчилар синфи шаклланмади. Бир томондан халқимиз занжирбанд қилиб пахтага боғлаб қўйилди; иккинчи ёқдан, фабрика- заводларга ишчилар Россиядан оммавий равишда кўчириб келтирилди. Хуллас, биз ўзбеклар боши бир умр меҳнат-машаққатдан чиқмаган деҳқонлару чаласавод интеллигенциядан иборат бўлиб қолдик. Ҳар йили пахта теришни қўяверинг, ўн йиллаб қишлоқ ўқитувчилари қўлига кетмон бериб, тонна-тонналаб янтоқ чоптиришди. Врачларнинг қўлига белкурак бериб, чақирим-чақирим ариқ қаздиришди. Китоб ўқиш қаёқда! Физкультура-спортга вақт қани? Театр ёки кинога тушишни гапирмаса ҳам бўлади. Халқ пулини совуриб, «улуғлар» учун оромгоҳ-хилватгоҳлар қуришди, қишлоқларда халқ учун ҳаммом қуришни эса хаёлларига ҳам келтиришмади... Отига яраша тушови, деганларидек, маданий савиямиз шунга яраша бўлди.

Аҳмад Дониш таъбири билан айтганда: авомидан уламози, уламосидан авоми баттар бўлган халқимиз бугун... Минбарларга чиқсак, гапимизни эшитиб, бошқалар ҳолимизга кулади. Негаки, баъзан оддий мантиққа ҳам риоя қилмаймиз ёки риоя қилолмаймиз. Мисол керакми? Марҳамат. «Огонёк» журнали бизни «пахта қуллари» деб атади. Дод-вой кўтардик: ёлғон, туҳмат қилиясиз, биз пахта қуллари эмасмиз, ҳеч қачон қул бўлмаганмиз... Бизда пахта монокультураси бор, холос!.. Аммо оддий саводхон киши ҳам биладими, пахта монокультураси пахта ҳукмронлиги, деган сўз. Пахта ҳукмронлигини тан олиш эса – пахтага қулликни тан олиш дегани бўлади. Бу иккаласи – бир варақнинг икки саҳифаси. Бирига иқрор бўлиб, иккинчисини инкор этиб бўлмайди. Ҳукмронлик бўл-

ган жойда қуллик – қарамлик, қуллик – қарамлик бўлган жойда ҳукмронлик бўлиши муқаррар... Улар бири иккинчисиз яшай олмайди. Бу – оддий мантиқ. Биз эса ана шу оддий мантиққа етолмай, ўзимизни ўзимиз рад этиб, иттифоққа кулги бўлиб ўтирибмиз.

«Правда Востока» газетасида С.Турсунов деган кимсанинг мақоласи босилиб чиқди. Унда қай бир бекатнинг номини фақат ўзбекча эълон қилган троллейбус ҳайдовчиси миллатчидан олиб, миллатчига солинади ва ҳаттоки унга турманинг эшиги ҳам кўрсатиб кўйилади. Ҳа-да ўзбек тилини тушунмайдиганлар, пойтахтимиз меҳмонлари бўлиши мумкин, уларни ҳурмат қилиш керак!.. Газетанинг даъвоси мана шундай. Мен кўплаб қардош республикалар ва хорижий мамлакатларда бўлганман. Аммо ўзимни Ўзбекистонда эмас, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Украина, Эстония, Россия, Польша ёки Грецияда эканлигимни ҳеч қачон унутганим йўқ. Тушунмаган сўзларимни маҳаллий халқ вакилларида сўраганман, тушунтириб беришган. Тузини еган тузлуғини аяйдим. Бу – инсонлар учун азалий одат. Буни ҳамма жойда табиий деб билишади, яъни, кўрқинчли жойи йўқ. Бизда эса аксинча: бекатни ўзбек тилида эълон қилган ҳайдовчи (эҳтимолки ўзбекчалаб «Эски Жува» дегандир) миллатчига чиқарилади ва ҳаттоки унга қамоқ билан таҳдид этилади. Бу учига чиққан маданиятсизлик эмасми? Бутун жумҳурият Орол денгизи тақдири учун ёниб, уни ҳаёт-мамот масаласи деб турганда «Правда Востока» да яна бир мақола босилди. Унда қуриётган денгиз ўрнида ўрмон ўстириш таклиф этилади. Бу жон талашаётган кишини шоша-пиша қафанга солишни эслатмайдими? Бу халқ туйғусини менсимаслик, унинг ярасига туз сепиш, унинг шаънини ҳақоратлаш эмасми? Биз ўзининг шаънини ерга урганни маданиятсиз, деймиз, лекин

Ўзгалар шаънини менсимаслик ҳам маданиятсизликка киради... Бултур «Правда» газетасининг 21 ноябрь сонида Отахон Латифийнинг «Тўғон» деган мақоласи босилди. Унда шундай сатрлар бор: «Қуриб бораётган Оролга зилзила туфайли денгиз сатҳидан 3300 метр баландликда пайдо бўлиб, Ўрта Осиё бошида қасос қиличидек муаллақ турган Сарез кўлини оқизиш айна муддао бўлур эди. Кўлда 17 миллиард кубометрдан зиёд сув йиғилган. Агар шундай қилинса, бирйўла икки муаммо ҳал этиларди: катта хавф-хатарнинг олди олинар ва Орол денгизи анча-мунча сувга тўларди». Биз Оролга Сибирдан сув кутамиз ёки боягидек унга ўлим ҳукмини ўқишга ошиқамиз, сув эса шундай ёнбошимизда, балки бошимиз устида турибди... Бу аниқ таклифга жумҳуриятимиз матбуотида бирор садо бўлмади. Мутахассисларимиз гўё қулоқларига пахта тикиб олишган... Хуллас, ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам бепарволигимиз, маданий савиямизнинг пастлиги оёғимизга уриб турибди.

– *Тил ва тарих муаммолари ҳам маданий савиямизга бир кўзгу эмасми?*

– Тўғри. Тил – халқнинг номуси, тарих – унинг қомуси, деб бекорга айтишмаган. Ленинча социализм қуриш принципларини оёқости қилган сталинча бюрократия бу соҳаларда ҳам катта зарар етказди. Узоқ йиллар давомида ҳамма халқлар қўшилиб, битта халққа айланади, барча тиллар бирикиб, битта умумий тил пайдо бўлади, деган сохта доктрина ҳукм сурди. Ҳолбуки, материалистик диалектика; дунёнинг чексизлиги унинг чексиз ранг-баранглигидадир, деб тушунтиради. Ранг-баранглик – ҳаёт аломати, якранглик – завол белгиси. Табиат қонунларига зид бориб, ҳаммамизни бир қолипга тикишмоқчи бўлишди. Нега? Чунки бюрократия учун миллат, миллий маданият, тил ва шахс деган тушунчаларнинг қиймати йўқ. Унинг

учун буйруққа шай бўлиб турган миллион-миллион омма ва ўша омма устидан ҳукмронлик қилиш гашти бор... Шундоқ экан, ҳамманинг қўшилиб-қоришиб кетгани яхши, ҳукм юритиш осон бўлади...

Машъум сталинизм ҳукмронлик қилган йилларда барча халқлар жабру жафо чекди. Бундан заҳматкаш ўзбек халқи ҳам бенасиб қолмади. Биз бир минг уч юз йиллик алифбомиздан айрилдик. (Уни сизники эмас, арабники дейишди. Мантиқни қаранг: бизга ўн уч аср хизмат қилади-ю, бизники бўлмай, фақат арабники бўладими?) Боболаримиз қўли билан битилган минглаб, ўн минглаб китобларимиз оловга отилди, ерга кўмилди. Юзлаб тарихий обидаларимиз бузиб ташланди. Буюк тарих, қадим маданият яратган халқни тўқсон саккиз фоиз бесавод эди, деб эълон қилишди. Агар шу гап рост бўлса, шаҳримиздаги юзлаб мадрасаларда кимлар ўқиган?.. Лекин биз уялмасдан ашула қилиб айтиб юрдик. Ким эдик тарихда бизлар номи йўқ, қашшоқ гадо... Ҳа-да, номи йўқ, қашшоқ гадода тарих ва маданият не қилсин!.. Шундай деб уқтиришди ва шунга ишонтирмоқчи бўлишди. Эътироз этганларнинг ҳолига маймунлар йиғлади. Юртимизнинг сеvimли ёзувчи ва шоирлари, атоқли давлат ва жамоат арбоблари қамалди, отилди, сургунга ҳайдалди. Турғунлик йиллари сиёсати бу жароҳатларни даволамади, баттар чуқурлаштирди. Ана шу маҳрумиятлар орасида халқимизнинг юрагига тош бўлиб чўккан нарса – тилимизнинг доимий камситилиши бўлди. Юқорида айтилган сохта доктрина таъсири остида ўзбек тилининг ҳаракат доираси чеклаб кўйилди, ҳукумат идоралари, бошқарув органларидан сиқиб чиқарилди, мактабларда ўзбек тили дарс соатлари кескин қисқартирилди, олий ўқув юртларида, филология факультетларини ҳисобга олмаганда, назардан четда қолдирилди. Тилга эътибор – элга эътибор,

дейди халқимиз. Тил камситилган жойда тарих ҳам таҳқирланади, дейди Карл Маркс. Хуллас, тилимиз ҳам, тарихимиз ҳам йиллар давомида таҳқир этилди.

Одамзот ўз умри давомида касб этган, инсон ҳуқуқлари декларацияси томонидан қайд қилиниб, жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган умумба-шарий ҳуқуқлар, қадриятлар бор. Улардан энг муҳуми – дунёдаги ҳар бир халқнинг ўз ерига суверенли-ги, ҳар бир тилнинг ўз тарихий ҳудудида эътибор ва нуфузга моликлиги, қонунийлиги ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқлар СССР Конституциясида ҳам қисман акс этган. Шунга кўра, Арманистонда – арман тилининг, Эстонияда – эстон тилининг, Латвияда – латиш ти-лининг, Литвада – литва тилининг давлат тили, деб эълон этилиши мутлақо табиий ва қонунийдир. Шу-нингдек, Россияда – рус тили, Украинада – украин, Белоруссияда – белорус ва бошқа жумҳуриятларда ҳам миллий тилларнинг давлат тили деб эълон эти-лишига астойдил тарафдормиз. Зеро, тенг ҳуқуқли жумҳуриятлар иттифоқи аввало тенг ҳуқуқли тиллар статусига суюнмоғи даркор. Шундагина ҳақиқий ин-тернационализм сўзда эмас, амалда қарор топади, адолат тантана қилади. Мен ана шу нуқтаи назардан ўзбек тилининг Ўзбекистон ССРнинг давлат тили, деб эълон этилишини мутлақо зарур деб ҳисоблайман. Бу тарихий адолатнинг тикланиши жумҳуриятда қайта қуришнинг жиддий ғалабаси ўлароқ, совет жамияти-нинг обрўсига обрў қўшган бўлур эди.

Ҳўш, ҳар бир тил ўзининг тарихий ватани, аза-лий кўрғонида алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлса, бунинг нимаси ёмон? Бу ўзини маданиятли деб ҳисобловчи барча инсонлар наздида икки карра икки – тўртдек табиий ва оддий ҳақиқатку. Наҳот-ки, социализм йўлида етмиш йил давомида чекилган заҳматлар, машаққатлардан сўнг ҳам ана шу оддий

ҳақиқатни англаб етмасак? Ёки уни англашдан ожиз қолсак? Бу – бутун дунё олдида уят, шармандалик эмасми?

Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон этилиши рус тилининг нуфузини пасайтирмайди. Баъзилар рус тилининг ҳам Ўзбекистон ССРнинг давлат тили деб эълон қилинишини таклиф этмоқдалар. Бу чуқур ўйланмаган, бирёқлама фикр. Бутун дунё бизни кузатиб турибди. Ҳали Россиянинг ўзида давлат тили деб эълон этилмаган рус тили Ўзбекистонда давлат тили деб эълон этилса, устимиздан кулишмайдами? Кейин мазкур масалада аллақачон қарор қабул қилиб бўлган арманлар, грузинлар, озарбайжонлар, молдаванлар, латишлар, литваликлар, эстонларни анойи санаб, ўзимизни оқил ҳисоблашимиз инсофдан эмас. Рус тили Россияда давлат тили бўлиб, Совет Иттифоқида миллатлараро тил бўлиб жаранглайверсин. Бошқа миллий тилларга илова қилиб, уларнинг ёнига тиркаб қўйиш билан уни камситмайлик.

Жумҳуриятимизда яшаётган ҳалол ва оққўнгил, маданий савияси юксак рус кишилари бунини тушунади ва қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламан. Бир халқ иккинчи халқни камситар экан, бу билан аввало ўз қадр-қимматини ҳам ерга уришини улар яхши билишадди. Мақсадимиз – тенглик ва бирлик. Тенглик бўлмаган жойда бирлик бўлмайди, бирлик бўлмаган жойда инсонлар ҳам, халқлар ҳам бахтли бўлолмайдилар, бахтсизлик ва фалокат рўй беради. Тилни яратган табиат, халқни яратган Ҳолиқ уларни тенг қилиб яратган. Ана шу олий ҳақиқатга бўйсунайлик. Ҳар бир тил ўз ери, ўз қўрғонида мағрур жарангласин.

– *Тарихни, маданий меросни ўрганиш масаласида фикрингиз?*

Биз тарихимизни билмаймиз. Мактаблар ва олий ўқув юртларида ўқитилаётган «СССР тарихи» – СССР

халқлари тарихи эмас, асосан, Россия тарихи. Бизда ўз халқи тарихини чуқур билувчи тарихчилар жуда оз. Тарихий, маданий меросимиз эса буюк, беқийёс. Гўё бобосидан улкан мерос олиб, ўша мерос қаршисида нафаси ичига тушиб, довдираб қолган меросхўрга ўхшаймиз. Улкан меросни бир салмоқлаб кўришга бизда на куч бору на иқтидор. Мутахассисларнинг айтишича, қарийб миллион нусхага яқин қўлёзмаларимиз жаҳон кутубхоналари бўйлаб сочилиб ётибди. Уларни қачон ўрганамиз? Ўзимизнинг Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмаларни қачон ўрганамиз? Насафий, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Аҳмад Дониш асарларини халққа қачон етказамиз? Бир неча йил олдин Девин Девис деган америкалик ёш олим билан учрашиб қолдим. XV асрда яшаган Камол Ҳусайн Хоразмийнинг «Кашфи худо» фалсафий асарини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилаётган экан. Унинг айтишича, қўлёзма ягона нусхада Фарбий Германияда сақланмоқда. Ҳадемай мазкур асарни инглиз тилида бутун дунё ўқийди. Қадимий тилимизда битилган ўша китобни биз қачон ўқиймиз? Минг йиллик алифбомизни ўрганмасак, нодир қўлёзмаларимизни аслида ўқий олмасак, тарих бизни кечирмайди, келажак лаънат айтади. Америкалик олим Эдвард Олворс ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаб, нашр эттирса, икки юз томдан ошишини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолганини ўзим кўрганман. Шундай катта юк Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ёлғиз бир бўлимнинг елкасига юкланган. Жумҳуриятда махсус фольклор ва этнография институти очиш фурсати етмадимикин?

Яқинда Бухорога йўлим тушди. Қадимий обидаларни зиёрат қилдим. Улар аянчли аҳволда, тутдек тўкилиб ётибди. Машҳур «Чор бакр» ни кўриб, кўзларимга ишонмадим: улуғ иморатлар улуғ вайронага айланиб-

ди... Суриштирсам, таъмир ишларига ажратилган пул жуда оз, етишмаяпти, дейишди... Бухоро зиёратига ҳар йили ўн минглаб хорижий туристлар келишади. Улардан тушаётган маблағ Москвада умумий қозонга солиниб, кейин Совет Иттифоқининг катта-кичик барча шаҳарларига барабар тақсимланади. Ундан Камчатка ёки Куриль оролларидаги шаҳар ёки шаҳарчалар ҳам бенасиб қолмайди. Бухорога тегадиган улуш – зиғирча... Бу машъум «уравниловка» – текисчилик сиёсатининг типик намунаси эмасми? Бундан қачон қутуламиз? Бухоронинг гази, тиллоси, қоракўли, пахтаси, пилласидан маблағ ортмаётган экан, лоақал Бухоро деб келаётганларнинг пулини ёлчитиб Бухорога сарфлаш жоиз эмасми? Инсофсизликнинг чегараси бор, ахир!..

Тарихни, маданий меросни ўрганишнинг бир чеккаси тил ўрганишга бориб тақалади. Бир неча тилларни билиш – бизга боболаримиздан қолган азиз мерос. Улар туркий тилдан ташқари, араб ва форс тилларини жуда яхши билишган. Ҳар бир тил – дунёга очилган алоҳида эшик. Ҳадеб битта эшикдан кириб-чиқавериш энди ярамайди. Бугун биргина ўзбек ёки биргина рус тилини билишнинг ўзи камлик қилади. Ўзбек зиёлиси етакчи шарқ тилларидан бирини ва яна етакчи ғарб тилларидан бирини билиши шарт. Лекин аввал асос – Она тили. Баъзан таниқли раҳбарларимиз, атоқли олимларимизнинг ўзбекча нутқларини эшитиб, хижолатдан ерга киргудек бўласан киши. Бу ёшларимиз учун аччиқ сабоқ бўлмоғи даркор... Бизнинг тилимиз – араб тилининг салобатю форсий тилнинг фасоҳатини ўзининг туркий шиддатига омухта қилиб олган тилдир. У инсон туйғуларининг энг нозик садоларидан тортиб, то жаҳон фалсафасининг ўта мураккаб муаммоларигача барча маъно ва тушунчаларни тиниқ ва ёниқ ифода этишга қодир. Бисоти ва тарихий тажрибаси бой барча тиллар каби гўзал

ва қудратлидир. Фақат меҳр ва парваришга муҳтож. Бунинг учун биринчи галда унинг қонуний ҳақ ва ҳуқуқларини таъминлаш зарур.

– Сиз Шекспирнинг бир қатор асарларини бево-сита инглиз тилидан таржима қилдингиз. Шу ҳақда ва ҳозирги ижодий ишларингиз тўғрисида жиндек гапириб берсангиз.

– Бир гал суҳбатда Олим Хўжаев сўз ўйини қилиб: «Шекспир – ҳаммамизга буюк пир» деганлари ёдимда. Дарҳақиқат, Шекспир ижоди – башариятнинг буюк дарсхонаси. Ақлимни танибманки, Шекспирни ўқийман. Бир неча йил чет эл адабиётидан, Шекспир ижодидан институт талабаларига дарс бердим. Кейин таржима қилишга киришдим. Шекспир сайланмасининг беш томлигини нашрга тайёрладим. Шекспир туфайли инглиз тилини ўргандим. Унинг «Ҳамлет», «Отелло», «Антоний ва Клеопатра», «Афиналик Тимон» асарларини инглизчадан таржима қилдим. Мазкур таржималар «Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясида нашр этилмоқда... Энди бошқа бир буюк сиймо ҳақида сўзламоқчиман. Бу – Мавлоно Жалололдин Румий. Гегель: мен диалектика ҳақидаги таълимотимни Жалололдин Румийга суяниб яратдим, деб ёзган экан. Шундан ҳам тасаввур қилаверинг. Радий Фишнинг «Жалололдин Румий» тарихий романи менинг таржимамда босилиб чиқди. Таржима китобхонларга манзур бўлди. Ҳозир ҳам қўлма-қўл қилиб ўқишяпти. Муболаға йўқ, ана шу китоб туфайли менга «Жалололдин Румий» деган янги дунё очилди... Шу кунларда шоирнинг машҳур «Маснавийи маънавий» асари таржимаси билан машғулман...

Суҳбатдош Носир МУҲАММАД.
«Ёшлик» журнали, 1989 йил, 4-сон

ДУНЁНИНГ САВОЛЛАРИ

Пайдо бўлдимми, бас, қаршимда қатор
Эшиклар тақа-тақ ёпилур фақат...
– Одамлар, ҳой, шошманг, сизда гапим бор,
Одамлар бир нафас сабру қаноат!..

Мен пул сўрамайман, сўрамайман мол,
Нон ҳам сўрамайман... Ошиқманг унча!..
Бир савол сўрайман, фақат бир савол,
Киши саволдан ҳам кўрқарми шунча?..

Талабалик йилларида мени «прокурор» деб аташарди. Лақабим шунақа эди. Масалан, биров келиб, боя кўчада икки киши жанжаллашиб қолди, деса, тамом, мендан балога қоларди. Дарҳол сўраб-суриштиришга тушиб кетардим: хўш, қанақа одамлар? Ёши, бўй-басти, юзи, қош-кўзи, кийими қанақа? Костюмининг тугмаси солинганми? Кўлида нимаси бор эди? Жанжал нимадан чиқди? Биринчи бўлиб ким дўқ урди? Кейин нима бўлди?.. Хуллас, хабарчининг энка-тинкасини қуриитардим, жўраларим устимдан кулишарди, калака қилишарди. Табиат экан, ёшим элликдан ошибдики, сўраб-суриштиришни яхши кўраман. Савол ёғдирганим-ёғдирган: ўзимга, ўзгаларга, дунёга...

Уйқу – ўлим, деб бекорга айтишмайди, яъни, ўлим машқи. Киши умр бўйи ҳар кеча ухлаб, ўлимни машқ қилади. Ва охир-оқибат бир кун уйқуга кетадию бошқа уйғонмайди. Бу гапни бир ерда ўқиганманми ёки ўзим ўйлаб топганманми, билмайман. Лекин ақидам шунақа. Шунинг учун ҳар тонг уйқудан уйғонганимга шукр қиламан... Шукр қилиб, дунёга ва сарвари кинотга салом бераман:

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ...

Сўнг ўзимдан секин ҳол-аҳвол сўрайман:

- Хўш, ўзларидан сўрасак?
- Шукр...
- Демак, насибада шу кун ҳам бор экан-да?
- Бор экан...
- Хўш, бу ёғи нима бўлади энди?
- Бу ёғи – қайта қуриш...
- Хўп, гапни айлантирмасдан, ростини айт-чи, шу қайта қуришга ишонасанми ўзи?

- Ишонаман ҳам, ишонмайман ҳам...
- Ийе, бу қанақаси бўлди?
- Шунақаси, ишонаман ҳам, ишонмайман ҳам...
- Бундоқ тушунтириб гапирсанг-чи?..
- Тушунтириб гапирсам, оғайни, ўзинг бундоқ ўйлаб қара: қайта қуришнинг раҳбари – партия ва унинг йўлига ғов бўлиб турган куч – бутун мамлакат бўйлаб томир отган маъмурий буйруқбозлик аппарати.

Шундоқми? Балли, энди шу бюрократик аппаратни синдириш ёки энг камида ундан ошиб ўтиш керак. Тўғрими? Баракалла. Хўш, ўша маъмурий-буйруқбозлик аппарати, дегани нима ўзи? Биринчи галда райком, горком, обком, яъни, партия органлари, шундоқ эмасми? Демак, бундан чиқдики, партия раҳбарлигида партиянинг маъмурий-буйруқбозлик аппаратини синдиришимиз, енгишимиз керак... Бу – менинг раҳбарлигимда менга қарши кураш деган сўз... Хўш, менинг раҳбарлигимда менга қарши курашга мен йўл қўярмидим? Аҳволнинг нақадар жиддийлиги ва нозиклигини пайқаяпсанми? Қайта қуришга ишонмаслигим, маъюслигимнинг сабабини энди тушунгандирсан? Энди қайта қуришга ишонаман, дейишимга боис шуки, унга ишонгим келади, ишонмасам бўлмайди, негаки бўлак чора йуқ... Ноумид шайтон, дейишади-ку, зора, инсофга келишса...

- Ким?
- Бюрократлар-да?

– Содда экансан. Бир ривоят эшитганман. Ривоят – мажоз...

Бировни бор дунёдан ажратиб, ўн йиллар чамаси қамоқда тутишибди. Атрофида қават-қават деворлар эмиш. Охири тутқуннинг сабри тугаб, эшикка ёпишибди. Бақриб-чақрибди, елкаси билан итариб, оёғи билан тепибди. Ногаҳон эшик очилиб кетибди... Қараса, қаршисида яна бир девор турганмиш, эшиги қулфлоглиқ эмиш. Уни ҳам бир бало қилиб очибди. Қараса – тагин бир девор ва тагин бир танбаланган эшик... Хуллас, ундан ҳам ўтиб, энг сўнгги деворга етибди, тепибди, боши билан урибди... бефойда!.. Эшик очилмабди... Ҳолдан тойиб, ўтириб қолибди. Бир пайт нафасини ростлаб, яхшироқ тикилиб қараса, қаршисида эшикмас, тутиш девор турганмиш... Фақат унга... эшикнинг суврати солиб қўйилганмиш. Шунда шўрликнинг кўксидан аччиқ бир фарёд отилиб чиқибди...» Дунё! – деб қичқирибди у жони ҳалқумига тикилиб. – Мени эшитаяпсанми, дунё!..»

– Ғалати ривоят экан... Аммо мен бундан ҳам ғалатисини биламан. Мана, эшит... 1965 йил. Ўзбекистон ССРга навбатдаги Ленин орденини топшириш учун Брежнев Тошкентга келади. Кундузи – расмий тантаналар, чапаквозлик, кечқурун олий совет боғида олий меҳмон шарафига шоҳона банкет, зиёфат. Қадаҳлар, табриклар... Бир пайт Брежнев кайфи ошиб, ўрнидан турибди-да, тикка юриб саҳнага чиқибди... Рақс тушаётган қизлар «дув» этиб тарқалишибди... Саҳнада ёлғиз Брежнев эмиш. Ҳамма жим, ҳамма ҳайрон... «Не истайди?.. Нима қилмоқчи?» Маълум бўлишича, у боя нутқ сўзлаганига қарамай, яна нутқ сўзламоқчи экан. Эндигиси – кайф устида...» Товариши, – дебди у дабдурустан, – «знаете ли вы, сколько у меня карманов?» Бундай саволни кутмаган бизнинг казо-казоларимиз жим қотиб туришаверибди... Шунда

Брежнев чўнтақларини битта-битталаб санай кетибди: – Вот карман... вот карман... верхний карман... задний карман... Сўнг яна саволга ўтибди:

«А знаете ли вы что, все мои карманы полным полно золота?..» Яна ҳамма жим тураверибди, одамлар «знаем» дейишга ҳам, «не знаем» дейишга ҳам ҳайрон эмиш... «Откуда это золото? – сўрашда давом этибди нотиқ ва ўзи жавоб берибди: Это – узбекистанское золото». Сўнг у кутилмаганда қизиқ якун ясабди: «Узбекистан есть золотой карман Советского Союза... Давайте же, товарищи, выпьем за золотой карман Советского Союза!» Шунда ҳамма «гурр» этиб ўрнидан туриб, қадаҳларни жаранг-журунг уриштириб: «За золотой карман Советского Союза!.. За золотой карман Советского Союза!» – дейишиб, баҳамжиҳатлик билан ичишибди...

«Ўзбекистон – Совет Иттифоқининг олтин тўла ҳамёнидир!»

Қойил!.. Бундан ошириб айтиб бўлмайди!.. Барака топкур Брежнев ўшанда мастлик – ростлик қилиб, гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолган экан-да... Хўш, нега энди биз буни ҳаммага эшиттириб, баралла айтмадик? Халқдан, жамоатчиликдан яширдик? Балки айтганимизда «Ўзбекистон – боқиманда, бировларнинг ҳисобига кун кўрувчи тирик товон» деган таъна-дашномларни эшитмасдик... Чала ҳақиқат – ёлғондан ёмон, деб шуни айтишадиди-да... Ҳа, чала ҳақиқат – ғафлатнинг уяси... Чала ҳақиқат эшитавериб, ғафлатга ботдик. Биз ҳалигача ўзимиз етиштираётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги асл нархларини билмаймиз. Тўғри, бир тонна пахта жаҳон бозорида 5 минг доллар, яъни, 30 минг сўм туришини Одил Ёқубовнинг шу йил «Ёш ленинчи» газетасининг биринчи январь сонидида босилган суҳбатидан билиб олдик. Лекин қорақўл-чи? Газ, олтин, мрамар-чи?

«Давлат монополияси» деб қўлимиздан қоқиб олиб кетишяпти. Мева ва сабзавотнинг жаҳон бозоридаги нархи нечук? Мен тасодифан пилланинг нархини эшитиб қолдим: бир килограмм пилла жаҳон бозорида 136 сўм баҳоланар экан. Жаҳон бозори нари турсин, бошқа республикаларда пилланинг қиймати қанчалигини ҳам яқин-яқингача айтишмасди. Эшитиб ҳайрон бўлиб қолдим: бизники билан қиёслаганда, орадаги тафовут анча-мунча...» мамлакатнинг етмиш фоиз пилласини бераётган Ўзбекистоннинг гуноҳи не экан?..» деб беихтиёр ўйлаб қоласан киши. Мана, ўзингиз солиштириб қаранг: бир килограмм аъло нав пилла: РСФСРда 28 сўм 50 тийин, Украинада – 24 сўм 75 тийин, Грузияда – 15 сўм, Молдавияда – 22 сўм 50 тийин, Қозоғистонда – 18 сўм 50 тийин, Ўзбекистонда эса 12 сўм 80 тийин.

Бир килограмм биринчи нав пилла:

РСФСРда – 24 сўм 80 тийин, Украинада – 21 сўм 95 тийин, Грузияда-13 сўм 50 тийин, Молдавияда – 19 сўм 50 тийин, Қозоғистонда – 15 сўм 50 тийин, Ўзбекистонда эса – 10 сўм 70 тийин.

Бир килограмм учинчи нав пилла:

РСФСРда – 13 сўм 30 тийин, Украинада – 11 сўм 55 тийин, Грузияда – 7 сўм, Молдавияда – 10 сўм 50 тийин, Қозоғистонда – 7 сўм 50 тийин, Ўзбекистонда – 6 сўм...

Хуллас, чала ҳақиқат – ёлғоннинг акаси, бўҳтоннинг укаси, деб бекорга айтишмаган. Чала ҳақиқат ғафлатга, дунёдан беҳабарликка бошлайди, ғофиллар, дунёдан беҳабарлар эса чала ҳақиқатларга ишониб юришаверади.

Аҳмад Дониш ўтган асрнинг охирларида: «Ўзидан ҳам, дунёдан ҳам беҳабар, авомидан уламوسي, уламосидан авоми баттар бўлган бу халқнинг бошига ҳали не кунлар тушгай...» деб кўз ёши тўккан эди.

Ундан бери орадан юз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бизнинг ўзимиздан ва дунёдан хабардорлигимиз не даражада? Ўзгариб қолдикми? Ўзимизни, ўзлигимизни таниймизми? Тарихимизни биламизми? Дунёдан нечук хабардормиз?.. Ўзимизни танисак, тарихимизни билсак, икки турк, икки мусулмон Фарғонада қон тўкишармидик? Ва бу фожианинг сабаб ва оқибатлари ҳақида айтилган ва айтилаётган чала ҳақиқатларга ишониб ўтирармидик?

Турклар билан ўзбеклар, қирғизлар билан тожиклар ўртасида қўзғалган низолар бировларга камлик қил-япти, шекилли. Яқинда Москвада «билим» жамияти фаоллари иштирокида ўтказилиб, марказий телевидение орқали кўрсатилган бир суҳбатда Трапезников деган олим ўйламай-нетмай «Қирғизистонда қирғиз тилининг давлат тили деб эълон этилиши Ўш шаҳрида яшовчи ўзбекларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклайди. Ўзбекистонда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон этилиши эса Самарқанд ва Бухорода яшовчи тожикларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситади», деб айтди. Бу Ўрта Осиё халқлари орасига низо – тафриқа солиш, уларни бир-бирига қарши гижгижлаш эмасми?.. Ҳолбуки, халқаро ҳуқуқда уч муқаддас тушунча бор: халқ ҳуқуқи, аҳоли ҳуқуқи, инсон ҳуқуқи... Номидан ҳам кўриниб турибдики, уларни тенг қўйиб бўлмайди, бирининг қаноти остида иккинчиси яшайди. Улар четлаб ўтиларкан, жанжал, тўполон чиқади. Биздаги жанжал, низоларнинг кўпчилиги ана шу ҳуқуқларнинг четлаб ўтилиши туфайли юз бермаяптими? Фарғонада йиллар бўйи маҳаллий ёшларнинг шаҳар корхоналарига ишга олинмагани – халқ ҳуқуқини четлаб ўтиш эмасми? Ўзбекистонда бир миллион ишсиз қаёқдан пайдо бўлиб қолди? Четдан келтирилган бир миллион ишчи ҳисобига эмасми? Ерли халқнинг ҳақ-ҳуқуқини назар-писанд қилмай, ҳадеб четдан ишчи кучи ташиб

келтиравериб, бугун мисли кўрилмаган ишсизлик балосига дучор бўлиб ўтирибмиз-ку... Демократия ва қонун чинакам қарор топган мамлакатларда халқ ҳуқуқига ҳам, аҳоли ҳуқуқига ҳам, инсон ҳуқуқига ҳам қатъий риоя қилинади. Бу ҳуқуқларнинг доиралари бир-бирини кесиб ўтмайди. Шунга кўра, Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар – Қирғизистоннинг ўзбек халқи эмас, ўзбек аҳолиси саналади ва қирғиз халқининг манфаатларига мос тушувчи қонунлар мазкур аҳолининг ҳақ-ҳуқуқини чекламайди. Худди шунингдек, Самарқандда яшовчи тожиклар – Ўзбекистоннинг тожик халқи эмас, тожик аҳолиси ҳисобланади ва ўзбек халқининг манфаатларига мос тушувчи қонунлар ушбу аҳолининг ҳақ-ҳуқуқларини камситмайди... Бу гаплардан москвалик олим наҳот беҳабар бўлса? Шуниси ғалатики, Трапезниковнинг бу «хиргойиси»га «Озодлик» радиосида ишловчи баъзи бировлар жўр бўлишди. Мазкур радиостанциянинг русча бир эшиттиришида айтилишича, Самарқанд ва Бухоро тожикларники эмиш... Надоматлар бўлсинки, бу гапларга ишониб, лақиллаб юрувчилар бор. Табиийки, улар ўзларидан ҳам, дунёдан ҳам ғофил, беҳабар. Масалан, Самарқанд ва Бухоро фақат тожикларники ёки бўлмасам, фақат ўзбекларники, дейиш учун камида тарихдан беҳабар бўлиш керак. Тарихдан озми-кўпми хабардор киши бу гапни айтмайди. Тарих эса, биламизки, роса чувалаштириб юборилган. Аммо фикри очиқ, ақлу идроки бутун киши учун унинг етакчи йўллари, асосий довлари «мана, мен!» деб кўзга ташланиб турибди.

Келинг, «Самарқанд, Бухоро аслида кимники?» деган масалани олиб қарайлик... Биламизки, Самарқанд – икки минг беш юз йилдан ортиқроқ тарихга эга бўлган шаҳар, Римнинг тенгдоши... Айтингчи, унинг қайси халққа тегишли ёки тегишлимаслигини тайин

этганда ана шу узоқ ва ҳудудсиз тарихини ҳисобга олмай бўладими?.. У жаҳон тарихига илк бор Турон пойтахти сифатида кирган. Маълумки, Турон – турклар мамлакати дегани... Самарқанд ўшанда «Семизкант» деб аталган. Афросиёб – Алп Эртонгли (ёки Алп Эртўнга) подшо бўлган.

Самарқандни шаҳар сифатида тарихга ва тарих орқали дунёга танитган биринчи маълумот – мана шу... Сўнг тизилишиб, замонлар кетидан замонлар ўтади. Навбат ўн тўртинчи асрга етади. Тарих саҳнасига Амир Темур чиқади. У «Турон султони – Темур» деб ўзига муҳр ўйдиради, Самарқандни пойтахт қилади, шаҳарни бошдан-охир қайтадан қуриб, овозасини оламга таратади. «Самарқанд – сайқали рўйи замин» деган таъбир ўшанда пайдо бўлади. Темур ва темурийлар (масалан, Мирзо Улуғбек) тарих китобида Самарқандга иккинчи нафас бағишлайдилар. Улар қурдирган иморатлар ҳамон шаҳарга ҳусн ва ҳашамат бағишлаб турибди. Самарқанднинг учинчи бор 1924 йилда пойтахт бўлиши – бунга илова. Бу тарихий фактларни истисно этадиган бўлсак, у ерда биз талашадиган нима қолади? Хуллас, Самарқандсиз Турон тарихини тасаввур этиб бўлмайди. Лекин бу билан мен Самарқанд – фақат туркийларники, ҳозирги таъбир билан айтганда, ўзбекларники, демоқчимасман. Самарқанд – ҳаммамизники, туронийларники. Туронийлар – фақат туркийлар эмас, аслан форсий забон бўлса-да, тарихий-жуғрофий шаклланиш эътибори билан тожиклар ҳам туроний қавм, яъни, Турон замин фарзандлари, Эрондамас, Туронда шаклланган халқ... Самарқандни боболаримиз елкама-елка туриб, баҳамжиҳат бунёд этишган: бири лой қорган бўлса, бири ғишт узатган ва елкама-елка туриб душманлардан ҳимоя қилишган. Бугун уни бўлишиб ўтиришга ҳожат йўқ...

Бухоро хусусида ҳам шундай. Ўзим бухоролик бўлганим учун бу тупроқнинг тарихини бир оз биламан. Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Муҳаммад Нишопурийнинг «Ҳазоинул-улум» асарларида Бухорога доир қадим маълумотлар бор. Уларда айтиладики:

Бухоро тупроғи бошда қамишзор, тўқайзор ерлар эди. Туркистон томонидан келган қавмлар бу жойларни обод айлаб, шаҳар барпо қилишди. Турклар подшоси Қоражўриннинг ўғли Бухоро шаҳристонини бунёд этди. Араблар ҳужум қилганда Туркон хотун Бухорода подшо эди. Табарий уни «Кабаж хотун», эрини «Бидун» деб атади. Бидун ҳозирги арк устида етти оғайни юдузлари шаклида қаср қурдирди...

Араблардан сўнг подшолик сомонийларга ўтди. Тарихдан маълумки, сомонийлар ота томонидан – эроний, Сиёвуш авлодига, она томондан – туроний, Афросиёб қизининг зурриётига бориб туташади. Уларнинг салтанатига форсийлар қанча ворис бўлса, туркийлар ҳам шунча меросхўр. Сомонийларнинг суянчиғи – турк қўшини бўлгани, улар шу қўшинга суяниб, давлат бошига келгани ва мамлакатни идора этгани бежиз эмас. Сомонийлардан сўнг Бухорода минг йиллар давомида – то кечаги кунга қадар салтанат қурган сулолаларнинг ҳаммаси туркий: ғазнавийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар... Хўш, айтинг-чи, халқсиз салтанат ёки салтанатсиз халқ бўладими? Ажабо, минг йиллар кўйи туркий султонлар Бухорода салтанат қуришган экан, туркийларгамас, фақат тожикларга суянишганми? Шундоқ деб ўйлаш мантиқсизлик ёки анойилик эмасми?

Бунинг устига, Бухорони жаҳонга машҳур қилган қадим иморатлар, осори атиқаларни қурдирганларнинг номлари тарих саҳифаларига битта-битталаб ёзиб қўйилган, уларни ўчириб бўлмайди. Масалан,

Бухоронинг рамзи бўлмиш, ҳозир Минораи Калон деб аталаётган обиданинг асл тарихий номи – Арслонхон Қорабуғраҳон минораси... Чунки уни подшо Арслонхон Қорахоний қурдирган. Тоқи Заргарон, Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон гумбазлари, кўплаб тим ва мадрасаларнинг бунёдкори – Абдуллахон Шайбоний... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин... Тагин боягидек савол туғилади: ана шу тарихий қийматлар истисно этилса, Бухорода нима қолади? Тап-тақир ер...

Маълумки, тап-тақир ернинг биринчи эгаси ўзбек ҳам, тожик ҳам бўлмаган – Одам Ато бўлган...

Энди Бухоро шаҳрида кўпроқ тожикча гапирилиши масаласига келсак, бунинг ҳам маълум сабаблари бор. Аввало бу ерда фақат тожиклар эмас, ўзбеклар ҳам тожикча гапиришади (Асрлар давомида Бухородаги ўнлаб мадрасаларда таълим-тарбия анъанавий араб ва форс тилида олиб борилганини унутмайлик). Кейин шаҳарда эронийлар, маҳаллий яҳудийлар, лўлилар ҳам яшайди, уларнинг тили ҳам тожикий. Мана шулар туфайли бу ерда тожикча сўз қулоққа бир қадар кўпроқ урилади... Энди ўзбекларнинг шаҳарда бирмунча камайиб кетиш сабабларини ҳам айтиш керак. Инқилоб йилларида ўн минглаб оилаларнинг Бухорони тарк этиб, хорижга кетишганини кексалар ҳали-ҳамон эслашади. Уларнинг авлодлари ҳозир Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Саудия Арабистони, Туркия каби мамлакатларда яшаб туришибди... 1937 йилда Файзулла Хўжаев «халқ душмани» деб эълон этилгач, ўрта ва қуйи табақаларга мансуб яна ўн минглаб кишилар уларнинг «думи» ҳисобланиб, машъум «тройка» воситасида қириб ташланди... Омон қолганларнинг бир қисми қишлоқларга қочди.

Бу жабру жафоларнинг асосий оғирлиги, маълум сабабларга кўра, яна ўзбекларга тушди...

Ўзбеклар билан тожиклар – азалдан эту тирноқ, жону жигар..

Ўтмишда қайсидир бувиси тожик бўлмаган ўзбекни топиш қийин. Ёки қайси бир бобоси ўзбек бўлмаган тожикни ҳам топиш маҳол... Қонимиз қонимизга, жонимиз жонимизга тутатиб, чатишиб кетган.

Инқилобдан олдин ҳеч ким «Бухоро ўзбекликими ёки тожикликими?» деб сўрамаган. Шундай савол бериш беъмаънилик, уят, ҳаттоки гуноҳ саналган. Зеро, халқ орасида «Ўзбекмисан ёки тожикмисан?» деган гапнинг ўзи бўлмаган. Ўзбеклар тожикча, тожиклар ўзбекча гапиришаверган... Ажралиш, ажратиш кейин пайдо бўлди. У ҳам кўпчилик халқ ўртасида эмас, бир ҳовуч калтабин кишилар орасида. Сувни ҳозир лойқалатиб юрган ўшалар... Бухоролик бир қариянинг афсус-надоматлар чекиб, айтгани ёдимда:

*Буд замоне, мо ҳама муслим будем,
Шуд замоне, ўзбегу тожик шудем...*

Яъни: бир замонлар ҳаммамиз мусулмонлар эдик, энди ўзбегу тожик бўлиб қолдик...

Гапнинг хулласи, Бухоро ҳам, Самарқандга ўхшаб – ҳаммамизники. Эскичасига айтганда – туронийларники, янгичасига айтганда, Ўрта Осиёликларники. Бугун бу ёқ – Ўзбекистон, нари ичиёқ – Тожикистон деб аталаётган экан, бу – замоннинг зайли. Ўзбеклар Тожикистонда ўз она юртида яшаётгандек, тожиклар ҳам Ўзбекистонда бегона тупроқда эмас, ўз она юртида яшайди. Юрт талашини бизга ярашмайди. Боболаримиз юрт талашмаган. Амир Темур ўзининг олий фармонларини ҳаммиша «Менинг турк ва тожик уламоларим», деб бошлаган. Ана шунини эсга олайлик ва шунга содиқ қолайлик.

Маълумки, Қозоғистоннинг Чимкент ва Туркистон, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Ўзган, Тожикистоннинг Хўжанд ва Душанбе, Туркменистоннинг Чоржўй ва Тошҳовуз шаҳарларида ўзбеклар кўп яшайди. Фараз қилинг, шуни дастак қилиб, баъзи бировларга ўхшаб, орти-кетини ўйламай, биз ҳам «Шу шаҳарлар сизникимас, бизники!» деб оёқ тираб олсак, оқибати нима бўлади? Бутун Туркистонни низо – нифоқ оловлари қуршаб олмайдими? Бу баъзи бировлар учун айни муддао эмасми?.. Йўқ, биз бу йўлдан бормаимиз, қозоқлар ҳам, қирғизлар ҳам, тожиклар ҳам, туркманлар ҳам – бегона эмас, битта тупроқда азалий униб-ўсган, ўз туғишган биродарларимиз. Улар билан ҳеч нарсани талашмаймиз, ҳамиша бирлашиб яшаганмиз, бирлашиб яшайверамиз. Биз дунёдаги барча инсонлар билан қўлни қўлга бериб яшашни хоҳлаймиз. Жумладан, чет эллардаги ўзбек муҳожирлари билан ҳам яхши маданий - иқтисодий алоқалар ўрнатишни, борди-келди қилишни истаймиз. Зеро руслар, украинлар, яҳудийлар, арманлар, эстонлар, латишлар, грузинлар шундай қилишмаяптими? Улар хориждаги қавмлари билан самимий, инсоний муносабатлар қуришяпти. Ҳаттоки, оқ гвардиячи генерал Деникиннинг кундаликларию Керенскийнинг китобини чоп этишга ҳозирлик кўришяпти. Бу – замон талаби, янгича тафаккур тақозоси, яъни, ўз-ўзича равшан бир ҳақиқат. Лекин...

Шу йил январь ойида «Совет Ўзбекистони» газетасида Дарвеш Али имзоси билан бир мақола босилди. Унда бултур сентябрь ойида Истанбул шаҳрида туркистонлик муҳожирларнинг бутундунё қурултойи ўтказилгани хабар қилиниб, қурултой қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари танқид этилади. Муҳолифлар билан баҳс-мунозара юритиш, уларнинг номаъқул фикр-мулоҳазаларини танқид этиш даркор. Бу – та-

бийи. Зотан улар: «Туркистонни озод қилиш керак!» деб энди айтишаётгани йўқ. Бунга ўхшаш гапларни бугун муҳожир руслар ҳам, муҳожир украинлар ҳам, муҳожир арманлар ҳам, муҳожир эстонлар ҳам айтишаяпти. Масала бунда эмас. Дарвеш Али ана шу баҳонада «пантуркизм» деган эски матоҳни яна майдонга сурибди. Масала шунда. Ўқидиму сесканиб кетдим... Пантуркизм – биз учун, тарихимиз учун қонли сўз, қора тамға!.. Бу – туркий халқларнинг бирлашиб, келажакда бутун дунёга ҳукмронлик қилиши, деган маънони билдиради. Мактаблар, олий ўқув юртларида бизга шундай деб ўқитишган. Ўнинчи, йигирманчи йилларда баъзи бировлар шу сўз билан дунёни қўрқитмоқчи бўлишган, ўттизинчи йилларда шу тамғани босиб, шу айбнома билан минглаб, ўн минглаб инсонларнинг ёстиғини қуритишган. Ўша жиноятлар учун ҳали жавоб беришгани йўқ, ҳали жазо ҳам олишгани йўқ... Шуниси ғалатики, ўшанда ҳам матбуотда – «Туркистанское ведомости» ва «Туркистанский курьер» саҳифаларида «Дарвеш Али» деган кимса фаоллик кўрсатган. Ҳозирги Дарвеш Али ўшанинг набираси эмасмикин? Майли, гап бунда эмас. Масала, боя айтганимдек, пантуркизмда, яъни, туркий халқларнинг бирлашиб, келажакда дунёга ҳукмронлик қилиши хусусида. Хўш, айтингчи, ҳозир ақлга сиғадиган гапми шу? Магар Туркия билан Туркистон халқлари, бошқа халқларга ўхшаб, ўзаро яхши муносабатлар ўрнатишса, бу нарса дунёга таҳдид соладими? «Араб дунёсида нима гап?» деб ёзамиз, бу «панарабизм» саналмайди-ю, лекин «турк дунёси» десак, бу «пантуркизм» бўладими? «Панславизм» деган сўз-ку кўпдан ишлатилмайди. Кечаги кунга қадар «Сионизм – бугунги фашизм» дейиш одат эди. Энди бу сўз ҳам оқланди, Москвада сионистларнинг ташкилоти тузилиб, кўплаб маданият арбоблари унга

аъзо бўлиб киришди, бу ҳақда «Правда» газетаси хабар берди...

Хўш, шундай шароитда, бутун дунё халқлари қўлни-қўлга бераётган ҳозирги кунда «пантуркизм»ни яна ўртага солиш жоизмикин? Панславизм, панарабизм, паниранизм ва ниҳоят, пансионизм эскирганда, пантуркизм эскирмадими? Такрор айтаманки, бу сўз бировлар томонидан тўқиб чиқарилган ўлик тушунча, кўп йиллар давомида туркий халқларни бир-биридан айиришга хизмат қилган қурол. Баъзи кимсаларнинг номаъқул гаплари учун уни тагин яланғочлаш халқаро дўстликка, мамлакатлар ўртасидаги яхши муносабатларга хизмат қилармикан?.. Табиатда тош тошга, қуш қушга интилади.

Жамиятда инсон инсонга, халқ халққа талпинади. Бутун дунёда руслар – русларга, арманлар – арманларга, яҳудийлар – яҳудийларга, эстонлар – эстонларга интилаётган шу кунларда туркий халқлар ҳам бир-бирига интилса, не ажаб... Газеталарда «пантуркизм» деб ёзаверсак, шу сўз билан ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам кўрқитаверсак, халқимизни бундан ҳам кўпроқ маҳдудликка, дунёдан беҳабарликка маҳкум этмаймизми? Шусиз ҳам дунё илгарилаб кетди, биз орқада қолдик. Умр бўйи чала ҳақиқатларни айтиб келганимиз учун орқада судралиб юрибмиз. Бугун иқтисодий тараққиёт бўйича 69-ўринда, узоқ умр кўриш бўйича 59-ўриндамиз. Мана, йиллар бўйи ҳар турли «изм» ларни такрорлайвериб, биз қўлга киритган натижа!..

Дунёнинг саволлари мени қуршаб олади...

Дунёнинг саволлари мени қийнайди...

Улар бутун мамлакат устига ёприлган...

Айниқса, Туркистон устида уларнинг булути қуюқ... Қорайган, кўрқинч булутлар – аламли, аччиқ савол-

лар... Улар – менинг юрагимда. Мана, эшитинг... Зулфия – тоғамнинг тўнғич қизи эди. Эрталаб сизир соғайтганда самолёт устидан заҳар қуйиб ўтди. Уч кун деганда сизири, уч ой деганда ўзи ич-бағри чириб ўтди. Олти бола, олтига жўжабирдай жон чирқиллаб, етим бўлиб қолди... Аэропортда ўлим телеграммасини кассир хотинга узатдим, «Менга нима?» деб юзини тескари ўгирди... Не машаққат билан қишлоққа етиб борсам, қариндошлар айтиб беришди: Зулфияни чиқаришайтганда обкомда ишлайдиган бир амалдор тасодифан айланиб келиб қолибди. Бир оз кайфи бор экан... «Одамлар иш пайтида нега далада эмас, бу ерда тўпланишиб турибди?» деб дўқ урибди... Мен буни қандоқ унутай? Бу – жиноят, бу – қабоҳат, бу – ҳақорат эмасми?.. Ахир, бу...

– Эй, майда-чуйдасини қуйиб, катта-каттасини гапирсанг-чи...

– Майли! Аввалги ўн йиллар давомида устимизга ёпирилган ҳақсизликларни айтмай қўя қолай, сўнги ўн йилликда чекилган кулфатларни айтай... Майда-чуйдасинимас, катта-каттасини... Мана, улар: Орол денгизининг қуриши... Болаларнинг ялпи ўлими...

Хотин-қизларнинг ўз-ўзини ёқиши... Халқимиз устига аёвсиз сепилган заҳар-заққумлар... Ерусти ва ерости сувларининг заҳарланиши... Касалликлар... Беҳисоб майиб-ногиронлар... Хазон бўлган саноқсиз умрлар... Емирилиб бораётган обидалар... Тарихимизга доир тўқиб-бичилган ёлғонлар... «Ўзбеклар иши» қабилидаги бўҳтонлар, Гдлян, Иванов гуруҳи томонидан халқимизнинг ялпи қирғин – геноцид қилиниши, Фарғонада икки қардош халқ орасида шармандали хунрезликнинг ташкил этилиши... Бу ҳам етмагандек, «боқиманда» деб камситишлар, «боласи кўп» деб айбситишлар... Гўё Москванинг ўзида порахўрлар йўқдек, Москва телевидениеси орқали «порахўр ўзбеклар»ни дунёга

достон этишлар... Бир халқнинг бошига озмунча офат, озмунча фалокатми бу!..

Тилимга сўнги савол келади:

– Бу офат, бу фалокатлар учун ким жавобгар?..
Ҳеч кимдан садо чиқмайди...

– Айтинг, бу саволлар учун ким жавоб беради?..
Ҳеч ким чурқ этмайди, кимдир томоқ қириб, йўта-
лади, яна жимжитлик.

– Ким жавоб беради, деяпман?!


Биров ғулдурайди, яна сукунат...

Тушунаман, одамларга бу гаплармас, гўшт, картош-
ка, совун керак. Аммо менинг ҳам бошқа иложим
йўқ. Беихтиёр бошимни деворга уриб, қичқиргим,
фарёд солгим келади:

– Ҳой, дунё!.. Мени эшитяпсанми?.. Мен ҳам ин-
сонман, Одам наслиданман, ахир! Мен ҳам шу дунё-
га умид билан келган халқман! Бу қабоҳатларнинг
чеки борми?.. Инсоф борми ўзи?.. Шунчаликка ҳам
борадими?

Мени эшитяпсанми, дунё!..

«Ёшлик» журнали, 1990 йил, 6-сон



СЛОВА, СЛОВА, СЛОВА...*Письмо в «Правду»*

Прочитал обзор писем «Уснувшая совесть» от 12 февраля с.г. и на душе стало тяжело и муторно... Такое ощущение, что тебя и бьют, а жалеют, ох, ты бедный!.. Ох, ты несчастный!..

Москвич П.Баженов пишет, что в хозяйствах Узбекистана немало хлопкоуборочной техники, которая используется довольно плохо, среди взрослого мужского населения много бездельников. Почему их не привлекают к труду? Почему они долгие месяцы болтаются по рынкам, магазинам Москвы, Ленинграда, других городов, в то время на хлопковых плантациях трудятся дети?

Позор!..

Да, действительно позор! Но давайте вникать в суть: в чем дело? Неужели узбекистанские глупые и бездушные люди? Сначала о технике. Как утверждают специалисты, наши хлопкоуборочные машины находятся еще на уровне 30-годов. От них больше вреда, чем пользы. Поэтому везде они стоят. А где работают – там низкое качество хлопка и низкая оплата... Теперь о наших мужчинах, которые якобы бездельничают, болтаются долгими месяцами по рынкам и магазинам Москвы, Ленинграда и других городов... Не знаю как теперь в России, у нас испокон веков груз семейного бюджета лежит на плечах мужчины. Он должен материально обеспечить семью. Теперь представте себе плата за сбор одного килограмма хлопка – 3 копейки. Если человек за день собирает 30 кг, получает 90 копеек, в месяц – 27 рублей. Если он ежедневно собирает по 60 кг, в месяц получает 54 рублей. Разве на эти деньги можно прокормить семью? Вряд ли. Вот почему они

болтаются (вернее, вынуждены болтаться) по рынкам и магазинам Москвы, Ленинграда и других городов, когда их дети собирают хлопок...

А вы можете спросить: почему так мало платят за сбор хлопка? Слишком занижена закупочная цена хлопка – сырца государством. Это бич и беда нашего народа. Народ, десятилетиями ждет, когда же наконец повысят цену на хлопок? Сколько говорили об этом, сколько написали. Всё без толку, все напрасно. Говорят, Москве не выгодно повесить цену на хлопок... Посудите сами: за килограмм хлопка колхоз получает в среднем 60 копеек, который для государства потом превращается 60 рублей... На мировом рынке один килограмм коконов оценивается в 136 рублей, а нашим труженикам платят за этот же килограмм в среднем 6 рублей.

Сравните: от килограмма хлопка государству – 60 рублей, колхознику – 60 копеек; от килограмма коконов государству – 136 рублей, колхознику – 6 рублей... Не грабеж ли это? Грабеж.

В Москве знают об этом? Знают. Но молчат – вот в чем вопрос... Говорят, 70 процентов нашего хлопка уходит на экспорт за валюту... А валюта нужна нам для закупки импортного зерна...

Россия, которая простирается от океана до океана, не может обеспечить страну хлебом. Не только хлебом, даже картошкой. В этом году заключены странные договора: теперь наши колхозники должны ехать в Россию, чтобы там сажать и выращивать картофель.

Мол, если вам нужна картошка, приезжайте выращивайте сами?..

А то, что мы даем хлопок, шелк, каракуль, овощи, фрукты, газ, золото и многое, многое другое – не в счет... Разве это не позорно?


Товарищ Н.Бажанов, вы пишете о наших бездельниках, которые болтаются у вас. А вы приезжайте хотя бы в наш Ташкент.

И вы увидите, сколько болтаются по базарам и магазинам нашей столицы ваши земляки, т.е. россияне. Эти – бывшие крестьяне, жители тысячи и тысяч заброшенных деревень в России. Из-за них везде очереди, толкотня и ругань. Не пора ли вернуть их домой, чтобы они занимались там настоящим трудом – выращиванием хлеба и картошки.

Рабочий из Гомеля пишет: «...В нашей стране единственный привилегированный класс – это дети... Да кто же посмел отправлять школьников на поле, насыщенное вредными химикатами?»

Товарищ А.Новиков, может у вас в Белоруссии дети – особый класс, но у нас, в Узбекистане давно и отцы, и дети – хлопкоробы. Об этом справедливо писал «Огонек». Об этом не раз писала «Правда», хотя она не назвала нас хлопкорабами... Но как сказал однажды Гамлет, все это пока – слова, слова, слова...

*Джамал КАМАЛ,
Член Союза писателей СССР*



«МАРҲАБОЛАР, АФАНДИМ, БУРАСИ – ИСТАНБУА!..»

Тун. Боғ этагида анҳор шовуллайди. Супада ётибман. Осмон тўла юлдуз. Тасаввур этаман: ана шу юлдузли осмон ёйилгандан ёйилиб, ҳозир Боку устида ҳам, Истанбул узра ҳам ярқираб ётибди... Тоғдек улкан Султон Аҳмад жомесининг ҳайбатли гумбази, адил, инжа миноралари ўша юлдузларга тегай-тегай деб турибди... Ўша юлдузлар Босфорнинг қорамтир, мовий тўлқинларида чўмиб-қалқиб «ялт-юлт» этиб сузишади... Худди болалар оқизоқ қилиб ўйнаган беҳисоб кумуш олмалардек... Бўғознинг ўнг соҳилидаги иморатларда чироқлар ўчган. Хув қорайиб кўринган дераза – Шайхи бузург Иброҳим Ҳаққийнинг дарчаси. Ўша дарча ёнида ҳозир буюк шоирнинг кенжа набираси ухлайди. Балки у ухламагандир, юлдуз тўла кўкка термилиб ётгандир...

Мен хаёл кучи билан бир зумда етишган ана шу шаҳарга «етсам» деб ўттиз йил йўл босдим. «Истанбулни кўрсайдим» деб илк бора орзу қилганимда йигирма бир ёшдайдим... Орадан шунча йиллар ўтди. Ўлмаган банда орзусига етар экан. Лекин тайёра Отатурк тайёрагоҳига қўниб, оёғим турк тупроғига тегмагунча ишонмадим.

Мана, ниҳоят, тайёрамыз эшиги кичик коридорга очилди. Унинг охирида гумрук – божхона. Туркияни кашф этиш шу ердан бошланди. Биз тайёрадан туриб улгурмасданоқ жомадон – бовулларимиз ҳалқачеврамда айланиб турибди... Ажабо, қачон улгуришди экан? Бизда бу ишга соатлаб вақт кетади. Жомадонни олиб, гумрукка юрдим. Олдимда, ортимда – яҳудийлар, арманлар, ўрислар... Гумрук хизматчиси, форма кийган турк қизи мусофирларнинг анкеталари билан танишмоқда. Анкетада учта савол бор: кимсан, қа-

ерликсан, машғулотинг нима... Навбат менга етганда, қиз ҳайратланиб боқди ва ёнида турган бошлиғига ўгирилиб секин деди:

«Тошкентдан галмиш...» Бошлиқ – офицер менинг анкетамга кўз югуртирди-ю юзлари бирдан ёришиб кетди: «Тошкентдан галдинизми?.. Буюринг, бей афандим, марҳаболар!..»

Нарида турган бошқа гумрукчи ҳам чиқадиган эшикни кўрсатиб, илтифот этди: «Марҳаболар афандим, бураси – Истанбул». Аммо эшик берк... Қўлимда жомадон, елкамда сумка – туркчаси – чанта, секин юриб боряпману ўзимча ўйлайман: «Ҳадеб марҳаболамасдан, эшикни очсаларинг-чи...» Аммо, қизиқ, мен яқинлашарканман, эшик ўз-ўзидан очилиб кетди... Кейин билсам, Истанбул тайёрагоҳи эшиклари яқинлашган инсон ҳарорати таъсирида ўз-ўзидан очилар экан. Ташқарига чиқиб, атрофга кўз югуртирдим. Кутиб олувчилар орасида соқолли киши кўринмади. Мени Туркияга даъват этган шоир, таржимон дўстим сувратига кўра соқолли эди. Шу пайт биров «Гал, жоним, гал!..» деганча қучоқ очиб, кулиб келаверди. Танидим. Фирот Қизилтуғ!.. Қучоқлашдик.

– Хуш галдин!..

– Саломат бўл!..

– Насилсан?..

– Ташаккур!.. Аммо соқолинг қани?..

– Сенинг ташрифинг шарафига қурбон этдим уни... Кулишдик.

Кулишдик.

– Бир оз шошилибсан-да...

Фирот нима демоқчи эканлигимни англади, елкамдан қучиб, далда берди:

– Кўркма, ёлғиз қолмайсан, бураси – ўз уйинг...

Аввал таксига, кейин кемага ўлтириб, Босфор бўйлаб Фиротнинг уйига жўнадик. Мовий денгиз... Кўк узилиб ерга тушган дейсиз... Қаёққа қараманг,

денгиз оша муҳташам иморатлар, жомеларнинг юксак миноралари... Оқ кема зумрад тўлқинларни кесиб, енгил чайқатиб сузади. Сув сатҳи кумуш кўпиклар билан қопланиб, қуёшда ярқираб кўринади. Кўзни қувонтирувчи, юракни ҳаприқтирувчи ажиб манзаралар!..

Фирот Қизилтуғ – шоир, бастакор, эллик беш ёшда. Фанар йўлчи сўқоқ, Салжуқ апартаментида яшайди. Етти хонали уйи бор. Хотини Ойшагул – уй бекаси. Ўғиллари: Ўғизхон дорилфунунда, Чори лицейда ўқийди. Фирот Истанбулдаги Отатурк номидаги турк культур маркази оркестрида уд чалади. Ҳар ойда тўрт миллион лира, яъни бир ярим минг доллар чамаси маош олади. Турмуши тўкин, маишатдан камчилиги йўқ.

Манзилга етиб боришимиз ҳамон уй бекаси салом-аликдан сўнг табассум ила сўради: «Афандим, не истаюрсиниз, қаҳвами, чойми, мева суйими, айронми?» Таъкидлаб кўрсатишимнинг боиси шуки, бу Туркияда ҳар қадамда учрайдиган бир таомил экан. Мен, албатта, ўшанда чой сўрадим. Аммо кейинчалик нукул айрон ичдим. Махсус фабрикада тайёрланиб, пластмасса қутичаларга қуйилган, найча билан сўриб ичиладиган турк айрони чинданам роҳатижон, десам, ишонинг. Ҳар гал мен чой, қаҳва ёки мева сувини танламай, айрон сўраганимда, мезбонлар завқланиб кулишади: «Табиий, турк айрон ичар...»

Биз Фирот билан биринчи кунданоқ шеър баҳси, ижод дардига шўнғиб кетдик. У менинг «Умидли дунё» китобимни варақлаб, ўзи таржима этган ёки этмоқчи бўлган шеърларни кўрсатди, айрим сўз ва ибораларнинг маъноларини суриштирди. Лекин ҳадемай телефон жириглаб, суҳбатимизни кесди, шу-шу бизга тинчлик бермади.

«Алло!.. Марҳабо, афандим... Бураси – «Таржимон» газетаси... Интервью олмоқчи эдик...»

«Ассаломалейкум, ватандош!.. Хуш келибсиз!.. Бир пиёла чойимиз бор эди...»

«Мюнхендан, «Озодлик» радиосидан... Темур Хўжаман... Икки соатдан сўнг ҳузурингизда бўламан...» Дарвоқе, икки соатдан сўнг кулимсираб кириб келди. Қирқ уч ёшли, ўрта бўйли, хушсуврат, ширинсўз йигит. Бухоро халқ жумҳурияти раиси Усмон Хўжанинг Туркияда туғилган ўғли. Филология фанлари доктори. Онаси Ҳакима ая Истанбулда, ўзи, хотини Нигор хоним, қизлари Нурхон ва Чўлпон ила Мюнхенда яшайди. Темурга қарайману, ичимда ҳайрон қоламан: нақ икки соат деганда неча бир мамлакатлардан ошиб, Олмониядан Туркияга етиб келса-я!.. Суръатни қаранг!

Паспорт, виза олишга қачон улгурди экан?.. Кейин билсам, бу муаммолар улар учун йўқ ҳисоби... Паспорт ҳамиша шай, визани компьютер орқали бир зумда ҳал қилишаркан. Хўш, тайёрага чипта-чи? Биз учун ҳамиша дардисар бўлган чипта?

«Бизда чипта муаммо эмас. Аммо бу гал фурсат зиқ бўлгани учун чипта ҳам олмадим... Турк учувчиларидан илтимос қилдим: Туркистонлик шоир Истанбулга келмиш, деб... Ўз кабинларида олиб келишди...»

Хуллас, суҳбатга тушиб кетдик. Мен шунда бизга қайта қуришни насиб этган тақдирга шукроналар айтдим. Йўқса, рост гапни айтиб бўлармиди? Уйлаганнинг ўйи аралаш бошини, сўйлаганнинг сўзи аралаш тилини кесишмасмиди...

Кечқурун юртдошимиз Собир Сайхоннинг уйида (у асли Фарғонанинг Тошлоқ ноҳиясидан) катта зиёфат бўлди. Кўп киши йиғилди. Улар орасида Афғонистон, Саудия Арабистони, Америкада яшовчи ҳамшаҳарлар ҳам бор эди. Юртимиз, ҳозирги аҳволимиз ҳақида сўзладим. Туркияга келишдан мақсадимни англатдим. Саволлар ёғила кетди.

Тортинмай, ҳеч нарсани яширмай, жавоб бердим. Икки соатча давом этган савол-жавобдан сўнг чарчаганимни кўриб тўхтатишди. Қўл кўтариб: «Баракалла!.. Отангизга раҳмат!..» деб ҳаққимга дуо қилишди. Ҳайрон қолдим: «Нега энди шу қадар?.. » Тушунтириб беришди: бу ерга гоҳ-гоҳ сайёҳ бўлиб ёки илмий анжуманларга юртдошлар келиб туришади, келганлар кўпинча биз билан учрашмайди, учрашса – гапиришмайди, гапиришса, ёлғон- яшиқдан нарига ўтишмайди... Фақат Тўра Мирзо ва Тоҳир Қаҳҳор бундан мустасно... Бошқалар келиб, нуқул эртак айтиб кетишди... Юрт дориломон, дарёларда сут, ариқларда бол оқади қабалида... Баъзан ғалати ҳангомалар ҳам бўлиб туради...

Собир Сайхон: «Бир кун Капили Чарши бозоридаги дўконим олдида турсам, дўппи кийган, кўкрагига шалдир-шулдур орден-медаллар таққан, қориндор бир киши терлаб-пишиб келяпти... Танидим: юртдошлардан... Олдига чиқиб, қўл қовуштириб, салом бердим.

«Хуш келибсиз, ҳамшаҳар!.. Марҳамат қилинг, бир пиёла чойимиз бор...

Саломга алик олиш қаёқда!.. Бир ўкрайди-ю алвастига дуч келган жиннидек ўзини одамлар орасига уриб, ура қочди...

Бир - икки қадам орқасидан югурдим... «Ҳой, тўхта!.. Иззатга арзимаган!..» деб қичқирдим... Сўнг дўконга қайтиб, алашимга чидолмай, бир бурчакка тиқилиб, аччиқ-аччиқ йиғладим...»

Мен Собир акани тушунаман, лекин анави шўрликни ҳам тушуниш керак. Биласиз, бизнинг сайёҳларни Одессада кемага солиб, Истанбулга олиб кетишади. Биринчи кун турнақатор қилиб музейларни, иккинчи кун магазинларни айлантиришади, Туркия – мана шу, дейишади, вассалом... Йўлдами, растадами юртдошларнинг учраб қолишса, эҳтиёт бўлинглар, улар билан

гаплашиш – хавфли, деб қайта-қайта қулоқларига қуйишади. Қарабсизки, бу ёғи ҳалигидек – шармандалик...

Эртаси кун Истанбул университетига бошлаб боришди. Талабалар, мударрислар даврасида муштарак тарихимиз, тарихий илдизларимиз, адабиётларимиз ҳақида сўз кетди. Адабиёт кафедрасига бошлаб кириб, девордаги каттакон бир нуроний сувратни кўрсатиб: «Бу зотни танийсизми?» деб сўрашди. Қанчалар термулмайин танийёлмадим.

«Ажабо, ўз бобонгизни танимайсизми?» деб кулишди. «Бу киши ҳазрат Навоий-ку!». Мен ҳайрон бўлиб тикилдим: биз билган Навоийга сира ўхшамайди. Тамом бошқа тимсол. Суриштирсам, Султон Маҳмуд саройи деворига номаълум рассом томонидан солинган суврат экан... Маҳмуд Қошғарий номидаги Тил марказида Туроннинг минг йиллик мовий рангли, ой-юлдузли байроғи ҳилпираб турибди. Бу ерда ҳам «Бу нечук байроқ?» деб сўрашганида, жавоб беролмай, талмовсираб турдим. «Бобонгиз соҳибқирон Темурнинг байроғини наҳот танимасангиз?» деб изза қилишди. Яшириб нима қилай, хижолат бўлдим. Турк адабиёти вақфига кираверишда деворга чекилган нақшин суврат ҳам танишдек туюлди. Сўрасам, Хўжа Аҳмад Яссавий дейишди...

Бир гал кўҳна ибодатхонада барпо этилган турк классик мусиқаси оқшомига, иккинчи гал Турк культур маркази оркестри концертига олиб боришди. «Ушшоқ», «Баёт», «Наво», «Сегоҳ», «Чоргоҳ»ларни чалиб, куйлаб беришди. Қизиқ, бизнинг мақомларга ўхшайди, аммо фарқли томонлари ҳам бор. Концертни олиб борувчи «Меҳмонларимиз орасида етмиш уч йил давомида Туркистондан илк дафъа эркин программа билан келган шоир ҳам ҳозир» деб менинг номимни эълон қилди. Ўрнимдан туриб, бир-икки оғиз сўз айтишга

тўғри келди. Мен ўтмиш ва келажак адабий-маданий алоқаларимиз ҳақида гапирдим, мени йўлга бошлаган Жалолиддин Румий ҳақида сўзладим... Ўқувчига сир бўлмагай: Туркияга бориш менга осон бўлмади, ҳужжатларни расмийлаштириш учун икки йилча вақтим кетди... Ниҳоят, паспорт беришди, пул алмаштиришди... Турк лирасини илк бор қўлимга олиб боқсам, бир бетида – Мустафо Камол, иккинчи бетида – Жалолиддин Румий... Бири – Туркия жумҳурияти асосчиси, иккинчиси – Туркиянинг маънавий отаси... Ё Оллоҳ, дедим, энди йўлим очилди, Мавлоно ўзи мени йўлга бошлагай!..

Кейин наволар янгради. Жалолиддин Румий ғазаллари билан айтиладиган классик ашулалар... Эртаси кун «Боинг»да Истанбулдан Анқарага учдим. Анқара икки миллион нуфусли шаҳар. Тошкентга ўхшайди.

Машиналар кўплиги туфайли кўчалари торроқ туюлди. Кейин билсам, бошқа сабаби ҳам бор экан: ер – хусусий мулк, унинг эвазига кўчаларни кенгайтириш осон иш эмас, дейишади... Туркия маданият нозирлигида бўлдим. Шоир, маданият нозир мушовири Явуз Буланд Бакилар ва Аҳад Андижон ҳамроҳлигида Мустафо Камол Отатурк мақбарасини зиёрат этдим. Муҳтарам қадамжо – турба томон тош арслонлар орасидан ўтиб борилади. Мустафо Камол – йигирманчи асрнинг ёрқин сиймоларидан, халқаро обрў-эътибори баланд. Шунинг учун бўлса керак, унинг зиёратига келувчилар кўп. Мақбара деворларига Отатурк сўзларидан намуналар битилган. Айримларини кўчириб олдим:

«Биз турклар – Туркистоннинг болаларимиз!..»

«Миллий ўзлигини билмаган миллатлар бошқа миллатларга емиш бўлгай...»

«Миллий чегараларимиз доирасида ҳур ва мустақил яшамоқ истаимиз...»

Туркия ёзувчилар бирлиги, турк культур институти, «Соғут» («Мажнунтол») ва «Аждод» нашриётлари билан битимлар туздим: китоблар айирбошлаш, уларни таржима қилиб, чоп этиш, ёзувчи ва таржимонларнинг ўзаро борди-келдисига кенг йўл очиш борасида...

Ноширлар – Навзат Кўсўғли ва Аҳмад Доган кўпроқ тарихий романлар юборишни сўрашди. Тошкентга келибоқ, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар», Ойбекнинг «Навойи», Пиримқул Қодировнинг «Бобур» романларини, Бўрибой Аҳмедовнинг «Улуғбек» эссесини жўнатдим...

Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи таржима этилмоқда, таржимани шу йил охиригача тугаллаб, келгуси йил нашр этиш мўлжалланмоқда... Ўз тарафимиздан биз ҳам амалий ишга киришдик. Таржимон қизларимиз Сидиқа Аъзамова, Гавҳар Норматова, Саломат Вафо турк адаблари Амина Ишинсунинг «Каҳф тоғининг ортида», Севинч Чоқумнинг «Сунбула бошоғи», «Бизнинг диёр» романлари таржимасини бошлаб юборишди. Али Қушчининг Туркияда кечган ҳаёти ҳақида ёзилган туркча китобни ҳурматли олимимиз Бўривой Аҳмедовга топширдим, худо хоҳласа, бу китоб ўзимизда ҳам чоп этилур.

Турк қардошлар билан буюк бобомиз Алишер Навоийнинг 550 йиллигини биргаликда байрам қилишни келишиб олдик. Истанбул ёки Анқарадаги буюк бир майдонни Алишер Навоий номи билан атаб, майдон ўртасида ҳазратнинг ҳайкалинини тиклаш ниятимиз бор, дейишди Турк культур институти раҳбарлари, фақат ўша ҳайкални туркистонлик бирор ҳайкалтарош ясаб берса ёмон бўлмасди... Бу ҳайкал Туркистондан келмиш, деб фахрланиб юрардик...

Бу орада «Таржимон», «Янги тушунча», «Тирилиш», «Замон» газеталарида суҳбатларим босилди. Шуларнинг таъсири остида бўлса керак, мени Туркия пар-

ламентига таклиф қилишди. Буюк миллат мажлиси вакили Муҳаммад Қўкан мен билан суҳбатлашди. Сўнг муҳташам заллар, қабулхоналар, хиёбонларни сайр қилдик. Парламент кутубхонасига кирдик. Улкан ойнаванд залда катта компьютер олдида кутубхоначи йигит ўлтирибди. «Дунёнинг бор китоблари шу ерда йиғилган», дейишди.

«Бизнинг ёзувчиларнинг китоблари ҳам бормикан?» – сўрадим мен.

«Бўлиши керак, буюринг, афандим, қайси ёзувчининг китобини истаюрсиниз?» Табиий, хаёлимга келган илк ёзувчи Абдулла Қодирий бўлди.

Айтдим. Компьютер экранида «Абдулла Қодирий» деган ёзув пайдо бўлди. Сўнг жавоби ҳам кўрина қолди: «Йўқ». Номларни кетма-кет айтавердим, аммо жавоблар ҳам ўша-ўша, ўзгармади:

«Ойбек – Йўқ».

«Ғафур Ғулом – Йўқ»

«Абдулла Қаҳҳор – Йўқ»...

Бошқа давом эттирмадим. Маъюс тортганимни кўриб, мезбонлар юпатишди: «Хафа бўлма, афандим, сталинчилар етмиш уч йил Туркия билан Туркистон муносабатларини кесишди. Қайта қуриш шарофати билан маданий алоқаларни тиклаймиз. Иншооллоҳ, парламент кутубхонасида ўзбек ёзувчиларининг асарлари ҳам ўрин олур...» Шу куни Бухоро амири Саид Олимхоннинг невараси – Метин Амирўғли билан танишдим. Туркия буюк миллат мажлисининг аъзоси, маориф нозири, дейишди... Сўнг Анқара университетининг генетика профессори Урхон Қовунчи билан дунёда энг улкан масжид – Хўжатепа жомесини зиёрат этдик.

Эртаси кун Кўниёга жўнадик. Анқара билан Кўниё ораси – 300 километр йўл. Тошкент билан Самарқанд ўртасидаги масофадек. Йўлнинг икки чек-

касида экинзор ерлар оз, туташ яйловлар. Сурув-сурув қўйлар. Қора қўй кўрмадим, нуқул майин жунли, оқ совлиқлар, оппоқ қўзилар... Дарвоқе, Туркияда гўшт сероб, озик-овқат муаммоси йўқ. Четдан озуқа олмай, ўз-ўзини боқа оладиган мамлакатлар дунёда кўп эмас, бармоқ билан санарли, дейишди, шулардан биттаси – Туркия...

Биласиз, Кўниё – Туркиянинг қадим пойтахти, Мавлоно Жалолиддин Румий нашъу намо топган қутлуғ шаҳар. «Кез дунёни, кўр Кўниёни» деб бекорга айтишмаган. Ҳаяжонланиб кириб боряпман. Бухоро кўчаларини эслатади. Бир айланишда йўлни адаштириб, уч карра айландик. Ҳамроҳим Аҳмад Хўжа завқланиб кулди: «Мавлоно айлантиряпти бизни... Ҳар гал шундоқ бўлади... Икки-уч карра айланмасдан, чиқиб кетолмайсан...»

Ниҳоят, машинамиз йўлга тушиб олди. Ана, олдинда қадамжонинг яшил гумбази – Қуббаи Ҳазра кўринди... Буюк мутасаввуф, Шарқ шеърятининг қуёши дафн этилган макон... У қўлига қалам олиб, ўн саккиз мисра шеър битган, холос. Лекин эллик жилдан ортиқроқ адабий бисотини рақсга тушиб, бадиҳа қилиб айтган...

«Биз ул ҳазратнинг оёқлари остидаги тупроқмиз», – дейди Алишер Навоий.

*«Маснавийи маънавийи маънавий,
Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавий.
Ман чи гўям васфи ў олижаноб,
Нест пайғамбар, вале дорад китоб» –*

дейди Абдураҳмон Жомий. (Мазмуни: Мавлононинг маснавийи маънавийси форсий тилдаги Қуръондир. Мен ул олижаноб зотнинг васфини нечук айтай, пайғамбар эмаску, лекин пайғамбарлик китоби бор...)

«Мен ўзимнинг диалектика ҳақидаги таълимотимни Жалололдин Румийга суюниб яратдим», – дейди Гегель... Сир эмас, Маркс билан Энгельс диалектикани Гегелдан ўрганишган...

Зиёратчилар кўп. Тўп - тўп бўлиб келишяпти... Ҳар куни ўртача бир минг олти юз киши.. Етти асрдан буён ҳар куни – бир минг олти юз зиёратчи!.. Мунаққаш дарвозадан кириб борамиз. Қулоққа биринчи урилган садо – най навоси... Бу ерда най узлуксиз нола чекади... У абадий ҳижрон, айрилиқ азоби, ёниқ висол орзусини айтиб инграйди. У абадий ишқ тимсоли бўлиб янграйди... Мавлононинг машҳур мисралари ёдга тушади:

*Тингла, найдин чун ҳикоят айлагай,
Айрилиқлардан шикоят айлагай.
Мен қамиш эрдим, кесиб келтирдилар,
Нола чексам, эл ҳама оҳ урдилар.
Сийна истармен тўло дарду фиरोқ.
Токи сўйлай шарҳу дарду иштиёқ...
Ким йироқ тушса, йўқотса аслини,
Боз излар рўзгори васлини...
Най саси ёрдан дарак эрмиш, не бок,
Пардаси пардамни этди чок-чок.
Най каби бир заҳру тарёк қайда бор?
Най каби дамсозу муштоқ қайда бор?
Бўйла ҳушдир, маҳрами беҳуш, бас,
Муштарий унга қулоқдин ўзгамас.
Эй омон бўл, ишқ ажиб савдойимиз!..
Эй табиби ҳозиқи донойимиз!..
Ҳар давойи зоҳиру ботин ўзинг,
Бизга Жолинус ва Афлотун ўзинг...*

Мақбара ҳузурида музей ташкил этилган. Унда Мавлононинг қалпоғи ва ҳирқаси, нодир китоблари,

Ўзга тасаввуф шоирларининг қўлёзмалари сақланади. Мен Ҳофиз Шерозий девони билан ёнма-ён Аҳмад Яссавийнинг Ҳикматини ҳам кўрдим... Шу ерда Мавлононинг зурриёти фалсафа фанлари доктори Жалолиддин Чалабий билан учрашдим. Ёши етмишларга бориб қолган Чалабий Истанбулда яшайди, ҳар йили бир айланиб, Кўниёга келади, омадни қаранг, шу кун ҳам Кўниёга бир келиши экан... Суҳбатлашдик. Мавзу – Жалолиддин Румий. Суҳбатимизни Анқара радиоси учун ёзиб олишди.

Жалолиддин Чалабий «ёдгор бўлсин» деб Мавлонодан бир рубоий ўқиди. Мазмуни: сен сабрли бўл, шошилма, таҳаммул эт... Сен истадиги шей (нарса) аста-аста, явош-явош муяссар бўлгусидир...

Мен бунини юртимизга Мавлонодан бир мужда – ишорат деб қабул қилдим... Хайрлашарканман, Мавлонога, Мавлоно орқали Ҳаққа илтижо этдим: эй мунаввар зот, машаққатларга ботган халқимнинг руҳига нур, қалбига қувват бер!.. Токи эгилган қоматларимиз тиклансин, токи ёруғ кунлар бизга ҳам насиб этсин!..

Қулоқларим остида Мавлононинг овози янграгандай бўлди: Ҳар нечаки, борсен, ўшанча монанд бўл, ҳар нечаки монандсан, ўшанча бор бўл!..

Йўл усти Шамс Табризий мақбарасини ҳам зиёрат айладик. Бу буюк алломанинг аччиқ қисмати ёзувчи Радий Фишнинг тарихий романи орқали ўқувчига яхши таниш. Мавлоно уни ўзига устоз деб билган, унинг ҳажрида қон йиғлаган... Ҳар эслаганда кўксидан оҳу аламлар учган. Бу ҳақда «Маснавий»да шундай мисралар бор:

*Ўзгадир бу хасталик олам аро,
Ишқ – устурлоби асрори Худо...
Қанча этмай ишққа мен шарҳу баён,
Ишқ, дерман, ишқ, хижилдирман ҳамон...*

Офтоб эрмиш далили офтоб,
 Гар далилинг бўлса, кел, айтгил шу тоб.
 Тилга келган, вожиб ўлган – номидир,
 Рамзи ҳол айлаш – анинг инъомидир.
 Фитна, хунрезликни орзу этмагил,
 Шамс Табризийни қўй, эслатмагил!..
 Ундан ҳар соя нишона кўрсатур,
 Шамс нур жону жаҳона кўрсатур...

Анқарага қайтгач, оқшом ёзувчилар бирлигида суҳбат бўлди. «Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонийни билурмисиз?» деб сўраб қолишди кутилмаганда.

«Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний, яъни Хўжайи жаҳон буюк тасаввуф Баҳовиддин Нақшбандийнинг пири устози бўлмишлар», деб жавоб бердим мен. Сўнг ҳазил йўсинда қўшиб қўйдим: «Биз қўшнимиз: у киши Ғиждувондан, биз – Шофиркондан...»

Мезбонлар кулиб қўйишди ва каттакон бир ресторанга бошлаб боришди. Ресторан номини ўқиб, кўзларимга ишонмадим: «Хўжа Ориф Моҳитобон»... Хўжа Ориф – Шофирконда яшаб ўтган буюк аллома, сўфия таълимоти намояндаси, Хўжа Абдухолиқ Ғиждувонининг суюкли шогирдларидан... Яна бир бор ишонч ҳосил қилдим: бу ерда бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизни биздан кўра яхшироқ билишади ва қадрлашади...

Эртаси куни Анқара атрофидаги арчазор ўрмонга чиқиб сайр қилдик. Анқара университети толибалари Туркистон ҳақида қўшиқлар куйлашди... Афғонистондан келиб, шу ерда таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбек талабалари кун бўйи биз билан бирга бўлишди. Кечқурун Урхон Қовунчи уйига чақириб «Туркистон пилови» (улар бизнинг паловни шундоқ деб аташади) билан меҳмон қилди. Магнитофонда Шерали Жўраевнинг қўшиқларини қўйиб беришди. Усмон Азим шеъри билан айтиладиган таниш тарона янгради:

*Карвон кўрдим, тевалари юзлаб келар,
Менинг ёрим нортуяда бўзлаб келар...*

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди... Бутун вужудимни она юрт соғинчи қамраб олганини ҳис этдим ўшанда...

Анқарадан Истанбулга поездда қайтдим. Ўрни келганда айтай, бу мамлакатнинг тайёраси ҳам, поезди ҳам ўзига хос ораста: ярқираган вагонлар, гўзал салонлар, топ-тоза ўриндиқлар йўловчига ором ва ҳузур бағишлайди. Бежирим кийинган салончи, вагончи қизларнинг лабларидан табассум аримайди. Дам-бадам чой, қаҳва, мева суви, айрон таклиф этишади. Овқат қолдиғини вагон дарчасидан ташқарига отиш йўқ. «Биз – табиатнинг болаларимиз. Онамиз бўлмиш табиатни асраб-авайлайлик» деган ёзув ҳар дақиқа йўловчини огоҳлантириб туради. Вагон деворларига ҳаёсиз сўзлармас, нафис шеърлар битилган. Мана, улардан бири. Шоир Жоҳид Сидқи Таранжининг «Трен» («Поезд») шеъри. Синчиклаб ўқилса, таржимасиз ҳам тушунарли.

Маъюс ва ойдин бир назм:

*Нерая бу гежа вақти
Гўзал трен, ғариб трен?
Дудугинг пак ажжи галди,
Хотира нелар гетиран...
Ҳар йўлчингдир оз-чўх ошнам,
Ҳайди йўлинг очиқ ўлсин.
Кечдигинг кўприлар соғлом,
Туннеллар ойдинлик ўлсин...*

Айтмоқчи, кўп туннеллардан ўтдик... Ям-яшил далалар, боғ-роғларга бурканган қишлоқлар, шаҳарлар, қасабалар, боши кўкка қадалган неча бир тоғлар оралаб йўл босдик. Беш соат деганда Истанбулга етиб келдик.

«Хўш, наслсиниз энди?» – сўради мезбонлар.

Мен ўйлаганимни сўйладим:

«Туркия деган мамлакатдан чиқиб, Истанбул деган мамлакатга етиб келдик...»

Кулишди. «Униси-да, буниси-да турк давлатидир», дейишди... Ўйлаб қаранг, Туркиянинг 60 миллион нуфуси бор, шундан 8 миллиони Истанбулда яшайди. Ҳар куни икки миллион киши келиб кетади... Шунга кўра, Истанбулни «шаҳар» дейиш камлик қилади, «мамлакат» деса арзийди.

Ана шу шаҳар-мамлакатда яшаётган юртдошларимиз оз эмас. Назаримда бир неча юз минг. Улар ўзларини ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ деб аташмайди. Бир сўз билан «туркистонлик» деб аташади... Доктор Аҳмад Андижон бошчилик қилаётган Туркистон жамияти уларни бирлаштириб туради. Ускидордаги Ўрнак мавзеида юз хонадонга яқин туркистонликлар яшайди. Улар бир миллион доллар сарф этиб, жоме қуришган, уни Мирзо Улуғбек номи билан аташган. Қўш минорали, тўрт шарафали, йигирма уч гумбазли Туркистон жомесининг саҳни 550 мурабба метр. Муҳандиси – Муҳаммад Умарбек... Туркистонликлар яхши яшашади. Турмушлари тўкин, маишатлари тўкис. Гўзал апартаментлар, ярқираган машиналар, мол-товарга тиқин дўконлар, муҳташам хусусий меҳмонхоналар – улар турмушининг кўзгуси. Фарзандлари Истанбул, Анқара, Жидда, Оксфорд, Ҳарвард, Колумбия дорилфунунларида ўқишади. Истақлари Туркия билан Туркистон ўртасида маданий - иқтисодий алоқалар қурилса, она юртга гоҳ-гоҳ ташриф буюриш насиб этса... Туркияни ўн етти кун кезган бўлсам, ўн олти кун юртдошлар даврасида бўлдим. Улар: «Нега ўзбеклар билан месхети турклар, қирғизлар билан ўзбеклар ўзаро қон тўкишяпти?» –

деб қайғу чекишади. Бошимизга тушган ва тушаётган фалокатларни ойнаи жаҳонда кўриб туришади.

Ватанга қайтиш арафасида Туркия бош вазири мушовири (маслаҳатчиси), иқтисод фанлари доктори Навзат Ёлчинтош афанди мени бир пиёла чойга таклиф этди. Мамлакатларимиз орасидаги маданий - иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳақида сўзлашдик. Тошкентдан Москва орқали Истанбулга озмас - кўпмас етти соат учасиз, Тошкент - Боку - Истанбул ҳаво йўли очилса, бу масофа икки баробарга қисқаради... Тошкентда Куба ваколатхонаси бўлсаю, Туркия ваколатхонаси бўлмаса, кулгили эмасми? Ўзбек талабаларидан 50-100 нафари Истанбул, Анқара университетларида ўқиса, бу йўлда турк қардошларимиз бизга мадаккор бўлишса, айнаи муддао бўлмасми? Биз ана шулар ҳақида гаплашдик. Туркияда кўп гўзал ва етук инсонлар ила учрашдим: Фирот Қизилтуғ, Аҳмад Андижон, Урхон Қовунчи, Аҳмад Хўжа, Явуз Буланд Бакилар, Ҳожиғулом Ясса, Шаҳобилдин Яссавий, Собир Сайҳон, Шавкат Ойнурал, Соли Ойнурал, Ҳусомиддин Собрий Муҳаммад Юлдуз, Ҳабибулло Чифатой, Балқиз Иброҳим... Хуллас, ҳаммасини санаб, адо этиб бўлмайди... Тақдир шамоли билан Истанбулга бориб қолган мўътабар онахонларимиз Саида ая, Ҳакима аяларнинг бўйнимдан кучиб: «Болам, бизга она юрт нафасини келтирдинг!» деб чеккан нидолари умрбод қалбимда қолажак...

*Кўнгил на чой истар, на чойхона,
Кўнгил суҳбат истар, чой – баҳона, –*

дейишни хуш кўради азиз дўстим, шоир ва бастакор Фирот Қизилтуғ.

У ҳозир «Навоий гулшани» деган мусиқий асар устида ишламоқда, уни тугатиб, шоир юбилейига

тортиқ этмоқчи. Турк кинематографчилари ҳам юбилейга ҳозирлик кўришяпти. Улар Навоийга бағишлаб бадий фильм яратишмоқчи. Сценарий муаллифи – Урхон Пок... Балқиз Иброҳим – «Турк адабиёти» мажалласида санъат бўлимининг мудир. У билан Сулаймония кутубхонаси, Сулаймония жомеси, Дўлмабоғча саройида бўлди. Султонлар саройи бўлмиш Дўлмабоғча ўзининг бебаҳо жиҳозлари, асл ашёлари билан юз йиллар олдин қандоқ бўлса, шундоқ ярқираб турибди... Бизнинг Ситораи Моҳиҳосани эса талаб, шип-шийдам қилиб кетишди. Бўм-бўш хоналарга боқиб, ўксинасан киши. Балқиз буюк бобосининг гўзал бир байтини менга ҳадя этди:

*Мавло гўралим найлар,
Найларса гўзал айлар...*

Эл орасида мақол бўлиб таралиб кетган бу байтни такрорлаб тўймаман... Асли фарғоналик бўлмиш Шавкат Ойнурал билан юксак Чомлича тепалигига чиқиб, атрофга боққанимда ёки камалакдек таранг тортилган, замонавий фан ва техниканинг мўъжизаси саналмиш осма кўприклардан Осиёдан Оврўпога, Оврўподан Осиёга ҳар гал машинада елиб ўтарканман, кўз ўнгимда Истанбул жилваланиб, бошимда мисралар айланади:

*Тонг чоғи Босфорнинг сўлим боғида
Орзуларга тўлиб, сайрайди булбул.
Сен уни ўкситма, наволар айла,
Гўзаллар малаги, гўзал Истанбул!..*

*Кўҳна Туркистоннинг бир овлоғида,
Орзуларга чўмиб яшайди бир қул...
Сен уни унутма, дуолар айла,
Гўзаллар малаги, гўзал Истанбул...*

Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан киши... Биласиз, туркий халқлар асосан Туркия, Эрон, Афғонистон, Совет Иттифоқи ва Хитойда яшайди. Лекин улар орасида табиий муносабат, нормал равобат йўқ. Кесиб кўйишган... Нега? Турклар Худонинг бандаси эмасми? Бу адолатсизликка қачон чек кўйилади?

Тун. Боғ этагида анҳор шовуллайди. Супада ётибман. Тепамда осмон тўла юлдуз. Тасаввур этаман: ана шу юлдузли осмон ёйилгандан ёйилиб, ҳозир Боку устида ҳам, Истанбул узра ҳам ярқираб ётибди... Тоғдек улкан Султон Аҳмад жомесининг ҳайбатли гумбази, адил, инжа миноралари ўша юлдузларга тегай-тегай деб турибди...


Ўша юлдузлар Босфорнинг қорамтир, мовий тўлқинларида чўмиб-қалқиб, «ялт-юлт» этиб сузишади... Худди болалар оқизоқ қилиб ўйнаган беҳисоб кумуш олмалардек... Бўғознинг ўнг соҳилидаги иморатларда чироқлар ўчган... Хув, қорайиб кўринган дераза – Шайхи бузург Иброҳим Ҳаққийнинг дарчаси... Ўша дарча ёнида ҳозир буюк шоирнинг кенжа набираси ухлайди... Балки у ухламагандир, юлдуз тўла кўкка термилиб ётгандир... Ногаҳон хаёлимни бўлиб, телефон жиринглайди. Гўшакда таниш майин овоз:

– Марҳаболар афандим, бураси – Истанбул!..

Юрагим ҳапқириб кетади:

«Ё Аллоҳ, биз ҳам дунё билан боғланаяпмиз шекилли!..»

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»
газетаси, 1989 йил, июнь



АБАДИЯТ ОСТОНАСИДА

Ер юзида еттита шариф шаҳар бор. Шулардан биттаси Туркистон минтақасини ёритиб турибди. Бу – Бухоройи шариф. Биз ана шу минтақа фарзандлари – Одил Ёқуб, Шукрулло, Рамз Бобожон, Эмин Усмон ва мен дунёда шарифи аввал ва шарифи соний саналмиш Маккайи Мукаррама ва Мадинайи Мунавварага сафар қилдик. Боболаримиз бу йўлда озмунча заҳмат чекишмаган. Бизга ҳам осон бўлмади. Не-не довонларни ошиб ўтдик, не-не саҳроларни босиб ўтдик. Неча бир тўсиқларни енгиб, юлиниб-юлқиниб бўлса ҳам Москванинг Шереметьево тайёрагоҳига чиқиб олдик. Сўнгги тафтиш, сўнгги текширув. Ниҳоят, Олмония ҳаво йўлларига қарашли «Боинг» да нафасни ростладик ва шу ерда илк дафъа бир-биримизга ташвишсиз, асабсиз кулиб боқдик. Худога шукр!

Кейин парвоз...

Тайёрада бўлган бир танишувни айтмасам бўлмас. Эрон шоири, устоз Самандарий билан суҳбат бизга севинч ва сурур бағишлади ва айрича ўйларга толдирди.

– Мен Тошкентни кездим, – деди у кўзлари чарақлаб. – Ажойиб шаҳрингиз бор экан. Душанбеда тожик шоирлари билан учрашдим. Ширин мулоқотлар қилдик. Аммо, ажабо, улар нуқул «Тожикистон» дейишаркан. Сиз-чи, сиз нима дейсиз?

– Биз нуқул «Ўзбекистон» деймиз.

– Баракалла. Демак, туркманлар нуқул «Туркманистон», қозоқлар нуқул «Қозоғистон», қирғизлар нуқул «Қирғизистон» дейишади. Шундоқми?

– Шундоқ.

– Баракалла, – деди у тагин истехзо билан ва кўзларимга қаттиқ тикилиб, сўзида давом этди: – Наҳотки, битта Тожикистон, битта Ўзбекистон, битта

Туркменистон, битта Қозоғистон ёки Қирғизистон билан иш битмаслигини англамасангиз?..

Сўнг у Бедилдан бир рубойий ўқиди:

– Ҳар кўзки агар олмаса ибрат, кўрдир,
Ҳар луқма агар бермаса лаззат, шўрдир.
Ҳар тўн агар ўзгармаса, тўнмас, у кафан,
Ҳар хонаки бирдек тураверса, гўрдир...

Кейин дардчил, аламли оҳангда деди:

– Эрон халқини гуруҳ-гуруҳларга бўлиб, кейин жиққамушт қилиб, охир-оқибатда қанчалар қон-қирон қилишганини кўрмаяпсизми? Сиз, Туронзамин фарзандлари қўлни қўлга бермас экансиз, бунинг оқибати вой бўлур. Бошингизга кўп фалокатлар ёғилур...

Табиийки, мен чидаб туролмадим, юрагимни, юрагимдаги дардимни ёрдим.

– Маъзур тутасиз, – дедим мен юмшоқлик билан.
– Бу гапларни биз ҳам биламиз. Аммо, не қилайликки, бир-биримизга гап уқтириш қийин бўлаяпти. Бурнимиздан нарини кўролмаямиз. Илтимос, Туронга яна бир бор ташриф буюринг. Тошкентдами, Душанбедами олиму уламоларимизни йиғиб, шу гапларни айтинг. Зора, битта-иккитасига Худо инсоф берса.

– Омин! – деди Самандарий. – Парвардигори олам биз, эронийларга бермаган инсофни сиз, туронийларга берсин...

Ҳаммамиз қўл кўтариб, дуога қўшилдик.

Тайёрамиз Венага яқинлашиб, пастлай бошлади.

– Далаларга боқ, далаларга, – деб қичқариб юборди Шукрулло ака.

– Худди беқасамга ўхшайди-я. Бай-бай... Тарам-тарам қилиб ишлаб ташлабди азаматлар.

Венага кўндик. Ёмғир шивалаб турибди. Ўзни тайёрагоҳ ичкарасига олдик. Бу ердаги шинамлигу

қулайликларни тасвирлашга тил ожиз. Бу – йирик халқаро аэропорт. Аммо биз учун одатий югур-югур, итар-итар, бақириқ-чақириқлар қани? Ҳамма тамкин билан, табассум билан гаплашади. Қулоқни батанг қилувчи моторлар шовқини ҳам йўқ. Махсус товуш-ютгичлар уларни ютиб юборар экан... Шунинг учун бўлса керак, тайёрагоҳда ажиб бир сукунат.

Бир зумда меҳмонхонага жойлашдик. Бир пайт боқсам, Эмин Усмон каттакон тўшак олдида гарангсиб турибди.

– Ҳа, нима гап?

– Жамол ака, мен бу тўшакда ётолмайман...

– Нега?

– Бу чойшабларнинг оппоқлигини қаранг... Умрим бино бўлиб бунақасини кўрмаганман.

Ё Худо, пахтакор ўғлининг сўзи бу. Эзилиб кетдим.

– Балки бу чойшаблар бизнинг пахтадан қилингандир?

– Балки.

Оз бўлса-да Венани сайр этдик. Ойнадек сип-силлиқ йўлларда машиналар сирпаниб, товушсиз, шарпасиз учади. Суриштирсак, тайёра бензинига спирт қўшиб ишлатишаркан. Шу сабабли кўчалар сокин, шовқин, тутун йўқ. Трамвай йўлларини махсус бўёқлар билан бўяшган.

Ресторанда ўзимизни яна бир бор «кашф» этдик.

Тушлик овқат устида одатдагидек гурунглашарканмиз, тўсатдан ҳушёр тортдим.

– Одил ака, – дедим секин, – нега бу ерда бизнинг овозимиздан бўлак овоз эшитилмайди?

– Дарвоқе, – деди Одил ака атрофга кўз югуртириб, – бошқаларнинг овози эшитилмайди.

Чиндан ҳам биздан бўлак ҳеч кимса овозини баланд қўйиб гапирмас, бу ерда паст овозда сўзлаш бир расм экан. Инқилобдан олдин Бухорода ҳам шундоқ

бир тартиб бўлганини кексалардан эшитганман. Афсуски, кейинчалик бошқаларнинг «беғубор» табиатига эргашиб, биз ҳам ҳар ерда, айниқса, кўча-кўйда овозни баралла қўйиб сўзлашни одат қилдик.

Тушликдан сўнг Венадан Қибрисга учдик. Тайёрада белига афсонавий баҳодирларнинг ҳам қулочи етмайдиган «жононлар» эмас, нозик ниҳол қизлар хизмат қилишди. Бурунни жийириб, кеккайиб, у ёқдан бу ёққа силтаниб юриш йўқ, ҳар қадамда қадалиб, зарда қилиш йўқ. Хатти-ҳаракатларда самимият ва меҳрибонлик, назокат ва нафосат... Тайёра радиосидан тўрт канал орқали узлуксиз дилрабо қўшиқ ва оҳанглар янграйди. Қулоқлик тақиб, ҳар кимса истаганини эштади, мен боришда ҳам, қайтишда ҳам Вивалдининг машҳур «Йил фасллари»ни тингладим. Бир пайт: «Тайёра миз қанотлари остида – Туркия!» деган овоз янгради. Ойнадан пастга тикилдим. Туманга бурканган тоғлар. Яшил даралар. Бу мамлакатда миллион-миллион қардошларимиз яшайди.

Қибрисда жиндай тўхтаб, яна йўлга равона бўлдик. Нақ ярим тунда Жиддага яқинлашдик. Тағин ҳайрат ва ҳаяжон ила кўзларимизни пастга тикдик. Тарам-тарам чироқлар тўлқини, тўлқин-тўлқин шуъалар оқими. Бир сўз билан айтганда – Нур денгизи. Чеки-чегараси кўринмайди. Тайёрадан чиқарканмиз, юзимизга Арабистон саҳросининг ҳовур – алангаси урилди. Кечаси шундоқ бўлса, кундузи қандоқ бўларкин... Бизни зиёратга таклиф этган Макка-робита вакили, бир неча юртдошлар ва Жиддадаги совет бош консули Лутфулла Исмоилхўжаев кутиб олишди. Жидда тайёрагоҳи улкан, муҳташам аэропорт. Аммо бу ерда Венадаги ҳозир-нозирлик, саранжом-сарихталик йўқ. Хизматчиларнинг хатти-ҳаракатларида бир қадар шарқона бўшанглик, бепарволик кўзга ташланади.

«Ал-Аттос» отелига кўниб, дам олдик. Эртаси куни ҳамшаҳарларимиз зиёратчилар кийими – эҳром келтириб, зиёрат тартибини тушунтиришди. Эҳром ёпиниб, икки ракаат намоз ўқиб, йўлга тушдик. Аввал бошлаб бир уламоёни киромнинг уйига бошлаб боришди. Дастурхон устида ўзимизнинг муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан Тожикистон қозиси Тўражонзодани учратиб, хурсанд бўлдик. Улар бўлажак ҳаж мавсуми масалаларини ҳал этиш учун келишган экан. Емакдан сўнг Маккаи Мукаррама томон йўлга тушдик. Йўл ойнадек ра-
вон. Икки чеккада бир-бирига туташ, паст-баланд, яйдоқ қирлар. Тиккайган дарахт йўқ. Ҳар ер-ҳар ерда худди осмондан тушган метеоритга ўхшаш ваҳимали қора тошлар. Маккага яқинлашганимизда бизни тўхтатиб, ҳужжатларимизни текширишди. Кейин муқаллас шаҳарга қадам қўйдик. Кўзимиз ўнгида номи болалигимизданоқ қулоқларимизга минг марталаб қуйилган Маккайи шариф. Қип-яланғоч тоғлар билан ўралган, паст-баланд тепаликлар устида қурилган қадимий шаҳар, милодий иккинчи асрда яшаган юнон тарихчиси Птоломей уни «Макораба» деб атайди. Бу – ибодатхона, демакдир. Зеро, Ер юзида илк бор қад кўтарган ибодатхона шу ерда жойлашган. Уни бузрук Абулбашар, яъни Одам Ато бунёд этган. Жумла аҳли Ислом бош эгиб «Каъбатуллоҳ» деб атайди уни. Каъбатуллоҳни Масжиди Ҳарам, масжиди Ҳарамни Маккатуллоҳ ўраб туради. Гўё тан ичра қалб, қалб ичра жон каби. Айлана йўллардан ўтиб, Масжиди Ҳарамнинг қаршисидан чиқдик. Азамат, муҳташам иморат. Юксак мезанали миноралари, мовий гумбазлари, чил устунли пешайвонлари, кунгурадор, қуббадор, серҳашам дарвозалари ила қуёш нурларига чўмиб, ярқираб турибди. Масжиди Ҳарам рўпарасидаги «Макка» меҳмонхонасига жойлашдик.

Сўнг «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» ни айтиб, зиёратчилар учун вожиб бўлмиш «Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарийка лака лаббайк...» ни ҳар нафасда такрорлаб, қутлуғ остонага қадам қўйдик. Бу қадамжога кимлар келиб кетмаган? Ва бу остонага қадам босишни кимлар орзу этмаган? Ўн бир яшарлигида Жалолиддин Румий отасига эргашиб, ана шу тупроқни тавоф айлаган. Алишер Навоий ҳазратлари эса умр бўйи ана шу хокипокни кўзга суртиш орзуси билан яшаганлар. Биз, бир гуруҳ ўзбек қаламкашларига чинданам буюк саодат насиб этмиш, зеро, умр йўлимиз Тангри таоло уйининг остонасига етмиш.

Масжиди Ҳарамни Умар бин Ал-Ҳаттоб бино қилган. Саҳни етмиш беш минг квадрат метр, етти минораси, йигирма беш эшиги бор. Биз «Ас-салом» дарвозасидан кириб бордик, юзлаб устунли улкан айвондан ўтиб, беҳисоб мармар зиналарни босиб, улкан мармар саҳнга тушдик. Мармар саҳн ўртасида – Каъбатуллоҳ. Устига «Қисва» деб аталувчи қора ипак мато ёпилган, тўрт бурчак иморат. Қисвага Қуръон оятлари битилган ва заррин иплар билан тикилган. Каъбатуллоҳ Нуҳ пайғамбар замонида сув тошқини туфайли вайрон бўлган. Сўнг уни Иброҳим Халилуллоҳ қайта қурган. Кейин тағин кўп марталаб бузилиб, кўп марталаб тикланган. Жаноб пайғамбаримиз ҳижратларидан ўн саккиз йил олдин уни яна бир карра бузиб, қайта қуришган. Қора тош, яъни Ал-Ҳажар Ал-Асвадни расулуллоҳнинг ўзлари иморат пойдеворининг жанубий- шарқий бурчагига ётқизганлар. Унга қарама-қарши бурчакка эса Саодат тоши – Ҳажарус-Саъада жойлаштирилган.

Каъбатуллоҳ атрофида минглаб одамлар дарёси мавж уриб оқади. Биз ҳам ана шу буюк дарёга қўшилдик. Каъбатуллоҳ атрофида етти карра айланиб,

тавофи қудумни адо этдик. Иброҳим Халилуллоҳ мақоми ёнида туриб, намози шукрона ўқидик. Саждага бош қўяркан, гўё Худо олдида, абадият остонасига бош қўйдик. Шу тобда хаёлдан не сўзлар ўтмади, кўнгилдан не гаплар кечмади дейсиз.

*Машраб сени деб кечди жаҳондин,
Бошини қўйди остоналарга...*

Беихтиёр ана шу мисралар ёдимга тушди ва кўзим ўнгида янги уфқлар ёришди. Ва мен англадимки, мусулмони комил ҳар гал ибодат этиб, саждага бош қўяркан, абадият остонасига бош қўяди. Ўзини илоҳий назардан ўтказди, Худо олдида масъуллигини ҳис этади. Ва яна англадимки, абадият Худони танишдан бошланади. Худони таниган, абадиятни ҳис этган инсон ўзини танийди ва ўзлигини ҳис этади. Атеистик абадият бор, илоҳий абадият бор. Атеистик абадият – маҳдуд абадият. У инсонни чеклайди, дунёни эгасиз қилиб қўяди. Аммо инсон ўзлигини англаган аснода атеизм қурган иморатлар емирилиб, кукундек сочилиб кетади.

Абадият туйғуси инсонга хос, ҳайвонга бегона. Ҳайвон фақат шу дақиқа билан яшайди, инсон эса ҳам шу дақиқа, ҳам абадият туйғуси билан тирик. Бошқача айтганда, у оёғи билан ерда, боши билан осмонда умргузаронлик қилади. Жалолиддин Румий демишлар:

*Ҳисси дунё – шу жаҳонга нарвон,
Ҳисси диний – осмонга нарвон...*

Бас, инсон тўлақонли инсон бўлишлиги учун унда ҳисси диний – илоҳий абадият туйғуси ҳам бўлмоғи даркор. Тангри инсонни яратар экан, унинг зува-

ласини ана шу туйғуга қориб яратган. Шу туфайли у – голиб, чексиз ва машаққатли умр йулларида энгилишни билмайди.

Кейин дуога қўл очдик. Фарзандларимиз, хешу ақраболаримиз, ёру биродарларимизни дуо қилдик. Халқимиз, юртимизга истиқлолу истиқбол сўраб, Яратганга ёлвордик. Сўнг Сафо ва Марва тоғларига етти карра чиқиб, зиёратнинг вожиб амалларидан яна бирини адо этдик. Ниҳоят, Замзам булоғидан тўйиб-тўйиб сув ичдик. Эмишки, Иброҳим Халилуллоҳнинг хотини Биби Ҳожар чақалоқ ўғли Исмоилга сув излаб, ана шу икки тоғ орасида зир югурган. Чанқаб, танглайи қақраган бола сабрсизлик билан оёғини ерга урган, шунда тошлар орасидан ана шу зилол чашма отилиб чиққан. Мана, минг йиллардан бери у ҳамон шарқираб оқиб ётибди. Ҳар йили уч миллион зиёратчи келиб, ана шу чашмадан чанқоғини қондиради. Аммо Замзам умрига завол йўқ, у қуримайди, бетиним оқаверади. Икки тоғ орасидаги саъй-ҳаракатларимиз, Замзам булоғидан сув ичишларимиз – ўша айёмларнинг муқаддас ёди, ўша азизларнинг эзгу хотираси учун.

Эртаси куни Мино водийсида бўлдик. Бу ерда ҳожилар шайтонга тош отишади. Сўнг Арафот тоғига чиқдик. Маккадан йигирма беш чақирим нарида жойлашган бу тоғни Жабалур-раҳма, яъни Раҳмат тоғи ҳам дейишади. Бир ривоятда айтилишича, Одам Ато билан Момо Ҳаво илк бор шу ерда учрашишган. Яна бир ривоятда айтилишича, Иброҳим Халилуллоҳ ва унинг ўғли Исмоил Каъбатуллоҳни тиклаганда Арофатдан тош олишмаган. Шунда тоғ фарёд чеккан. Унинг фарёдига жавобан Тангридан нидо келган: Эй Арофат, тинчлан. Каъба зиёратига келганлар сенинг ҳам зиёратингга келурлар. Билхосса, сенга ҳам раҳмат ёғилгай.

Мино водийси ва Арофат тоғида бўлганимизда йўлбошчимиз Раҳматулло Туркистоний ғалати бир қувурга эътиборимизни жалб этди: халифа Ҳорун ар-Рашиднинг хотини Биби Зубайда ана шу қувур воситасида Нуъмон водийсидан сув келтирган. Мана, ўн уч асрдирким маккаликлар ана шу қувурдан сув ичишади. Шу куни Робитаи Ислом идорасининг бош котиби ўринбосари Муҳаммад Носир ал-Абудий қабулида бўлди. Мезбон биз билан суҳбатда Туркистонда ўсиб, Ислом илми ва маданияти шуҳратини дунёга таратган Имом Исмоил Бухорий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби буюк алломаларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олди. Юртларимиз, халқларимиз орасида қадимдан мавжуд бўлган диний, маданий алоқаларни тиклаш ҳақида сўзлашдик. Жиддада совет консулхонаси очилди, Тошкент - Жидда ўртасида тайёралар қатнаса, яхши бўлур эди, деган тилаклар айтилди. Робитанинг бой кутубхонаси билан танишдик. Робита ҳузуридаги Ҳайъати ижоза мудири доктор Ҳайдар Ас-Сафо ва унинг маслаҳатчиси доктор Ҳусаин Қосим Ислом дини билан замонавий илм-фан ўртасидаги алоқалар ҳақида гапирдилар. Улар ана шу алоқалар борасида илмий талқиқот ишлари олиб боришади. Масалан, Қуръондаги бир оятда шундоқ дейилади: Денгизлар ичида денгизлар яшайди. Баъзилари иссиқ, баъзилари совуқ, баъзилари чучук сувли, баъзилари шўр сувли денгизлар. Улар бир муҳитда яшасалар-да, аралашмайдилар. Чунончи, иссиқ денгизнинг баликлари совуқ денгизга ўтишмайди. Шамол уларни бир-бирларига томон суради. Лекин ўртада кўзга кўринмас фасилалар девор бўлиб, уларни ажратиб туради, аралашшишга йўл қўймайди. Бундан бир минг тўрт юз йил олдин Қуръони каримда зикр этилган

бу фикр яқинда фазовий тадқиқотлар воситасида тасдиқланди. Бундай мисоллар жуда кўп. Канадалик доктор Китмор Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифнинг илмий негизини тадқиқ этиб чиққан.

Макка дорилфунунида бўлдик. Ҳамюртларимиз – психология фанлари доктори Абдулманнон Мулло Мансур Марғилоний ва математика фанлари доктори Абдулфаттоҳ Бухорий бизни қаршилаб, ректор ҳузурига бошлаб боришди. Дорилфунунда ўн тўрт минг талаба таҳсил олади. Саккиз факультети, ўн учта илмий маркази бор. Кутубхонасида 400 минг китоб жамланган. Барча дунёвий билимлар ўқитилади. Таълим-тарбия бепул. Чуқур билим олиш, етук мутахассис бўлиб етишиш учун ҳамма шароитлар муҳайё. Чунончи, ҳар бир талаба бир ойда ўртача саккиз юз риёл стипендия олади. Бу – 350 доллар деган сўз. Бунинг устига, талабани китоблар, кийим-кечак билан таъминлаш ҳам давлат зиммасида. Махсус автобус талабани ўқишга келтириб, тагин уйига элтиб қўяди. Биз эшитиб, қулоқларимизга ишонмадик. Ёш авлод учун бундай қулайликлар яна қайда бор?

Макка ёзувчилар клубида бўлган учрашувда Одил ака халқимизнинг бой маданий мероси, Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилеи ҳақида сўзладилар. Ўзаро борди-келдини йўлга қўйиш, китоблар айирбошлаш, энг яхши асарларни таржима қилиш ҳақида келишиб олдик. Ёзувчилар клубининг 200 аъзоси бор. Ҳар сешанба куни йиғилишади. Ҳукумат ҳар бир янги китобни муносиб тақдирлаб, камида пул-маблағ билан мукофотлайди. Макка ёзувчилар клубига ўхшаш клублар Жидда, Риёд, Ал-Қосин, Гизан, Мадина ва бошқа шаҳарларда ҳам бор.

Шу куни кечқурун юртдошимиз Сафохон Жалолхон тўра ўғли Марғилонийнинг уйида меҳмон бўлдик. Хонадон аҳли ўн қаватли уйнинг тўққизинчи қавати-

ни эгаллаб, қолган қаватдаги хоналарни ҳам ясашиб, жиҳозлаб қўйишибди. Ҳар йили ҳожиларга ижарага беришади. Катта даврада ҳозир бўлган юртдошларимиз: Саид Музаффархон Мусахон ўғли Марғилоний, Абдурахмон Самарқандий, Олимжон Исмоилжон ўғли Андижоний, Абдурахмонхўжа Қаҳҳоржон ўғли Қўқандий, Абдулманнон Абдулвосит Намангоний, Яҳёхон Юсуфқори Тошкандий, Илёс Назрулоламин ўғли Андижоний, Аҳмадали Туркистоний, Муҳаммад Амин Абдулвосит Бухорий, Умар Мираҳмад Тошкандий, Хуршидбек Тошкандий ва бошқалар. Дастурхонда анвойи мевалар: узум ва олма – Америкадан, ўрик – Туркиядан, манго – Покистондан, гилос – Лубнондан, мандарин – Мисрдан, олча – Суриядан.

– Йил ўн икки ой дастурхонимиздан ҳўл мева аримайди, – деди Хуршидбек Тошкандий. – Дунёнинг барча ўлкаларидан мева оламиз. Кошкийди, йўллар очилиб, она Туркистонимизнинг ҳам узум ва қовунларидан баҳраманд бўлсак.

Кимдир Мирзо Бобурни эслади:

*Узум бирла қовуннинг ҳажрида кўнглимда ғам
ҳар су,
Оқар сувнинг фироқинда кўзимдин ҳар дам оқар
сув...*

Аҳмадали Туркистоний жумҳуриятимиз Олий таълим вазири Шавкат Алимовнинг мактубини ўқиб бердилар. Ўзбек талабаларини Макка ва Мадина университетларида ўқитиш масаласи муҳокама этилди. Жумҳуриятда ҳукм сураётган аҳвол ҳақида кўплаб саволлар беришди. Нега Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Туркия билан яқин муносабатда бўлишмаяптию, Ўзбекистон етарлича фаоллик кўрсатмаяпти? – деган савол қайта-қайта ўртага

ташланди. Юртдошлар билан учрашув, муҳокама ва мунозара эртаси кун Тойиф шаҳрида давом этди. Тойиф – Саудия Арабистонининг шимолида жойлашган, бир қадар салқин ва яшил шаҳар. Тойифнинг узумидек узум, аноридек анор бўлмас, дейишади. Биздаги машхур тойифи узумнинг асл ватани шу Тойиф бўлса ажабмас. Тойифга хос қизил гул ҳам беназир экан. Кўчаларида лиму ва қора мурч оғочлари гуркираб ўсади. Шайх Хусайн Турдиали Бухорийнинг отелига қўндик. Ўн беш - йигирма чоғли ҳамшаҳарлар «Аҳлан ва саҳлан!», «Хайра мақдам!», «Ё марҳабо?» деган нидолар ила қарши олишди. Шоир Комил Абдулло Тошқиннинг уйида зиёфатда бўлдик. Яна баҳсу мунозаралар қизиб кетди. Чунончи, Тошкентнинг марказидан ўзбеклар суриб чиқарилган дейишади, шу ростми? Қачон бу адолатсизликка чек қўйилади? Янги иттифоққа референдум ўтказилганда нега Ўзбекистон қатъий талаблар билан чиқмади? Аҳмаджон Одиловнинг суди нечун Тошкентда эмас, Москвада ўтаяпти? Бу жумҳурият шаънини, унинг суверенитетини пастга уриш эмасми? Магар Тошкентда суд-адлия идоралари йўқми?..

Бизни Шарқия маҳалласига бошлаб боришди. Икки кўча кесишган катта Чорсу. Ҳамшаҳаримиз Абдуллахон шу ерда бир зум тўхтаб, ён-атрофдаги уч-тўрт қаватли шинам уйларга ишора қилди.

– Мана шу уйларда юртдошларимиз яшайди, – деди у кулиб. – Қаранг, ҳавоси ҳам Туркистон ҳавосига ўхшайди...

Кейин шаҳарни айландик. Янги юртдошларни учратдик. Дўкандорлик қилишаркан. Бири – Ойим қишлоқдан, бири – Олтиариқлик.

Тойифдан Маккага қайтиб, кейин Мадинага йўл олдик. Уни Ясриб ёки Мадинатун-Наби ҳам дейишади. Шаҳарга қош қорайганда кириб бордик.

«Ал-мунаввара» деганларича бор. Ерда ҳам, ҳавода ҳам нур балқиб, ҳамма ёқ чироқлар шуъласига фарқ бўлиб ётибди. Қадим иморатлар, замонавий меҳмонхоналар, магазинлар ўз улуғворлиги ва ҳашамати билан кишини танг қолдиради. Ҳазрати Расулulloҳ масжидларида намоз ўқидик. Ва ул зоти шарифнинг мақбараларини тавоф қилдик. Халифалар Абу Бакр, Умар ва Усмон қабрларини зиёрат этдик. Масжид ҳам, мақбара ҳам дунёнинг турли ўлкаларидан дарёдек оқиб келаётган зиёратчилар билан гавжум. Минглаб одамлар ўқиётган дуою тиловатлар юксак гумбазлар остида акс-садо беради.

Оқшом ҳамшаҳарлар билан суҳбатлашдик. Эртаси куни Ал-Боқий қабристонига бордик ва Уҳуд жангларида ҳалок бўлган шаҳидлар хотирасини эсга олдик. Кейин Мадина университети ва Қуръон матбаасида бўлдик. Университетда асосан Ислом таълими бериларкан. Матбаа эса энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Жами 1700 киши ишлайди. Ҳар йили 9 миллион нусха Қуръон чоп этилади. Бу адалларни 27 миллионга етказиш мумкин дейишди. Ҳозирча Қуръон тўққиз тилда босилиб, дунёга тарқатилди: инглиз, хитой, немис, француз, италян, испан, турк, форс, япон тилларида. Шу кунларда Қуръонни рус тилида босишга ҳозирлик кўришяпти. Бизда Қуръони карим Аловуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима этилганини сўзладик. Эшитиб, хурсанд бўлишди. Тақдим этсаларинг, бир неча миллион нусхада чоп этишга ҳозирмиз, дейишди. Кечқурун ҳамюртимиз, йирик бизнесмен Муҳаммад Сирожиддин Жамол ҳамроҳлигида Жидлага жўнадик. Йўл-йўлакай Мадинада жаноб пайғамбаримиз илк бор қурдирган Кубо масжидига тушиб, намози видо ўқидик. Сўнг йўлда давом этдик. Йўл чеккасида машиналар қабристони. Турли машиналар қалашиб ётибди... Беш юз километрдан ортиқроқ масофани

салкам уч соатда босиб ўтдик. Машина қилт этмайди, аммо елдек учади. Бундоқ оромижон йўлларни биз орзу қилишимиз мумкин, холос. Турк ширкатлари қуришган, дейишди. Барака топишсин. Шу қадар кенг ва текиски, тайёра эркин учиб, бемалол қўна олади. Ниҳоят Жиддага етиб келдик.

– Оқшомги Жиддани кўрмабсиз, дунёга келмабсиз, – дейди Сирожиддин ака. – Кўп олифта жойлари бор.

Чиндан ҳам бу шаҳарда Сирожиддин ака айтмоқчи «олифта», гўзал масканлар, дилрабо гўшалар беҳисоб. Денгиз ва шаҳар бир-бирига тутшиб кетган. Денгиздан шаҳарга, шаҳардан денгизга нур оқади. Денгиз бағридан ҳавога отилган, электр чироқлари шуъласида камалакдек товланган юксак фавворалар хаёлий манзаралар ясаб, шаҳарга сирли, афсонавий тус беради.

Эртаси куни Жидда сув-электр станциясида бўлдик. Буюк замонавий иншоот. Арзон электр қуввати ишлаб чиқаради ва денгиз сувини чучитиб, бир кунда 100 миллион галлон сув етказиб беради. Қизил денгиз бўйи ва Форс кўрфази соҳилларида шунга ўхшаш яна ўн битта иншоот бор. Бу иншоотларни араб муҳандислари Америка, Италия, Япония мутахассислари билан ҳамкорликда қуришган. Улар мамлакатнинг сувга ва электр қувватига бўлган эҳтиёжини тўла қондиради. Иншоотнинг баҳайбат қувурлари, улкан трубиналарини кўздан кечирдик. Қизил денгиз соҳилига чиқдик. Мовий денгиз оппоқ кўпиклар сочиб, чайқалиб ётибди.

– Бунинг нимаси қизил? Осмондек мовий-ку, – дедим мен.

– Аслида мовий денгиз деса ҳам бўлади, – деди кулиб иншоот муҳандиси, араб йигит.

– Аммо уфуққа боқинг, осмон билан денгиз туташган жойда қизғиш шуълалар ўйнайди. Балки Қизил денгиз дейилишининг сабаби шудир.

Жидда сув-електр иншооти – Саудия Арабистони тараққийетининг ёрқин кўзгуси. Бу кўзгуга боқиб, ривожланиб бораётган саноат, гуркираб ўсаётган қишлоқ хўжалиги, бир сўз билан айтганда, юксак турмуш даражасини кўрасиз. Дўконларда мол-маҳсулот тиқилиб кетган. «Супер-маркет» деб аталувчи бозор-магазинларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма жойда, ҳамма соҳада тўкинчилик, маъмурчилик, фаровонлик. Аммо айрим ашёларнинг баҳоси бизга бироз баландроқ туюлди. Шунда Аҳмадали Туркистоний изоҳ берди.

– Сиз ўз тошу тарозингизни қўятуринг, – деди у.

– Бу молларни бизнинг тошу тарозимизда тортинг.

Сўнг аниқ мисолга ўтди:

– Эминжон, бир ойда қанча маош оласиз?

– Икки юз сўм.

– Шу икки юз сўмга қанча гўшт беради?

– Ўн кило.

– Баракалла. Ошхонада фаррош бўлиб ишлаётган манави бангладешлик йигит эса бир ойда 1200 риёл олади. Бу – 550 доллар деган сўз. Шу пулга 120 килограмм гўшт беради. Бошқасини шундан қиёс қилаверинг.

Тушунарли. Бу ерда озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой муаммолари аллақачон ҳал этилган. Уйда ҳам, машинада ҳам, магазинда ҳам, масжидда ҳам – ҳар қадамда салқин ҳаво уфуриб, жонга ором кирувчи совуткичлар. Халқ орасида шундай таъбир бор:

– Маккада ёз ўн уч ой давом этади.

– Ажабо, бир йил ўн икки ой эдику?

– Бир ойни келгуси йилдан қарз олади...

Хуллас, совуткичлар воситасида 45-50 даражали жазирама иссиқдан жон сақлашади. Кўпчилик оилалар уч қаватли ёки беш-олти қаватли алоҳида уйларда яшайдилар. Мармардан қурилган, салқин, боҳаво бу уйларни аслида қаср деса, арзийди. Ана шу қасрлар

олдида оила аъзоларининг ранг-баранг енгил машиналари ярқираб саф тортиб туради. Гараж нима, қулф нима – билишмайди. Жиноятчилик оз. Ичкилик ичишмайди. Ичганни аяшмайди. Зино қилган, ҳаром йўлга юрган эркакка ҳам, аёлга ҳам шафқат йўқ. Шунинг учун бўлса керак, қамоқхоналарда маҳбуслар сони бармоқ билан санарли. Мамлакат ҳаёти осуда, фуқароларнинг тирикчилиги осойишта кечади.

Доктор Раҳматулло Марғилоний ҳикоя қилади: – Бултур уч ой таътилни оилам билан Истанбулда ўтказдим. Уйга қайтсам, эшиклар ланг очиқ. Аввалига ҳайрон қолдим. Хоналарни айлансам, ҳамма нарса ўз жойида. Уйга биров кирмаган ёки кирса ҳам бирор нарсага қўл тегизмаган. Кейин эсладим – Истанбулга шошилинич жўнаётиб, эшикларни яхшироқ беркитишни унутибман. Кейин уларни шамол очган.

Биров уй қурмоқчи бўлса, давлат унга 25 йилга деб 300 минг риёл қарз беради. Шу қарзнинг йигирма фоизидан дарҳол кечади. Қурилишини ўз вақтида бошлаб, сифатли давом эттирса, яна ўттиз фоиздан кечади. Хўш, қурилиш дегани бу ерда ҳам машмаша, дардисарми дерсиз? Асло. Турк ширкатлари хизматга шай. Битим тузиб, ақчаси тўланса, бас, калитни келишилган муддатда қўлингизга топширишади. Давлат камбағал-қашшоқ, бева-бечораларни текин турар жой билан таъминлайди. Ҳар йили бир неча уй қуриб, уйсизларга садақа ўрнида тарқатувчи бой-бадавлатлар ҳам оз эмас... Давлат деҳқонлар етиштираётган маҳсулотларни бозор нархига нисбатан тўрт баравар қимматга сотиб олади ва шу йўл билан деҳқончиликнинг ривожига кенг йўл очади. Деҳқончилиги тўхтовсиз ривожланиб бораётган Саудия Арабистони жазирама саҳрода мўл-кўл бугдой етиштириб, бугун Совет Иттифоқига ғалла сотаяпти. Мамлакатнинг асосий бойлиги – нефть ва зайтун ёғи. Нефть – давлат

мулки ҳисобланади. Бир йилда 8 миллион баррел нефть қазиб чиқарилади. Хурмоси борларга ҳар йили хурмо бошига 50 риёлдан пул берилади. Юзта қўй боққан киши шу юзта қўй баҳосида давлатдан ҳақ олади. Аҳолига тиббий хизмат текин. Гапнинг қисқаси:

*Биз гаражга битта эмас, ўн битта қулф урамиз.
Ҳар куни бир мажлис қилиб, коммунизм қурамиз, –*

деб хиргойи қилиб юрганимизда, бу ёқда Ислом байроғи остида аллақачон «коммунизм» қуриб қўйишибди. «Коммунизм» деганда, мен мамлакат аҳолисининг бой-бадавлат ҳаёт кечиришини кўзда тутаман.

Саудия Арабистони – бой мамлакат. Аммо бизнинг юртимиз ҳам бойликда ундан қолишмайди. Хўш, шундоқ экан, нега уларда ундоғу бизда бундоқ? Бунинг сабаблари бор. Уларда ҳалоллик ва инсоф-адолатта суюниб иш қилишади. Бизда эса ҳалол, ҳаром аралашиб кетган, инсоф, адолатдан гапирмаса ҳам бўлади. Ароқ ичмаган, куфр йўлига кирмаган кунимиз йўқ.

Саудия Арабистонида қарийб 700 мингга яқин юртдошимиз яшайди. Уларни «Туркистонийлар» ёки «Бухорийлар» деб аташади. Бухорийлар Имом Исмоил Бухорий ҳурмати учун бутун солиқлардан дархон, яъни озод этилган. Уларга олийнажод, олийнасаб кишилар деб қарашади, ҳар ерда алоҳида иззат-эҳтиром қилишади. Турмушлари тўқ, эътиборлари баланд, бой-бадавлат ҳаёт кечиришади. Масалан, Аҳмадали Туркистонийнинг ҳам Жидда, ҳам Мадина, ҳам Истанбул, ҳам Нью-Йоркда уйи бор. Шу уйларнинг эшиги олдида машинаси бор. Сира ташвиши йўқ, истаганда боради, истаганда келади. Ҳамюртларимиз ғалати бир воқеани айтиб беришди. Фахриддин Умар Камол деган юртдошимиз оғир хасталаниб, қирол Абдулазиз касалхонасига тушиб

қолибди (Айтмоқчи, касалхона шундоқ деб аталса-да, бу ерда амалдорлар учун алоҳида, фуқаролар учун алоҳида касалхоналар йўқ. Ҳаммага текин тиббиёт хизмати кўрсатилади). Хуллас, подшонинг укаси Амир Султон хастахонани айланиб, ҳалиги касалдан аҳвол сўрабди. Касал алоҳида уйи йўқлигидан шикоят этибди. Эртаси куниёқ унга подшоҳликдан уч қаватли уй билан ўттиз беш минг риёл пул ёрдам беришибди. Оиласини ўша уйга кўчириб, сўнг видеога суратга олиб, унга кўрсатишганда шўрлик севинганидан «Энди ўлсам, армоним йўқ», деб фарёд чекибди.

Кечқурун ҳамюртимиз Абдурахмон Абдуқаҳҳор Атохўжа ўғли Ҳўқандийга қарашли «Қасрул Мадина» меҳмонхонасида йиғин бўлди. Ҳамшаҳарлар билан яна бир бор дийдор кўришиб хайрлашдик. Шу ерда бир авиация генерали билан танишдим.

– Сизга ўхшаш ўзбеклардан чиққан генераллар яна борми? – деб сўрадим мен.

– Ўзбеклардан чиққан ўн бешта генералимиз бор.

– Учувчилар-чи? Ўн-ўн беш учувчи ҳам бордир?

– Нега ўн-ўн беш бўларкан? – ажабланиб боқди менга генерал. – Ўзбеклардан етишган юзлаб учувчиларимиз бор.

Ичимда ўйладим: «Тошкентда, Туркистон қўшинлари штабида бирорта ўзбек генерали бормикин? Ўзбекистон авиакомпаниясидаги ўзбек учувчилари сони ўнтага етармикин?»

Менинг ўйларимни уққандек генерал таклиф қилди:

– Ўзбекистон мустақил авиакомпания тузмоқчи бўлса, биз ёрдамга шаймиз. Кадрлар тайёрлаш, зарур техника воситаларини ҳозирлашга бажонидил кўмаклашамиз.

Абдулфаттоҳ Нур эса бошқа бир таклифни олға сурди:

– Тошкентда ишбилармонларнинг кенгаши бўлармиш. Бу яхши. Аммо Ўзбекистонни дунё бозори билан

боғлашда кўпроқ ўз юртимиздан чиққан кишиларга суянмоқ керак. Хитойда бу тажриба яхши самара берди.

Мадиналик Исмадулло Султон отанинг сўзлари юрагимга нақшланиб қолди.

– Болам, мен асли Тошкент атрофиданман. Бир кун бориб, Байтқўрғонда масжид қураман деб 30 минг долларни тугиб қўйибман. Байтқўрғонликларга мендан, Ҳабибуллодан, Хайруллодан, Одилдан, Аднондан, Насиба опадан саломлар етказинг.

Шу оқшом Макка-робита бош котиби Абдулла бин Умар Насиф қабулида бўлиб, унга ўз ташаккуримизни изҳор этдик. Бош котибнинг камтарлиги бизни ҳайрон қолдирди. Ислом дунёсининг йирик арбоби сифатида танилган бу кишининг геология фанлари доктори эканлигини эшитиб, тагин ҳайратимиз ошди.

Ярим тунда Жиддадан Венага томон парвоз қилдик. Қизил денгиз соҳилидаги азамат шаҳар шуълаларга бурканиб, миллион чироқлари билан бизни кузатиб қолди...

Хуллас, Маккайи Мукаррама, Мадинайи Мунаввара зиёратига мушарраф бўлдик. Мен оддий зиёратчи эмас, ёзувчи – қаламкаш сифатида кўрган-билганларимни мулоҳаза этишим ва маълум хулосаларга келишим ҳам керак. Қуйида шу хулосаларимни баён этмоқчиман.

Исломни бизда узоқ йиллар тараққиёт душмани деб келишди. Саудия Арабистонида биз тамом бошқа манзарани кўрдик. Ислом ақидаси билан замонавий фан ва техника ажойиб бир йўсинда боғлангани, улар бир-бири билан уйғунлашиб кетганига гувоҳ бўлдик. Демак, Ислом – тараққиёт бўғови деган гаплар беҳуда. Аксинча, Исломнинг асоси – аввали саналмиш поклик, ҳалоллик, олижаноблик толмас қанот бўлиб, жамият тараққиётига хизмат қилмоқда.

Тарихдан маълумки, бир халқнинг эрку ихтиёрини олмоқчи бўлганлар дастлаб уни еридан, кейин эътиқодидан, сўнгра она тилидан маҳрум этишади. Еридан,

этиқодидан, она тилидан маҳрум бўлган халқ ўз қиё-
фасини йўқотади. Шу халқни ташкил этувчи инсонлар
эса қорин тўйдирса – шод, тўйиб ухласа – хурсанд
бўлгувчи оломонга айланади. Бизнинг халқимиз ана шу
қабоҳатларни бошидан кечирди ва маълум даражада
ҳозир ҳам кечирмоқда. Биз гуллаб-яшнаётган ўлкалар,
етук, ривожланган миллатлар сафидан ўрин олишни
истасак, еримиз, этиқодимиз ва тилимизга ўзимиз тўла
хўжайин, яъни соҳиб ихтиёр бўлмоғимиз даркор. Акс
қолда бизга истиқбол ва тараққиёг йўли ёпиқ...

Боболаримиз яратган доно сўзлар орасида ажиб бир
ҳикмат бор. «Ё худо, ўзингга банда қил, бандасига банда
қилма», дейди улар. Бандасига банда бўлиш – қулик,
Худога банда бўлиш эса – озодликдир. Биз етмиш йил
бандасига банда бўлиб яшадик. Энди Худога банда
бўлишимиз, озодлик йўлини танлашимиз зарур. Зеро,
гуркираб ривожланаётган Саудия Арабистонида биз
бандасига банда бўлганларни учратмадик, аммо Аллоҳга
банда бўлганларни ҳар қадамда учратдик.

Сўнги сўзим. Не бахтки, мен қаламкаш дўстларга
ҳамроҳ бўлиб, азиз қадамжоларни зиёрат этдим. Шун-
чаки зиёрат қилиб қайтмадим, уларни бағримга солиб,
қалбимга олиб қайтдим. Гоҳо Маккатуллоҳ тушларимга
киради. Беҳисоб мрамар зиналарни босиб, улуғ мар-
мар саҳнга тушаман. Ялангоёқ бўлиб, ўзимни унутиб,
Каъбатуллоҳ атрофидан айланаман. Менинг атрофимда
масжиди Ҳарам чироқлари чарх уради. «Ё Аллоҳ,
Туркистонга истиқлол ва истиқбол бергайсан!» деб
фарёд чекаман. Тўсатдан уйғониб кетсам-да, ўзимни
тутиб туролмайман: кўз ёшларим оқаверади. Шунда
беихтиёр қиблага юз буриб, дуога қўл очаман:

– Омин, ё Раббул олабийн!

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси,
1991 йил, май*

ҚУЁШДЕК РАВШАН ҲАҚИҚАТ

Чор Россияси Туркистонни истило этгач, шарқшунос олим, академик Василий Бартольд бу ўлкага бир неча бор илмий экспедиция уюштириб, сўнг Санкт-Петербург Фанлар академияси илмий кенгашида ҳисоб беради. Ҳисоб бериб дейдики, биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан анча паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олгандик. Энди бўлса, Туркистон мисолида тамомила ўзгача аҳволга дуч келиб турибмиз... Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа ана шуни тан олдиришдан иборатдир... Токи шуни тан олишмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз...

Хуллас, Бартольд ўшанда бош ҳаракат йўлини чизиб берди: қандай бўлмасин, маънавий устунликни тан олдириш... Кейин орадан кечган юз йил ана шу шиор остида ўтди... Бу йўлда нималар қилишмади... Нималар дейишмади... Лекин бари бесамар бўлди... Бари зое кетди. Халқимиз бошқаларнинг маънавий устунлигини тан олмади. Тан олмайди ҳам... Негаким, бунинг жиддий сабаблари, теран асослари бор... Битта асос – пири комил, нодири даврон, устози мумтоз Мир Алишер Навоий... Дунёга Мир Алишер Навоийдек сиймони берган халқ ўзини ўзгалардан кам тутармиди? Ўзини ўзгалардан остин кўярмиди?.. Йўқ, қўёлмасди... Бу – қуёшдек равшан ҳақиқат... Бартольд ва унинг ворислари ана шу ҳақиқатни инобатга олишмади. Натижада овора бўлишди... Сабабки, улар кўрмоқчи бўлган тушларни биз аллақачон кўриб бўлган, улар етмоқчи бўлган юксакликларни буюк боболаримиз тимсолида биз аллақачон кезиб чиққан эдик... Шу боис улардан маънавиятимизга бир зарра

ўтмади, ҳеч нарса юқмади. Шунча йиллар беҳудадан беҳудага уриниб-чиранишлари қолди, холос...

Бундан бир неча йил олдин Америка Қўшма Штатлари Президенти Рональд Рейган Москва до-рилфунуни устозлари ва талабалари хузурида нутқ сўзлаб, Навоийни эслади. «Ўзбек шоири Алишер Навоийнинг бой ва олижаноб маънавияти макон тутган тупроқда гўзаллик ва самимият ҳақида сўз юритишга ҳожат бормикин»... – деди у. Яъни, Навоийдан ошириб, мен бу ҳақда нима ҳам дея олардим, деб таъкидлади... Бу – дунёнинг иқрори эди. Эшитганлар ҳайрон қолишди... Кейин югур-югурга тушишди. Навоийнинг китоблари қўлма-қўл бўлиб кетди... Шунда мен боя айтганим – қуёшдек равшан ҳақиқат булут ортидан яна бир бор «ярқ» этиб кўринди-ю, дунёни нурга тўлдириб юборди... Хўш, дунёни нурга чулғаган ўша ҳақиқат нима ўзи? Уни изоҳлаб, тушунтириб бўладими? Чамаси, юз ўттиз йил давомида истилочиларга бўйин эгмаган ўша маънавий қудратнинг тамал тоши нима?

Бу саволларга ҳазрат Навоийнинг ўзи, ул зоти шарифнинг сўзи жавоб беради...

Мир Алишер Навоий Ҳаққа етишган шоир эди. Ҳаққа етишмак – аввало ўзга етишмоқ, ўзга етишмоқ эса ўзгаларга етишмоқ, одамни танимоқ, оламни танимоқ деган сўздир... Ана шу нуқталар Навоий воситасида халқимиз маънавиятини ёритиб турарди. Яна шу ҳақиқат ярқираб турардики, халқни яратган – Холиқдир. Холиқ ҳар битта халқни яратаркан, унинг пешонасидан ўпиб, бошқаларга тенг қилиб яратган. Остин ҳам, устун ҳам қилиб яратмаган... Бас, Парвардигорки шундоқ яратган экан, бандаси нечук уни остин ёки устун қилур...

Бундан келиб чиқадиган маъно шуки, ҳар бир халқ ўз ерида ўзи султон бўлсин. Аммо инсофли, адолатли,

марҳаматли, мурувватли султон. Токи бошқалар ҳам унинг паноҳида эмин-эркин яшасин, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, тинч-тотув умргузаронлик қилишсин. Аллоҳнинг азми, азалнинг фармойиши шундоқ...

Навоий куйлаган, умр бўйи тараннум этган, халқимизнинг қони, жонига сингиб кетган ва унинг маънавий суюнчиғига айланган ана шу ҳақиқат ила курашиб, ғанимлар бас келиша олмади. Лекин улар бошқа нарсага эришишди – давлатимиз кўрғонини бузиб ташлашди. Унинг ўрнига қарам, омонат маҳкама қуриб беришди. Давлатдан айрилган эл шавкатдан айрилди. Шавкатдан айрилган эл фақат ўз маънавиятига суюниб қолди. Фақат ўшандан мадад олди...

– Бугун миллий мустақил давлатимизни тикляяпмиз. Шу сабабли «Навоий ва давлат» деган мавзу алоҳида аҳамият касб этиши табиий. Бу масала шоир ижодига нурдек таралган инсонни комил фалсафасининг таркибий қисмини ташкил қилади... Оламдан мақсад – одам, одамдан мақсад – Худо, Худодан мақсад – камолот, камолотнинг эса чек-чегараси йўқ, у сўнгсиз, сарҳадсиз... Ана шу силсилада миллий мустақил давлат айрича ўрин тутди. У инсон камолоти, халқ ривожининг узлуксиз ҳаракатида таянч майдон, мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

Давлатли халқ – шавкатли халқ.

Давлати гуллаган элнинг руҳияти, маънавияти ҳам гуллагай. Темурийлар даврида юртимизда илму фан, санъат ва адабиётнинг гуркираб ривожлангани бунга мисол. Кундузлари девонда амирлик вазифасини адо этиб, кечалари «Хамса» саҳифалари устида қалам тебратган бирйўла ҳам давлатга, ҳам маънавиятга хизмат қилган Навоийнинг ҳаёт йўли бунга далил... Халқимизга буюк Темурдан буюк давлат мерос қолди. Навоий умр бўйи ана шу давлатни мустаҳкамлаш дарди билан яшди. Исёнларни тинчитди, низоларни бартараф

этди. Жанжал – муноқашани бас қилайлик, қўлни қўлга берайлик, аҳил-ҳамжихат бўлайлик, деб бонг урди. Давлатимиз, салтанатимизни сақлаб қолайлик, деб фарёд чекди... Ҳусайн Мирзодан – Бадиуззамон Мирзога, Бадиуззамон Мирзодан – Музаффар Мирзога элчи бўлиб от сурди... Ўз набирасини ўлимга буюрган подшога таъна-дашномлар ёғдирса-да, у эгаллаб турган давлат, салтанат қайғусини чекишдан чарчамади...

Лекин замон зайли, тақдир ҳукми омонсиз...

Улар ҳеч кимсани ва ҳеч нарсани аяшмайди. Ана шу зайл ва ана шу ҳукм туфайли темурийлар салтанати емирилди. Аммо унинг пойдевори устида қурилган маънавият мулки «Боғи жаҳон оро» бўлиб абадий яшнаб қолаверди. Бу аввало, ўша даврда битилган Мир Алишер Навоий ва устод Абдураҳмон Жомийнинг дурдона асарларидир...

Бир пайтлар:

*Ильичнинг миллион ват чироғи ёниб
Бойқаро саройин шамлари ўчди...*

деб бир оз ялтоқлик, балки замонасозлик қилиб ёзишгани маълум... Аммо мен ўша шамларни ўчди дейишга тилим бормайди. Маънавиятни давлатдан, Навоийни Ҳусайн Бойқародан ажратгим келмайди. Бойқаро саройининг шамлари – буюк боболаримиз ёқиб кетган маънавият чироқларидир...


Биз ҳар гал ўша чироқларга термилиб, уларнинг шуъласида ҳазрат Навоийни кўрамиз... Ўз сафларимизга боқиб, яна ўша мунаввар сиймони учратамиз... Келажакка кўз солиб, тагин ўша азиз тимсолга дуч келамиз... Ана у, ипак салла ўраб, зарбоф тўни этаklarини шамолда ҳилпиратиб, бизни юксакларга ундаб, дунёдан ҳамиша огоҳ бўлишга чорлаб, олдинда турибди...

Хулоса шуки, Навоийдек шоири бўлган халқ эгилмайди, эгилса ҳам енгилмайди. Фурсат келди дегунча, ҳозир кўриб турганимиздек, яна қалдини ростлайди. Қаллини ростлаб, яна истиқболга интилади... Истиқболда эса миллий мустақил давлат ва шу давлатга суянган юксалиш, маънавият... Умид улким, Ўрта Осиё, Қозоғистон минтақасидаги давлатлар, халқлар қўлни қўлга бериб, аҳил бир даврага уюшиб, бутун дунё билан туташиб, қовушиб кетгайлар... Ўшанда шоирлар Навоий оҳанглирига солиб, фахриялар, қасидалар ёзишади. Ҳалитданоқ ўшалардан бир нишона ўлароқ, хув, олисдан, уфқ ортидан навқирон бир овоз таралиб, менинг қулоғимга келиб уриляпти:

*Боқингиз, бир тараф Рус, бир тараф Чин,
Демасмен: Ҳинд ё Эрондин ортиқ,
Ватан бўлмас, ёронлар, бизга лекин
Қадим туғ ости шу Турондин ортиқ...*

Ўша кунларни кўриш насиб этсин...

1991 йил, август



ЧИРЧИҚДАН ЧИҚҚАН ТУТУН...

Чирчиқликлар ҳар кеча ётиш олдидан эшик-дарчаларни тамбалаб, бекитиб олишади. Тешик-тирқишларга пахта тиқишади... Сабабки, кунора ҳар ярим тунда «Капралактам»нинг қувури очилади. Завод тутунхонасида бир кечаю икки кундуз қамалиб ётган тутун бурқсиб, бурқираб ҳавога кўтарилади. Сўнг минг бошли илондек тўлғаниб, ўралиб-буралиб, атрофга ёйилади. Манзилдан манзилга ўтади, даладан далага сурилади... Шамол юрмас тунларда ер бағирлаб ўрмалайди. Нақ саҳарга яқин Тошкентга етиб келади. Шамол эсиб турган кечаларда эса бир ярим-икки соат деганда манзилга етиб, пойтахт устига ёпирилади. Кўчалару чорраҳалар, майдонлару хиёбонларни қоплаб олади... Нарёғи маълум: димоқларни, ўпкаларни тўлдиради, юракларга, қонларга сингийди... Икки миллион нуфусли шаҳар тўшакда ётиб, тун насими, тонг сабосини эмас, заҳар-заққумли ҳавони симиради... Нарёғи яна маълум: беҳад-беҳисоб хасталиклар, сўлғин-қовжироқ чехралар, дол бўлган қоматлар, хазон бўлган умрлар (масалан, мисли кўрилмаган қичима – аллергия касалликлари)... Бир сўз билан айтганда, фожиалар, фожиалар, фожиалар.

Хўш, бу фожиаларнинг баҳоси неча пул? Бир юз саксон миллион сўм... «Капралактам» дан бир йилда шунча даромад келади. Йўқ, келмайди, Москванинг чўнтагида қолади... Тошкентга тегадигани – аччиқ тутун... Заҳар-заққумга тўйинган, қоп-қора тутун...

Бугун бундоқ даҳшатли тутунлар бутун жумҳурият бўйлаб еру самони булғаб, бурқсиб ётибди... Ўйлаб, ўйимга етолмайман... Таниш-билишлардан сўрайман:

- «Капралактам» нима ишлаб чиқаради ўзи?
- Хотин-қизлар учун капрон пайпоқлар...

Ажабо миллион-миллион аҳолини заҳарлаш, беҳад-беҳисоб умрларга зомин бўлиш эвазига хотин-қизларга капрон пайпоқлар ишлаб чиқариш... Шарт эканми? Ақлга сиғадиган гапми шу?

Навоий химкомбинати Бухоро воҳасининг шўрини қуритди. Далаларда «чурқ» этган қуш йўқ. Улик сукунат, оғир жимжитлик ҳукм суради... «Зарафшон дарёсида маргимуш оқаяпти...» дейишади самарқандлик олимлар... Турсунзода шаҳрида қурилган алюминий заводи тутунлари у ёғи Ҳисор, бу ёғи Сурхон водийсини адо қилди. Ишқомлардаги узумлар ҳолига боқиб, сесканиб кетасан киши: бари мушт бўлиб тугилган, гўёки тош бўлиб қотган...

Ҳўш, табиатни шунчалар зўрлаш, сўлдириш, ўлдириш, хазон қилиш эвазига фойда олишга интилиш... жиноятмасми? Бу кимга керак? Беш миллион пахта оламан, деб бутун бошли денгизни қуритиш.... мантиққа сиғадими? Йўқ, бу қабоҳатлар инсон боласининг ақлига сиғмайди. Мавлоно Фузулийнинг бир сатри ёдимга тушади:

Ҳеч душман айламас оники қилдим ман манго...

Ҳўш, нега душман қилмаган ишни биз қиламиз? Нега ўз кўксимизга ўзимиз ханжар урамиз? Нега ўз кўзимизни ўзимиз ўямиз? Магар кўру кар бўлиб қолдикми? Ёки ақлдан оздикми? Тангри таоло ато этган ақлу идрокимиз, инсонлигимиз қаёққа кетди? Нега чекаётган оҳ-воҳларимиз бесамар бўляпти? Нега дод-фарёдларимиз юракларга эмас, тош деворларга бориб уриляпти? Магар озод ватандамас, тош турмада яшаяпмизми?.. Тош турма ичида жиндак инсоф бўлиши керак эди-ку... Нега бу қадар инсофсизлик? Бировлар ичига сомон тиқилган, қаққайма бир ҳайкални йиқитишса, «ваҳшийлик», «вандализм» деб дунёга дод солишади... Лекин бу ёқда бутун бошли

халқларнинг шўрини қуритишса... гўёки бу табиийдек, финг демай, безрайиб туришаверади... Тавба, дейман ва бу қабоҳатларнинг изларини ўйлайман... Илдизлар «Октябрь инқилоби» деган давлат тўнтаришига бориб тақалади.

Октябрь инқилобининг шарофати шу бўлдики, халқимиз елкасидаги мустамлакачилик юки, унинг зулму машаққати юз карра ошди... Ўйлаб қаранг, Туркистон Октябрь инқилобидан олдин ҳам Россиянинг мустамлакаси эди. Лекин ер-сув тўла бўлмаса-да, халқимизнинг ўз қўлида эди. Дину диёнатимизга ҳеч кимса даҳл этолмасди. Тилимиз бу қадар сиқув остига олиниб, кераксиз латгадек бир бурчакка тиқиб қўйилмаган эди. Хўш, Октябрдан кейин-чи? «Давлат мулки» ниқоби остида ер халқимиз қўлидан тортиб олинди. Дину диёнатимиз устига қора чизиқлар тортилди. Ўзбек тили ўлимга маҳкум, деб эълон этилди... Еридан, динидан айрилган, тили хўрланиб, ҳақоратланган халқнинг аҳволини энди тасаввур этаверинг... Халқ таянч нуқтасидан айрилди, кўкдан қўли, ердан оёғи узилиб, ўз юртида ўзи ғариб ва мусофир бўлиб қолди. Умрбод давом этадиган мардикорчиликни бўйнига олди... Бир куни ўтса бас, бир бурда нони бўлса бас, шунга қаноат қилалиган бўлди. Сабру қаноат яхши нарса. Аммо у шўрилгандан чўзилаверса, лоқайдлик, бепарволик иллатида айланади. Халқимиз ўз ерига хўжайинлик ҳиссини йўқотиб, лоқайдлик, бепарволик домига тушди. Ва ҳар қадамда «Менга нима?» деган ақидага ўтиб олди.

«Менга нима?» деди халқ, унинг оқар сувларини заҳарлашди... «Менга нима?» деди халқ, унинг ўзини заҳарлашди... Дарёлари нари турсин, денгизини қуритишди, умрини чиритишди... Мана, Октябрь инқилоби халқимиз бошига қандай бало-офатларни бошлаб келди. Халқ ўз пулига ўзи заҳар сотиб оладиган,

Ўз кўли билан ўзини заҳарлайдиган даражага етди... Дунё дунё бўлиб, бунақасини кўрмаган, тарих тарих бўлиб, бунақасига ҳали шоҳид бўлмаган...

Ўйлаб қаранг, халқ ўз ерига ўзи хўжайин бўлганда шунчалик қабоҳатларга йўл қўйиб берармиди? Аждодларини боққан, авлодларига ризқу рўз берувчи заминга шунчалар заҳар-заққум сочишларига индамай қараб турармиди?.. Бир пайтлар Шофиркондаги тош қудуқлардан сув ичиб, роҳат қилишарди. Энди эса оғизга олиб бўлмайди. Сув эмас, зовурдан оққан зах, кислотага тўйинган оғу... Хусусий мулкчиликни йўқотиб, ер-сувни умумдавлат мулки деб эълон этиб, эришганлари шу бўлди.

«Хўш, давлат кимники?» деб сўрайсиз беихтиёр. «Халқники», деб жавоб беришади дарҳол. Давлат халқники бўлса, халқ шу аҳволга тушармиди? Унинг ери, суви, даласи, дарёси, қўйинги, пойтахти шу аҳволга тушармиди?.. Кичик бир мисол. Ҳозир битта кучукнинг баҳоси – 500-600 сўм... Катта кўпакларнинг баҳоси – минг-минг... Шу туфайли кўплаб баъзи биродарларимиз уйларида ит асраб, ит урчишиб, кўпайтириб ётишибди. Лекин бунинг оқибатида булганган атроф-муҳит янада булғанишини сира ўйлашмайди... Ўзбекнинг инон-ихтиёри ўзида бўлса, Тошкентни ит бозорига айлантириб қўярмиди?..

Бу – фалокатнинг бир томони... Фалокатнинг иккинчи томони шундаки, Октябрь инқилоби туфайли жорий этилган сиёсий-ижтимоий тартиб давлат қурилишида ҳам ақл-идрокни рад этди, инсоф-адолатнинг юзига тупурди... Маълумки, давлат қурилиши бу – улкан зинапоя. Унинг ҳар битта поясини бир амалдор эгаллаб туради. Барча қонуний давлатларда амалдорлар ана шу пояларга озми-кўпми сайланиб, сараланиб чиқишади... Ҳатто «мустабид» деб минг марталаб мазаммат этилган ўша Бухоро амирлигида

ҳам аминлар, қишлоқ оқсоқоллари халқ томонидан сайлаб қўйилган... Совет тузуми фақат буйруқбозликка суянди ва ўшанга сиғинди. Ҳар битта амалдор ўзидан пастдаги амалдорни танлаши ва ишга тайинлаши табиий тус олди... Биласиз, амалдор дегани ўзидан ақлли кимсани хуш кўрмайди. Ва ҳар гал ўзидан пастроқ пояга, ўзидан кўра анойироқ ва савияси пастроғини танлайди. Чунки шундайлар устидан ҳукм юритиш ўнғай. Йиллар бўйи ана шу жараён ҳукм сурди. Хўш, натижа нима бўлди? Амалдорлар табақаси пастдан юқоригача, юқоридан пастгача тобора ўтмаслашиб, тўмтоқлашиб бораверди. Йирик, ёрқин шахслар қаёқда? «Йилт» этган учкун йўқ, бошдан-охир бир қолипдан чиқиб, хира тус олган, нурсиз бир тўдага айланиб қолди... Мустақил, теран фикрловчи бирор кимса уларга яқинлашиб боқсин-чи... Дарҳол унинг кўкрагидан итариш, лой чаглаш, радди бадал этиш одат тусига кирди... Хуллас, халқ бошида турганлар ўзлари фикр юритишни хуш кўрмаганларидек, фикрловчи кишиларни ҳам хуш кўришмади. Тўғрида, ортиқча даҳмаза, дардисар кимга керак? Аскар чегарада сергак турибди, халқ ишляпти, қулайини қилгин-да давру даврон суравер... Мана Октябрь инқилоби туфайли дунёга келган совет амалдорлари фалсафаси... Халқ олдида масъулият, келажак насллар олдида жавобгарлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу гаплар уларнинг тушига ҳам кирмайди, баъзида тўтидек такрорлашса ҳам, аслида моҳиятига тушунишмайди ёки тушунишни ҳам ишашмайди... Нафсиламрини айтганда, уларни «амалдор» дейиш ҳам қийин. Ахир амалдор дегани аввало маълум бир масалани мустақил ҳал қилишга қодир бўлган кимсалар эмасми? Булар эса бор-йўғи ижрочи, буйруқни бажарувчи, холос...

Хуллас, тепада улар «қулайини қилиб», давру даврон сураверади. Пастда халқ «Менга нима? Хў-

жайинлар билишади...» деб юраверади. Ўртада юртнинг шўри қурийди, унинг ери, суви – бор табиати заҳарланади, оёқости этилади...

Ҳозир наинки Ўзбекистон, балки бутун Туркистон устида қазою қадар қиличи муаллақ бўлиб турибди... Орол денгизи ўрнида Оролқум саҳроси пайдо бўлди. Янги саҳро Қорақум ва Қизилқум саҳроларини туташтирди. Бирлашган қумлар ғарбдан шарққа томон ҳужумга ўтишди. Тўхтовсиз ўрмалаб, суриниб келаётган даҳшатли қум балосини ким даф этади? Орол денгизи тубидан кўтарилган, заҳар-заққумларга тўйинган чанг-тўзонлар Хоразм ва Бухоро оша Самарқандга, кейин Тошкентга етиб келди. Ҳозир шамол кўтарилганда Тошкентни чанг-тўзонлар булутдек қуршаб олади. Бундан ўн-ўн беш йил олдин бундоқ чанг-тўзонли ҳаволарни тошкентликлар билишмасди... Хуллас, Орол ҳавзасида бирлашган қумлар йиллар ўтиб, Хоразмни ҳам, Бухорою Самарқандни ҳам, Тошкенту Фарғонани ҳам ямлаб ютиши, ҳамма ёқни бало-қазодек босиб, фақат Помир ва Тянь-Шан тоғларигача қадалиб, тин олиши энди аён бўлиб қолди...

Унда бутун Туркистон минтақаси иккинчи Саҳройи Кабирга айланади. Ва биз, туркистонликлар, шубҳасиз, қирилиб битамиз. Бир амаллаб омон қолганларимиз эса кўч-кўронини кўтариб, бошқа ўлкаларга бош олиб кетамиз... Мана оқибат!


Бошига ана шу оқибатларнинг эртами-кечми ёпирилишини ҳис этаётган халқ яна амалдорларга қарайди ва улардан сўрайди: «Нега шундоқ бўляпти?.. Нега шундоқ кунларга қолдик?..» «Биз буйруқни бажардик...» дейди амалдорлар ва бири иккинчисига, кичиги каттасига ишора этади. Ишора этишлар поғона-поғона кўтарилиб, Тошкентга етади ва ундан нари Москвага бориб тақалади... Демак, офат-фалокатлардан нажот топишимиз ана шу салтанатнинг бузилиши ва ана шу кўрғон билан бизни боғлаб турган қарамлик ипла-

рининг узилишига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, нажот – мустақилликда!

Ўзбекистон мустақил бўлганда ер-сувини заҳарлатиб, тупроғини топтатиб қўярмиди? Эрку ихтиёримиз ўзимизда бўлганда беш қардош жумҳурият муштни бир ерга уриб, Каспийдан Оролга сув очмасмиди? Ё бўлмасам, Чирчиқда «Капралактам» қуриб, бор фойдасини ўз чўнтақларига уриб, бизга фақат тутунини раво кўришларига қўйиб берармидик? Хулоса шуки, асоратга тушган халқнинг табиати ҳам асоратга тушади... Ва яна хулоса шуки, Чирчиқдан чиққан тутун – оддий тутунмас, қарамлик, мустамлакачилик тутуни... Унинг йўлини тўсиш, уни бурқситмаслик чорасини кўриш – истиқлол йўлига кирган жумҳуриятимиз учун ҳаётий долзарб вазифа.

Юртимиз осмонини мустамлакачилик тутунларидан тозалайлик. Шунда бу табаррук тупроқда мусаффо ҳаволарни симириб, мустақиллик чинорлари барқ уриб ўсади...

*«Ўзбекистон табиати» газетаси,
1991 йил 5 ноябрь*



ДУНЁГА ЧИҚИШ КЕРАК!..

МУХБИР. Кечирасизу саволни бирданига бугун ҳаммамизни ташвишга солаётган, ўйлантираётган Буюк ҒАФЛАТ – туркистонликларнинг ўзаро тупроқ талашидан бошламоқчиман. Кечагина Фарғона фожиаси, кейин эса Ўш фожиаси (Эртага ҳам қаерларда бўлишини тахмин қилиш мумкин). Яна ўзимизни юпатишни ҳам ўрганиб олдик. Айбдор «Қандайдир қора гуруҳлар», «Гиж-гижловчилар», «Қайта қуриш душманлари», «Норасмий уюшмалар» ва ҳоказо... Аммо бош сабаб бир бутун Туркистон мамлакатининг Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, дея сунъий равишда бўлиб ташланишида эмасми?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Боболаримиз «Бўлинганни бўри ер, айрилганни айиқ» деб бекорга айтишмаган. Инқилобдан олдин уч хонлик эдик, кейин Туркистон жумҳуриятига уюшдик. Сталин даврига келиб, озмас-кўпмас бешга бўлиндик. Майдалашдик. Ишимиз ҳам, туриш-турмушимиз ҳам шунга яраша бўлди. Қон-қардош қавмлар ўзларини турли-турли «миллат» деб атаб, басма-басга ашула бошлашди: «Ўзбегим», «Тожигим», «Қозоғим» дегандай... Мен «Ўзбегим» деб шеър ёзишга қарши эмасман. Аммо шунга акс-садо ўлароқ «Тожигим» ёки «Қирғизим» деган шеърларнинг тўқилиши ва ўқилишини ўйлаб кўрганмисиз? Бу шеърлар такрор-такрор ўқилиб, кўшиқ қилиб айтилавергач, мияларга, юракларга сингаверади ва бунинг натижаси ўлароқ «Мен – ўзбекман!», «Мен – қирғизман!», «Мен – тожикман!» деган тушунчалар мустаҳкамланиб, илдиз отаверади. Пировардида бир ақли расо чиқиб: «Эй, кўйинглар шу гапларни!.. Ҳаммамиз турклар ёки туркистонликлармиз... Бир ота-онанинг болаларимиз!» – деса, уни эшитадиган ёки эшитганда ҳам

тушунадиган бирор кимса топилмайди... Қарабсизки, арзимаган баҳонада ака-ука, оға-ини бир-бирининг кўкрагидан итариб, жиққамушт бўлиб турибди... Айтмоқчиманки, Сталин ва сталинчилар қурган айирмачилик тегирмонига ўзимиз ҳам сув куйдик... «Форобий ўзбекми, қозоқми?», «Ибн Сино ўзбекми, тожикми?» деб уялмай-нетмай мунозара юритдик. Нега боболаримиз бу тўғрида баҳс-мунозара этишмаган? – деган гап хаёлимизга ҳам келмади. Тегирмон бўлса айланаверди. Шундоқ бир тегирмонки, дунё дунё бўлиб бунақасини кўрмаган: ўзингни ўзагиндан айиради. Мисол керакми? Марҳамат. «Турк» бор эмишу «тюрк» бор эмиш... Туркияда яшаётганлар «турк». Туркистонда яшаётганлар «тюрк» эмиш...

Яъни, айтилмоқчики: сен бошқа, у бошқа... Хўш, ақлга сиғадиган гапми шу? Ўзи Туркистонда яшайди-ю «турк» бўлмай, «тюрк» бўладими? Тарихий ҳақиқат шуки, туркияликлар ҳам, туркистонликлар ҳам – битта миллат. Улар – шу тупроқдан кетган турклар, биз – шу тупроқда қолган турклар. Тамом-вассалом. Бошқа тафовут йўқ.

МУХБИР. «Тюрк» сўзини айрим шарқшунос олимлар ўйлаб топишган. Назаримда, бу билан «туркий» дейишмоқчи шекилли...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Менимча, туркни «турк» дейиш керак. Унинг ёнида бошқа сўз ясашга ҳожат йўқ. Навоий ва Бобур ўзларини «турк» эмас, «туркий» дейишганми? Йигирманчи йилларда кенг қўлланилган «Турк жумҳурияти», «Туркфронт», «Турк комиссия» ибораларини эслаб кўринг.

Ўшанда «Тюрк» деб ёзиш ҳеч кимсанинг хаёлига келмаганди-ку... Кейин зарур бўлиб қолди, шекилли. Машғум тегирмон йўқ жойдан тафовут излади, тафовут топди. Бунинг оқибати ўлароқ, Туркистонда турклар бугун ўзларини «турк» деб айтишмайди, ўзбек,

қозоқ, қирғиз, туркман деб атайди. Бу ҳали ҳолва. Фарб матбуотида: «Урта Осиёнинг ваҳший халқлари бир-бирларини қира бошлади» деган хабар тарқалди. Москва матбуотида «Тюркский самогеноцид» деган гап пайдо бўлиб қолди... Хуллас, бизнинг ваҳшийлигимиз (!) ва шу ваҳшийлигимиз туфайли (!) бир-биримизни қирғин-барот қилишимиз муқаррарлигини ҳалитданоқ дунёнинг қулоғига қуябошлашди. Шунинг учун бўлса керак, Тифлистеда ўн тўққиз киши ҳалок бўлганда бутун дунё оёққа туриб, мотам тутди. Аммо бизда юзлаб кишилар ҳалок бўлишса-да, гўё бу табиий бир ҳолдек, парвойи фалак: на ҳукуматнинг иши бор, на дунёнинг ташвиши... Ҳўш, нима қилиш керак? Кўкда Аллоҳдан, ерда ўзимиздан бўлак суюнчилигимиз йўқ, шекилли. Эсимиз борида этагимизни йиғиштириб олсак – ҳўб, йўқса, фожиа ва шармандалик давом этаверади... Шу маънода мен баланд бир тоққа чиқиб, ҳаммага эшиттириб: «Ҳой, туркистонликлар, эсларингни йиғиб олинглар!» деб қичқиргим келади. Олмаотада беш жумҳурият раҳбарларининг учрашиб, битим имзолаши – хайрли аломат. Аммо ўша битим қоғозда қолиб кетмасайди, деб кўрқаман. Нега дейсизми? Ҳукуматларимизнинг қўл-оёқлари чандиб ташланган. Эркин фаолият учун имконият йўқ. Яқинда Японияга сотилган бир неча юз тонна пахтани чегарадан ўтказмай, қайтариб юборишди деб ойнаи жаҳонда хабар қилишди. Мана сизга – мустақиллик...

МУХБИР. Яқинда сиз Туркия сафаридан қайтдингиз...Кечаги кунга қалар «Туркия – феодализм ботқоғига ботган. Оврўпони арзон ишчи кучи билан таъминлаб турувчи қолоқ мамлакат» деб қулоғимизга қуйишарди. Чинданам шунақа эканми? Кейин – сафардан мақсадингиз...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Назаримда, бир пайтлар буюк турк уммони бўлган... Тарихий бўронлар ўша ум-

монни иккига ажратиб ташлаган: нарёғи – Туркия, буёғи – Туркистон... Туркияда Туркистонни «она юрт» деб аташади. Мустафо Камол Отатуркнинг мақбараси пештоқида: «Биз турклар – Туркистоннинг фарзандларимиз» деб ёзиб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Туркия – Туркистоннинг давоми. Наслу насабимиз, тарихий илдизларимиз – бир. Тилдош, диндош, қондош-қариндошимиз. Қондош-қариндошлар юртини зиёрат этишни ким истамайди? Туркияга бир сафар қилсам, деган орзу юрагимда кўпдан яшар эди. Хайриятки, бунга муяссар бўлдим. Мен Туркияга шоир ва таржимон Фирот Қизилтуғнинг таклифи билан бордим. Туркия ёзувчилар бирлиги. Турк культур (маданият) институти ва икки нашриёт ила битимлар туздим: ўзаро китоблар айирбошлаш, уларни таржималаб, нашр этиш, ёзувчи ва таржимонларнинг икки жумҳурият аро борди-келдисига кенг йўл очишга доир... Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйини бирга байрам қилиш ҳақида ҳам келишиб олдик.

Истанбул ёки Анқарада буюк бир майдон Алишер Навоий номи билан аталиб, майдон ўртасида ҳазратнинг ҳайкали тикланадиган бўлди. Ҳайкални бирор ўзбек ҳайкалтароши ясаб берса, яхши бўларди, дейишди мезбонлар.

Энди «Туркия – қолоқ мамлакат» деган гаплар ғирт ёлғон. Яъни шу пайтгача бизда ҳукм суриб келган ялпи ёлғоннинг бир қисми. Туркия – ривожланган мамлакат. Турмуши баланд, маданияти юксак. Шароитларини биздаги аҳвол билан қиёслаб бўлмайди. Кўчалардаги тротуар, яъни йўлларни совун билан ювишади, десам, ишонасизми? Овқатдан олдин ва овқатдан сўнг қўлини гул суви билан ювиш – одат. Маишати борасида бир мисол. Оддий терапевт врач бир ойда минг долларга баробар маош олади.

Жарроҳнинг ўртача ойлиги – бир ярим, икки минг доллар. Тирикчилик даражаси ҳам шунга яраша. Озиқ-овқат, кийим-кечак муаммоси йўқ. Магазинлар, бозорлар молга, товарга тиқилиб кетган. Машина пиланд эмас, истасангиз, қурбингиз етса, тайёра сотиб олинг. Ҳамма ёқда компьютер – билгисайёр. Шахсий компьютерлар воситасида тайёрага чипта, чет элга ижозатнома олишади. Туркия шу кунларда реактив тайёралар, сув ости кемалари, баллистик ракеталар ишлаб чиқармоқда. Кейинги ўн йил ичида дунёда энг ривожланган ўн давлатнинг бирига айланади, деган тахмин бор. Шаҳарларда, кишлоқларда бўлдим. Назаримда тўқсон фоиз аҳоли тўқ-тўкин яшайди, ўн фоизи фақир. Бизда аксинча, ўн фоиз – бадавлат, тўқсон фоиз – камбағал. Чет элларга ёлланма ишчи бўлиб кетаётганлар – ана шу фақирлар ҳисобидан. Турк ҳукумати уларнинг хорижга бориб ишлашини қўллаб-қувватлайди. Бу билан бирйўла уч қуённи мўлжалга олади. Биринчидан, давлат хазинасига валюта – ақча тушади. Иккинчидан, хорижга кетганлар ғарбнинг техникаси, технологиясини эгаллаб қайтишади. Учинчидан, камбағал, фақир оилалар тўқ, бадавлат оилаларга айланишади. Демак, уч ёқлама фойда. Туркияда менга ғоят маъқул тушган жиҳатлар: гўшт, сут-қаймоқ, мева ва сабзавотлар кимёвий заҳарлардан мусалффо. Яъни, деҳқонлар кимёвий ўғит солишмайди. Бу – қонун йўли билан ясоқ, қатағон... Йиғин ва зиёфатларда ичкилик эмас, турли-туман шарбатлар ичишади. Шунинг учун бўлса керак, одамлар соғлом, юзларидан қон томади. Бир-бирларига айланиб-ўргилиб муомала қилишади. Чунончи: «Хуш галдин, сафо галдин!», «Марҳаболар!», «Соғ ўл, офият ўлсин!», «Шараф вердиниз», «Чўк гўзал!», «Бугун порлоқсиниз!», «Ййи гунлар, афандим!», «Ййи гежалар!», «Гўзал рўёлар!..», «Гула-гула!». Хуллас, туркона

лутфу карамларнинг чек-чегараси йўқ. Биз уларнинг олдида анча кўрслашиб, кўполлашиб қолганмиз. Йўл қоидасини бузган такси ҳайдовчиси билан трафик полиси (бизнингча, ГАИ назоратчиси) ўртасидаги ширин муомалани кўриб, ёқамни ушладим. «Шакар-гүфторлик ҳам эви билан-да! Бақриб бермайсанми!.. Хўжжатини тортиб олиб, маймундек ўйнатмайсанми!» деб маслаҳат бергим келди-ю ўзимни аранг тийдим. Кейин, фикримча, турк жомесидек жоме бўлмас...

МУХБИР. Тушундим...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Бизнинг Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хива каби шаҳарларда муҳташам масжиди жомелар бор. Аммо турк жомеларини кўрмабсиз – дунёга келмабсиз. Бошдан-охир мармардан ясалган, ингичка, инжа миноралари кўкка қадалган, ўттиз-қирқ гумбазли жомелар кишини ҳайратга солади. Олий санъат, юксак нафосат намунаси! Ўтмишда илк тарҳини меъмор Синон солган турк жомелари йиллар, асрлар оша гўзаллашиб, мукамаллашиб, мумтоз кўрку камол касб этган. Биргина Истанбулнинг ўзида беш мингдан ортиқ жоме бор... Шулардан бири Мирзо Улуғбек номидаги Туркистон жомеси. Уни туркистонликлар, яъни ҳамюртларимиз бир миллион доллар сарф этиб қуришган. Тўрт азамат минораси, йигирма тўрт гумбази бор. Остига тўшалган улкан яхлит ипак гиламнинг ўзи бир мўъжиза. Маккада тўқилган, дейишади. Анқарадаги Хўжатепа жомесининг сатҳи бир гектарга етади.

Энди турк тотлиси ҳақида. Турклар ичкилик ичишмайди, деб боя айтдим. Улар овқатдан сўнг ширинлик – тотли ейишади, яъни, лаззатли ҳолвалар. Айниқса, бақлава машҳур. Тўғри, бизда ҳам турли ҳолвалар бор, аммо турк тотлиси беназир...

Анқарада бўлганимда мени Туркия парламентида таклиф этишди. Олий кенгаш аъзоси Муҳаммад Кўкан қабул қилди. Буюк миллат мажлисининг муҳташам

залларини томоша этдик. Парламент кутубхонасини кўрсатиб, дунёнинг бор китоблари шу ерда, дейишди. Мен Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор китобларини суриштирдим. Компьютер орқали «йўқ» деб жавоб беришди. Маъюс тортганимни кўриб, мезбонлар юпатишди. «Хафа бўлманг, афандим, сталинчилар етмиш уч йил давомида Туркияни Туркистондан ажратиб қўйишди. Иншооллоҳ, қайта қуриш шарофати билан маданий алоқаларни йўлга қўярмиз. Кутубхоналаримиздан ўзбек ёзувчилари асарлари ҳам ўрин олажак», дейишди.

Қадимий Кўниё шаҳрига бориб, Мавлоно Жалолиддин Румий мақбарасини зиёрат этдим. Омадим келиб, ўша кун Мавлононинг кенжа зурриёди Жалолиддин Чалабий билан учрашдим. Узоқ суҳбатлашдик. Суҳбатимизни Анқара радиоси учун ёзиб олишди. Хайрлашаркан, профессор Чалабий хотира бўлсин деб Жалолиддин Румийдан бир рубойи ўқиди. Мазмуни: сен шошилма, сабрли бўл, таҳаммул эт, аста-аста, явош-явош ниятинга етасан, сен истаган шей ўлажак... Мен бу рубойини Кўниё тупроғида ётган буюк зот, мунаввар сиймодан илоҳий бир ишорат деб тушундим. Ёлғиз ўзим учунмас, халқим, юртим учун...

Анқарада мен танишган ажойиб инсонлардан бири Аҳмад Хўжа, бири Урхон Қовунчи. Аҳмад Хўжа – ношир, нашриёт эгаси, мен у билан китоблар айирбошлаш, уларни таржималаб, нашр этиш ҳақида битим туздим. Урхон Қовунчи Анқара дорилфунунида генетикадан дарс беради, профессор. Боболари наманганлик. Бултур ўзимизнинг матбуотда «пантуркист» деб роса пўстагини қоқишган эди. Лекин мен у билан учрашиб, гаплашиб, ҳайрон қолдим. Ўша «пантуркист» биздаги қайта қуришнинг ашаддий тарафдори, ҳукуматимиз амалга ошираётган сиёсатнинг толмас тарғиботчиси экан...

МУХБИР. Айтишларича, Туркияда анчагина туркистонлик қавмларимиз яшар эмиш.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Ҳа, биргина Истанбулнинг ўзида юз минглаб туркистонликлар яшайди. Улар ўзларини ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз деб аташмайди. Бир сўз билан «туркистонлик» деб аташади. Суриштирсам, сабаби бор экан: уларнинг кўпчилиги бизнинг ҳалигидек бўлинишимиздан олдин кетишган. Шу сабабли ораларида бўлинишдан кўра бирлик кучли экан. Тўқ-бадавлат яшашади. Уларга икки дунё – бир қадам. Кеча Америкадан келиб, эртага Японияга жўнайверишади. Ораларида Оксфорд, Ҳарвард, Колумбия дорилфунунларини битирган мутахассислар бор. Туркистонликлар жамияти президенти профессор Аҳад Андижон – машҳур жарроҳ. Истанбул дорилфунуни тиббиёт бўлими мударриси. Хусусий клиникаси ҳам бор. Саратон (рак) касали амалиёти учун уни Фарбий Оврўпо мамлакатларига тез-тез таклиф қилиб туришади... Туркияда ўн етти кун турган бўлсам, ҳар оқшом юртдошлар даврасида бўлдим. Юз, икки юзлаб кишилар ҳозир бўлган давраларда нутқ сўзлайвериб, саволларга жавоб қайтаравериб, чарчадим. Хуллас, Туркияда яшаётган туркистонликларнинг маишатидан камчилиги йўқ. Бизга нисбатан ўн-йигирма карра яхши яшашади. Фақат уларни қийнайдиған нарса – она юрт соғинчи. Йўллар очилса, ҳар йили бир-икки марта бориб, юртимизни зиёрат этсак, дейишади. Уларда маблағ, билим, имконият мўл.Дунёнинг биздан бўлак барча мамлакатлари билан алоқа қилишади. Тошкентда Туркия ваколатхонаси очилиб, тайёралар Истанбулдан Боку орқали Тошкентга учишини орзиқиб кутишади. Собир Сайҳон, Шаҳобиддин Яссавий, Муҳаммад Акбар, Муҳаммад Юлдуз, Шавкат Ойнуралиларнинг кўздаги ёши, дастурхон устидаги дуоси – она юрт. Она юртга қўлдан келганча моддий-маданий ёрдам

этсак, деб орзу қилишади. Бири ғишт заводи қуриб бермоқчи, иккинчиси дорилфунун, учинчиси шифохона, яна бири халқаро Ислом банкидан катта миқдорда ёрдам олиб бермоқчи...Мен Тошкентга қайтиб, бу гапларни масъул акаларга етказдим. Бир натижа бўлармикан, билмадим. Бундоқ дейишимнинг сабаби бор. Яқинда Саудия Арабистонидан келган Аҳмад Туркистоний билан учрашиб қолдим. Мармар савдоси билан шуғулланаркан. Ўзбекистон мраммарини жаҳон бозорига олиб чиқиб, шу йўсинда жумҳуриятимиз иқтисодиётини яхшилашга ёрдамлашмоқчи экан. Лекин иши юришмабди. Масъул акаларимиз сўзни айлантириб-айлантириб, охир-оқибат «Московдан рухсат олиш керак» деган гапга тақашибди. Шунда Туркистоний Мирзачўл қовунларини жаҳон бозорига чиқариш таклифини олға сурибди. Ғарбий Оврўпода бир кило қовун 5 марка, 2,5 доллар эмиш, яъни, бизнинг пулда 25 сўм... Бу таклифга ҳам боягидек жавоб берилибди. «Москвадан рухсат олиш керак...» Бизга ёрдамлашмоқчи бўлаётган бошқа хорижий юртдошларимизга ҳам шундоқ жавоб беришса, не ажаб...

МУХБИР. Хўш, нима қилиш керак?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Биринчи галда илоҳий ҳақиқатларга иқрор бўлиш керак. Халқни яратган Холиқ деб бекорга айтишмайди. Холиқ уни яратаркан, ўзига хос номи билан яратади. Ўрисларнинг ўрис, инглизларнинг инглиз, яҳудийларнинг яҳудий бўлиб дунёга келиши – Худодан. Шунингдек, туркларнинг турк бўлиб дунёга келиши ҳам – Тангрининг иродаси. Уни ўзгартириш бандасининг қўлидан келмайди. Янги халқ ясаймиз, деган уринишларнинг оқибатини кўриб турибмиз... Бас, шундоқ экан, биз – ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар энди туркклигимизга иқрор бўлайлик, ўзимизни Худо буюрган, тақдири азал ато этган ном билан атайлик.

Ҳозир «Ўрта Осиё ва Қозоғистон» деб юритилаётган заминнинг асл номи «Турон» ёки «Туркистон» эканлигини баралла эътироф этайлик.

МУХБИР. Бу ерда фақат турклар яшамайди-ку...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Хўш, Ҳиндистонда фақат ҳиндлар яшайдими? Аҳолисининг олтиш фоизини ўрислар ташкил этган ерни «Россия», нуфусининг эллик фоизини форслар ташкил этган тупроқни «Эрон» деб аташади-ку... Аҳоли нуфусининг тўқсон фоизидан кўпроғини турклар ташкил этган ер нега «Туркистон» бўлмасин? Сталинчилар бу тарихий атамани жаҳон тарихи саҳифаларидан ўчириб, сидириб ташлашга қаттиқ ҳаракат қилишди. Аммо жаҳон тарихи, жаҳон тарихчилари асарлари, чунончи, академик Бартолд тадқиқотлари, Лениннинг нутқ ва мақолаларидан уни ўчириб бўлармиди... Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деб шунга айтишади...

Мен жумҳуриятларимизни дарҳол қўшиб-қориштириш керак, демоқчимасман. Масалан, Қозоғистон Қозоғистон бўлиб, Тожикистон Тожикистон бўлиб яшайверсин. Фақат қўлни қўлга берайлик, тақдир ато этган минтақада минг йиллар давомида яшагандек оға-ини бўлиб яшайлик. «Туркистонлик» деган ном хешу ақраболигимизга ишора этиб, бизни бирлаштириб турсин, дейман.

Аммо бугун ўз жумҳуриятларимиз доирасидан чиқиб, қўлни қўлга беришнинг ўзи камлик қилади. Дунёга чиқиш керак! Зеро, шу дунёда яшаб, ундан четда туриб бўлмайди. Етмиш уч йил ўзимизни дунёдан тиканли сим ила ажратдик. Энди жабрини тортаяпмиз. Дунё илгарилаб кетди. Унга етиб олиш лозим. Бунинг ягона чораси – маданий, иқтисодий алоқа. Бутун дунё билан, биринчи галда қўшнилар, яқинлар билан. Туркия қўшни эмас, аммо яқин мамлакат. Яқин Шарқда энг тараққий этган ўлка, ўртада қондошлик, диндошлик

бор. Муомала, муносабат этишга ўнғай. Бас, биринчи галда Туркия билан боғланиш, Туркия орқали жаҳон бозорига чиқиш – бизга қулай. Бундан яхшироқ йўл йўқ. Лоақал Туркиянинг қурилиш, тўқимачилик саноати, мева ва сабзавотни қайта ишлаш фирмалари бой тажрибасини ўрганиш, ўзлаштириш афзалликларини ўйлаб кўринг... Туркия китоб магазинлари ақлни шоширади. Муштарак тарихимиз, маданиятимизга доир минг-минглаб жилд китоблар қалашиб ётибди. Биз йигирма йиллар ёқиб, кулини кўкка совурган асарлар бу ерда ўқувчига интизор. Ўн беш жилдлик «Ислом қомуси», ўн жилдлик «Болалар қомуси», «Дода Кўрқут», «Зафарнома», «Бобурнома», «Хумоюннома», «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» лар ярқираб туришибди. Ҳаммасини санаб, адо этиб бўлмайди. Истанбулдаги Сулаймония кутубхонаси дунёнинг энг буюк кутубхоналаридан бири ҳисобланади. Туркистонлик тадқиқотчилар учун сўнгсиз бир хазина у...

Туркия Бош вазири мушовири, иқтисод фанлари доктори, профессор Навзат Ёлчинтош Туркия бизнинг Туркистон жумҳуриятлари билан яхши маданий-иқтисодий муносабатлар ўрнатишга ҳозирлигини айтди, туркистонлик талабаларни Истанбул, Анқара, Измир дорилфунунларида ўқитиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам ёрдамлашамиз, деди.

Аммо яна кўрқаманки...Бировлар ҳиммат қилиб, ёрдам қўлини чўзганда чўчиб, довдираб туриш одатимиз бор. Бир мисол, бундан бир неча йил аввал биз бир гуруҳ ёзувчилар Самарқандга борганимизда вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Назир Ражабов бизни қабул қилиб, суҳбат асносида ғалати бир гапни айтиб берган эди. Бир куни унинг қабулига австриялик бир миллионер келиб, самарқандликларга хотира учун бир микрорайон қуриб бермоқчи эканлигини айтибди. Табиий, Назир ака хурсанд бўлибди.

Олийҳиммат меҳмонга раҳмат айтиб, Тошкентга сим қоқибди. «Бу гапни телефонда ҳал қилиб бўлмайди», дейишибди унга. Тошкентга келиб, турли эшикларга бош урибди. Униси унга оширибди, буниси бунга. Хуллас, «Бу гапни Масков ҳал қилади» дейишибди. Назир ака Масковга жўнабди. Эшикма-эшик, идорама-идора юравериб, ҳолдан тойибди. Ниҳоят, тўққизинчи қаватга чиқиб, коридор охиридаги эшикка боринг, дейишибди. Ўша эшикка борибди. Қараса, савлатли бир киши ўтирганмиш.

«Ну, что?» дебди савлатли одам.

«Ҳа, шундай-шундай... Австриялик бир миллионер Самарқандда бир микрорайон қуриб бермоқчи... Шунга рухсат...»

«Хўш, нега энди Самарқандда қуради?» – сўрабди савлатли.

«Чунки у Самарқандни севади», – дебди Назир ака.

«Хўш, нега у Самарқандни севади?» – деб оёқ тираб олибди савлатли... Бу саволга жавоб бериб кўринг-чи... Назир ака ҳам жавоб беролмай, ҳафсаласи пир бўлиб, изига қайтибди...

Шунга ўхшаб, нега айнан Туркия билан боғланасиз? Ундан кўра Куба билан савдо-сотик қилаверинг. Консулхонасини ҳам очиб қўйибмиз, дейишса, нима дейсиз?

МУХБИР. Йўғей, худо урдими... Дунёни ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам шунча тор қилиб, нимага эришдик?.. Бунинг устига, жумҳуриятимиз мустақиллик эълон қилди – иншооллоҳ, биз ҳам дунё сафига қўшилармиз.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Айтганингиз келсин...

Сухбатдош Азимбек УСМОН

ТОҚҚА ЧИҚИШ САНЪАТИ

МУХБИР. Жамол ака, мана Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қурултойида раисликка сайланганингизга ҳам анча бўлиб қолди. Бу жумҳуриятимиз мустақил бўлганидан сўнг юз берди. Шунинг учун аввало ўтган давр ичида уюшма фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлди, яна нималар режалаштирилган, қандай муаммолар бор, деб савол бергим келади...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Боболаримиз дастурхон бошида дуо қилишганида «Худое, бандасига банда қилма» деб илтижо этишган... Бир инсоннинг иккинчи инсонга банда бўлишини «қуллик» деймиз... Бир халқнинг иккинчи халққа қарам бўлишини-чи? Ялпи қуллик, бировга оёқости, яъни мустамлака бўлиш... Кўряпсизки, бу сўзларни шунчаки тилга олиш ҳам даҳшат... Биз эса уни бошдан кечирдик. Бир юз ўттиз беш йил мустамлака асорати остида яшадик. Худога шукрки, ер юзидаги катта бир мустамлакачи салтанат емирилди... Бу – оламшумул воқеа. Иншооллоҳ, энг сўнгги мустамлакачи салтанатга ҳам завол етади. Жаҳонда мустамлакачиликдан ном-нишон қолмайди...

Уюшмамиз энди мустақил Ўзбекистоннинг Ёзувчилар уюшмаси. Ишимиз ҳам, ижодимиз ҳам ана шунга муносиб бўлмоғи даркор. Биз шунга ҳаракат қиляпмиз. Шу бир-икки йил ичида жумҳуриятимиз эришган ютуқлар озмунчамас. Давлат мустақиллигимиз эълон этилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Дунёга йўл очдик. Ҳозир Тошкент – Истанбул, Тошкент – Жидда, Тошкент – Ислобод ҳаво йўлларида учоқлар мунтазам қатнаб турибди. Пойтахтимизда хорижий элчихоналар иш бошлади. Талабаларимизни чет элларга ўқишга юборяпмиэ. Ўзбек тили Ўзбекистоннинг тўлақонли

давлат тилига айланмоқда. Миллий бойликларимизга эга бўляпмиз. Миллий қўшинимиз тузиляпти. Миллий пулимиз масаласи ҳал этилмоқда... Қисқаси, тинчлик, осойишталикда кечаётган ҳар бир кун «очко» – ютуқ олиб келяпти.

Бу гаплар бундан атиги бир йил олдин орзу – хаёл эди десам, муболаға бўлмас. Энди орзуга етганда уни қадрлашни ҳам ўрганайлик. Дўппини ерга қўйиб, бир ўйлаб кўрайлик... Бу мўъжиза эмасми? Бир йил ичида шунча ўзгариш... Тасаввурга сиғмайди! Албатта, бу билан бизда камчиликлар йўқ, демоқчимасман. Турли ташвишлар, муаммолар қалашиб ётибди. Аммо бош мақсадга эришдик, асл муддаога муяссар бўлдик: Ўзбекистон узра мустақиллик байроғи ҳилпиради! Эндиги вазифа – уни янада баландроқ кўтариш ва мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашдир. Бунинг учун тинчлик-тотувлик зарур, бирлик-ҳамжиҳатлик керак, ақл ва тadbир ила иш тутмоқ даркор...

Алпинистнинг тоққа кўтарилишини кузатганмисиз? У ҳар битта тош, ҳар қарич ерни наинки кўли, балки оёғи билан ҳам пайпаслаб кўради. Сўнг қоziқ қоқади, сўнгра арқон отади. Арқонни тепадаги қоятошга илади. Яхшироқ чирмашдими деб тортиб, синаб кўради. Шунга иймони комил бўлгач, тепага интилади... Хуллас, қарич-қарич, қадам-бақадам олға босади... Адашишга ҳаққи йўқ. Хато қилса – тамом, нариёғ – жарлик, жаҳаннам...

Менинг назаримда, ҳозир жумҳурият раҳбарияти олиб бораётган сиёсат алпинистнинг тоққа кўтарилишига ўхшайди. Ошиқмай-шошилмай, ғоят эҳтиёт бўлиб, ҳақиқий мустақиллик сари пояма-поя кўтарилиш... Биз, ёзувчилар буни яхши тушунамиз ва қадрлаймиз... Ахир шошган мушук кўр туғади, деган гап бор. Қош қўяман деб кўз чиқазиб қўйиш ҳеч гап эмас. Ён-атрофимиздаги воқеалар буни тасдиқлаб турибди.

Жумхурият Ёзувчилар уюшмасининг бугунги ва-зифаси аввало ана шу ҳақиқатга хизмат қилишдир. Эҳтиросли сўзимиз, каломимиз билан халқимизни бирлик – бирдамликка чақириш, мустақиллик ғояси атрофида қўлни-қўлга беришга даъват этишдир... «Сен мустақиллик учун нима қилдинг?» – деган сўров ва ундовни ҳар қадамда такрорлашдир... Аммо бу сиёсий курашларга бетиним шўнғийвериш деган гап эмас. Йиллар бўйи сиёсатга шўнғидик. Энди бас, етар, замон ўзгарди. Биз орзу этган кўп нарсалар ҳақиқатга айланди. Энди ўз ҳунаримиз – адабиётга юз ўгириш пайти келди. Аниқроғи, адабиёт билан астойдил машғул бўлиш, бадиий хазиналар яратиш пайти келди... Халқимиз биздан сиёсий йиғинларда қизгин нутқлар эмас, маънавиятимизни бойитувчи гўзал китоблар кутмоқда. Хуллас, биз уюшмамиз фаолиятини ижодга бураяпмиз. «Адабиёт ўладими?», «Бизга қандай адабий танқид зарур?», «Бугунги кўшиқларимиз» мавзуларида баҳсу мунозаралар уюштирилди. Устоз шоир ва адибларимизнинг ёш тўйларини кетма-кет нишонляяпмиз. Хориждан қадам ранжида қилган машҳур юртдошларимиз, маданият арбоблари билан учрашувлар анъана тусини олди. Уюшмамизнинг янги газетини «Мустақиллик» деб атадик. Хуллас, бугунги шиоримиз – мустақилликка ва адабиёт орқали халқимиз маънавиятига хизмат қилишдир.

Зеро, бу икки тушунча бир-бирига пайваст. Маънавияти юксалган халқ куллик – қарамликни рад этади, ҳурлик, мустақилликнинг қадрига этади.

МУХБИР. Пайтдан фойдаланиб, «янада улкан масалалар» билан бошимизни қотиришга рухсат берсангиз. Аввало барчанинг тилидан, дилидан жой олаётган Туркистон, турк жумхуриятларининг бирлиги хусусида. Худога минг қатла шукрки, ҳатто кечагина «пантуркизм»га, «миллатчилик»ка қарши кенг жабҳада

курашган кимсалар ҳам бугун бизга Туркистоннинг бутунлигини «миллатчи» дегани бу «миллатпарвар» эканини англамоқчи бўляптилар...

ЖАМОЛ КАМОЛ. «Турон» деб аталадими ёки «Туркистон» деб юритиладими, барибир, Сибирдан бошланиб, Каспий денгизига қадар ястанган бу улкан минтақанинг тарихий-маданий бирлиги, бир бутунлиги дунё тан олган, ҳеч қандай далил билан рад қилиб бўлмайдиган буюк бир ҳақиқат...

Аммо ана шу ҳақиқатни баъзи бировлар тиришиб-тирмашиб рад этишга уриниб келишди. Ҳозир ҳам қулайини топишса, рад этишга уринишади. Аммо ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, бу ҳақиқатни ҳам бекитиб бўлмайди... Худо шундоқ қилиб яратган, тарих шундоқ ҳукм юритган бўлса, бандасининг қўлидан нима келади?.. Фақат чираниш...

Аммо бошқалар чирансин, биз чиранмайлик, бугуноқ ёки эртагаёқ Туркистонни бирлаштирамиз, деб айюҳаннос солмайлик. Туркистонни бирлаштириш шундоқ мушкул ва залворли бир вазифаки, бу нарса на Эшматнинг, на Тошматнинг қўлидан келади... Туркистонни бирлаштиришни келажак кўрсатади... Шу нарсани унутмайлик. Инчунин, сабрли бўлайлик. Тарих поезди гуриллаб олға босаяпти. Унинг охири вағони зинапоясига бир оёғимиз билан аранг илиниб, бир оёғимиз ер чизиб, «Ҳой, одамлар, эшитмадим деманглар, бу поездни юргизиб кетаётган – мен!» деб қичқирмайлик. Қичқириб, ўзимизни кулгили ва аянчли аҳволга солмайлик... Туркистон жумҳуриятлари президентлари тез-тез учрашиб, ўзаро маданий, иқтисодий битимлар тузишяпти. Тошкент ойнаи жаҳони орқали ҳар шанба оқшоми «Туркистон» кўрсатуви назарга тушмоқда. Нуфузли газеталаримиздан бири – бугун «Туркистон» деб аталади. Машҳур «Октябрь» меҳмонхонасининг эндиги номи – «Туркистон», Тошкентда

«Туркистон» биржаси тузилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон жумҳуриятлари ўртасида «Туркистон битими» имзоланди... Бу гаплар, эҳтимолки, бировлар учун етарли эмас, камдир... Аммо, нафсиламрини айтганда, кам эмас... Хайрли аломатлар, хайрли қадамлар... Такрор айтаман, шошилмайлик. Замона зайлига қўйиб берайлик. Фақат сабр керак, фурсат керак.

МУХБИР. Туркистон тилга олинган жойда Туркия ҳақида гапирмасдан илож йўқ. Туркия йўли, Туркия андазаси ҳақида кўп гапирилгани сайин, ўзаро суҳбатларда, кўча-кўйларда «Туркия йўли Амриқонинг бизга қўйган тузоғи эмиш» каби шивир-шивирлар, ҳаттоки матбуотда «Тизгинимизни Ивандан олиб, Усмонга бериб қўймайлик» деган огоҳлантиришлар эшитилиб турибди...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Туркияда туркистонликларни учратишганда «Туркистондан галмиш, Она юртдан галмиш» дея лутфи эҳтиром кўрсатишади. Биласиз, турклар Туркияга Туркистондан кетишган. Бас, Туркистон – Она юрт, Туркия – Бола юрт... Фарзанд онасига, она боласига талпинганидек, Туркия Туркистонга, Туркистон Туркияга талпинади. Бу – табиий бир ҳол. Тарихий илдизларимиз, қонимиз, жонимиз, тилимиз, динимиз муштарак. Она фарзандига нечун талпинмасин? Фарзанд онасига ёмонликни нечук раво кўрсин? «Ивандан қутулиб, Усмонга йўлиқмасайдик» дегувчилар масаланинг ана шу жиҳатини инобатга олишмаяпти.

Туркиянинг қалби пок, нияти холис. У жаҳон халқлари даврасида ёлғиз эди. Энди бўлса, бир неча жону жигарлари унинг ёнидан жой олишди. Шунинг учун қувончи чексиз, қалбида ифтихор. Туркистонликлар оёққа турсин учун ҳиммат-марҳаматини аямаяпти. Сабабки, Туркистоннинг қадди ростланса, Туркиянинг ҳам кўкси тоғ бўлиши муқаррар... Табиатда ажиб бир қонуният бор. Қуш-қушга талпинади, сув-сувга...

Тош ҳам тошга қараб думалайди... Нега турк-турк-ка интилмасин? Буни «пантуркизм» деб аташ беҳуда.

Энди «Туркия андазаси» хусусида. Туркия – ислом мамлакати. Аммо у дунёвий давлат. Бир томондан, динга қаттиқ эътиқод қилади, иккинчи томондан, дунёвий билимларга катта эътибор беради. Бир қўлида – Қуръони карим, иккинчи қўлида – билгисайёр, яъни компьютер... Бир томондан, юксак, инжа минорали улўф масжиди жомелар, иккинчи томондан, замонавий коллежлар, дорилфунунлар... Қисқаси, бир томондан, собит мусулмон бўлиб қолиш, иккинчи ёқдан, дунё билан тараққиётда бир сафда кетиш... «Бизга Туркия йўли маъқул» дейилганда, менимча, ана шу жиҳатлар кўзда тутилади.

МУХБИР. Назаримда, араб ёки лотин ёзувига ўтиш ҳақидаги таклифлар, баҳсу мунозаралар аста-секин кучайиб, бутун Туркистон жумҳуриятларини қамраб оладигандек туюлади...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Араб алифбосига ўтамизми ёки лотин алифбосига?.. Менимча, масалани бу тарзда қўйиб бўлмайди. Масалани шу йўсинда қўйиш – нотўғри. Баъзи бировлар масалани ана шу тақлид кескин ва бир ёқлама қўйиш билан орадан учқун чиқармоқчи бўлишяпти... Ўзингиз ўйлаб кўринг. Араб алифбоси – дину диёнатимиз ёзуви, муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони карим ҳуруфи, минг йиллик тарихимиз битиги. Хўш, ундан қандоқ қилиб воз кечамиз? Уни ўрганмаслик гуноҳи азим эмасми? Лотин графикаси – замонавий илму техника белгиси, юксак тараққиёт аломати, умумдунё ёзуви... Хўш, уни нечук ўрганмайлик? Уни ўрганмаслик нодонлик ва жаҳолат эмасми? Хуллас, бизга униси ҳам, буниси ҳам керак. Бизга Қуръони карим ҳам, буюк ҳадислар ҳам, замонавий билгисайёрлар ҳам даркор. Бас, «Унисими ёки буниси?» демасдан, униси ҳам, буниси

ҳам» десак тўғри бўлади. Адабиётчилар, тарихчилар, файласуфлар, руҳонийлар араб алифбосини билишлари шарт. Негаки, бусиз мазкур соҳаларда фаолият кўрсатиш мушкул. Араб ёзувида газеталар, журналлар, китоблар нашр этайлик. Мактаблар, техникумлар, дорилфунунларда ушбу ёзув ўргатилсин. Аммо лотин ёзуви оммавий алифбо, жумҳуриятимизнинг минглаб фуқаролари, яъни ҳамманинг ёзуви бўлмоғи даркор. Бутун туркий халқлар ана шу ёзув атрофига бирлашамиз ва унинг воситасида дунёга чиқамиз...

Хуллас, бизга униси ҳам, буниси ҳам керак. Ҳаттоки, учинчиси ҳам...

МУХБИР. Тушунмадим.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Демоқчиманки, тарих бизга Русия билан қўшни бўлиб яшашни буюрган экан, болаларимизга рус тили ва адабиётини ҳам ўргатаверамиз.

Шубҳасизки, ана шу жараёнда кирилл-рус алифбосини ўрганиш давом этаверади. Бировлар ўйлагандек, уни бир чеккага суриб қўймаймиз.

МУХБИР. Жамол ака, бундан икки йил олдин журналимизда чоп этилган «Дунёга чиқиш керак!» деган суҳбатингизни ҳурматли юртдошимиз Боймирза Ҳайит ўқиб чиқиб сизга мактуб ёзган эканлар. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Ўша мактуб «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилиб чиқди. У киши гоёт севиниб, орзуларингиз амалга ошяпти, Ўзбекистон дунёга чиқяпти, деб ёзганлар...

Ҳа, дунёга чиқиш керак!..

Ва дунёдан ўрганиш керак!..

Ва дунё билан бир сафда кетиш керак...

Зеро, ўзи билан бир сафда кетмаганларни, ортда қолганларни дунё аямайди, оёқости қилади. Бунга ўз тарихимиз шоҳид.

Ўн олтинчи асрга қадар дунё йўли, дунёнинг Буюк ипак йўли Туркистон орқали ўтарди. Буюк жуғрофий кашфиётлардан сўнг дунё ўз йўлини ўзгартирди. Туркистон дунёдан узилиб, дунё йўлидан, тараққиёт йўлидан четда қолди. Йиллар, асрлар ўтаркан, ғафлатга ботаверди... Илгарилаб кетган дунё бир куни қурол ўқталиб, унинг устига бостириб келди. Бугун дунё сафига ҳали тўла қўшилиб улгурганимиз, унинг сафида ҳали қад ростлаб олганимизча йўқ... Ўзини билган дунёни билади, дунёни билган ўзини билади, деб бекорга айтишмайди. Мен ўзбекларнинг олмонлар ёки японларга ўхшаб, бутун дунёни кезиб, ҳамма нарсани синчиклаб кузатиб, мушоҳада этиб, маълум хулосаларга келиб юришларини орзу қиламан.

МУХБИР. Бир сафар Сизни йўқлаганимизда Покистонга кетган экансиз. Сафарингиз кўнгилли ўтдимиди? Тошкентга қандай таассуротлар билан қайтдингиз?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Шу йил 21–23 май кунлари Покистоннинг Пешовар шаҳрида Покистон, Афғонистон, Туркия, Эрон ва Туркистон жумҳуриятлари ёзувчилари, олимларининг катта анжумани бўлиб ўтди. Мавзу – Марказий Осиё деб аталмиш катта минтақада тарихий, анъанавий алоқаларни тиклаш. Биринчи кун маданий алоқалар ҳақида, иккинчи кун сиёсий алоқалар тўғрисида, учинчи кун иқтисодий муносабатлар хусусида сўз юритилди. Ўзбекистондан академик Пўлат Ҳабибуллаев, шарқшунос олим Тошмирза Холмирзаев ва мен иштирок этдик. Яхши маърузалар, қизғин мунозаралар бўлди. Бир-биридан яхши таклифлар олға сурилди. Бизнинг таклифимиз билан анжуман аҳли Афғонистон ва Покистон ҳукуматларига мурожаат этиб, ҳарбий асирларни озод қилишни сўради... Пешовар, Исломобод ва Карочи шаҳарларини кездик. Покистон – чиндан ҳам гўзал

диёр. Табиати сўлим, одамлари самимий, оққўнгил. Ажабки, у ерда ҳам кўпчилик инсонлар Туркистонни «Ота юрт» деб билишади. «Боболаримиз ўша ёқдан келишган» дейишади. Тилларида туркий сўзлар кўп. Чунончи, «қошиқ», «қийма», «бегим» каби. Гўзал иморатлари бор. Исломободда қурилган Шоҳ Файсал масжидини кўриб мўъжиза дейсиз. Яшил дарахтзорлар қўйнида қад кўтарган, анвойи чечаклар билан ўранган икки қаватли иморатларни қаср ёки кошона деб хаёл қиласиз... Ҳар бир бинонинг ўз шакли, бетакрор услуби бор. Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Муҳаммад Али Жинна ва Мустафо Камол Ота Турк хиёбонларидан ўлдик... Талай шоирлар, адиблар билан учрашиб, суҳбатлашдик. Ўзаро борди-келди қилиш, китоб айирбошлаш хусусида келишиб олдик. Аммо бир нарсани айтишим керак. Покистонда ҳаддан зиёд бой-бадавлат инсонлар ва бениҳоя фақир, камбағал бечораларга дуч келдик. Назаримда, бу ҳам бизга бир сабоқ бўлмоғи даркор. Бировларнинг ҳаддан ташқари бойиб, осмонга чиқиши, бошқа бировларнинг эса ҳаддан ташқари қашшоқлашиб, тупроққа киришига йўл қўйиб бўлмайди. Бу соҳада Скандинавия мамлакатларида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. У ерларда ҳукумат турли чора-тадбирлар воситасида бойлик- камбағаллик тарозисини мўътадил бир даражада тутишга интилади. Бу соҳада аниқ бир дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ҳукумат ана шу дастурга амал қилади.

МУХБИР. Жамол ака, ўзингизга маълум, ҳозир қарашлар, эътиқодлар ва бошқа кўпгина нарсалар ўзгариб, чилпарчин бўлиб, бошқа тусга кириб, аралаш-қуралаш бўлиб кетяпти. Бунинг устига, оддий меҳнаткаш ҳамюртларимиз ҳаёт қийинчиликларига чидаяпти. Шундай бир пайтда, сизнингча, биз учун энг муҳим нарса нима?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Дарҳақиқат, қийин бир давр, мушкул бир тарихий жараён. Қил кўприкдан ўтаяп-миз, десам, ишонаверинг. Бундай пайтда энг муҳими, одамлар ўртасида тинчлик-тотувликни сақлаш, бирлик-ҳамжиҳатликка интилиш, инсоф-адолат, ақл-идрокка суяниб иш кўриш, муросаи мадора қилиш... Ҳар хил низо – тафриқаларнинг олдини олиш... Ҳўш, юртимиз бир, тилимиз бир, динимиз бир, тақдиримиз бир экан, нимани талашамиз?.. Мансаб, бойлик, шон-шуҳратми? Феълни кенг қилсак, ҳаммаси етади. Низодан низо, учқундан ёнғин чиқишини унутмайлик. Низо изловчилар, агар у топилмаса «ташқил» этувчилар ҳамма жойда топилади. Ўшалардан огоҳ бўлайлик.

Бизнинг бу дунёда таянчимиз – кўкда Аллоҳ бўлса, ерда Ватан... Ўзимиз – Ватаннинг жонли бир парчаси, тирик тупроқлармиз. Шу тупроқдан яралибмиз, шу тупроққа қайтамиз... Шундоқ экан, бизга Ватан ва унинг мустақиллигидан ортиқ нима бор?

МУХБИР. «Аввал Ватан, кейин жон!» демоқчисиз-да!

ЖАМОЛ КАМОЛ. Баракалла!

МУХБИР. Ана шу шеърингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон байроғи кўтарилганда ўқиб берилгани, Америка – Туркистон жамиятининг «Умид» журналида босилиб чиққанидан хабаримиз бор. Изн берсангиз, уни «муштум» хонларга ҳам тақдим этсак.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Марҳамат.

Абадийдир, азизлар,

Бошимизда осмон...

Нидо келар осмондан:

Аввал Ватан, кейин жон!..

Абадийдир, ёронлар,
Замин деган шу макон.
Нидо келар заминдан:
Аввал Ватан, кейин жон!..

Қалби дарё отажон,
Меҳри дунё онажон,
Бу дунёда биз учун –
Аввал Ватан, кейин жон.

Орзуларинг бир жаҳон,
Умидларинг бир жаҳон.
Лекин жаҳонда, дўстим,
Аввал Ватан, кейин жон.

Ўзбекистон чироғи –
Болажон, ҳей болажон,
Унутма ҳеч, унутма,
Аввал Ватан, кейин жон.

Киприк кетар, кўз қолар,
Қолар Ватан – жонажон.
Жамолдан шу сўз қолар:
Аввал Ватан, кейин жон!..

МУХБИР. Қизиқарли суҳбатингиз, шеърингиз учун
раҳмат, Жамол ака!

Суҳбатдош Азимбек УСМОН,
«Муштум» журнали, 1992 йил, сентябрь

ШАКАРПАРИЁНДА ЭКИЛГАН ЧИНОР

Тингладим, мен бу диёр овозини,
Халқ дилидан янграган ҳур созини.
Кўп баланд тоғлар ошиб эсан шамол
Кўзғатар ёш туйғулар парвозини...

Ойбек

Тайёрамиз қанотлари остида оппоқ булутлар оқадди. Тоғ-тоғ, баҳайбат булутлар... Пастда, нақ жаҳаннам чуқурлигида тоғлар кўзга ташланади. Ҳиндикуш тоғлари... Мен кўз тикиб, нигоҳим билан чўққидан чўққига сирпаниб, ўша маълум ва машҳур Ҳайбар дарасини излайман... Хўш, нега Ҳайбар дарасини, дейсизми? Гап бор. Гап шундаки, бундан уч ой аввал, аниқроғи, шу йилнинг 20-24 апрель кунлари биз бир гуруҳ ўзбек зиёлилари – академик Пўлат Ҳабибуллаев, профессор Тошмирза Холмирзаев ва камина Покистоннинг Пешовар шаҳрида ўтказилган ёзувчилар ва олимларнинг халқаро анжуманида иштирок этдик. Анжуманга Туркия, Эрон, Афғонистон, Америка Қўшма Штатлари, Олмония ва Хитойдан вакиллар келишди. Қозоғистондан Аёнбек Курманбоев, Тожикистондан Асқар Ҳаким ва Мунира Шоҳидий қатнашдилар. Мавзу: Марказий Осиёда жойлашган давлатлар, миллатлараро анъанавий, сиёсий, иқтисодий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш...

Пешовар – Покистоннинг энг шимолий шаҳри. Бу ер билан Афғонистон чегараси бир қадам. Чегарани Ҳайбар дараси ажратиб туради. Бир куни бизни ўша ёққа бошлаб боришди. Икки тарафда баланд кўтарилган баҳайбат чўққилар. Ўртада кескир қилич билан шарт кесилгандек чуқур дара. Дара тубида Жалолободга ўтадиган йўл... Бир қарашда ўзимизнинг

Жиззах билан Самарқанд ўртасидаги Темур дарвозасини эслатади.

– Темур дарвозаси дейсизми? – деб сўрайди мендан ҳамроҳим, Афғонистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Расул Амин. Сўнг сўзида давом этади. – Кўриб турганингиз ана шу дара ҳам – дарвоза... Ҳиндистон дарвозаси... Бобонгиз Амир Темур ҳам шу дарвозадан ўтганлар...

Ҳайбар дараси – Ҳиндистон дарвозаси!

Бу ердан Амир Темурдан олдин ҳам, кейин ҳам кўплар ўтишган. Масалан, Искандар Зулқарнайн ўтган, Чингизхон ўтган, Маҳмуд Ғазнавий ўтган... Кўп қонлар тўкилган... Ўтганлар бари ортига қайтган. Бу ердан ўтиб, тиригида ортига қайтмаган – ёлғиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Бошқалар келиб, босиб, талон-тарож этиб, бойлик-ўлжа йиғиб, қайтиб кетишган. Фақат Бобур қайтмаган, қайтмас бўлиб келган. Унинг қайтиш йўли кесик, чиқиш дарвозаси берк эди. Шунинг учун азоб-изтироб чеккан, сўнгсиз соғинчлар кўйнида яшаб, дардли ғазаллар, ҳасратли рубоийлар битган.

*Ўз ихтиёрим бирла келдим бу юртга,
Лекин боруримга ихтиёрим йўқдир! –*

деб фарёд солган... Бобурни эрта қаритган, унинг умрини қисқартган ана шу чексиз соғинч дарди бўлса, ажабмас... У бор-йўғи эллик икки йил умр кўрган... Лекин Бобурдан ажойиб китоблар қолди. Бобурдан бирлашган Ҳиндистон қолди... Бобурдан инсоф билан айтганда, Покистон қолди.

Тайёрамиз Ҳимолайни ҳам, тоғ-тоғ булутларни ҳам ортда қолдириб пастлай бошлади. Қанотларимиз остида Покистон пойтахти – Исломобод. Оппоқ иморатлари қуёш нурларида кўз қамаштириб ярқираган

яшил шаҳар. Мамлакатнинг халқаро аэропортида фахрий қоровул саф чекиб турибди. Денгиз, пиёда ва ҳаво қўшинлари аскарлари. Покистон Президенти Фулом Исҳоқхон, бош вазир Навоз Шариф жаноблари Ўзбекистон Президентини кучоқ очиб қарши олишди. Олий меҳмон ташрифини шаҳарга овоза қилиб, тўплар гумбурлайди. Фахрий айвон устида Ўзбекистон ва Покистон байроқлари. Айвон остида олий меҳмон ва олий мезбонлар... Жанговар мусиқа. Қаёққа борманг, инглиз ва урду тилларида «Яшасин Покистон – Ўзбекистон дўстлиги!», «Хуш келибсиз, Президент Ислон Каримов!» деган шиорлар... Зобитларнинг гурс-гурс қадам ташлашлари... Бир сўз билан айтганда, тантанали кутиб олиш маросими. Бир ёнда саф тортиб хорижий элларнинг элчилари туришибди. Бир ёнда Покистонлик аъёну ақобирлар ва уларга тутшиб тизилишган, севинчдан лаблари титраб, кўзларидан дув-дув ёшлари оққан хорижий ватандошларимиз, ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар... Улар президентимиз билан йиғлаб кўришишди, пойига кучоқ-кучоқ гуллар сочишди...

Саллаларига узун жиға, попилдириқлар қадаб олган суворийлар бизни Президент саройи – Айвони Садрга бошлаб боришди. Алп қоматли, бўйи нақд икки метр, балки ундан ҳам баландроқ, новча қоровуллар сафидан ўтиб, олтин қандиллар билан безатилган, нурафшон, муҳташам залга киримиз. Чуқур жимжитлик чўкади. Қарийб беш соат чамаси ерда ва ҳавода кечган суронли сафардан сўнг илк жимжитлик. Сўнг сукунатни бўлиб, таниш ўктам овоз янграйди. Президентимиз овози:

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!
Муҳтарам Бош вазир жаноби олийлари!
Хонимлар ва жаноблар!...

Мен ғалати бўлиб кетдим. Томоғимга бир нарса келиб қадалгандек бўлди. Покистон Президенти саройида ўзбекча нутқ, туркий калом, она сути билан менинг жонимга сингган, жондан азиз она тилим!.. Ҳамроҳим Абдували Фуломмаҳмудовга кўз қиримни ташлайман, у ҳам ғалати бир аҳволда... Секин кўз югуртириб, ҳозир бўлганларнинг юз ифодаларини кузатаман. Бу ерда Покистон давлат ва жамоат арбобларидан ташқари Америка, Хитой, Франция, Япония, Индонезия каби ўнлаб мамлакатлар элчилари қўл қовуштириб туришибди. Улар нималар ҳақида ўйлашаётган экан! Туркий туркистоний каломни шундай тантанали вазиятда биринчи бор эшитаётган бўлишса, ажабмас. Тилимиз қулоқларга, қалбларга тўқиниб, қандай ҳиссиётлар кўзғаяпти экан? Шуларни билгим келади...

Шу куни Покистонлик мезбонларнинг сўзларини тинглаб яна ўйланиб қолдим... Беихтиёр Туркияга қилган илк сафарим ёдга тушди. «Туркистондан галмиш – она юртдан галмиш!» деган сўзлар юрагимга нақшланиб қолганди ўшанда. Ажабо, бу ерда ҳам шундай дейишяпти. Туркистон – боболаримиз юрти, динимиз бир, дилимиз бир, тилимиз, томиримиз туташ, дейишяпти... Кечқурунги зиёфат устида бу гапларнинг чинлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

– Бу овқатни сизда нима дейишади? – деб сўрадим.

– Шўрва, – дейишди.

– Буниси-чи?

– Палов.

– Бу-чи?

– Қийма.

– Бу-чи?

– Қовурма.

Сўнг қошиқни қўлга олдим.

– Буни нима дейсизлар?

– Қошуға...

Беихтиёр кулиб юбордим... Сўнгра «Хоним» деб сўз бошлаган эдим, тўхтатишди.

– Бизда «Хоним» эмас, «Бегим».

Ё тавба! Буниси чиндан ҳам ошиб тушди. Бир зумда шунча муштарак сўзларга дуч келдим. Синчиклаб ўрганилса, уларнинг адади мингдан ошса, ажабмас. Дарвоқе, Покистон миллати туркистонликлар билан ҳиндистонликлар қўшилишидан таркиб топган, дейиш мумкин. Ана шу қўшилиш жараёнида ҳиндий, форсий, туркий лаҳжалар чатишиб, урду тилини дунёга келтирган. Биласиз, «Урду» – туркий сўз бўлиб, «қўшин» деган маънони билдиради. Урду тили қўшин тили демакдир. Асрлар давомида бу юртда қўшиннинг кўпчилигини ўзимизнинг ўрта осиеликлар ташкил этишган. Ва бунинг натижаси ўлароқ, тиллар чатишиб, томирлар тутшиб кетган. Асрлар бўйи Туркистон ва Хуросондан – мен юқорида айтганим Ҳайбар дараси орқали Ҳиндистон минтақасига одамлар оқиб келаверган... Аввал келганлар маҳаллий халқ билан қуда-анда бўлишиб, уларга сингиб кетишган. Кейин келганлари ҳали ўзлигини – ўзбеклигини, тожиклигини, туркманлигини, қозоқлигини сақлаб туришибди. Ўшаларнинг вакиллари бугун президентимизга пешвоз чиқишди. «Хуш келибсиз!» деб унинг бўйнига осилиб йиғлашди. Айримларини танимадим, айримларини танидим. Улар билан Пешоварда учрашганман.

Баҳорда Пешоварда ўтказилган халқаро йиғиннинг сўнги куни покистонлик ёзувчи Муҳаммад Саид мени секин имлаб, ташқарига чақирди.

– Нима гап?

– Юртдошларингиз келишибди...

Эшикка чиқдим. Соқол ўстириб, салла ўраган уч тўрт киши «Ассалому алайкум, ҳамшаҳар!» деб қарши олишди. Танишдик. Пешовар яқинидаги муҳожирлар

манзилгоҳидан келишибди... Ғўлабирдан келган йигит Абдулборий манзилгоҳ бошлиғи экан.

– Бизнинг «Хуросон» манзилгоҳида юз минг муҳожир яшайди, – деди у. – Ҳаммаси ўзимизнинг элат... Ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар... Ўзбекистондан ёзувчилар келишибди, деган хабарни эшитибок бу ёққа югурдик... У ёқда Сизни кутиб туришибди. Бориб, жамиятга бир сўз айтмасангиз, бўлмайди...

Фурсат оз. Вақтимиз зиқ эди. Шунини айтиб, узр сўрамоқчи бўлдим. Йўқ, бўлмади. Абдулборий оёғини тираб олди... Ниҳоят, қозоқ дўстим Аёнбекни олиб, манзилгоҳга жўнадик. Қонли уруш туфайли уйи бузилиб, Покистонга сурилган афғонистонлик муҳожирлар бу ерда иккита манзилгоҳ тузишган. Паштунларнинг манзилгоҳи – «Ориёна», ўзбек, тожик, туркман, қозоқлар қароргоҳи – «Хуросон». «Хуросон» га кириб бордик. Тартиби, услуги Самарқанд, Бухоро қишлоқларини эслатувчи катта қишлоқ, йўқ, қишлоқлар тизмаси. Ариқларда сувлар оқиб ётибди. Катта гузар. Гузарнинг икки чеккасида турли дўконлар, темирчилик расталари. Кўча-кўйда юрган кишилар ҳам ўзимизнинг одамлар... Юрагим увушиб кетди... Тақдир шамоли бу шўрликларни ўз тупроғидан узиб, мана қаёқларга келтириб ташлаган!

– Мактабимиз бор, стадионимиз бор, – деди Абдулборий кўтаринки руҳ билан.

– Байрамларда анави майдонда улоқ чопамиз...

Мактаб ҳовлисида чамаси тўрт юз киши тўпланиб туришган экан. Дуою тилаклар айтиб, қарши олишди. Кўзларда ёш, лабларда табассум, юракларда «Ватанни бир кўрсам, тупроғини кўзга сурсам» деган бир орзу, бир илинж, бир армон...

Айримларнинг елкаларида автомат... Кўплар билан қучоқлашиб кўришдим. Ширин гаплар айтиб, синган кўнгиллар, чўккан юракларни кўтаришга уриндим.

Ниҳоят, Абдулборий жамоатни тинчитиб, менга сўз берди.

– Туркий гапирайми, форсий? – сўрадим мен.

– Гапираверинг! – дейишди гуруллаб.

– Тушунасизларми?

– Тушунамиз!..

– Унисини ҳам, бунисини ҳамми?

– Унисини ҳам, бунисини ҳам!..

Бошда бир оз форсий, сўнг ўзбекчага ўтдим.

– Ватан озод бўлди! – дедим овозимни баланд кўйиб. – Халқимизга истиқлол насиб этди... Биродарлар, бугун она юртимиз Ўзбекистон – мустамлака эмас, мустақил давлатдир...

Ҳамма бирдан жунбишга келди. Кимдир «Такбир» деб қичқирди. Халойиқ уч карра «Аллоҳу акбар» деб ҳайқирди. Автоматлардан тириллатиб, ҳавога ўқ узишди...

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани, мустақил давлатимизни юздан ортиқ давлатлар танигани, Тошкентда ўнлаб хорижий элчихоналар очилгани, Тошкент – Истанбул, Тошкент – Жидда, Тошкент – Исломобод ҳаво йўлларида тайёралар қатнаётгани, миллий кўшинимиз тузилаётгани ҳақида сўзладим. Яна чайқалиш, яна «Аллоҳу акбар!» деган ҳайқириқлар, яна қулоқни батанг қилиб, автоматлардан ҳавога ўқ узишлар... Шу кейингиси ортиқча туйилди. «Ўша қуриб кеткурларни отманглар!» дея илтимос қилдим. Рози бўлишди, кейин отишмади.

Мана, ўша ватандошларнинг вакиллари бугун Президентимизни гулларга кўмишди. Айвони Садрда ўтказилган қабул маросимида пайпоқ фабрикасининг эгаси олмослик Абдулҳай билан суҳбатлашдик: Тошкентнинг Бадирвой маҳалласидан бўлмиш Хайрулла Субутий, шаҳрисабзлик Нуриддин Бухорий, хоразмлик Нейматулло Рўзимуҳаммад, самарқандлик Абдурахим

Абдукарим ўғли, марғилонлик Саидахмад Носирбой ўғли, бухоролик Муҳаммад Юсуф, андижонлик Абдушукур Ҳожиабдул ўғли, яна бухоролик Аминжон Ҳазраткул ўғли, кўқонлик Худоёрхон Абдурахимбек ўғли, фарғоналик Саидахмад Муҳаммадносир ўғли ва бошқалар...

– Имкон беришса, Наманганда замонавий пайпоқ фабрикаси очардим, – деди суҳбатдошим кўзлари чақнаб.

– Бунинг йўли осон, – дедим ва уни ҳайъатимиз аъзоси, Наманган вилояти ҳокими Бургутали Рафиқалиев билан таништириб қўйдим...

Шу куни бош вазир саройида музокаралар бўлди, маданий-иқтисодий алоқаларга доир битимлар имзоланди.

Эртаси, 14 август куни Покистон парламенти олдидаги майдонда ўтказилган Покистон Мустақиллик байрамида иштирок этдик.

Каттакон майдонни тўлдириб турган халойиқ олий меҳмон – Президентимизни оёққа туриб, олқишлар билан қарши олди. Байрам маросими Қуръони карим қироати билан бошланди. Ёшлар хори Покистон давлат гимнини берилиб куйлади. Қўғирчоқдек ясанган-тусанган қизалоқлар байроқчаларни силкитиб, қўшиққа жўр бўлишди. Ҳофиз Жаландҳарий қаламига мансуб мазкур мадҳияни эшитиб, ҳайрон қолдим. Оҳанги дилрабо, сўзлари аниқ ва дақиқ бу қўшиқни тушуниш қийинмас. Арабчадан, форсчадан бир оз хабардор бўлсангиз, кифоя. Таржимасини келтирмайман, ўзингиз ўқиб, мушоҳада қилиб кўринг:

*Пок сарзамин шод бод,
Кишвари ҳассин шод бод.
Ту нишони азми олийшоҳ,
Арзи Покистон!*

Маркази яқин шод бод!
 Пок сарзамини низом
 Қуввати ақуввати овом,
 Қавм, мулк, салтанат,
 Поянда, тобанда бод,
 Шод бод манзили мурод!
 Парчами ситораву ҳилол,
 Раҳбари тараққию камол
 Таржимони мозийшони ҳол,
 Жони истиқбол!
 Сояйи Худойи зулжалол!..

Ёшлар Покистон, унинг истиқлолию истиқболи ҳақида яна кўшиқлар куйлашди. Маросим охирида Бош вазир Навоз Шариф табрик нутқи сўзлаб, давлат байроғини кўтарди. «Покистон, зиндабод!» деган хитоблар янгради. Ўзбекистон вакилларига алоҳида иззат-эҳтиром кўрсатишди.

Исломобод – замонавий, модерн шаҳар. Кўчалари кенг, топ-тоза ва кўкаламзор. Йўллар ойнадек силлиқ, машина «қилт» этмайди, сирганиб шамолдек учadi. Ҳар қадамда анвойи гуллар, ғаройиб дарахтлар. Гулбела, гулоб, чамбели, нотия, деҳлия, малта, кипу, банаана, нашвати, олуча, амруд дейишди номларини... Муҳаммад Али Жинна, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, Мустафо Камол Отатурк хиёбонларидан ўтдик. Қайси кўчадан юрманг, узоқдан тўрт буюк минора ярқираб кўзга ташланади. Шоҳ Файсал масжиди. Замонавий жаҳон меъморчилигининг асл дурдонаси. Саудия Арабистони подшоси ҳадя этган пулга турк меъмори лойиҳаси асосида покистонлик бинокорлар бунёд этишган. Шоҳ Файсал масжидига улкан кутубхона ва ислом дорилфунуни туташиб, яхлит буюк мармар иншоотни ташкил этган... Мўъжиза масжид ортида ям-яшил оғочларга бурканиб, Шакарпариён тепалиги қад кўтариб турибди.

Тепалик устида фахрий боғча бор. Жаҳон давлатлари бошлиқлари Покистонга ташриф буюрганда ана шу боғчага келиб, кўчат экишади. Аҳмад Сукарно, Яжоу Энлай, Николай Косигин эккан кўчатлар ҳозир етук дарахтларга айланишган. Нурсултон Назарбоев эккан кўчат ҳали ёш. Ана шу қаторда Президентимиз ҳам яхши ният билан кўчат экидилар. Сўнг тепалик устида туриб атроф-теваракни томоша қилдик.

Пастда Исломобод ястаниб ётибди. Ҳар бир иморат, ҳар бир майдон худди кафтдагидек аниқ кўзга ташланади. Шаҳарнинг бир чеккасида – мовий кўл, у пойтахтни чучук сув билан таъминлайди. Мовий кўл этаги эса туманга бурканган Марғала тоғларига бориб туташади.

Исломободга илк бор келганимизда ўша кўл бўйига бориб, ўша тоғларга термилганмиз. Муҳтарам олимимиз, академик Пўлат Ҳабибуллаев ўз фантазияси билан бизларни қойил қолдирган.

– Биласизми, – деган Пўлат ака ўшанда юзлари ёришиб, – Марғала тоғлари – Ҳиндикушнинг бир тизмаси. Ҳиндикуш Ҳимолайга, Ҳимолай эса Помир ва Тянь-Шанга бориб туташади. Хуллас, ана шу силсила бўйлаб, тоғма-тоғ ошиб кетаверсангиз, бир кун «лоп» этиб, Чотқолнинг устидан, Тошкентнинг тепасидан чиқиб қоласиз...

Чинданам ғалати фикр... Кўз юмиб, бир зум тасаввур этдим: тоғма-тоғ учиб-қўниб кетаётган какликлар галаси... Уларга эргашиб, чўққилардан ошиб, дадил одим ташлаб бораётган ҳормас-толмас йўловчи. Бир кун у Чотқолга етиб боради!..

Карачи шаҳрига бориб, у ердаги бандаргоҳда бўлажак ўзбек савдо флоти учун ажратилган жойни кўрмоқчи бўлдик. Насиб этмади. Икки кун аввал қаттиқ сел ёғиб, шаҳарни сув босибди. Қурбон бўлганлар бор дейишди. Карачи сафари кейинга

сурилди. Аммо икки давлат ўртасидаги битишув, қарор қатъий: келажакда Ўзбекистон юк қарвонлари Афғонистон орқали Покистоннинг Карачи портига чиқади. Сўнг у ердаги савдо кемаларимиз дунё океани бўйлаб сузади.

Покистон Бош вазири қароргоҳи олдидаги улкан айвон остида Президентимиз ва ҳайъат аъзолари, чет эл дипломатлари, ишбилармонлар, мухбирлар келишди... Иссиқ!.. Дим, намчил ҳаво нафасни бўғади. Ҳар ер-ҳар ерда ўрнатилган, нақ одам бўйи келадиган, йирик елпигич – паррақлар тўхтовсиз ғириллаб, айланиб турса-да жиндек саринлик, салқинлик беришдан ожиз... Яна устоз Ойбекнинг сатрлари ёдимга тушади:

*Шундай иссиқ! Гўё ер-кўк оловлашир,
 Ҳазил эмас, Ҳиндистоннинг қуёшидир...
 Алангада пальмаларнинг соябони,
 Қўтос сувда ҳарсиллайди қуйиб қони...*

Бир-биридан қизиқарли, қисқа-қисқа мулоқотлар бўлиб ўтди. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Индонезия, Россия элчилари билан сўзлашдик... Дардингни олай, Мустақиллик!.. Ҳамманинг тилида – Ўзбекистон! Ҳамманинг мустақил Ўзбекистонга боргиси, у билан яқиндан ҳамкорлик қилгиси келади...

Ажабки, ҳаш-паш дегунча, хайрлашиш соати ҳам етиб келди.

*Биллоҳки, ёмондир ошнолик,
 Ким охирида келур жудолик,*

деб бекорга айтмаган Фузулий... Исломобод аэропортида тантанали кузатиш маросими ўтказилди. Яна фахрий қоровул саф тортди. Яна икки дўст давлат байроқлари ҳавода ҳилпиради. Яна жанговар оҳанглар янгради.

Ниҳоят, биз тушган, биқинига «Ўзбекистон» деб ёзилган тайёра ҳавога кўтарилиб, Тошкентга йўл олди.

Хайр, Покистон! Аммо қалбимизда қанчадан-қанча рангин таассуротлар, фикримизда не-не ёруғ мушоҳадалар... Уларнинг ҳаммасини бирйўла қоғозга тушириб бўлмайди. Аммо санжоб этиб, хулоса қилиб айтиш мумкин.

Покистон – 120 миллион нуфусли, ҳар тарафлама тараққий этиб бораётган буюк мамлакат. У бизга, туркистонликларга жуда катта умид ва меҳру ихлос билан боқади. Бизни дунё халқлари даврасида ўзи билан бир сафда кўрмоқ истайди. Ана шу умидни англаш, ана шу меҳру ихлосни оқлаш, Покистон билан яқин алоқалар боғлаб, уларни кучайтириш, мустаҳкамлаш лозим. Янги имзоланган битимлар ана шу алоқаларга хизмат қилади.

Менинг кузатишимча, Покистонда бойлар – жуда бой, нақ осмону фалакда, камбағаллар эса жудаям камбағал, тупроққа қоришиб ётибди. Биз келажакда шунга эҳтиёт бўлишимиз, табақалар орасидаги ма-софани шу қадар еру осмон бўлиб кетишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Биз Покистоннинг ўтмиш адабиётидан бироз хабардормиз. Чунончи, Муҳаммад Иқболнинг:

*Ман бандаи озодам, ишқ аст имоми ман,
Ишқ аст имоми ман, ақл аст ғуломи ман, –*


мисраларини адабий йиғинларда айтиб юрамиз... Аммо Покистоннинг бугунги адабиётини яхши билмай-миз. Бас, икки ўртада мунтазам борди-келди қилиш, китоб айирбошлаш, таржима ишларини йўлга қўйиш – долзарб вазифамиздир.

Тайёрамиз қанотлари остида тоғ-тоғ булутлар оқади. Улар тобора қуюқлашиб боради. Аслида тикка

учганда Исломобод – Тошкент ораси икки соату ўн дақиқалик йўл. Аммо биз қонли можаролар кечаётган нотинч Афғонистонни четлаб, Эрон устидан учамиз. Олдинда – тўрт ярим соатлик йўл. Ортимизда – Покистон, навниҳол Исломобод, Шакарпарийён тепалиги ва ундаги фахрий боғчада экилган бир туп чинор...

Мен ўша ниҳолни кўрмоқчи бўлгандек, ойнакдан тикиламан ва беихтиёр шивирлайман: бошинг тошдан, насибанг қуёшдан бўлсин, чинорим!..

1992 йил, август



МИЛЛАТНИНГ ҚЎРФОНИ...

Ёшим эликдан ошиб, бир қадар тажрибага эришиб, етишган битта хулосам шуки, бу дунёда бўладиган иш бўлади. Қайтмасни қайтариб бўлмайди... Етмишинчи йилларнинг бошларида кечалари бола-чақани ухлатиб, айвонга чиқиб, радиода «Немис тўлқини»ни эшитардим... Фарб мутахассислари ўшанда башорат қилишганди: амалдаги иқтисодий сиёсат ўзгармаса, Совет Иттифоқи 1994 йилга бориб, тамом чўкади, чуқур таназулга учрайди... Кўриб турибсизки, Совет Иттифоқи 1994 йилга ҳам етиб боролмади, чўкди, тарқалди... Бу – муқаррар тарихий жараён. Бунинг муқаррарлигини, қонунийлигини кўпчилик тан олсам, баъзи бировлар тан олишмаяпти. Ўжарлик билан Михаил Горбачевни айблашяпти, уни «суд» қилишяпти. Ҳолбуки соғлом ақлга соҳиб, мантиқий мулоҳазага қобил ҳар бир кимса учун бу равшан – аён гап. Кўпмас, иккита далил келтираман.

Парвардигори олам шу борлиқ оламни чексиз ва ранг-баранг қилиб яратган. Буни диалектика ҳам таъкидлайди: олам – чексиздир, аммо чексиз ранг-барангдир. Ўрни, ранг-баранглик – оламнинг яшаш белгиси, олам ҳаётининг узвий аломати. Бусиз олам йўқ, табиат йўқ, жамият йўқ... Халқлар, қавмлар, миллатлар олам ҳаётининг ана шу хоссасига хизмат қилишади. Улар ранг-баранг қиёфаларда кўриниб, башариятнинг жаҳон бўстонини ташкил этишади. Бу азалий қонун... Марксизм, коммунистик таълимот ана шу қонунга қарши чиқди. Ранг-баранг оламни битта бўёққа бўямоқчи бўлди. Элар, элатларни қориштириб, битта миллат яратмоқчи бўлди. Ўзи тайёрлаган бўтқани «совет халқи» деб атади. Бу – Тангрига қарши, оламга қарши, оламнинг табиатига қарши, диалектикага қарши бир ҳаракат эди. Шу сабабли

ҳам у зафар қозонмади, таназулга учради, барбод бўлди. Тарихдан маълумки, қул меҳнатининг маҳсули паст, озод инсон меҳнатининг самараси баланддир. Сабабки, қул ўз меҳнатида етарлича манфаатдор бўлмайди, озод инсон эса ўз меҳнатида тўла манфаатдор бўлади. Собиқ Совет Иттифоқидаги меҳнатчин маъноси ила қул меҳнати эди. Чунончи, деҳқон олти минг тонна пахта берадими ёки олти миллион тоннами, барибир косаси оқармас, бири икки бўлмасди. Унинг насибаси – бир бурда нон, ўлмас овқат эди, вассалом. Ўз-ўзидан равшанки, бундоқ шароитда инсон астойдил ишламайди.

Ишлаб, Фарбий Оврўпо, Жанубий Осиё ёки Америкадаги фермерлар билан беллаша олмайди. Мабодо беллашгудек бўлса, мусобақада мағлуб бўлади... Худди шундоқ бўлди. Ери дунёнинг қарийб олтидан бирини ташкил этган, экин майдонлари океандан океанга қадар чўзилган Россия бугун қўл чўзиб, дунёдан бир бурда нон сўраб турибди. Бундан ортиқ шармандалик бўладими? Зироати, деҳқончилиги шу даражага тушиб қолган давлат нечун чўкмасин, нечун таназулга учрамасин? Бу ўринда бир Горбачевмас, минг Горбачев энг шимариб, садоқат ила хизмат қилганда ҳам қутқазиб қололмайди... Ақли салим соҳиби учун ана шу далиллар ўзи кифоя, бошқасини келтириб ўтирмайман... Хуллас, Совет империясининг тарқалиши муқаррар бир ҳол эди ва у муқаррар юз берди... Ўжарлик билан оёқ тираб, буни рад этиш бефойда. Аччиқ ҳақиқатни мардона туриб тан олиш даркор.

* * *

Совет Иттифоқи – рус империясининг бевосита вориси, оқ тўнини қизил тўнга алмаштириб олган мустамлакачи давлат эди. Ёлғиз бу эмас. Коммунистик тузум мустамлакачилиқни шундай юксакларга кўтар-

дики, дунё дунё бўлиб бунақасини ҳали кўрмаган эди. Мисол учун мустамлака Ҳиндистон билан мустамлака Туркистонни бир қиёслаб қаранг. Инглизлар Ҳиндистоннинг моддий бойликларини талашди, аммо унинг тарихи, маданияти, тили, дину диёнатига дахл этишмади. Рус мустамлакачилари эса ёлғиз Туркистоннинг моддий бойликларини талаш билан чекланиб қолишмади. Тарихимизни топташди, маданиятимизни камситишди, тилимизни инкор этишди, дину диёнатимиз устига қора чизиқ тортишди. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, мустамлакачилар табиий бир халқ, табиий бир миллат сифатида яшашимизни тақиқлаб, бизни ҳалокатга маҳкум этишди... Чунончи, миллий ишчилар синфининг шаклланишига йўл қўйишмади. Миллий қўшин, ҳарбийлар табақасининг шаклланишига тўсқинлик қилишди. Натижада бир ҳовуч зиёлилару бечораҳол деҳқонлардан иборат мазлум бир халққа айландик-қолдик..

Лекин барибир тарих ўз ҳукмини юритди. Истиқлол бизга насиб этди. Кейинги икки-уч йил ичида сиёсий-ижтимоий воқеалар шу қадар суръат ва шиддат ила ривожландики, бошларимиз айланиб кетди. Гўё кучли бир оқимгамас, қудратли гирдобга тушиб қолгандаймиз. Ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетгандек... Бир томондан – эрку озодлик, иккинчи ёқдан – қимматчилик, қаҳатчилик... Бир томондан – истиқлол, мустақиллик, иккинчи ёқдан – ўғрилиқ, талончилик... Ҳамлет айтмоқчи, бир кўзимиз ёғду тўкар, бир кўзимиз ёш... Яъни, бир кўзимиз билан кулсак, иккинчи кўзимиз билан йиғлаймиз...

Ана шу алғов-далғовда донни сомондан, каттани кичикдан, муҳимни номуҳимдан ажрата билиш – нақадар аҳамиятли. Ҳар қадамда масала, ҳар қадамда вазифа, ҳар қадамда муаммо. Аммо вазифалар вазифаси нима? Муаммолар муаммоси қайси бири? Республикамиз

Президентининг «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» рисоласида ана шулар ҳақда сўз боради. Улардан, айниқса, иккитаси устун эътиборга молик. Бири – миллий давлат қуриш масаласи. Иккинчиси – бозор иқтисодига ўтиш вазифаси...

Миллий мустақил давлат деганда хотирга келадиган биринчи сўз – оила... Ўйлаб қаралса, оила ҳам – давлат, давлат ҳам – оила... Униси – кичик давлат, буниси – катта оила... Инсон ҳаётини оила муҳитидан айри тасаввур этиш мумкинми? Миллат ҳаётини давлат доирасидан ажратиб тасаввур қилиб бўладими? Ёлғизлик ёлғиз Худога хос. Дунёда жамики жону жонзот оила-оила бўлиб яшайди... Инчунин, инсонга ҳам, миллатга ҳам оила муҳити керак. Бусиз ҳаёт йўқ, муътадил тараққиёт йўқ. Инсоният тарихи бунга гувоҳ.

Яхудийлар икки минг йил давомида ер юзига тарқалиб яшашди. Дунёдаги етакчи мамлакатларда баланд пиллапояларни эгаллаб олишди. Қарийб дунёнинг хўжайини бўлиб қолишди. Лекин жаҳон миқёсидаги юксак мавқе, эътибор мустақил миллий давлатнинг ўрнини босолмади. Исроилни тиклашга қарор қилишди ва икки минг йилдан сўнг уни тиклашди. Бу – йигирманчи асрда бутун инсониятга берилган сабоқ... Каттадир-кичикдир ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўз миллий давлати бўлмоғи шарт. Бу – ҳаётнинг зарурат, азалий қонун. Унутмайлик, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган нарса аввало унинг оёғи остидаги ери, сўнг кўксидаги дину диёнати, сўнгра эса унинг инсонлик белгиси бўлмиш – тили, забони... Миллий давлат ана шу уч унсур – уч устун узра юксалиб туради ва миллатнинг ҳаёт кўрғони ўлароқ, уларни бало-қазолардан ҳифзу ҳимоя этади. Босқинчи, истилочи, мустамлакачи бошлаб ана шу кўрғонга ҳужум қилади ва уни бузиб ташлайди. Кейин мазкур

устунларни бирин-кетин қулатади. Миллий давлатидан айрилган, еридан, дину диёнатидан, тилидан жудо бўлган халқ азалий, Худо берган қиёфасини, миллат туйғусини йўқотади ва фақат тирикчилик кўйига тушган, тирикчилик ортидан югурган, ожиз оломонга айланади. Шоир Абдулла Орипов бир пайтлар «қачон халқ бўласан, эй, сен оломон?» деб хитоб этган эди. Бугун ана шу саволга жавоб бериш мавриди келди. Ўз миллий давлатидан айрилган халқ бир кун бориб, оломонга айланганидек, ўз миллий давлатига эга бўлган оломон бир кун келиб чинакам халққа айланиши табиийдир. Зеро, миллий давлатга эга бўлди деган сўз табиий равишда ўз ери, ўз дину диёни, ўз тилига ҳам соҳиб ихтиёр бўлиш деган маъноларни ҳам ўз ичига олади. Биз ана шу жараённи бошдан кечиряпмиз. Биз миллий мустақил давлат қураяпмиз ва ана шу давлат паноҳида чинакам халққа айланыпмиз... Фақат ана шу буюк ва муқаддас жараёнга халал беришмаса, бас. Халал беришни истаганлар ёки истаётганлар эса оз эмас. Биров билиб халал беряпти, биров билмасдан. Унда уларга инсоф берсин, деймиз, бундайларга – тафаккур... Нега десангиз, бу дунёда меҳнат – машаққат, қимматчилик – қаҳатчилик, шон-шуҳрат, мансаб-мартаба деганлари... ўтади. Йиллар ўтиб, гирдоб тинади, ҳамма нарса ўз ўрнига тушади... Аммо ана шу алғов-далғов йиллардан мангу хотира бўлиб миллатимизнинг қўрғони – миллий мустақил давлатимиз қолади. Миллат учун бундан ортиқ бахт борми? Ана шуни унутмайлик, ана шу ҳақда ўйлайлик. Шошқалоқлик қилмайлик, ҳукм чиқаришга ошиқмайлик. Сабрли-бардошли бўлайлик. Мен сиёсатчи эмасман, оддий бир қаламкашман. Аммо қаламкашлик туйғуси билан сезаманки, бу дунёда сиёсатчи бўлиш осон иш эмас. Ҳар кимса ҳам сиёсатчи бўлолмайди. Умуман, ўтган етмиш беш йил давомида бизда чинакам

сиёсатчилар ҳам, сиёсатдонлар ҳам, сиёсатшунослар ҳам оз бўлишган. Сабаби, сиёсат жилови бизга берилмаган. Сиёсатни ҳамиша Москов белгилаган ва Москов бошқарган... Энди замон ўзгарди. Сиёсат жилови кўлимизга тегди. Унинг самараларини яққол кўриб турибмиз. Етти ўлчаб, бир кесиляпти. Асталик билан, усталик билан иш кўриляпти. Ҳар бир ҳаракат аввало ўз манфаатларимиз тарозисига, сўнгра минтақа манфаатлари тарозисига, кейин эса халқаро манфаатлар тарозисига тортиб кўриляпти. Лекин бош мезон – миллий мустақил давлат қуриш вазифаси ҳамиша диққат марказида турибди. Бу табиий бир ҳол. Чунки ҳамма нарсага бирдан киришиб, ҳамма нарсага бирдан эришиб бўлмайди. Биринчи галда бош масала – давлат қуриш масаласини ҳал этиш керак. Қолгани – иккинчи даражали гаплар. Бугун уларнинг айримлари эътибордан бир оз четда экан, буни фалокат деб қабул қилмайлик.

* * *

Туркия жумҳурияти президенти байроғида ўн олти юлдуз бор, тарихда туркий халқлар қурган ўн олти давлат тимсоли ва уларга ворислик ишорати. Улардан биттаси – Оврўпода барпо этилган Хунлар давлати, иккитаси – Туркия тупроғида қурилган салжуқлар ва усмонлилар салтанати, яна иккитаси – Ҳазар бўйида бунёд этилган аварлар ва ҳазарлар давлати, қолган ўн биттаси ўзимизнинг Туркистонда тикланган давлатлар... Демокчиманки, давлат қуриш машқи, давлатдорлик туйғуси бизга бегона эмас, руҳимизда кезиб, қонимизда яшаб турибди... Лоақал ҳазрат Навойни эслайлик. Ул зоти шариф ёлғиз буюк шоир эмас, буюк давлат арбоби сифатида ҳам машҳур. Биламизки, Навой «Чор девон» ёки «Хамса» устида озмунча меҳнат-машаққат чекмаган.

Аммо унинг Хуросон давлатини сақлаб қолиш ва мустақамлаш йўлида чеккан меҳнат-машаққатлари ундан кам бўлмаган, балки зиёда бўлган. Сабабки, буюк бобомиз марказлашган миллий мустақил давлатнинг аҳамиятини теран тушунган. Миллий давлат кўрғони сақлаб қолинмас экан, мамлакатда парокандалик, ҳаётда таназул юз беришини яхши англаган. Табиийки, ундоқ шароитда янги «Чор девон» лар ёки янги «Хамса» ларни яратиб бўлмасди... Тарих бу ҳақиқатни тасдиқлади. Темурийлар салтанати эмир-рилгач, омад биздан юз ўгирди. Туркистон заволга юз тутди, охир-оқибат парчаланди ва жаҳон миқёсида яхлит давлат мақомини йўқотди... Шундан сўнг халқимиз бошига ёғилган офат-фалокатлар ўқувчига яхши маълум. Зеро, халқ учун ўз миллий давлатини йўқотишдан ортиқроқ бахтиқаролик йўқ ва у юзлаб янги бахтиқароликларни бошлаб келади...

* * *

Мустақил миллий давлатга эга бўлиш эса халқ учун омад ва зафарлар дарвозасини очади. Истиқлолимиз ёши атиги бир йилдан ошди, холос. Аммо шу қисқа муддат ичида амалга оширилган ишларнинг саноғи ва салмоғини бир сарҳисоб этиб кўринг. Бир йилдаёқ, биринчи қадамдаёқ – шунча ютуқ... Яна шуниси қувончлики, дарҳол иккинчи қадам ҳам кўйилди.

Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлиги ғояси олға сурилиб, илк битимлар имзоланди... Бу нима деган сўз? Бундан бир неча йил олдин бу ҳақда оғиз очганларнинг ёқасидан олиб, кунини кўрсатишарди. Ҳозир ҳам ижирғаниб, тиш қайраб турганлар озми? Бундай ишга чоғланмоқ учун жасорат керак... Ва жасорат кўрсатганларга тан бермоқ даркор.

Хуллас, тарих неча бор айланиб-эврилиб, яна Туркистон масаласини олға сурди. Бу ёлғиз бир ёки

бир неча шахсинг орзу-ҳаваси эмас, давр тақозоси. Қалқиб, чайқалиб турган шу нотинч дунёда бирлашмай, биргалашмай, қўлни қўлга бермай, яшаб бўладими? Бултур декабрь ойида Анқара шаҳрида ўтган халқаро йиғинда америкалик бир мухбир «Нега Туркистон бирлашмоғи керак?» деб мендан сўраб қолди. Тикка берилган саволга гапни айлантирмай, тикка жавоб бериш керак эди. Мажлис аҳли нафасини ютиб, жон қулоғини тикиб, кутиб турибди.

«Бир томонда буюк Рус, иккинчи ёқда буюк Чин, учинчи тарафда буюк Ҳинд... Ана шу уч буюк қудрат орасида туркистонликлар ўйинчоқ соққа бўлишни ис-тамасалар, қўлни қўлга беришлари лозим... – дедим мен. – Бу тарихий зарурат, Ҳамлет айтмоқчи, биз учун ҳаёт-мамот масаласи... Туркистон ҳамдўстлиги Оврўпога таҳлика солмайди, Америкага таҳдид этмайди, балки жаҳон тинчлиги, дунё мувозанатига хизмат қилади».

Жавобим маъқул тушди, шекилли, чапак чалишди... Миллий мустақил давлатимиз бор эканки, бу гапларни айта оламиз. Бўлмаса, бу гапларни айтиш қаяқда эди...

* * *

Халқ орасида янги ҳикмат туғилди: «Наврўз – йил боши, истиқлол – бахт қуёши...» Дарвоқе, халқ учун буткул зафарларнинг боши ва қуёши – истиқлол, миллий мустақил давлат. Ҳаттоки ҳозир мамлакатимиз ҳаёти кун тартибида турган бозор иқтисодига ўтишда ҳам давлат – бош омил, асосий суюнчиқ. Зеро, давлат назоратисиз, унинг бошқарувисиз дадил иқтисодий ислоҳотлар ўтказиб бўлмайди. Бу соҳада ҳам шоён эътибор ишлар амалга оширилмоқда... Бир томондан жаҳон тажрибаси ўрганилмоқда, иккинчи ёқдан, маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинмоқда. Униси

ҳам, буниси ҳам бағоят муҳим. Биз баъзи бировларга ўхшаб, ўзимизни жаҳонга қарши қўймаймиз, жаҳонда айрича миссиямиз бор, деб кўкракка урмаймиз. Жаҳон ўтган ва ўтаётган йилларга ҳурмат ва синчковлик билан қараймиз. Синовдан ўтган жаҳон йўли эса «Бозор иқтисоди» деб аталади. Нафсиламрини айтганда, бу нарса ҳам бизга бегона эмас. «Отанг бозор, онанг бозор» деб бекорга айтишмаган боболар. Аждодларимиз ғарбу Шарқ бозорлари жиловини қўлларида маҳкам тутиб туришган. Ўша анъаналарни тиклайлик, ўша юксакларга кўтарилайлик. Халқимиз орасидан буюк савдогарлар етишиб, тижорат ришталари ила юртимизни дунё билан қанчалар тез боғлашса, шунча яхши.

* * *

Такрор айтаманки, давлатсиз халқ – бахтиқаро халқ. Биз узоқ йиллар давлатсизлик балосини бошдан кечирдик, бировларга қул-қарам бўлиб яшадик. Давлатсизлигимиз туфайли бизни жаҳон халқлари даврасидан нарига суриб қўйишди.

Эсимда бор, бир гал Московда бир инглиз ва бир канадаликни учратиб қолдим. «Қаердансиз?» деб сўрашди улар». «Ўзбекистондан» деб жавоб бердим. Ўзбекистон... Ўзбекистон... Адашмасам, у Ҳиндистонда бўлса керак-а?» ўсмоқчилади инглиз. «Йўқ, – деб унга эътироз этди канадалик. – Ўзбекистон Тибетда жойлашган...» Шунда қанчалар куйинганим, бу гаплар менга қанчалар алам қилганини билсангиз эди... Ҳа, мустамлакачилар буюк тарих ва буюк маданият яратган халқимизни дунё кўзидан яшириб, бир чеккага суриб қўйишган эди... Ўша кунлар қайтиб келмасин... Бугун Ўзбекистонни дунё танийди.


Зеро, бутун дунё эшиклари Ўзбекистонга очиқ. Бу – мустақиллигимиз шарофати, мустақил давлати-

миз борлиги туфайлидир. Давлатимиз омон бўлса, эшиклар янада очилаверади. Давлатимиз боқийлиги эса сизу бизга боғлиқ, ақл ва инсофга суяниб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб иш юритишимизга боғлиқ.

Хуллас, фурсатни қўлдан бой бермайлик, давлатимизни қуриб олайлик.

*Халқим, яна етди навбатинг, давлат қур,
Кўрсат яна куч-матонатинг, давлат қур.
Дунёда буюк саодатинг, давлат қур,
Ҳар нечаки бўлса давлатинг, давлат қур...*

1993 йил, апрель



МИЛЛАТНИНГ ҲУСНИ

Ҳар гал адл қомат, хушсуврат йигит-қизларни учратиб қолсам, ўзимда йўқ суюниб кетаман. «Бор экан-ку» дейман беихтиёр...

Спорт мусобақаларида бирорта ўзбекнинг қўли устун келса – уйимизда байрам. Ўз халқининг гўзал ва бежирим, эпчил ва паҳлавон бўлишини ким ис-тамайди?

Тоғнинг ҳам, боғнинг ҳам Худойим берган кўрки бор. Ҳаттоки энг увоқ майса-гиёҳ, курт-қумурсқанинг ҳам ажиб нафосати, бетакрор шаклу шамойили бўлади... Ҳўш, Худо яратган зоти шариф инсоннинг ва инсонлар мажмуи бўлмиш халқнинг, миллатнинг ўзига хос ҳусну таровати бўлмайдами? Гап ана шу ҳақда.

Илгари бу тўғрисида сўз очиш, муҳокама юритиш ножоиз эди. Сабаби аён: коммунистик мафкура... Коммунистик мафкура учун – миллат дегани гўёки бир хандақ лой, истаса, ундан пахса девор ясар, хоҳласа, лўмбоз қилиб, томга босарди... Хайриятки, ўша балодан қутулдик. От айланиб, қозигини топар деганларидек, ҳамма нарса аслига қайтмоқда. Бугун биз учун миллат – буюк илоҳий тушунча. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Худодан кейинги иккинчи муқаддас тушунча...

Бас, миллатни ўйламоғимиз, унинг муаммоларини сўйламоғимиз даркор. Миллатимиз аста-секин қаддини ростлаб, жаҳон миллатлари даврасига кириб бормоқда. Энди унинг ёлғиз сийрати эмас, суврати ҳақида ҳам жон куйдириш – вазифамиздир. Аслида-ку бу – шартли бўлиниш, нисбий гап. Суврат ва сийрат – узвийдир, эгизакдир, арқоқ-ўриш каби бир-бирига қоришиқдир. Сийрат сувратда акс этади, суврат сийрат сари етаклайди...

Она табиат, Тангри таоло халқимиздан ҳусну тароват, савлат-салобатни аямаган.

Саъдиё, рўзи азал ҳусна ба туркон додаан, деб бекорга айтмаган буюк шоир. Бунинг устига асрлар давомида юнон, форс, араб, мўғул қони ҳам қонимизга қатра-қатра қўшилиб, унинг сеҳру жозибасини оширган. Бўйлари чинордек азамат йигитлар, самбит гули новдасидек адл қоматли қизлар бизда бўлган. Бу юртнинг гўзаллари фотиҳ Искандарнинг ҳам ақлини шоширган. Қатиқ тўкилса, юқи қолади, деганларидек, ҳозир ҳам учраб туради. Аммо, афсуслар бўлсинким, кўпмас. Гап ана шу хусусда.

Мустамлакачилик асорати туфайли халқимизнинг боши эгилиб, қомати букилди. Маъюс, йиғлоқи, ҳазин қўшиқлар куйловчи халққа айланиб қолдик. Айниқса, совет даврида зулм-истибдод авжига чиқди. Ҳар ўн йилда бир карра тақрорланиб турган қатли ом, қама-қама, ур-сурлар халқнинг кўнглини чўктирди, руҳини сўндирди. Узлуксиз меҳнат-машаққатлар унинг тинка-мадорини қуритди. Ночор маишат элнинг қиёфасига ўз муҳрини босди. Атроф-муҳитнинг булғаниши, ер, сув, ҳавонинг заҳарланиши дард устига чипқон бўлди. Ҳорғинлашиб, сўлғинлашиб боравердик. Қизларимиз қаримсиқ, йигитларимиз муккайган мўйсафидларга ўхшаб қолди. Аммо негандир бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмадик. Худди ўчакишгандек, ақл биланмас, жаҳл билан иш юритдик. Фалокатнинг йўлини тўсиш ўрнига унга эшикларимизни ланг очиб бердик. Иллатнинг иллизини қуритиш ўрнига уни ўзимиз тобора авж олдирдик. Гап ана шу тўғрида.

Тошкентдаги собиқ партия мактаби яқинида махсус болалар касалхонаси бор. Бир гал шу ёққа йўлим тушиб, бир нарсаларни кўрдим-у ёқамни ушлаб қол-

дим ва узоқ вақт ўзимга келолмай юрдим... Юзлаб қинғир-қийшиқ гўдаклар, майиб-мажруҳ болакайлар... Баъзилари қўлсиз-оёқсиз, баъзилари кўзсиз, қулоқсиз... Худди ҳашаротдек ерда ўрмалашиб юришибди... Докторлардан суриштирсам, кайф устида бўлган бахтиқаролар, дейишди... Шунда беихтиёр тўйларимиз ёдимга тушди. Биламиз, ҳар йили августда юртимизда тўй мавсуми бошланади. Йигитларимиз ҳар кеча тўйга боришади. Тўйгунча ичишиб, маст-аласт бўлиб уйга қайтишади. Сўнг шу алпозда тўшакка ётишади... Мастлик – бу ихтиёрий жиннилик... Жиннидан соғ бола туғилганини кўрганмисиз? Мана сизга оқибат...

Кейинги пайтларда бу иллат тағин ҳам газак олиб, янада хунукроқ шамойилда кўрина бошлади. Баъзи тўйларда ёлғиз меҳмонлармас, келин-куёвлар ҳам ичишади. Агар ичишмаса, ичиришади. Ширакайф жўралар, баъзан етти ёт бегоналар келин-куёвга тақалиб ёки гирдикапалак бўлиб, кетма-кет қадаҳ тутишади. Ҳой, тўхта, дейдиган одам йўқ. Гўёки бу табиий бир ҳолдек. Қарабсизки, тўй охирида куёв ҳам, келин ҳам маст. Кейин ўша маст-аластлик ҳолатида қовушиб, янги бахтиқароларни дунёга келтиришади.

Педогогика институтида ўқиб юрган кезларимизда бизга профессор Гелах деган бир домла дарс берган. Волга бўйидан Бухорога сургун қилинган немис олими эди. Дарс орасида эр-хотинлик бурчи, насл – зурриёт қолдириш масъулияти ҳақида ғалати гаплар айтарди. Биз, ғўр талабалар у айтган гапларни гоҳ тушуниб, гоҳ тушунмай, бепарволик билан тинглардик. Энди ўйласам, асл, донишманд инсон экан...

Дунёдаги жамики жону жонзотлар ўз наслини яхшилашга интилади, дерди у, бас, инсон зоти ҳам шунга интилмоғи, тобора кўркамлашиб, дуркунлашиб бормоғи даркор... Кейин новча йигитлар паст бўйли қизларга уйланишлари, узун бўйли қизлар паст бўйли

йигитларга турмушга чиқишлари лозимлиги ҳақида сўзларди. Шунда миллатнинг бўйи текисланади, дерди у... Сўнг эр-хотинлик бурчига тўхталарди. Бу – инсон ҳаётида улуғ ва қутлуғ воқеа, дерди домла. Негаки, эр-хотин бўлишдан мақсад – фарзанд кўриш...

Бас, шундоқ экан, бу ишга астойдил ҳозирлик кўриш даркор. Шундоқ тайёрланиш керакки, тўшакка ётганда эр ўзини султон, хотин ўзини малика деб ҳис этсин... Фанимларга бош эгмайдиган, ҳамиша кўкси тоғ, арслондек йигитлар ана ўшанда дунёга келади... Ғам-ташвишга ботиб, ҳорғин-йўрғин бўлиб қовушганлардан эса ҳорғин-йўрғин, мижғовлар туғилади. Улар ҳеч қачон ёнмайди, умр бўйи тутаб ўтади, дерди профессор Гелах... Биз, нодонлар бу гапларга кулардик. Чунки бу гапларни ундан бўлак ҳеч кимсадан эшитмасдик.

Миллатимизнинг ҳуснини, наслини бузаётган иллатлардан яна бири – яқин қариндош-уруғлар орасидаги қуда-андачилик...

Бултур Тошкентда тўй йили бўлди, десам, муболаға бўлмас. Наҳорги ошларга қатнайвериб, чарчадик. Ҳар гал ош устида бўлажак қуда-андаларни суриштирдим. Кўпчилиги яқин қариндош-уруғлар бўлиб чиқишди. Ачиндим, афсусландим, аммо не фойда? Бўладигани бўлган эди. Энди бу ёғига эҳтиёт бўлишимиз керак. Ахир яқин қариндош-уруғларнинг никоҳга киришишлари ёмон оқибатларга олиб келишини, шу туфайли хунук, касалманд, ланж, лаёқатсиз болалар туғилишини нега ўйлаб кўрмаймиз? Нега бу ҳақда бонг урмаймиз? Жамоатларда, мактабларда, масжидларда, маърака-мавлуд, тўй-ҳашамларда овозимизни баланд кўйиб, нега шу ҳақда гапирмаймиз?

Дин пешволари, уламои киромларимиз ҳар куни халқ олдида айтадиган амру маъруфларида ана шу масалага ҳам тўхталсалар, аини муддао бўлур эди.

Тадқиқотчиларимиз аниқлашича, Миср давлати мустақилликка эришгандан сўнг мисрликларнинг бўйи ўсиб кетибди. Бу бежизмас. Руҳан озод бўлган халқнинг жисман эркин нафас олиши табиий. Хуррият, истиқлол элнинг кўнглини кўтаради, кўксини тоғ қилади. Яқин йиллар ичида ўзбеклар, балки бутун туркистонликларнинг ҳам бўйи чўзилиб қолса, ажабмас. Аммо бу ёғи ўзимизга, ҳаракатимизга ҳам боғлиқ. Ҳаракатда баракат, дейишади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан халқ таълими вазирлиги биргаликда болаларимизнинг бўйини ўстириш бўйича амалий бир дастур ишлаб чиқишса, ёмон бўлмасди. Шундай қилайликки, бизда битта ҳам паст бўйли ўспирин учрамасин... Фикри ожизимча, ёшларимиз орасида сабзихўрликни доимий расм – одат этиш, югуриш, сакраш, чўзилиш, сузиш машқларини мунтазам адо қилиш ғоятда муҳим. Шаклланиб келаётган миллий қўшинимиз учун дуркун, соғлом, дев қоматли, азамат йигитлар керак. Ўзбекистонимизнинг шон-шухратини дунёга таратувчи машҳур спортчилар етишиб чиқишини кўзимиз тўрт бўлиб кутамиз. Ёшларимизни ана шу соҳаларга кўпроқ жалб этайлик... Менга қолса, ойнаи жаҳонда кетма-кет суҳбатлар уюштириб, шахсий орасталик, бадан тарбияси, юриш-туриш назокати шартларини ёшларга обдан тушунтириш, сингдириш керак.

Миллатимизнинг ҳуснига доғ бўлиб тушаётган иллатлардан тағин биттаси – қорин эканлигини айтмасам бўлмас. Болаликдан қулоғимизга қуйилган «қорин бойлар» деган гаплар беҳуда. Қорин – бойлик аломати эмас. Чинакам бой-бадавлат кимсаларда қорин бўлмайди... Ҳозирни ҳузур биладиган, олдига келганини аямай қорнига жойлайверадиگانлар қорин қўяди... Бадавлатнинг эса кўнгли тўқ, эртаси ҳам, индини ҳам таъминланган. Шунинг учун меъёрида ейди, меъёрида ичади. Қорин қўймайди.

Республикамизга келиб-кетаётган хорижий сайёҳларга диққат қилинг. Улар орасида қориндорлар йўқ ҳисоби. Эркаги ҳам, аёли ҳам хипча. Етмишга етишса ҳам, қоматларини ғоз тутиб, елиб-югуриб юришади...


Хуллас, энди қоринларни йўқотайлик. Акс ҳолда миллатнинг ҳуснини тиклаб ҳам, қайтариб ҳам бўлмайди. Амир Темур Кўрагоний бирваракай етти от устидан сакрай олган, Мавлоно Жалолиддин Румий ўзини очлик билан тоблаб, қорнига тош боғлаб юрганини бот-бот эсга олайлик.

Ниҳоят, миллатимизнинг соғлиғи, демакки, ҳуснига ҳам катта путур етказган фалокатлардан яна бири – даҳрийлик, атеизм эканлигини айтишга тўғри келади. Сизу бизнинг жисмимиз бу – ёлғиз сизу бизнинг жисмимиз эмас. Минг йиллар давомида отадан ўғилга, авлоддан авлодга суяк суриб ўтиб келаётган мумтоз тан, воҳид бадан... Ўйлаб қаранг, ана шу давр ичида ҳар бир авлод ҳар куни беш вақт намоз ўқиркан, беш карра эгилиб букилган. Мунтазам равишда ҳар куни беш марта ҳам руҳий, ҳам жисмоний покланиш – таҳорат билан машғул бўлган... Шўро даврида ана шу узлуксиз машқ-ҳаракатлар тўхтади. Сув ҳам оқиб турса – сув... Оқмаса, айнийди. Бас, даҳрийлик кўйига кириб, ҳаракатдан тўхтаган танларимизга касалликлар уя қуриб олди, десам, хато бўлмас. Энди ана шу фалокатга ҳам чек қўяйлик. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлигимиз учун кундалик тоат-ибодатлар шарофатидан баҳраманд бўлайлик.

Биламиз, ўлим ҳақ. Лекин инсон дунёга фақат ўлиш учун келмайди. Инсон дунёга Худони таниш учун келади. Худони таниган инсонга комиллик, баркамоллик йўли очилади... Демак, инсон дунёга комил инсон бўлиш учун келади. У ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан мукамал бўлишга интилади. Турмушим

ҳам, давроним ҳам гўзал, тўқис, мукаммал бўлсин, дейди. Ватанини обод, эл-юртини шод этиш йўлида куч-ғайратини аямайди. Буюк боболаримизнинг «Дил ба ёру даст ба кор» ўғитига суюниб қалбини имондан, қўлини ишдан айирмайди. Бу – абадий қонуни ва абадий камолот фалсафаси... Ана шу жаҳоншумул фалсафага амал қилиб, ватанимизнинг жаҳон аро обрў-эътиборини тиклайлик, миллатимизнинг азалий кўрку чиройини ўзига қайтарайлик. Бир пайтлар зиёлиларимиз орасида машҳур бўлган «ҳусни дил», «ҳусни ахлоқ» деган тушунчаларга энди қайтайлик. Токи халқимиз дунё даврасига кирганда бошқалардан кам бўлмасин, Худо берган ҳусну таровати, сеҳру салобати билан яшнаб, ярқираб турсин...

1992 йил, сентябрь



МИЛЛАТНИНГ ШАРАФИ

Адашмасам, Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиасида шундай гап бор: «Инсон шу еру осмон оралиғида ўралашиб, нима қилиб юрибди ўзи?» деб сўрайди қаҳрамон. Чиндан ҳам инсон бу дунёда нима қилиб юрибди ўзи? Нега туғилади? Нега ўлади? Нега яшайди? Фақат бола-чақа орттириш, иморат қуриш, мол-бисот йиғиш учунми? Йўқ, ёлғиз булар учунмас. Бўлмаса, нима учун? Бу – азалий савол.

Ана шу азалий саволга қадим боболаримиз, тасаввуф олимлари жавоб беришган... Оламдан мақсад – одам, одамдан мақсад – Худо, Худодан мақсад – камолот, камолотнинг эса чек-чегараси йўқ, деб таълим беришади улар... Демак, инсон дунёга Тангрини таниш учун келади. Худони таниган инсон ўзини, одамни, оламини танийди. Оламини таниган инсон яна олам соҳиби – Аллоҳга юз буради, ўшанга талпинади... Негаки у – ҳусни мутлақ, меҳри мутлақ... Ҳусни мутлақ, меҳри мутлаққа талпинган инсон ҳуснли, меҳрли, ўктам ва олижаноб бўлади. Ёки бошқача айтганда, чинакам камолот йўлига киради. Камолот йўлига кирган инсон алал-оқибатда мукамал зот, инсони комил бўлиб етишади. Хуллас, инсон бу дунёга инсони комил бўлиш учун келади, инсони комил бўлиш учун яшайди. Инсони комил бўлиш – унинг энг буюк инсоний бурчидир, азалий шарафидир...

Ҳўш, инсоннинг шарафи-ку инсони комил бўлиш экан, миллатнинг шарафи нима? Миллат – бир тилда сўзлашувчи инсонларнинг жамулжами, йиғиндиси демак. Бас, унинг шарафи ҳам бошқа ердасамас, худди шу нуқтада, яъни мукамал миллат, миллати комил бўлиб етишувидир. Жаҳонга ноқис бўлиб келиб,

нотамом ўтмак бизга, миллатимизга ярашмайди. Навоий бобомиз айтганларидек, дунёга келибмизми – камолот касб этмоқ вазифамиздир.

*Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмак.
Жаҳондин нотамом ўтмак баайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмак.*

Миллати комил бўлиш Худога хуш келади. Миллати комил бўлиш дунёни безайди, оламга ярашади. Миллати комил бўлиш шу ёруғ дунёда еган тузимиз, яшаган умримиз, эгаллаган ўрнимизни оқлайди. Миллати комил бўлиш – буюк вазифамиз, эзгу шарафимиздир. Хўш, бу шарафга нечук етамиз ва бу вазифани нечук адо етамиз?

Гап ана шу хусусда.

Дардни дардманддан сўранг, бошдан ўтгандан сўранг, деган нақл бор эл орасида. Миллати комил бўлиш сабоғини миллати комиллардан олайлик, ўшалардан ўрганайлик. Дунёни тебратиб турган илғор, пешқадам миллатлар ана шу юксак мавқеларига нечук эришдилар, шу ҳақда бош қотирайлик.

Биринчи галда шуни дадил туриб айтиш жоизки, дунёнинг илғор миллатлари бу юксак мавқеларига худбинлик, гуруҳбозлик, ҳар турли фитна-нифоқ воситасида эмас, Худонинг буюк неъмати бўлмиш ақлга суяниб, ақлни байроқ қилиб эришдилар.

*Ақл ҳукмронлик қилолган юртда
Чўлоқ чумолидек ожиз Геракл –*

дейди Ғафур Ғулом.

Яна шоиримиз дейдики:

Жумла махлуқот ҳам туғилиб мавжуд,
Бемазмун умрини яшар саргардон.
Туғилиб ўсганинг шу олам аро
Тафаккур ва шуур завқидан маҳрум,
Афрайиб яшамоқ даҳшат, беомон...

Демак, аввал нажот – Худо берган буюк мўъжиза
– Ақлга суюниб иш тутиш. Ақл бор жойда илм бор,
ақл бор жойда аҳлият бор, дейди халқимиз. Аҳлият
ёки ҳамжиҳатлик – халқ учун буюк саодатдир. Биз-
нинг тарихий ноаҳиллигимиз эса дунёга дoston. Ахир
бундан бир неча аср муқаддам Турди Фароғий:

Оғзи катта беклар, ман-ман деманг, кенглик
қилинг,
Тўқсон олти бори ўзбек юртидир, тенглик
қилинг,
Бирни қипчоғу хитою бирни юз, найман, деманг –
Бир тиризу бир этоғу бир яқо, енглик қилинг, –

деб бекорга фарёд чекмаган... Айирмачилик, гуруҳбоз-
лик, ҳозирги таъбир билан айтганда, маҳаллийчилик
ҳамиша жамиятимизни қон қақшатган. Мустамлака-
чилар бу қабоҳатни атай авж олдиришган. Энди шу
офат – фалокатга узил-кесил чек қўйиш пайти келди.
Биз қўлни қўлга бериб, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб,
бир оилага уюшмасак, ҳолимиз хароб. Ватанимиз –
биринчи буюк бойлигимиз, ундаги барча фикрлов-
чи инсонлар – иккинчи буюк бойлигимиздир. Нега
Америка дунёдаги энг зукко олиму алломаларни ўз
тупроғида йиғишга интилади? Негаки, ақлдан ортиқ
бойлик йўқ. Биз ҳам ана шу қоидага амал қилай-
лик. Олиму алломаларни, фикрловчи инсонларни
бир даврага йиғайлик. Уларни қадрлайлик. Уларга
яхши шарт-шароитлар қилиб берайлик. Сўнг уларни

улуғ мақсадларга йўналтирайлик. Шуни унутмайликки, нодир бир истъдод, етук бир ақл эгаси қайси бир вилоят, қайси минтақада етишмасин, бебаҳо миллий бойлигимиздир.

Бу ерда анави фарғоналик, манави хоразмлик, манави эса тошкентлик ёки бухоролик, деган гаплар беҳуда... Буюк қисматимиз – Мустақиллигимизга муносиб кенг фикрли, юксак идрокли, баланд назарли инсонлар бўлайлик.

Миллатни шарафлайдиган аҳлият ва аҳлиятдан кейинги фазилат – ҳалолликдир. Ҳалол пешона тер тўкиб, тирикчилик қилиш – илғор, пешқадам миллатлар учун ҳаёт тарзи, турмуш қоидаси эканлигини унутмайлик.

Яқинда Москванинг «Новости» теледастури орқали ғалати бир хабар тарқатишди. Тажриба қилиб кўришибди. Дунёнинг етти пойтахтида одамлар гавжум жойда бирваракай еттига жомадон қўйишибди. Москва ва Киев шаҳарларида жомадонларни кўз очиб юмгунча илиб кетишибди. Парижда бу воқеа бир ярим соатдан сўнг содир бўлибди. Нью-Йорк ва Торонтода уларга биров қайрилиб ҳам қарамабди...

Хорижлик бир ватандошимизнинг гувоҳлик беришича, Америкада баъзан ойлик маошлар, қимматбаҳо, чек қоғозларини конвертларга солиб, эшик таги, остонага ташлаб кетиш одат эмиш... Ана ҳалоллик, мана инсонларга ишонч... Бу гаплар бизга афсона бўлиб туюлади. Ҳолбуки, бировнинг ҳақидан тортиниш, ҳаромдан ҳазар деган тушунчалар минг йиллардан бери қонимизда яшайди. Энди ана шу қадриятларимизни тиклайлик, уларга ривож берайлик.

Ҳар гал ҳаромдан ҳазар, деганда беихтиёр «ҳароми» сўзи ҳам хотирага келади. Хўш, «ҳароми» дегани нима ўзи? Бу ўзи бор гапми ёки уйдирмами? Биз уни етмиш йил давомида негадир четга суриб қўйдик,

ишлатмадик, юмшоқ ва беозор «никоҳсиз туғилган бола» деган ибора билан алмаштирдик. Энг аянчлиси, никоҳсиз туғишларни қораламадик. Бу билан эса бузуқчиликка кенг йўл очиб бердик. Бунинг оқибати ўлароқ, бугун ўнлаб етимхоналарни минглаб никоҳсиз туғилган норасидалар тўлдириб турибди. Уларнинг сафи, оқими ортиб бормоқда. Биз эса кеча-кундуз бошларида парвонамиз.

Болаларимизга едирмай, ўшаларга едирамиз, биринчи галда ўшаларни кийдирамиз. Бу хатти-ҳаракатимиз билан гўё «Келаверинглар, туғаверинглар, биз ўзимиз боқиб оламиз», дегандек бўламиз. Буни яхши пайқаган суюқоёқлар ҳар тарафдан ёпирилиб келишяпти... «Ўзбекистон болажон республика, туғиб ташлайвер, ўзлари боқиб олишади», деган ақидага оғишмай амал қилишяпти.

Тўғри, болаларда гуноҳ йўқ... Гуноҳ... ҳалол йўл турганда ҳаром йўл танлаган бузуқ ота-оналарда. Аммо бу билан ҳақиқат ўзгариб қолмайди. Ўша норасидалар, истаймизми-истамаймизми, ҳаромидир... Улар эртага ўсиб-улғайиб, жамиятимиз қаторига киради. Халқимиз сафига қўшилади... Шунини ўйласанг, одамни даҳшат босади... Хуллас, никоҳсиз туғишлар, ҳаромликни бутун дунё қоралаганда биз ҳам қоралайлик. Турли чоралар билан бу қабоҳатнинг йўлларига сад чекайлик. Халқимизнинг асл қони – генафондини асраб қолиш ҳақида астойдил қайғурайлик. Менимча, ҳеч иккиланмасдан ҳар хил саёқ, нашаванд, ароқхўр, ўғрилик, фоҳишалик билан шуғулланувчи, касби кори, кимлиги номаълум аёлларнинг туғишини қатъиян тақиқлаш даркор. Ота-онаси бетайин, ўзи табиатан ногирон ва касалманд болаларни узлуксиз кўпайтириб, давлатимизнинг миллион-миллион маблағини уларга ҳотамтойлик билан харж этишни бас қилайлик энди. Ўша маблағларни асл авлодларимизга сарфлайлик...

Мамлакатимизда ҳаромга ривож бераётган иллатлардан яна бири – итбозлик, итпарастликдир. Ҳар эрталаб ёки оқшом Тошкент кўчалари, боғлари ва хиёбонларига минглаб итларни сайрга олиб чиқишади. Аммо ўша жониворлар болаларнинг ўйнаши, катталарнинг бир нафас ҳордиқ олишига мўлжалланган боғчалар, майдончаларни аёвсиз булғашаётгани билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Қачон қутуламиз бу балодан?

Туркияда ҳукуматнинг битта қарори билан бу офатнинг дамини кесишди. Биз нимани кутаяпмиз?

Худони таниган, дунёни англаган, ақл-идроққа суяниб иш тутувчи, ҳаромдан ҳазар этувчи инсонларда етарлича эрку ихтиёр ҳам бўлмоғи даркор. Бусиз миллати комил бўлишимиз мушкул. Мен анархия, бошбошдоқлик тарафдори эмасман. Тартиб-интизом жорий қилинмаган, фуқаролари қонунга риоя этмайдиган мамлакатда тараққиёт бўлмаслигига ақлим етади. Гап бошқа ёқда.

Инсонларга озод меҳнат қилиш, эркин ташаббускорлик кўрсатиш учун етарлича эрку ихтиёр даркор. Озод меҳнат озод инсонни яратади. Қарам меҳнат қуллар, қарамларни етиштиради. Халқ орасида «Худоё бандасига банда қилма», деган дуо бор. Худоё, ризқи рўзимни ёлғиз бир эшикка боғлаб қўйма», деган тилак ҳам айланиб юради. Хўш, буларнинг маъноси нима?

Биз етмиш йил Худогамас, бандасига банда бўлиб яшадик. Катта-кичик доҳийлар, амалдорларга сиғиндик. Нега? Негаки, ризқи рўзимиз ёлғиз бир эшикка боғлаб қўйилган, эшикнинг калити уларнинг изму ихтиёрида эди. Улар ҳар ўн беш кун – бир ойда эшикни очиб, бир бурда нон узатишарди... Ҳамма нарса устидан давлат яккаҳокимлиги жорий этилган жамиятда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Энди манзара ўзгарди. Давлат мулки ёнида хусусий мулк ҳам бўй чўза бошлади. Хусусий мулк эгаси бўлмиш инсон шакллана бошлади. Хусусий мулк эгаси бўлмиш инсон бандасигамас, Худога сиғинади. Қачон бир бурда нон чиқаркин деб эшикка мўлтираб, кўз тикиб турмайди. Хуллас, бугун инсонларга хусусий мулк, хусусий мулк билан эса чинакам ижтимоий озодлик қайтаяпти. Бу – хайрли ва улуғ жараён. Аммо ана шу жараёнга халал бераётганлар, билибми-билмай, унга тўғаноқ бўлаётганлар бизда оз эмас.

Яқинда ҳукумат доирасида кечган катта бир йиғинда Президентимиз куйиб-пишиб гапирди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида фермер хўжалиқларининг кескин камайиб кетганини айтиб ўтди...

Залда ўтирганларнинг айримларини ойнаи жаҳон орқали кузатиб, ўйладим, нега улар ўртанишмайди? Нега дод-фарёд солишмайди? Парвойи фалак ўтиришибди... Менимча, бунинг жиддий сабаблари бор. Бу биринчи галда давлатимизнинг ҳали тўла шаклланиб-шакланмаган маъмурий тартиботи билан боғлиқ.

Ўйлаб қаранг: мамлакат президентини бугун халқ сайлайди. У умумхалқ олдида масъул, жавобгар... Жойлардаги катта-кичик ҳокимларни эса халқ эмас, юқорининг кўрсатмаси билан халқ вакиллари сайлашади. Шунинг учун уларда умумхалқ олдида масъулият ҳисси заиф. Кўпроқ тепада ўтирганларга қарашади, ўшаларни хурсанд қилишса, ўшаларга маъқул бўлишса, бас. Бир кун тинч ўтса, бўлди. Ортиқча ғалванинг кераги йўқ, Эртага ё Аллоҳ, ё насиб...


Бир сўз билан айтганда, юқорида, президент тимсолида – демократия, қуйида, маҳаллий ҳокимлар тимсолида – ўша-ўша эски ва сийқа социализм... Демократия халқ дардини айтиб, куйиб пишади, социализм қорнини қучоқлаб, мудраб ўтиради... Мана,

зиддият қаерда... Энди савол туғилади: президентни сайлаганда адашмаган халқ ҳоқимларни сайлаганда адашадими? Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳоқимлар сайловини ҳам халқнинг ўзига қўйиб бериш керак. Ҳоқимлар муқобиллик асосида умумхалқ сайлови билан сайланганда ёлғиз тепагамас, пастга ҳам қарашар, кўпроқ халқ манфаатларини ўйлаб иш тутишарди. Натижада иқтисодий, демократик ислохотлар сусткашлик биланмас, суръат ва шиддат билан олға босарди.

Такрор айтаманки, озод меҳнат қилиш истаги, эркин талбиркорлик руҳи, ташаббускорлик туйғусини ўстириш учун одамларга етарлича эрку ихтиёр бериш даркор. Йил бўйи машаққатли меҳнати билан пахта, пилла етиштириб, режадан ортган ҳосилни сотиш учун ижозатнома ололмай, идорама-идора зир югуриб, сарсон-саргардон бўлиб юрганларни кўрдим. Уларнинг ҳолига боқиб ачиндим... Одамларни ҳалол ва баракали меҳнат қилишдан бездирмайлик, уларнинг руҳини синдирмайлик, ҳафсаласини пир этмайлик, дейман. Зеро, ўз миллий мустақил давлатига тоғдек таянчим, деб қараб, ҳар соат, ҳар дақиқада ҳалол меҳнат завқи, ижодкорлик, талбиркорлик руҳи билан ёнган миллат шарафлидир. У тинимсиз олға босаркан, бир кунмас бир кун дунёнинг олдинги сафларига чиқиб, «миллати комил» деган шарафли номга мушарраф бўлади.

Тангри ўша кунларга етказсин...

1993 йил, август



БИР ПИЁЛА ОҒУ...

Шу моддий дунёда ҳар бир нарса - ҳодиса замирида муайян маъно, маълум бир мақсад ётади. Оламдан мақсад – одам, одамдан мақсад – Худо, Худодан мақсад – камолот, деб бекорга айтишмайди. Камолотга интилиш эса – олий инсонлик унвонига муносиб ва муяссар бўлиш, шу шарафни оқлаш, ардоқлашдир. Дунё азалдан ана шу низомга суянади. Бу – абадият қонуни. Ичкиликбозлик ана шу қонунга тўғаноқ солади, ана шу ҳалқани тортиб узмоқчи бўлади, инсонни ҳайвонлик даражасига туширмоқчи, бу билан эса муқаддас боқий тартиботга дахл қилмоқчи, яъни дунёни бузмоқчи бўлади... Шу маънода мен ароқни «иблиси ланин» ичимлиги, ичкиликбозликни эса унинг «кирдикори», балки «ҳийлаи аъмоли» деб атагим келади. Билмадим оғу тўла биринчи пиёлани иблис одамзотга қачон узатган... Эҳтимол, юз минг йил олдин, балки миллион йил муқаддам. Ўша биринчи пиёладан бери ўтган давр ичида иблис инсонни бетиним аврайди, уни ўзлигидан маҳрум этмоқчи бўлади, лекин инсон ҳам қараб турмайди, тиришиб-тирмашиб ўзини, ўз инсонлигини ҳимоя қилади. Хуллас, сўнгсиз олишув, узлуксиз жанг!..

Дунёдаги жамики тоғларнинг тошини битта-битталаб санаб чиқиш мумкиндир, бироқ ичкилик касри туфайли инсонларнинг бошига ёғилган бало-офатлар, кулфат-маломатларнинг адоғига етиш қийин...

Тарихда барча буюк зотлар, ўз инсонлигини қадрлай билган барча кишилар ичкиликбозликни кескин қоралашган, ундан ҳазар этишган. Чунончи, Абу Али Ибн Сино дейди:

*Гар бодани гоҳ-гоҳ ичармен – хомлиғ,
Аммоки мудом ичар эсам – бадномлиғ...*

Умар Хайём учун май, майхўрлик – сўфиёна йўсинда қўлланган рамзу ишорадир, холос. Улар воситасида шоир теран дунёвий фикрларни олға суради.

Амир Темур салтанатида ичкиликбозликни қатъиян ман этган. Эрон ва Озарбайжон подшоси бўлмиш ўғли Мироншоҳни шаробхўрлик қилгани учун Самарқандга чақириб, аркони давлат олдида шармандасини чиқариб, калтаклатган, уни шу нопок йўлга бошлаган улфатларини ўлимга буюрган... Лекин, афсуски, Темур авлодлари бу қоидага риоя этишмаган. Чинни, мраммар ҳовузлар ясатиб, уларга май, мусаллас тўлдириб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада айш-ишрат қилишган. Ҳатто ўнғай қилиб бир-бирларини ўша ҳовузларга отишган. Ичиш, сипқориш етмагандек, майда чўмилишган, сузишган. Бунинг оқибатлари ҳам маълум: Хусайн Бойқаро маст-аласт ҳолда ўз набираси Мўминмирзони жаллод қўлига топширган. Мамлакатда низо ва тафриқа авжига чиққан, салтанат чок-чокидан сўкилиб, инқирозга юз тутган... Алишер Навоий ўша «базми жамшид»ларни ирганиб-жирканиб қаламга олади:

*Базмдаги кексаю гар худ йигит,
Майдин ўлиб ҳар бири бир телба ит.
Зулминг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?..*

Тарихни қўйиб, ўз замонамизга қайтайлик. Тўқликка шўхлик деганларидек, бизда ичкиликбозликнинг ҳадди аълосига етгани энди сир эмас: ўртача ичувчилар сони 80 миллион, бир йилда киши бошига 30 литрдан ароқ ичилади... Ҳамма нарса ичишга сафарбар: тўй ҳам, аза ҳам, байрамлар ҳам, юбилейлар ҳам, туғилган кунни нишонлаш, йигитларни армияга жўнатиш, уларни кутиб олиш, ўқишга кириш, ўқишни битириш, мебел ёки машина сотиб олиш, диссертация ёқлаш, китоб чиқазиш,

меҳмон кутиш, хастанинг аҳволини сўраб касалхонага бориш, сафарга отланиш, сафардан қайтиш... Хуллас, ҳаётимизда бирор ҳодиса йўқки, ўшани дастак ёки баҳона қилиб, ўзимиз ичмасак ёки ўзгаларга ичирмасак... Тавба, шундоқ қилмасак, гўё кўнглимиз ўрнига тушмайди. Ҳар кун, ҳар дақиқа бирор баҳона топиб, ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам заҳарлаш гўё ҳам фарзу ҳам қарз... Кўламга боқинг!.. Суръатга қаранг!

Мен шуларни ўйлаб, бундан бир-икки йил олдин «Хурофот» деган шеър ёзганман. Унда:

Ароқ бўлди бизга нон билан туздек,

Ишрат пиёласи ҳамиша кўлда.

Ичкилик бобида азамат ўзбек

Бугун қардошларни қолдирар йўлда, –

деган мисралар бор. Ўқиб, баъзи бировлар хафа бўлишди, муболаға ҳам эви билан-да, деб ҳатто пичинг – кесатиқ ҳам қилишди. Шунда мен, тўғри гап туққанингга ёқмас, деган мақолга яна бир бор ишондим. Майли, ёқмаса ёқмас, лекин бу билан тўғри гап нотўғри бўлиб қолмайди, ҳаёт ҳақиқатидан кўз юмиб бўлмайди.

Шофирконнинг Читкарон қишлоғида ота авлодларим, Кўлиодина қишлоғида она қариндошларим яшайди. Гоҳ-гоҳ бориб тураман. Ҳар гал элатлар билан бир мириқиб суҳбатлашаман, деган ният билан бораман, лекин ранжиб, ўксиниб қайтаман. Сабабки, ҳали дурустроқ ҳол-аҳвол сўрашиб улгурмасданоқ, дастурхонда бир шиша ароқ пайдо бўлади. Ўртада баҳс-мунозара бошланади: мен «ичмайлик» дейман, улар «ичамиз» дейишади. Мен бир нималарни тушунтирмоқчи бўлсаман, улар эса менга содда, дунёдан беҳабар, анойи одамга қарагандек қарашади, баъзи гапларимга истехзо билан кулишади... Кейин меҳмон

ичмади, деб тортиниб ўтиришмайди, ўзлари ичишади. Алмойи-ажмойи гаплар бошланади, келишмаган қилиқлар қилишади. Боғча боласининг қўлига стакан тутқизиб, менга рўпара этишади: «Тоға, тўйимга келмадингиз, майли, лекин шуни мен учун ичинг...» Шўрлик бола шу сўзларни ғужиллаб, тўтидек такрорлайди, гоҳо катталарнинг қистови остида мен билан қадаҳ чўқиштирмоқчи ҳам бўлади... Ўрни келганда айтай, ҳар гал қишлоққа борганимда баъзи болаларнинг аҳволига қараб, эзилиб кетаман. Бир қаричликдан далада ишлайвериб, қўллари туёққа айланган, уст-бошлари кир-чир, озғин-тўзғин болалар... Кўпчилик оталар рўзғор ташвиши, дала меҳнатини шуларнинг бўйнига қўйиб, ўзлари ялло қилиб юришади, ароқхўрлик қилишади, кимўзарга дабдабали тўйлар ўтказишади. Лекин болаларга шароит қилиб берайлик, улар китоб ўқисин, спорт билан шуғуллансин, онгли, идрокли, соғлом, дуркун бўлиб ўссин, деган андишани хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Бир қариндошим қўшни колхозда зоотехник бўлиб ишга жойлашибди. Уни чўлга олиб чиқиб, роса ичиришибди. Бир-икки отни кўз ўнгидан нари-бери ўтказиб, йигирма етти отни қабул қилиб олдим, деб тилхат ёздириб, қўл қўйдириб олишибди... Бир ой ўтгандан сўнг бошланди ҳангома! Кайф устида чекилган ўша битта имзо туфайли у ўзини ҳам, болаларини ҳам не-не машаққатларга қўйди...

Бир гал қишлоққа бориб, жиянимнинг туғилган куни устидан чиқиб қолдим. Катта уйни тўлдириб, бир тўп ўспирин йигит-қизлар ўтиришибди. Тўққизинчи-ўнинчи синф ўқувчилари. Дастурхонда очилган ва очилмаган ароқ шишалари, бўшатилган ва бўшатилмаган стаканлар...Кўриб, кўзларимга ишонмадим...

Бир сафар борганимда район раҳбарларидан бири тўй қилаётган экан. Кўярда-қўймай олиб боришди.

Казо-казолар йиғилишган. Ҳамма ширакайф. Айниқса, мезбоннинг кайфи тарақ: оёқда туролмайди, ўзини ҳам, ўзгани ҳам танимайди. Бир чеккада соч-соқоли оппоқ мўйсафидлар ўтиришибди. Улар ҳам пайдар-пай ичишади. Қараб, сесканиб кетдим!..

Бир кун бир тўйда башанг кийинган йигит қўлида бир пиёла ароқ кўтариб ўртага тушди. Қийшанглаб ўйнаган бўлди, сўнг онаси тенги отарчи аёлга қараб кушомад қилиб, хиргойи бошлади:

*Бир пиёла май узатдим, ичмасанг ҳам майлига,
Бир кулиб боқ, тугмаларни ечмасанг ҳам
майлига...*

У ароқни зўрлаб ичирмоқчи бўлди, лекин аёл эпчиллик қилиб, унинг ўзига ичирди. Даврада қийқириқ, кулги кўтарилди. Ким деб суриштираман, ўқитувчи экан. Ёқамни ушладим!..

Кекса одам кексалигига қарамай ичар экан, унинг мўйсафидлигини ким ҳурмат қилади! Ўқитувчи ўқитувчи бўлишига қарамай ичар экан, унинг мураббийлигини ким ҳурмат қилади? Олим олимлигига қарамай ичар экан, унинг устозлигини ким ҳурмат қилади? Мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган келинимиз бор эди. Бир врач кайф устида нотўғри муолажа қилиб, уни ўлдириб қўйди. Бешта боласи чирқираб қолди... Бундайларни «доктор» деб аташга кимнинг тили боради?

Танишларим ҳикоя қилиб беришди: бир қишлоқда биров қазо қилиб, йиғи-сиғи бўлаётган экан. Қандайдир «базми жамшид» қилиб қайтаётган йигитлар дарвоза олдида тўпланишиб турган одамларни кўриб, тўй деб ўйлашибди, шекилли, машинадан чиқиб, «қарс-қурс» ўйинга тушиб кетишибди. Халойиқ калтаклагандан сўнг ўзларига келишибди... Бир ароқхўр

Ўфил кайф устида ўз онасига тажовуз қилибди, уни ўн саккиз еридан пичоқлаб ўлдирибди... Ичкиликнинг энг даҳшатли оқибатини кўрмоқчи бўлсангиз, Тошкент шаҳридаги ногирон болалар шифохонасига бирров кириб ўтинг. У ерда онадан майиб-мажруҳ туғилган юзлаб болаларга дуч келасиз. Ҳаммаси кайф устида бўлган, ўз ота-оналарининг жаҳолати туфайли умрбод ногиронликка маҳкум этилган шўрликлар... Хўш, кўзингизга мўлтираб боқувчи ўша гўдакларнинг гуноҳи нима? Бу қабоҳат учун ким жавоб беради?..

Бизда баъзан оз ичсанг – дори, кўп ичсанг – оғу, деган гапни такрорлашни яхши кўришади. Менга қолса, биз ичкилик билан ўзимизни шу қадар кўп заҳарладикки, энди қатраси ҳам ортиқча. Беҳад-беҳисоб хазон бўлган умрлар, совурилган истеъдодлар, тўқилган қон ва кўз ёшлар, ногиронликка маҳкум этилган наслар ҳаққи, шу касофатдан қатъий юз ўгириб, уни ўз номи билан «ҳаром» деб аташ пайти етмадимикин?

Ҳукуматимизнинг ичкиликбозликни чеклаш ҳақидаги қарори – ўз моҳияти билан буюк тарихий қарор. Келажак авлодлар бу қарорни байроқ қилиб, янада баланд кўтаришларига ишончимиз комил. Негаки, у ўз мазмуни билан ёлғиз бугунга эмас, келажакка ҳам хизмат қилади. Унда халқимизнинг, жамиятимизнинг истиқболи масаласи ўртага қўйилган. Ватанга мияси пуч, ақл-идрокдан маҳрум кишилар эмас, ақли бутун, онги юксак, тафаккурли инсонлар керак. Озод ва адолатли жамиятни баркамол авлодлар қуради. Шундоқ экан, ичкиликбозликка қарши кураш жамиятимиз учун, кам эмас, кўп эмас – ҳаёт-мамот масаласи. Бунда бўшангликка, кўнгилчанликка, келишувчиликка йўл қўйиб бўлмайти. Ҳазрат Навоийнинг шу сўзларини тез-тез такрорлаб турайлик:

*Эрусан шоҳ, агар огоҳ сен-сен,
Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен...*

Бу ерда гап шунчаки шоҳ ва унинг огоҳлиги ҳақида эмас, балки табиат ва жамиятнинг ҳукмдори бўлмиш инсон ва унинг огоҳлиги устида кетяпти. Инсон атроф – оламдан ҳамиша огоҳ бўлиб яшамоғи керак, шундагина у ҳақиқий инсон бўлади. Бунинг учун у ғафлат уяси бўлмиш ичкиликбозликдан ҳазар этмоғи даркор. Мана, шеър замиридан чиқиб келаётган хулоса...

Ҳар гал биз кайф қилганимизда миямизда неча миллион ҳужайра ҳалок бўлади. Улар қайта тикланмайди, демак, биз ҳар гал қадаҳ кўтариш билан ақлий қувватимизнинг маълум бир ҳиссасидан маҳрум бўламиз... Бироқ иш шу билан тугамайди, «мушт кетди» давом этаверади: ароқхўрдан ароқхўр туғилади, бир-икки авлод алмашилиб, дунёга ағрайиб боқувчи овсар пайдо бўлади... Шоир айтганидек:

*Жумла махлуқот ҳам туғилиб, мавжуд,
Бемазмун умрини яшар саргардон.
Тафаккур ва шуур завқидан маҳрум,
Туғилиб ўсганинг шу олам аро
Ағрайиб яшамоқ – даҳшат беомон!..*

Бир донишманддан, дунёда энг олий кайф, энг **аъло** ҳузур нима, деб сўрашганида, «ҳушёрлик» деб **жавоб** берган экан. Унча ҳам катта бўлмаган, «умр» **деб** аталувчи муддатни ҳушёрлик билан ўтказишга **нима** етсин... Бас, бизнинг жамиятимизда ақл-идрок **ўғриси**, ор-номус кушандасига ўрин йўқ!..

1988 йил

АМЕРИКА ЧИРОҚЛАРИ

МУХБИР. Жамол ака, Сиз яқинда бир ой Америка Қўшма Штатларида бўлиб, демократия масалаларига бағишланган халқаро анжуманда қатнашиб кайтдингиз.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Биз русчадан таржима этиб, АҚШ – Америка Қўшма Штатлари, дейишга ўрганиб қолганмиз. Аммо таржима яхши чиқмаган, маъно тўла англашилмайди. Хўш, «штат» деганда нимани тушунасиз? Аслида инглизчадан тўғридан-тўғри таржима этилса, Америка Бирлашган Давлатлари, деган атама чиқади. АҚШ эмас, АБД. Кўрасизки, бунда маъно аниқ, хиралик, мавҳумлик йўқ. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деб тўғри таржима этганмиз. Бас, «Юнайтид Нейшнс» дегани «Бирлашган Миллатлар», экан, «Юнайтид Стейтес» дегани «Бирлашган Давлатлар» бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. «Қўшма Штатлар» эмас.

МУХБИР. Қизиқ мулоҳаза. Менимча, бу нарсани тилшуносларимиз билан муҳокама этиб, кейин бир хулосага келсак, яхши бўлади... Келинг, асосий мавзуга қайтайлик. Сиз дунёнинг нариги чеккасига, узоқ Америкага сафар қилдингиз. Мен ўйлайманки, газетхонларни ҳам биринчи галда қизиқтирган нарса – шу сафар давомида қалбингизни тўлдирган энг тиниқ кечинмалар, руҳингизни қуршаган энг ёруғ ҳолатлар...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Ҳайратланиш... Элликдан ошган одамни ҳайратга солиш қийин. Бунинг устига кўплаб хорижий элларда бўлганман. Бу ёғи – Польша, Руминия, Юнонистон, Австрия; бу ёғи – Туркия, Саудия, Покистон, Ҳиндистон дегандек... Аммо Американи кўрмабсиз – дунёга келмабсиз. Бу – бошқа дунё. Мен бир ой давомида ҳайратларга чўмиб юрдим. Яхши маънода, «тавба-тавба» деб бориб, «тавба-тавба»

лаб қайтдим. Ҳозир ҳам ёдимга тушса, беихтиёр «тавба, шунақаси ҳам бўлар экан-да!» дейишдан ўзимни тийлмайман.

Келинг, бир бошдан айтиб бера қолай.

Луфт-Ҳанза авиакомпаниясига қарашли учоғимиз тонг саҳарда Тошкентдан Франкфуртга учди. Роса беш ярим соат деганда манзилга етиб бордик. Биз «Тараққий этган» деб атайдиган ва менга илк бор Австрияда кўринган дунё энди Олмониянинг Франкфурт аэропорти тимсолида яна ярқираб намоён бўлди. Аэропорт эмас, қаср. Ҳамма ёқ чиннидек, топ-тоза, замонавий жиҳозлар, энг модерн асбоб-ускуналар кўзни қамаштиради. Ҳамма нарса йўловчининг оғирини енгил қилишга қаратилган. Учиш-қўнишларни дақиқа сайин эълон этиб турувчи таблолар, ҳамма ёқда тизиб ташланган чиройли чарм креслолар, қатор-қатор дўконлар, мўъжаз емакхоналар, саволингизга жавоб беришга, мушкулингизни осон қилишга ҳамиша шай, ҳозир-нозир бўлиб турувчи хушмуомала ходимлар ва ходималар...

Франкфурт аэропорти икки терминалдан иборат. Вашингтонга учиш учун Скай лайн – тўрт қаватли иморат баландлигида қатнайдиган «осмон трамвайи»га тушиб, биринчи терминалдан иккинчи терминалга ўтдим. Американинг Делта авиакомпанияси манзилини топиб, нафасимни ростладим. Шу ерда ғалати бир гап қулоғимга чалинди. Московда ўртоғим қирқ долларга бир қовун сотиб олди, – деб қолди бир жувон инглизчалаб ёнида ўтирган иккинчи аёлга. – Қовун жуда ширин чиқди...

Табиийки, бу гапни эшитиб, ўзимни тийиб туролмадим, суҳбатга аралашдим.

– Кечирасиз, хоним, мен Ўзбекистонданман, – деб аввал ўзимни таништирдим. – Тошкентга борсангиз борми, ўша қирқ долларга биттамас, қирқта қовун

оласиз... Бунчалигини билсам, мен ўзим билан бир-иккита қовун олар эдим.

– Йўқ, бу мумкинмас, – деди жувон, – Америкага озиқ-овқат олиб кириш тақиқланган. Яқинда биттасининг жомадонидан қовурилган сосиска топиб олиб, ҳамманинг кўзи ўнгида итларга ҳидлатишди...

Бу гапни эшитиб, ичдан зил кетдим. Жомадонимда бироз новвот билан қази бор эди. Тамом, шарманда бўлдим, деган ташвиш хаёлимдан кетмай қолди... Кейин кўл силтадим: э, нима бўлса бўлар...

Шундай қилиб, ҳалиги америкалик жувон билан гаплашиб қолдик. У Московга сайёҳ бўлиб боргани, Москов бозорларида мева-чева тақчиллиги ҳақида сўзлади... Чамаси бир соатдан сўнг Вашингтонга учдик.

Улкан «Боинг» салоида ора-орада йирик экранлар ўрнатилган бўлиб, вақти-вақти билан қизиқарли фильмлар намойиш этилиб, вақти-вақти билан парвоз йўналиши, тезлиги, баландлиги, ташқаридаги ҳавонинг ҳарорати эълон этиб борилади. Мана, экранда Ғарбий Оврўпо харитаси Франкфуртдан бошланган қизил чизиқ тўхтовсиз ҳаракат этиб, олға интилади. Бу – биз, бизнинг учоғимиз... Ана, Олмония ҳудудидан ошдик. Франция устида учяпмиз. Франция ҳам ортда қолди, пастда ям-яшил товланган далалар, сайхонлар – Англия, ана, Англиянинг ҳам ғарбий соҳиллари кўриниб қолди. Экрандаги қизил чизиқ бир талпиниб Англияни ҳам ортда қолдирди. Шошиб, ойнақдан пастга боқдим. Пастда қанотларимиз остида – Атлантика!.. Мен сафар давомида орзиқиб кутганим – мана шу эди. Биз, бир томони Қизилқум, бир томони Қорақум билан ўралган ватаннинг фарзандлари ариқ нима, ҳовуз нима, қудуқ нима, дарё нима, кўл нималигини яхши биламиз. Аммо биз учун денгиз – армон, океан – мўъжиза... Боболаримиз океанни оқёнус ёки баҳри муҳит, дейишган. Мовий

бахри муҳитга термилиб, қандай ҳолатга тушганимни тасвирлаб беролмайман. Боши – қирғоғи йўқ, чексиз-чегарасиз мовийлик. Соатлаб учамиз, тепага қарайман – мовий осмон, пастга қарайман – мовий океан. Иккаласи туташиб кетгандай. Қаерда океан тугайди-ю, қаерда осмон бошланади, билиб бўлмайди. Шундоқ туюладики, гўё икки осмон оралиғида учиб бораётгандекман... Мана шу ҳолатда қарийб саккиз соат учдик. Ниҳоят, Америка қирғоқлари кўринди... Хаёлдан нималар кечмади ўшанда, Христофор Колумб оддий кемага ўлтириб, ана шу қирғоқларга етгунча қанчалар заҳмат - машаққат чекканини тасаввур этасизми! Эҳтимол, Эрнест Хемингуэй манави соҳилга чиқиб, мовий океанга термилиб, соатлаб хаёл сургандир...

Учқимиз оз-оздан пастлаб, туташ ўрмонлару ям-яшил сайҳонлар устидан учиб, толиққан қуш қўналғага қўнгандек, қанотларини кериб, оҳиста қўнди. Худога шукр, эсон-омон етиб келдик. Буёғи дунёдаги энг буюк давлатнинг пойтахти – Вашингтон... Юрагимнинг бир чеккасидаги ғашлик бир зумда тарқалди-кетди. Аэропортда менинг жомадонимдаги новвот ва қазига биров қайрилиб қарамади. Америкалик мезбонлар, ўғлим, қизим, куёвим қарши олишди. Болаларимни бағримга босдим. Шом қоронғисида Вашингтонга кириб бордик. Ҳамма ёқ чароғон. Меҳмонхонага жойлашдик. Шу кеча уйқумда тинимсиз учдим. Тепага қарайман – осмон, пастга қарайман – яна осмон. Гўё икки осмон оралиғида учиб бораётгандекман... Туташ мовий муҳит... Чек-чегараси йўқ.

Эртаси куни меҳмонхонанинг катта залида тўпланишдик. Дунёнинг йигирма тўрт мамлакатидан келган вакиллар бир-биримиз билан танишдик. Кейин илк мажлисларимиз манзили – Америка маърифий тараққиёт академияси томон йўл олдик.

Биз жойлашган меҳмонхона ҳам, меҳмонхонамиз жойлашган катта кўча ҳам Эмбесси Роу деб аталаркан. Эмбесси Роу дегани – элчихоналар тизмаси дегани. Дарҳақиқат, йўл-йўлакай анвойи байроқлари ҳилпираб турган ўнлаб элчихоналар ёнидан ўтдик. Яна шу кўчада, яъни Вашингтоннинг қоқ марказида, мусулмонлар масжиди – улкан Масжиди Жоме ҳам қад кўтариб турибди. Ўтган асрда қурилган, жума кунлари намозхонлар билан гавжум бўлади, дейишди.

Анжуманнинг биринчи куни қатнашчилар бир-бир ўрнимиздан туриб, ҳозир бўлганларга ўзимизни ва мамлакатимизни таништирдик. Саволларга жавоб бердик. Тушдан сўнг Вашингтонни сайр эттиришди. Кенг кўчалар, муҳташам майдонлар, ҳамма ёқ ям-яшил, ҳамма ёқда дарахт. Худди Тошкентни эслатади. Абраам Линкольн мемориали, Жон Кеннеди маданият маркази, машҳур Вотергейтни бориб кўрдик. Гўзал Патомак дарёси соҳилларида сайр этдик.

Эртаси шанба куни катта концерт-шоуга таклиф этишди. Мен мезбонлардан узр сўрадим.

– Мен учун энг катта шоу – Нью-Йоркни бир кўриш... Хўп десангиз, концертга бормасам, болаларим билан Нью-Йоркка жўнасам...

Рози бўлишди. Жума куни оқшом электр поездга ўтириб, Нью-Йоркка жўнадик. Бир соатча ён-атрофга тикилиб, томоша қилиб бордим. Кейин чарчоқ ўз кучини кўрсатди. Кўзларим юмила бошлади.

– Акмалжон, – дедим ўғлимга. – Мен елкангга бошимни қўйиб ухлайман, эҳтиёт бўл, турсанг, йиқилиб тушаман...

Шу алпозда икки соат мазза қилиб ухлабман. Бир пайт «Дада, кўзингизни очинг, етиб келдик», деган овоздан уйғондим. Кўзимни аранг очиб, атрофга қарасам, биздан бошқа йўловчилар аллақачон тушиб кетишган... Таксига ўтириб жўнадик. Кечки Нью-

Йорк... Тўғриси, мен Вашингтонда Американи унчалик ҳис этмадим. Вашингтонни Тошкентга ўхшатдим. Мана, энди Американи кўриб, ҳис этиб турибман... Мана бу – Америка!.. Буни дунёнинг бирор бурчагига қийслаб ҳам, ўхшатиб ҳам бўлмайди. Қаёққа қараманг, минглаб ойнакларидан шуълалар таратиб, нақ суйи ҳавога юксалиб турган олтмиш-етмиш қаватли, осмонўпар иморатлар. Бир боқишдаёқ кўзингиз жимирлаб, бошингиз айланиб кетади. Тунги Нью-Йорк шундай ҳайбатли ва ҳашаматли!

Эртасига махсус автобусга ўтириб, Нью-Йоркни айландик. Кундузги Нью-Йоркнинг савлат ва салобати янада баланд. Вашингтон – Американинг пойтахти бўлса, Нью-Йорк дунёнинг пойтахти деганларича бор. Бутун инсониятнинг чексиз ақл-заковати, бел кучи, биллак қуввати гўё шу ерда жамланган осмонўпар иморатларни даст кўтариб, ана шу мўъжиза шаҳарни бунёд этган... Нью-Йорк инсониятнинг меҳнат ва тафаккур мўъжизаси. Бизга уқтиришгандек, сариқ иблис шаҳри эмас, балки буюк ва азамат инсонлар маскани... Бир юз ўн беш қаватли Импаея билдинг биносининг тепасига чиқиб, атрофга боққан киши нафаси ичига тушиб, ё қудратингдан, деб ёқа ушламасдан иложи йўқ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Рокфеллер маркази, дунё савдо уйи, марказий парк каби китоблару фильмларда маълум ва машҳур жойларни сайру томоша қилдик. Қизим Хуршида, куёвим Фатхулла шу ерда рассом-дизайнер бўлиб ишлашади. Ўғлим Акмалжон Колумбия университетиди ўқийди. Болаларим ана шу шаҳри азимда худди Тошкентда юргандек бемалол яйраб юришганини кўриб қувондим. Аксинча, улар мени худди болага ўхшатиб, қўлимдан тутиб, эҳтиётлаб етаклаб юришди. Кўчалар гавжум. Инглизлар, немислар, испанлар, итальянлар, хитойлар, ҳиндлар,

араблар, эронийлар, турклар, хуллас, дунёнинг бор бурчагидан келган инсонлар бу ерни ватан тутиб, умургузаронлик қилишади. Бу ерда барча муҳожир, биров-бировни, сен келгиндисан, деб камситмайди.

Эртаси якшанба куни ҳавони булут босиб, ёмғир ёғди. Юзинчи қаватда яшовчи кишининг ўрнига ўзингизни қўйиб, тасаввур қилинг. Уйқудан туриб, деразани очасиз, ссмон мовий, қуёш ярқираб турибди. Пастга қарайсиз. Кўчалар, майдонлар кўздан ғойиб бўлишган, кўринмайди. Осмонўлар иморатларнинг нақ белидан булут қоғлаб, устма-уст чақмоқ чақаяпти. Чақмоқни пастдан эмас, тепадан туриб кўрасиз, ҳой-наҳой ёмғир ёғаётган бўлса керак, деб тахмин этасиз.

Шу куни кечқурун Вашингтонга қайтдим. Эртасига Америка ахборот агентлиги ташкил этган халқаро анжуманнинг расмана мажлислари бошланди. Мавзу, инглизчадан сўзма-сўз таржима этилса «Турли жамоаларда демократия қурилиши», деб аталади. Бир сўз билан айтганда, демократия масаласи.

МУХБИР. Ғоят муҳим мавзу. Шу масалага доир қандай фикрлар айтилгани, шубҳасиз, ҳаммамизни қизиқтиради.

ЖАМОЛ КАМОЛ. Америка Қўшма Штатлари икки юз йилдан бери демократия қуради ва ана шу масала устида бош қотиради. Шу маънода Америка жамияти – демократия дорилфунуни. Мен ана шу дорилфунунда бир ой давомида дарс ўқиб қайтдим, десам, муболаға деб ўйламанг. Биз, йигирма тўрт мамлакатдан келган вакилларга ҳар куни демократиядан назарий ва амалий сабоқ беришди. Таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари, қонуншунослар, дин ва маданият намояндалари демократия масаласининг турли қирраларини ёритиб, маърузалар қилишди. Ҳар гал маъруза сўнггида савол-жавоблар, қизгин баҳсу мунозаралар... Мажлисларимиз эрталаб соат тўққиз-

да бошланиб, кечкурун соат бешда тугайди. Оқшом меҳмонхонага ҳориб-чарчаб қайтамиз. Бир гал демократлар партияси намояндалари билан учрашсак, иккинчи гал республикачилар партияси вакиллари билан учрашамиз. Кунлар тифиз, аммо қизиқарли учрашувлар туфайли ғоят мароқли кечди. Ҳар бир учрашувдан демократия масаласида бир тушунча олдик.

МУХБИР. Хўш, демократия дегани нима экан?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Биз, совет даврида туғилиб, тарбия топган авлод учун бу ғоят муҳим...

Энди гапни чўзмасдан, ўзбекча қилиб, содда қилиб айтадиган бўлсак, демократиянинг ибтидоси учун икки киши юзма-юз туриб гаплашганда суҳбатдошнинг, сиз билан гаплашаётган кишининг сўзини охиригача сабр-бардош билан тинглаш бирламчи шарт экан. Кейин ўша суҳбатдошнинг сўзини, фикрини англашга, тушунишга интилиш – иккиламчи шарт. Мабодо баён этилган фикр сизникидан фарқ қилгудек бўлса, жиззакилик қилмай, босиқлик билан уни мустақил бир шахснинг, инсоннинг фикри деб баҳолаш – учинчи шарт ҳисобланади. Менинг шахсий кузатувим: Демократлар билан Республикачилар сенатда парламентда қанчадан-қанча баҳсу мунозаралар қилишади. Фикримиз бир-бирига қарама-қарши бўлиб қолди деб димоқ-фироқ қилиб юришмайди. Аксинча, ҳаётда ўзаро улфатчилик қилиб, апоқ-чапоқ бўлиб юришаверади. Юракларда гина-кудурат йўқ. Ҳуда-беҳудага бир-бирининг шаънига тегиш йўқ... Мени бир она туққан эса, сени ҳам, уни ҳам бир она туққан. Бас, менинг мустақил фикрим бўлганда, нечун унинг ёки сенинг мустақил фикринг бўлмасин? Шундоқ бўлиши яхши, шундоқ бўлиши табиий эмасми? Америкаликлар – табиатан нормал жамиятда туғилиб тарбия топган инсонлар шундоқ деб ўйлашади. Энди ана шу нуқтаи назардан ўзимизга бир назар солайлик. Биз – совет

даврида туғилиб ўсган авлодмиз. Мустабид, тоталитар тузумнинг руҳи қон-қонимизга сингиб кетган. Русча айтганда «кто не с нами тот против нас...» Бунинг ўзбекчасини устоз Ҳамза қотириб айтганлар:

*Ҳой, ҳой отамиз,
Тошни кесар болтамиз.
Ким бизга қарши чиқса,
Шартта-шартта отамиз...*

Айтмоқчиманки, биз, демократлармиз деб, кўк-рагимизга қанчалар урмайлик, ҳали ҳамон руҳан коммунистик тарбия таъсиридан қутулганимизча йўқ. Негаки, биров бизнинг фикримизга қўшилмаса ёки бошқачароқ фикр билдирса, ранжиймиз. Бундан ҳеч кимса мустасно эмас. Ўзим ҳам. Ҳаттоки ўзини асл демократ, мухолиф деб атаётганлар ҳам... Мен буни бировга таъна қилиб айтаётганим йўқ. Бор гапни айтаяпман, холос. Етмиш беш йиллик «тарбия» асоратидан уч-тўрт йилда қутулиб бўлмаслигига ақлим етади.

МУХБИР. Сизнингча, бу иллатдан қандоқ қутуламиз?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Иллатдан қутулиш учун унинг илдиэларини очиш керак. Мен боя айтганимдек, бунинг биринчи яқин илдиэи – етмиш беш йиллик коммунистик тарбия... Аммо ўйлаб қаралса, бунинг жуда узоқларга кетган иккинчи илдиэлари ҳам бор экан... Бу – шарқ муҳити билан боғлиқ асрий анъаналар... Эртак афсоналарда юз марталаб ўқигансиз. Бир киши арз айтиш учун подшо эшигига келади. «Подшойи олам, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз, бир оғиз гапим бор», дейди у. Подшо «Бир қошиқ қонингдан ўтдим», демагунча арзини айтмайди... Яъни шу билан у бир қошиқ қонини, яъни жонини сўраб

олади. Акс ҳолда арз айтаман, деб бошидан жудо бўлиб қолиши ҳеч гапмас... Бу шарқ ижтимоий иқлими. Буни Ғарб тасаввур этолмайди. Ғарбда ҳар битта инсон – мустақил шахс, у подшо ҳузурига кириб, ўз арзини бемалол айтиши мумкин. Фақат қонунга, тартиботга риоя этса, бас.

Авваламбор бировнинг фикрини сабру бардош билан тинглаб, уни тушунишга ёки ҳурмат қилишга интилиш умумий маданий савияга боғлиқ. Маданий савияси етук бўлмаган киши учун бошқаларнинг нима деб ўйлаши – икки пул. Иккинчидан, бу нарса мактабда бериладиган таълим-тарбия билан вобаста. Биз Америка мактабларида бунинг гувоҳи бўлдик. Бир гал учинчи синфда кечаётган дарс жараёнини кузатишга тўғри келди. Санта Моника шаҳри яқинидаги мазкур мактабда кўпроқ янги муҳожирларнинг болалари ўқишар экан. Лотин Америкаси мамлакатлари, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Малайзия, Литва, Польша, Корея, Арманистон, Озарбайжон, Чеченистондан келган болалар... Уларни ҳозирданоқ Америка фуқаролигига тайёрлашяпти. «Америка муҳожирлар мамлакати» деган ёзувларни деворларга катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйишибди. Болакайларни Америка конституцияси билан таништиришяпти. Қонунни билишга, қонунни ҳурмат қилишга ўргатишяпти. «Америка қандай давлат?», «Америкада инсон қандай ҳуқуққа эга?», «Ҳукумат нима учун керак?» «Фуқаронинг асосий бурчлари нимадан иборат?» деган қисқа-қисқа саволларга қисқа-қисқа жавоблар бериляпти. Ўқувчилар ана шу ақидаларни такрор-такрор ўқиб, ёд олишяпти... Америка таълим-тарбия ўчоқлари эркин жамиятда яшайдиган эркин ва мустақил шахс тарбияси билан жиддий машғул. Бир қаричлигидан эркин ва мустақил тарбия топган ўз кучига ишонадиган, серғайрат, ташаббускор бўлиб етишади. Ёш авлодга демократия принципларини

изчиллик билан қадам-бақадам сингдириб боришади. Мактабларда ҳар бир синфнинг умумсайлов асосида сайлаган президенти ва вице президенти бор. Улар ўз навбатида мактаб парламенти, президенти ва вице президентини сайлашади. Мактабни ёлғиз маъмурият эмас, ўқувчиларнинг ўзи ҳам идора этади.

МУХБИР. Жамол ака, келинг, демократия нима? – деган масалага чуқурроқ назар ташлайлик. Демократияни жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар ҳам лозим бўлса керак?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Албатта. Демократия қонунга суянади. Демократик жамият қонуни олдида каттакичлик баробар. Аммо қонуннинг суянчиғи – давлат. Давлат қонунни ҳаётга жорий этади. Аммо унинг қанчалик жорий этилиши давлат қурилишининг мукамаллигига боғлиқ. Хуллас, содда қилиб айтганда, демократияни жорий этиш учун тизими, қурилиши ниҳоясига етган мустақил, мукамал давлат керак. Бу – биринчи талаб.

Иккинчи томондан эса шундоқ бир давлатга мос ва мувофиқ келадиган жамият бўлиши ҳам талаб этилади. Мулкдорлар жамияти... Нега мулкдорлар, дейсизми? Инсоният тарихи, унинг асрий тажрибаси шунни кўрсатадики, йўқсилларни, мулксизларни у кўйдан олиб, бу кўйга солиш жуда осон. Аммо мулкдорларни ҳар мақомга йўрғалатиб бўлмайди. Мулкдор фақат қонунни танийди. Қонунга таянади ва қонунга бўйсунди.

Шу нуқтаи назардан ўзимизга қарайдиган бўлсак, биз ҳали шаклланиш жараёнини бошдан кечиряпмиз. Тугал, мукамал давлатни бир кунда қуриб бўлмаганидек, йўқсиллар жамиятини дарҳол мулкдорлар жамиятига айлантириш мушкул. Бунинг учун вақт керак. Бу борада сусткашликка йўл қўйиб бўлмаганидек, шошқалоқлик ҳам зиён келтиради. Қош қўяман, деб кўз чиқариш ҳеч гапмас. Кўпинча демократия қаерда

тугайди-ю, ҳокимият учун кураш қаерда бошланади, билиб бўлмайти. Худо кўрсатмасин, мустақиллик учун кураш ҳокимият учун курашга айланиб кетса борми, бу нарса халқ бошига беҳад офат ва фалокат бошлаб келиши мумкин. Тожикистон ва Афғонистон мисолида буни кўриб турибмиз. Лекин мен бу билан муаммолардан кўз юмиб, қўл қовуштириб ўтириш керак, демоқчимасман. Ҳушёрлик ва эҳтиёт бўлишга чақиряпман холос. Токи бир юз ўттиз беш йиллик жабру жафолар эвазига қўлга киритилган мустақиллигимиз қўлдан чиқиб кетмасин. Бизни ўзаро жиққамушт қилиб, яна хўжайин бўлишни истаётганлар муродига етмасин дейман... Ана шундан кўрқаман.

«Қўл қовуштириш» масаласига келганда яна шуни айтиш керакки, ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ўзбекистонда ҳарбий академия ташкил қилинди. Миллий армиямиз қаддини ростлапти... Хусусийлаштириш жараёнлари жадаллашиб, мулкдорлар сафи кенгайяпти. Лекин ёш авлодга демократия принципларини сингдириш масаласи кўнгилдагидек эмас. Шу ҳақда ўйлаб кўрилса, бу соҳада Америка тажрибасидан истифода этилса ёмон бўлмас эди.

МУХБИР. Яна Америка таассуротларига қайтсак. Америкада Ўзбекистонни билишадими?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Ҳам билишади, ҳам билишмайди... Ҳукумат доирасидагилар билишади, халқ билмайди.

Биз халқаро анжуман қатнашчилари шарқда – Вашингтондан ғарбда – Лос-Анжелосгача, шимолда – Чикагодан жанубда – Маямигача бўлган масофани бир ой давомида кезиб чиқдик. Ўнлаб учрашувларда иштирок этдик. Шу нарсага гувоҳ бўлдимки, Африка ёки Осиёдаги майда давлатларни ҳам билишади, аммо Ўзбекистон, Туркистон, Ўрта Осиё минтақалари ҳақида Америкаликларда тасаввур оз.

Ҳар гал сўз навбати менга келганда, салом-алиқдан кейин сўрайман:

– Ўзбекистон деган давлатни биласизми?

– Но- о!..

– Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий шаҳарларни эшитганмисизлар?

– Но- о!..

– Ал-Форобий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек деган олимларни-чи?

– Но-о!..

Шунда юртимиз, минтақамиз чегараларини чизиб бераман:

– Шимолда Россия, шарқда Хитой, жанубда Афғонистон ва Эрон, ғарбда Каспий денгизи...

– Тушундик!.. Раша!.. Раша! – деб қичқиришади.

– Но Раша! – дейман. – Биз бир юз ўттиз беш йил давомида Россияга мустамлака бўлдик. Бугун беш мустақил давлатмиз: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон... Ўтмишда битта бўлганмиз... Бугун яна бирлашишга ҳаракат қилияпмиз. Келажакда бирлашган Туркистон бўлиши муқаррар. Балки Туркистон Қўшма Штатлари бўлар... Бирлашган Туркистон ҳеч кимга таҳдид этмайди, таҳлика солмайди, аксинча, дунёнинг тинчлигию мувозанатига хизмат қилади. Бу ғояни сиз, Америкаликлар ҳам қўллаб-қувватласангиз, айти муддао бўлур эди...

«Браво!», «Браво!», деб чапак чалишади.

Сўнг Туркистон тарихини қисқача баён этишга киришаман.

– Американи ўн тўртинчи асрда Христофор Колумб кашф этган шундоқми? Колумбдан тўрт аср аввал бизнинг буюк олимимиз Ал-Беруний Америка қитъасининг харитасини чизиб берган.

– Но айдея! Хабаримиз йўқ!.. – дейишади.

– Аристотелдан сўнг демократия ҳақида дунёда иккинчи бўлиб китоб ёзган олим бизнинг Ал-Форобий бўлади...

– Но айдея!..

– Ал-Жабр, алгебра фанининг асосчиси бизнинг Ал-Хоразмий бўлади.

– Но айдея!..

– «Медицина» атамаси «Мадади Синодан» келиб чиққан. Жаҳон тиббиётининг отаси бизнинг Ибн Сино бўлади.

– Но айдея!..

– Мирзо Улуғбек ўн тўртинчи асрда Самарқанд шаҳрида расадхона қуриб, бир минг икки юздан ортиқ юлдузни тасвирлаб берган... Улуғбек фазога учишни орзу қилган.

– Но айдея!..

Ниҳоят, энг таъсирчан далилларни ишга соламан.

– Музқаймоқ ейсизларми?

– Ҳар куни.

– Макарон-чи?

– Баъзан.

– Музқаймоқ ва макароннинг асл ватани – бизнинг Самарқанд. Уларни Оврўпога ўн тўртинчи асрда Испания элчиси Клавихо олиб келган...

Бу гапни эшитиб, хурсанд бўлиб, чапак чалишади.

Америка адабиётининг мумтоз вакиллари Марк Твен, О.Ҳенри, Эрнест Ҳемингуэй, Фолкнер, Рей Бредбери, Айзек Азимовларнинг асарларини тилга оламан ва сўрайман:

– Алишер Навоий деган шоирни эшитганмисиз?

– Но айдея!..

Шунда Алишер Навоий ҳақида, юртимизнинг қадим адабиёти ва маданияти хусусида сўзлайман. Худди эртак, афсона эшитгандек ҳайратланиб, мароқ билан эшитишади. Охирида мустақил Ўзбекистоннинг бугун-

ги куни, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, ёш мустақил давлат олдида турган, ҳал этилиши бағоят зарур бўлган муаммолар ҳақида гапираман.

Саволга тутишади:

– Мамлакатингизда қораларга муносабат қандай?

– Бизда оқ танли, қора танли, сариқ танли, қизил танли, деган тушунчалар йўқ. Ҳамма – Худонинг бандаси.

– Сизда христиан ва яҳудий динлари таъқиб этилмайдими?

– Мутлақо. Тошкентда христиан черкови, яҳудий синагогаси ишлаб турибди. Католиклар ибодатхонаси таъмир этилмоқда...

Яна шунга илова этиб, «Муҳаммад алайҳиссалом қиссаси», «Исо алайҳиссалом қиссаси», «Будда қиссаси» китобларини ўзбекчага таржима этганим, барча динлар ва пайғамбарларни ҳурмат-эҳтиром мусулмончиликда муҳим қоида эканлигини айтаман.

Хуллас, олам ичра донғи кетган Ўзбекистон, ўзбегим, деб ўзимиз тўқиб, ўзимиз ўқиб, ўзимиз ишониб юраверибмиз, аслида биз оламдан, олам биздан беҳабар... Бизни машҳур Голливудга олиб боришди. Голливуд яқинидаги Америкада энг йирик обсерваторияга олиб чиқишди. Обсерватория майдонида улкан ёдгорлик ўрнатилиб, унда дунёда яшаб ўтган энг буюк астраномларнинг номларини олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишибди. Улар орасида Мирзо Улуғбек исмини учратмадим. Демак, Мирзо Улуғбекни Американинг илмий доиралари ҳам билишмайди. Сабаби маълум: мустамлакачилар узоқ йиллар давомида дунёни биздан, бизни дунёдан тўсиб қўйишган. Мустақиллик шарофати туфайли энди дунё кезиб, ўзимизни ўзимиз танитяпмиз. Бугун дунё Ўзбекистонга, Ўзбекистон дунёга кириб бормоқда. Голли-

вуд шаҳарчасининг марказий кўчасидан ўтиб борар эканмиз, тўсатдан автобусда чапаквозлик бошланди, шерикларим мени табриклашди. Ойнакдан боқиб, муҳташам иморатга кўзим тушди. Унинг пештоқида «Ўзбекистон, нодир ресторан» деган ёзувни ўқидим... Яқинда Бухоро яҳудийлари очган дейишди. Тошкентдан ошпаз йигитларни таклиф этишганмиш.

МУХБИР. Жамол ака, Америкага сафарингиз давомида мутлақо кутилмаган, ғалати воқеа-ҳодисаларга ҳам дуч келдингизми?

ЖАМОЛ КАМОЛ. Менимча, биз Туркистон болалари учун Американинг ўзи мутлақо кутилмаган, янги, ғалати дунё. Америка кўлами, Америка даражаси бизнинг тасаввуримизга сиғмайди. Дунё болаларининг афсона шаҳри Диснейленд таърифига тил ожиз. Майами яқинидаги денгиз аквариумини сайр этиб қойил қолдим. Делфинлар-ку делфинлар, баҳайбат китлар ҳам сувдан тикка кўтарилиб поп мусиқа садолари остида рақсга тушади... Вашингтондаги Коинот музейи таассуротлари ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Ойга, Марсга, Венерага учирилган афсонавий аппаратлар олдида болаларим билан суратга тушдим.

Яна бир ғалати гап. Бир куни Небраска хотин-қизлари вакиллари билан учрашув бўлди. Америкалик аёллар ўз муаммолари ҳақида сўзлаб, эркаклар бизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни топташяпти, деб дод-вой қилишди. Биз ҳам президент бўлишга, давлатни бошқаришга ҳақлимиз дейишди. Шерикларим уларни қўллаб-қувватлаб гапиришди. Мен эса жим туравердим. Ниҳоят, сўз навбати етганда жиндек шумлик қилдим.

– Мен бу ерда айтилган гапларга қўшилмайман, – дедим дабдурустдан. Ҳайрон бўлиб қолишди. – Биринчидан, Американинг расмий президенти Билл Клинтон эканини яхши биласизлар, аммо президентга ҳам сўзини ўтказа оладиган зот аёл киши Клинтон

хоним эканини наҳотки ўйламасангиз? Айтмоқчиманки, минг йиллар давомида дунёни эркаклармас, эркаклар орқали аёллар бошқариб келишади... Иккинчидан, муҳим психологик ҳолат бор. Эркак киши ҳамиша аёлга, аёл киши ҳамиша эркакка қайишади. Фараз қилинг: Туркия бош вазири Тансу Чиллар ёки Покистон бош вазири Беназир Бхутто хоним қабулхонасига бир эркак ва бир аёл кириб келди. Қайси бири аввал қабул қилинади? Албатта эркак киши. Агар сиз айтмоқчи, Америкада аёл киши президент этиб сайланса борми, эркакларнинг кунни туғади, эркаклар асри бошланади... Ё гапим нотўғрими?

– Тўғри, – дейишди хонималар беихтиёр. Шу билан баҳс-мунозара таққа тўхтади, мажлис тугади. Хотин-қизлар ҳаракати фаоллари келиб, мендан манзил сўраб, дастхат олишди...

Кечқурун қизим қўнғироқ қилганда шуларни айтиб мақтанмоқчи бўлиб, балога қолдим.

– Дада, америкаликлар – жуда самимий, очиққўнгил халқ. Сиз совет тарбиясини олгансиз, бироз муғомбирсиз, муғомбирлик қилиб бечора хотинларнинг бошини қотирибсиз. Бошқа такрорламанг, хўпми?

Хўп, тавба қилдим, бошқа қилмайман, деб аранг қутулдим. Албатта, америкаликларда ҳам ўзига хос муаммолар бор. Масалан, кексалар кўпайиб, туғилиш камайиб боряпти.

МУХБИР. Жамол ака, Сиз бир шеърингизда «Дунё – дарсхонадир, ҳаёт – муаллим, кўрган-билганларинг барчаси – сабоқ» деб ёзгансиз. Америка сабоқлари...

ЖАМОЛ КАМОЛ. Такрор айтаман, Америка жамияти – буюк дорилфунун. Бу дорилфунунда дарс ўқиганлар – ютади, ютқизмайди... Америкадан биз ўрганишимиз жоиз бўлган нарсалар беҳад, беҳисоб. Ҳаммасини бирйўла айтиш қийин. Айримлари устида тўхталаман, холос.

Бу мамлакатда инсон азиз, унинг ҳақ-ҳуқуқлари дахлсиз, инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этувчи қонун – муқаддас. Қонун олдида шоҳу гадо баробар...

Ҳар бир халқнинг Худо берган ўз ватани бор. Америкаликлар Худо берган ватанни шундоқ эъзлашадики, кўриб тасаннолар ўқийсиз. Сувлар тиниқ, ҳаволар беғубор, ҳамма нарса – табиат ҳам, жамият ҳам ювиб, тараб, ялтиратиб қўйилган. Худо берган ватанни қадрлашни, эъзлашни биз америкаликлардан ўргансак арзийди.

Америкада ҳамиша икки буюк қудрат ҳукмрон: ҳур фикр ва эркин ташаббус. Ана шу нарса ҳаммани оҳанрабодай ўзига тортиб туради. Бутун дунёнинг энг ғайратли, энг шижоатли, энг истеъдодли, учқур хаёлли, ёрқин фикрли, юксак орзу-армонли ёшлари парвонадек ҳамиша ана шу нурга талпинади. Улар Америка тупроғини ватан тутиб, қанот ёзишади, бири юз, юзи минг бўлади, мурод-мақсадига етади. Шу маънода Америка халқини – миллатлар миллати, дунёнинг гулдастаси, дейиш мумкин. Бу гулдастада дунё дарахтининг истаган бутоғидан гул бор, япроқ бор. Хуллас, ҳур фикр, эркин ташаббус жамият тараққиётининг икки қаноти эканини унутмайлик.

Мен Американи кезиб, америкаликларни қаддиқоматию ҳусни-тароватига синчиклаб разм солдим. Арслондек йигитлар, сарвқомат қизлар эртақлар, афсоналардамас, Америкада яшайди. Юзларидан қон томади, билакларидан куч ёғади. Бири-биридан дуркун, бири-биридан дилрабо...

Аёлига қараб эркаги, деган мақол бор инглизларда. Ўрни миллатни аёл туғади. Биз ўғилларимизни Алпомишдек бўлишини орзу қиламиз, қизларимизни муте, хокисор, эгилувчан, букилувчан қилиб ўстирамиз. Муте, ҳамиша бошини эгиб, қисиниб-қимтиниб, ҳамиша қўл қовуштириб турувчи қизлардан Алпомиш-

дек ўғиллар туғилмаслигини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Айтмоқчиманки, биз миллатимизни қаддини кўтармоқчи бўлсак, аввало аёлларимизнинг қаддини кўтаришимиз даркор, токи улар ҳам америкалик аёлларга ўхшаб қадди-қоматини ғоз тутиб юришсин, яшнаб-ярқираб туришсин.

Биласиз, дунёда «Америка жозибаси» деган гап бор. Менимча, бу жозоба аввало гўзал ва муҳташам аэропортлар, ойнадек сип-силлиқ кенг ва равон йўллар, роҳатижон меҳмонхоналар, меҳмонхона ҳужрасида туриб сизни дунёнинг истаган нуқтаси билан истаган дақиқада боғлай оладиган алоқа воситалари демакдир. Биз мамлакатимизга иш одамлари – бизнесменларни кўпроқ жалб этишни истар эканмиз, биринчи навбатда, ана шу жиҳатларга эътибор қаратмоғимиз даркор.

Американинг тараққиёти ҳақида ўйлаганимда бир фикр миямга келаверади. Америкаликлар ҳамиша асосий иш билан банд бўлишади. Умрини майда-чуйдаларга сарф этишмайди. Асосий ишни қойил қилиб, пул, маблағ топишади. Пул, маблағ бор экан, Америкада муаммо йўқ десам, муболаға қиляпти деб ўйланган. Бизчи, биз асосий иш билан қўлимиз текканда шуғулланамиз. Қачон қараманг, майда-чуйда юмушлару икир-чикир ташвишларга кўмилиб юрамиз. Шу тусфайли пул, маблағ масаласи чатоқ.

Инсоннинг камоли унинг табассумида акс этади, деган экан бир донишманд. Америкаликлар – очиқ чеҳра, сертабассум халқ. Қачон қараманг, кулиб гапиришади. Саволга ёқимтой қиёфага кириб, табассум ила жавоб бериш – доимий одат. Уларга қиёс этганда, биз анча кўполмиз. Расмият ва жиддиятни ҳаддидан оширамиз. Мен Америкада бир одам кўрслик, кўполлик қилиб иккинчи одамга озор берганини ёки бирор кишининг ичиб, маст бўлиб

кўча-кўйда тентираб юрганини кўрмадим. Кўчаларни сайр этаркансиз, олмахонлар гивирлаб, оёғингиз остида ўйнаб юришади, кабутарлар келиб елкангизга кўнишади. Қушлар ва ҳайвонлар одамлардан чўчимайди. Бу ҳам бир кўрсаткич, жамият иқлимидан далолат берувчи аломат.

МУХБИР. Жамол ака, ҳар гал Америка дейилганда кўз олдингизга келадиган илк манзара нима?


ЖАМОЛ КАМОЛ. Мовий океан, тоғ-тоғ бўлиб, тикка кўтарилиб, қирғоққа урилаётган оппоқ тўлқинлар... Биласизми, бир оқшом Санта Моникада Тинч океан соҳилига чиқиб, маҳлиё бўлиб туриб қолдим. Бир тўда болакайлар тўлқин орқага чекинганда унинг ортидан тушиб қувишади. Аммо лаҳза ўтмай, тўлқин таққа тўхтайтиди, тикка кўтарилиб, яна қирғоққа ташланади. Шунда болакайлар чуввос кўтариб орқага қочишади. Аммо тўлқин етиб келиб, уларни қирғоққа суриб ташлайди... Болалар қий-чувлашиб яна тўлқин ортидан югуришади...

Океан билан қувлашмачоқ ўйнаётган болалардан кўз узиб ён атрофга қарадим. Ёй шаклида чўзилган улкан соҳилда беҳад-беҳисоб чироқлар порлайди. Океаннинг ич-ичидан чиқиб келаётган оппоқ тўлқинлар ўша чироқларга талпиниб чарчамайди. Бир ёқда сув мўъжизаси бўлса, бир ёқда – нур мўъжизаси... Термилиб тўймайсан киши...

Мана, сафаримиз ҳам қариб қолди. Дунёнинг тўрт бурчагидан келиб, бир ой давомида менга қадрдон бўлиб қолган шерикларим билан хўшлашиб мезбонлар билан хайрлашдим, болаларимни яна бағримга босдим. Учоғимиз Вашингтондан кўтарилиб, ҳаш-паш дегунча океан устига чиқиб олди. Ойнакдан қарадим. Яна ўша ёй шаклида чўзилган улкан қирғоқ ва унда маржондек тизилиб, юлдуздек порлаётган беҳад-беҳисоб чироқлар. Кўп ўтмай уларни булутлар тўсиб қўй-

ди. Шунда мен ойнакдан кўз узиб, меҳрим кўзгусига боқдим ва не ажабки, ўша сеҳрли юлдузларга яна дуч келдим. Улар энди қалбимни тўлдириб, қалбимнинг тўрида чарақлаб туришибди. Америка чироқлари!..

Мурод АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
1995 йил 10 ноябрь



АЖДАҲОНИ ЖИЛОВЛАШ КЕРАК...

(Дунё вазиятига бир назар)

Бу гапларни айтишни биров мендан сўрамаган. Сўрамайди ҳам. Ҳозир биров бировдан фикр сўраши даргумон. Сўраганда ҳам ростини айтмайди. Гапни чалғитади. Ёлғиз ўзинимас, ўзгани ҳам аяйди. Шу рўпарамда ўлтирган одамга мен туфайли гап тегмасин, дейди... Аммо Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек, инсон ёлғиз ўзгалар биланмас, ўзи билан ҳам гаплашиб туради. Лекин буни бошқаларга билдирмайди. Мен ана шундай суҳбатлардан бирини бошқаларга билдиришга, яъни қоғозга туширишга аҳд қилдим. Қулай томони шундаки, бунда бировга жабр бўлмайди. Негаки, савол бергувчи ҳам, жавоб бергувчи ҳам ўзим.

Хуллас, менга кўриниб, бошқаларга кўринмайдиган суҳбатдош (уни мухбир деб атадим) каминага савол устига савол ёғдиради...

МУХБИР. Жамол ака, ёшингиз олтмишдан ошди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотдингиз. Умрнинг ана шу пиллапоясида туриб, кўпроқ нималар тўғрисида ўйлайсиз?

МЕН. Дунёни ўйлайман...

МУХБИР. Ёпирай!.. Дунёнинг ташвиши сизга қолди-ми? Дунё қаёқдаю сиз қайда? Бор-йўғи бир қаламкаш бўлсангиз... Ватанни улуғлаб, нозанинларнинг қошу кўзини мақтаб, шеърингизни ёзиб юравермайсизми? Дунёнинг устунлари бор, ўшалар ўйласин дунёни. Сизга нима?

МЕН. Ватанни ҳам улуғлайман, нозанинларнинг қошу кўзини ҳам мақтайман, дунёнинг ташвишини ҳам чекаман... Аллоҳ мени шундоқ яратган. Ўйламасам, сўйламасам, ким бўлдим? Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин... Эҳтимолки, эртадан кечгача тирикчилик

кўйида югуриб, тафаккур ва шуур завқидан маҳрум, унсиз, тилсиз мавжудот бўлиб юришим қай бир маънода қулайдир. Аммо начора, ўша югуриб, елганимда ҳам ўзимни, ўзимга қўшиб, дунёни ўйлайман. Чунки мен – шу дунёнинг бир бўлагиман. Наинки бир бўлаги, унинг жавҳариман. Дунёнинг тақдири – менинг тақдирим... Энди «дунёнинг устунлари» деган калимангизга келсак, бу унчаям аниқ-тиниқ ибора эмас.

МУХБИР. Дунёнинг устунлари, деганимки, ўша маълум ва машҳур давлат ва сиёсат арбоблари, бой-бадавлат кимсалар-да...

МЕН. Дунёни ўшалар бошқаради, деб ўйлайсизми?

МУХБИР. Албатта ўшалар. Ким бўларди бошқа?

МЕН. Янглишасиз. Дунёни улар бошқармайди. Улар бир қурол, восита холос. Дунёни фикр бошқаради. Шунчаки фикр эмас, умри башарият умрига тенг буюк бир ғоя. Наслдан-наслга суяк суриб келаётган ўлмас, илоҳий тушунча.

МУХБИР. Ўша ғоянинг исмини билсак, бўладими?

МЕН. Бўлади. Исми – ижтимоий адолат... Ҳамиша тарих ғилдирагини олға сурувчи куч. Инсоният доимо ижтимоий адолат истаб, ижтимоий адолат излаб яшайди. Одам Атодан тортиб то шу кунга қадар яшаб ўтган ва яшаб ўтаётган жумла авлодларнинг энг буюк матлаби, орзу-аъмоли, етакчи маслаги – мана шу. Барча пайғамбарлар, анбиёю авлиёлар, олиму алломалар ана шу меҳроб олдида бош эгишган. Инсоният тарихи – ижтимоий адолат учун кураш тарихидир. Бу курашда ақлу иймон раҳнамолик қилади.

МУХБИР. Унда душман ким бўлди?

МЕН. Душман – балойи нафс. Шайтон васвасаси туфайли инидан ўрмалаб чиқувчи аждаҳо. Инсоният дунёга келибдики, ана шу аждаҳо билан жанг қилиб яшайди. Гоҳ устун келади, гоҳ остин...Сиз айтмоқчи

«дунёнинг устунлари» ҳам ўз шахсиятларига кўра жабҳанинг ё у тарафида туришади, ё бу тарафида...

МУХБИР. Шошманг-чи нега балойи нафс? Ундан кўра, ҳайвоний нафс деб кўя қолса бўлмайдими?

МЕН. Йўқ, бу – шайтоний нафс. Балойи нафс ҳайвонга хос эмас, инсонга мансуб. Ҳайвоннинг қорни тўйса, кўзи тўяди. Шайтон васвасасига учган, очофат башарнинг қорни тўйса ҳам, кўзи тўймайди. Яна бўлса, дейди, яна ва яна... Ва бунинг ҳадди адосига етолмайди. Шунинг учун ҳам у йўлиққан дардни «балойи нафс» дейишади. Балойи нафс ақлу инсоф йўлини тўсади. Баъзан устун келиб, ижтимоий адолатнинг қўлини қайириб, гоҳо бир мамлакат саҳни, гоҳида дунё саҳнасида уни суриб ташламоқчи, дунёнинг жиловини қўлга олмоқчи бўлади. Кеча унинг номи «фашизм» эди, бугун «терроризм». Мақсад – инсонларга таҳдид, тазйиқ етказиб, юракларга қўрқув, ваҳима солиш. Мудлао – чексиз ҳокимият ва чексиз бойлик. Чексиз ҳокимият ва чексиз бойлик олдида ҳеч нарсанинг ва ҳеч кимсанинг зигирча қиймати ёки аҳамияти йўқ. Мана, балойи нафс нима дегани... У баъзида ажиб ўйинлар кўрсатади, турланиб, тусланади. Юзига ниқоб устига ниқоблар тортади. Қилмишини ҳар хил баҳоналар воситасида оқлашга, ёқлашга уринади. Баъзан бунга муваффақ ҳам бўлади. Балойи нафс кўпинча мустабидлик қиёфасида кўринади. Тарихга назар ташланг. Минг йиллар давомида юз минглаб, миллионлаб қўшинларини шарқдан ғарбга, шимолдан жанубга суриб, халқларни хонавайрон қилган куч ўша – балойи нафс эмасми? Сўнгги Бағдод халифасининг етти юзта хотини бўлгани солномаларда битилган. Турк султони Абдулҳамид Иккинчининг бир минг бир юзта хотини бўлган дейишади. Бухоро амири Саид Олимхоннинг ҳам хотинлари, канизаклари юздан кам бўлмаган.

Энди Абдулла Қодирий қаламга олган Худоёрхон ҳарами манзараларини кўз олдингизга келтиринг. Бир кишига – шунча хотин... Балойи нафс бўлмай, нима бу? «Мусулмонлар, нафсингизни тийинг!» деган илоҳий даъват қаёқда қолди? Пайғамбар алайҳиссалом нафсга қарши ҳар бандайи мўминга фарз қилгани, уни «жиҳоди акбар» деб атагани қаерда қолди? Ўзини ёлғиз давлатнингмас, дину диёнатнинг ҳам таянчи деб билган ҳукмдорларнинг иши шундоқ бўлса, фуқародан не гина? Буни ҳеч қандай «шаръий» ёки «қонуний» деган баҳоналар билан оқлаб бўлмайди. Бугун «двойной стандарт» дейишади буни, яъни сўз бошқаю амал бошқа.

Амир Темурнинг турли хотинларидан туғилган фарзандлари саксон йил давомида тахт-тож талашиб, бир-бирлари билан қирпичоқ бўлишди. Ака уканинг, ука аканинг бошини кесиб, кўзини ўйди. Салтанатнинг кули кўкка совурилди. Аммо сабоқ бўлмади, машъум одат давом этаверди. Ҳозир ҳам айрим мамлакатларда давом этиб турибди... Инсонийлик шаънига доғ эмасми бу? Собиқ диктатор Саддам Ҳусайн ихтиёрида ўнлаб ҳашаматли саройлар, унинг тўнғич ўғли бисотида бир минг икки юзта енгил автомобил бўлганини ёзишди. Қутуриш эмасми бу? «Дунё устунлари» ки ўз нафсларига шунча эрк беришаркан, уларнинг атрофидаги аёну амалдорларнинг иштаҳасини энди тасаввур этаверинг... Балойи нафснинг кўлами пастдан баландга томон кенгайиб, кучайиб боради. Оқибатини ҳам кўриб турибсиз. Бугун бирор тинч, осуда жой қолдимикин шу куррайи заминда. Оқшомлари телевизор экранига боқишга юрак йўқ. Ўт балоси, сув балоси, одам балоси, деганларидек...Тошқинлару бўронлар, зилзилаю вулқонлар, офат-фалокатлар, қирғин-қабоҳатлар, зулму зўравонликлар...Буларнинг чеки, адоси борми?

МУХБИР. Дунё нотинч демоқчимисиз? У қачон тинчиган? Дунё дунё бўптики, бошидан ташвиш аримайди. Ёки ўтмишда табиий офатлар, қирғин-қабоҳатлар бўлмаган дейсизми?

МЕН. Шубҳасиз, ўтмишда ҳам офат-фалокатлар бўлган. Аммо биз ўтмишдамас, ҳозирда яшаяпмиз. Инсоният карвони ўтмишдан бугунга келиб етгунга қадар не-не довларни ошиб ўтди. Изланди, машаққатлар чекди, тажрибалар тўплади, муайян якун, хулосаларга келди. Лекин, қани ўша ҳақиқатларга суянгани? Қани ўша тажрибаларга таянгани?

МУХБИР. Яъни, демоқчисизки...

МЕН. Балойи нафс бош кўтарган жойда ижтимоий адолат бузилади. Ижтимоий адолат мезони, ҳаётий мувозанат бузилган жойда эса офат-фалокатлар юз бериши муқаррар. Инсоният буни неча марталаб ўз бошидан кечирди, танасида синаб кўрди, маълум бир тўхташларга келди. Лекин сидқига вафо, илмига амал қилмаяпти инсон.

МУХБИР. Сизнингча бугун дунёни ларзага солаётган терроризм, Афғонистон фожиаси, Исроил-Фаластин қонли можароси, Чеченистон ваҳшати, Ироқ буҳрони, Нью-Йоркда, Москвада, Бесланда кечган мудҳиш воқеаларга сабаб...

МЕН. Ўша-ўша, ижтимоий адолат мезонининг бузилиши. Бировлар осмонга ирғишлаб, бошқалар тупроққа қоришаркан, шундоқ бўлиши муқаррар. Ҳамма жойда ва ҳар қандай шароитда инсоф бўлмоғи даркор. Инсоф – дини соф, деган машойихлар...

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарининг бешинчи китобида шундоқ бир ҳикоят бор. Биров пайғамбарлик даъво қилади. Уни судраб, подшо хузурига олиб боришади. Подшо унинг аҳволига боқиб, ачинади: озиб-тўзиб кетган, оёқда зўрға турибди... «Буни аввал ҳаммомга элтинг, кейин янги

кийимлар кийдириб, қорнини тўйғизинг. Бу кеча дам олсин, эртага гаплашамиз», дейди подшо мулозимларига. Эртаси кун «даъвогар» ни олиб келишади. Ҳаммомга тушган, янги кийимлар кийиб, чеҳраси ёришган, тўйиб овқатланиб, дам олиб, тиниққан, кайфияти яхши... Подшога унинг суҳбати маъқул тушади. «Эс-хушинг бутун, дуб-дуруст одам экансан-ку, – дейди ҳукмдор. – Нега эл орасига кириб, шовқин-сурон кўтариб, халойиққа кутқу солиб юрибсан? Ёки бирор ботмайдиган, номақбул таом еб қўйдингми?»

«Эй подшоҳи олам, – дейди ҳалиги киши, – арзигулик таомим бўлганда пайғамбарлик даъво қилиб, шовқин-сурон кўтариб юрармидим? Ҳамма бало шундаки, ейишга ноним йўқ, оч-юпунман, фақир, бенавоман...»

Деди: ноним бўлса, ғам ютгаймидим?

Мен – набий, деб можаро этгаймидим?

Мавлоно Жалолоддин Румий айтмоқчики, жаҳондаги барча фалокатларнинг боши, аввал ибтидоси – йўқсиллик, камбағалликдир. Эй ҳукмдорлар, халқнинг камбағаллашувига йўл қўйманг, бунинг оқибати ёмон бўлади, демоқчи Мавлоно. Яъни, очлик алаמידан пайғамбарлик даъво қилган кимса бошқа қабоҳатларга ҳам боради.

Тингла Аҳмаддин, бу ҳақда не демиш:

Йўқчиликнинг сўнги – кофирлик эмиш, –

дейди Мавлоно. Қиссадан чиқадиган ҳисса мана шу.

«Маснавийи маънавий» ўн тўққизинчи асрда етакчи Оврўпо тилларига таржима қилинди. Оврўполиклар буюк бобомизнинг ўғитларини дилларига жо қилиб, ўзларига дастуриламал қилиб олишди. Айтиш мумкинки, ўтган йигирманчи аср Фарбий Оврўпо ва Шимолий Америка мамлакатларида камбағалликка қарши кураш

шиори остида ўтди ва шу соҳада салмоқли ютуқларни қўлга киритишди. Ҳозир ҳам аҳолининг турмуш даражасини ҳушёрлик билан кузатиб туришади, халқнинг камбағаллашувига йўл қўйишмайди улар... Мусулмон мамлакатлари ҳукмдорлари эса қулоқларига пахта тиқиб олишди. Ҳали-ҳануз жиддий иш қилишганини эшитганимиз йўқ. Ҳолбуки дунёдаги қашшоқ, камбағалларнинг етмиш фоизини мусулмонлар ташкил этади. Савол туғилади: нега мусулмонлар қашшоқ бўлиши керак? Бу саволга баъзилар, бойлик ҳам Худодан, камбағаллик ҳам, дейишади. Тўғри, лекин Тангри таоло бутун бойликларнинг калити бўлмиш ақлу тафаккурни мусулмонларга ҳам бериб қўйибди-ку. Нега уни ишга солишмайди? Аслида камбағалликка сабаб ўша халқнинг бошида турган ҳукмдорларнинг нобоп, калтабин сиёсати эмасми? «Если мы такие умние, почему мы такие бедние?» деган нақл бор русларда. Дунёда ўзини боқолмайдиган халқ йўқ. Фақат халққа эрку имкон бериш даркор.

МУХБИР. Табиий офатлар-чи? Улар сўраб ўтиришмайди-ку...

Масалан, Африканинг бир қатор мамлакатларида кетма-кет қурғоқчилик бўлиб, халқ очлик азобини чекапти. Бунга ҳам ўша, сиз айтмоқчи, ижтимоий адолат мезонининг бузилиши сабабми?

МЕН. Бу ўринда ижтимоий адолатнинг бузилиши-мас, йўқлиги сабаб. Йўқ нарса бузилмайди.

МУХБИР. Табиий офатларнинг ижтимоий адолатга нима дахли бор?

МЕН. Улар бир-бирига дахлдор... Аввало юз бераётган офатларнинг кўпчилиги ҳалдан ортиқ фойда кетидан қувишнинг, табиатга зўрлик-зўравонлик ўтказишнинг хунук оқибати эканлиги бугун равшан-аён ҳақиқат. Яъни, ўша-ўша балойи нафс натижаси... Ке-

йин, ўйлаб қаранг, табиий офатлар ёлғиз Африкада эмас, Оврўпо мамлакатларида ҳам юз берапти. Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Венгрия, Польшада кучли бўронлар, даҳшатли сув тошқинлари турар жойларни емириб, экинзорларни ювиб кетди. Халқ хўжалигига катта зарар етказди. Лекин мазкур мамлакатларнинг халқлари очарчиликка дучор бўлишгани йўқ. Чунки уларнинг ҳаётида демократия, ижтимоий адолат ҳукмрон. Ижтимоий адолат борки, ижтимоий тараққиёт бор. Ижтимоий тараққиётга эришган халқлар учун эса табиий офатлар писанд эмас, вақтинчалик қийинчилик, холос. Аммо ночор, нотаваонлар учун у чинакам фожиа, оғир фалокат... Майли, каттакон, қудратли Германияни қўяйлик-да, шимолдаги кичик Финландияни ўша халқ оч қолаётган мамлакатлар билан бир қиёслаб кўрайлик. Финландиянинг иқлими совуқ, ери зах, ботқоқзор, деҳқончилик қилишга ноқулай, ўрмон ва денгиздан бўлак айтишга арзигулик табиий бойлиги йўқ. Аммо у ерда ижтимоий адолат борки, ҳамма нарса муҳайё. Турмуши тўкин-сочин... Африка мамлакатларида-чи? Иқлими иссиқ, экин-тикин қилишга қулай, ер ости, ер усти бойликлари беҳисоб, ғалла, пахта, пилла, кофе, нефть, олтин, уран, кумуш, мис, олмос, ширин-шакар мевалар... Хуллас, санаб, адоғига етолмайсан. Лекин адолат йўқлиги тўфайли ҳеч вақо йўқ. Йўқчилик, қашшоқлик урчиб бола очиб ётибди... Финландияда ҳукумат халққа хизмат қилади. Бояги мамлакатларда эса аксинча, халқ – ҳукуматга текин хизматкор, мардикор. Тўғри, уларда ҳам сиёсий партиялар, парламент, қонун, конституция, суд, прокуратура, матбуот ва ҳоказо, ва ҳоказолар мавжуд. Аммо улар шунчаки номига, ёлғондакам. Саноқда бор, амалда йўқ. Жонсиз, ҳаракатсиз суврат, бутафория... Бу ернинг амалдорлари ҳам фин амалдорларига ўхшаб бежирим костюмлар кийиб, гўзал галстуклар тақишади,



Ёзувчилар уюшмасида Мустақиллик байрами, 1993 йил.



Ҳиндистон. Патна шаҳри кутубхонасида
Мирзо Абдулқодир Бедил асарлари билан танишув.



Истанбул. Ватандошлар
ҳузурида, 1989 йил.

Туркия, Кўниё
шаҳри. Жамол Камол
Мавлоно Жалолiddин
Румийнинг зурриёди
профессор Чалабий
билан.



мерседесларда юришади, овқатни фақат қошиқдамас, вилка, пичоқда ейишади, ҳашаматли залларда, юмшоқ ўриндиқларда ўтириб, мажлислар қилишади. Кўпинча миллий тиллардамас, инглизча, французча гаплашишади. Аммо юракда халқ ғами, эзгулик, инсоф, адолат туйғуси бўлмагач, бу зоҳирий маданий аломатлар, бу ясама яроқ-юроқ замонавий савлату сумбатдан не фойда? Уларда Оврўпо тамаддуни – цивилизацияси ана шу нуқтага етганда тугайди, нарига ўтмайди. Чунки бундан нари суврат эмас, сийрат, шаклу шамойил эмас, моҳият, баёнот эмас, амалиёт, қоғоздаги қуруқ сўз эмас, амалдаги низом. Бир сўз билан айтганда, қонун ҳукмронлиги, қонун диктатураси... Мазкур мамлакатларнинг амалдорлари ана шунга чидашмайди. Ана шу нуқтада Оврўпо тараққиётига чап беради улар. Бизнинг миллий ўзига хослигимиз, зеҳниятимиз, менталитетимиз бор, қабилда баҳоналар тўқиб, амал-тақал қилишга ўтишади... Бунинг оқибати маълум: бир ёқда бўрсиқдек семириб кетаётган амалдорлар, иккинчи тарафда очликдан тинкаси қуриб, ҳолдан тойиб бораётган халқ... Энди ана шу бечора халқнинг устига табиий офат ҳам ёпирилса, унинг аҳволи қандай кечишини тасаввур қилинг... Бундай пайтда йўғон чўзилиб, ингичка узилади. Оврўполикларнинг беллари йўғон, бақувват, африкаликларнинг беллари эса ингичка, қилтириқ...

МУХБИР. Халқнинг шундай аянчли аҳволга тушиб қолишига ёлғиз унинг амалдорлари айбдор, деб ўйлайсизми?

МЕН. Йўқ, авваламбор халқнинг ўзи сабабчи. Отига яраша тушови, халқига яраша ҳукумати, дейишади. Шекспир ибораси билан айтганда, римликлар қўйдек ювош бўлмасайди, Цезар бўри бўлмасди. Демак, халқ ўзини ҳурматламайди, ўзини ҳурматламайдики, шундоқ номуносиб кимсаларни амалдор қилиб, бошида кўтариб юради. Ўзини ҳурмат қилмаганни ўзгалар оёқости

этади. Ҳаттоки ўзидан чиққани ҳам. Хўш, амалдорлар ким? Халқнинг ўзидан чиққани, ўз болалари эмасми? Уларки ўз халқи, ўз ота-онасини аямаса, бошқалар аярмиди? Афсуслар бўлсинким, ўша амалдорлар ўз халқини таҳқирлаш билан ўзининг инсонлик шаънини ҳам ерга ураётганини кўпинча ўйлаб кўришмайди. Ахир бошқалар узоқ-яқиндан қараб, кузатиб туришибди-ку... Бундайлардан маърифатли дунё ҳазар қилади. Масалага қайтиб, мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, ижтимоий адолатни қарор топтириш аввало халқнинг ўзига боғлиқ. Халқ билан ҳукумат орасидаги муносабатга боғлиқ. Аҳолиси оч қолаётган ўша Африка мамлакатларида халқ билан ҳукумат орасида мулоқот йўқ. У ерларда ҳар қандай амалдор – ярим подшо. Улар шикоят билан келганни хуш кўришмайди. Савол сўраганни ҳам, маслаҳат берганни ҳам бирдек ёмон кўришади. Халқни шилишади, халқдан талаб қилишади, аммо унинг арзу додига қулоқ солишмайди. Ҳамма бало шунда. Ҳолбуки аксинча бўлиши керак эди. Саид Муҳаммад Ҳотамийнинг Москвада босилган бир китобини варақлаб, шундай мулоҳазага дуч келдим: халқ ўз-ўзига ҳар куни юзлаб саволлар бериши ва ўша саволларга жавоблар излаши даркор. Ўшанда миллатнинг бор ақлий қувватлари ишга тушади ва бу жараён тараққиётга йўл очади. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деб бежиз айтишмаган... Агар ҳамжиҳатлик бўлмаса, дунёнинг ишлари чатоқ.

МУХБИР. Чатоқ бўлмаган пайти ҳам бўлганми?

МЕН. Аждаҳони жиловлаш керак...

МУХБИР. Қайси аждаҳони?

МЕН. Тангри таоло ҳар бир бандасига озми-кўпми ақл ва ақлга қўшиб нафс ҳам беради. Бировлар нафснинг бошига уриб, инсофга келтирса, бошқалар силаб-сийпаб, аждаҳога айлантиради... Кўриб турибсиз, қандай қилиб бўлмасин, бойиш ҳирси, лаънати

шайтон васвасаси ҳамма ёқни чирмаб олди. Ўғрилиқ, порахўрлик, танфурушлиқ, юлғичлик уят-маломат бўлмай қолди. Инсонларни қул қилиб сотишгача бориб етишди. Ҳозир Бразилияда йигирма тўққиз мингдан ортиқ расмана қул бор, дейишади. Мамлакат президенти қулчиликни тақиқлаб, махсус фармон чиқазишга мажбур бўлди... Мавлоно Румий дейдиларки:

*Берма эрк, нафсингга этгил қаршилиқ,
Ул ёмондин ким кўрибдир яхшилиқ?*

Кўйиб беришган эди, инидан ўрмалаб чиқди аждаҳо...
Эрта-индин дунёни ямлаб ютмасайди, деб кўрқаман.

МУХБИР. Келинг энди, дунёни кўяйлик-да, ўзимизга қайтайлик. Ўзимизда нима гаплар?

МЕН. Ўзимизда бўлаётган гапларга менинг ақлим етмайди.

МУХБИР. Ана холос!.. Ўз уйингизда угра кесолмайсизу бировнинг уйида чучвара тугасизми? Ундоқ эса, тинч кўйинг дунёни. Бугун адашаётган бўлса, эртага йўлини топиб олар.

МЕН. Йўқ, демоқчиманки, Ўзбекистон дунёнинг бир бўлаги... Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр... Дунёда адолат бўлсайди, бизда машаққат бўлмасди.

МУХБИР. Ҳа, эчкига жон қайғуси, қассобга ёғ... Сизга ўхшаганлар ўйламаса, ким ҳам ўйларди шу дунёни? Келинг, шу айтилган гапларнинг давоми ўлароқ, яна бир савол. Дунёда табиий мувозанатнинг бузилишига, тушкун бир вазиятнинг юзага келишига кимлар сабабчи деб ўйлайсиз?

МЕН. Бир китобда ўқиганман. Қадимда бирор мамлакатда зулму зўравонлик кучайиб, адолатсизлик авжига чиқса, бунда биринчи галда подшо ва унинг амалдорлари эмас, дарвешлар сабабчи деб билишаркан:

*Агар табоҳ шавад мамлакат, зи шоҳ маранж,
Ки назди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвеш аст...*

Ушанда ўқиб, тушунмаганман. Нега қилғиликни подшо ва унинг амалдорлари қилади-ю, дарвешлар айбдор бўлади? Энди тушуниб турибман. Инсоният яратилибдики, ҳар бир жамият доирасида ҳукмрон доиралар ва тобе табақалар мавжудлиги кўзга ташланади. Жамият ҳаёти уларнинг ўзаро муносабати, тотувлиги, мураса-мадора мезонига боғлиқ. Ана шу мувозанатни кузатиб, ҳақ гапни айтиб турувчи ижтимоий куч ҳамиша «дарвешлар», яъни, етук руҳонийлар, дину диёнат арбоблари, уламою фузалолар бўлишган.

Совет даврида дину диёнатнинг йўли тўсилиб, руҳонийлар қатағонга учрагач, ҳалиги тарозибонлик миссияси илғор дунёвий зиёлилар, олиму ёзувчилар зиммасига тушди. Йиллар давомида инсофсизларга «Ҳой, ҳаддингдан ошма!.. Ўғри бўлсанг ҳам инсоф билан бўл!» деган гапни ўшалар айтишди. Виждон кўнғироғини ўшалар чалиб туришди. Бу борада рус зиёлилари айниқса ибрат кўрсатишди. Совет Иттифоқи тугагач, вазият ўзгарди. Зиёлилари қўлни-қўлга бериб аҳил, иноқ ҳаракат этолган жумҳуриятларда улар ногаҳон бош кўтарган балойи нафснинг сиқуви ва хуружига бардош бериб, обрў, эътибор ва нуфузларини ҳар ҳолда сақлаб қолишди. Зиёлилари ноаҳил, пароканда минтақаларда аҳвол аянчли тус олди. Зўравонлик қанчалар ҳаддидан ошмасин, жабрдийдалардан садо чиқмайди. Сабабки, «Тўхта! Нима қилаяпсан?» деб ўртага тушадиганлар, мазлумларнинг ёнини оладиганлар энди йўқ. «Дарвешлар» майдонни тарк этишган. Тамагирликлари туфайли бўлиниб, ноаҳилликлари туфайли тарқалиб, ин-инларига кириб кетишган... Хуллас, дуёнинг бугунги тушкун аҳволига зиёлилар айбдор.

МУХБИР. *Хўш, вазиятни энди ким ўнглайди?*

МЕН. Дунёда шарқ маънавияти эришган юксак бир нуқта бор. Бу дунё бир болакайнинг бир томчи кўз ёшига арзимаёди, дейди ҳукамоларимиз... Ана шу юксакликдан туриб қаралса, бугун дунё талашаётганларнинг, ҳар лаҳза кўрқув ва ҳаяжон ичра кўкка кўз тикиб турган болажонларнинг бошига бомба, ракеталар ёғдираётганлар ёки уларга қараб ўқ узаётганлар, ёки балойи нафсга берилиб, миллион-миллион болакайларнинг нонини туя қилаётганларнинг маънавий тубанлиги, машъум қабоҳати бор даҳшати ила аён бўлади-қўяди.

Сенинг чексиз бойликларинг, мислсиз куч-қудратинг бўлиши мумкин. Аммо юрагингда инсонларга нисбатан инсоний меҳру шафқат йўқ экан, сен одам эмас, одам қиёфасидаги махлуқсан, деган аччиқ ҳақиқатни уларга зиёлилар айтмаса, ким айтади? Зўравонларнинг йўли тўсилмас экан, бунинг оқибати янада ёмон бўлиши турган гап. Бу – жаҳон бўйлаб янги қабоҳатларга йўл очик, деган бир ишорат бўлади.

Дехқон даласи, ишчи дастгоҳи, савдогар савдоси билан машғул. Балойи нафсни ортга суриб, маънавиятни машъал қилиб, дунёни қабоҳат чўнқиридан, маънавий таназулдан олиб чиқиш – зиёлиларнинг бурчи, вазифаси. Аҳволни дунё миқёсида фақат зиёлилар ўнглаши мумкин. Зеро, ҳамиша ҳақиқатни айтиб, адолат тарозисига ҳушёр, кўз-қулоқ бўлиб туришни Тангри таоло уларнинг зиммасига юклаган.

МУХБИР.

Ҳамма нарса меникидир, деди зар,

Ҳамма нарса меники, деди ханжар.

Зар дедики, барин сотиб оламан,

Ханжар деди: барин тортиб оламан...

Буюк рус шоири Александр Пушкин талқин этган зар ва ханжар мунозараси бугун маълум даражада ниҳоясига етди, десам, хато бўлмас. Гап шундаки, улар бугун қўлни қўлга беришди. Зари борнинг ханжари, ханжари борнинг зари бор. Ана шу бирлашган куч дунёни ётқизиб, турғизяпти. Иймон ва тафаккур довдираб қолди, уларнинг қўлини қайиришга ожиздек.

МЕН. Бу – вақтинчалик гап. Негаким, зар ва ханжар – инсоний куч рамзи, иймон ва тафаккур – илоҳий қудрат тимсоли. Илоҳий қудрат муқаррарки, инсон яратган, бироқ шайтоний табиат касб этган зар ва ханжарнинг қўлини қайириб, бугун бўлмаса, эртага уларнинг ҳаракатига чек қўяди, инсониятни зулматдан зиёга етаклайди. Иймон ва тафаккур инсониятни неча марталаб зар ва ханжар зўравонлигидан халос этган. Бунга жумла динларнинг тарихи шоҳид.

Демократия, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқи, чинакам ижтимоий адолат каби юксак тушунчаларнинг дунё бўйлаб қулоч ёзиб бораётгани бунга далил. Шундоқ экан, умидсизликка асос йўқ. Иймон ва тафаккур албатта ғалаба қозонади.

2008 йил, август



ЕТУК ЖАМИЯТ ОРЗУСИ

Ақл-хуши бутун бўлган ҳар битта инсон эртанги кунини ўйлайди. Эртасини ўйламаган авлод ҳалокатга дучор бўлиши муқаррар. Баски, шундоқ экан, ўйлашга масъулмиз, келажакни ўйламасдан иложимиз йўқ.

Ҳозир ҳамма ўйлайди. Эртага аҳволимиз нима кечадди? Иқтисод ўнпланармикин? Ҳаётда қонун устуворлиги таъминланармикин? Маърифатнинг, маънавиятнинг сўлғин чехрасига нур, тароват югурармикин? Яхши турмуш эпкиnlари кўксимизга уфурармикин? – деган саволлар бутун кўпчиликнинг бошини банд этиб турибди, десам, янглишмасам керак.

Юртимизда мустақиллик қарор топганига кам эмас, ўн икки йил тўлди. Мансаб истаганлар мансабга, бойлик истаганлар бойликка эришди. Кимларгадир олий унвонлар, кимларгадир юксак мукофотлар насиб этди. Майли, булар ўз йўлига. Энг муҳими – миллий мустақил давлатимиз қўрғони қад кўтарди. Бу – буюк тарихий воқеа. Аммо шу давр, ана шу тарихий воқеа асносида халқ ҳаётида нималар юз берди? Жамият замирида қандай эврилишлар, силкинишлар содир бўлди? Гап, мулоҳаза ана шу хусусда.

Бор ҳақиқат шуки, жамият ҳаётига капитализм кириб келди. Капитализм билан ишсизлик, қашшоқлик, тамагирлик, порахўрлик, одамфурушлик, танфурушлик каби турли иллат ва қабохатлар ҳам кириб келди. Энди савол туғилиши табиий: бу ёғи нима бўлади? Шундоқ давом этаверадими? Кунларимиз тирикчилик ташвишига ботиб, умримиз, қандоқ бўлмасин, пул-маблағ топиш, имкон қадар мол-давлат ортидан қувиш билан ўтаверадими? Мол-давлатга етганлар бор, етмаганлар бор. Етганлар юз бўлса, етмаганлар – миллион. Ўша миллионлар нима қилсин энди? Тақдирини қарғишлаб, тупроққа қоришиб юраверсинми? Унда

инсонлигимиз қаёқда қолади? Ақлу заковат, инсофу адолат деган тушунчалар қаёқда қолади? Мамлакат дегани – бамисоли бир оила. Оиланинг рўзгорини бутлаш, маишатини ўнглаш, турмушини яхшилаш шу хонадон аъзоларининг бурчи, вазифаси эмасми? Келинг, шу ҳақда ўйлашиб кўрайлик.

Биз коммунизм ғоясидан воз кечдик. Нақадар гўзал, мафтункор бўлмасин, уни хаёл, утопия деб атадик. Капитализмга юз бурдик. Бугун унинг мазасини татиб, гаштини суриб юрибмиз. Демократия, инсон ҳуқуқлари, деган шиорлар қанчалар жозибали жарангламасин, кўзимиз бор, дунё амалиётини кўриб турибмиз. Пул, сармоя, хусусий манфаат ҳукмрон бўлган минтақаларда бировлар бойиб, кўкка ирғишласа, бутун бошлиқ табақалар қашшоқлик гирдобига тушиб, тупроққа қоришяпти. Хуллас, капитализмнинг аёвсиз важоҳати кўзимиз ўнгида турланиб, тусланиб турибди. Бундай шароитда одам одамга бўри бўлиши мумкинлигига биз ҳам иймон келтирдик... Хўш, бу жараённинг охири борми? Бу машмаша қачон тугайди? Ҳаёт узлуксиз кўлқари эмаски, улоқни олганлар дармонда, олмаганлар армонда бўлиб қолаверса... Масаланинг илдизига етиш учун саволни энди кўндаланг қўйишга тўғри келади: биз нима истаймиз ўзи? Бизга нима етишмаяпти? Ўн йиллар давомида мустақиллик бўлсин, деб жаврадик. Мана, мустақиллик бўлди. Яна нима керак?

Биз коммунизм қуролмасак-да, социализм афзалликларидан баҳраманд бўлган халқмиз. Бу борада муайян тарихий тажрибамиз бор. Социализм – моҳият эътибори билан ижтимоий адолат дегани. Нафсиламрини айтганда, бизга ҳозир ўша, ўзимизга таниш бўлган ижтимоий адолат етишмаяпти. Тамом, вассалом, бор гап шу.

Сезиб турибман, бу сатрларни ўқиган баъзи бировлар дод-вой кўтариши муқаррар. Фалончини қаранг,

совет даврини қўмсаёпти... Сталин даври қатағонларини унутган шекилли... ва ҳоказо, ва ҳоказолар.

Йўқ, азизлар, совет даврини қўмсаётганим. Сталин даври ваҳшатларини унутганим ҳам йўқ. Менинг отам ўша қатағонларнинг қурбони бўлган. Сталин қонхўрлик қилган бўлса, бунга социализм ғояси айбдор эмас, Сталиннинг ўзи, унинг чексиз-чегарасиз худбинлиги айбдор. Келинг, ҳақиқатнинг юзига тик қарайлик, тан-ти туриб, тан олайлик: биз бугун «ёмон» деб атаётган ўша совет даври, қинғир-қийшиқ қилиб қурилган ўша социализм шароитида бугун урчиб, газак олиб кетаётган иллатлар – ишсизлик, одамфурушликдан асар ҳам йўқ эди. Юлғичлик, олғирлик, порахўрлик бу қадар илдиз отмаган, амалдорлар мол-бисот тўплашга бу қадар мук-касидан кетмаган эди. Хотин-қизларнинг мардикорликка чиқиши, зиёлиларнинг бозорларда юриб, сигарета сотиши каби ҳолатлар етти ухлаб, тушимизга ҳам кирмаган ўшанда. Зеро, бу нарсалар имконсиз, воқеликдан ҳам, тасаввурдан ҳам йироқ эди. Чунки давлат сиёсатида ижтимоий адолат устувор, яъни ҳеч кимса ҳаддан ташқари семириб, ёрилиб ҳам кетмайди ва ҳеч кимса оч-яланғоч қолиб, тириклайин тупроққа ҳам кирмайди, деган принцип ҳукм сурар эди. Жамият ҳаётида мезон, мувозанат, эртанги кунга ишонч бор эди. Мен социализм афзалликлари деганда биринчи галда ана шу жиҳатни кўзда тутаяпман. Мазкур принцип шароитида фақат биз яшамадик. Ҳозир ҳам яшаётганлар, яшаб турганлар бор. Скандинавия мамлакатлари халқлари бугун чинакам социализм – ижтимоий адолат муҳитида яшаяптилар, десам, хато бўлмас. У ерда бой-бадавлатлар бор, аммо бойиқиб, осмонга сакраганлар йўқ. Уртаҳоллар бор, аммо бизнинг тушунчамиздаги фақир-фуқаролар, йўқсил-бенаволар йўқ. Давлат бу нарсаларни қаттиқ назорат қилади. Мувозанатни сақлайди. Тарози бир палласининг кескин кўтарилиб, иккинчи палласининг босиб кетишига

йўл қўймайди. Қўлида газ чўпи бор, балойи нафснинг бошига тушириб, унинг ҳалди – чегарасини кўрсатиб, хатти-ҳаракатларини тергаб, тузатиб туради. Мана, сизга замонавий дунё тажрибаси.

Финландияга бағишлаб берилган бир телекўрсатувда кўриб қолдим: мамлакат президенти ўрмон чеккасидаги дала ҳовлисида ўзи тараша ёриб, ўтин саржин қиляпти. Президент хоним эса товуқларга дон сочиш билан машғул... Бу ниманинг аломати? Мазкур мамлакатларда амалдорга подшо деб қарашмайди. Фуқаролар ичида эътиборли бир фуқаро, инсонлар ичида етук бир инсон деб қарашади. Инсоннинг қадру қиймати эса ҳеч қачон ерга урилмайди. Инсонларнинг шаъни, қадру қийматини ерга урмайдиган, аксинча, уни муҳофаза этадиган бундоқ жамиятни чинакам етук, баркамол жамият, деса, арзийди. Зотан, унда социализм афзалликлари капитализм имкониятлари билан туташиб, уйғунлашиб кетади. Бир томондан, хусусий мулкчилик, эркин тадбиркорлик, бозор иқтисодига суяниш бўлса, иккинчи ёқдан, жамият устидан давлат назорати, яъни, мувозанатни тутиб, халқнинг камбағаллашиб кетишига йўл қўймаслик сиёсати. Шу йўсинда фуқаролараро ҳурмат-эҳтиром, меҳр-андиша муносабатлари қарор топади ва шу асосда ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аяйдиган, иззат-эҳтиром қиладиган адолатли жамият кўрғони ростланиб, муътадил бир иқлим юзага келади. Хуллас, бизга ҳар тарафга қараб ўйноқлайдиган ва ўз йўлида учраган ҳамма нарсани босиб-янчиб ўтадиган ёввойи, яйдоқ капитализм эмас, балки жиловланиб, эгар- жабдуқ урилиб, устига ижтимоий адолат миниб олган хусусий мулкчилик керак. Гапнинг индаллоси мана шу.

Уқувчида биз орзу қилаётган ўша юксак манзил, етук жамиятга етиш учун нималар қилиш даркор, деган савол туғилиши табиий. Маълумки порани халқ

эмас, амалдорлар олади. Демакки, жамиятни халқ эмас, амалдорлар бузади. Тараққиётга тўғаноқ бўлаётганлар ҳам ўшалар. Шундоқ экан, ишни биринчи галда амалдорларнинг статуси – мақомини қайта кўриб чиқишдан бошламоқ лозим. Шундоқ қилиш керакки, президентдан тортиб маҳалла оқсоқолигача, катта-кичик барча ҳоким ва амалдорлар халқ томонидан эркин, демократик сайловлар воситасида сайлаб қўйилсин ва улар халқ олдида ҳар йили ҳисоб беришсин. Халқ истаган амалдорга истаган савол ила мурожаат қилиб, жавоб ола билсин. Шунда амалдор тоифаси нукул тепада ўлтирганларнинг кўзига тикилавермай, халқнинг кўзига ҳам боқишга мажбур бўлади. Унинг дардларига дармон бўлишга интилади. Бугунги Россия тажрибаси, Оврўпо давлатлари тартиботи буни яққол кўрсатиб турибди. Наинки ғарб, қатор Шарқ мамлакатларида ҳам ана шу тартиботга амал қилишади.

Иккинчи галдаги чора – матбуот эркинлигини таъминлаш. Матбуот назари – халқ назари. Халқ ҳукуматни ҳам, парламентни ҳам, ўз ҳаётини ҳам матбуот орқали назорат қилади. Бинобарин, матбуотни чеклаш – халқ назоратини чеклаш демакдир. Бу амалиётдан кечиш керак. Шу муносабат билан матбуотга хавфсираб, ҳадиксираб қарайдиган баъзи бир акаларимиз, укаларимизга айтадиган гапим бор. Ошинг ҳалол бўлса, кўчанинг бошида ич, деганлар. Ошингиз ҳалол экан, бунга ишончингиз комил экан, нега матбуотдан кўрқасиз? Матбуот – минбар. Чиқинг, сиз ҳам сўзингизни айтинг. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини халқ ўзи ажратиб олади.

Албатта, етук жамият йўлидаги энг муҳим қадам – ҳаётда қонун устуворлигига эришиш. Жаҳон тажрибасидан маълумки, мухолифатсиз демократия йўқ. Бу – икки карра икки тўртдек аён ҳақиқат. Замирида буюк ҳикмат бор. Ҳикмат шуки, то мухолиф

партияларга йўл, парламентга кенг ваколатлар берилмас экан, қонун деганимиз чинакам қонун мақомига кўтарила олмайди. Қонун қоғоздан ҳаётга, яъни, амалиётга кўчмас экан, жамиятнинг йўли, мамлакатнинг истиқболи ёришмайди. Бу – дунё тажрибасининг хулосаси... Бир калладан икки калла, икки калладан ўн калла афзал, деб шунга айтишади. Ўн калла – ўн хил нуқтаи назар дегани. Ўн хил нуқтаи назар ичидан энг яхшиси, энг муқобилини танлаб олиш имкониятига эга бўлсак, бунинг нимаси ёмон? Мухолифат бу – душман дегани эмас, параллел, муқобил куч, муқобил нуқтаи назар демакдир. У сизнинг фикру андишангиз, хатти-ҳаракатингиз, қилган ва қилмоқчи бўлган ишларингиз, борингки, ҳар бир қадамингизни ақл тарозисида тортиб, танқидий назардан ўтказиб туради. Муаммоларни ечишнинг ўзгача йўл-йўриқларини ўртага ташлайди. Шу йўсинда жамият тараққиётини олға суришга кўмакчи бўлади. Совет тузуми нега емирилди? Мухолифатга йўл берилмагани учун. Демократия – узлуксиз ислоҳот, босқичма-босқич, тадрижий тараққиёт дегани. Буни мухолифатсиз амалга ошириб бўлмайди.

Яқин-яқинларгача Польша шарқий Оврўпонинг қоқ бир мамлакати саналарди. Айрим кўрсаткичлар бўйича биздан ҳам орқада эди. Кейинги ўн йил ичида иқтисоди гуркираб, ўсиб кетди. Ҳозир йиллик даромади аҳоли жон бошига тақсимланганда беш минг долларни ташкил этади. Дунё тажрибасидан ўрганиш даркор. Ўнлаб мамлакатларимизда элчихоналаримиз бор. Уларни ишга солиш зарур. Токи турли мамлакатларнинг тараққиёт сирларини ўрганишсин.

Камбағаллик – халқнинг қадр қийматини ерга урувчи иллат, инсоннинг инсонлигини таҳқир этувчи маломат. Камбағаллик – дунёдаги барча офат-фалокатларнинг сабабчиси, сарчашмаси. Камбағалликка

қарши курашнинг давлат дастурини тузиш ва зудлик билан амалий чоралар кўришга киришмоқ лозим. Еримиз бой, юртимиз табиати саховатли, халқимиз шундоқ меҳнаткаш экан, камбағал бўлиб яшаш бизга ярашмайди. Камбағалликка қарши ўт очайлик. Йўқолсин камбағаллик!..

Бир миллиард уч юз миллионли Хитой қашшоқлик, камбағалликдан қутулиб, тўқ, бадастир ҳаёт кечирмоқда. Халқ турмушини ўртача бойлар ҳаёти даражасига кўтариш учун курашмоқда. Ана шу тажрибадан ибрат олайлик. Шунга эришмоқ лозимки, халқнинг дастурхонида ҳамиша егулик нони, устида кийими, қўлида китоби бўлсин. Турмуш даражасининг кўтарилиб, пасайиб туришига мувофиқ озиқ-овқат, кийим-кечак деганларимиз балки бир қадар кўпайиб, камайиб турар. Аммо бу нарса китобни четлаб ўтмоғи даркор. Китоб – ақлнинг чироғи... Бас, шундоқ экан, халқнинг уйдан китоб аримасин ва у ҳар қандай шароит остида ҳам китобхон, китобсевар бўлиб қолаверсин. Бугун дунёда ана шундай дастур ва шарт-шароитлар муҳитида яшаётган халқлар оз эмас.

Олтмиш-етмиш йиллик ўртача умр «ҳой-ҳуй» дегунча ўтади-кетади. Истаймизми, истамаймизми, эртага ҳисоб беришга тўғри келади. Бошқалардан кам бўлсак, авлодлар бизни кечирмайди. Келинлар, азизлар, шу ҳақда ўйлашиб кўрайлик. Фурсатни қўлдан бой бермайлик. Етук жамият қуришга бел боғлайлик. Кўкда Аллоҳ, ерда шу ватан, шу халқдан бўлак суянчимиз, таянчимиз йўқ. Халқимизни бошқалардан кам қилиб, камбағал қилиб, ўкситиб қўймайлик.

2003 йил, сентябрь

СЕВАЙЛИК, ЎРГАНАЙЛИК

«Ўзбекистон маданияти» ижодкор ва ҳаёт мавзуида баҳс очиб, хайрли иш қилди. Баъзилар баҳсдан чўчишади. Гўё баҳс билан якдилликка, ҳамжиҳатликка зиён етадигандай. Аслида бундай эмас. Баҳс бор жойда фикр бор, фикр бор жойда – ҳаёт бор, интилиш бор. Менга қолса, «Баҳс» деган газета бўлса ёки мавжуд газеталарнинг махсус бир саҳифасини баҳс-мунозарага доимий бағишлаб қўйилса, қандай маъқул иш бўларди. Ахир ҳаётимиз ва жамиятимизда, адабиётимиз ва санъатимизда баҳс қилса арзигулик масалалар озми?

Аруз устида баҳс бўлаяпти. Тўғриси, яна аруз ҳақида баҳс қилишаяпти!.. Эркин Воҳидов гапнинг сирасини айтди. Лекин қониқишмаяпти. Сўзни айлантириб келиб, аруз бугуннинг хизматига ярайдими-ярамайдими, деган фикрга тақашаяпти. Ҳолбуки, масалани шундоқ қўйишнинг ўзи ножоиз. Ахир аруз – санъат, минг йиллик санъат. Минг йиллик санъатнинг эса яхши-ёмони бўлмайди. Яна ўша аруз қиёфасида не-не асрлар оша тўкилмай-сочилмай, бизгача омон-эсон етиб келган экан, демак, у хизматга яраяпти. Яраяптики – яшаяпти, яшаяптики – яраяпти. Бунда ўртача бир йўл йўқ. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

«Хўш, у хизматга қанчалик яраяпти?» Яна айтманки, саволни бундоқ қўйиш инсофдан эмас. Аруз хизматга қанчалик қодирлигини аллақачон кўрсатиб қўйган. Уни хизматга буюриш энди бизга қолган. Уни хизматга буюришга биз қанчалик яраяпмиз? Менимча, масалани бундоқ қўйиш керак... Шеъриятимиздаги уч вазн мусиқамиздаги уч асбобга ўхшаб кетади: бармоқ вазни – чилдирмага, аруз – рубобга, сарбаст – аккордеонга. Тарихий келиб чиқиши, ўзига хос табиати, содда-мураккаблиги билан ҳам улар шундоқ

ўхшаб тушади. Бармоқ вазни олдинроқ пайдо бўлган, дейишади, менимча, чилдирма ҳам. Негаки, уни яшаш ўнғай: битта гардиш, битта эчки териси, бир ҳовуч ҳалқа – чилдирма-да! Бармоқда ёзиш енгил кўринади, чилдирма чалиш ҳам бир қарашда оппа-осон... Рубоб ундан мураккаброқ, аруз ҳам бармоққа нисбатан мураккаброқ. Рубобнинг паст-баланд пардалари бор, арузда ҳам нозик ҳаволар бир талай. Сал адашса, садо сакта чиқади... Сарбаст бизга Европадан келган аккордеон ҳам. Мен баъзи бировлар, давр руҳини аруз яхшироқ ифодалайдими, бармоқми ёки сарбастми, деб масала талашганларида, шундай савол бергим келади: хўш, айтингчи, мусиқада давр руҳини қайси чолғу асбоби яхшироқ ифодалайди – чилдирмами, рубобми, аккордеонми?.. Менимча, давр руҳини улар баб-баравар ифодалайди, ҳар қайсиси ўзича, яъни, чилдирма чилдирма бўлиб, рубоб рубоб бўлиб, аккордеон аккордеон бўлиб ифодалайди, аниқроғи, улар ўзаро жўр бўлганда, бир оҳангга уюшиб, ансамбль бўлиб уюшганда, ўша руҳни яхшироқ ифодалайди. Шеъриятда ҳам шундай. Вазнлараро остин ёки устун деган гап йўқ. Улар давр руҳини ҳар қайсиси ўзича ифодалайди, учалови қўшилиб, ўзбек шеъриятининг ягона ансамблини юзага чиқаради. Бири тугатганда, бошқаси бошлайди, бошқаси тинганда, ўзгаси олиб кетади, давр руҳи уларнинг муштарак садоларидан тўхтовсиз таралиб туради... Келинг, энди шу ташбеҳни давом эттириб, сўрайлик: айрим созандалар кўнгилдагидек чертолмаётган экан, бунинг учун созни айблаш ёки уни уриб синдириш керакми? Сезиб турибман, дарров эътироз қилишади: ким арузни синдирмоқчи бўлаяпти? Тухмат, биз ундоқ демоқчи эмасмиз ва ҳоказолар...

Аммо ҳамма нарса мантиқий давомланади, шу жумладан, баҳс-мунозара ҳам. Бугун арузни озми-кўпми

айбланаётган экан, эртага ким билади... Бундан олдин ҳам арузнинг бошида неча бор ёнғоқ чақилган.

Фикримизни давом эттирамиз: созанда нуноқ бўлса, созда нима айб? Уни айблаш эмас, ўрганиш керак, ўзи яхши чалолмай, унга маломат орттираётганларни эса танқидчилик тиғи билан таъзирини бериш керак. Тўмтоқ ғазал ёзиб, уни радиога амал-тақал билан хиргойи қилдириб, одамларнинг таъбини хира қилаётганлар йўқми? Ғазалнинг обрўсини тушираётганлар йўқми?

Умарали Норматов бармоқ вазнининг имконияти кенг, арузнинг имконияти эса тор, дегандай бўлди. Такрор айтаманки, масалани бундоқ қўйиб бўлмайди. Негаки, вазннинг имконияти деган гап – нисбий гап. У кўпинча шоирга боғлиқ нарса. «Эрни эр қилган хотин, қаро ер қилган хотин» деганларидек, арузни аруз қиладиган ҳам шоир, уни қаро ер қиладиган ҳам шоир. Қаловини топса, қор ёнади... Агар арузнинг имконияти ҳақида конкрет гапирадиган бўлсак, Навоий ва Бедил учун унинг имкониятлари уммондек чексиз эди, аммо бизнинг бугунги айрим шоирларимиз учун у ангишвонадан ҳам тор бўлиб қолди. Гапнинг сирасини айтганда, арузнинг имкониятлари адабиётимизнинг минг йиллик тарихи давомида қайта-қайта намойиш этилган. Лекин бармоқ вазнининг ҳам шу қадар имкониятлари борлигини исботлаш вазифаси шоирларимиз олдида ҳали кўндаланг бўлиб турибди. Ўйлаб қаранг, бизда бармоқда ёзилган, ўз салмоғи билан аруздаги «Ҳамса»га тенг келадиган нима бор? «Ҳазойинул маоний» га тенг келадиган нима бор? Бармоқ вазнида нафосати билан Бобур рубоийларига тенг келадиган рубоийлар қани? Тўғри, кўпдан-кўп фольклор асарлари мавжуд. Аммо уларнинг қийматини тайин этувчи талаблар бадий адабиёт мезонларидан фарқ қилади... Алишер Навоий туркий тилнинг



Абдулла Орипов, Жамол Камол, Ҳамид Гулом.



Жамол Камол, Анвармирзо Ҳусайнов, Теша Мўминов.



Жамол Камол рафиқаси Воҳида опа билан.



Кавказда.

буюк қудратини аввал амалий исботлаб, кейин илмий асослаган эди. Худди шунингдек, бармоқ вазнининг арузга нисбатан устун имкониятлари ҳақидаги ҳукмни ҳам амалий исботга суяниб туриб айтиш керак. Шундагина у ишончли бўлади. Мен бу гапни айрим мусоҳибларимиз изидан бориб, омади гап учун айтдим. Аслида, бу тўғри усул эмас. Вазнлар бир-бирини рад этмайди, тўлдиради. Бирида бор нарса бошқасида йўқ. Бас, уларни бу хилда чоғиштиришнинг ҳам, қай бирининг остин ёки устун, тор ёки кенглигини исботлашнинг ҳам ҳеч кимга кераги йўқ.

Умарали Норматов Эркин Воҳидовга бармоқда ёзган шеърларингиз аруздаги шеърларингиздан дурустроқ кўринади, давр руҳини яхшироқ ифодалайди, демоқчи бўлади. Афтидан танқидчи бу фикрга далиллар келтиришга ҳам тайёр. Лекин ана шу фикрнинг тескарисини исботловчи далиллар, бошқа шоирдамас, худди шу Эркин Воҳидовнинг ўзида борлигини нега инобатга олмайди? Ахир бармоқда ёзилган «Ўзбекистоним» фахриясидан арузда битилган «Ўзбегим» қасидаси баланд-ку! Бадииятда ҳам, давр руҳини беришда ҳам. Ҳолбуки, уларнинг мавзуси битта. Бундай мисоллар яна топилади. Хуллас, гап вазнда эмас, шоирда. Яхши шоир учун вазннинг дуруст – нодурусти бўлмайди. Нўноқ шоир эса ўнта вазнда ёзса ҳам нўноқлигича қолаверади.

Энди яна бир жиҳатга эътиборни жалб этмоқчиман. Ёмон ғазал учун шоирнимас, арузни айблашади, дуруст. Хўш, нега ёмон шеър учун шоирни айблашадию, бармоқ вазнини айблашмайди?.. Арузга кўшиб, бармоқни ҳам сўкишсин, демоқчимасман. Аммо юқоридаги мантиқдан шундоқ савол чиқиб турса, айтаман-да.

Менинг бу мулоҳазаларимга баъзи бировлар: «Арузку шу қадар имкониятга бой экан, нега бўлмасам, бизнинг шоирларимиз Навоий, Фузулийга ўхшаб

арузда қаримайдиган асарлар ёзишмаяпти?» – деб эътироз этиши мумкин. Шундай эътирозлар бўлиб туради. Мен саволга савол билан жавоб бераман: нега бўлмаса, Ибн Синога, Улуғбекка тенг келадиган олимлар халқимиз орасидан ҳозир чиқмаяпти? Нега Аброр Ҳидоятлов, Ҳалима Носирова даражасида санъаткорлар этишмаяпти? Шундай омонлик ва тўкинлик замонида, физкультура ва спорт ишлари оммавий тус олган бир даврда Рустамдек, Алпомишдек девкорлар нега учрамаяпти? Полвонлар бор, паҳлавонлар йўқ (Афсона деманг, шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди). Негаки, бу табиатнинг иши. Бериш-бермаслик унинг ихтиёрида... Эътирозларни эшитаяпман: «Биз табиатдан...» Тўғри, инъом-эҳсон кутолмаймиз, аммо унга зўрлик ҳам ўтказолмаймиз. Ундан ундириб олиш, қандай қилиб ундириб олиш – бу бошқа гап. Бу энди талант тарбиясига бориб тақалади, бу ҳақда кейин... Умарали Норматов Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода каби шоирлар арузни яхши билишса ҳам, унга унчалик рағбат қилишмади, дейди ва бу билан назаримда ниманидир исбот этмоқчидай бўлади. Аввало, арузда ёзиш учун арузни билишнинг ўзи камлик қилади. Кейин, ҳўп, улар рағбат қилишмаган бўлса, нима қипти? Фафур Фулом ва Шайхзода каби устозлар ижоди бизга кўп жиҳатдан эталон, аммо айрим жиҳатларда эталон эмас, десам, битта-иккитанинг ўзбеклиги тутиб кетиб: «Вой, одобсиз, тил тегизаяпти!» – демасин тағин. Мен бор гапни айтаяпман. Биз устозлардан ўрганамиз, аммо уларни такрорламаймиз. Бўлмаса, тараққиёт қайдан бўлади? Яна шундай бир мулоҳаза. Фафур Фуломдаку арузда ёзилган дурустгина шеърлар бор, аммо Шайхзодада йўқ. Менимча, Шайхзода домланинг арузда ёзиши гумон эди. Мен бунининг шеърларидан сезиб тураман. Санъатда мусиқа сезгиси бўлганидек, шеърятда ҳам «аруз сезгиси»


бўлади. Шундоқ бир термин бўлмаса, уни истеъмомга киритиш керак. Истаган шоирнинг шеърини ўқиб, унда аруз сезгиси қай даражада эканлигини айтиб бериш мумкин. Мен буни тушунтириб беролмайман, лекин сезаман. Шайхзода шеърларида ана шундай бир нафас илганмайди. Бу устоз шоирнинг қусури эмас, балки табиати. Шайхзода арузда ёзмаган бўлса ҳам уни жуда катта ихлос-этибор билан ўрганган, уни бирор баҳонада камситмаган эди. Шундоқ экан, юқоридагидек, масаланинг фақат бир томонини баҳсда далил қилиб келтириш ўринсиз.

Энди талант ҳақида. Халқ одатда талант, истеъдод сўзларини кам ишлатади. «Фалончи талантли» демоқчи бўлса, «асли тегида бор, баданида бор, қонида бор» деб қўя қолади. Ҳар соҳанинг талантлари – эгалари бўлади. Баъзан ана шу соҳалар билан эгалар бир-бирини адаштириб юради. Бундай пайтда киши ўзини ҳам, бошқаларни ҳам қийнайди, адашиб тушиб қолгач, соҳасини эса расво қилади. Шеъриятда ҳам шундай. Аруз шоирнинг табиатида, қонида бўлиши керак. Баъзан руҳан бегона киши арузга аралашиб қолади. Шунда ногирон «арузлар» пайдо бўлади. Бу – масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шуки, ёш авлодга аруздан таълим-тарбия беришни янада кучайтириш керак. Шундагина халқ ичидан янги истеъдодлар етишиб чиқади, арузнинг имкониятларини янгича намойиш этишига бел боғлайди. Айтилганларга қўшимча қилиб, шундай хулосалаш мумкин: аруз афзалми, бармоқ ёки қай бири кенг ёки торроқ, деган гапга қатъий чек қўйиш зарур. Адабиётдан йироқ бўлганлар учун бу – кечирарли, аммо адабиётчилар учун – хунук гап. Шеъриятимизда бирйўла уч вазннинг ҳукм суриши биз учун юк эмас, бойлик. Уч вазн она тилимизнинг чиройини уч тарафдан ёритиб туради, унинг жарангини бирйўла уч сарпардага тортиб, кўз-

кўз қилади. Биз бунинг қадрига етайлик ва бу билан фахрланайлик. Мен Москвада айрим рус шоирларининг бизнинг арузимиз ҳақида нақадар шайдо бўлиб гапирганларини эшитганман. Пушкин шеърлари кўпчилик Шарқ тилларига арузда таржима этилган. Бутун классик адабиётимиз, бутун мумтоз мусиқамиз арузга суянади. Арузга шак келтириш, мусоҳибларимиз истайдими-истамайдими, алал-оқибат яна шу буюк меросимизга ҳам шак келтиришга олиб боради; қолаверса, адабиётимиз тарихидан асрлар давомида шаклланган, «илми аруз» деб ном олган махсус фан ва унга доир ўнлаб нодир асарлар бизга маълум. Арузга шак келтириш ана шу илмий бисотнинг ҳам қийматини бир қадар шубҳа остига олади.

Ниҳоят, айрим катта ёзувчиларимиз бир пайтлар аруз ҳақида нописанд гаплар айтишган. Аруз ҳақида гап кетганда шуни далил қилиб келтиришади. Хўш, катта ёзувчилар янглишмайдими, хато қилмайдими? Бас, арузни севайлик, ўрганайлик. Унинг ортида ўша катта ёзувчиларимиздан ҳам каттароқ сиймолар туришини унутмайлик. Тўғри, арузимиз ҳозир ўзининг авж камолида эмас, аммо у яшариш, замонавийлашиш жараёнини бошдан кечираяпти. Назаримда, биз, ёш арузчилар унинг чўғи устига тортилган кулни пуфлаб, бир қадар учирдик. У ўт олди, эртага гуриллаб ёнади, деб умид қиламиз. Бу – сизу бизга боғлиқ.

*«Ўзбекистон маданияти»
газетаси, 1977 йил 4 март*



РУҲИЯТ ЮЛДУЗИ

Одамзот кундузи ишлаб, кечалари уйқу олдидан хаёл суради. Хаёл суриб, юлдузларга термилади... Эртанги орзу-ўйларини юлдузларнинг юксаклиги билан ўлчайди. Шу маънода мен адабиётни маънавият мўъжизаси, руҳият юлдузи, юрак гавҳари, деб атагим келади. Шу маънода халқнинг ўзи яшаб турган азалий ери, унинг босиб ўтган йўлларида оламга шаҳодат берувчи тарихи, минг йиллар мобайнида шаклланиб, унга қурол ва қалқон бўлиб келаётган тили ва адабиётидан ортиқроқ бойлиги бўлмаса керак. Халқнинг тили ва адабиётида унинг тарихи яшайди, унинг чексиз ҳаёт тажрибалари, умр сабоқлари тугун-тугун бўлиб ётади, тил қатламларида халқнинг асрлар давомида тўплаган маънавий хазинаси ярқираб, товланиб туради. Бу шундоқ хазинаки, ижодкор унинг олдидан бепарво ўтолмайди. Ўзини зиёли санаган ҳар бир инсон ана шу эзгулик олдида иззат-эҳтиром билан бош эгади.

Тил, адабиёт ва тарих... Бу уч тушунча халқ тимсолида узвий бир бутун бўлиб туташади. Бу шундай бирликки, уни қилич билан чопиб ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чунки ана шу бирликда халқ яшайди, нафас олади, меҳнат қилади, келажакка интилади. Бу уч тушунча уч томондан юксалиб, кейин бир-бири билан бириккан тоғ чўққиларига ўхшайди. Ана шу чўққиларни юраги билан забт этолган, уларни ўзининг жисму жони деб, жисму жонининг бир бўлаги деб ҳис этолган қаламкашгина халқига манзур бўларли асарлар ярата олади. Биз «Адабиётимизнинг жони» деб атайдиган замонавийлик ҳам ана шу юксакликдан туриб кашф этилади. Ижодкор ўз халқининг тили, адабиёти ва тарихини қалбига синдириб, ўз руҳий оламига айлантириб олмас экан, чин маънода замо-

навий асарлар яратолмайди. Зеро, чексиз уфқларга боқиш учун юксалиш, юксак чўққиларга кўтарилиш даркор. Шу маънода, тил – халқнинг номуси, тарих – унинг қомуси, адабиёт – унинг шон-шарафидир, дегим келади.

Ҳозир қирқ-эллик ёшлар чамасидаги ажойиб оташ-нафас шоир ва ёзувчиларимиз бор. Уларни халқимиз яхши танийди, севиб ардоқлайди, уларга ўз орзу-умидларининг равшан чироғи, деб қарайди. Улар ортидан яна бир гуруҳ, улар изидан эса яна бир қатлам ёшлар келишяпти. Сочига оқ оралаган акалари қатори мен ҳам уларни кузатиб турибман. Уларга боқиб, юрагимда ҳам умид ва ҳаяжон, ҳам ташвиш ва хавотир... Яшириб нима қилай, уларнинг кўпчилиги менга шошқалоқ ва чаламулла бўлиб кўринади. Шошқалоқ бўлишса, майли, чаламулла бўлиш ёмон. Тил, тарих ва адабиётни улар чуқур билишмайди, сўз сеҳрини етарлича ҳис этишмайди. Нафсиламрини айтганда, бунга ёлғиз уларнинг ўзлари айбдор эмас, балки уларнинг олдига тушиб келаётган биз, чаламуллалар ҳам айбдоримиз. Биз (ҳозир 40-50 ўртасидаги авлод) зиммамиздаги вазифани кечроқ англадик, кўп вақтимизни ўткинчи ҳою ҳавасларга сарф қилдик, адабиётнинг халқимиз учун қилич ва қалқон эканлигини гоҳо унутиб қўйдик... Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, ёшлар биздан ранг олаётган бўлса, ажабмас.

Назаримда биз ота-бобосидан қолган буюк мерос қаршисида довдираб, бир қадар анграйиб турган аянч меросхўрларга ўхшаймиз. Гоҳ у ёғидан, гоҳ бу ёғидан ўтиб, чамалаб қараймиз, лекин бобомерос бойликларни эгаллаш учун бизда на журъат бор, на иқтидор... Шу ўринда мен ижодкор учун бир неча тилни билишнинг сув ва ҳаводек зарурлигини айтиб ўтмоқчиман. Тўғри, кейинги ўн-ўн беш йил ичида

республикамизда рус тилини ўрганиш анча йўлга кўйилди. Бироқ шоир ёки ёзувчи учун ёлғиз рус тилини билишнинг ўзи камлик қилади, десам, мени тўғри тушунишар, деб ўйлайман. Бугунги ўзбек шоири форс ва араб тилларини билмаса, ғарб тилларининг бирида ўқиб, сўз юритолмаса, юқорида айтганимиздек анграйиб ёки уялиб қолиши тайин. Мен Тбилисида бўлганимда тенгдош грузин шоирларининг рус ва грузин тилларидан ташқари, форс, араб, турк ва инглиз тилларини ҳам билишларини кўриб, қойил қолдим. Грузияда «Иностранная литература» типиди «Хомли» («Юлдузлар»), Украинада «Все свит» («Бутун дунё») деган журналлар нашр этилади. Бу журналлар жаҳон адабиётининг энг сара асарларини жаҳон тилларидан таржима қилиб, босади. Қариндошларимиз аллақачон етган бу маррага биз қачон етамиз? Қачонгача «бирова таржима қилиб берса, ўқиймиз» деб бепарво юрамиз?.. Бир мисол. Бобомиз Алишер Навоий Фаридуддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарини олти яшарлигида ёд олиб, салкам «жинни» бўлиб юрганидан хабаримиз бор. Жалолиддин Румий шу муаллифнинг «Асрорнома» асарини ўн бир ёшида ёд олиб, айна шу аҳволга тушган... Булар – ҳаргал эшитганда, бизни ҳайрат ва ҳаяжонга соладиган факт – хабарлар. Узоқ ўтмишдан етиб келган ана шу хабарлар замирида икки доҳий шоир қисматининг ибтидоси ётади. Лекин ўша «Мантиқут-тайр» ёки «Асрорнома» ни тенгдош қаламкашлардан бирортаси ўқиган ёки варақлаб кўрган, деб айтолмайман. Ҳаргал шуни ўйласам, ўз-ўзимдан уялиб, терга ботаман. Ахир бепарволикнинг ҳам эви, чегараси бор. Биз – Шарқ шоирларимиз, буюк Шарқ шоирларини асл нусхада ўқиб, тушуна олмасак, уят-ку уят, гуноҳи азим эмасми? Буни қачон англаймиз?

Халқимиз, ҳар боғнинг ўз гули, ҳар гулнинг булбули бор, деб бежиз айтмайди. Юрт – боғ бўлса, сен – шу боғнинг булбулисан. Қанчалик товланиб-турланма, алал-оқибатда шу боғнинг таронаси, шу халқнинг ашуласини айтасан. Бошданоқ ушбу ҳақиқатни чуқур англаб, юракка жо қилиб олишинг шарт. Бошқа боғлардан таралаётган садолар борки, сени ром этар, майли уларни сев, улардан ўрган, лекин ўзлигингни унутма, хонишинг ўз боғингга монанд, ўз халқингга манзур бўлсин.

Кейинги пайтларда бизда бир хил «модерн» шеърлар ва уларнинг изидан «шеърингизни тушунтириб беринг» деган гаплар пайдо бўлди. Менимча, ҳақиқий шеър шунчаки тушуниш ёки тушунтиришдан баланд туради. Шеърни ўз она тилида ўқиган ўқувчи «тушундим» демайди, агар у ҳақиқий шеър бўлса, айрим сатрларни яна шивирлаб такрорлайди, хўрсинади ёки руҳи, чехраси ёришиб, «оҳ» чекади. Чунки унда ўз руҳини туяди, юрагининг аксини кўради... Йўқ, қадимда Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон, ҳозир Ўрта Осиё деб аталаётган бу қадим ва табаррук тупроқда тўлқин уриб оқаётган дарёлар фақат Аму, Сир ва Зарафшон эмас, бунда азал-азалдан халқларимиз номи билан боғлиқ бўлган буюк руҳий, маънавий дарёлар оқади. Эй навқирон дўстим, шеъринг ана шу дарёларнинг бир зилол қатраси бўлсин, дейман. Чунончи ҳазрат Навоийнинг:

*Ҳиротдан ўт тушса агар Сабзаворгача,
Бўлгаймен самандару тортгаймен ўзни ёргача –*

деган замзамаларида, устоз Фафур Фуломнинг:

*Манглайинг бир ажин касб этолгунча
Минглаб балоларга дуч келган бошинг.*

*«Зижи Кўрагоний» секундларида
Неча бор тутилди кўкда қуёшинг –*

йўсинидаги қуйма оҳанглирида халқимизнинг азалий руҳи, табиий нафаси яшайди. Ана шу руҳга ҳамиша ошно бўл, бегона бўлма, дейман.

Устоз Мақсуд Шайхзода «лирик шеърят» деган иборани бир жойда жуда келиштириб, ўзбекча қилиб «рубобий шеърят» деб атаган. Шуни эсласам, беихтиёр Жалолиддин Румийнинг:

*Ишқ тили рубоб тилидек сир эмиш,
Турку юнону арабга бир эмиш. –*

деган мисралари ёдимга тушади. Дарвоқе, шеър тили – ишқ тили, у рубоб садоларидек аниқ, тиниқ ва ёниқ бўлиши шарт. Ана шу аниқлик, тиниқлик ва ёниқликда эса рубобий сир ва сеҳр яшайди. Навоий, Бобур, Фузулий ва Машраб ғазалларининг боқийлиги, жозиба кучи шунда. Мен шеърятимизга ана шу азизларнинг сирли, сеҳрли нафасидан бир нафас илашсин, дейман...

Сўз санъатининг минг йилларни қамраган машаққатли йўлига кўз ташлаб, «Адабиёт – мардлар майдони» дегим келади. Зотан, адабиётни ёлғиз мардлар яратади, унда фақат мардлар яшаб қолади. Номардлар ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам ўткинчи. Ҳазрат Навоийнинг:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ. –*

деган таъкидини мен шу маънода ҳам тушунаман. Лекин... қараб турсанг, баъзан майдонда мардлар қолиб, номардлар устун келаётгандай туюлади. Бунга ишонма, бу – алдоқчи манзара! Адабиёт – эзгулик меваси, ҳалол-


лик, самимият гули, ор-номус қуши. Уни ҳйла-найранг билан узиб, ҳисоб-китоб, устомонлик билан тузоққа тушириб бўлмайди. Бундай қилмоқчи бўлганлардан у «ўч» олади, яъни, уларга қайрилиб боқмайди, муяссар бўлмайди. Азиз кенжа биродарим, сенга айтмоқчи бўлганим яна бир гап мана шу – адабиёт майдонига кирдингми, мард, ҳалол бўл, яхшини яхши, ёмонни ёмон, дейишдан тортинма, магар хунхор душманинг ҳам арзигулик асар яратса, танги туриб, унга тан беришни ўрган, одат қил.

Фард, яъни, формула-шеър:

*Яхшини яхши дейиш учун яхши бўлиш керак,
 Ёмонни ёмон дейиш учун ҳам яхши бўлиш керак.
 Яхшини ёмон дейиш учун ёмон бўлиш керак,
 Ёмонни яхши дейиш учун ҳам ёмон бўлиш керак...*

Сен номард маъносидаги «ёмон» бўлма, мард маъносидаги «яхши» бўл. Кўксингда руҳият юлдузи чақнасин!..

1988 йил, апрель



НАВОИЙ ВА БИЗ...

Ҳар гал ҳазрат Навоий ҳақида ўйлаганимда мени маъюс хаёллар, оғриқли саволлар қуршаб олади. У ёқда – собиқ Хуросонда шоирнинг мақбараси бузилиб, қабри қаровсиз ҳолда ётибди. Бу ёқда – собиқ Туркистонда унинг китобларини деярли ўқимай қўйишди. Ўқувчи талабаларга мажбурий йўсинда ўқитилаётган бир неча ўн соатлик дарс, дастурлар бундан мустасно, албатта. Хўш, нега шу аҳволга тушиб қолдик?

Саволга жавоб бериш учун гапни бир оз узоқдан бошлашга тўғри келади.

Америка Қўшма Штатларининг пойтахти Вашингтон шаҳрида Коинот музейи бор. Остона ҳатлаб, ичкари кирган киши ўзини дабдурустдан ўнглаб олиши қийин, довдирайди. Бири иккинчисига туташиб кетган, ёруғ ва муҳташам залларда маржондек тизиб ташланган беҳисоб экспонатлар қаршисида ҳайратга тушмасдан иложингиз йўқ. Энг оддий ибтидоий учқичлардан тортиб, то товушдан ҳам тез учадиган, учганда ҳам кўзга ташланмайдиган ўта замонавий тайёраларгача, кечаги «Катюша» лардан то қитъалар аро учадиган ҳайбатли, қанотли баллистик ракетааларгача Ернинг катта-кичик сунъий йўлдошларидан то Ойгача, Марсга учирилган афсонавий фазо кемаларию космик аппаратларгача... Ҳамма-ҳаммаси қаршингизда ярқираб, савлат тўкиб, саф чекиб туради... Уларнинг қаршисида ўйга толасиз. Ўзингизни сирли коинот қўйнида ҳис этасиз гўё... Фахрланасиз, чунки инсон қўли, инсон ақлу заковати яратган бу мўъжизаларни... Шунда кўнгилда беихтиёр бир хаёл, бир ўкинч ҳам ғимирлаб қолади... Биз ҳам шу Курраи заминни тўлдириб турган башарнинг бир қисмимиз. Бу тараққиёт, бу ақлий, илмий мўъжизотда бизнинг ҳиссамиз қанча? Яъни, биз, ўзбеклар, туркистонликлар, борингки, умум мусулмонларнинг ҳиссаси

қанча? Жўяли бир жавоб тополмайсиз. Чунки ўша ҳиссанинг ўзи йўқ. Улуғбек тузган юлдузлар жадвали унинг боши кесилганда қандоқ бўлса, ҳамон ўшандоқ аҳволда қимирламай қотиб турибди. Беш аср давомида бир қарич ҳам олдинга силжигани йўқ. Аниқроғи, силжитолганимиз йўқ... Хўш, бизнинг аجدодларимиз кўкка парвоз этишни орзу қилишмаганми? Буюк ва адолатли жамият қуришни орзу этишмаганми? Нега уларнинг орзуси рўёбга чиқмади, асрлар бўйи армон бўлиб қолаверди? Ана шунда беихтиёр Алишер Навоий эсга тушади. Зеро, Навоий буюк орзулар куйчиси, унинг ижоди – буюк орзу-умидлар уммони эди- ку... Биз бугун орзу қилаётган буюк тараққиёт, буюк давлат, буюк демократик жамият – бугунги гап эмас, нафсиламрини айтганда, асрий армон, Навоий идеали, унинг оташин орзу-армони эди, десак, бунга ким эътироз эта олади?

Навоий тафаккурдан шундай бир машғала ёқдики, унинг қаршисида беш асрдан кейин ҳам кўзларимиз қамашиб кетади. Худди Америка Коинот музейига кирганда юз берадиган ҳолат – чексиз ҳайратга тушамиз... Аммо нега ўша машғалани Навоий қўлидан мерос қилиб оладиган қўллар топилмади? Нега қаторлашиб кечган асрлар қоронғисида у олис ва танҳо юлдуз бўлиб қолаверди. Навоий орзу қилган тараққиётга биз эмас, бошқалар эришди. Навоий армон қилган адолатли жамиятни биз эмас, бошқалар қуришди. Нега шундай бўлди?

Бунга баъзи уламоларимиз «Кофирнинг бу дунёсини берган, мусулмоннинг у дунёсини...» деб қўя қолишади. Бу ўзини алдашдан, овутишдан бошқа нарса эмас. Бу – ақлни ишга солиб, мушкул саволга жавоб излаш ўрнига, фикрлаш заҳматидан қочиш, яъни, маънавий, ақлий танбалликнинг худди ўзгинаси. «Э, қўйинг, нима қиласиз бошингизни офритиб...» қабилидаги бир гап.

Дарвоқе, бошимизни оғритмадик. Асрлар тизилиб ўтаверди. Мойчироқни ёқиб, от-аравани миниб, қилич-қалқонга қаноат қилиб, бир-биримизни турткилаб юравердик. Кейин нималар бўлгани маълум... Келинг, ҳеч бўлмаса бугун саволни кўндаланг қўйиб, жиддий ўйлаб кўрайлик. Нега шундай бўлди?

Навоий ижоди – қуёш шуъласи тушиб турган тиниқ бир кўзгу. Ўзимизни ана шу кўзгуга солиб кўрайлик. Лоақал «Маҳбубул-қулуб» ни қўлга олиб, варақлайлик. Унда қаламга олинган деҳқонлар, косиблар, миршаблар, шайхлар, турли тоифадаги амалдорларга берилган таърифун тавсифларни ўқиб, уларни замондошларимизнинг равиш-равияси билан қиёслаб кўрайлик. Ўртада тафовут қанча? Деҳқон ҳамон ўша-ўша деҳқон, миршаб ҳамон ўша-ўша миршаб, амалдор ҳамон ўша-ўша амалдор эмасми? Ёки бирининг қорни тўйиб, иккинчиси анча инсофга келиб, учинчиси қонун-адолатнинг таянчи бўлиб қолдими?

Навоий ёзади:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Ончадирким, Каъба вайрон эрса, обод айлагай...*

Демак, мусулмончилик салла-соқол ёки паранжи-чачвондамас, кўнгилда экан-да... Шу гапни ҳозирги мутаассибларга бир тушунтириб кўринг-чи... Тушунмайди, тушунишни истамайди ҳам. Асрлар давомида шундоқ бўлган. Сийратга эмас, сувратга боқишган. Сийратга боқинг, дегувчиларга, ақлу заковат эгаларига қарши калтак кўтаришган, не-не буюкларнинг пайини қирқишган. Демоқчиманки, ҳозирда Марказий Осиё деб аталаётган шу Турон заминда асрлар давомида эркин тафаккурга йўл берилмади. «Йилт» этган тафаккур учқунини худбинлик, амалпарастлик,

ичиқоралик, ҳасад, гуруҳбозлик илллати тупроққа қориштириб ташлади. Хуллас, мутаассибликни қонимизга сингдиришди. Фикримиз излашдан, ақлимиз дунёни кашф этишдан тўхтади. Дарвоқе, дунёда яшаш дунёни узлуксиз кашф этишдан иборат эмасми? Биз ана шу қонидани унутдик. Натижада эркин фикр, ўзгача назар, янги тушунчага тоқатсиз бўлиб қолдик... Мана, бошимизга тушган офат-фалокатларнинг боши, асрлар бўйи орқага кетишимиз, қолоқлигимизнинг асл сабаби нимада? Хўш, оқибат нима бўлди? Алқасосу минал ҳақ... Фикрни бўғиб, ақлнинг йўлини тўсдик ҳамки, тараққиёт биздан юз ўгирди. Ва биз бунинг маҳсули ўлароқ, ўрта асрлар ботқоғига ботиб, дунёнинг орқа оёғи бўлиб қолавердик... Ҳамон ана шу иллатнинг жабрини чекамиз. Ҳамон ақлни ишлатишга гоҳ рағбатимиз, бировнинг фикрини эшитишга, баҳсу муҳокама юритишга сабру тоқатимиз йўқ. Биров бир фикр айтадиган бўлса, дарҳол унинг оғзига уришга, айблашга, ёмонотлиқ қилишга ҳаракат қиламиз. Балки бу фикрни у душманликдан эмас, дўстликдан айтаётгандир, деган мулоҳазага бормаймиз. Бу бирикки кишига мансуб сифат эмас, кўпчиликка хос хусусият. Асрлар давомида турғунликда шаклланган ўзбек миллий менталитетининг таркибий бир қисми. Турғунлик психологияси. Унинг шиорларига диққат қилинг: «Ўзингни бил, ўзгани кўй», «Ҳозирни ҳузур бил», «Эплапти, қандини урсин», «Давринг келди сур, бегим», «Бугунни кўр, эртага ё Аллоҳ, ё насиб», «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан»... Бундай зеҳниятга суюнган халқ қандай қилиб тараққиётга эришсин? Асрлар ўтса ҳамки, бир ерда депсиниб тураверади у. Зеҳният бу – халқнинг сифати демак. Токи увадаси чиққан зеҳниятдан қутулмас эканмиз, биримиз икки бўлишига кўзим етмайди.

Баъзида кўз ёши тўкамиз... Фалон асрда душманлар ё шимол, ё жануб, ё ғарб, ёки шарқдан юртимизга бостириб келиб, бизни хонавайрон қилишди ва ҳоказо, ва ҳоказолар, деб... Биз ақлли бўлсайдик, аҳил бўлсайдик, қудратли бўлсайдик, бировлар бизнинг еримизга бостириб киришга журъат этармиди? Демак, айб ўзимизда, миллий зеҳниятимизда, маънавиятимизнинг маҳдудлигида.

Яхши бўлди, юртимизда Навоийга атаб боғлар барпо этилди, ҳайкаллар қўйилди. Аммо шу билан Навоийга, унинг маънавиятига яқинлаша олдикми? Йўқ, албатта. Ҳамон оралиқдаги масофа ер билан осмонча. Айтмоқчиманки, гап ўша боғларда, ҳайкаллардамас. Гап Навоий идеалларига садоқатда, Навоий ғояларини амалга оширишда, ҳаётда Навоий талабларига риоя этишда. Навоий идеалларига қанчалик яқинлашсак, Навоийга шунча яқинлашамиз, Навоий идеалларидан қанча узоқлашсак, Навоийдан шунча узоқлашамиз. Бор ҳақиқат мана шу. Бугун биз Навоийга яқинмизми, узоқмизми? Ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг.

Навоий бирликка, ҳамжиҳатликка, иттифоққа чорлайди:

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдир,
Муайян турк улуси худ менингдир...*

Менимча, агар бировлар келиб, бошимизни қовуштириб қўймаганда ҳали-ҳануз уч хонлик бўлиб тураверардик. Йўқса, ҳозирги мустақиллик шароитида бир ота- онанинг болалари бўлмиш туркистонликларнинг қўлни қўлга беришмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Навоий пасту баланд дунёга кўз солиб, наинки ўз замонасининг, балки барча замонларнинг золимларига қаҳрини сочади, уларни инсофга чақиради:

Эйки қавий айлади давлат қўлинг,
 Зулм сари тушди валекин йўлинг.
 Зулминг эрур кундузу фисқинг кеча,
 Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?..

Аммо бугун дунёга қутқу солаётган золимлар, зўравонлар инсофга келармикин? Уларнинг юрагида бечора, мазлум инсонларга нисбатан шафқат нури бир лаҳза бўлса-да «йилт» этиб ёнармикин? Худо билади...

Навоий Ҳиротдан, Мусаллодан туриб, ўз авлодига, келажак наслларга хитоб қилади, уларни адолатга, юксалишга ундайди:

Алл ила олам юзин обод қил,
 Хулқ ила одам элини шод қил.
 Одамий эрсанг демагил одамий
 Ониким, йўқ халқ ғамидин ғамий...

Шоирнинг юрак қони билан битилган бу даъватлар беш асрдирким ҳамон даъватлигича турибди. Ечимини тополгани, жамиятнинг ҳаёт дастурига айлангани йўқ. Янада қатъийроқ айтадиган бўлсак, орадан шунча даврон ўтибди ҳамки, ҳали-ҳануз Навоий орзу қилган адолатли тузум – қонун ҳукмрон бўлган жамиятга етолганимиз йўқ. Навоий ҳамisha баландга ундайди, биз эса тубанларда юрамиз. Шундоқ экан, биз – Навоийнинг содиқ ворисларимиз, дейишга тилим бормади. Ростини гап, ҳали-ҳануз Навоийга муносиб бўла олмадик. Навоий ҳақида ўйлаганимда мени оғир хаёллар, оғриқли саволлар чулғаб олади, дейишимнинг асл боиси мана шу.

Навоий – буюклик рамзи, миллат тимсоли. Навоийни ўйлаш – халқни ўйлаш, халқни ўйлаш – аввало унинг турмуш фаровонлигини таъминлаш ва шу асосда жамиятнинг равнақ-ривожига кенг йўл очиш

демакдир. Навоий пойига гуллар қўйиш хайрли, савоб иш, албатта, аммо унинг ўғитларига амал қилиш – минг карра шарафли, шарофатли эканлиги шоён бир ҳақиқат. «Ўзим сари боқма, сўзим сари боқ», дейди Навоий. Бу ҳикматнинг маъносига қачон етамиз? Навоий яна дейдики:

*Неча зарурат аро қолган чоғи
Чин демас эрсанг, дема ёлғон дағи...*

Матбуот, радио, телевидение орқали ёлғон гапирмаган кунимиз борми? Рост гапириш имконсиз экан, лоақал ёлғон гапирмасликни қачон одат қиламиз? Юртимиз – жаннат, турмушимиз фаровон қабилдаги гапларни ҳар куни такрорлаймиз. Минглаб оилалар оч-яланғоч яшаётгани, хотин-қизларнинг мардикорликка чиқишгани, қишлоқларда қанчадан-қанча болалар оёқ кийими йўқлиги туфайли мактабларга боришмаётганини хаёлга ҳам келтирмаймиз.

Навоий ижодида халқ тушунчаси Худо тушунчасидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Навоий наздида халқ бахтидан айру бахт йўқ, ҳалол, виждонли, иймонли инсон учун бахт аввало у мансуб бўлган халқнинг бахтидир.

*Халойиқ нафъидир ҳар неки қилдик,
Халойиқ билса бас, ҳар неки билдик...*

Халқни, халойиқни ўйлаш бугун бизга қанчалар хос?

Яқинда «Маяк» радиостанцияси бир хабар тарқатди. Ҳозир Россияда «книжный бум», яъни, китоб нашри ҳам, китоб савдоси ҳам авжида эмиш. Демак, Россияда халқ китоб ўқияпти... Хўш, бизда-чи? Бизда халқ наинки Навоийни, тирикчилик ташвишига ботиб,

умуман китоб ўқимай қўйди, десам, янглишмасам керак. Китоб нашр этиш эса фавқуллода бир ҳодисага айланиб қолди. Навоий куллийетининг яқинда нашр этилган ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи жилдлари бор-йўғи беш юз нусхада босилибди. Йигирма беш миллионли халққа – беш юз дона китоб. Шундоқ кетаверса, давлат китобни ўз паноҳига олмаса, ҳали тўла шаклланмаган бозор иқтисоди гирдобиди илмининг, ижоднинг, тафаккурнинг ҳоли нима кечади? Китоб нашр этилмаса, китоб ўқилмаса, маърифатнинг, маънавиятнинг ҳоли нима кечади? Китоб ўқиб, муттасил фикр юритиб, ақлни пешламаса, эртага бу халқнинг аҳволи нима кечади? Шошилинич бир чоралар кўрилмас экан, эртага яна-да кеч бўлиши мумкин. Баъзан ўйлаб, ҳайрон қоласан киши: илгариги китоб савдоси, китоб магазинлари қани? Янгисини қурмай туриб, эскисини бузиб ташладик шекилли.

Истиқлол туфайли олдимизда тараққиёт йўллари очилди. Тараққиёт – бир кишининг, ўн кишининг, юз кишининг иши эмас, миллионларнинг иши, умуммиллий жараён. Навоий айтмоқчи:

*Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод...*


Ақл бор жойда – такомил бор, фикр бор жойда – тараққиёт. Фикр йўқ жойда тараққиёт йўқ. Токи миллатнинг, жамиятнинг бутун ақлий қувватлари сафарбар этилиб, ишга солинмас экан, бир нимага эришиб бўлмайди. Акс ҳолда, бу йўлдаги ҳар нечук якка-ярим ҳаракатлар сувга отилган тошдек «чўлп» этиб, изсиз йўқолиб кетаверади. Буни қачон тушунамиз?

Тангри таоло амр этганидек, бир қавм то ўзини тузатмас, ўз ишини ўзи ўнгламас экан, биров четдан келиб, уни тузатиб, ўнглаб бермайди. Биз ҳам бундан

мустасно эмасмиз. Демак, бу ёғи ўзимизга боғлиқ. **Ақл** ва тафаккурни нақадар ишга солишимизга, инсоф **ва** адолатга суюниб, қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳат ишлай олишимизга боғлиқ.

Навоийдек буюк мутафаккирга муносиб ворис бўла оламизми, йўқми, бу ҳам ўшанда маълум бўлади...

«Моҳият» газетаси, 2003 йил 7 март



МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

*(Халқаро румийшунослар анжуманида ўқилган
маъруза, Анқара, 15-17 декабрь 2000 йил).*

Бугун Марказий Осиё деб аталаётган, бундан олдинроқ Туркистон, қадимул айёмда эса Турон деб аталган тупроқда Мавлоно Жалололиддин Румийнинг номи ва шуҳрати аср-асрлардан бери машҳур ва юксакдир. Бу ном ҳар сафар зикр этиларкан, орифлар оёққа туришган, олиму уламолар унинг даҳоси олдида бош эгишган, шоирларимиз унинг муборак нафасидан баҳраманд бўлишни ўзларига шараф деб билишган, унга эргашиб, румиёна ғазаллар, рубоийлар, маснавийлар ёзишган, зиёлиларимиз орасида румийхонлик урф, румийшунослик анъана бўлган.

Олис рум мамлакатида нашъу намо топган Жалололиддин Румийни халқимиз ўзининг буюк шоири, азиз алломаси деб билган, толиби илмлар унинг асарларини Хўжа Аҳмад Яссавий, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Атоий, Мавлоно Хоразмий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб асарлари қаторида мактаб ва мадрасаларда мутолаа этишган, севиб ўрганишган.

Абдураҳмон Жомийнинг Жалололиддин Румий таърифида айтган сўзлари, яъни:

*Маснавийи маънавийи мавлавий
Ҳаст Қуръон дар забони паҳлавий.
Ман чи гўям васфи ў олижаноб,
Нест пайғамбар, вале дорад китоб –*

мисралари биздаги кўплаб тазкираларда учрайди, илмий доираларда уни кўпчилик ёд билади.

Алишер Навоий ўзининг «Насойимул муҳаббат» асарида Жалолиддин Румий хусусида ҳам қалам тебратди, уни буюк файласуф шоирлар, устози комиллар қаторида тилга олиб, таъриф-тавсиф этади. Навоий талқинида Жалолиддин Румий юксак ва мунаввар бир сиймо бўлиб гавдаланади. Унинг Балх шаҳрида дунёга келиши, болалик йиллари, ўн бир ёшида Фаридуддин Аттор билан учрашиши, ўшанда Аттор совға қилган «Асрорнома» китобини умр бўйи мутолаа этиши, асраб-ардоқлаши ҳақидаги маълумотлар Навоий томонидан ажиб бир меҳр ва ҳассослик ила қаламга олинади. Сўнгра Мавлононинг улўф инсоний сифатлари, теран панду ҳикматлари устида сўз юритилади.

Чунончи:

«... Алар дебдурларким, озод улдирки биров ранжида қилғонидин ранжида бўлмағай ва жавонмард улдирки ранжида қилурға муносиб бўлғонни ранжида қилмағай... »

Шундан сўнг Жалолиддин Румийнинг маънавий дунёсини ифодаловчи бир ривоят келтирилади:

Мавлоно бир куни, биз етмиш уч мазҳаб ила биргамиз, дебди. Бу гап унинг рақиби қози Сирожиддин Қазвинийнинг қулоғига бориб етибди. Қози бир муриддини чақириб, шу гапни кўпчилик ичида Жалолиддиндан сўра, айтганига иқрор бўлса, аяма, ҳақорат қил, деб буюрибди. Мурид шундай қилибди, Мавлонони оғизга олиб бўлмас сўзлар ила ҳақоратлабди, ит, эшак, дебди. Шунда Мавлоно табассум қилиб; «Биз ўшалар билан ҳам биргамиз» деб, уни мулзам этган экан.

Алишер Навоий мазкур асарида Шайх Нажмиддин Кубро ҳақида гапириб, яна Жалолиддин Румийга мурожаат этади... Чингизхон Урганчи қамал қилганда Нажмиддин Кубро мункиллаб қолган чол бўлишига қарамай, халқдан лашкар йиғиб, душманга қарши жанг қилиб, шу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Лекин

ўлганда ҳам байроқ дастасини қўлидан чиқармаган... Навоийни шаҳодатича, кейинчалик Жалолиддин Румий ана шу ҳақида рубоий ёзиб, биз ўлганда ҳам ўз эътиқодида собит қоладиганлар наслиданмиз, деб фахрланган.

Ун еттинчи асрда яшаган Бобораҳим Машраб «Маснавийи маънавий» га пайров қилиб, «Мабдаи нур» асарини яратди. Асар уч дафтар, яъни уч китобдан иборат. Ҳар бобнинг бошида эпитаф ўрнида Румийдан мисралар келтиради. «Мабдаи нур» Жалолиддин Румий олға сурган ғояларни ўзига хос йўсинда, янгича ривоят ҳикоятлар воситасида, туркиёна қилиб талқин этади. Асар Рум шаҳридан чиққан олим Шайх Зуннун ҳақидаги сўфиёна ҳикоятлар ила тугайди. Машраб китоб сўнгида Тангрига илтижо қилади:

*Ё илоҳий, оқибат маҳмуд қил,
Бандаларнинг корини беҳбуд қил...*

Хуллас, Жалолиддин Румий деган буюк дарё асарлар давомида Туркистоннинг боғларию тоғлари, дала ва саҳролари оралаб оқаверди. Туркистонликларнинг қалблари оралаб оқаверди... Фақат Октябрь инқилоби деб аталган машъум тўнтариш ва унинг оқибатида ўрнатилган совет тузуми туфайли бу дарёнинг йўли тўсилди. Жалолиддин Румий ғоялари зарарли, ўзи диний-мистик шоир деб эълон этилди, унинг китобларини ўқиш ҳам, ўрганиш ҳам тақиқланди. Халқимиз Румийдан бебаҳра қолди. Натижада Румийни мутлақо билмайдиган, унга ёт-бегона авлод шаклланиб, майдонга келди. Хайриятки, совет ҳокимияти заволга юз тутаркан, бу офат, бу қабоҳатнинг дами кесилди. Халқимиз Жалолиддин Румий ила яна юзлашди ва уни ўз бағрига олди.

Бу воқеа шундай юз берди...

Етмишинчи йилларнинг охирида ёзувчи Радий Фишнинг «Жалололидин Румий» романи Москвада нашр этилди. Кейин менинг таржимамда қирқ беш минг нусхада Тошкентда босилди. Китоб катта қизиқиш ва бениҳоя муҳаббат ила қаршиланди. Унинг воситасида Румий ҳақидаги ёлғон ва уйдирмалар чилпарчин бўлиб, халқимиз Жалололидин Румийни янгидан кашф этди.

Романда Мавлононинг болалигидан то вафотига қадар бутун ҳаёти ва ижоди қамраб олинган. Радий Фиш чуқур меҳру муҳаббат, ихлос ва иштиёқ ила қалам тебратган. Романнинг яратилиш тарихи ҳам алоҳида эътиборга молик. Муаллиф Тошкентга келиб менинг уйимда меҳмон бўлганида бу ҳақда гапириб берган...

Радий – москвалик ёзувчи Геннадий Фишнинг ўғли. У Ленинград (Санкт-Петербург) университети турк филологияси факультетида ўқийди, турк тили ва адабиётини севиб ўрганади. Сўнг Истанбулдаги совет элчихонасида тўққиз йил ишлайди. Нозим Ҳикматга учрашиб, у ҳақда китоб ёзиш нияти борлигини айтади. «Мен ҳақимда китоб ёзма, – дейди шоир, – менинг устозим ҳақида ёз». «Устозингиз ким?» – деб сўрайди Радий Фиш. «Менинг биринчи устозим – Мавлоно Жалололидин Румий» деб жавоб беради Нозим Ҳикмат.

Шу-шу Нозим Ҳикмат даъвати ила Радий Фиш ишга киришади. Йигирма йил Жалололидин Румийни ўрганади. Унга ошиқ бўлиб қолади. Натижада севги ва заҳмат меваси ўлароқ «Жалололидин Румий» романи дунёга келади.

«Қишнинг қирмиз қуёши ботиб борар, унга қарама-қарши ёқдан Балх шаҳрининг атроф-теваракларига таралиб, шафаққа чулганган дашту саҳроларни тўлдириб шамол эсар эди...»

«Томдаги бола» деб аталган биринчи боб ана шундай гўзал ва тиниқ тасвир ила бошланади. Роман

давомида ёрқин тасвирлар, теран психологик ҳолатлар, руҳий таҳлиллар, фалсафий муҳокама, мушоҳадалар, нозик кузатишлар, хулосалар, умумлашмалар ила туташиб қоришиб кетади. Китоб ўқувчини мафтун этади, ўқишга киришган киши поёнига етмагунча уни қўлдан қўймайди. Ана шу роман туфайли ўзбек зиёлилари Жалолиддин Румийга бир умрга ошиқ бўлиб қолдилар, десам муболаға қилмайман.

Мавлоно ҳақида юзлаб китоблар ёзилган, аммо шундай гўзал бир роман форс ёки турк тилида ёзилгани ёки ёзилмагани менга маълум эмас. Биз, Румий ворислари мазкур роман учун москвалик ёзувчи Радий Фишга ҳар қанча таҳсин ва ташаккур айтсак, оз. Аслида биз қилишимиз керак бўлган ишни у қилди... Қандини урсин, барака топсин!.. Тўғри, илмий китобларнинг аҳамияти буюк, лекин ёниқ бадийий сўз билан битилган романнинг таъсири ўзгача. Шу нуқтаи назардан «Жалолиддин Румий» романи Туркия ва Эронда ҳам нашр этилса, айна муддао бўлур эди. Роман минглаб китобхонларнинг муҳаббатига сазовор бўлиши шубҳасиз....

Шу роман сурури, аслида Мавлоно Румий шарофати билан 1989 йилда илк бор Туркияга сафар қилдим. Фирот Қизилтуғ, Темир Хўжа, Собир Сайхон, Аҳад Андижон, Урхон Қовунчи, Навзод Ёлчинтош каби ажойиб инсонлар, етук зиёлилар ила учрашдим. Истанбулда, Анқарада бўлдим. Кўниёга бориб, Мавлонони зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлдим. Ҳеч муболағасиз, ҳаётимнинг юксак бурилиши бўлди бу...

Роман таржимасидан сўнг Румий рубоийларига қўл урдим. Унинг рубоий ва ривоятларидан саралаб, Тоҳир Қаҳҳор сўзбошиси ила «Учмоққа қанот йўқ, вале учгайман» тўпламини нашр эттирдим.

Хуллас, Ўзбекистонда румийхонлик ва румийшунослик яна бошланиб кетди. Романни ўқимаган, унга

асир, Мавлонога мафтун бўлмаган кимса қолмади. Романдаги шеърий парчалар, чунончи:

*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул...*

Ёхуд:

*Нарса йўқким хорижий олам эрур,
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур –*

каби байтлар китобларга, мақолаларга эпиграф қилиб олинди. Романда келтирилган ғазалларни машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраев гўзал оҳангларга солиб, қўшиқ қилиб куйлади... Олимларимиз орасидан Ориф Усмон, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олим каби румийшунослар етишиб чиқишди. Ёш ёзувчи Улуғбек Абдуваҳҳоб Мавлононинг «Фиҳи ма фиҳи» («Ичиндаги ичиндадир») асарини туркчадан ўзбекчага ўгирди. Ёш шоир Асқар Маҳкам машҳур румийшунос Обиддин пошшо талқинларига суяниб, «Маснавий» биринчи китобининг бир қисмини сўз-ма-сўз таржимаси ва шарҳи ила нашр эттирди.

Мавлононинг ривоятлар ва рубоийлар китоби ҳам халқимиз томонидан қизғин қаршиланди. Шундан сўнг дўстларимнинг кенгаши ва даъвати ила Мавлононинг шоҳ асари – «Маснавийи маънавий» таржимасига киришдим. Арузга солиб ўз вазни, ўз баҳри, имкони борича ўз қофияси ила таржима қилишга интилдим. Бусиз Мавлононинг ўзига хос оҳангини, юрак зарбини, нафасини бериш мушкул. Ўзбек тилида сақланиб қолган арабий, форсий сўзлар, анъанавий иборалар менга қўл келди. Бугун «Маснавий» нинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи китоблари нашрга тайёр. Аллоҳ соғлиқ берса, бешинчи, олтинчи китоблар

таржимаси ҳам келгуси 2001 йилнинг охирига бориб тайёр бўлади.

Энди Жалолоиддин Румий сабоқлари ҳақида икки оғиз сўз.

Оламдан мақсад – одам, одамдан мақсад – Аллоҳ, Аллоҳдан мақсад – камолот, камолотнинг эса чек-чегараси йўқ. Демак, инсон бу оламда яшаркан, инсони комил бўлмоғи, шунга интилноғи даркор...

Бу – Мавлоно Румий фалсафаси.

Аёлларни қадрланг, уларни эъзозлаган жамият – гўзал ва етук жамиятдир...

Бу ҳам Румий фалсафаси.

Аллоҳ берган энг буюк неъмат – ақл-идрокни ишга сола билган, ақлга суяниб, ҳамиша олға интилган инсонлар ҳам, халқлар ҳам Аллоҳга яқиндирлар...

Бу ҳам Румий фалсафаси...

Биз, ўзбек китобхонлари Мавлоно Жалолоиддин Румий олдида Шарқ олиму алломалари эмас, балки Фарбнинг Гёте, Гегель, Лев Толстой каби даҳолари ҳам бош эгишганини бугун яхши биламиз ва бу билан фахрланамиз.


Бултур Америка Қўшма Штатларида бўлганимда Майами шаҳрида менга бир китоб совға қилишди – «Сўфизм – кўнгил алкимёси»... Лондонда чоп этилган. Бош мавзу – инсони комил фалсафаси, бош қаҳрамон – Жалолоиддин Румий...

Румий таълимоти жаҳон бўйлаб таралиб бормоқда. Румий ижоди ўлмасдир, чунки ул зоти шарифнинг ғоялари, тушунчалари, ақидалари маънавият осмонини ёритган мангу порлоқ машъаладир.

*Мавлоно Румийнинг дил сўзларидан
Ажиб сархуш бўлиб кечди кунларим.
«Маснавий»нинг ҳикмат юлдузларидан
Ёришди, чароғон бўлди тунларим.*

Ажаб денгиз кўрдим, гавҳарлари мўл,
Лекин туб-тубида олмос тушунча:
Ҳар қанча бор эсанг, шунча монанд бўл,
Қанча монанд эсанг, бор бўл ўшанча...

2000 йил, декабрь



ДОСТОН МАСЪУЛИЯТИ

Шоир ўз юрагига термилганда – шеър туғилади, яъни, лирика. Шоир ўз юрагидан кўз узиб, оламга термилганда, юрак ришталарини олам воқеалари билан боғлаганда – достон туғилади, яъни, лиро-эпика. Бу боғланиш диалектик характерга эга бўлади. Шоир қалби ва дунё!.. Улар эпик тасвир ва лирик кечинма сувратида қўл ушлашиб юради. Бири иккинчисини рад этади ва бири иккинчисини тақозо қилади. Ана шу зиддиятли бирлик ёки бирликдаги зиддиятлардан руҳий драма туғилади. Руҳий драма – лиро-эпиканинг қони ва жони. Шунинг учун ҳар бир достонни баҳолашда, унинг замирида бирор руҳий драма ётадимми? – деган савол қўйиш мутлақо табиий. Ана шу саволга ижобий жавоб олингандан сўнг бошқа саволлар келади, чунончи: ўша руҳий драма чинданам муҳим ва ҳаётийми? Оригинал ва табиийми? Жозибадорми, яъни, санъат, нафосат даражасига кўтарилганми? Ўқувчига завқ-шавқ бағишлайдимми?

Бу талаб достончилик хусусиятининг алифбоси ва масаланинг муҳим бир томони, холос. Масаланинг иккинчи томони шундаки, руҳий драма шоир учун мақсад эмас, восита. Ана шу воситага суюниб, ижодкор муайян масалани ўртага қўяди ва ўқувчини муайян маънавий-фалсафий манзил сари етаклайди. Шу нарса кўзда тутилмас экан, достонларни тушуниш ҳам, баҳолаш ҳам қийин. Шу нарса кўзда тутилмас экан, достонларда ғоя ва мазмун, сюжет ва композиция, конфликт ва характер, давр ва қаҳрамон тасвири ҳақида сўз юритиш беҳуда бўлиб қолади.

Ўзбекистон ёзувчиларининг саккизинчи съездидан бери ўтган давр ичида бизда бир талай достонлар яратилди. Булар – Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни», Абдулла Ориповнинг «Ҳаким ва ажал», Шук-

руллонинг «Аср баҳси», Рамз Бобожоннинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Минг бир турна», Жуманиёз Жабборовнинг «Муҳаббат наққоши», Султон Акбарийнинг «Кўкан шўро», Ойдин Ҳожиеванинг «Бўзтўрғай», Барот Бойқобиловнинг «Юлдузли осмон», «Табаррук тупроқ», Муҳаммад Алининг «Муҳаббат», Шукур Курбоновнинг «Беҳзод», Сирожиддин Саидовнинг «Саксонинчи йиллар», ниҳоят, Омон Матжоннинг «Чўлдагилар» деб аталган достони ва бошқалар... Улар мавзу ва мазмун эътибори билан бир хил эмас, санъат ва савия эътибори билан бир-биридан фарқ қилади. Уларда бугунги ўзбек достончилигининг ютуғи ҳам, қусури ҳам акс этиб туради.

Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни»га Ҳиндистоннинг оташин шоири Назрул Ислом қисмати асос қилиб олинган. Буюк ва аянч бир қисмат! 1926 йилда Калькуттада кўтарилган ғалаёнда қатнашгани учун шоир ҳақсиз айбланиб, ҳибсга олинади. Ўшанда у ўттиз беш ёшда эди. Жисмоний қийноқлар, руҳий изтироблар шоирни эс-ҳушидан айиради. Зиндондан озод бўлгач, у яна қирқ йил яшайди: лекин руҳсиз тан, қуруқ тана бўлиб... Достон ана шу ҳақда. Унинг замирида ана шу фожиа ётади. Бу – шоир ва муҳит, истейдод ва истибдод ўртасидаги драма. Дунёда ҳамма дардга чора бор, лекин...

Лек оламда бир дард борки,

Унга сира нажот йўқ.

Бу азобга ким дучорки,

Унга кун йўқ,

Ҳаёт йўқ.

Бу шоирнинг дилин эзган

Истибдоднинг дардидир.

Юракдан қон бўлиб сизган

Истейдоднинг дардидир.

Бу гап дебочада айтиляпти. Бу ҳозирча деклорация. Лекин у қадам-бақадам бадиий тасвир тусини олади, ҳаётийлик касб этади, бизни ўз оқимига тортади. Биз истибдод муҳитига тушамиз ва истеъдод дардини чекамиз.

Асардаги қатор боблар бир-бирига уланиб, яхлит бадиий тўқима, тугал дostonни юзага чиқаради: шоир қисмати, шоирлик бурчи ҳақида гўзал бир дoston! Боши ҳам, охири ҳам аён. Қиссаси ҳам, фалсафий ҳиссаси ҳам тайин. Дoston охирида лирик қаҳрамон муаллифга шундай мурожаат қилади:

Тақдирингдан сенга дунё
 Роҳатларин сўрмасман.
 Ўз қисматим
 Сенга аммо
 Сира раво кўрмасман,
 Сақла, – дейди, – юрак кўринг,
 Дил оташинг сўнмасин...
 Умринг адо бўлмай туриб,
 Чўфинг адо бўлмасин.

«Руҳлар исёни» – ўзига хос асар. У Эркин Воҳидовнинг бошқа дostonларига ҳам ўхшайди, ҳам ўхшамайди. Тилнинг равонлиги ва оҳангдорлиги, ташбеҳларнинг рангинлиги ва тиниқлиги, хаёл ва тўқиманинг энгил парвози, нафис қочиримлар, ингичка ишоралар «эркинчасига» мана мен, деб туради. Ранго-ранг ривоятлар ва улар сўнгида ҳар гал шоирнинг «Кел, эй кўнглим» дея воқеага ўзи кириб келиши дostonнинг жозибасини оширади, унинг лирик ҳароратини кучайтиради. Ўрни келганда айтиш керакки, бу – дostonчиликда қадимий усул. Навоий дostonларини эсга олинг: у Фарҳод ёки Мажнун қисмати билан боғлиқ воқеаларни қаламга оларкан,

ҳар гал боб охирида воқеага ўзи аралашади, гўё қаҳрамон билан бирлашиб кетади. А.С. Пушкин «Боқчасарой фонтани» достони сўнггида Боқчасаройга келиб, уни сайр қилиб юраркан, тўсатдан унинг кўз ўнгидан бир шарпа кесиб ўтгани ҳақида тўлқинланиб ёзади ва шу билан дostonдаги ҳаяжон даражасини оширади... Эркин Воҳидов ана шу усулдан усталик билан фойдаланган.

Абдулла Ориповнинг достони ҳам руҳий драмага суянади. Бу унинг сарлавҳасиданоқ кўриниб турибди: «Ҳаким ва ажал».

Руҳий драма тасвири учун шоир Абу Али Ибн Сино ҳақидаги афсоналарни асос қилиб олади. Бу афсоналар кўпдан бизга маълум. Лекин Абдулла ана шу маълумнинг номаълум қирраларини очади. Зеро, санъаткорнинг санъаткорлиги ҳам шунда. «Руҳлар исёни» да истеъдод ва истибдод фожиаси бўлса, бу ерда олим ва зулм, заковат ва қабоҳат драмаси. Достон содда, ўлчовли мисралар билан, босиқ оҳангларда бошланади:

*Жуда қадим замонларда, минг йилча бурун
Бухоронинг шундоққина Афшонасида
Яшар эди ғоят закий битга ўспирин,
Тенгдошлари қаторида ҳали расида...*

*Чорва билан машғул эди ота-онаси,
Тирикликдан камтаргина ком олган эди.
Лекин шундоқ оиланинг ўша боласи
Ёш бошидан Ҳаким дея ном олган эди...*

Шундан сўнг таниш афсона шеърга солиб, нақл этилади: Бухоро подшосининг қизи касал бўлиб қолади. Ёш Ҳакимни саройга таклиф қилишади. Маликани даволаш асносида у подшо кутубхонасига киришга

муваффақ бўлади. Малика ва Ҳаким орасида меҳр ва ихлос учқунлари чақнайди. Лекин ўртага адоват аралашади. Вазирнинг ўғли бўлмиш Мирзо кутубхонага ўт қўйиб Ҳакимга тўнкайди. Ҳаким бадном этилиб, Бухородан қувғин қилинади. Аммо Мирзо ҳам қуруқ қолмайди. Кирдикори маълум бўлиб, у ҳам юртидан ҳайдалади. Бу муртад сарсон-саргардонлик ниҳоясида Ҳамадонга келиб, бу ерда буюк ҳаким ва вазири аъзам сифатида шуҳрат қозонган собиқ рақиби – Ибн Синога сиғинади, гуноҳлари учун тавба-тазарру қилади. Барча софдил одамлар сингари Ҳаким унинг узрини маъзур тутиб, ўз паноҳига олади. Лекин ағёр ағёрлигини қилади. У энг сўнгги дақиқада Ҳакимга чап беради, йўқ, чап беради эмас, унга ҳаёт бағишловчи дору солинган шишани ерга уриб, чил-чил синдиради... Шу ерга етганда дoston таниш афсоналикдан чиқиб, кескин бир поғона кўтарилади. Мирзо қиёфасида афсонадаги ҳасалчи оддий шогирд эмас, балки Ҳаким умр бўйи енгилга чоғланган Ажал тимсоли намоён бўлади. Лекин у – ғайритабиий, мавҳум бир куч эмас, ўша давр муҳитидан туғилган, ўша муҳит табиати билан йўғрилган маълум конкрет шахс, балки социал тип.

Яқин келди Ҳакимга у секин гувраниб,

Кўзларида ёнар эди олов бешафқат.

– Тингла, – деди, – кимлигимни энди ол таниб.

Кушандангман, етди менга охири навбат.

Хуллас, у ўзини танитади ва гўёки тантана қилади:

Айт-чи энди, қай биримиз йиқилган, йиққан?

Қани, мени енгиб кўр-чи, ажал мен ўзим.

Мен – иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,

Сен – закосан, йўқдир сени кўрарга кўзим.

Мен бермайман бул доруни, – шундоқ деб Мирзо,
Остонага урди чил-чил, битди матлаби.
Сўнгра хилват бу маскандан бесас, бесадо,
Чиқиб кетди бурилганча улкан қурт каби...

Афсона тугади. Аммо шоир давом этади. Шунчаки давом этмайди, йўқ, дoston хотимасини янги умумлашма даражасига кўтаради. Энг сўнгги дақиқада ҳам хиёнатга учраган Ҳаким ўлим тўшагида, борлиқ билан йўқлик орасида ётибди, фақат кўзлари уйғоқ, кўзлари тирик.

Шогирдларнинг умри кечди унга термилиб,
Ҳаким кўзин тарк этмади нурли нишона.
Охир бир кун ундан рози насллар келиб,
Тепасида кўтардилар улкан кошона.

Кўникдилар асрлар ҳам тақдир ишига,
Салтанатлар келиб кетди такрор ва такрор.
Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига
Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор...

Эҳтимолки, қай бир шоир шу ерга етиб, нуқта қўйган бўларди. Лекин Абдулла Орипов ана шу фалсафий хулосага ёрқин бир ташбеҳ улаб, ниҳояга ўзига хос ранг ва нолиш бериб юборади. Ўлим тўшагида ётган Ҳакимнинг умри абадиятга туташади:

Бу сукутнинг тугайдиган замони йўқдир,
Бу умрнинг поёни йўқ, у вақтдан холи.
Кўрадию, сўзлай деса, забони йўқдир,
Эшитади, турай деса, йўқдир мажоли...

Хуллас, ривоятлар, афсоналар кейинги йилларда яратилган дostonларимизни воқеабандлик билан бе-зади, тарих ҳақида, ҳаёт ҳақида сўз, фикр юритишга яхши баҳона ва дастак бўлди.

Дарвоқе, кейинги пайтларда яратилган дostonлар ичида, бир томондан, воқеабандликдан холи, аммо, иккинчи ёқдан, мулоҳаза, мушоҳадага сероблари ҳам учрайди. Шукруллонинг «Аср баҳси» дostonи йигирманчи асрнинг суръат ва шиддатлари, заҳмат ва муаммолари ҳақида. Илм ва техника инқилоби изидан қувиб, она тупроқдан узилиб қолмаяпмизми? Табиатни забт этаман деб табиатдан йироқлашиб кетмаяпмизми? Фанний, иқтисодий ютуқларни ўйлаш билан банд бўлиб, инсоний, маънавий бурчларимизни фаромуш этиб қўймапмизми? Инсоннинг инсонлиги нимада? Дунёнинг дунёлиги нимада? Нега унинг бошига ҳалокат хавфи соя солиб турибди? Дoston ана шу хусусиятларда баҳс этади.

Сирожиддин Саидовнинг «Саксонинчи йиллар» дostonи «Аср баҳси» га ҳамоҳанг бўлиб янграйди. Бу – дostonчилигимизда янги, навқирон овоз. Ишончга, орзу-умидларга, эҳтиросга бой овоз. Бир қарашда қовушмаган бўлиб кўринувчи сатрларни қовуштирувчи ҳам ана шу эҳтирос.

Вақтга ҳайкал қўйиш пайти ҳам етди,

Фасллар юлқинар қучоқларимдан.

Йиллар ҳайқирмоқда оёқларимдан,

Не тақдир бор эди –

Юракни туртди.

Ўтди. Ўтди. Ўтди.

Вақтга ҳайкал қўйиш пайти ҳам етди.

Сирожиддин замон, ҳаёт ва авлод ҳақида ёниб, энтикиб сўзлайди. Бу катта ва кенг қамровли тушунчалар ҳақида самимият, ҳаттоки масъулият, соддадиллик билан битилган мисралар жозибали жаранглайди:

«Краз»лар гурлайди Тўполон дарёда,
Оҳулар руҳимга беркиниб ётди.
Хомуш хўрсинади Ҳисор тоғлари,
Вақтга ҳайкал қўйиш пайти ҳам етди.
Тошкент телеминораси сингари сурур
Юксалиб юлдузга, осмонга етди.
Фоний ҳасрат эмас – Олий Орзудан,
Ўткинчи ғам эмас – Юксак Ишончдан,
Туғёндан,
виждондан,
гиёҳдан, тонгдан,
шабнамдан,
қасамдан,
севги,
қувончдан
Вақтга ҳайкал қўйиш пайти ҳам етди...

Кўз ўнгимизда мўъжиза рўй беради: шеърят мўъжизаси. Биз ёш шоирга бошда ёш фолбинга қарагандай, бир оз ишонқирамай, ҳам бир оз қайишиб, шафқатланиб қараймиз. Мана, у дастлабки калималарни ғўлдираб айта бошлайди. Лекин овози борган сари тетиклашади, сўзлар занжирдек уланиб, оҳанг юксала боради.

Қироат тарзида, машқ тарзида айтилаётган мисралар қаторига чуқур фалсафий мушоҳадалар келиб қўшилади. Ёш шоир оз эмас, кўп эмас, башарият тарихини идрок этишга, идрок этиб, уни бизга ўзича тақдим қилишга интилади. Ўқиб, ҳайратланамиз...

Абадият оғриғидан пайдо бўлдим мен,
 Башарият тарихидан барпо бўлдим мен.
 Мен йиллар кўрганман – бағирлари тош,
 Кўзлари,
 Сўзлари,
 Тақдирлари тош.
 Не шоҳлар,
 қасрлар кечди бошимдан,
 Бемехр асрлар кечди бошимдан.
 Асрлар!
 Асрлар!
 Асрлар бўйи
 Софлик ва Адолат излабон ўтдим.
 Ўгай фарзанд уйдан кетгандай,
 Асрлардан бош олиб кетдим...

«Саксонинчи йиллар» достони Замин ҳақида, ҳаёт ҳақида, Инсон ҳақида дард чекиш, кайғуриш руҳи билан йўғрилган. Унда бугунги безовта ўйларимиз, бетиним ташвишларимиз, беором орзу-умидларимиз, тилак ва армонларимиз акс этиб туради.

«Аср нидоси» ҳам, «Саксонинчи йиллар» ҳам дoston – монолог. Қаноти – эҳтиросли мулоҳаза-мушоҳада. Бу – давр белгиси. Зеро, давримиз – ўйчан, мулоҳаза-кор, мушоҳадакор давр. Бироқ баъзи дostonларда эҳтирос тугайди-ю, мулоҳаза-мушоҳада давом этаверди. Айрим дostonлар эса бошдан-оёқ эҳтироссиз мулоҳаза-лардан иборат. Ҳатто биз юқорида яхши деб қайд этган дostonларда ҳам мулоҳаза-мушоҳада қатлами бор. Ҳолбуки, дoston лиро-эпик жанр, шоир унда сўз билан суврат чизиши, айтмоқчи бўлганларини нақл қилиб, баён этиб эмас, образлар воситасида гавдалантириб, кўрсатиб бериши керак. Тавсиф эмас, тасвир керак. Баён этиш эмас, конкрет аён этиш керак. Руҳий ҳолатлар суврати керак. Шундагина дostonга устун

бўлиб хизмат қилувчи руҳий драма чуқур очилади, кенг инкишоф этилади. Ҳозирги кўплаб дostonларимизда психоанализ оқсайди, сўз қаҳрамонининг руҳий ҳолатини очмайди, балки унинг сиртидан сирғалиб ўта беради. Шу маънода ҳаммага маълум гапларни қофияга солиб, дoston деб тақдим этиш тажрибаси ҳам бизда йўқ эмас.

Барот Бойқобиловнинг «Табаррук тупроқ» дostonи Самарқандга бағишланган. Унда машҳур Регистон ансамблининг таъмир этилиши ҳақида сўз боради. Ички сарлавҳаларни ўқиб, руҳингиз кўтарилади: «Феруза гумбазлар», «Тўфонли хаёллар», «Ҳайратли ҳикматлар», «Саодатли орзулар», «Собит қадамлар», «Нурли нидолар», «Пайваста чинорлар»... Аммо бу боблар бошига келинчакларнинг заррин рўмолларини танғиб олган кампирларга ўхшайди: уларда бадий кашфиёт йўқ, ўша-ўша эски гаплар... Бундан ташқари, узундан-узоқ чўзилган, чайналган гаплар. Чунончи:

*Сен – менинг асалу шакар қандимсан,
Сен – менинг ватаним, Самарқандимсан...*

Ҳаммаси ана шу савияда. Бу қусур муаллифнинг бошқа бир дostonи – «Юлдузли осмон»да ҳам кўзга ташланади.

Дoston Алишер Навоийнинг болалиги ҳақида. Ҳирот. Фиёсиддин Кичкина хонадони. Алишернинг туғилиши. Ёш ота-онанинг қувончи. Алишернинг гўдаклик, болалик йиллари. Унинг мактабга бориши. Илк заковат учқунлари. Шоҳруҳ Мирзонинг ўлими. Шаҳзодаларнинг тахт таллашиб, жанжал-низо қилишлари. Нотинч Ҳирот. Фиёсиддин оиласининг Ироққа бош олиб кетиши. Йўлда Шарафиддин Али Яздий билан учрашув. Ҳиротда тинчлик-осойишталикнинг қарор топиши. Ватанга қайтиш. Йўлда Алишерни мудроқ босиб, отдан йиқилиб тушиши

ва чўлда адашиши. Уни топиб олган ота-она ва қавму қариндошларнинг севинчи ва шукронаси. Ҳиротга етиб келиш... Достонда бор гаплар – мана шулар. Булар бизга маълум гаплар-ку, дейди ўқувчи. Тўғри, Ойбек, Миркарим Осим ва бошқа ёзувчиларнинг асарларидаги ҳаммамизга аллақачон маълум бўлган гаплар. Бас, уларни яна бир бора қаламга олишнинг нима кераги бор? Хўш, шоир бор ва маълум гапларни яна бир бора қаламга олишга ҳақли эмасми? Бир карра эмас, ўн карра қаламга олишга ҳам ҳақли. Фақат бир шарт билан. У ҳар гал ўзидан олдинги асарлар билан муСОБАҚА қилиши, ўшаларга етказиб, ўшалардан ўтказиб, ўз гапини айтиши лозим. Маълум гапларнинг янгича талқини, янгича бадиий инкишофи керак. Шундагина у мустақил, оригинал асар яратдим, дейишга ҳақли бўлади. Масалан, «Мирзо Улуғбек» драмасидан сўни «Улуғбек хазинаси» романи пайдо бўлди. Ёзувчи Одил Ёқубов драматург Мақсуд Шайхзода билан ижодий мусобақа қилиб, масалани ўзича ҳал этди, мазмунини янгича аспектда ёритди. Бироқ Барот Бойқобилов устозлар – Ойбек ва Миркарим Осим билан ижодий мусобақага киришиб, шундай натижага эришди, деб айта олмаймиз.

Устозлар билан ижодий мусобақа масаласи шоир Рамз Бобожон олдида ҳам кўндаланг бўлди. Зеро, Юсуф ва Зулайҳо ҳақида Абдурахмон Жомийнинг форсий, Дурбекнинг туркий достонлари, машҳур немис ёзувчиси Томас Маннинг «Юсуф ва унинг оғалари» деган эпопеяси бор. Шундоқ экан, бу қадимий афсонани қаламга олган муаллиф ўшалардан фарқли ўлароқ, ўқувчига янги ва теран гаплар айтиши шарт эди. Ахир афсонадан мақсад афсона айтиш эмас-ку. Алишер Навоий Лайли ва Мажнун афсонасини шеърга солиб таъкидлаган эди:

Ғимоққа бу ишқи жовидона,
Мақсулим эмас эди фасона...

Ҳана Навоий:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Ниломий панжасига панжа урмоқ –

Дегилми ҳам ана шу ижодий мусобақани кўзда тутган
ми. Замондош шоиримиз «Юсуф ва Зулайҳо» деган
дхстон ёзиб, устозлар панжасига панжа урмоққа шай-
лагани... Лекин уролмади. Гапни чўзиш ва чайнаш,
улулидан узоқ баёнлар, мисраларнинг бепардозлиги,
қилинган сатрлар гўзал афсонани жозибадан маҳрум этиб,
киралаштириб қўйган. Гап маҳорат масаласига бориб
тақдлади. Кўп соҳаларда ўртача маҳоратга эга бўл-
гани, бас, ишинг юришаверади. Бу ҳақда бундан бир
неча кўз йил олдин Буало ўхшатиб айтган эди: ўртача
қилинган бўлсанг – яхши, ўртача темирчи бўлсанг ҳам
– яхши, ўртача нонвой бўлсанг ҳам – яхши... бироқ...

Бироқ шеъриятда бу йўл бедодлик,
Ўртача бўлишлик – беистеъдодлик...

Хуллас, шеъриятда ўртача маҳорат кифоя қилмайди,
юксак маҳоратга эга бўлиш керак. Бунинг йўли битта:
бўлиш урганиш, ўз-ўзига қаттиқ талабчан бўлиш. Ўлмас
достолилар яратган шоирларимиз асарни қандай бошлаш-
гани, қилилай тартиб беришган – шунга алоҳида диққат
қилиш керак. Чунончи, Алишер Навоий «Қуш тили»
дхстонида: «Жон қуши чун талқини роз айлағай...» деб
бўлиниган экан, бу бежиз эмас, асосий ғоя, лейтмотив-
га ишорат ишора. Шоир ҳам сеҳрбозга ўхшайди. Бор
қилинишни бирйўла кўрсата қолмайди, балки жиндак,
шунга шунга сеҳру амал кўрсатиб, сизни сеҳрига олади.
Олим Хожиевнинг «Бўзтўрғай», Шукур Қурбоновнинг

«Беҳзод» дostonларида ана шу сеҳрбозлик етишмайди. Ҳамма нарса яланғоч, асар ниҳоясига етмасданоқ бор гап айтиб қўйилади.

«Бўзтўрғай» да оддий қишлоқ қизининг етук санъаткор даражасига ўсиб етишгани ҳикоя қилинади. У консерваторияда ўқийди. Юнус Ражабийдан таълим олади, чет элларга гастролларга боради. Бу гаплар ўқувчига тасвир орқали эмас, тавсиф орқали етказилади. «Беҳзод»да машҳур рассом Камолиддин Беҳзод ҳаётининг оғир дамлари қаламга олинади. Лекин дoston қиёмега етмаган, уни дoston эскизлари дейиш мумкин. Ҳар иккала асарда ҳам конфликт танлаш, бўлақларни ўзига хос тартиблаб, бир бутун қилиб уюштиришда заифлик сезилади.

Бир-биридан йироқ нуқталарни қовуштириб, бир зарбга йиғиш учун билим, тажриба, шеърый иқтидор керак. Омон Матжоннинг «Чўлдагилар» дostonини ана шундай асар дейиш мумкин.

Шоир баланд бир нуқтада туриб, ғоят муҳим, ҳаётий мавзуга қўл уради ва уни турли томондан ёрита олади. Дostonда Мирзачўл орқали биз ўтмишга ҳам, ҳозирга ҳам, келажакка ҳам кўз соламыз. Асар ўзига хос фалсафий пафосга эга. Шоир чўл баҳонасида кўплаб «чўллар»ни бизга кашф этиб беради.

Кунлардан йиллар, йиллардан асрлар туғилади. Лекин кунлар адабиёти, йиллар адабиётидан ҳаммиша асрлар адабиёти туғилавермайди. Асрлар адабиётини яратиш, умрбоқий асарлар ижод этиш – буюк ва гўзал орзу. Шоирларимиз ана шу орзу йўлида ғайрат билан меҳнат қилишмоқда.

1987 йил, май

ДРАМА – РУҲИЙ ОЛАМ КАШФИЁТИ...

«Ўзбекистон маданияти» газетаси ўз саҳифаларида «Драматург, режиссёр ва театр» деган мавзуда ижодий мунозара ташкил этиб, хайрли иш қилди. Аммо мунозара-мунозарадек бўлса, қай бир жиҳатлари билан камида баҳор ҳавосига ўхшаб кетса, яхши. Майли, булутлар чақмоқ чақсин, майли момақалди роқ гумбурласин, майли сел-жала куйсин, аммо алал-оқибатда куёш чарақлаб чиқсин, яъни, кўпчилик интиқиб кутган ҳақиқат аён бўлсин, масаланинг асл моҳияти очилсин. Лекин баҳс зинҳор-зинҳор осмонини кўрғошин булут қоплаб, ёмғир гоҳ томчилаб, гоҳ шивалаб турган куз ҳавосига ўхшамасин.

Биз драматургия бадиий ижоднинг гултожи эканини қалбан ҳис этиб, унга абадий камолот белгиси сифатида қараймиз. Уйлаймизки, бу туйғу баъзи фикр ва мулоҳазаларимизни айтишга маънавий ҳуқуқ беради.

Газета саҳифаларида давом этаётган мунозарала айримлар театрларимиз қолоқ, сабабки, драматургларимиз ношуд деса, айримлар режиссиёр ва актёрларимиз ноқобил, демоқдалар. Чиндан ҳам шундоқмикин? Шундоқ бўлса, нега шундоқ? Буни ўйлаб кўриш керак.

Айрим ўртоқлар томошабин театрга бормаяпти, сабабки, унинг савияси паст, уни тарбиялаш керак, деган фикрни айтмоқдалар. Бу гап бугун айтилаётгани йўқ, неча йиллардан бери такрор-такрор айтилиб келаяпти. Чиндан ҳам шундоқмикин? Шундоқ бўлса, нега шундоқ? Нега 30-йилларда савияси баланд бўлган томошабин 80-йилларга келиб савияси паст бўлиб қолди? Бунга ишониш қийин.

Бизнингча, «мушт кетди» қилиб, айбни ҳадеб бир-бирига ошираверишдан осони йўқ. «Совет Ўзбекистони санъати» журналида уюштирилган суҳбатда ҳам шу аҳвол кўзга ташланди. Драматурглар режиссёр ва актёрлар-

ни, режиссёр ва актёрлар драматургларни айблашди. Аммо нега театрларимиз оқсаяпти? Томошабинни жалб этолмаяпти, деган асосий масала жавобсиз қолаверади. Бизнингча, бу саволга дарҳол жавоб бериш мумкин. Томошабин театрга бормаётган экан, бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Томошабин театрга, айримлар ўйлаганидек, савияси пастлигидан эмас, аксинча, савияси баландлигидан бормаяпти. Ҳа, ишонаверинг, савияси баландлиги туфайли! Бу ўринда Москва ва Ленинград (Санкт-Петербург) томошабинларини орзу қилган айрим санъатчи ўртоқларга эътироз этгимиз келади: Сизку Москва ва Ленинград томошабинларини орзу этиясиз, аммо томошабинлар ҳам Москва ва Ленинград театрларини орзу қиллишаётган бўлса, нима дейсиз? Бизнинг томошабинларку, сизнингча, Москва ва Ленинград томошабинлари ўрнини босолмаётган экан, аммо сиз ўз маҳоратингиз билан ўша театрлар ўрнини боса оласизми? Такрор айтамикки, томошабинларимиз театрларга бормаётган экан, бу – уларнинг савияси баландлигидан бир нишона. Бу мулоҳаза айримларга ғалати туюлиши мумкин, шунинг учун жиндек изоҳ беришга тўғри келади.

Кейинги ўн-ўн беш йил ичида кино ва телевидениенинг кескин тараққиёти туфайли ўзбек томошабинлари жуда улкан томоша залига кириб боришди. Уларнинг кўз ўнгидаги «томоша саҳнаси» Республикамиз чегараларидан чиқиб, Иттифоқ қадар, ҳаттоки жаҳон қадар кенгайди. Улар Иттифоқимизнинг машҳур санъаткорлари, жаҳон санъат усталарини (спектаклдир, бадийий фильмдир) тез-тез кўрадиган, ўшалар устида фикр, мулоҳаза юргизадиган, ўзларининг диди, савияси, эҳтиёж ва талабларини ўшаларга пешлаб, ўшаларга ростлайдиган, ўзимизнинг маҳаллий муаллифларимиз асарларини ўшалар тарозисида, ўшалар тоши билан тортиб кўрадиган бўлишди. Хўш, натижа нима бўлди?

Натижа шу бўлдики, томошабинларимиз ўша Иттифоқ ва жаҳон саҳнаси асарларидан оладиган баҳрани аксар ҳолларда маҳаллий асарлардан ололмайдиган бўлиб қолди, охир-оқибат ҳафсаласи пир бўлиб, театрдан оёқ узди. У телевизор олдига ўтириб, Москва артистлари ижросида спектакль кўришни ёки бўлмасам кинога тушиб, жаҳонга машҳур актёрлар иштирок этган бадиий фильм томоша қилишни афзал деб билди. Рост-да, шундоқ ёнгинасида қулинг ўргилсин ош турганда, сизнинг шолғом шўрвангизга қиё боқадиган анойи йўқ... Бироқ айрим бир шолғом шўрваларни ҳўплаб-ҳўплаб ичишяпти-ку, деб эътироз этишлари мумкин. Тўғри, шундоқ томошабинлар ҳам бор, аммо у тоифа театрга олий санъат деб эмас, эрмак деб қарайди. Ўшалар ичишяпти шолғом шўрвани. Жиддий, ҳақиқий томошабин эса унга қиё ҳам боқмай, бир чеккада турибди. Бас, томошабин савиясини театрларимиз савиясига тушириш эмас, аксинча, театрларимиз савиясини томошабин савиясига, унинг талаби даражасига кўтармоқ даркор. Албатта, томошабинни тарбиялаш керак, бу узлуксиз жараён, аммо унутмайликки, томошабинни тарбиялайдиган мактаб – яна театрнинг ўзи.

Ҳа, театрларимиз, юқорида айтилган сабабларга кўра, катта мусобақа майдонига, таъбир жоиз бўлса, рақобат майдонига тушди. Катта майдоннинг тоши ҳам, талаби ҳам катта. Ана шу тош ва талабларга ҳамма ҳам бардош беравермайди. Турли-туман нолишлар, бир-бирини айбсйтишлар ана шу туфайли бўлса керак. Бизнингча, ўзаро таъна ва дашномларни тўхтатиб, ушбу масала устида баҳамжиҳат бош қотириш зарур. Бугунги томошабин тунов кунги томошабиндан фарқ қилади. У саҳна асари «иттифоқ стандарти», балки «жаҳон стандарти» даражасида эмас экан, унга қайрилиб боқмайди. Ана шу жиҳатни чуқур мулоҳаза қилиш даркор.

Бадий асарда, бинобарин, саҳна асарида ҳам юк-сак даражага ҳар сафар янги руҳий олам кашфиёти билан эришилади. Томошабин кўзи ўнгида янги руҳий олам очилмас экан, у ўзининг теран ҳақиқати, балки ҳақиқатининг жозибаси билан томошабинни ҳайрат ва ҳаяжонга чулғаб, ларзага солмас экан, у театр залида кечган умрини зое деб ҳисоблайди. Бизда руҳий оламдан йироқ пьесалар озми? Аён гапларни баён қилишдан иборат драмалар йўқми? Ясама коллизиялар, бошдан-оёқ уйдирмага асосланган спектакллар қаёқдан пайдо бўляпти? Бунинг сабаби нимада?

Сабабки, катта истеъдод эгалари драматургия билан жиддий равишда шуғулланмаяпти. Бунинг оқибатида, бу соҳага ҳар хил ўткинчи, омалсиз кимсалар кириб қолиб, турли паст- баланд гапларни кўпайтириб, чувалатиб юришибди. Газетада давом этаётган мунозарани ўқиб борган киши анчагина ғаройиб, айтиш мумкинки, бирёқлама гапларга дуч келади. Гап шундаки, мунозаранинг баъзи иштирокчилари бамисоли Насриддин афандидек, ўзи турган супани санамай, битта супа қаёққа ғойиб бўлди экан, деб турганга ўхшайдилар. Яъни, улар театр соҳасидаги етишмовчиликларни гоҳ режиссёрдан кўрадилар, гоҳ буларнинг бош гуноҳкори маданият вазирлигида деб, барча айбни ўша ёққа тўнкамоқчи бўладилар. Ҳолбуки, ўша етишмаётган супа ўз оёқлари остида, яъни у театр томошасининг асоси бўлмиш драматик асарнинг ўзидир. Агар драма ҳозиргача адабий асар ҳисобланиб келаётган бўлса, кейинги йилларда пичоққа илинарлик пьесалар кам ёзилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Саид Хўжаев ва Аҳмаджон Эшонқулов «Саҳна истиқболини ўйлаб» мақоласида: «Репертуар редакцион коллегияси жавонларида... бошқа республикаларда, қолаверса, ҳатто чет элларда қўйилса арзийдиган асарлар ётибди», деган гапни ёзишибди. Ажабо,

шундоқ классик асарлар ёзилган бўлса-ю, бошқалар бундан беҳабар, наинки, беҳабар, балки қаршилиқ қилаётган бўлса! Бу, бизнингча, ишониб бўлмайдиган бир гап. Яхши асарнинг қаноти ўзида бўлади. Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» асари бутун Иттифоқ бўйлаб тарқалиб кетди. Албатта, муаллиф Иттифоқ театрларига асарини ўз қўли билан тарқатиб чиқмагандир. Асарнинг ўзи ҳали қўйилмаган, бўш бўлса, бунга нега энди ўша ёзган муаллифнинг ўзи эмас, балки режиссёр ва Маданият вазирлиги айбдор бўлади? Антиқа гаплар!

Биз драматургия ва театр ҳақида мунозара юритганда, бўш асарини шаҳарма-шаҳар қўлтиқлаб юрадиган баъзи ҳаваскорларнинг гинахонлигини эмас, балки ўзбек драматургиясининг олий мақомини белгиловчи, унинг истиқболи ҳақида жиддий равишда қайғурувчи, каттакон адабиётимизнинг манфаатларини кўзлаб гапирувчи маллифларнинг асарларини эътиборга олмоғимиз шарт.


Икки оғиз гап актёрларимизнинг тил маданияти хусусида. Тил маданиятини астойдил эгаллаган, ёрқин истеъдод соҳиби бўлмиш актёрларимиз бор. Аммо аксарият таланти ёш актёрларимизга сўз сезгиси, сўз севгиси етишмаяпти. Ҳа, сўз сезгиси ва севгиси! Шоир ва адиб сўзни нақадар жону дилдан кечиниб қаламга олса, актёр ҳам шундоқ теранлик ила сўзни дилида эъозлаб тилига келтирмоғи зарур. Фақат шоир ва адиб эмас, режиссёр ва актёр ҳам тил олдида маъсул, тил жонкуяри, тил намояндаси ҳар бир сўзнинг ўттиз икки қиррасини юракдан ҳис қилувчи заршунос бўлмоғи даркор. Рус актёрлари шеър ўқиса, назокат ва фасоҳат барқ уриб туради. Нега? Негаки, улар тилни ҳис қилишади, тил дарёсида эркин сузишади. Бизнинг айрим ёш актёрларимиз шеър ўқиркан, ромчи ром очгандай, гўлдирайди, холос. Шеър бўлиб

шеърга, наср бўлиб, насрга ўхшамайди. Сабабини сўрасангиз, саҳнада шеър ўқиш шунақа бўлади, бизга шундоқ ўргатишган, деб жавоб беришади. Ажабо, шеърхонлик шеър оҳанги, ҳамма жойда бир хил қотиб қолган қолип эмас, балки ҳар бир тилнинг ўз табиати билан белгиланишини наҳотки тушунишмаса? Бу соҳада қадим анъаналаримиз, қолаверса, Аброр Ҳидоят, Олим Хўжаев каби устоз санъаткорларимизнинг сабоқлари мавжудлиги наҳот инobatта олинмаса? Тилимиз саҳнада олмосдай жарангласин деймиз. Шундагина у ҳар бир сўзга юкланган тафаккур ва тасаввур маҳсули бўлмиш маънавий бойликни юракларга етказа олади.

Қўлимизга Республика театрларининг 1980 йил дастури тушди. Унда ўзбек драматургларининг 43 асарини саҳналаштириш кўзда тутилган. Қирқ уч янги асар! Суръат ёмон эмас, энди сифатини ўйлаш керак. Сифат эса юқорида айтганимиздек, теран руҳий олам, теран ҳақиқатлар кашфиёти билан боғлиқ.

Томошабин шундай кашфиётларни орзиқиб кутади.

1979 йил, июнь



«ҚИЗИЛ, СОРИФ, ЯШИЛ...»

Алишер Навоий ғазаллари – гўзаллик мулкининг мангу сўлмас чечакларидир. Уларда ишқ бор – алам бор, дард бор – фараҳ бор. Беором, оташин қалбнинг буюк талпинишлари, юксак, олижаноб руҳнинг бетакрор сувратлари, манзаралари... Мана, салкам беш юз эллик йилдирким, бу ғазаллар қадимий Шарқ самосида жаранглаб, юракларда акс садо беради. Тонгми ё оқшом, яқинданми ёки йироқдан баногоҳ:

Навоийё, неча булбул каби наво қилсанг...

деган жон ўртагич наво қулоғимизга келиб уриларкан, ҳар гал ажиб бир сурур қўйнида қоламин, уни жон қулоғи билан тинглаб, чуқур бир хўрсиниқ илатин оламин...

Навоий ғазаллари – маъно ва тафаккур, хаёл ва тасаввурнинг авж пардалари, учқур парвозлари, сўнгсиз жилвалари, демакдир... Уларни баҳолаш, талқин этиш учун биз, фақирларга Навоий етуклиги даражасига кўтарилиш йўл бўлсин, лекин ҳар ҳолда ҳазратнинг маънавий дунёсига яқинлашиш, унинг камолига эргашиш шарт. Шу маънода Навоий ижоди буюк бир кўзгудирким, ҳар кимса унга кўз солиб, кўзи илғаганча кўрар, у бир хазинадирким, ҳар киши унга қўл чўзиб, қурби етганича олар... Навоий ҳар битта байти замирида бир, уч, беш ёки ўнлаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўнлаб талқинлар туғилиши муқаррар. Уларнинг қирралари, чизгилари, товланишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Бирйўла қамраб олиб бўлмайди. Дунёни бир қарашда қамраб ёки битта талқинга сиғдириб бўлмаганидек... Лекин Навоий дунёқарашининг бош устунни бор. У шоир

дунёсини, унинг осмондек азамат гумбазини бошида тикка кўтариб туради. Бу – тасаввуф таълимоти, нақшбандийлик тариқати. Шоир фалсафаси ана шу таълимот, ана шу тариқатга суянади. Бу таълимот ва тариқатнинг қисқача мазмуни шундай:

Оламдан мақсад – одам, оламдан мақсад – Худо, Худодан мақсад – камолот, камолотнинг йўли эса чексиз, бу йўлга чиққанлар «ҳақиқат йўлчилари» аталиб, ишқ-муҳаббат уларга раҳнамо бўлмай... Алишер Навоий олам ва одамни ана шу нуқтаи назардан кузатади ва идрок этади, бошқача айтганда, у олам марказида одамни, одам сиймосида оламни кўради, олам ва одам бирлигида эса «ҳусни мутлақ», «меҳри мутлақ» қуёшининг ранг-баранг шуълаларини кўриб, ҳайрат ва ҳаяжонга тушади. Унинг ғазаллари ҳақ – ҳақиқатнинг ана шу чексиз шуълалари қаршисидаги чексиз ҳайрат ва ҳаяжонларнинг сўнгсиз нидолари, садоларидир.

Ўқиймиз, илк манзара, илк ҳайрат:

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.*

Яъни: жононим қизил, сариқ, яшил рангли тўн киймиш, шундан бери юракдан чиқадиган оҳим шуълалари ҳам қизил, сориг, яшил тусдадир... Ҳўш, шоир бунда фақат одамни кўзда тутмоқдами? Одамни ҳам кўзда тутмаяптими? Худони-чи? Биз бугун шундоқ деб айру-айру савол қўямиз. Лекин бу тушунчаларни Навоий бир-биридан айирмаган, унинг фалсафаси уларни бир бутунга жамлаган, «Воҳид» деб баҳолаган. Шоирнинг «жонони»да олам яшайди, у оламда эса қатрада қуёш акс этганидек, камолотнинг олий тимсоли бўлмиш олий хилқат, юксак ҳақ-ҳақиқат, Аллоҳ акс этади... Ёр тўни, олам либоси, ҳақиқат манзараси ранг-баранг,

бас, уларнинг қаршисида турган Навоий ҳайратлари ҳам, шуълаи оҳу фиғонлари ҳам ранг-барангдир... Шоир энди ана шу ранг-баранглик мотивини ривожлантиради, ўзининг ёрга (оламга, Худога) нисбатан кечинмалари орқали маънавий сувратлар, лавҳалар чизади, кўзимиз ўнгида руҳ китобининг ранг-баранг саҳифалари очилади:

*Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориг, яшил.*

Яъни: ишқ саҳросини оҳим самуми (гармсели)дан гулшан (ранг-баранг) этдим, зеро, ул дашт аро энди қизил, сариқ, яшил шамоллар эсади... Бу шунчаки шоирона муболағами? Ҳам муболаға, ҳам ҳақиқат. Оламни идрок этишда Навоий даражасига кўтарила олмаганлар учун бу, шубҳасиз, муболаға. Аммо юқорида айтганимиз шоир дунёқарашига суюнчиқ бўлган олам-одам бирлиги нуқтаи назаридан эса – айна ҳақиқат. Аллоҳ одамни азизу мукаррам қилиб, оламнинг сарвари этиб яратган, бас, унинг чеккан оҳи ишқ саҳросини гулшан этса ва ул дашт аро қизил, сариқ, яшил шамоллар эса, не ажаб...

Навоий энди бизни жононга биров яқинлаштиради, унинг орази холи билан хатти хаёлидан сўйлайди. Дейдики:

*Орази, холинг била хаттинг хаёлидин эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил...*

Инсон камолот йўлидан юриб, олий ҳақиқатга яқинлашаркан, унинг ҳусни-талъатини аниқ тасаввур этишга интилади, тасаввур этаркан, кўз ўнгида даврон камалакдек жимирлашиб кўринса, не тонг. Наинки даврон, балки ёрнинг ҳусни гулзори ёди билан, эшик

тепасидаги туйнукдан уйга ёруғлик тушгандек, кўнглига ҳам алвон шуълалар қўйилиб туради.

*Шуъладек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобадонинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил...*

Турфа шуълалар ила лим тўлган кўнгилинг муроди эса – ваҳдат майидир:

*Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил...*

Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май – ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, на хуш. Қизиллик, сариғлик, яшиллик бириқувининг бундан ҳам яхшироқ имкони бўлурми? Бу шаробни ичганлар эса фақирлик йўлини танлагайлар. Зеро, фақирлик – ишқ аҳлининг шарафидир. Фақирликда беранг бўлиш – олам ҳақиқатидан йироқ тушиш мушкул, аксинча, дарвешлар тўнига қизил, сариқ, яшил ямоқлар тушиши табиий, яъни, дарвешлик тўнини кийиб, оламнинг ранг-баранг ҳақиқатини идрок этиш ўнғай:

*Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валеқ,
Ҳирқада тикмақ эрур осон қизил, сориғ, яшил...*

Ниҳоят, сўнги байт, сўнги нидо – мақтаъ. У шоирнинг фахриясидек жаранглайди:

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил...*


Саҳҳоф (муқовачи) ва рассомлар одатда шингарф (қизил), олтин ва зангор бўёқлар ила китобларни безайдилар. Лекин Навоий бунга муҳтож эмас, унинг

назми азалдан рангиндир, шу туфайли унинг девони умр китоби ҳам табиий йўсинда қизил, сариқ, яшил тусдадир, яъни, олам ҳақиқати рангларига бўялмишдир.

Ғазални ўқиб, ўйлайман: неча бир зобит, неча бир мустабидлар кишилик дунёсини, ҳақиқатни битта ранг, битта бўёққа бўямоқчи бўлдилар, лекин ҳар гал бу уринишлар шармандалик билан тугади...

Навоий ғазали – ҳақиқатнинг рангин оламига битилган ўлмас мадҳиядир. Шу олам бор экан, бу ғазалнинг умри, сафоси тугамас...

1988 йил



ГУЛЧЕҲРАНИНГ УМР ГУЛИ

(«Муҳаббатнинг суврати» китобига сўзбоши)

Адабиётга олтмишинчи йилларнинг бошларида кириб келган ижодкорлар ҳақида сўз борганда беихтиёр хаёлимда мунис бир чеҳра чизилиб, кулоқларимда унинг мунис овози жарнграйди. Бу – Гулчеҳранинг сиймоси, унинг куйинчак овози... Орзиқиш, интилиш, дилкашлик, дардкашлик билан йўғрилган бу оҳанг ҳар гал худди юракка тўқинади, унда акс садо уйғотади, хаёлни талпинтиради, йироқларга бошлайди, юксакларга етаклайди.

Бу оҳангда – ёшлик сурури, муҳаббат замзамалари, аёл руҳининг майин таровати, тобланишлари, она юрт меҳри, қадрдон эл ифтихори, она қалбининг юлдуздай ёруғ, шаффоф мавжлари, орзулари...

*Болажоним, кўнглинг оппоқ каптардир,
Кўнглинг яна ёзилмаган дафтардир,
Талпинганча кирмоқдасан ҳаётга,
Оқ йўл, дейман сендай оппоқ қанотга...
Каптаримга парвозларни тилайман,
Дафтаримга пок сўзларни тилайман...*

Кейин бу ғоят самимий руҳдаги, ишонувчан сиймо. Оламга маъсум бир нигоҳ билан боқади. Бунини ўзи ҳам сезади, сезадигина эмас, ҳар лаҳза тасдиқлайди ва бу билан фахрланади. Зеро, масъулият – унинг табиати. У ўз табиатидан қочиб қаяққа ҳам борарди дейсиз...

*Ишондим, ҳар кулган кўзга ишондим,
Ишондим, ҳар юмшоқ сўзга ишондим,
Душманга ишондим, дўстга ишондим.*

Кўринг, юрак-бағрим, оҳ, тилим-тилим,
Қачон биларканман яшамоқ тилин?!
Афсусларим, менга устозлик қилинг.

Майли, сувга чўкай, гулханда ёнай,
Сиздан, эй яхшилар, не учун тонай,
Одамга ишонмай, кимга ишонай?..

Маълумки, ёмонлик, ёвузлик ҳамиша мусаффо юракларни нишонга олади. Бахиллик, бадбинликнинг зарбаларига у ўзининг ёниқ нидолари, садолари билан жавоб беради. Мана, унинг тасвирида ёвуз одамнинг шаклу шамойили:

Икки оқил ҳамжиҳат юрса,
Қалов топиб, уруштирсангиз.
Кимки сизни қўлтиқлаб юрса,
Мукофотлар уюштирсангиз...

Мисралар орасидан ичиқора одамнинг ҳам қиёфаси қалқиб чиқади. Шоиранинг овози беомон ҳукмдек жаранглайди:

Сиз рассом бўлсангиз, чизар эдингиз
Қушлар орасидан топиб қарғани.
Унга ёқар аёз – нафаслари муз,
Унга ёқар замин хомуш тургани.

Сиз куйчи бўлсангиз, беркитардингиз
Булбул хонишига қулоғингизни.
Оппоқ каптарларни ҳуркитардингиз,
Бойқушларга бериб чорбоғингизни...

Гоҳо ёвузлар, ичиқораларнинг қўли устун келаркан, шоиранинг талқинича, бунга сабаб – аксари

инсонларнинг «беозорлиги». «Беозор» одамларнинг фазилати шуки, улар ўзгалардан нуқул фазилат излашади; фожиаси шуки, улар майдонга тушмайди, курашмайди. Бунинг натижаси ўлароқ, шоира юрагида яна алам-изтироб аланга олади:

Кувончингиз ёшли, дардингиз ёруғ,
 Яхшилик тиламоқ – кўзингиз иши.
 Оҳ, менга кашфиёт, оҳ, менга оғриқ,
 Номард кимсаларнинг сиздан кулиши.
 Хаёлий фаришта, малоика – сиз,
 Ўхшайсиз фантастлар ҳикоясига.
 Сиздан халққа не наф,
 Ярамасангиз –
 Ҳатто ўз қалбингиз ҳимоясига...

Юқоридаги талқинлар, тўлқинларда биз Гулчеҳранинг бетакрор қиёфасини кўрамиз! У ўзгалар дардида ёнишни, халққа наф келтиришни ўзига юксак аъмол деб билади, бунинг эвазига бошқалардан кўп нарса сўрамайди, кутгани – «озроқ хайрихоҳлик, озгина ишонч», холос. У давр, замон муаммолари билан яшайди:

Ёшлидир кўзларим, тирналар ичим,
 Атом даҳшатидан маҳзун хаёлман.
 Ядро қуроллари келмасин учун
 Поезд йўлин тўсган инглиз аёлман! –

деб бонг уради шоира.

Аёлман, жасорат, назокат найин
 Соҳибаси бўлмоқ – менгадир насиб.
 Эркаклар чекинса, турмоғим тайин
 Кураш майдонида сочларим кесиб, –


деб мардлик, мардоналикдан дарс беради у.

Бугунги ўзбек шеърляти бўстони Гўлчехра Нуруллаева шеърларисиз тасаввур этиб бўлмаиди. Кечаги ниҳол бугун мавзун, кўркам чинор бўлиб кўз ўнгимизда чайқалиб турибди. У ўнлаб шеърлий тўпламлар, гўзал манзумалар, дostonлар муаллифи. Гўлчехра қайта қуриш даврига муносиб долзарб мавзуларда қалам тебратмоқда, янги ижодий кашфиётлар орзуси билан яшамоқда.

Азиз шеърхон! Қўлингиздаги ушбу китоб – шоира ижодидан тўнғич сарҳисоб. Ўқинг, варақланг, бу шеър, бу дostonлар – сизга тортиқ.

Зеро, бу – шоиранинг юрак оташи! Гўлчехранинг умр гули!..

1988 йил



ТИНИҚ ШАХСИЯТ, ДИЛРАБО ШЕЪРИЯТ...

(Шоир Ўлмас Жамол «Девон»ига сўзбоши)

Ўлмас Жамол, деганда дарҳол кўз ўнгимда азим Тошкент, қизгин ёз палласи ва тўлиб-тошиб оқаётган Анҳорнинг кумуш тўлқинлари намоён бўлади... Яна Ўлмас Жамол десам, хаёлимда шахри Душанбе, авжи саратон ҳамда Варзоб дарёсининг тошлардан тошларга урилиб, кўпириб оқаётган мовий мавжлари ярқираб кўринади. Ажабо, дейман, нега ҳар гал беғубор, зилолий тўлқинлар? Нега ҳар сафар шаффоф. биллурий оқинлар? Бу ўша биз учрашиб, гурунглашган онларнинг хотирага нақшланган манзараси, холосми? Балки ўзга бир сабаби, синоати бордир? Бор, албатта. Синоат шуки, шоирнинг шеърияти ҳам, шахсияти ҳам тиниқ, мусаффо. Ана шунга ишорат бу. Ўлмас Жамол дейилганда хаёлда шовиллаб оқаётган тўлқинларнинг пайдо бўлиши ана шу туфайли.

Етук адиб, гўзал шоир, менинг жон биродарим Ўлмас Жамол девонига дебоча ўрнида шу сўзларни қоғозга туширар эканман, юқорида айтилганларга изма-из яна бир фикр беихтиёр қалқиб чиқади: Ўлмас Жамол – шахсияти шеъриятига, шеърияти шахсиятига тенг, мавзун ижодкор. Ўзи сўзига, сўзи ўзига монанд. Бири остин, бири устун эмас. Шоирлар бўладики, шеърини ўқиб, қониқмайди киши, аммо сўзи, суҳбатига тўймайсан. Шоирлар борки, шеъри тузук, лекин ўзи, суҳбати кўнгилни айнитади. Ўлмас Жамолда ҳар иккита жиҳат ҳам етук, мукамал. Бир сўз билан айтганда, тиниқ шахсият, дилрабо шеърият. Бу ҳам Аллоҳнинг инояти.

Ўлмас Жамолнинг номини эл орасида ёйган, ўқувчиларга ҳам, тингловчиларга ҳам манзур бўлиб, уларни мафтун айлаган шеърлари, аввало, унинг ғазаллари, мухаммаслари, десам, адашмасам керак. Улар бу девонда жамулжам. Мухтасар қилиб айтганда,

ҳаёт оҳанглари, умр тароналари... Не-не ҳофизлар куйламаган уларни. Ишқу вафо, меҳру оқибат, ихлосу садоқат, висолу ҳижрон, севинч ва қайғу... Хуллас, одамийлик савдолари. Дунёда одам бўлиб яшашнинг бахти ва бахтсизлиги, бурчи ва масъулияти, роҳати ва машаққати, қувончи ва изтироблари... Эҳ-ҳе, уларнинг қамрови, доираси кенг. Ўзига хос дил ва тил, шавқу дард билан, арузий оҳангларга солиб куйланади, ўқувчига талқин этилади бу тушунчалар.

Шу ўринда бир баҳс ёдимга тушди. Бундан бир неча йил олдин бир шоир ошнам менга дабдурустдан, ғазалнинг даври ўтди, энди сарбаст ёзиш керак, деб қолди. Мен унга, рубобни қўй, гитара чал, демоқчимисиз? – деб эътироз этдим... Бу билан сарбастни ҳам, гитарани ҳам камситмоқчи эмасман. Аммо бизнинг минг йиллар давомида не-не довлар ошиб, шаклланган маънавий муҳитимизда ғазалнинг, рубобнинг ўрни бўлакча. Улар бизнинг қонимизда, жонимизда... Фақат рубобни чала билиш, ғазални ёза билиш керак. Ўлмас Жамол уни қойил қилиб ёзади.

Шоир дейдики:

*Ғазал бир шеваки, шоир сабо-ла сўзлашур унда,
Шафақ тонгларга роз айтиб, садо-ла сўзлашур
унда.*

*Тикиб кўзларни Хулкарга, бўлур тунларда
сирдоши,
Қамардин қиссалар тинглаб, само-ла сўзлашур унда.*

*Рубоб торига қўл ургай, садоқат бобида куйлаб,
Кўнгилни маҳлиё этган наво-ла сўзлашур унда...*

Бу дунёда ҳамма нарса мададга, тарбияга, ҳаракатга муҳтож. Мадад берилмас, тарбия этилмас, ҳаракатга солинмас экан, қуриб, қовжирайди, яроқсиз ҳолга

келиб қолади. Шу жумладан, одамдаги одамийлик ҳам. Мунтазам эъзозланиб, ювиб-тараб турилмас экан, у ҳам кўрку тароватини йўқотади, сарғайиб сўлади, хазонга юз тутади. Шу маънода адабиёт – одамийлик бўстони, шоир, ижодкор унинг боғбони. Нон – тан озиғи, китоб – жон озиғи, деб бекорга айтишмайди. Мен китоб деганда одамга одамийликдан сўзловчи етук адабиётни кўзда тутаяпман. Бу масала ғоят муҳим, айниқса, балойи нафс (иккинчи номи шайтони лаин) бутун жаҳон бўйлаб одамийликка қарши ҳужумга ўтган ҳозирги шароитда. Бунга телевизор экранлари шоҳид. Кўриб турибсиз, ҳар куни бир ҳовуч олтин, бир сиқим пулни деб содир этилаётган ур-йиқитлар, зўрлик-зўравонликлар, алдов ва хиёнатлар, аёвсиз қон тўкишлар, ёқиб-ёндиришлар... Шайтон васвасаси эмасми бу? Ундайларда муҳаббат йўқ, ҳирсу ҳавас бор: ор-номус йўқ, мансаб-мартаба бор. Тилларида Худо, дилларида мол-дунё гушналиги; тилларида халқ, дилларида ҳокимият, салтанат, уч-тўрт кунлик давру даврон ташналиги. Балойи нафс бандалари буни табиий турмуш тарзи деб билишади, инсонларга ана шу табиатни сингдирмоқчи, уларни ана шу тартиб-қоидаларга кўндирмоқчи бўлишади. Ва шу билан одамийлик илдизларига болта уришади, унинг тамалларини емиришади... Бундай шароитда халқнинг ўзи халқлик қиёфасидан чиқиб, бир-бирини ғажийдиган оломонга, бежирим костюмлар кийиб, чиройли галстуклар таққан ёвузлар галасига айланиб қолиши ҳеч гапмас. Рост гапирган киши уларга кулги, мазах бўлади, холос.

Тарихда бунга ўхшаш ҳолатлар, яъни, одамийлик юзтубан кетиб, маънавиятнинг таназзулга учраши илгари ҳам бўлган. Лоақал мўғуллар босқинини эсланг. Ушанда ярим дунё тупроққа қоришган, одам боласининг қадру қиймати хас-хашакдан ҳам пастлашиб кетган, зулму зўравонлик авжига чиққан эди.

Ҳақирлигу фақирликдан қадди букилиб, адойи тамом бўлган инсонларнинг жонига адабиёт ора кирди ўшанда. У Жалолиддин Румий бўлиб майдонга тушди. Эй инсон, сен зоти шарифсан, Аллоҳнинг ердаги ноибсан, қадр қийматингни ерга уришларига йўл қўйма, қулликка бўйин эгма! – деб ҳайқирди ўшанда адабиёт. Кейин нималар бўлгани маълум. Адабиётдан мискин қалбларга руҳ ва ишонч инди. Инсон эгилган қалдини яна тиклади... Демоқчиманки, адабиёт – инсонийлик таянчи, наинки, таянчи, унинг фани, мактаби, дорилфунуни. Шу туфайли бўлса керак, дунёда мустабид борки, адабиётни хуш кўрмайди, ундан чўчийди, қалам аҳлини хўрлашга, таҳқирлашга ҳаракат қилади. Чунки адабиёт – ҳақ сўз, илоҳий, илҳомий калом инсонийликни улуғлаш билан мустабидларнинг йўлини тўсади... Ўлмас Жамолнинг китоби ана шу эзгу миссия, қутлуғ вазифага хизмат қилиши билан эътиборлидир, яъни, инсонларни инсонийликка ундайди, инсонларда инсонийликни шарафлайди. Яна шуни таъкидлаш керакки, мазкур манзумаларда тетик руҳ, кўтаринки кайфият ҳамиша барқ уриб туради, маънос, тушкун оҳангларга дуч келмайди китобхон.

Шоир бир шеърда:

Ўзбекистон ўғлидурман, тожигим гуфто, писар, –

дейди фахрланиб. Бу юқоридаги гапнинг мантиқий давоми. Шоир ўзини, ўзлигини таниган инсонни энди дўстликка, биродарликка даъват қилади. Ўзбегу тожик халқларининг азалий қондошлиги ва жондошлигини тараннум этади. Бу – адабиётимизда буюк анъана. Гўзал ширу шакар шеърлар ёзиш, ҳам туркий, ҳам форсий адабиётдан баҳрамандлик ва бунга шукроналар қилиш – азиз боболаримиздан мерос. Ўлмас Жамол ана шу анъанани давом эттиради. Дилларни дилларга,

элларни элларга боғлайди. Бир файласуф, шоирлар соҳилларни соҳилларга туташтириб, кўприклар қурди, лекин уларни сиёсатчилар бузади, деб бекорга айтмаган. Майли, улар бузаверсин. Биз қураберамиз. Бизга Аллоҳнинг буюргани шу. Бир кун эмас, бир кун наинки Эрону Турон, Арабу Ҳиндистон, балки жумла жаҳон бир оила бўлиб бирлашишига, орадан турли низо ва тафриқалар кўтарилишига ишончимиз комил. Бугун йигирма беш мамлакатнинг бошини қовуштирган Оврўпо иттифоқи бундан далолат бериб турибди. Зеро, Мавлоно Жалолиддин Румий демишларким:

*Мо баройи васл кардан омадем,
На баройи фасл кардан омадем...*

Яъни, биз бу дунёга дийдорлашиш, бирлашиш учун келганмиз, ажралиш, ажратиш учун эмас...

Баъзида менга, фалон кўшиғингизни барака топкур Жўрабек Набиев қойил қилиб айтган-да, мазза қилиб эшитдик, дейишади. Мен шунда, йўқ, у менинг шеърим эмас, Ўлмас Жамолнинг шеъри, деб изоҳ бераман. Ному насабимизнинг уйқашлиги туфайли кўпинча бизни битта шоир деб билишади. Нафсиламрини айтганда, улар адашмайди. Биз – руҳдош, юракдошимиз. Жамол Камол – Душанбеда Ўлмас Жамол, Ўлмас Жамол – Тошкентда Жамол Камол бўлса, не ажаб...

Азиз биродарим, замонавий адабиётимизда ғазаллар, мухаммаслар ёзиб, девон тартиб берган шоирлар кўп эмас. Уларни соҳиб девон шоирлар деб аташади. Сизки шундоқ бир шарафга ноил бўлибсиз, қутлуғ бўлсин! Ҳазрат Навоий айтганларидек, Ҳақ таоло элга зебу торак, ўқиганга муборак айласин уни.

Ғазалларингиз икки қардош халқ осмонларини тўлдириб, асл инсонийлик, дўстлик, биродарликка мадҳия бўлиб жаранглайверсин.

Омин, ё Раббул оламин!

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ ИЗЗАТ СУЛТОНИ

Жамиятни фикр олға суради, фикрни мутафаккир. Агар мутафаккирда ҳам мантиқий, ҳам тимсолли тафаккур мужассам эса, у ҳам олимлик, ҳам адиблик салоҳиятига соҳиб эса, нур устига нур. Бундай кимсаларни эл севиб, ардоқлаб, устоз аллома, пири комил деб атайди. Иззат Султон ана шундай мўтабар сиймолардан эди. Зеро, у буюк Фитратнинг шогирди эди. Бир умр устози анъаналарига содиқ қолди ва ўшандоқ буюклик даражасига кўтарила олди. Маълумки, биринчи бўлиб ўзбек тилида «Адабиёт қондалари»ни ёзган Абдурауф Фитрат «Абулфайзхон»дек бадиий тафаккур дурдоналарини мерос қолдирди. Унинг издоши бўлган Иззат Султон ҳам «Адабиёт назарияси» билан ёнма-ён «Алишер Навоий»дек ўлмас саҳна асарларини ижод этдиким, бу нуқта алоҳида таъкидлашга сазовор, шоён эътибордир.

Мен Иззат ака билан илк дафъа 1962 йилнинг августида кўришдим. Дўрмонда Республика ёш ижодкорларининг семинар - кенгаши бўлди. Биз семинар қатнашчилари биринчи кун Абдулла Қаҳҳор билан, иккинчи кун Мақсуд Шайхзода билан, учинчи кун Иззат Султон билан учрашдик. Ўша учрашувлар худди кечагидек ҳамон кўз ўнгимда турибди. Ҳар бирининг файзи-бахраси бўлакча, мазаси-тоти ўзгача...

Учинчи кун Ёзувчилар боғидаги ариқ бўйи, катта чинор остида ёш қаламкашлар жамулжам эдик. Семинаримиз раҳбари шоир Миртемир «Бугун азиз меҳмонимиз атоқли адабиётшунос олим ва драматург Иззат Султон!» деб эълон этаркан, ҳамма бир тан, бир жон бўлиб азиз меҳмонга тикилдик. Иззат ака ўрнидан турди, табассум қилиб, хушчақчақ бир қиёфада ҳаммага кўз югуртириб чиқди. У ўртадан паст бўйли, миқти

гавдали, оқ-сарикдан келган, пешонаси кенг, калладор, мовий кўзли киши эди. Қиёфаси билан Суқрот ҳақимни эслатарди. Сал энгашиб, Миртемир акага бир нима деди, қизиқ гап бўлса керак, икковлашиб хандон отиб кулишди... Сўнг сўзга киришди у. Сўзга киришди-ю бизни маҳлиё қилди, қўйди. Бунақасини ҳали кўрмаган эдим. Тўғри, сўзга чечан, тили бийрон нотиклар мен яшаётган Бухорода ҳам бор эди. Аммо улар кўпинча аён бўлган гапларни баён этишарди, холос. Иззат ака эса улардан фарқли ўлароқ, аён бўлмаган гапларни баён этарди. Кетма-кет сўз эмас, унинг нутқида бетакрор мулоҳазаю мушоҳадалар дарё тўлқинларидек тошиб келар ва тингловчини оқизиб кетарди... Кейин ўйлаб, бунинг сирига етгандек бўлдим: фикр юритиб сўзлар, сўзлаш асносида фикр юритарди у... Бу нарса унинг ўзига ҳам, сўзига ҳам айрича бир жозиба бахш этарди.

Иззат ака миллий тафаккурнинг кўзгуси бўлмиш адабиёт ҳақида, унинг энг мураккаб жанри саналмиш драматургия борасида, жаҳон драматурглари, рус драматурглари, ўзбек драматурглари сабоқлари хусусида сўзлади. Ҳаттоки, ўша пайтда анча мавҳум бўлиб кўринган кинодраматургия сирлари, муаммолари билан ҳам ошно этди биз, ёш қаламкашларни. Орадан икки ярим соатча вақт қандай учиб ўтганини сезмай қолдик. Хайрлашаркан, суҳбатига муштоқ, сўзларига ташна бўлиб қолавердик... Ўшанда ана шу мутафаккир инсон келажакда менинг ҳаётимни янги ўзандан оқишига сабабчи бўлишини ўйлаганмидим?

1970 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги аспирантурага ўқишга кирдим. Лирик шеъриятга доир диссертация ёздим. Диссертация ҳимоясида Иззат ака сўзга чиқиб, илмий ишим хусусида яхши гаплар айтди ва мени ўзи

раҳбарлик қилаётган адабиёт назарияси бўлимига ишга таклиф этди. Омадни қарангки, худди ўша кун тушдан кейин мени Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилишди. Орадан уч кун ўтиб, Ёзувчилар уюшмаси Бухоро област бўлими масъул котиби вазифасига тайинлашди. Шу вазифада икки йил ишладим. 1972 йилнинг сентябрида Иззат ака, Шуҳрат ака, Умарали Норматов Бухорога келишди. Китобхонлар, талабалар билан учрашувлар уюштирдик. Жўнаш олдидан Иззат ака мени бир четга тортиб, Тошкентга қайтиш кераклигини қатъий маслаҳат берди. Ўша таклифим таклиф, деди у, менинг бўлигимда ишлайсиз, катта адабий доирада кучингизни синаб кўрасиз. Ўйлайманки, натижа ёмон бўлмайди...

Оилам билан кенгашиб, Тошкентга жўнашга қарор қилдим. Тошкентга келиб, академияга ишга ўрнашдим. Дарҳақиқат, натижа ёмон бўлмади, икки томлик «Адабиёт назарияси», икки томлик «Ўзбек адабий танқиди тарихи» китобларини ёзишда қатнашдим, «Лирик шеърят», «Тарихий драма» деган рисоалар битдим. Ижодий ишларим юришиб кетди. Кетма-кет шеърӣ тўпламларим, дostonларим нашр этилди. Бир неча таржима китобларим босилди. То 1986 йилгача, Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига бош муҳаррир бўлиб ишга ўтунимга қадар Иззат акага ўринбосар, муовин бўлиб ишладим. Ана шу ўн уч йил давомида уни яқин-йироқдан кузатдим, бир шогирддек унга меҳр қўйиб, атрофидан айланадиган, унга суйканадиган бўлиб қолдим. Негаки, ҳар гал у билан суҳбатлашарканман, фикрим уйғониб, ҳаракатга келганини ҳис этардим, фикрлаш завқини тотардим ва бу завқ охир - оқибат менга бир умрга ҳамроҳ, наинки ҳамроҳ, қалбимнинг бир парчасига айланиб қолди, десам, ишонинг.

Мавлоно Жалолиддин Румий:

Суҳбати ошиқ сени ошиқ қилур,
 Суҳбати фосиқ сени фосиқ қилур, –

деб бежиз айтмаганлар, ахир. Хуллас, йиллар давомида Иззат Султон билан ёнма-ён ишлаш, у мўтабар зотнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш Аллоҳнинг менга берган омади ва неъматини бўлди, десам, муболаға қилмайман. Иззат ака юксак маънодаги мутафаккир, донишманд, файласуф, беназир нотиқ эди. Ўзбекчани ҳам, русчани ҳам бир текис қойил қилиб гапирарди. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида бир неча йил дарс бергани бежиз эмасди. Рус адабиёти, жаҳон адабиётининг билимдони эди. Атрофидан одам аримас, суҳбатлари ҳамиша қизгин, қизиқарли кечарди. Мен «Иззат Султон билан суҳбатлар» деган китоб ёзишни ҳам ўйлаганман. Айрим нуқталарини қоғозга ҳам туширдим, афсуски, ниҳоясига етмай қолди.

Бир гал институт мажлислар залида ўтказилган катта илмий анжуманда Аҳмад Яссавий ижодини ўрганиш масаласи ўртага қўйилди. Кўзга кўринган бир олим, Аҳмад Яссавийни ўрганиш керак, аммо у ҳамиша Худо деган, ана шу жиҳати чатоқ-да, деб эътироз қилди. Иззат ака шарт ўрnidан туриб, унинг сўзини бўлди: – Пушкин Худо демаганми? Толстой Худо демаганми? – деди у. – Менга айтингчи, қайси буюк ижодкор Худо демаган? Бу – масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шуки, Яссавийнинг Худо дейишидан мақсади – адолат эди... Ўйлаб қаранг, бой зулм қилса, фуқаро бекка боради, бек зулм қилса, подшога шикоят қилади. Подшо зулм қилса, кимга арз қилади? Худога. Худо жазойингни берсин, дейди. Ёки, эй подшо тепангда турган Худодан кўрқ, дейди. Тўғрими? Худди шундоқ Хўжа Аҳмад Яссавий ҳам ҳар

гал Худони ўртага соларкан, инсонларни, айниқса, ҳукмдорларни инсофга, адолатга чақирган. Бу ерда бошқа гап йўқ....

Ҳамма чапак чалиб юборди, эътирозчи офиз очиб, бир нима деёлмади.

Бир гал Ёзувчилар уюшмасида Совет иттифоқининг тарқалиши хусусида баҳс-мунозара бўлди... Кўпчилик Совет иттифоқи тарқалгани яхши бўлди, деган фикрни қувватлади. Жумладан мен ҳам. Иззат ака бу фикрга жилла қўшилмади. Нوماқбул жиҳатларини ислоҳ этиб, иттифоқни сақлаб қолиш керак эди, деди у, мустақил давлатлар ҳамдўстлигимас, мустақил давлатлар иттифоқини тузиш лозим, токи битта қонун, битта чегара, битта пул бирлиги бўлсин... Табиийки, биз бунга эътироз этдик. Қани, менга айтинг-чи, деди у, нега Совет иттифоқи бузилади-ю Оврўпо иттифоқи тузилади? Шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Нима, биз оқилу доною оврўполиклар нодонми? Йўқ, улар аҳмоқ эмас... Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар...

Биз тузук-қуруқ бирор далил келтириб, бу фикрни рад этолмадик.

Иззат ака умр бўйи Навоий ижодига мафтун бўлиб, уни ўқиб ўрганди. Ўша ўқиш ва изланишлар натижаси ўлароқ, «Навоий» драмаси ва «Навоийнинг қалб дафтари» тадқиқотини яратди. Навоий ижодига тааллуқли бир сўз, биргина ибора бўлса ҳам, уни назардан қочирмасликка ҳаракат қиларди у. Бир куни ўзаро суҳбатда шеърятда Навоий тутган мезон хос маъни эканлигини эслатди:

*Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсин анинг суврати ҳар не дурур...*

«Ва хос ҳол», деб илова қилдим мен, яъни хос маъни ва хос ҳол...Тўғри, деди Иззат ака, Навоий

маъно ва туйғуни бир-биридан ажратмаган, маъно келинчак бўлса, туйғу – унинг либоси ва зебу зийнати...

Китоб жавонимда Иззат аканинг бошқа китоблари билан ёнма-ён «Баҳовиддин Нақшбанд абадияти» рисоласи ҳам бор. Унинг ички муқовасида Иззат аканинг қўли билан битилган «Ҳамкорлигимиз ва дўстлигимиздан хотира» деган ёзув мен учун ғоят қадрли. Иззат ака ўз сафдошлари орасида биринчилардан бўлиб нақшбандлик тариқатини чуқур таҳлил қилиб берди ва шу асосда теран ва далил фикрларни олға сурди. Жумладан, ўқиймиз: «Диний эътиқодларга кенг йўл очилган, дин бизнинг маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган бугунги кунда бизга диний эътиқод билан суғорилган, Аллоҳни танишга асосланган ахлоқ зарур...»

Аммо бугун бир хавф мавжудлиги ҳам аниқдир: «шахс эркинлиги ва шахспарварлик уларнинг акси бўлган – шахсиятпарастликка, худбинлик (индивидуализм)ни рағбатлантиришга ҳам айланиб кетиши мумкин. Бизнинг кунларимизда аҳолининг анча қисмида жамоат (коллектив) манфаатларини менсимаслик ва пулпарастликнинг авж олгани, жинойткорликнинг кўпайгани – фикримизнинг далилидир».

Бу – ҳамиша теран фикрловчи, қалби уйғоқ улкан ижодкорнинг авлодларга аталган сўнги сўзи, огоҳликка даъватидир, десам, адашмасам керак.

Иззат ака ҳақиқий умр олтмиш ёшдан кейин бошланади, дегувчи эди, яъни, инсон бу ёшга етгач, ўткинчи ҳою ҳаваслардан қутулади, жиддий туриб Аллоҳ ҳақида, умрнинг асл маъноси ва моҳияти ҳақида ўйлай бошлайди, деб сўзига изоҳ берарди у. Ҳеч қачон мутлақ ҳақиқатга даъво этмасди. Далил, исботли фикрни қабул қилишга ҳамиша шай турар, шунинг учун бўлса керак, валлоҳу аълам биссавоб, дейишни хуш кўрарди. Исми жисмига монанд эди.


Ҳар гал Иззат ака, Иззат Отахонович, Иззат Султон, лейилса, давраларга файз кирарди. Неча бор ўзим гувоҳ бўлганман, нафақат ўз олимларимиз, балки Москва, Санкт-Петербург, Киев, Тбилиси, Боку, Ашхабод, Олмаота, Бишкек, Душанбе олимлари ҳам унинг номини ҳурмат ва тавозе билан тилга олишарди.

«Алишер Навоий» драмасидаги Навоийнинг сўнги монологини эсга олинг:

«Мен икки дарё бўйидаги халқимни якқалам қилдим. Тилимизни ҳақорат ботқоғидан шеърият осмонига кўтардим. Мен умримга ачинмаймен, сизга қилган хизматларимнинг зое кетганига ачинамен. Мен писта пўчоғидан кема қурмоқчи бўлибмен...»

Бу гапларни Навоий номидан айтиш учун муаллиф Навоий тафаккури даражасига кўтарилиши лозим эди. Иззат ака ўша чўққига чиқа олди. У ижод ва тафаккурнинг тирик тимсоли, маънавиятимизнинг Иззат Султони эди.

2010 йил



АДОЛАТ КУЙЧИСИ

Одил Ёқубов билан илк бор унинг «Муқаддас» қиссаси орқали танишганман. Ғоят самимий, куйинчаклик билан ёзилган асар эди. Кейин «Улуғбек хазинаси» ни ўқидим. Роман менда чуқур таассурот қолдирди. Теран руҳий таҳлил билан қоришиб кетган кенг, эпик тасвир хаёлимни буткул қамраб олди. Бир куни атай Одил аканинг ишхонасига бордим. Ўшанда у Республика адабиёт ва санъат нашриёти бош муҳаррири ўринбосари вазифасида ишларди.

– Табриклайман, Одил ака, – дедим, – «Улуғбек хазинаси», Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и, Ойбекнинг «Навоий» романидан кейин адабиётимизда учинчи буюк асар, чинакам миллий роман бўлибди...

Табиийки, Одил ака гапимдан хурсанд бўлди. Бутун сиймосидан куч ва самимият ёғилиб турган, ўрта бўйли, миқти гавдали бу инсон менинг назаримда энди шунчаки бир ёзувчи эмас, балки улкан сўз санъаткори, буюк адиб, ҳақиқий мастер – уста эди.

Шу-шу орамизда яқин муносабат пайдо бўлди. Мен унинг мухлисига айландим. Ўрни келганда у ҳам мenden ҳимматини аямади. Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» романини менинг таржимамда нашр эттирган Одил ака бўлди.

Бир куни суҳбат асносида Шукрулло ака сўраб қолди:

– Жамол, отангни қатағон қилишган деб эшитдим... Тўғрими?

– Тўғри, – дедим мен.

– Одилнинг ҳам отасини «халқ душмани» қилиб, отишган...

Бу мен учун янгилик эди. «Тақдирдош эканмиз» деган гап кўнглимдан кечди.

Одил ака қайда ишламасин, енг шимариб, тер тўкиб ишлар, зиммасидаги вазифани астойдил адо этарди. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош

муҳаррир бўлиб ишлаганида рўзнома адади миллиондан ошди. У Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига раҳбар этиб сайлангач, уюшмада ҳаёт қайнади. У Москвада Бутуниттифоқ халқ депутатлари қурултойи минбарига чиқиб, ўзбек пахтакорларининг ўша пайтдаги аянчли аҳволи ҳақида гапирганда бутун юртимиз аҳли жон қулоғини қўйиб тинглади. Қалбларимиз ғурурга тўлди, адибга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз янада ортди.

Мен Одил акага ҳамроҳ бўлиб, 1990 йилда Истанбул шаҳрида ўтказилган халқаро Туркистон қурултойида иштирок этдим. Одил ака, Шукрулло ака ва мен сўзга чиқдик. Юракда борини тўкиб солдик. Дунёнинг турли гўшаларидан келиб, Отатурк маданият саройини тўлдирган юзлаб ватандошларимиз халқимизнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари таъмин этилиши зарурлигига доир сўзларимизни гулдурос қарсақлар билан қарши олишди.

– Шу залда ўтирган ҳар бир юртдошимиз тақдирини китоб қилиб ёзса арзийди, – деган эди ўшанда Одил ака.

Кейин Одил ака, Шукрулло ака, Рамз ака, Эмин Усмон ва мен Саудия Арабистонига сафар қилдик. Манзилга етгунча қарийб ярим дунёни айландик: Тошкент – Москва – Вена – Кипр – Жидда – Макка – Мадина – Тоиф... Қайтишда ҳам шу аҳвол.

Бир нарса ёдимда. Венада кечқурун овқатланиш учун ресторанга кирдик. Ичкарида чироқлар ўчирилиб, шамлар ёқилган. Жимжитлик... Биз овқат устида одатдагидек гангур-гунгур суҳбатга киришдик. Бир пайт қарасам, ҳамманинг эътибори бизда. Ресторанда фақат бизнинг овозимиз янграйди.

– Одил ака, – дедим. – Ресторанда бошқаларнинг овози эшитилмайди.

– Дарвоқе, – деди Одил ака, – бу ерда паст овозда гапириш одат экан, секин гаплашайлик...

Маккага етиб, Каъбатуллоҳни зиёрат қилдик. Умра маросимини адо этдик. Жидда, Макка, Мадина, Тоиф шаҳарларида юзлаб ватандошлар билан учрашдик. Ушанда уларнинг нуфусини етти юз мингдан ортиқ, дейишганди. Самимий сўзи, донишмандлиги билан Одил ака давраларнинг кўрки бўлди.

Одил ака билан Грузия ва Қозоғистонда кечган адабиёт кунларида қатнашиб, қилган суҳбатларимиз ҳамон кўз ўнгимда турибди. Ушанда у менга ўзининг уруш хотираларини айтиб берган эди.

1991 йил октябрида ўтказилган Ўзбекистон ёзувчиларининг сўнги, тўққизинчи қурултойида мени уюшма раиси, Одил акани фахрий раис қилиб сайлашди. То 1996 йил январига қадар қўлни қўлга бериб, баҳамжиҳат ишладик. Бирор тadbир, мажлис ёки муҳокама Одил акаси ўтмасди. Ҳар сафар устоз адибни эҳтиром ила тўрга ўтқизардик. Мен уюшма раислигидан бўшаган кунни Одил ака ҳам кенгайтирилган котибиятда сўзга чиқиб, фахрий раисликдан кетганини эълон қилди.

Одил ака бағрикенг, беғубор, оқкўнгил инсон эди. Баъзилар унинг ана шу фазилатини суиистеъмол қилишарди. Неча бор уни оёғидан чалганлар, олди-ортидан тош отганлар билан бемалол улфатчилик қилганини кўриб, ҳайрон қолганман.

– Одил ака, ахир у кимса сизга нималар қилмади... – деганман бир гал жиғибийрон бўлиб.

– Кўяберинг, – деган у, – ёмонлик ўтади, яхшилик қолади...

Одил ака ўзининг сўнги романларидан бирини «Адолат манзили» деб атади. Таранг тортилган торда чалинган куйдек жаранглаган бу асар кўпларни мафтун этди. Нафсиламрини айтганда, унинг муаллифи умр бўйи Ҳақ ва ҳақиқатга талпиниб яшаган мунаввар инсон, адолат куйчиси эди...

2011 йил 23 сентябрь, Дўрмон

ҲАЛИМА НОСИРОВАНИ ЭСЛАБ...

Ҳалима Носирова ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан то етмишинчи йилларига қадар ўзбек қўшиқчилик бўстони яшнатган, бу санъатни юксак даражага кўтариб, доврўғини дунёга таратган асл санъаткор эди. Нафис ва мафтункор овози, овозида аёлларга хос ажиб назокати, тингловчини бир зумда ўтдан олиб сувга, сувдан олиб ўтга ташловчи маҳорати унинг хонишларига алоҳида жозиба бағишлаган, хонандани йиллар давомида эл орасида маълум ва машҳур қилган эди...

Ҳалима опани илк бор кўрганим ҳамон эсимда. 1951 йилнинг август оyi охирлари. Еттинчи синфда ўқийман. Қишлоғимизга, бугун оқшом қўшни Чандир қишлоқда Тошкентдан келган Ҳалима Носирова бошлиқ санъаткорлар концерт беришармиш, деган овоза тарқалди. Кечқурун катта-кичик, кўпроқ ёш-яланг тўпланишиб, Чандирга бордик. Колхоз идорасига туташ боғ, сарҳовуз олдида осма чироқлардан чароғон шоҳсупа, унинг атрофида пахта пунктдан брезентлар келтириб тўшалган эди. Бир чеккада ўлтириб, интизор бўлиб кутдик.

Шоҳсупа – саҳнага аввал бошловчи, кейин со-зандалар чиқишди, энг охирида ярқираган либослар кийиб Ҳалима Носирова...

Кейин... бошланди... Мен учун сеҳру афсун лаҳзалари!.. Най ноласи, чолғу-созларнинг нолиши, Ҳалима опанинг хониши сел қилиб оқизиб кетди мени. Беихтиёр йиғлай бошладим... Ўша ҳолатлар кейинчалик Ҳалима опага бағишлаб ёзган шеъримда акс этган:

*Опа, эслайсизми, ёдингиздами
Боғларга бурканган олис Шофиркон?*

Сўлим оқшом эди, сарҳовуз бўйи
 Ажиб мўъжизага бўлмишди макон.
 Халойиқ жам эди, ҳамма ёқ тирбанд,
 Ўртада саҳнадек ёруғ шоҳсупа.
 Бир маҳал бир ажиб назокат билан
 Сиз кириб келдингиз даврага, опа...
 Чапаклар чалинди, кўзлар чарақлаб,
 Чолғулар бирикиб, бирдан чекди ун.
 Шунда ашулага сиз очдингиз лаб
 Ва жумла дунёни қоплади афсун...
 Менга ҳаёт эди сиз айтган «Баёт»,
 Сиз – буюк хонанда, мен – чўпон бола.
 Менинг юрагимда қолди умрбод,
 Ўша оқшомдаги най билан нола.
 Ўтли замзамалар юракда қолди,
 Қолди руҳим аро ёниқ бир қуёш.
 Неча бир ҳаваслар, ҳислар йўқолди,
 Қолди инжу бўлиб кўзларимда ёш...

Уйга қайтаётиб, жўраларим «Нега йиғладинг?» деб сўрашди. «Билмайман» дедим. Нега йиғлаганимни ҳозир ҳам айтиб беролмайман. Балки Фuzuлий шеъри билан айтилган «Баёт» сабабчи бўлгандир, Балки «Ушшоғи Ҳалима» таъсирида йиғлагандирман. «Фироқ алангасида танда жон кабоб бўлди» деб бошланувчи ўша ашуланинг бир сатри юрагимга умрбод нақшланиб қолган:

Бу кенг жаҳон кўзима айрилиқ ва зиндондир...

Опа ўшанда бу ашулани дард ва изтиробга тўлиб айтган эди...

* * *

Йиллар ўтди. Ўрта мактабни тугатиб, институтга ўқишга кирдим. Учинчи курсда ўқийман. Бир паривашни севиб, муҳаббат дардига мубтало бўлиб, куйиб-пишиб юрган кезларим... Ҳар оқшом адабиёт хонасида дарс тайёрлайман. Кўзим китобдаю хаёлим бошқа ёқда... Радиодан Ҳалима опанинг кўшиқлари таралиб, туйғуларимга жўр бўлиб, бағримга ўт қалайди...

*Шамол эшик очоди,
Ёрим писта сочоди.
Сочма десам, сочоди,
Ман на қилай,
Сочодию қочоди...*

* * *

1978 йил. Жазирама ёз. Ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғи. Уч қаватли бинонинг иккинчи қаватида бир нималарни ёзиб-чизиб ўлтирибман. Шабада кирсин учун эшик, деразалар ланг очик... Бир пайт пастдан «Анна Сергеевна!» деган овоз эшитилди. Таниш, жаранглаган овоз. Юрагим ҳаприқиб кетди: Ҳалима Носирова!..

Шоша-пиша биринчи қаватга тушдим. Фойеда ҳеч ким йўқ. Ташқарига, ҳовлига чиқдим. Боғ оралаб кетаётган икки аёлга кўзим тушди. Бири – ижод уйи ходимаси, иккинчиси – Ҳалима Носирова. Улар боғ этаги томон боришарди. У ёқда Яшин аканинг дала-ҳовлиси бўлиб, Ҳалима опа гоҳ-гоҳ келиб турарди. Афсус, кўролмадим, деб анчагача ортидан термилиб турдим...

* * *

1988 йил. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишлайман. Телефон жириглади. Гўшакни кўтарсам, «Мен Ҳалимаман» деган овоз эшитилди. Шоира Ҳалима Худойбердиева деб ўйлаб, «Ҳалимахон, қалайсиз? «Саодат»хон гуллаб, яшнаяптими?» – деб аҳвол сўрай кетдим. «Ҳалима кўйлак киёди, этаги ерга тегоди, деб мацца қилиб шеър ёзиб юрибсизми?» дея ҳазил-ҳузул ҳам қилдим.

– Йўқ, – деди телефондаги овоз. – Мен бошқа Ҳалимаман... Мен Носироваман...

Рости гап, буни кутмагандим. Бир лаҳза ўзимни йўқотиб қўйдим.

– Кечирасиз, опа, – дедим хижолат ичра зўрға гўлдираб. – Мен сизни... адаштирибман...

– Мен «Шарқ юлдузи»да «Файзулла Хўжаев кўзлари» деган шеърингизни ўқиб, йиғладим, – деди Ҳалима опа. – Файзулла Хўжаев менинг севимли акам эди. Бир ой олдин туш кўрдим. Эй Ҳалима, дедилар, ёдингда тут: менинг битта боевой орденим бор эди. Душманларим ўша орден устидан ўқ узиб, мени отиб ўлдирди...

Шу гапни айтиб, опанинг ўпкаси тўлиб, бир нафас жим бўлиб қолди. Кейин зўрға давом этди:

– Афсуски, қариб қолдим. Соғлиғим яхшимас. Аввалги ҳолатим бўлганда бу шеърни қўшиқ қилиб айтардим, – деди ўксиниб.

Менинг ҳам томоғимга бир нарса тиқилди... Раҳмат, опажон, дедим. Яна бир нималар деб тасалли беришга уриндим...

* * *

Адашмасам, 1994 йил. Ёзувчилар уюшмасида раисман. Муовиним, шоир Тўра Мирзо билан Наврўз баҳонасида кекса, нуроний адибларимизни табриклар,

зиёрат қилишга қарор қилдик. Қутлов ва зиёратни Яшин акадан бошладик. Шунда илк марта Ҳалима опа билан юзма-юз ўлтирдим. Опа анча кексайиб қолган, кўзлари хиралашиб, қулоғи оғирлашган эди. Салом-алиқдан кейин ёнида ўлтирган Тўра Мирзога энгашиб, бу киши ким, деб мени суриштирди. Исминни эшитиб, «вой, ўлай!» деганча ўрнидан турди-да, қўшни хонага кириб кетди. Мен гап нимадалигини тушунолмаي, ҳайрон бўлиб қолдим. Орадан тўрт-беш дақиқа вақт кечди. Бир пайт эшик очилиб, Ҳалима опа кўринди... Эғнида хонатлас кўйлак, қулоғига тилла сирғалар, бўйнига марварид маржонлар тақиб олган, бошида оқ ҳарир рўмол... Яна не кўз билан кўрайки, «Хуш келибсиз хонадонимизга, Жамолхон!» деб эгилиб, кетма-кет келинсалом қилиб турибди... Кўзларимдан ёш чиқиб кетди... Бориб, кучоқлаб ўпдим. Кейин суҳбатимиз қизиди. Опанинг қулфи дили очилиб, бизга Чўлпон шеърларидан ёд ўқиб берди. Бошига тушган оғир кунларни эслади. Бир пайтлар Ҳалима опани ҳам бир муддат саҳнадан четлатишган экан. «Ўшанда, – деди опа, – баъзи кунлар юрагим тўлиб кетганда Яшин аканинг машинасига ўлтириб, шофёрга «тоққа ҳайда» дердим. Тоққа етиб боргач, овозимни баралла қўйиб, дод солиб, юрагимни бўшатардим. Овозим тоғу тошлардан акс садо бўлиб, ўзимга қайтарди...»

Ҳалима опадан бу гапларни эшитиб, пол қолдим... Кейин ана шу таассурот қоғозга шеър бўлиб тушди:

*Ҳофиз саҳналарда қўшиқ айтмаса,
Тоғларга бораркан айтиб навони.
Айтгани жаранглаб элдан қайтмаса,
Тошлардан кутаркан акси садони...*

*Шоир сўз айтгани келар дунёга,
Индамай, жим туриш шоирга ўлим.*

*Қайси тоққа борай, қайси дарёга,
Товушларга тўлиб кетганда кўнглим?..*

Қаранг, тақдир мени Ҳалима опага қадам-бақадам яқинлаштириб, охир-оқибат унинг суҳбатига мушарраф этди...

* * *

Ҳалима опага бағишлаб ёзган шеъримда яна шундай мисралар бор:

*Кўшиқлар куйланса, қулоқ соламан,
Оҳанглар кўкида бўламан сайрон.
Ўша хонишларни қўмсаб қоламан,
Ўша ёнишларни тополмай ҳайрон...*

*Энди кўшиқларда чақнамайди ҳис,
Сўзи ҳам тушмайди созига лойиқ.
Саҳнада ўзини унутмас ҳофиз,
Бепарво тинглайди уни халойиқ...*


Бу – ўлган аср, етмишинчи йилларнинг гапи. Бугун аҳвол ўзгача. Худога шукрки, от изини той босар, деганларидек, халқимиз орасидан янги Ҳалималар етишиб чиқди ва чиқаяпти. Муножот Йўлчиева, Марям Сатторова, Насиба Сатторова, Матлуба Дадабоева, Насиба Абдуллаева, раҳматлик Дилнура, Феруза Жуманиёзова, Озода Ёрова, Гулзода Худойназарова, Юлдуз Турдиева... Яна қай бирини айтай? Булар – ўзбек ашула санъатининг бугунги ёрқин юлдузлари... Ҳар бири – халқимизга Аллоҳдан инъом, мукофот. Ҳар бирининг овозида Ҳалима Носированинг нафаси бор... Уларни етарлича қадрляяпмизми? Нега улар катта саҳналар, телеэкранларда кам кўринишади?.. Бундан бир-икки йил олдин «Айтишув» деган кўрсатув бўларди. Саҳнада

кетма-кет ашулахонлик, залда гулдурос қарсақлар... Бутун халқ, катта-кичик мазза қилиб тинглаб, томоша қиларди. Кимгадир ёқмади, шекилли, тўхтатиб кўйишди.

Хайриятки, бахтимизга видео ёхуд аудио деган дисклар бор. Ўшалар воситасида ҳар оқшом ўзимга концерт уюштираман. Ўзим бошловчи бўлиб, марҳамат, кутиб олинг, бугун хизматингизда Ўзбекистон халқ артисти, севимли хонандамиз Марям Сатторова, дейман... Бошида ҳам, охирида ҳам ўзим чапак чалиб, хонандани дуо қиламан... Шунда беихтиёр яна Ҳалима опани эслайман. Хонишларини соғинаман. Қанийди, диски бўлса, тўйиб-тўйиб эшитардим, дейман. Бир вақтлар «Пахтакорлар гимни» деб шуҳрат қозонган «Меҳнат аҳли» ашуласини нега радиода беришмайди, деб хуноб бўламан. Менга ўхшаганлар озмунчами?

Хуллас, Ҳалима Носирова ижро этган мумтоз ашулалар дискини чиқазиш керак. Токи устоз санъаткорнинг руҳи шод, унинг қўшиқларини соғинган минглаб мухлисларнинг кўнгли обод бўлгай...

2010 йил, 5 февраль



ЮРАГИДА МЕҲРИГИЁСИ БОР ЭДИ...

Ўтган аср етмишинчи йилларининг бошлари. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва Адабиёт институтида ишлаб юрган кезларим. Ишхонамиз Гоголь кўчасидаги маҳобатли бинонинг биринчи қаватида жойлашган эди.

Бир куни Файбулла Саломов мен ишлаётган Адабиёт назарияси бўлимига ёш бир йигитчани бошлаб кирди.

– Менинг шогирдим, яхши шоир, Тилак Жўра, – деб таништирди уни.

Олдийгина кийинган, йирик-йирик кўзлари чақнаб боқувчи йигитча ҳаммамизга манзур бўла қолди.

– Қаерликсиз? – деб сўрадим беихтиёр.

– Бухородан, қорақўлликман, – деди Тилак.

– Ҳамшаҳар эканмиз-да...

Шу-шу учрашиб турадиган, ҳол-аҳвол сўрашадиган бўлдик. Бир гал Ёзувчилар уюшмаси ҳовлисида шеърларидан ўқиб беришини сўрадим. Ўқиди. Шеърлари ўзига монанд содда, самимий ва ҳароратли эди. Мақтадим, кўнглини кўтардим.

Рухланиб кетиб, тўсатдан:

– Жамол ака, мени сиз учун жазолашган, – деб қолди.

Бу гапни эшитиб ҳайрон бўлдим:

– Қандай жазо?

– Кечаси ташқарида, қорда бир соат тикка кўйишган...

Сабабини тушунтириб берди... Талабалар ётоқхонасида бир оқшом шоирлар устида баҳс-мунозара бўлибди. Бириси анави шоир зўр, деса, бошқаси манави, дебди. Тилак менинг ёнимни олибди. Рақиблари уни бир соат қорда тикка турасан, деб ётоқхона ҳовлисига судраб чиқишибди. Шунда ҳам у айтганидан қайтмабди. Сўзида

туриб олибди. Мен бу гапни эшитиб, жингалак соч, чақноқ кўзли бу йигитчага меҳрим яна зиёда бўлди. Аммо бўлган ишга ачиндим.

– Бекор қилибсиз, Тилакжон, – дедим, – ўзингизни азобга қўйибсиз...

– Нега энди ундоқ дейсиз?

– Шоир агар чиндан ҳам яхши шоир бўлса, бировлар ёмон дегани билан ёмон бўлиб қолмайди ёки аксинча...

У кўзларини чақнатиб, тўлқинланиб эътироз этди: – Мен ўзим тўғри деб ишонган фикримдан қандоқ кечаман?

Одмигина кийинган, содда, самимий бу йигитчада сабот ва ирода кучи қанчалар баланд эканини шунда ҳис этдим ва беихтиёр кучоқлаб бағримга босдим.

Бир куни улфатларимиз бизникида йиғилишди ва ош устида қиттак-қиттак ичдик. Тилак папирос чекавериб, хонани тутунга тўлдириб юборди.

Кимдир:

– Тилакжон, шу қуриб кетгур сигарет ўрнига исириқ чексангиз бўлмайдими? – деб сўраб қолди.

– Бўлади, – деди Тилак, – қани исириқ?

Топиб бердик, қоғозга ўраб чекди. Хонани муаттар ҳид тутди.

– Баракалла, – дейишди улфатлар, – мана бу бошқа гап...

– Йўли топилди, – деди Тилак жилмайиб, – хотинни хурсанд қиладиган бўлдим, уйда исириқ чекаман энди...

Ҳаммамиз завқланиб кулдик.

1991 йилнинг баҳори эди. Ёзувчилар уюшмасида бадий таржиманинг йиллик муҳокамаси ўтказилди. Менинг таржимамда босилган «333 рубойи» китоби устида ҳам сўз юритилди. Тилак сўзга чиқиб, Мавлоно Жалолоддин Румий рубойларидан ёд ўқиди.

Чунончи:

Ай дил, кўзингни оч, жаҳон ўтгусидир,
Умринг бу жаҳонда ройгон ўтгусидир,
Тан манзилида маҳбуси ғофил қолма,
Манзил оша манзил карвон ўтгусидир...

* * *

Жоним берайин, ол уни, жондин кечма,
Дилдан кечайин, ол у жаҳондин кечма,
Сен ўқсану мен эсам камонмен ҳануз,
Эй ўқ, сабр айла, камондин кечма...

– Таржимадан мақсад – таржима эмас, аслият, – деди Тилак, – таржимада таржима туртиб турмаслиги, балки аслият бўртиб турмоғи даркор...

Бу мулоҳазалар мажлис аҳлига ғоят манзур бўлди.

Файбулла аканинг якка-ёлғиз ўғли бедарак йўқолиб, қадди букилиб қолганда Тилак чинакам суянчиқ бўлиб, хизмат қилди. Университетда, Ёзувчилар уюшмасида, нашриётларда, хуллас, ҳамма ерда у устозига ҳамроҳ, унинг қаватида ҳозир у нозир эди.

Тилак кутилмаганда дунёни тарк этди. Унинг ўлими дўстлари, мухлислари қалбини ларзага солди. Ҳалигача ишонгим келмайди. «Нега?» деган савол хаёлимда айланаверади. Ахир у ҳали ёш, яшаши керак эди-ку... Хуллас, дунёнинг ишларига баъзан тушуниб бўлмайди.


Унинг ўлими Файбулла акани ҳам адо қилди десам, янглишмасам керак. «Тилак – ўғлим ўрнида ўғлим», дегувчи эди у.

Тилак Жўра камтар, камсуқум, мард, ҳалол, ўзгаларнинг ютуғини кўриб севинувчи, саховатли, оққўнгил инсон эди. Фирромликдан ҳазар қилар, баъзилардек шароитга қараб, ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташламас, сўзида собит тура оладиган яхлит

шахс эди. Беандиша, манфаатпарастларни ёмон кўрар эди. Уни Ёзувчилар уюшмасига қабул қилганимиздаги кувончлари, баъзи «дўст» лари диссертацияси ортидан Москвага юмалоқ хат ёзишганда чеккан изтироблари ҳали ҳамон кўз ўнгимда турибди. У севинчда ҳам, аламда ҳам ўша-ўша – беғубор Тилак Жўра эди.

Тилак – юрагида меҳригиёси бор йигит эди. У юракларга меҳр экиб кетди. Унинг мусаффо руҳи фарзандлари қалбида ва дилбар шеърлятида жаранглаб яшайверади.

Парвардигори олам асл шоир, гўзал инсон Тилак Жўрани ғариқи раҳмат, шоистаи жаннат айлаган бўлсин. Омин, ё Раббул олабийн!..



ҲИНД ДИЁРИДА ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАР

Шу йил 14 февраль куни Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг навбатдаги халқаро конференцияси тантанали йўсинда очилди. Конференция икки қитъа ижодкорларининг бундан эллик йил олдин Индонезиянинг Бандунг шаҳрида ўтказилган илк анжуманини эслаш, шарафлаш билан бошланди. Ҳиндистон республикаси Маданий алоқалар Кенгашининг таклифи билан мен ҳам ана шу йиғинда иштирок этдим. Дунёнинг йигирма тўрт мамлакатидан келган адиблар, ҳукумат масъуллари, фахрий меҳмонлар шамлар ёқиб, ўтганлар хотирасини ёдга олишди, шеърлар ўқилди, маданий, адабий алоқалар хусусида самимий, ҳаяжонли нутқлар сўзланди.

Эртаси куни Деҳлидан бир юз йигирма километр йироқда жойлашган гўзал Нимрана оромгоҳида кенгаш ўз ишини давом эттирди. Мавзу – адабий мерос, адабий ҳамкорлик ва адабиётнинг ҳозирги аҳволига доир мулоҳаза ва муҳокамалар.

Сўз навбати менга етганда, табиийки, маданий алоқаларимизнинг олис, тарихий илдизлари ҳақида гапирдим. Бундан қарийб минг йил муқаддам бизнинг буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний Ҳиндистонга сафар қилиб, санскрит тилини ўрганиб, «Ҳиндистон» деган китоб ёзган. 1035 йилда ёзиб тугатилган бу қомусий асарда қадимий Ҳиндистонга доир бор маълумотлар жамланган. Мамлакат тарихи, жуғрофияси, табиати, халқининг маданияти, санъати, илму фани, диний эътиқоди, урфу одатлари, анъаналари, хуллас, барча жиҳатлар қаламга олинган китоб ҳанузгача дунё тарихчилари учун нодир, ноёб манба ҳисобланади...

Бундан қарийб етти аср муқаддам Ҳиндистоннинг Патёли шаҳрида туғилган Амир Хусравнинг отаси бизнинг Шаҳрисабзлик бўлган. Шоир Деҳлида яшаб, шу ерда вафот этди. Ундан тўрт девонга жамланган ғазал ва муҳаммаслар, «Хамса»га жамланган гўзал дostonлар мерос бўлиб қолди. Унинг урду тилида битилган ғазалларини Ҳиндистонда ҳалигача севиб куйлашади. Бунга ўзим гувоҳ бўлдим.


Кейин шоҳ ва шоир Мирзо Бобурни эсладим. Бобур Ҳиндистонга истилочи бўлиб келди, аммо ҳинд халқининг сеvimли ҳукмдорига айланди. У бирлашган Ҳиндистон давлатига асос солди. Ҳамиша она юртини соғиниб яшади, ўзбек тилида ўлмас ғазаллар, рубоийлар ва бетакрор «Бобурнома» асарини яратди. Бу китоб Турон ва Ҳиндистон тарихини ўрганувчилар учун бебаҳо хазина. Мен Бобур рубоийларидан ўқиб, инглизчага таржима қилиб, изоҳлаб бердим. Анжуман аҳли катта қизиқиш, завқу шавқ билан қарши олишди. Сўнг «Шоири Абу маоний» деб шуҳрат қозонган Мирзо Абдуқодир Бедилни эсга олдим. Отаси туркий барлос уруғидан бўлган Бедил Ҳиндистоннинг Азимобод (ҳозирги Патна) шаҳрида туғилиб, етмиш етти ёшида Деҳлида вафот этган. Унинг «Ирфон», «Тури маърифат», «Тилсими ҳайрат», «Муҳити аъзам», «Чор унсур» асарлари, рубоий ва ғазаллари халқларимиз томонидан асрлар давомида севиб мутолаа этилган. Бизнинг ватанимизда бедилхонлик урф бўлган. Ўз асарларини кўпроқ урду тилида яратган Мирзо Фолибни таъриф, тавсиф этишга ҳожат йўқ, дедим мен. Уни Ҳиндистонда яхши билишади. Хуллас, муштарак тарихий, маданий илдизларимиз ҳақида ҳар қанча гапирса оз. Совет даврида халқимизни ҳинд адабиёти намуналари билан таништириш борасида анча-мунча ишлар амалга оширилганлиги эътиборга лойиқдир. Робиндранат Тагор асарлари ўзбекчага ўгирилиб,

саккиз жилда нашр этилди. Халқимиз «Рамаяна»ни ўзбек тилида ўқишга муваффақ бўлди. Амрита При-там, Хўжа Аҳмад Аббос, Мулк Раж Ананд асарлари таржима этилиб, китобхонларга тақдим этилди. Аммо, афсуски, биз бугунги ҳинд адабиётидан беҳабармиз. Адабий алоқаларимизни ривожлантириш зарур, бу давр тақозоси... Бу ҳозир бўлганларга манзур бўлди, Маданий алоқалар кенгаши раиси, доктор Варма уларни айниқса қизгин қўллаб-қувватлади.

Анжуман қатнашчиларига ҳар кеча чиройли концертлар қўйиб беришди. Сеҳрли наволар, гўзал рақслар юракларда нақшланиб қолди. Мен дунёнинг турли ўлкаларидан келган кўплаб адиблар билан танишиб суҳбатлашдим. Яхши дўстлар орттирдим. Атоқли ҳинд шоири Гулзор, покистонлик адиба Фарёл Али Гавҳар, бангладешлик Қайсар Ҳақ, бутанлик Сонам Кинга, суданлик Абдулмажид Ҳаж Ал-амин, япониялик Казико Ширайши, сомалилик Нуриддин Фараҳ, мисрлик Навал ал-Саадавий, инглиз адибаси Линдсей Колен, америкалик Чарлз Парсон билан суҳбатларимиз мароқли кечди. Деҳлида машҳур Нилуфар маъбади, сингхлар ибодатхонаси ва Ҳиндистон дарвозасини зиёрат қилдик. Рус тилини ўргатувчи клуб талабалари билан учрашдик. Бедил боғига бориб, шоир мақбараси пойида дуойи фотиҳа ўқидик. Ҳиндистонга илк бор 1994 йилда борганман. Ундан бери жамият ҳаётида жиддий, хайрли ўзгаришлар юз берганига шоҳид бўлдим. Халқнинг турмуш даражаси анча ўсиб ривожланибди. Пойтахт Деҳли атрофида баланд кўприклар билан туташган кенг ҳалқа йўллар барпо этилибди. Метро тармоқлари кенгайибди. Мамлакат иқтисоди жадал илгарилаб борапти. Ҳинд зиёлилари билан кечган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, улар ҳозирги ҳинд ҳукумати олиб бораётган сиёсатдан мамнун. Сўнгги оқшом машҳур Шератон-Морая

меҳмонхонасининг «Бухоро» ресторанида овқатланиб, йўлга чиқдим. Мезбонлар иззат-эҳтиром ила кузатиб қўйишди. Ҳинд диёрида бир ҳафта давомида кечган ижодий мулоқот ва сайру саёҳатлар таассуротлари қалбимда ўчмас хотирот бўлиб қолди.

2006 йил



ҚИРҒИЗИСТОН МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ, ҚАЙДАСИЗ?*

Қирғизистон жанубида, Ўш ва Жалолободда кечган даҳшатли қирғин-қабохатлар Ўзбекистон халқини оғир қайғуга солди. Чет эл ахборот воситаларининг хабар беришича, икки мингдан ортиқ ўзбекнинг уйи аввал талон-тарож қилиниб, кейин ўт қўйилди. Ўттиз бешта ўзбек мактаби, битта университет ва бир ўзбек театри ёқиб юборилди. Тўққиз яшардан ўттиз яшаргача бўлган юзга яқин ўзбек қиз-жувонлари зўрланди. Яна юзлаб ўзбеклар ўлдирилди. Минглаб ўзбеклар юртини тарк этишга мажбур бўлди. Юзлаб ўзбеклар қамоққа олиниб, қийноққа солинди. Ўзбеклар устидан умрбод қамоқ ҳукмлари ўқилди. Мозорлар топталди. Ўзбекларга тегишли бўлган дўконлар, магазинлар, ошхоналар тортиб олинди. Ўш марказидаги Алишер Навоий ҳайкали уриб, синдирилди. Ярадорлар, ногирон бўлганларнинг эса сон-саногии йўқ... Ўзбекларга нисбатан таъқиб ва тазйиқлар тўхтамаяпти. Кўча-кўйларда ўзбекларни уриб, калтаклаш, бор-будини шилиб, тортиб олиш одат тусига кирди. Ўзбекларнинг экинзорларини босиб олишяпти. Кечалари уйларини тошбўрон қилишяпти. Маҳаллий амалдорлар бу ишларни сиртдан қоралаб, зимдан

* Азиз китобхон! Муҳтарам Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қардош Қирғизистон билан муносабатларимиз кун сайин яхшиланиб, ривожланиб бормоқда. Биз бундан бениҳоя хурсандмиз. Қирғиз халқига ягона тилагимиз – тинчлик-омонлик, бахт-саодат, равнақ-ривож.

Ўш, Жалолободда кечган қонли можаролар – тарихимизнинг қора саҳифаси. Уларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Бугун эслар эканмиз, мақсадимиз – ўша воқеалар нима учун ва кимлар туфайли юз берганини авлодларимиз билсин, сабоқ олсин, ўша фожиалар қайта такрорланмасин!

Ана шу яхши ният ила ушбу мақолани сайланмага киритдим.

(Муаллиф изоҳи)

ўзлари гижгижлаб туришибди. Шу кунларда Иссиққўл вилоятининг Қоракўл шаҳри кўчаларида «Сартларга ўлим!» деган ёзувлар пайдо бўлди. Ўзбекларни Қирғизистондан сиқиб чиқариш компанияси давом этмоқда. Бу ёлғиз Қирғизистонда яшовчи ўзбекларга эмас, балки бутун ўзбек миллатига, Ўзбекистон давлатига қарши қаратилган фитна, зўравонлик, ҳақорат... «Биз истганимизни қиламиз, кўрайлик-чи, кўллариңдан нима келаркин...» қабилида иш тутишяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, Россия ва Қозоғистон президентлари «Бу Қирғизистоннинг ички иши» деб индамай, томошабин бўлиб туришди. Қойил қолмай иложимиз йўқ! На қонун, на ҳокимият мавжуд бўлмаган мамлакатда этник зўравонлик давлатнинг ички иши бўлиши мумкин экан-да... Хуллас, улар кўйиб беришди. Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган даҳшатли фожиалар содир бўлди.

Бу қадар ёвузлик, бу қадар ваҳшийлик, бу вандализмни тарих қачон кўрган? Менимча, фақат мўғуллар босқини даврида. Қарангки, саккиз асрдан кейин ўша қабоҳат яна такрорланди. Наҳотки ана шу ишларни ўзбеклар билан асрлар давомида тинч-тотув яшаб келаётган, тили бир, дини бир қардош қирғизлар қилаётган бўлса? Одамнинг ишонгиси келмайди... «Сартларга ўлим!» деб ҳайқираётган, кекса демай, аёл демай, ёш бола демай, тупроққа қориштираётган қирғиз йигитларини ким бу кўйга солди? Албатта, давлат, ҳокимият тепасида турган амалдорлар... Франциянинг инсон ҳуқуқлари бўйича вазири Ўшдаги аҳвол билан танишгач, «Бу – ўзбекларга қарши геноцид» деб гапнинг пўсткалласини айтди. Бироқ Ўшга ташриф буюрган президент хоним Роза Отинбоева уйи куйган, номуси топталган, ҳам молидан, ҳам жонидан айрилган ўзбеклардан кўнгил учун бўлса-да, бир аҳвол сўрамади... Шундан ўзингиз хулоса қилаверинг.

Афсуски, бугун Чингиз Айтматов йўқ. Тирик бўлганда, қараб турмасди. Қирғиз армияси, милицияси, СНБси, ҳокими, судяси, прокурори, оломони бир тану бир жон бўлиб, ўз биродарлари бўлмиш ўзбекларни ялпи қирғин қилаётганини кўриб, томошабин бўлиб турмасди. Уларнинг йўлини тўсарди. Ҳеч бўлмаса, овозини чиқарарди...

Аммо, сиз, унинг сафдошлари, шогирдлари тириксиз-ку. Бурнидан нарини кўролмайдиган худбин сиёсатчилар ўз ғаразли мақсадлари йўлида азалий дўстлигимиз, қардошлигимизни ёқиб, кулини кўкка совураётганда нега индамай, жим турибсиз? Ёзувчилар, шоирлар, олимлар, рассомлар, театр ва кино арбоблари, дин уламолари, қайдасиз? Аввал дунганларни, кейин туркларни, бугун ўзбекларни оёқости қилиб, уйларига ўт қўйган миллатчилар эртага бутун Қирғизистонни ёқиб, кул қилишларини кутаяпсизми?

Миллатчилик – мусулмон учун ҳаром, деганлар Пайгамбаримиз (с.а.в). Миллатчилик – разилларнинг энг сўнгги манзилдир, деган Лев Толстой. Миллатчилик – қирғиз халқининг манглай шўри, бахтсизлигидир, дейди қирғизистонлик сиёсатшунос Александр Князов... Миллатчилик – бу манқуртлик демак. Айтматов башорат этган манқуртлик балоси Ўш фожиасида ўзининг бор даҳшатли қиёфасини кўрсатди... Бу гапларни ёшларга сиз айтмасангиз, ким айтади, ким етказди? Йигирма етти давлат Европа иттифоқига уюшиб, аҳил яшаётган йигирма биринчи асрда «Қирғизистон – фақат қирғизлар учун!» деб майдонга чиқиш шармандалик эмасми? Шундай шиор билан чиқаётган қирғиз ёшлари балки Москва кўчаларини тўлдириб «рус марши» ўтказётган, Адольф Гитлернинг туғилган кунини байрам қилаётган россиялик тенгдошларидан ўрнак олишаётгандир... Энди ўйлаб кўринг, бу аҳволда биз, Марказий Осиё халқлари қачон бирлашамиз, қачон Турон иттифоқини тузамиз?

Ўзбекларни айирмачиликда айблашаяпти. Қирғизистонда бир миллион нуфусга эга бўлган ўзбеклар автономия талаб қилишса, бунинг нимаси ёмон? Бу – уларнинг қонуний ҳаққи эмасми? Тожикистонда Бадахшон автоном ўлкаси, Ўзбекистонда Қорақалпоқ автоном республикаси бинойидек яшаб турибди-ку! Ўртада ҳеч қандай миллий низо йўқ-ку!

Ўзбекларда кўшнинг билан ҳамиша дўст, иноқ бўл, унга риоя қил, ҳурматини ўрнига қўй, деган нақл бор. Бугунча Ўзбекистон тишини тишига босиб, оғир, вазмин бўлиб турибди. Аммо эртага вазият ўзгармайди, деб ким айта олади? Миллатчилар фақат бугунни ўйлашяпти, эртани ўйлашмаяпти...

Қирғиз биродарлар, маданият арбоблари! Овозингизни чиқаринг. Айрим калтабин сиёсатчиларнинг касофати туфайли адашган ёшларни тўғри йўлга солинг. Улар ўзбекларнинг уйларига ўт қўйиш билан қирғизларнинг ҳам уйига ўт қўйишаётганини тушунтиринг. Ўзбеклар бу юртга бошқа ёқдан кўчиб келмагани, шу ернинг азалий, тубжой аҳолиси эканини, Ўш ва Жалолобод каби тарихий шаҳарлар осмондан тушмагани, балки асрлар давомида ўзбеклар бунёд этганини эслатиб қўйинг уларга. Ҳақ, ҳалол сўзингиз билан ёвузлик ва жаҳолатнинг йўлини тўсинг. Унутмангки, бу даҳшатли фожиа масъулиятининг бир чети сизнинг ҳам елкангизга тушади. Чунки зиёли ўлароқ, Тангри ва дунё олдида миллатнинг инсоний қиёфаси, маънавияти учун жавобгарсиз.

Миллатчилардан сўрайдиган саволим бор: ўзбекларни дўстан душманга айлантириш билан нимага эришмоқчи бўласиз? Бунинг натижаси охир-оқибат ўзингизга ёмон бўлишини наҳотки тушунмасангиз? Худодан кўрқинг, У ҳисобларни баробар қилгувчи зотдир.

Би-Би-Си бутун дунёга хабар тарқатди. Жалолобод университетидан ўқиётган афғонистонлик талаба гувоҳ-

лик беради: ота-онаси, яқинларидан айрилган икки яшар ўзбек боласи йиғлаб, кўчага чиқибди. Кап-катта бир қирғиз одам ўша гўдакни тутиб, тўпланган оломон кўзи ўнгида бўғиб ўлдирибди... Ҳайвон қилмайди бу ишни, болани аяйди. Аммо ўзини қирғиз деб атовчи инсон ана шу қабоҳатга қўл урибди... Хўш, инсониятга қарши жиноят бўлмай, нима бу? Бу унутилади, жазосиз қолади деб ўйлайсизми? Йўқ, унутилмайди, ерда ҳам, осмонда ҳам жазосини олади.

Яна шуниси ачинарлики, ўзбекларнинг уйларига ўт қўйиб, уларни ялпи қирғин қилишаркан, яқин қўшнилари – Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон зиёлилари овоз чиқаришмади. «Ҳой, ноинсоф, тўхта, кўрнамаклик қилма, сени саводхон қилиб, китоб ўқитган, сув чиқазиб, ер ҳайдаб, экин экишни, боғ ўстиришни, иморат қуришни ўргатган, сенга ўз шаҳарлари дарвозаларини очиб, Шарқ маданиятига ошно қилган, сени дини Исломга киритиб, Аллоҳни танитган, ҳатто Куръони каримни она тилингда таржима қилиб берган ана шу сарт, ўзбек эканини унутдингми?» дейиш ўрнига, даҳшат ваҳшатга томошабин бўлиб жим туришди...

Тарихий факт шуки, ўзбек аҳолиси Қирғизистон таркибига ўз ери, ўз тарихий яшаш майдони билан кирган (аниқроғи, Сталиннинг буйруғи билан мажбуран киритилган). Бир ёқдан кўчиб келганмас. Бугун уларга сиз, кетинг, бизга ерингиз керак, демоқдасиз. Жаноб миллатчилар, эсингизни йиғинг, сизга ўзбеклар керак бўлмаса, демак, уларнинг ери ҳам керак бўлмайди. Улар кетишаркан, ерларини ўзлари билан олиб кетишади, сизга ташлаб кетмайди. Буни унутманг...

Худойим биз, мусулмонларга ақл ва инсоф ато этсин. Минтақамизда тинчлик ва тотувлик барқарор бўлсин.

Омин, ё Раббул олабийн!

БУХОРО – ЖАҲОНГА ОРО...

*Ул Бухоро гулшани ирфон эрур,
Ким бухорийдир, азиз инсон эрур...*

Мавлоно Жалолиддин Румий

Мендан ота юртим Бухоройи шариф ҳақида уч-тўрт калима сўз айтишимни сўрашди... Осон ишми бу? Аммо қанчалар қийин бўлмасин, бу мен учун шараф ва масъулият.

Юракдан чиқиб, юракка бориб етадиган сўз бўлсин, дейишди... Хўш, қайдан топаман ўша сўзни? Сарриштани қаёқдан ахтарай? «Бухоро» деганда аввал кўнгилга, кейин тилга келадиган биринчи сўз, олтин хазинанинг олмос калитини қаёқдан излай?

Бир овоз қулоғимга шивирлайди: «Ҳазрати Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан изла...» Изладим ва Аллоҳга шукрки, толдим. Мана, ўша ҳадис: «Дунёдаги барча шаҳарларга осмондан нур ёғилади... Фақат Бухородан осмонга нур таралади». Демак, Бухоро деганда дилга ва тилга келадиган биринчи сўз – нур! Хўш, у нечук нур бўлдийкин? «Маърифат нури, – дейди ўша овоз яна қулоғимга шивирлаб, – нури маърифат». Хўш, маърифат дегани нима? Маърифат – инсонга Аллоҳ ато этган неъмат, у икки унсурдан иборат бўлиб, инсон учун илму адаб, жамият учун илму адолатдир. Илм – ўзни билиш, оламни билиш, Аллоҳни билиш демак. Яъни, кашфи одам, кашфи олам ва кашфи Худо... Адаб эса аввало Аллоҳга эътиқод ва унинг замирида бебаҳо гавҳардек ярқираб турувчи инсоф... Инсоф – дини соф. Ҳар бало бўл, лекин инсоф билан бўл, деб бежиз айтишмаган, ахир.

Хўш, адолатчи? Адолат – қонун устуворлиги, қонун ҳукмронлиги, бугуннинг ибораси билан айтганда,

қонун диктатураси... Қонунга катта-кичик барча беистисно бўйсуниси демак. Инсон илму алабга суяниб, камолга етса, жамият илму адолатга таяниб, равнақ топади. Бухорони Бухоро қилган, Бухоройи шариф қилган нур – нури маърифатнинг қисқача мазмуни ана шундан иборат.

Хўш, қаёқдан келди ўша нур? Тарихни варақлайман, Муҳаммад Наршахий гувоҳлик беради... Қадимда Бухоро ерлари чангалзор, тўқайзор жойлар эди. Туркистон томондан келган қавмлар шу ерни макон тутишди. Қишлоқлар пайдо бўлди. Туркистон шаҳзодаси (форсийда номи Шери кишвар, арабийда Асадул мулк, туркийда Эларслон) Бухоро шахристонини бунёд этиб, шаҳарга асос солди. Бухоро ҳукмдорлари – Бухорхудотлар сулоласи шаклланди... Араблар бостириб келганда Бухорхудот вафот этган, мамлакат ҳукмдори унинг аёли эди. Уни Хотун, баъзида Туркон хотун дейишарди (Туркон хотун – гўзал аёл демак). Дин оташпарастлик эди. Маҳаллий аҳолининг тасаввури қуёшдан нарига ўтмас, қуёшни ким яратди, деган савол ҳали ўртага қўйилмаган эди. Араблар Бухоро тупроғини топтаб, Пойкент шаҳрини ер билан яксон этишди, бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи Варахшага ўт қўйишди, халқнинг молу мулкани шилиб, талон-тарож қилишди... Лекин қанчалар зулму ситам этишмасин, улар Бухоро халқига буюк хизмат, чексиз марҳамат кўрсатишди. Зўрлик-зўравонлик билан бўлса-да, дини исломни жорий этишди. Араблар кетди, ислом қолди. Босқинчилар кетди, Қуръон қолди. Бухоро аҳли Қуръони каримни кўзига суриб, бағрига босди. Ундан илм ўрганди. Уларга тирикликдан, яшашдан мақсад аён бўлди. Яъни, оламдан мақсад – одам, одамдан мақсад – Худо, Яратганни таниш, Худони танишдан мақсад – Унга муносиб банда бўлишга интилиш – ана шу интилиш баробарида равнақ-ри-

вож топиш, камолга етишдир. Камолот йўлининг эса чек-чегараси йўқ.

Бухороликлар ана шу йўлда жаҳду жадал айлаб, юксак чўққиларни эгаллашди. Устозлар шогирдга, шогирдлар устозга айланишди. Арабистондан олиму уламолар келиб, Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийдан сабоқ олишлари одат тусига кирди. Имоми Кабирнинг шогирди Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий араб диёрини шаҳарма-шаҳар кезиб, Ҳазрати Пайғамбаримизнинг муборак сўзлари, 7275 ҳадисни йиғиб, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» номи остида мусулмон дунёсига армуғон этди. Бу мусулмонлар учун Қуръони каримдан кейин иккинчи муқаддас китоб. Ана шу китоб шарофати билан дини ислом янада равнақ топди. Бухорои шариф номини, қуббатул ислом (ислом дини гумбази) унвонини олди.

Сомонийлар майдонга чиқиб, араб ҳукмронлигига чек қўйиб, бугун Марказий Осиё деб аталаётган қадимий Турон замин ҳудудида мустақил давлат, буюк салтанат қуришди. Бу давлат ёлғиз битта халққа эмас, шу заминда яшовчи барча халқлар, қавму элатларга мансуб эканлигини, бу ерда икки тил – туркий ва форсий ҳамиша қўл ушлашиб юришганини алоҳида таъкидлаш лозим. Рудакий ошиқона ғазалларини шу ерда ёзди. Умар Хайём риндона рубоийларини шу ерда яратди. Афшона қишлоғидан чиққан ёш табиб подшони даволаш эвазига унинг кутубхонасига киришга муваффақ бўлди. Ўнлаб кумуш сандиқларда сақланаётган нодир китобларни мутолаа этиб, буюк Ибн Сино бўлиб етишди, алал-оқибат дунё табобати илми, тиббиёт – мадади Синога асос солди. Кейинчалик сарой аҳли орасида юз берган низо ва ноаҳиллик туфайли сомонийлар салтанатига путур етди. Ҳазнавийлар келиб, Бухорони ғорат қилишди. Қорахонийлар келиб қайта тиклашди. Илму фан

ривожи баробарида савдо-тижорат тагин авж олди. Арслонхон минораси – Минораи калон устида ёқилган машъала Буюк ипак йўли бўйлаб, дашту саҳроларни оралаб келаётган савдо карвонларига маёқ бўлиб хизмат қилди. Сўнгра хоразмшоҳлар ҳукмронлиги бошланди. Шунда тарих яна ватанимизни, шу жумладан, Бухорони офир синовлар, мудҳиш фожиаларга дучор этди. Худбин ва такаббур Муҳаммад Хоразмшоҳнинг касофати туфайли ёввойи мўғул галалари Туронзамин устига чигирткадек ёпирилди. Чингизхон Бухоро шахрининг бош жомеси, Масжиди калон саҳнига от суриб кирди. Аҳоли аёвсиз қиргин қилинди. Ҳунармандлар Мўғулистонга ҳайдаб кетилди. Куллик, асорат қарийб бир ярим аср давом этди... Аммо Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек:

*Баъди навмеди базе уммидҳо,
Аз пайи зулмат базе хуршидҳо...*

*Келса навмидлик, яна уммид келур,
Келса зулмат, ортидин хуршид келур...*

Бухоройи шарифга хос, худомерос маърифат нури яна жонларга ора кирди. Шайх Юсуф Ҳамадоний Бухорога қадам ранжида этиб, ўчиб қолаётган ислом машъалини қайта ёқаркан, атрофга нури маърифат таралди. Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Абдуҳолиқ Гиждувоний каби ўнлаб шогирдлар ана шу нурга талпиниб, машъала атрофида жам бўлишди. Халққа «Дил ба ёру даст ба кор – Қўлингни ишга, қалбингни Аллоҳга бағишла» шиори отилди. Нақшбандийлик тариқати маънавий суянч бўлиб, халқ эгилган қаддини тиклай бошлади. Ана шу мафкураининг ҳимоясида Соҳибқирон Амир Темур майдонга тушиб, Турон заминни, Осиё ва Оврўпо қитъаларини мўғуллар истибдодидан озод

этди. Темурийлар давлати паноҳида дину иймон ривож топди, илму фан гуркираб тараққий этди. Мирзо Улуғбек Бухоро ҳудудида иккита мадраса бино этиб, пештоқиға «Илм олиш барча эркак-аёл мусулмонларга фарздир» деган ҳадисни ёздирди. Бироқ, афсуски, ўзаро тожу тахт талашишлар оқибатида темурийлар салтанати заволга юз тутди. Мутаассиб руҳонийлар қутқуси билан Мирзо Улуғбекнинг боши кесилди. Қуббатул исломдан таралаётган нур яна милтираб қолди. Диннинг сийратига эмас, суратига ёпишиб олишди. Ислоннинг яратувчилик, кашфиётчилик миссияси унутилди. Уламолар орасида «Худонинг ишига аралашма» деган бидъат урчиди. Аҳмад Дониш йиғлаб, кўз ёши тўкди: «Авомидан уламози, уламосидан авоми баттар бўлган бу халқнинг бошига ҳали не кунлар тушгай...» деди.

Феодал тарқоқлик, уч хонлик даври бошланиб, Хоразм Бухорога, Бухоро Кўқонга, Кўқон Тошкентга лашкар тортиб, биродарқушлик авжига чиқди. Бундан фойдаланган чор Россияси Марказий Осиёни забт этди. Бухоро давлати мустамлака бўлмаса-да, вассал ҳолатига тушди. Бир гуруҳ пешқадам зиёлилар жамият ҳаётини ислоҳ этиш, янгилаш талаби билан чиқиб, жадидлар ҳаракатини бошлашди. Абдурауф Фитрат 1914 йилда «Нажот йўли» рисоласини ёзиб, миллий тараққиётимизнинг аниқ дастурини чизиб берди. Аммо Амир ва унинг амалдорлари бу дастурга қайрилиб ҳам қарашмади, аксинча, улар жоҳил муллалар қистови билан жадидларни қирғинбарот қилишди. Ҳатто ёқасига тугма қадаганни ҳам жадид деб бошини кесишди. Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев жон ҳовучлаб, Самарқанду Тошкентга қочишга мажбур бўлишди.

Тарих яна ҳукмини юритди. Россияда ҳокимиятга келган большевиклар раҳбари Ленин фуқаролик уруши туфайли вайрон бўлган темир йўлларни тиклаш

вазифасини қўйди. «Маблағ йўқ» дейишди унга. Фрунзе эътироз этди: «Маблағ бор, Бухорода...». «Бухоро – мустақил давлат, тан олганмиз», – деди Ленин. «Ҳечқиси йўқ, инқилоб қиламиз, Файзулла Хўжаевни ишга соламиз», – деди Фрунзе.

Хуллас, ишга солишди, «инқилоб» қилишди. Амир Бухорони ташлаб қочди. Фрунзе хазинанинг калитини сўради. Шунда Файзулла Хўжаевнинг кўзлари илк бор ярқ этиб очилди... Аммо, энди кеч эди... Ун тўққиз вагон тилло Москвага ташилиб, унинг эвазига Америкадан икки юз локомотив, саккиз минг вагон сотиб олиб, темир йўлларни тиклашди. Ўлаёзган Россиянинг томирларига қон югурди...

Бухорода Ўзбекистон жумҳурияти эълон этилиб, пойтахт аввал Самарқандга, кейин Тошкентга кўчирилди. Файзулла Хўжаевнинг Швейцария банкасида отасидан қолган бир неча миллион маблағи ҳийла-найранг билан Москва банкасига кўчирилгач, ўзини суд-маҳкамасиз отиб ташлашди. Ўша миллионларга Америкадан қурол-яроғ сотиб олишди. Бухоронинг олтинлари яна бир бор Россиянинг жонига ора кирди.

Қизил империя халқимизга, шу жумладан, Бухоро аҳлига сўнги зарбани қонунбузар терговчилар Гдян ва Иванов қўли билан берди. Юзлаб масъул ходимлар, катта-кичик раҳбарлар қамоққа ташланиб, молу мулки мусодара этилди. Айримларини аёвсиз қийнаб ўлдиришди.

Хайриятки, шўро давлати тарқаб, Аллоҳ Ўзбекистонга мустақиллик неъматини инъом этди. Юртимизга, шу жумладан, Бухорога яна дину иймон қайтди. Диний мактаблар, мадрасалар иш бошлади. Янги масжиди жомелар қурилди. Сўник шам каби милтираб қолган исломий маърифат яна порлаб, ярқираб кетди. Шу ўринда бир воқеани айтмасам бўлмас. Ҳазрати Мавлоно таваллудининг бутун дунё бўйлаб

нишонланган саккиз юз йиллик байрами муносабати билан Эронда бўлганимда ливанлик бир шайх билан танишдим. Шайх бир неча кун айрича ҳурмат, тавозе кўрсатиб, мени хижолатга қўйди. Охир-оқибат сабабини айтди. «Сиз бухорийсиз, – деди у, – шу сабабли ҳам иззатга лойиқсиз... Бунинг устига етмиш йиллик даҳрийлик, худосизлик шароитида халқингиз ўз қалбида ислом нури, ирфону маърифатини асраб қололди... Бугун у машъала бўлиб, узоқ-узоқлардан ҳам кўзга ташланиб турибди».

Хуллас, Бухорони гулшани ирфон этган ҳам, қалбимизни фахру ифтихорга тўлдирган ҳам – ўша нури маърифат. Маърифатсиз тараққиёт йўқ, тараққиётсиз ислом ҳақиқий ислом эмас. Тараққиётсиз ислом дунё тараққиётидан орқада қолиш, таназзулга юз тутиш демек. Таназзул қолоқликка етаклайди, қолоқлик ожизликка. Ожизларни эса дунё аяб ўтирмайди, уларнинг устидан босиб-янчиб ўтади. Гапнинг индаллоси ана шу.

Шуни қувонч билан қайд этиш лозимки, мустақиллик туфайли замонавий тараққиёт йўлига кирдик. Ўтган давр ичида шинам иморатлар қурилиб, гўзал хиёбонлар барпо этилиб, Бухоро обод шаҳарга айланди. Кун сайин чиройига чирой кўшилмоқда. Таъмирланиб, ораста этилган етти пирнинг зиёратгоҳларидан одам аримайди.

Мен Бухоро тарихини ғоят умумий чизгиларда, қисқа баён айлаб, унинг қатлари орасидан ўзим энг муҳим деб билганим нуқтани топиб, сизга тақдим этишга интилдим. Бухоро – Турон заминнинг она бош шаҳри. Бухоро – шу замин илму фанининг она бешиги. Шу замин ҳунармандчилигининг она бешиги. Шу замин меъморчилигининг она бешиги. Шу замин мусиқа санъатининг она бешиги... Яна қай бирини айтай? Назарни тагин ҳам кенгроқ оладиган бўлсак, Бухоро – ёлғиз ҳозирги вилоят ҳудуди эмас, наф-

силамрини айтганда, у – тарихий таъсир эътибори билан Каспий денгизидан Тянь-Шанга қадар чўзилган буюк маданий-маънавий минтақа. Неча бор гувоҳ бўлдик, дунё буни Бухоройи шариф тамаддуни деб атайти. «Бухорий» номи билан дунёга танилган олиму уламо, шоиру шуаро, фозилу фузалоларнинг саноғига етолмайсиз. Ҳаммасига сабаб – юқорида энг муҳим деб айтганим ўша, нури маърифат. Шу туфайли Бухорони қадимда Фохира деб аташган. Бу – фахру ифтихор мамлакати дегани. Ана шу маърифат нури Бухоройи шарифга ҳамиша ёр бўлсин, бухороликларнинг бошидан ҳеч аримасин, қалбимизни доимо қувончу ифтихорга тўлдириб турсин.

*Жаннат боғларидан менинг орим бор,
Менга нима эмиш у боғи Ирам?
Дунёда сенингдек ифтихорим бор,
Дунёда ўзинг бор, менинг Фохирам.*

*Маърифат аталган таркиби асос
Ўлмагай, билмагай сўлиш ва қариш.
Сенинг китобингдан бўлди сарафроз,
Сенинг офтобингдан топди парвариш...*

*Сени кўролмаган ғанимлар мутлақ
Кўзи тийра бўлсин, юзлари қаро.
Ҳақдан яралгансан, яшайвер барҳақ,
Эй она Бухоро – жаҳонга оро!..*

«Бухоро» альбомига ёзилган сўзбоши

ФИКРСИЗЛИК ФОЖИАСИ

Ақл – Аллоҳнинг ер юзидаги тарозисидир. Аввал ақл, кейин дин, дейилади ҳадисларда. Яъни, ақли йўқнинг дини йўқ. Мавлоно Жалолиддин Румий демишларки:

*Ақл юз очса жаҳон кўзгусида,
Тийра тортгай кун унинг ўтрусида...*

Ақл ҳаракатидан фикр майдонга келади, фикр ҳаракатидан – фаолият, фаолият эса инсонни раванқ-ривож, тараққиётга етаклайди. Демак, тараққиёт бўлмаган жойда ақл карахт, фикр сушт, фаолият заифдир.

Яна бир нуқтани алоҳида таъкидлаш лозим. Яратган Тангри бор ақлий салоҳиятни бир кишига жамлаб, хатлаб бермаган, халқ, миллат устига сочиб ташлаган. Ҳар кимга бир улуш теккан. Ана шу улушлар жамланиб, миллатнинг ақлий бойлиги, зеҳний потенциалини ташкил этади. Бир шахс қанчалар даҳо бўлмасин, унинг ақлий қуввати миллатнинг ақлий қудрати ўрнини босолмайди. Кўпчилик – дарё деб бекорга айтишмаган, ахир. Дунёда тараққий этган мамлакат борки, унинг сиёсий элитаси фақат ва фақат ўз халқининг ақлий қувватларини ишга солиб, шу жараёнда бошқалардан ҳам ўрганиб, бир натижага эришган. Бунинг тескарисини қилганлар алал-оқибат тешик тоғора билан қолгани тажрибадан маълум.

Мустақиллик арафаси ва унинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз илмий-иқтисодий потенциали кўлами билан Марказий Осиёда етакчи ўринда эди. Хўш, нима бўлди? Қаёққа кетди ўша имкониятлар?

Сир эмас, яширишнинг ҳожати йўқ, сўнгги йигирма беш йил давомида Республикамиз фақат бир кишининг

ақли билан яшади. Шу давр мобайнида бир кимсанинг мажлисда ўрнидан туриб ёки минбарга чиқиб, менда таклиф бор, агар қабул қилинса, халқимиз, давлатимиз учун янада яхшироқ бўлади, деганини ҳеч эшитмадик. Бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап бўларди. Чунки фикр айтиш, таклиф киритиш, ташаббус кўрсатиш ҳуқуқи бир кишининг монополияси бўлиб, бошқалар бунга дахл этолмас, уларга гулдурас қарсақлар чалиш ҳуқуқи берилган эди, холос.

Натижани кўриб турибсиз. Миллий пулимиз жорий этилганда бир доллар етти сўмга баробар эди. Энди-чи? Саккиз минг сўмдан ошди! Ана шу биргина кўрсаткичнинг ўзиёқ йигирма беш йил йўл босиб, қайси маррага етиб келганимизни аниқ кўрсатиб турибди. Бу Ўзбекистонда иқтисод ҳам, молия ҳам дабдала дегани. Хўш нима бўлди ўзи? Фабрика-заводлар талон-тарож этилди. Катта-кичик амалдорлар юрт бойликларини талашга тушди. Ишсизлик авжига чиқди. Билагида кучи, белида қуввати бўлган эркаклар бола-чақа боқиш учун иш излаб, бу ёғи – Россия, Қозоғистон, Корея, у ёғи – Яман, Бирлашган Араб амирликлари, Туркия, Европа, Америкага тарқалди. Уларнинг сонини ўртача етти миллион дейишади. Шу йиллар давомида халқимизни очлик, очарчиликдан ўшалар асради. Масаланинг иккинчи томонига эътибор қилинг. Етти миллион эркак мамлакатдан чиқиб кетган экан, шунча аёл эрсиз қолди. Бунинг оқибатини кўриб турибмиз. Ўзбекистонлик аёллар фоҳишаликда дунё бўйлаб донг таратди. Грузиянинг биргина Батуми шаҳри ресторанларида беш юздан ортиқ ўзбек аёллари фоҳишалик қилади деб кеча хабар берди чет эл ахборот воситалари. Халқимиз бундай иснод, шармандаликни тарихда қачон кўрган? Бу мислсиз қабоҳатлар учун ким жавоб беради? Бунинг илдизига қачон етамиз?

Янги Президентимиз жон куйдириб, ақлни ишга солинг, фикр юритинг, таклиф киритинг, ташаббус кўрсатинг, деб қанчалар даъват этмасин, амалдорларимиз шок ҳолатида: бошини эгиб олиб, нуқул бир нималарни ёзгани - ёзган. На юзини кўрасиз уларнинг, на кўзини... Сабабки, уларда фикр йўқ. Улар фикрлашга эмас, буйруқни бажаришга ўрганган. Бунинг устига, кўрқув бор: мабодо фикр билдирсам ёки савол берсам, каттаконга ёқмай қолса-чи? Унда нима қиламан?..

Мен уларни айбламоқчи эмасман, улар шундай шаклланган, шундай тарбия топган. Энди ўша эски қобиқдан чиқиш қийин бўлаяпти.

Хўш, нима қилиш керак?

Шу ҳақда ўйлаб, бунинг жавобини топгандек бўлдим. Менимча, биринчи галда, катта амалдорларнинг кичик амалдорлар устидан босимини камайтириш керак. Токи катта амалдор ўзини хон, кўланкасини майдон деб билмасин. Кичик амалдорни одам ўрнида кўрсин. «Сен ким бўпсанки, таклиф киритасан? Мен турганда фикр айтишни ким кўйибди сенга?» – демасин. Бу – кечаги гап, кечаги сиёсат. Бундан воз кечиш даркор. Ҳар кичик одамда ҳам бир қимматли фикр бўлиши мумкин. Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур...

Иккинчи навбатда, халққа ибрат кўрсатиш лозим. Хорижларда ўқиб, таълим олган, фақат буйруқни бажариб, фикрлашдан маҳрум қолган бюрократия иллатларидан йироқ ёш кадрларни давлат бошқарувига, сиёсатга кўпроқ тортиш, улар ёрдамида эркин танқид, фикрлар кураши, дўстона баҳсу мунозара муҳитини яратиш даркор. Токи матбуот, радио, телевидение тафаккур майдонига айлансин. Шунда ҳозирги вазиятда бироз гарангсиб қолган амалдорларни ҳам ҳаракатга келтириш мумкин бўлади.

Миллатнинг фикрлашдан маҳрум бўлиши – фожиа, маҳрум этилиши – гуноҳи азим. Ана шу маҳрумият

орқасида мустақиллик йилларида юртимизда битта ҳам атоқли олим, битта ҳам машҳур санъаткор, битта ҳам забардаст уламо етишиб чиқмади. (Забардаст уламо деганда мен камида рус патриархи Кириллнинг панжасига панжа урадиган сиймони назарда тутаман). Етишиб чиққанлари ўртамиёна ёки ўртамиёнадан ҳам паст.

Ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи йилларини эсланг. Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Муҳаммад Ўразбоев, Пўлат Ҳабибуллаев, Саъдихон Сирожиддинов, Ёлқин Тўрақулов, Ражаб Ислombeков, Шавкат Воҳидов, Иброҳим Мўминов, Иззат Султон, Юнус Ражабий каби ўнлаб академик, жаҳонга машҳур олиму алломалар. Уларни бир сафга тизсанг, чўққилари бир-бирига тутшиб кетган улкан тоғ силсиласига ўхшайди... Санъат майдонида: Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Мукаррама Турғунбоева, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Мухтор Ашрафий, Аббос Бакиров, Мутал Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Наби Раҳимов, Ботир Зокиров каби ўнлаб буюк санъаткорлар... Мустақиллик йилларида уларга издош бўлгудек ким етишди? Дилнура Қодиржонова чиққан эди, умри қисқа экан, куйдирди-кетди. Бугунги ёш ўзбек хонандалари айтаётган «модерн» кўшиқларни эшитиб, астаффуруллоҳ деб ёқангизни ушлайсиз. Ашула йўқ, ҳамма ёқни хиргойи босиб кетди... Буларнинг ҳаммаси фикрсизлик оқибати, фикрсизлик эса савиянинг пастлашиб кетишига сабаб бўлади.

Бир мухбир парламентда масъул бир вазифани эгаллаб турган юрист, ҳуқуқшунос хонимдан, нега йигирма беш йил давомида милиция ҳақида қонун қабул қилинмади, деб сўраганида, у ҳеч ўйламай-нетмай, жамиятда бунга эҳтиёж йўқ эди, деб жавоб берди. Жамият йигирма беш йил эмас, бир кун ҳам қонунсиз яшай олмаслиги, қонунсиз яшайдиган бўлса,

зулмга, адолатсизликка йўл очилиши унинг хаёлига ҳам келмади. Мана, сизга савия!

Тошкент ислом университетида тил байрами муносабати билан ўтказилган йиғинда талабалардан сўрадим:

– Болаларим, сизда ўзбек тили, адабиёти ўқитиладими?

– Йўқ, – деб жавоб беришди талабалар.

– Навоий ўқитиладими?

– Йўқ.

– Хожа Аҳмад Яссавий, Машраб, Сўфи Оллоёр ўқитиладими?

– Йўқ.

Ректорга юзландим:

– Домла, булар эртага диний тарғиботчилар бўлиб етишади. Ўзбек тили, адабиётини пухта эгалламасдан, бу вазифани қандай адо этишади?

– Бунга соат ажратилмаган, – деди ректор.

– Тепага чиқиб, соат талаб қилмайсизми?

Саволим жавобсиз қолди. Мана, сизга савия!

Маълумки, Президент ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси мамлакатимиз учун раҳбар кадрлар тайёрлайди. Йигирма беш йил давомида ўқув юртингизда таълим олганлар орасидан бирорта таниқли, етук раҳбар етишиб чиқдимиз, деган саволимга шу даргоҳда ишлаётган профессор аниқ тайин жавоб беролмади. Мана, сизга савия!

Бултур Би-Би-Си хабар тарқатди. 2015 йилда ўзбекистонлик беш юз йигит-қиз интернет орқали имтиҳон топшириб, Америка Қўшма Штатлари университетида ўқишга кирибди... «Қандингни ур, Ўзбекистон!» деб беихтиёр чапак чалиб юбордим... Аммо навбатдаги хабар мени ўйлантириб қўйди. Қозғоғистон давлати ҳисобидан Америка олийгоҳларида таълим олаётган талабалар сони беш мингдан ортиқ экан... Қийслаб қаранг, беш юз қайда-ю, беш минг қайда! Мана, бизнинг савия!

Яна шундай ўнлаб мисоллар келтиришим мумкин. Аммо шу ерда гапни қисқа қилиб, бир хурсандчилигимни айтмоқчиман. Янги Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган яхши тадбирлар эртанги кунимизга катта умид уйғотди. Бирданига ўнта илмий-тадқиқот институтининг тикланиши силласи қуриб бораётган Ўзбекистон Фанлар академиясига янги ҳаёт бағишлади. Бу чинданам бағоят хайрли, дадил қадам! Мавлоно Румий яна демишларки:

*Қирқни этган бирни ҳам айлар адо,
Жонни ул қирқ бирга этгаймиз фидо...*

Айтмоқчиманки, ўша ўнтага сафбаста қилиб, ўн биринчи, Фалсафа илмий-тадқиқот институтини ҳам тиклаш керак. Нега? Ер юзида фалсафа илмининг иккита асл ватани бор. Бири Юнонистон бўлса, бири ўзимизнинг Туронзамин. Фалсафанинг устози аввали, биринчи муаллим Аристотель Юнонистонда яшаган бўлса, устози соний, иккинчи муаллим Абу Наср Форобий бизда етишган. Уларнинг анъаналарини давом эттириш, ислом фалсафаси бўлмиш тасаввуф таълимотини янги шароитларда кенг ва теран тадқиқ этиш – фанимиз учун шарафли вазифа.

Эсимда бор, мустақилликнинг дастлабки йилларида халқаро экспертлар Ўзбекистон яқин ўн-ўн беш йил ичида иқтисодий ривожланиш йўлида Марказий Осиёнинг йўлбарсига айланади, деб башорат этишган эди. Орадан йигирма беш йил кечди. Бошқалар йўлбарс бўлди. Биз нима бўлдик, билмадим, ҳар ҳолда йўлбарс бўлолмадик. Худбинлик, амалпарастлик йўлимизга тўғаноқ бўлди. Фикрсизлик, миллатнинг ақлий салоҳиятига суянмаслик оёқдан чалди. Бунинг оқибатида халқ фикрлашдан тўхтади, фикрламай қўйди...

Энди ана шу иллатдан қутулмоғимиз даркор. Иншооллоҳ, қутуламиз! Ноумид шайтон. Кеча йўлбарс бўлол-

маган Ўзбекистон эртага арслонга айланса, не ажаб! Бунга Президентимиз томонидан қабул қилинаётган умидбахш қарорлар, амалга оширилаётган тadbирлар гаровдир. Яқинда халқаро миқёсда обрў-эътиборга молик машҳур иқтисодчи йигит Рауф Салоҳхўжаевга Тошкент марказидан данғиллама уй тортиқ этилгани ҳаммамизни қувонтирди. Энди у ватанга хизмат қилади, хорижга кетмайди. Бу каби олтин бошлар изласа, хорижларда ва мамлакатимизда яна топилади. Улардан айримларининг ишсиз қолиб, хорижларга чиқиб ишлашга мажбур бўлаётганидан хабарим бор. Тасаввур қилинг, ҳар йили Москва, Токио, Сеул, Париж университетларига бориб, талабаларга жаҳон фалсафаси ва сиёсатшунослиги фанидан рус ва инглиз тилларида маърузалар ўқиш учун қанчалар билим, тажриба, донишмандлик керак. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ана шу фазилятлар эгаси – профессор Саидмухтор Саидқосимов. Биринчи Президентнинг давлат маслаҳатчиси, Ташқи ишлар вазири, Халқаро дипломатия университети ректори, Республика бош вазири ўринбосари лавозимларида ишлаган йирик давлат мулозими тўсатдан марҳаматсизликка учраб, ишсиз қолдирилди. Бунинг ҳайрон қоладиган ери йўқ. Негаки, халқ орасида обрў-эътибор қозонган, истеъдодли инсонларни турли йўллар билан камситиш кечаги сиёсатнинг бир кўриниши эди. Хуллас, Саидмухтор Саидқосимов неча йилдирки, қимматбаҳо билими ва тажрибасини хорижий университетларга сарфляяпти. Ою йиллар ўтаяпти, вақт ғанимат, шундай инсонлардан фойдаланиб қолиш керак. Уларни давлат ва жамият ишларига жалб этиб, масъулият юклаб, қадру қиймати ўрнига қўйилса, айна муддао бўлур эди.

Худога шукрки, халқимиз орасида зеҳни уйғоқ, қалби қайноқ инсонлар оз эмас. Улар баҳор нафаси туфайли тупроқ остидан гуркираб бош кўтарган майса-гиёҳлар

каби кун сайин кўпайиб, янги-янги таклифлар, лойиҳалар билан майдонга чиқишаяпти.

«Биз Роғун ГЭСи сувларини янги ўздан Ўзбекистонга оқишиш лойиҳасини таниқли ирригатор олим Дилшод Бозоров билан ҳамкорликда ишлаб чиқдик, – дейди Халқаро экология хавфсизлиги фанлар академияси аъзоси Анвармирзо Хусаинов, – бу икки томон учун ҳам фойдали ечим. Тожикистон ҳукумати Роғун ГЭСидан чиқадиган энергетик оқава сувларни қаяққа оқишиш ташвишидан қутулади. Амалда бу Ўзбекистоннинг Роғун лойиҳасига инвестицияси дейиш мумкин. Бундан Ўзбекистон ҳам катта манфаат кўради, ҳар йили қўшимча тўрт миллиард куб метр сувга эга бўлади. Амударё суви Ўзбекистонга янги ўздан оқирилиб, эскириб қолган Аму – Қарши насос станциялари хизматида деярли эҳтиёж қолмайди. Қўшни Тожикистон билан сув масаласида неча йиллардан буён давом этиб келаётган баҳсу мунозарага нуқта қўйилади».

Бундай лойиҳалар Анвармирзо Хусаинов бисотида анча-мунча. У бамисоли ғоялар генератори, бошида ҳар кун янги бир режа, таклиф, лойиҳа туғилади десам, ишонинг. Фақат уларни пайсалга солмай, ўз вақтида эшитиш, ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш даркор.

Ақл ва адаб якка бир шахс тақдирида бирлашиб, инсоний маърифатни юзага чиқаради. Илм ва адолат жамият тақдирида бирлашиб, ижтимоий маърифатни майдонга келтиради. Маърифат қанот ёзган юртда фикрсизлик йўқолиб, фикрий фаоллик кучаяди. Ва табиийки, тараққиётга йўл очилади.

Илоҳо, шундоқ бўлсин, Ўзбекистонимизга ҳар жабҳада тараққиёт насиб этсин! Омийн, ё Раббул олабийн!..

«Адабиёт» газетаси,
2018 йил 29 март

ЖАМИЯТ ҲАВОСИНИНГ ОЗОН ҚАТЛАМИ

Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг ёш ижодкорлар семинарига йўллаган мактубини интернетда ўқиб таъсирландим. Таъсирланмай бўладими? Гап халқимизнинг бугунги қисмати, эртанги истиқболи устида кетаяпти. Бу – ҳақиқий зиёли, ижодкорнинг ёлғиз виждон даъвати эмас, балки жон қичқириғи!

Ёзувчиларни тепадан туриб «ўзимизники» ва «бегона»га бўлишдек майдакашликдан воз кечиш, уюшма раҳбариятини низомга мувофиқ қурултойда сайлаш каби масалалар бугун-эрта ҳал бўлиши мумкин. Аммо мактубда кўтарилган жамиятда етук шахслар миссияси – ўта жиддий масала. Эндиги сўз ана шу ҳақда.

Ривоят бор. Бир дарвеш узоқ йўл юриб, бир шаҳарга етиб, дарвоза олдида турган соқчидан сўрайди:

«Бу шаҳарда олиму фузалолар, мўътабар зотлар борми?»

«Бор, – дейди соқчи, – улар тўрт киши: ҳоким, миршаббоши, солиқчи, зиндонбеги».

«Шўри қурсин бу шаҳарнинг!» – дейди дарвеш ва ортига қайтади.

Айтмоқчиманки, халқ ҳамиша зиёлиларга суянади, уларга ишонади, улардан мадад кутади. Миллатнинг қудрати ҳам, зийнати ҳам аввало зиёлилар. Зиёлиси кучли миллат – қудратли миллат, зиёлиси заиф миллат – ожизу нотавон... Зиёлилар орасидан нури, зиёси баланд, қалби уйғоқ, дунёга ҳушёр назар билан боқувчи, ҳар бир масалани ақл ва адолат тарозисида тортиб, ҳал қилувчи, теран ва мустақил фикрловчи, ташаббускор, табиатан ижодкор, баркамол инсонлар, Хуршид Даврон айтмоқчи, етук шахслар етишиб чиқади. Боболаримиз уларни халқнинг йўлини ёритувчи «Аллоҳнинг шамлари» деб аташган. Халқ устидан

чексиз ҳукмрон бўлишни истаганлар ана шу шамларни ҳамиша ўчирмоқчи бўлишади. Аммо алал-оқибат ўзлари куйиб қолади.

*Пуфлама шами Худони, эй фалон,
Сўнгра оташларда ёнгайсан ёмон! –*

лейдилар Мавлоно Жалолиддин Румий.

Дарвоқе, уларнинг қанчаси дўзах оловида ёнди ва ёнаяпти. Сталин ўз шахсини кўтариш, улуғлаш учун не-не етук шахсларнинг ҳаётига зомин бўлиб, ўша ёниқ шамларни ўчириб, нимага эришди? Ҳайкаллари бугун тарих ахлатхонасида ётибди...

Ҳа, етук инсонларсиз жамият – ночор жамият. Улар жамият ҳавосининг бамисоли озон қатлами. Атмосферанинг озон қатламига ўхшаб, жамият ҳавосини турли гарду ғуборлар, офат-фалокатлардан ҳимоя қилади. Улар ҳамиша ҳақиқатни ёқлайди... Ғарб олимларининг ҳисоб-китоб қилиб айтишларича, бу қатлам ҳар бир мамлакат аҳолисининг бир фоизини ташкил этади. Мамлакатнинг маънавий об-ҳавоси уларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеига боғлиқ. Улар ўз ўрнида устувор эса, олам гулистон, халқ эркин нафас олади. Уларнинг фикри, назаридан жамоатчилик фикри, назари шаклланади. Жамоатчилик фикри билан ҳамма ҳисоблашади. Шу жумладан амалдорлар ҳам.

«Бу гап академияга етиб борса, олимлар нима дейди? Ёзувчилар уюшмасига етиб борса, адиблар нима дейди? Матбуотга тушса, халқ ўқиб, нима дейди? Шарманда бўламан-ку!» деган андиша, ҳадик амалдорнинг қуюшқондан чиқиб, қутуриб кетишига йўл қўймайди.

Аммо бунинг акси бўлса-чи? Яъни, ўша озон қатлами емирилиб, шахслар жамият ҳаётидан четга сурилиб, жамоатчилик фикрига барҳам берилса?

Унда халқнинг шўрига шўрва тўкилади. Амалдор жамоатчилик назоратидан чиқади. Ўзини хон, кўлан-касини майдон билади. Истаганини қилади. Тортиниш, тийилиш, ҳадиксираш, уялиш нима, билмайди. Майдон уники. Атрофидаги амалдорлар унинг тарафида. Шунинг учун халқни менсимайди, зиёлини назар-писанд қилмайди.

Назар-писанд қилмайдики, вилоят ҳокими тиббиёт ходимларини йиғиб, олий малакали шифокорлар, доришуносларга: Уруфингни қуритаман!.. – деб бақиради. Унинг ҳақоратлари кўл телефонларига кўчиб, бутун Республика бўйлаб овоза бўлса ҳам, парвойи фалак, пинагини бузмайди.

Назар-писанд қилмайдики, туман ҳокими мактаб директорларини сафга тизиб, бақир-чақир қилиб, уларнинг бетига шапалоқ тортади... Эътибор беринг, халқ билан мулоқот йилида бўлаяпти бу гаплар!..

«Э, қўйинг бу гапларни, халқнинг ўзи айбдор! Мана, сенга деб қайтимини бермайдимми?» – деган эътирозларни эшитаман.

Йўқ, бермайди, беролмайди! Чунки орқасида сунъичиғи йўқ. Борингки, ўша директорлардан биттаси ҳокимни шапалоқлаб урди, дейлик. Дарҳол қамашади. Эртасига эшитасизки, у милиция ертўласида ўзини осиб қўйибди... Шундоқ деб овоза қилишади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

Шўрлик ўзбек осилишидан кўрқмайди, бола-чақасининг боқувчисиз қолиб, хор-зор бўлишидан кўрқади. Шунинг учун калтак еса ҳам, тупроққа қоришса ҳам, чидайди.

Бу аҳволда давлат идораларига бош уриб, бирор масалани ҳал этиш қанчалар машаққат эканлиги ўз-ўзидан аён. Хўш, фуқаро қаёққа боради, қандай йўл тутайди? Бундай шароитда у ё пора беради, ё ўғри-мафиознинг эшигини қоқади. Ўшалардан амал-

дорга қўнғироқ бўлади: «Фалончининг ишини ҳал қилиб бер!»

«Хўп бўлади, бой ота!» – дейди амалдор телефоннинг гўшагини чангаллаб. Қарабсизки, бир йилдан бери судралиб келаётган масала бир зумда ҳал бўлади-қўяди.

Мана, сизга озон қатламининг емирилишию жамоатчилик фикрининг барҳам топиши оқибатлари.

«Фақат шуми? – деб савол беришингиз мумкин. – Худди шу сабаб оқибатида жамият ҳаётига чуқур илдиз отган, зиёлиларимиз қон-қонига сингиб кетган карахтлик, лоқайдлик, бепарволик иллатлари-чи?»

Бу ҳам айни ҳақиқат. Тасаввур қилинг, радиодан қўшиқ таралаяпти.

Шерали Жўраев куйлайди:

*Тарихингдир минг асрлар
ичра пинҳон, ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру
оқсоч Тяншон, ўзбегим...*

Тинглаб, кайфиятингиз кўтарилади. Раҳматли Эркин ака яхши ёзган, ҳофизнинг ижросига ҳам гап йўқ, дейсиз.

Бунинг ортидан бошқа қўшиқ янграйди:

Халқ бўл, элим! Халқ бўл, элим!

Ия, дейсиз, бу қандоқ бўлди? Тарихи минг асрларга туташган, ёши Помиру Тяншанларга тенгдош бўлган ўзбек ҳали халқ эмас экан-да? Беихтиёр устоз Ғафур Ғуломнинг «Шараф қўлёмаси» шеъри ёдингизга тушади. Бир инглиз лорди бизни таҳқирлаб, халқ эмас, қабила деб атаганига жавобан шоир шундай деган эди:

Бизда логарифманинг
Мушкул муаммолари
Кўлдаги бармоқлардай
Оддий этилганда ҳал,
Олий ирқ даъвогари
Черчиллинг боболари
Ҳатто санай олмасди
Ун бармоқни мукамал...

Уша такаббур лорд аллақачон дунёдан ўтган бўлса керак. Аммо унинг неварая эваралари «Халқ бўл, элим!»ни эшитиб қолса, нима дейди? Бобом ҳақ экан, демайдими? Ахир ўзимиз айтиб турибмизку, биз халқ эмасмиз деб!

Хўп, шу шеърни-ку шоир ўйламай-нетмай ёзган экан, хонанда нега ўйламай-нетмай хониш қилади? Хонанда ҳам ўйламай-нетмай хониш қилган экан, нега радио орқали тарқатамиз, ташвиқ қиламиз, нашр этиб, ёш авлодга тортиқ этамиз? Лоқайдлик, бепарволик эмасми бу?

Радиодан яна кўшиқ таралади:

Оқ тулпорим бор эди,
Ҳам дўсту ҳам ёр эди...

Кейин отам мени уйлантириб қўйди. Икки ўт орасида қолдим. У ёқда ёр, бу ёқда тулпор... Қай бирини севсам экан? Отни кучсам, қиз йиғлайди, қизни кучсам, от йиғлайди... Охири отни деб ёрдан воз кечдим...

Бунинг сунъий, ясама гап эканлиги шундоқ кўриниб турибди-ку! Йигитга ҳам ёр, ҳам тулпор кераклигини ким билмайди? Алпомишнинг Бойчибори унинг Барчиной ёрига кундош бўлганмиди? Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Наҳотки шуни тушунмасак? Йўқ, ўйламаймиз, лоқайдмиз, бепарвомиз. Айт деса, кўшиқ қилиб

айтаверамиз. Адабий танқиддан эса садо чиқмайди, ҳамон карахт ҳолатда...

Дарвоқе, бир телекўрсатувда бошловчи қиз ёзғириб, баъзи бировлар йигит тулпорини деб ёридан воз кечганига эътироз қилишаяпти. Ҳолбуки, шоирнинг ўзи бунга:

От қадрини не билсин

От минмаган эркаклар! – деб жавобини айтиб қўйибди, деди. Биз ҳам шоирнинг жавобига жавобан:

Ёр қадрини не билсин

Ёр севмаган юраклар! – десак, бошловчи қизимиз не деркин? Хуллас, фикрсизлик яна «чирой» кўрсатаяпти.

Хуршид Давроннинг мақоласи менда ана шундай мулоҳазалар уйғотди. Хўш, қиссадан ҳисса, айтилганлардан хулоса нима? Хулоса шуки, жойлардаги ҳокимларнинг ўзбошимчалиги, бедодига чек қўйиб, зиёлилар, ойдинларимизнинг табиий, қонуний қадр қиммати, иззат-эътиборини тиклаш керак. Зиёлилари хор бўлган халққа истиқбол эшиклари очилмайди.

Амалдорларимиз бу дунёда мансабу бойликдан бўлак, яна илму ижод деган юксак маънавий қадриятлар ҳам борлигини унутмасин.

Ўз навбатида зиёлиларимиз ҳам энди ҳушёр тортиб, кўзни катта очиб, карахтлиқ, лоқайдликни тарк этишлари даркор.

Жамиятимиз ҳавосида уни турли бало-офатлардан асрагувчи маънавий қалқон, йирик, ёрқин шахслардан иборат озон қатлами бўлсин...

Президентимизнинг «Ҳеч кимсадан қўрқманглар, фақат Худодан қўрқинглар!» деган оташин даъвати қулоқларимиз остида жаранглаб турсин.

СУРАТ НИМАЮ СИЙРАТ НИМА?*

Инсоннинг руҳий ҳолати унинг юз-кўзида акс этади. Мен уч азиз сиймо – муфтий Эшон Бобохон, муфтий Зиёвуддин Бобохон, муфтий Шамсиддин Бобохон суратларини ёнма-ён қўйиб, уларга узоқ тикилдим. Биринчи суратда кайфият тушкун, руҳий маъюслик. Сабабки, худосиз, даҳрий салтанат бор залвори билан елкадан босиб турибди... Иккинчи суратда бирмунча руҳий кўтаринкилик. Негаки, олдинда умид чироғи ёнди, дину диёнатга оз бўлса-да йўл очилди... Учинчи суратда руҳий хотиржамлик, ҳаётдан мамнунлик, мамлакатдан фахр. Чунки кечаги чироқ машъалага айланди, дину диёнатимиз ўзимизга қайтди, толе эр-танги кундан яхши муждалар беряпти...

Хуллас, ана шу уч суратга термилиб, юртимизда бир аср давомида исломий иймон-эътиқодимиз босиб ўтган ғоят мураккаб, машаққатли йўлни мушоҳада этиш мумкин. Шу аснода уларга бирдек хос бўлган муҳим бир жиҳат кўзга ташланади. Бу – ақлий, илмий, маданий савиянинг юксаклиги! Ана шунинг натижаси ўлароқ, улар ҳамиша диққат-назарини моҳиятга қаратишган, донни сомондан, япроқни илдиздан фарқ қилишган, сурат нимаю сийрат нима, яхши билишган. Келинг, шу мавзуда «Маснавий» дан бир ривоят айтиб берай.

Мусо алайҳиссалом бир гал дашт оралаб кетаётиб, тепалик устида икки қўлини осмонга чўзиб турган чўпонга кўзи тушади. Чўпон Худога хитоб қилаётганмиш:

«Эй Худо, мен сени яхши кўраман! Мен сени жудаям яхши кўраман! Мен сенга сут-қатиқ бераман...

* Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида 2017 йил 12 апрел куни нишонланган марҳум аллома, муфтий ва элчи Шамсиддинхон Бобохоновнинг 80 йиллик юбилейида сўзланган нутқ.

Мен сенга чориқ тикиб бераман... Кўйлак - иштонинг йиртилган бўлса, ямаб бераман... Эй Худо, мен сени яхши кўраман!..»

«Эй чўпон! – дейдилар ҳазрати Мусо. – Туш бу ёққа!.. Худо сенинг суг-қатиғингни нима қилсин? Чориғингни нима қилади? Худонинг кўйлак - иштони бормидики, йиртилса, ямаб берасан?.. Айтганларинг куфр! Тавба қилдим де!»

Чўпон шўрлик «Тавба қилдим, тақсир, тавба қилдим!» деб бошини эгиб, таёғини судраб, нари кетади. Шунда Худодан ваҳий келади:

«Эй Мусо, нега мен билан бандам орасига тушиб, тўсиқ бўлдинг? Ахир бу гапларни у чин юракдан айтаётган эди-ку! Шу сўзлари билан менга сидқидилдан меҳр-муҳаббат изҳор этаётган эди!.. Наҳот шуни пайқамадинг? Бор, оёғига йиқилиб узр сўра!..»

Мусо алайҳиссалом бориб, чўпоннинг оёғига йиқилиб, сен ҳақ, мен ноҳақ эканман, деб узр сўрайдилар...

Ана шу ривоятни айрим мутаассиб уламоларга уқтириш ҳозир ҳам осонмас, қийин. Улар фақат сувратни кўришади, сийратни, моҳиятни кўришдан ожиз.

XV асргача дину диёнатимизда сийратпаствлик устун бўлган. Моҳиятга қаттиқ эътибор қилишган. Мирзо Улуғбекнинг боши кесилиши билан сийратпарастликнинг ҳам боши кесилган. Сувратпарастлик даври бошланган. Оқибати нима бўлди? Орадан беш аср ўтса ҳамки, мусулмондан бир олим чиқиб, Улуғбек кашф этган бир минг ўн саккиз юлдуз ёнига ўн тўққизинчи юлдузни қўшолмади.

Хўш, исломда суврат нимаю сийрат нима? Исломнинг суврати – калимаи шаҳодат, беш вақт намоз, рўза, закот, ҳаж... Сийрати, яъни моҳияти – кашфи олам, кашфи одам, кашфи Худо... Оламини билиш, оламини билиш, Худони билиш. Шунчаки билишмас, узлуксиз ўрганиш, кашф этиш... Бу – чексиз-чегара-

сиз жараён, чексиз-чегарасиз илм касб этиш жараёни. Зеро, олам чексиз, одам ҳам бир олам ўлароқ чексиз, негаки уларни яратган Аллоҳнинг қудрати, санъати чексиз. Инсон ҳар сафар ана шу чексиз қудрату санъат олдида ҳайратга тушиб, бош эгиб, тасаннолар ўқийди ва шу аснода Яратганни яна бир карра янгидан кашф этади.

Бу илм устига илм, тараққиёт устига тараққиёт демак. Зеро, ислом бу дунёга турғунлик ва таназзул дини эмас, илму тараққиёт дини бўлиб келган.

Мавлоно Жалолиддин Румий демишлар:

*Хотами мулки Сулаймондир илм,
Жумла олам сурату жондир илм...*

Яъни, Сулаймон узуги унга куч бағишлаганидек, илм инсонга қудрат бағишлайди. У олам жисмида жон каби яшириндир. Инсон уни кашф этиш билан камолга етади. Тараққиёт йўлида дадил одим отади. Ислоннинг асл сийрати мана шу!

Сувратпарастлар исломнинг сувратига ёпишиб олиб, унинг кашшофлик, кашфиётчилик миссиясини унутишди. Фақат намоз, рўза, закот, ҳаж билан иш битмаслигини, бир соатлик тафаккур етмиш йиллик ибодатдан афзал эканлигини ўйлашмади. Натижада сийратни қўлдан бой беришди. Каллани ишлатмаслик, ақлий танбаллик йўлига ўтишди. Ҳар қандай саволга жавоб беришнинг осонгина йўлини топиб олишди.

Тасаввур қилинг. Набира уламо бобосидан сўрайди: «Бобо, нега олма осмонга учиб кетмайди, ерга тушади?»

«Худонинг хоҳиши, болам. Худо хоҳлаганда осмонга учиб кетарди».

«Бобо, нега япроқ ям-яшил?»

«Худонинг хоҳиши, болам... Худонинг ишига ҳадеб аралашаверма!»

Гап тамом - вассалом. Ҳолбуки, олманинг бутуқдан узилиб, ерга тушишини мушоҳада этиш орқасида бутун оламнинг ўзаро тортилиш қонуни кашф этилди. Ойни Ер тортади, Ерни Қуёш, Қуёшни ўзга самовий жисмлар... Шу туфайли бутун коинотда мувозанат ҳукм суради...

Ҳолбуки, ердан қувват етиб, осмондан нур иниб, фотосинтез ҳодисаси юз беради, хлорофил зарралари ҳосил бўлиб, бунинг натижасида япроқ яшил тус олади... Бу сиру синоатларни бошқалар кашф этишди, биз эмас. Уламоларимиз фақат намоз, рўза, закот, ҳажни тарғиб этиш билан кифояланиб, исломнинг мағз-мағзи илм, шиори тараққиёт эканини унутиб қўйишгани оқибатини кўриб турибсиз. Афғонистондан Ливияга қадар ҳудуд, ислом дунёси ўт ичида, тупроққа қоришиб ётибди...

«Авомидан уламози, уламосидан авоми баттар бўлган халқнинг бошига не кунлар тушгай!» – деган эди Аҳмад Дониш... Ҳа, тараққиётда орқада қолган, қолоқ миллату мамлакатни дунё аяб-нетиб ўтирмайди, устидан босиб-янчиб ўтади.

Шу маънода уламоларнинг савияси масаласи ғоят муҳим. Афғонистон шимолида уламолар тўйларда ашула айтиб, ўйин-кулги қилишни ман этишибди. Бир бечора ўзбек чет эл радиоси орқали кўз ёши қилди. Тўйларимиз азага ўхшаб қолди, дейди у, нуқул Қуръон тиловат қилишади, ҳамма бошини эгиб, жим ўлтиради...

Хўш, ўзимизда шундоқ бўлмаса-да, савияси шунга яқинроқ уламолар йўқ дейсизми?

Мен шундай уламога дуч келдимки, на сўзи – муомаласи, на юриш-туришида расми одобдан ном – нишон йўқ. Бир сўз билан айтганда, фирт беадаб! Шу аҳволда у масжидда амри маъруф қилади. Халқ ундан нима олади, нима ўрганади?

Мен яна шундай уламога дуч келдимки, ўзи ўқи-маган нарсани қоралаб, истаганча мағзава тўкади. «Тақсир, ўзингиз шу нарсани ўқидингизми?» деган саволимга «Ўқимадим, ўқишни истамайман ҳам, аммо гапираман!» деб жавоб беради кеккайиб. Ажабо, зиёли киши ҳам шундоқ дейдими? Бунинг устига уламо денг! Илму ҳилм деганлари қаёқда қолди?

Яна шундай уламога дуч келдимки, биз амалга оширган Қуръони карим маъноларининг назмий таржимасини оловга отиб, гулханда ёқиш керак деб оёқ тирайди... Сабабки, фалон асрда фалон уламо Қуръони каримни назмий таржима этиш мумкин эмас деганмиш. Айтса, айтгандир! Энди ўшанинг айтганини пеш қилиб, Қуръонни ўтда ёқиш керакми? Ахир суврати назмий бўлса ҳам, маъноси ўша-ўша Қуръон-ку!.. Кўраяпсизки, уламо фақат сувратни кўраяпти, маънони кўрмаяпти.

Демак, сувратпарастилик давом этаяпти. Уламоларимиз савияси камида устоз Шамсиддин Бобохон савиясига етмагунча, шундоқ давом этаверади.

У муҳтарам зот ҳам дину диёнат, ҳам давлату сиёсат арбоби эди. Ҳам шарқшунос олим, ҳам дин пешвоси, уламои карим, етук зиёли эди. Муфтийлик унинг сиймосида авжи камолига етишди. Шу маънода у бўлажак уламоларга юксак ибрат, етуклик намунасини кўрсатиб кетди. Тирик бўлганда мамлакатимизда диний-маърифий иқлим даражасини кўтаришга хизмат қилар, айрим чала-думбул уламоларни бирмунча пиштиб, қиёмига етказиб қўярди.

Ҳазрати Шамсиддин Бобохон бу дунёда шарафли, саодатли ҳаёт кечирди, илоҳо, у дунё саодатига ҳам эришган бўлсин!

Омин, ё Раббул оламин!..

ШАРОФ РАШИДОВ ҒАЛАБАСИ

*Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейига
бағишланади*

Халқни яратган холиқ, дейди донолар. Бу – шаксиз мўъжиза... Холиқ яратган халқнинг ўз ери, ўз юрти бўлади, дейди донишмандлар. Бу – амри қисмат... қисмат буюрган юртнинг ўз эгаси бўлади, дейди алломалар. Бу энди – ҳикмат...

Мўъжизанинг тагига етиб бўлмайди. Поёнсиз... Тақдирни такбир этиб бўлмайди. Имконсиз... Аммо ҳикматни бир қадар таҳлил этиб кўриш мумкин.

Кўрамизки, юртбоши, юрт эгаси бўлиш – дунё силсиласида ўткинчи ҳалқани ташкил этади. Дунё қадар масъулияти, масъулияти қадар машаққати бор. Бир халқнинг маълум вақт оралиғидаги ҳаёт-мамоти, нону насибаси унга топширилган. Бир юртнинг хор бўлиши ёки бор бўлиши ўшанга боғлиқ. Дунё тарихи бунга шоҳид. Бухоро маликаси Туркон хотиндан тортиб то сўнгги хону амирларгача бўлган кечмишимиз бунга яққол исботлаб турибди. «Совет даври» деб аталган машғум замона воқеалари ҳам шунга далилдир...

Россия Туркистонни босиб олгандан сўнг наинки халқимиз, ҳукмдорларимиз ҳам асирга тушиб қолишди. Совет даврида бу изтироб янги поғонага кўтарилди. Шароф Рашидов ана шу изтироб муҳитида майдонга чиқди. Ундан олдин Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсуповлар яшаб, юрт сўраб ўтишди. Табиийки, уларнинг ўз замонаси бўлганидек, ўз қиёфалари ва қисматлари бор... Файзулла Хўжаев Москвага суянди ва жуда қаттиқ алданди. Усмон Юсупов умр бўйи Москвага садоқат ила хизмат этиб, охир-оқибат адашганини англади. Шароф Рашидов ҳам Москвага хизмат қилди, аммо хизмат қиларкан, адашмади ва алданмади, охирида ўкиниб-ўкси-

ниб қолмади. Бошқалар шохида юрса, у баргида юрди. Алал-оқибатда Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсуповлар эриша олмаган натижалар, ғалабаларга эришди.

Хўш, Москвага ишонади-ю, алданмайдими? Мустамлакачига суянади-ю, адашмайдими? Ғанимларга хизмат қилади-ю, ғалаба қозонадими?

Бир қарашда бу гаплар ғоят зиддиятли ва ғалати бўлиб туюлиши мумкин. Аммо синчиклаб қаралса, уларнинг тагида зиддият эмас, ҳаётий замин, мантиқ борлиги кўзга ташланади.

Гап шундаки, ўшанда шундоқ юксак лавозимда туриб, Москвага хизмат қилмаслик мумкин эмас эди, Шароф Рашидов буни яхши тушунар эди. Лекин олижаноб инсон учун ўшандоқ юксак пояда туриб, ўз халқига хизмат қила олмаслик гуноҳи азим эди. Шароф Рашидов буни ҳам чуқур ҳис этарди. Шунинг учун у зиддиятли тушунчаларни туташтирди, қовушмаган кутбларни қовуштирди. У чамаси ўз салафлари – Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсуповнинг аччиқ тажрибаларидан изчил сабоқ олди. Мустамлакачиларнинг қўлида ёлғиз қурол, ёлғиз қўғирчоқ бўлиб хизмат қилишни истамади. Натижада бир қўли билан узатса, иккинчи қўли билан қайтариб ола билди. Ўзгаларни сийларкан, ўзиникиларни сира унутмади. Тоталитар тузум бошида туриб меҳрибон инсон, даҳрий давлат тепасида туриб мўмин-мусулмон бўлиб қола билди. Мустамлака, қарам бир ўлкада чинакам хўжайин, ҳукмдор даражасига кўтарила олди. У инсон боласи ҳар қандай босим, назорат остида ҳам ўз халқига хизмат қила олиши мумкинлигини баралла исбот этди.

Бу – мислсиз жасорат эди...

Маълумки, мустамлакачилик русумига кўра, мустамлака аҳли ҳар ўн йилда бир карра қатағон қилиниб, қирғин-қабоҳат этилар, кўпинча зиёлиларнинг боши олинарди. Бу – темир қонун эди. Йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи йилларда кечган қама-қама, ур-сурларни

эсланг... Ҳокимият тепасига келгач, Шароф Рашидов ана шу қабоҳатга чек қўйди. Турли йўллар, воситалар ила унинг дамани кесди. Ўттиз йил давомида зиёлиларимизни бало-офатлардан асраб қолди. Унинг илму фан, адабиёт ва санъат аҳлига кўрсатган чексиз ғамхўрлиги ҳали-ҳануз тилларда дoston.

Бу ҳазилакам хизмат эмасди...

Ҳозир Тошкентга келган хорижий меҳмонлар шаҳримизнинг кўрку салобатига қарашали. Ҳашаматли иморатлар, улғвор майдонлар, кенг кўчалар, кўркам хиёбонлар, кумуш фавворалар, афсонавий ерости саройлари... Бир сўз билан айтганда, азамат, замонавий, буюк пойтахт... Хўш, пойтахт-ку шундоқ экан, вилоятларимиз нечук! Уларнинг ободлиги, ўзига хос хусн-таровати кишини мафтун этади. Ҳар манзилда Шароф Рашидов меҳридан бир ёдгор, ҳар қадамда унинг назаридан бир эътибор... Тарихимизда соҳибқирон Амир Темур, Абдуллахон, Амир Олимхондан сўнг ўз юртининг ободонлиги учун узоқ йиллар астойдил жон куйдириб, кўп ва хўб иморатлар бунёд этган киши – ана шу Шароф Рашидов бўлди. Мовий каналлар, минглаб чақиримларга чўзилган, кафтдек текис, равон йўллар, янги шаҳру қишлоқлар, қудратли завод-фабрикалар... Гўёки Шароф Рашидов Ўзбекистонни буюк парвозга – мустақилликка шайлагандек...

Буни ҳам муносиб баҳолаш даркор.

Шароф Рашидов даврида рус тили тарғиботи авжига чиққани ҳали-ҳамон ёдимизда. Ўзбек тили камситилган, аниқроғи, бир чеккага суриб қўйилган эди. Мустамлакачиларнинг бу сиёсатига Шароф Рашидов очиқ-ошкор қарши чиқолмади. Аммо у ўша камситилган ўзбек тилида қалам тебратиб, ўнлаб гўзал китоблар ёзди ва шу билан она тилимизга тоғдек суянчиқ бўлди. Унинг ўлмас мавзуларда битилган, партиявийликдан холи «Кашмир қўшиғи», «Икки дил

достони» каби асарлари халқимиз маънавиятининг абадий мулкига айланиб қолди.

Шароф Рашидов ўз халқига садоқатли, асл инсон, чин ватанпарвар эди. Унинг асл қиёфасини ғанимлар кейинчалик сезиб, пайқаб қолишди. Аммо вақт ўтган, Шароф Рашидов ўз ишини қилиб улгурган эди. У Амир Темур, Мирзо Бобур, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминовларга ўхшаб халқнинг ғурурини кўтарди. Халқнинг ғурурини кўзгаганларга шафқат этилмасди. Бу – мустамлакачилик низоми эди. Ана шу низомга кўра, Шароф Рашидовдан қаттиқ қасос олишди. Сотқинлар, хиёнаткорларни ишга солишди. Ўлгандан сўнг бадном қилишга уриниб, қабрини кўчиришди. «Шароф Рашидовчилик» деган уйдирмалар билан ўн минглаб юртдошларимизни турмаларга тиқиб, узоқ йиллар давомида йиғилган аламларининг хуморидан чиқишди...

Энг ёмони – турли ривоятлар тўқиб, уни ўз юртидан айирмоқчи, ўзбек халқига етти ёт бегона қилиб кўрсатмоқчи бўлишди... Йўқ, бундай бўлмади!.. Ўзбекистон эгилди, аммо синмади ва бу сафсаталарни қабул қилмади.

Дунё қараб турибди... Ўша сафсаталарга ишонсак ва хизмат қилганнинг хизматини тан олмасак, нечук халқ бўлардик!

«Шароф Рашидов – бизники!» деди халқимиз.

«Шароф Рашидов – бизники!» деди авлодларимиз.

Бу энди ёлғиз Шароф Рашидовнинг ғанимлари устидан қозонган ғалабаси эмас, балки бутун халқимизнинг ғалабаси, унинг бой тарихий тажрибаси ва юксак маънавиятининг улуғ тантанаси демакдир...

ШАРОФ РАШИДОВ АБАДИЯТИ

Бу буюк, азамат инсон ҳақида ёзиш ҳам, гапириш ҳам осонмас. Москванинг доимий назорати, қаттиқ босими остида она юрти ва унинг жонажон халқи учун йигирма беш йил давомида астойдил, жон куйдириб хизмат қилган раҳбарнинг фаолиятини қанчалар баён этманг, муқаррар бир жиҳати айтилмай қолади. Шу қадар кенг қамровли, ҳам энига, ҳам бўйига чексиз, теран, улуғвор ҳаёт намунаси бу!

Шароф Рашидов сиймосида нодир фазилатлар жамулжам бўлиб, улар орасида энг юксаги – унинг олижаноблиги эди. У табиатан пок, инсонларга хайрихоҳ, жонкуяр, самимий инсон эди. Унинг ана шу хислати чорак аср давомида бутун Республикага нурдек таралиб турди... Оқар сувнинг қадри йўқ, деб бекорга айтишмаган. Тириклигида Шароф аканинг қадру қимматини етарлича англамаганмиз. Тепада ўтирганлар шунақа бўлиши керак ва ҳар доим шундай бўлади, деб ўйлаганмиз. Улардан ажралиб қолгач, ақлимиз кириб, кўзимиз очилди. «Оҳ, Шароф ака, қайдасиз?» деган армон бағримизни ўртаб юборди ўшанда.

Ҳазрати Навоийда шундай мисралар бор:

*Буюклик келди ҳимматдин нишона,
Ки ҳимматсизни паст этди замона...*

Шароф Рашидов олийҳиммат инсон эди. Унинг ҳиммату ҳамиятидан баҳраманд бўлганлар сон мингта десам, жуда камайтириб айтган бўламан. Улар миллион-миллион... Ўшаларнинг биттаси – мен...

1973 йил. Мени Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф этишди. Устоз Иззат Султон бошчилигида ёзилажак икки жилдли «Адабиёт назарияси» муаллифлари сафига қўшилдим. Табиийки, уй-жой муаммоси кўндаланг бўлди. Академия-

нинг вице-президенти Иброҳим Мўминовнинг қабулига чиқдим. У киши мени Ёзувчилар уюшмасига жўнатди.

«Яқинда бўшаган бир квартира бор, – деди уюшма раиси Яшин ака, – марҳамат, олинг, ўша сизники... Фақат Бухородаги уйингизни топшириб, қоғозини олиб келасиз. Ўшанда қонуний бўлади».

Бухорога жўнаб, уч кунда ишимни битириб қайтдим. Не кўз билан кўрайки, менга аталган квартирани бошқа киши эгаллаб олибди. Хуллас, оилам билан кўчада қолдим... Шунда бир олимнинг маслаҳати билан Шароф акага мурожаат қилдим. Аризамга янги чиққан шеърый тўпламимни ҳам кўшиб, хатлар қабул қилинадиган дарчадан узатдим.

– Опа, қўлларига тегармикан? – деб сўрадим илтижо билан.

Мактубимни қабул қилиб олган аёл қатъий оҳангда деди:

– Кўнглингиз тўқ бўлсин. Шароф ака ўз номларига ёзилган аризани албатта ўқийдилар.

Орадан уч кун ўтгач, мени шаҳар ижроия қўмитасига чақириб, Юнусобод мавзеида янги қурилган уйдан тўрт хонали квартира калитини қўлимга топширишди. Елкамдан тоғ ағдарилди. Эркин нафас олдим.

Орадан чамаси ўн кунча ўтиб, Марказий Комитетга даъват этишди. Бўлим мудирини бўлиб ишлаётган масъул ходим мен билан суҳбатлашди.

«Шароф ака делегация раҳбари бўлиб чет элга кетдилар, – деди у, – кетиш олдидан менга тайинландилар, Жамол Камолни чақириб, суҳбатлашинг, ҳар қандай муаммоси бўлса, ҳал қилиб беринг деб... Хўш, қандай муаммоингиз бор?»

«Ҳеч қандай муаммоим йўқ, – дедим мен. – Янги уйга кўчиб ўтдик. Келинингиз ишга жойлашди. Болалар мактабга қатнаётми... Шароф акага минг раҳмат!..»

«Бўлмаса, эшитинг... Жамолдан умидимиз катта, дедилар Шароф ака. Маслаҳат, балки насиҳат ўрнида икки

нарсани алоҳида таъкидладилар... Биринчидан, Жамол ўз ижоди билан қаттиқ шуғуллансин. Иккинчидан, ёзувчилар орасидаги айрим гуруҳларга қўшилмасин. Бирор гапи бўлса, келсин, эшигимиз ҳамиша очик».

Биласизми, бу гапларни эшитиб, бошим осмонга етди. Катта шоиру адибларни қўяверинг, мендек ёш бир ижодкорга шунчалик эътибор ва ғамхўрликни ким, қайда кўрган? Халқ орасида, фалончи отам қилмаган яхшиликни қилди менга, деган гап бор. Шароф акадан мен ана шундай марҳамат кўрдим. То тирикман, унутмайман!.. Айтган доно ўғитларини қулоққа олиб, умр бўйи уларга амал қилишга интилдим.

Орадан шунча йиллар ўтди. Қайрилиб ортимга қарасам, босиб ўтганим йўлда менга малад кўлини чўзиб, кейин оқ йўл тилаб кузатиб қолган азиз устозларни кўраман. Улар сафида Шароф Рашидов сиймоси ярқираб турибди. Қулоғим остида фикдудонлик раиса Қизбиби Хусенова, қорақалпоғистонлик машҳур пахтакор Ойимхон Камоловаларнинг иззату эҳтиромга тўла, севинч ва ифтихор ила йўғрилган мунис овозлари янграйди:

«Шароф ака келувдила, меҳмон бўлиб, бир пиёла чой ичиб кетдила...». «Баракалло Ойимхон қизим! – дедилар Шароф ака. – Бу йил катта хирмон кўтарасан!..».

Ҳа, Шароф Рашидов чинданам халқ раҳбари эди. Елкасига Республиканинг тоғдек юкини ортиб, шу юк остида вақт топиб, қалам тебратган заҳматкаш адиб эди. Бу осон иш эмас... У меҳнат-машаққатли, шарафли ҳаёт кечирди. Шахс ва раҳбар сифатида авлодларга буюк ибрат қолдирди. Илму фан, санъат, маланиятни яшнатиб, элда китоб ва китобхонликни байроқ қилиб кўтарди. Иттифоқда ва халқаро доираларда катта иззат-обрў қозонди. Қоматини ҳамиша чинордек тикка тутган куч – унинг халққа, халқнинг унга муҳаббати эди.

Шароф Рашидов абадиятининг сири ана шунда!..

ҚУРЪОНИ КАРИМ ҲАҚИҚАТИ ВА УНИНГ ҚИСМАТИ

Мен мадраса кўрган мулло ёки уламо эмасман. Шоирман, тарихчидан, адабиётчидан. Шарқ адабиётининг Қуръон руҳи билан йўғрилган Ҳазрати Али ибни Абу Толиб, Шайх Фаридуддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Шайх Низомий Ганжавий, Юнус Эмро, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Мир Алишер Навоий (Фоний), Шайх Маҳмуд Шабустарий, Шайх Абулҳасан Надавий, Шайх Музаффар Ўзак Хилватий асарлари, Оврўпо адабиётидан Шекспир, Буало, Пушкин, Райнис, Брехт, Радий Фиш асарлари таржимониман. Олийгоҳ талабаларига чет эллар адабиётидан дарс берганман. Азиз Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақида икки китоб «Муҳаммад алайҳиссалом қиссаси» ва «Буюклардан буюк Муҳаммад алайҳиссалом» менинг таржимамда босилди.

Расмий муллалар билган айрим нарсаларни мен билмаслигим мумкин. Аммо мен билган айрим нарсаларни улар ҳам билишмайди, десам, янглишмасам керак. Айтмоқчиманки, биз – бамисоли бир тарозининг икки палласи. Бир палласини дин пешволари, иккинчи палласини биз, адиблар эгаллаб турибмиз. Муқаддас китобимиз Қуръони карим уларга қанчалар тегиш бўлса, бизга ҳам шунча тегиш. Аллоҳ сўзини монополия қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Тангри таоло ўзининг Каломи шарифини фақат муллаларга деб туширмаган. Жамики инсонларга, бутун башариятга ҳаёт дарслиги, саодат дастури, адабнома қилиб туширган.

Адаб – бағоят кенг тушунча. Ақл ва адаб инсоннинг инсонлиги демак. Ал-ақл ал-аввал, ал-адаб ал-қадим деб бекорга айтилмаган. Аллоҳ аввал ақл ва адабни яратиб қўйиб, кейин инсонни бунёд этган. Ҳақиқий

адабиёт инсонда унинг инсонлигини, ақлу адабини тарбиялаб, уларни ҳимоя қилади. Шу сифати билан Қуръони каримнинг жарчиси ва жангчисидир. Қуръони карим ҳам ўз навбатида адабнома сифати билан илоҳий адабиётдир. Шу маънода ҳазрати Мавлоно айтмоқчи уммул китоб – китоблар онаси аҳли дин учун нечоғлик азиз бўлса, биз, аҳли қалам учун ҳам шу қадар азиз ва мўътабардир. Уни ўқиш, ўрганиш ва халққа талқин этиш бизнинг ҳам ҳаётий бурчимиз, муқаддас вазифамиздир.

Гап энг оғриқли масала – Қуръони карим маъноларининг талқини масаласига келиб тақалди. Бу нарса оз эмас, кўп эмас, халқимиз тақдирига дахлдор. Бу гап ана шу масалага жамоатчилик, айниқса, зиёлиларимиз диққатини тортиш учун қўлимга қалам олдим.

Маълумки, Қуръони карим минтақамиз, Турон тупроғига саккизинчи асрда кириб келган. Орадан ўн уч аср кечди. Ана шу давр мобайнида Аллоҳнинг Китоби бизга тақдим ва талқин этилди. Келинг, ғалвирни сувдан кўтарайлик. Қуръони карим инсонлар ҳар куни қўлга олиб, завқу шавқ билан ўқийдиган халқ китобига айландими? Йўқ, албатта. Нега, нима учун? Сабабки, мутаассиб муллалар бунга йўл беришмади. Улар Қуръонни асраб-авайлаш баҳонасида халқ билан Қуръон ўртасида бамисоли девор бўлиб туриб олишди. Фикримни аниқроқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Маълумки, бошқа бир тилда яратилган ҳар қандай асарни тушуниш, талқин этиш уни таржима қилишдан бошланади. Китобхон китобни маза қилиб ўз тилида ўқимас экан, унинг асл моҳиятини теран англаб етиши қийин кечади. Ўнинчи асрнинг бошларида Бухорода Қуръони каримни ҳам туркий, ҳам форсийга ўгириш борасида илк қадамлар қўйилган. Аммо юқорида айтганим мутаассиблар босими туфайли иш ниҳоясига

етмаган. Мутаассиблар Қуръон – илоҳий сўз, уни таржима қилиш мумкин эмас, фақат тафсир этиш, тушунтириш мумкин, деган ақидага ёпишиб олишган. Қуръон маънолари таржима этиладиган ҳар қандай тил ҳам илоҳий ҳодиса эканлиги уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Ҳаттоки Қуръони каримни таржима этиш мумкинлиги тўғрисида ҳадис борлиги ҳам уларни қизиқтирмаган.

Бир гал Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилишади:

«Ё Расулulloҳ! Эронийлар арабча калималарни айтишга қийналиб, намоз ўқишга рағбат қилишмаяпти...»

Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобайи киромлари Салмони Форсийга юзланиб: «Ё Салмон! Сен «Фотиҳа» сурасини ўз тилингга ўтир, қавминг уни форсийда ўқиб, намозини адо этаверсин», – дейдилар...

Мен бу билан намозни ўзбек тилида ўқийлик, демоқчимасман. Асло! Қуръони каримни бошқа тилларга таржима этишга Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан рухсат борлигини айтмоқчиман, холос.

Ота-боболаримиз ана шу ижозатга таяниб, Қуръони каримни она тилимизга таржималаб, асрдан асрга сайқаллаб келишганда эди, бугун биз ўз тилимизда юксак савияда жаранглаган Қуръонга эга бўлур эдик. Афсуски, бундоқ бўлмади. Мутаассиблар йўл беришмади. Қуръони каримни халққа биз тушунтирамиз, шунинг ўзи кифоя, дейишди. Ун уч аср давомида тушунтиришди. Натижа нима бўлди? Халқ Қуръони карим ҳақиқату ҳикматларидан чала-ярим баҳраманд бўлиб қолаверди. Бу аҳвол ҳамон давом этмоқда. Ҳамон тўю маъракаларда Қуръон ўқилади. Ҳозир бўлган бир неча юз кишидан уч ёки тўрт киши тушунади, холос. Қолганлар кўр-кўрона «омин!» деб юзига фотиҳа тортади. Ўқилган суранинг маъносини биров сўрамайди. Сўраш одобсизлик саналади. Муллалар халқни шундай

тарбия қилишган. «Кўяверинг, тушунмаса ҳам саво тегади», дейишади улар уялмай-нетмай. Ҳолбуки, Қуръони каримнинг Фурқон сураси, етмиш учинчи оят ҳақиқий мусулмонлар ҳақида шундай дейилади:

*Гар уларга Раббингиз оятлари
Эслатилса, эҳтиром айлаб магар,
Кўру кар янглиғ йиқилмаслар улар,
Аввал англаб, сўнгра этгайлар амал...
(Таржима бизники)*

Ҳа, Яратганнинг ҳукми шундай. Аллоҳ сўзини аванг англаб, кейин саждага бош қўйиш керак. Тушунмасам ҳам савоби тегади, деган гаплар беҳуда.

Узоққа бормай, яқинда бўлган воқеани эслатиб Республика миқёсида қорилар мусобақаси ўтказилди. Голибларни аниқлашда асосий мезон қироат оҳанг бўлди. Ўша оҳанг остидаги мазмун, моҳият устидан фикр юритилдими? Эшитмадик. Одамлар Қуръони карим маъносига етиб эмас, оҳанг, мусиқа тингловчи бўлиб бош чайқашди... Шубҳасиз, Қуръонни гўзал оҳанг билан эшитишга солиб, қироат этиш хайрли иш, аммо Қуръоннинг ҳикматлар халққа етиб бормас экан, ўша чирок қироатдан не фойда? Мана, сизга асрлар бўйи давом этиб келаётган аянчли аҳвол. Яна ўн уч аср ўтди, ҳақ ҳамки, Қуръони карим маънолари то қиёматга етмиш элиб адабий таржима қилинмас экан, шундай давом этаверади.

Савол туғилади: йигирманчи асрга келиб, мусулмонлар ассиблар эътироз этишса-да, Каломуллоҳ ҳар қандай тилимизга бир неча бор ўгирилди. Бугун қўлимизда Олтинхон тўра, Шайх Алоуддин Мансур, Шайх Абдуллоҳ дулазиз Мансур, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф амалга оширган таржималар мавжуд. Хўш, таржима нима истайсиз?

Шу ўринда таржима санъати ҳақида изоҳ беришга тўғри келади. Мадрасаларда таржима назарияси ўқитилмайди.

Таржима икки турли бўлади: ҳарфий таржима ва адабий таржима. Ҳарфий таржима бу сўзма-сўз таржима демак. Юқорида айтилган таржималар ҳарфий таржима сирасига киради.

Бу – биринчи босқич. Бошқача айтганда, ошнинг хоми. Мазмун билан танишув, бунда зарур таъсирчанликка эришиб бўлмайди. Аслиятда юксак ва улғувор жаранглаган сатрлар қуруқ, тароватсиз жумлаларга айланиб қолади. Шу сабабли ҳам китобхон қалбини жазб этолмайди. Араб тилини эгаллаган, ўзбек тилида саводи чиққан ҳар қандай киши бу ишни эплай олади.

Адабий таржима – иккинчи босқич. Бошқача айтганда, яхши пиширилган, маза қилиб ейиладиган ош. Бу юрак кўрини тўкиб, таъсирчан қилиб, жаранглатиб таржима этиш демак. Бунда тилнинг бутун жозибаси, нафосати, қудрати ишга солинади. Натижада Қуръони карим завқу шавқ ила ўқиладиган халқ китобига айланади. Буни ёлғиз тажрибали шоир, етук таржимон бажариши мумкин. Бошқалар эплай олмайди. Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дейишган ахир! Ана шу ҳақиқатни ўзимизнинг жайдари уламолар тан олишмаяпти. Қуръони карим шеър эмас, деб конкрет бир ҳолатда айтилган гапни умумлаштириб, Каломуллоҳнинг илоҳий назм эканлигидан кўз юмиб, уни назмий таржима этишни инкор этишмаяпти. Ҳолбуки, Қуръони карим вазн ва қофияга суянган, шу туфайли оҳангдорлик касб этган юксак, илоҳий манзума. Шундоқ экан, уни назмий таржима этиш ягона тўғри йўл эканлиги, фақат шу йўл билан бадиий таъсирчанликка эришиш мумкинлиги ўз-ўзидан аён ҳақиқатдир. Зотан Навоий ҳазратлари ҳам «Ҳайратул аброр»да Қуръони каримнинг назм эканлигини тасдиқлаб турибдилар:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тангри каломида назм...*

Мен юқорида уламолар ва адиблар бир тарозининг икки палласини эгаллашган деб бекорга айтмадим. Улар бир-бирини тўлдиради. Биз ана шу йўлни танладик. Мен – шоир ва таржимонга тадбиркор Анвармирзо Хусаинов тузиб берган арабшунос, қуръоншунослардан иборат илмий-ижодий гуруҳ кўмаклашди. Биз аввало аслиятга суяниб, кейин мавжуд таржима ва тафсирларга ҳам таяниб, Қуръони карим маъноларининг адабий-назмий таржимасини амалга оширдик. Республика мусулмонлар идораси уламолар кенгашида муҳокама этишди. Таржима бир четда қолиб, мадраса илмидан сўраб, бизни мулзам қилмоқчи бўлишди. Биз ҳам айна ишга алоқадор таржима санъатидан сўрашимиз мумкин эди, сўрамадик. Улар қилган ишни қилмадик. На мажлис одоби, на муҳокама маданиятига риоя этилди. Муҳокама эмас, майнавозчилик бўлди. Таржима этилган 114 сура, 6666 оятнинг бирортасида мазмун бузилгани ёки маъно чиқмагани ҳолатини айтиб беришолмади. Шунга қарамай бир масъул уламо қўлзёмани ёқиб юборишни таклиф этди. Астаффуруллоҳ, деб ёқамни ушладим. Таржима назмий амалга оширилгани билан барибир маъно эътибори ила ўша-ўша, Аллоҳнинг сўзи, Қуръони карим эканлигини андиша қилмади бу имом хатиб. Уламолар кенгашини кузатиб шу хулосага келдимки, бу ерда ҳам аҳвол хароб, вазиятни тубдан яхшилаш керак.

Ислоннинг суврати бору сийрати бор. Суврати – намоз, рўза, закот, ҳаж. Сийрати, моҳияти – кашфи олам, кашфи одам, кашфи Худо. Оламни билиш, одамни билиш, Худони билиш. Яъни, билиш, билиш ва яна билиш! Бу – чексиз илм, чексиз жараён демак. Инсон ана шу жараёнда камолга етади.

Қуръони каримда мазкур сурат ва сийрат ҳамиша ёнма-ён келади. Аммо, минг афсуслар бўлсинким, сўнги бир неча аср давомида биз суратга ёпишиб, сийратга етарлича эътибор бермадик. Натижада илмда, тараққиётда орқада қолиб, бало-офатларни бошимизга чиқариб олдик.

Мавлоно Муҳаммад Али томонидан амалга оширилган Қуръони каримнинг инглизча назмий таржимаси, мана, бир неча ўн йилдирки, Америкада ҳар йили икки юз эллик минг нусхада чоп этилиб, дунёга тарқайди. Валерия-Имон Порохова томонидан амалга оширилган Қуръони каримнинг русча назмий таржимаси Россияда йигирма етти марта нашр этилиб, миллион-миллион хонадонларга кириб борди. Анвармирзо Хусаинов ҳомийлигида рус тилида бажарилган бу хайрли ишни, Худога шукрки, биз ҳам ўзбек тилида ҳамкорликда амалга оширдик.

Мазкур «муҳокама»дан бери икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Жамиятимиз сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди. Шу орада таржимани ўқиб, уни астойдил қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзолари Акмал Саидов ва Тўра Мирзаев, фалсафа фанлари доктори, имом хатиб Маҳмудхўжа Нуритдинов, филология фанлари номзоди, ношир ва адиб Асрор Самад, филология фанлари номзоди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сувонкул Мелиевларнинг ижобий тақризлари бизни қувонтирди. Айниқса, Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларининг таржимани ёқлаб айтган самимий, ҳаққоний сўзлари руҳимизни кўтарди.

Шу муносабат билан мен, Қуръони карим маъноларининг адабий-назмий таржимони – Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол аввало муҳтарам Президенти-мизга, кейин масъул идораларга, бутун мамлакатимиз жамоатчилигига мурожаат қилишга қарор қилдим.

Ошинг ҳалол бўлса, кўчанинг бошида ич, деганлар. Адабий-назмий таржимани нашр этишга рухсат берилишини сўрайман. Токи исломшунос олиму уламолар, тилчилар, адабиётчилар, тарихчилар, шарқшунослар, файласуфлар, бир сўз билан айтганда, илмий жамоатчилик ўқиб, холисанлиллоҳ, баҳо берсин. Халқ ҳукми – Худо ҳукми! Таклифларни эшитишга, хатолар кўрсатилса тuzатишга, таржимага янада сайқал беришга биз ҳамиша тайёрмиз.

Қарс икки қўлдан чиқади. Ватанимизда янги давр шамоллари эсиб, давлат ва фуқаролар ҳамкорлиги, бағрикенглик шукуҳи ҳукм сурмоқда. Ана шу шукуҳдан баҳраманд бўлиб, қўлни-қўлга бериб, Куръони карим маъноларининг ўзбек тилида ҳам гўзал жаранглаган таржимасини халқимизга тақдим этайлик. Бу йўлда Яратганнинг ўзи бизга мадаккор бўлсин.

Омин, ё Раббул олабийн, Аллоҳу акбар!

Сўзимнинг охирида таржимадан намуна сифатида «Фотиҳа» сураси ва «Бақара» сурасининг дастлабки беш оятини эътиборингизга ҳавола қиламан. Марҳамат, аслият билан қиёсланг.

Фотиҳа сураси

Мадинада нозил этилган. 7 оят.

1. *Исми Раҳмону Раҳим-ла ибтидо,*
2. *Жумла олам Раббига ҳамду сано.*
3. *Улки Раҳмону Раҳимдир нуру нур,*
4. *Рўзи Маҳшар подшоси Ул эрур.*

5. *Бош эгиб Сенга сиғингаймиз фақат,*
Ёлвориб Сендан сўрайдирмиз мадад.

6. *Бизни андоқ бир йўлингга бошлаким,*
Тўғри йўлдир ул, сиротал мустақим.

7. Сен Ўзинг инъом этиб файзу шукуҳ,
Аҳли иймонингга бўлди хос у йўл,
Яъни, қаҳрингга дучор бўлганлару
Ё адашганлар йўли эрмас у йўл...

Бақара сураси

Мадинада нозил этилган. Дастлабки 5 оят.
Исми Раҳмону Раҳим-ла ибтидо,

1. Алиф. Лом. Мим

2. Бу Китоб бешак ҳақиқатдур бәсе,
Аҳли тақвони ҳидоят этгуси.

3. Улки ғайбга бовар этгай бегумон,
Улки доим баркамол айлар намоз,
Улки Биз берган насибу ризқидин
Хайру эҳсон айлагайдур беғараз,

4. Ки ишонгай Сизга келган сўзга ул,
Сизгача келган китобларга яна
Ва Қиёмат кунга иймон келтирур,

5. Ҳақ уларни йўлламиш, бермиш сабот,
Охират айёмда топгайлар нажот...

Таржима ана шу йўсинда давом этади.

2018 йил 25 май

ЧОР ДАРВЕШ ЁКИ ЗАРАФШОН ЁДИ

Бир замонлар Зарафшон тўлиб-тошиб оқар, самарқандликлар ундан ҳовуч-ҳовучлаб сув ичар, бухороликлар субҳидам унинг соҳилларида ўлтириб, юз ювишарди... Энди-чи?

Баъзан дунёдан ўтган азиз одамимизнинг сувратига ногоҳ дуч келиб, узоқ термилиб қоламиз, хўрсиниб, оҳ чекамиз... Шунга ўхшаб «Чор дарвеш» киноқиссаси ҳам менга ўтган кунлар ёдгоридек азиз: унда тўлқинлари зар оқизган дарё тимсоли бор, унда Зарафшон ёди яшайди...

Зарафшон яна илгаригидек пок-мусаффо бўлиб, тўлиб-тошиб оқармикан? Кўмилган ўзанлари яна очилармикан? Олис Кўктоғдан бошланган тўлқинлар яна Бухорога етиб борармикан?.. Иншооллоҳ!.. Акс ҳолда авлодлар бизни кечирмайди, номимизга маломат муҳрини босади...

Муаллиф

* * *

Куёш уфуқдан думалаб чиқиб, ярим йўлга етганда қимирламай туриб қолади. Бир қушча унинг атрофидан чарх уриб, қанотлари билан «Август» деб ёзади...

* * *

Экранда Ўзбекистон олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг турфа, олақуроқ манзаралари шиддат ва шитоб билан оқа бошлайди... Университет ва институтларнинг юксак пештоқли, кўп қаватли иморатлари кўкда сузган оппоқ булутлардек сирғалиб,

ёз қуёшининг кўз қамаштиргич шуълаларида ярқираб, бири иккинчисининг устига суришиб, экранни тўлдириб ўтадилар. Уларнинг эшикларида «Хуш келибсиз!», «Фан масканига марҳабо!» деган лутфномалар, «Қабул комиссияси», «Консультация бюроси» деган ёзувлар «ярқ» этиб кўзга чалиниб қолади. Эълон тахталарида имтиҳон ва консультацияларнинг қаторлашган жадваллари, абитуриентларнинг юзлаб потокларга бўлинган рўйхатлари. Йўлаклар, вестибюллар, ҳовли ва хиёбонларда одам қайнайди. Юзларда, кўзларда, хатти-ҳаракатларда ёниқ бир тилак, беором бир ташвиш, безовта бир умид яллиғлари. Айримлар лоқайд, карахт каби. Айримлар беқўним ва асабий. Мана, имтиҳон хонасининг эшиги очилиб, сочлари тўзғиган, жиккак бир йигитча ўқдек отилиб чиқади. Кўзлари фавқулодда чақчайган. У ўнг қўлини силтаб-чўзиб, беш панжасини баралла ёзиб: «Беш!.. Беш!..» деб қичқиради. Суюнган, қизиқсиниб ёки ажабланиб боққан кишиларнинг атрофидан гир-гир айланади, баъзиларини шартта қучоқлаб ўпади, узун йўлак бўйлаб телбаларча югуриб, кўздан ғойиб бўлади... Бир қиз имтиҳон хонасидан чиқибоқ, ўзини ойисининг бағрига ташлайди. Ҳушдан кетади... Онанинг атрофига нажот сўраб аланглаган, изтиробли назари. Оқ халатликлар!

Имтиҳон хонаси: имтиҳон олувчиларнинг хомуш, вазмин қарашлари. Имтиҳон топшираётганларнинг ҳаяжонли ҳолатлари, ғалати қилиқлари, қиёфалари... Бир қиз бутун бошли бир деворни қоплаган доскани мураккаб логарифмларга тўлдириб, ҳисобни охирига етказмоқда. Мана, у сўнгги рақамларни фавқулодда бир шиддат билан тахтага тушириб, «Хўш, қалай?» деган қиёфада профессорга ўгирилади. Унинг ўнг бети ва бурнининг учига бўр чапланган. Икки ўрим сочи бетартиб, тўзғиган бир аҳволда кўксига тушган. Профессор кулимсираб, «маъқул!» ишорасида бош қи-

мирлатади. Қиз кўзларини қуйи тушириб, енгилланиб нафас олади: «Хайрият!..» Университет ҳовлиси. Радиокарнай. Конкурс натижалари эълон этилмоқда. Оти чиққанлар ажи-бужи ҳолатларда. Озғин бир ўспирин оғзи қулоғига етиб илжаяди. Бир қиз узун-узун киприкларини қуйи солиб, юрагининг шодиёна дуқурига қулоқ солади. Икки йигитча қутилмаганда қучоқлаша кетади, бири иккинчисини кўтар-кўтар қилади. Радиода номи чиқмаганлар тушкун, мискин бир кайфиятда. Қай бири оёқ учида туриб, баландга бўйинини чўзади. Бутун жисми қулоқ, ҳамон тақдирдан умидвор. Қай бири бош эгиб, қўл силкиб, нималарнидир пичирлаб, нари кетади. Қай бири аламидан ўзини масхара қилиб кулади. Бирови шарт бурилиб, ҳовлидан ташқарига отилади. Оғайнилари ортидан ҳай-ҳайлаб югуришади. Хуллас, кулгили, аянчли манзаралар!.. Уларнинг оқими бирдан кесилади. Мусиқа таққа тўхтайтиди. Фақат кечиккан, ингичка бир сало бояги асабиятдан дарак бериб, ногаҳон узилган тордек яна бир муддат зинғиллаб туради... Манзара ўзгаради. Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган мўъжаз бир қишлоқ. Ям-яшил сайҳон. Нариди дарё элас-элас кўзга чалиниб турибди. Майсазор фониди йигит кишининг силлиқлаб таралган, қуюқ қора сочли боши экранга оҳиста қалқиб чиқади. Камера чап томонга сурилиб, унинг терлаган бақувват бўйни, бўғриққан қорача юзини ёритади. Оқ кўйлаги миқти гавдасини сиқиб турибди. Бу – Аюб.

АЮБ. Ҳов, меъмори-муҳандис, Искандари гулкор!.. Архитектура нима бўлди?.. Бибихоним мадрасаси билан бўй ўлчайдиган олий иморатлар, модерн-комплекслар қуриш орзуси нима бўлди?..

Экранда ёнбошлаб ўсган ўрикка суяниб турган Искандар кўринади. У зўрғатдан маъюс жилмаяди.

АЮБ. Йиқилдингизми?.. (Бирдан қайнаб) Папашанг!.. Эпашанг! Қуйма конструкция нималигини

биласану кошин нималигини билмайсанми?! Уста Нажмиддин Бухорийнинг чевараси-я!.. Омин, раббул олабийн! Ҳаргиз... у дунё-бу дунё...

Шивирлаб юзига фотиҳа тортган бўлади, сўнг юзини терс буриб, бошқасига ўгирилади.

АЮБ. Ҳа-а-а, сиз-чи, сиз!.. Голибу мағлуб, чилангари чилтон!..

Экранда Голибнинг қисилган кўзлари, кулгидан пирпираётган лаблари.

АЮБ. Радиокарнайга кўзингизни тикиб, бурнингизни тортиб турганингизда бағритош ректорнинг раҳми келмадими, а? Одамлар!.. Эшитмадим деманглар!.. Йигирманчи асрда, космос замонида политехника институтига киролмаган нотавон ҳам топилар экан!.. Мана у!.. Ҳу, кўзларинг ўйилсин!.. Гаплашишни ҳам истамайман!..

Энди учинчи шеригига юзланади. У кичик бир харсанг тошга оёғини тираб, бошини солинтириб турибди.

АЮБ. Э-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Воҳа-ҳа-ҳа-ҳа-ҳа!.. Вой, сени қараю!.. Вой амматалоқ!.. Вой, янгаталоқ!.. Вой, Шодмони-шабистоний бўлмай... Ахир шоир ҳам шунақа бўладими?! Ҳей, куррайи замин!.. Ҳей, хонайи хуршид!.. Айтинглари, университетга киролмаган шоир ҳам шоир бўптими?! Яна битирув кечасида шеър ўқиганига бало борми!..

«Алвидо, мактабим, эй гўзал макон,

Биз энди борамиз чўққилар сари!..»

Чўққиларни кўрсатиб қўйишдими сенга, а?! Сўроқ аралаш ундовни ишлатолмасанг, нима қиласан қофияга ёпишиб!.. Тфу, шарманда! Шарманда, тамом-вассалом!..

Ҳансираб тўхтади. Кўз остидан шерикларини ўтказди. Улар қандайдир синиқ жилмайиш билан индамай қараб туришибди. Бу бақириқ-чақириқларнинг маъноси маълум.

АЮБ. (ниҳоят ёрилиб) Мени ҳам йиқитишди!.. Оёғимни осмондан келтиришди!.. Анатомиядан!.. Физкультура институтида анатомиядан!.. «Қорин бўшлиғининг хужайра тузилишини тушунтириб беринг» эмиш!.. Қорин бўлса, бунинг устига, бўшлиқ бўлса, хўш, унда хужайра нима қилади?! Одамнинг йиғлагиси келади... Орада Сайфи читтак уриб кетди!.. Воҳ, деб қолдим, ўлай агар!.. Лекин мен (Кўлини мушт қилиб ҳавога қадайд) кўрсатиб кўяман!.. Муҳаммад Аюбхон жаҳон паҳлавонни кўриб кўйишади ҳали!.. Анатомиясига!.. Манатомиясига!.. Месопотамиясига!..

У шиддатга тўлиб, рустамона наъралар тортади. Шериклари ёпишиб, унинг кўлини қайирмоқчи бўлишади. Экранда Аюбнинг йўғон, бақувват муштуми ва унга ёпишган уч жуфт кўл... Аюб қадим паҳлавонларга ўхшаб, «рақиблар»ни уч томонга «улоқтириб ташлайди». Улар яна ёпирилишади, Аюбни қайириб, босишади. Аюб гоҳ наъра чекиб, гоҳ «воей-воей «лаб у ёқдан бу ёққа думалайди. Ниҳоят, унинг устига чиқиб олишади. Голиб «паҳлавон»нинг думбасига шاپатилайди: «Гатоп!»... Аюбнинг наъралари секин-секин сусайиб, аста тинади. У кўзларини юмиб, бир нафас тин олади. Устида уч ўртоғи. Бир пайт кўзларини очади, бурнини жийиради, акса уради. Афтини бужмайтириб, кўлини остидан олмоқчи бўлади.

АЮБ. Ҳой, лапашанглар, кўйворинглар!.. Ҳой, нима қилдик энди?..

ГОЛИБ. Уч кишига бир эшак ҳам ярайверади. Ниқталаб турсак, чорпойлаб чопаверасан!.. (Эшакни қистаганга ўхшаш ҳаракатлар қилади)

АЮБ. Ҳой, галварс!.. Кўп ҳам... ўйнатаверма! Истасанг, ўша орбитага ҳам олиб чиқаман сени! Мен энди нима қиламиз, деяпман!..

Саволининг тагига етиб, жим қолишади. Аюб пайдан фойдаланиб, уларни итқитиб ташлайди.

АЮБ. (устидаги чанг-чунгларни қоқиб) Ҳой, гапир-саларинг-чи, амматалоқлар!

ИСКАНДАР. (кўкрагини ишқаб) Мен ўзимни... отмоқчиман...

ШОДМОН. Мен ёндираман!..

АЮБ. Баракалла!.. Йўқ, яхшиси, Мартин Идендай ўзингизни сувда чўктира қолинг!.. Илҳом ўти!.. Алам ўти!.. Ширин жон!.. Ҳаммасидан бирйўла қутуласиз-қўясиз! Хўш, мен нима қиламан? Оғайнилар, холам бор! «Қаҳрамон она!..» Уйи гиж-гиж бола! Бир мураббий керак! Шунга ёлланаман! Чирқираб-тирқираб юрган болакайлардан шундоқ баҳодирлар, шундоқ азаматлар етиштирайки... келажакда физкультура институти эшикларини бир уриб, синдириб киришсин!.. Мен уларни шундоқ!..

ШОДМОН. (ўрнидан туриб) Шошма!

АЮБ. (ҳайрон) Нима гап?

ШОДМОН. Идея!

АЮБ. Ҳе, ўша идеянгни!..

ШОДМОН. (таъкидлаб) Идея!..

У портфелидан оқ чойшаб олиб, шамолда ҳилпираб турган кўм-кўк майсалар устига ёзади ва улўфвор бир қиёфада шерикларига юзланади.

ШОДМОН. Қадим китобларда айтилганким, чархи кажрафтор дастидан бағри қон, кўнгли вайрон бўлган дарвешлар оқ бўриё устида ўлтириб, бирпас ҳасратлашар эканлар!..

У кўзларини юмади... Тоғ этаги, дарё бўйида чордона қуриб ўлтирган чор дарвеш унинг хаёлида намоён бўлади... Дарвешлардан бири унга қараб жилмаяди ва қўл силкийди... Шодмон хўрсиниб, кўзларини очади.

ШОДМОН. Қани, марҳамат этсинлар! Мавлоно Муҳаммад ибн Аюбхон дарвеш!..

Аюб виқор билан юриб, чойшабнинг бир чеккасига бориб тиз чўқади.

ШОДМОН. Мавлоно Муҳаммад ибн Искандархон дарвеш!..

Искандар майда қадам ташлаб чойшабнинг бошқа чеккасига чўккалайди.

ШОДМОН. Мавлоно Муҳаммад ибн Ғолибхон дарвеш!..

Ғолиб ўзига хос лака-лак рафтор қилиб чойшабнинг учинчи бурчидан жой олади. Сўнг Шодмон «эмди каминайи-камтарин...» деганича чойшабнинг тўртинчи бурчини эгаллайди. «Дарвешлар» қўл қовуштириб, бошларини эгиб, бир муддат «хаёл ва тафаккур дарёсига фарқ бўладилар...»

ШОДМОН. *(муштумига ёлғондаким йўталиб).* Фақир-рул-ҳақир чор дарвеш гоҳо хаёл ва тафаккур дунёсидан кўз узиб, кўнгилда борини ҳикоят ва шикоят мақомида тилга келтирур эканлар...

(«Қани, бошла» деб Искандарга ишора қилади)

ИСКАНДАР. Аё биродарлар, дебди биринчи дарвеш, бошимдан андоқ бир савдолар ўтдиким, сўзламоққа тил ожиз!.. Саккизинчи синфда эканимда синфдошларим билан Самарқандга саёҳат қилдим. Боболаримиз барпо этган ўша шаҳри шукуҳдаги олий иморатлар хаёлимни андоқ асир этдиким, меъмор бўлиш ишқи кўнглимга лаҳча чўғ бўлиб тушди. Йиллар бўйи шу орзунинг яширин оташи билан яшадим... Аммо толеим пастлигидан баҳойим пастлиқ қилиб архитектурага киролмадим. Дадам айтадиларки, меъмор бўлишни каллангдан чиқар! Ошпаз бўл! Эл-юртга ҳар кун ош беришдан яхшироқ ҳунар йўқдир... Шунга сизлардан маслаҳат сўрайдирмен...

ҒОЛИБ. Аё биродарлар, дебди иккинчи дарвеш, ҳозирги эшитганингиз ҳам қисса бўптими!.. Менинг қиссам олдида у арқон олдида бир қатим кабидир. *(Кўкрагига муштлаб)* Мен, шўрлик моторсиз туролмайман! Юрсам-турсам, шовқини қулоғимга урилиб,

парраги кўз ўнгимда айланаверади... Мен, бадбахт конкурслан йиқилганимдан сўнг поччам нима дейди денг: хумдондан иш топиб қўйдим!.. Ҳар куни нормани бажарсанг, марра сеники, маошингга мукофот қўшилаверади! Машина ўрнига хумдон, мотор ўрнига фишт! Вой, менинг ҳолимга вой!..

АЮБ. Аё биродарлар, дебди учинчи дарвеш, менинг аламларим олдида сизники бир кафт урвоқчадир. Ошпаз бўлсанг, фиштчи бўлсанг, нима қипти? Қозонга ўт, хумдонга фишт қалаб, китобингни ўқиб, янаги конкурсга тайёрланаверасан!.. Худо суллоҳ бўлишдан асрасин! Дадам дейдики, институтга киролмадингми, бас, суллоҳ бўлурсан! Бўлимли, давонгир йигитсен, эплаб кетасан!.. Биласизларми, суллоҳ дегани нима? Қассобга шогирд тушиб, биологияни ўрганармишман!.. Во дарифо!.. Во адолато!..

ШОДМОН. Аё биродарлар, дебди тўртинчи дарвеш, менинг дардим уммондир. Журналистикага киролмаганимдан бошим эгик, қоматим букикдир!.. Ойим лаб очиб, бир нима демайдилар. Лекин юзимга боқиб хўрсинадилар. Аҳволим мушкул, толеим мажҳул! Йиғланглар менинг ҳолимга, йиғланглар!..

Ёлғондакам йиғламоққа тушадилар.

ШОДМОН. (кўз ёшларини кафти билан сидириб, бурнини тортиб). Оға-ини чор дарвеш дафъи савдо учун муборак Дажла дарёсида қайиққа тушиб, узоқ-узоқларга сафар қилар эканлар!..

ҲОЛИБ. Оҳ-оҳ-оҳ-оҳ!

ШОДМОН. А-а?!.

АЮБ. (қарс уриб, ўрнидан туриб кетади) Идея!

ИСКАНДАР. Ҳе, идеянгни!..

Аюб шарт бурилиб, унинг бурнига муштумини қадайди... Шодмон портфелидан карта олиб, шалдиратиб ўртага ташлайди. Экранда Ўзбекистон картаси. Зарафшон дарёси манбаидан мансабигага жимирлаб,

шаҳар-қишлоқларни кўрсатувчи белгилар сирли чи-
роқчалардек «лип-лип» ўчиб ёна бошлайди.

ИСКАНДАР. (ҳамон пинагини бузмай) Бекор гап!

Бу гап унинг бурнига учта мушт қадалади. Искан-
дарнинг кўзлари беихтиёр сузилиб кетади...Экранда
Ўзбекистон картаси ва унга эгилган тўртта бош...

Картада дарчалар очилиб, сафарга шайланиш
лавҳалари кўрина бошлайди: камерага томон югу-
риб келаётган кўчалар, дарвозалар... Остоналардан
гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёққа елдек учиб ўтаётган оёқлар...
Очилик-ёпилаётган жомадонлар... Кимдир лаканглаб,
шимининг бир почасига оёқ суқмоқчи бўлади... Қа-
лаштириб ташлаб юборилган бир кучоқ тахта... Мих
қоқаётган болғалар... Ниҳоят «дарчалар» тутшиб,
сафарга шайланган қайиқ эгарланган отдек «кишнаб»,
қия қирғоқдан сувга отилиб тушади. Камера кескин
чекиниб, бизни баланд бир нуқтага олиб чиқади...
«Авж» нуқтадан дарё манзараси кенг очилади...
Узоқда қайиқ. Қайиқда «дарвешлар». Бирида қулоқ,
бирида салла, бирида ҳожи дўппи, бирида туркман
телпак. Қўлларида чилдирма, ғижжак, рубоб, сурнай.
Шўх-шўх куй чалиб, ғалати бир кўшиқ билан кела
бошлайдилар. Қайиқ яқинлашиб, ёнбошлаб ўтаркан,
биқинида «Чор дарвеш» деган ёзувга кўзимиз тушади.
Ёзув қайиқ бортидан узилиб, йирик, ёрқин ҳарфларга
айланиб, бир лаҳза экран пештоқида осилиб туради...
Унинг остида фильм муаллифларининг номларини
ўқиймиз. Дарё ва ундаги қайиқ гоҳ узоқдан, гоҳ
яқиндан кўринади.

АЮБ. («Катта ашула» йўлида):

Вой-ей!...

Аё дўстлар, биродарлар, аёвсиз имтиҳон бўлди,
Ўтолмай имтиҳондан, лоладай рангим сомон

бўлди!..

ХОР.

Ё Оллоҳдўст, ё Оллоҳ,
Ҳақдўст, ё Оллоҳ!..

ШОДМОН.

Во-ей!..

Ҳаёл тулпорини қистаб, учар эрдим самоларда,
Йиқилдим, ерга тушдим, кимлигим энди аён

бўлди...

ХОР.

Ё Оллоҳдўст, ё Оллоҳ,
Ҳақдўст, ё Оллоҳ!..

ИСКАНДАР.

До-од!..

Сўранг дардимни тўлқиндан, сўранг дардимни

ҳар кимдан,

Ва лекин сўрмангиз мендан: қачон бўлди,

қачон бўлди?

ХОР.

Ё Оллоҳдўст, ё Оллоҳ,
Ҳақдўст, ё Оллоҳ!..

ҒОЛИБ.

Азим дарёга юз бурдим, мусофир йўлига кирдим,
Борар жойим Самарқанду Бухоро, Гиждувон

бўлди...

ХОР.

Ё Оллоҳдўст, ё Оллоҳ,
Ҳақдўст, ё Оллоҳ!...

Фусункор манзаралар кўшиққа ҳамоҳанг бўлиб
оқади. Дарё, «дарвешлар»нинг хаёлича, гоҳ Самарқанд-
нинг муаззам иморатларига туташиб, гоҳ Бухоронинг
юксак гумбазу миноралари аксларини ўзида оқизиб,
оқади... Кўшиқ охирлаб бораркан, қайиқ ҳам се-
кин-секин йироқлашади, кичик бир нуқтага айланиб,
дарё уфқига сингиб кетади...

* * *

Дарё. Қайиқ ўз маромида сузиб бормоқда. «Дарвешлар» бири ўлтирган, бири чўзилган, ўртада майда чақ-чақ...

АЮБ. Ойим ҳозир хатимни ўқиб, йиғлаётгандир... «Вой, бечора болам!.. Вой, бечора болагинам!..Охири бошини олиб кетди-я!..» Лекин барибир менга деб бир коса маставани саватнинг тагига бостириб қўяди...

ФОЛИБ. Мастава...

ИСКАНДАР. Менинг ойим...

ШОДМОН. Мақтамай қўя қол... Ойинг овқатни нукул шўр қилади. Билмадим, боболаринг туз конида ишлаганми!

ИСКАНДАР. Шўр дейсанми? Шу тобда шўрттакина бўлса ҳам иссиққина сомсага йўқ демасалар керак...

АЮБ. Сомса?! Марҳамат!

Тугундан печенье олиб унга ирғитади. Искандар биринчисини тутолмай, сувга туширади, иккинчисини илиб олади.

АЮБ. Галварс.

ИСКАНДАР. Ташаккур!

Ғолиб беихтиёр ҳавони ҳидлай бошлайди.

ФОЛИБ. Оҳ-оҳ!..

Ўртоқлари унга ҳайрон бўлиб қарашади.

ФОЛИБ. Пиёздоғ... Йўқ - йўқ!.. Қо... қовун!.. Ўлай агар... қовун!

Ҳамма ҳавони искашга тушади.

АЮБ. Қовун!

ИСКАНДАР. Қовун!

ШОДМОН. Қовун!

ФОЛИБ. Қовун!

АЮБ. Ҳайда!..

Ўзи эшакка ёпишиб, тез-тез эша бошлайди.

* * *

Қайиқ қирғоққа келиб тўхтайтиди. «Дарвешлар» ёпирилиб, ўзларини қумга отишади. Баланд қирғоққа чиқиб, туриб қолишади. Каттакон полиз. Узоқда чайла. Биров ғивирлаб юрибди. Қоровул.

ШОДМОН. Олға!

АЮБ. Шошма!.. Сўраб есанг, ширин бўлмайтиди.

ШОДМОН. Сўрамаймиз, ўзи меҳмон қилади.

АЮБ. Барибир ширин бўлмайтиди!.. Хўп, десаларинг... анақа...

ШЕРИКЛАРИ. Қанақа?

Аюб муғомбирона кўз қисиб, бармоқларини қирсиллатади ва ҳуштак чалади.

АЮБ. Хўш, маъқулми?..

Ўртоқлари илжайишади.

АЮБ. Ана унда тилингни ёради!..

* * *

Оқшом чўкиб, атроф қоронғилашиб қолган. Полиз. Чайла. Қоровул. Яктак кийиб, белбоғини бошига саллача қилиб олган чўққисоқол киши. У дарахтга арқонлаган эчкининг тоғорасига қовунпўчоф солади.

ҚОРОВУЛ. (эчкига). Е, жонивор, е!.. Ҳа, кун бўйи ёлғиз ўтириб, зерикдингми? Зерикма. Яқинда бир серка олиб, ёнингга боғлаб қўяман. Қарабсанки, қошингда улфатинг. Кейин ҳар кун эртадан кечгача «қарс-қурс», «қарс-қурс» қилиб, шохларингни қайрайверасанлар...

Чайладан кўрпа-ёстиқ чиқазиб, катта тўшак ёзади. Носвой отиб, болишга ёнбошлайтиди. Дарахтга осилган қафасда бедана сайрайтиди. Қоровул носвой кайфи, бедана хонишидан ҳузурланиб, кўзларини юмиб олади. Бироздан сўнг бошини кўтариб, оғзидагини тупуриб, атрофга кўз солади: жимжит полиз, кимсасиз далалар... Оғзини катта очиб, бир-икки бор эснайтиди,

тўшакка ўзини ташлаб, маза қилиб керишади ва уй-қуга кетади... Гала-ғовур тушлар кўради... Қошларини кериб, лабларини чапиллатади. Қулоғига уйқу аралаш аллақандай мусиқа садолари урила бошлайди. Шовқин кучайиб, тобора безовта қилади. Ниҳоят, у бошини ёстиқдан узиб, чўнқайиб ўтиради, кўзларини уқалаб, теваракка тикилади...

Полиз этагида гуриллаб гулхан ёнмоқда. Бир тўда кишилар унинг атрофида давра қуриб ўтиришибди. Улар соз чалиб, қўшиқ айтмоқдалар.

– Катта-каттасидан уз-ей,

Бўри калласидан уз!..

Қоровул бўйнини чўзиб, оғзини очганча анқайиб туриб қолади... Базмчиларнинг қай бирлари гулхан атрофида чарх уриб, рақсга тушадилар. Уларнинг узун-узун соялари, оловда яллиғланган башаралари аллақандай сирли, ваҳимали кўринади...

ҚОРОВУЛ. (бирдан кўрқувга тушиб) Ажиналар!.. Жинлар базми!..

Тўшакка мук тушиб, бошини кўрпага буркаб олади. Базм авжга чиқади. Чилдирма бўғиқ гумбурлайди.

– Катта-каттасидан уз-ей,

Бўри калласидан уз!..

Аппарат полизнинг бошқа тарафини ёритади. Оқ чойшабни этак қилиб, елкасига илиб олган Голиб пуштадан пуштага ўтиб, қовун узади.

– Катта-каттасидан уз-ей,

Бўри калласидан уз!..

Яна чайла. Катда мук тушиб ётган қоровул. У кўрпа остидан кўрқа-писа мўралайди ва яна кўзларини чирт юмиб олади: «Илло-билло, ё қувватиллою радди бало!.. Катта-каттасидан уз-ей?! Бўри калласидан... Нима?!» Ирғиб ўрнидан туради ва гулхан томон югуради. Гулхан ёниб турибди, аммо унинг атрофи

бўм-бўш. Қоровул муштумини силкитиб, қоронғиликка қараб дағдаға қилади: «Ҳа, ярамастар!..»

* * *

Иккинчи кун. Қош қорайиб қолган. Қайиқ ҳамон бир маромда жадаллаб сузмоқда. Гоҳ-гоҳ тўлқинларнинг шалоглаб урилгани эшитилиб қолади. Узоқда қуёш қизариб ботаяпти. Икки қирғоқда нақ туя бўйи бўлиб ўсган тифиз қамишпоялар попилдириқларини осилтирганча қилт этмай туришади. Аюб ярим-ёрти эшкак эшиб қўяди. Бошқалар қовунхўрлик, теваракни томоша қилиш, гап-чақчақ билан банд.

ИСКАНДАР. (қовун пўчоғини сувга отиб) Вой-бу!.. Қамишларнинг девор бўлиб туришини!

ФОЛИБ. Ваҳимали!..

ИСКАНДАР. Чиройли!

ШОДМОН. Ваҳимали бўлгани учун ҳам чиройли-да!

ИСКАНДАР. (хўрсиниб) Шундай пайтда ёнингда қизинг бўлса...

ШОДМОН. (хаёлчан) Қиз топилади... Ўзни топиш қийин...

ФОЛИБ. Ўзни топиш қийин?..

ШОДМОН. Ўзни топиш қийин!.. (Қироат қилиб) «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам!..»

ИСКАНДАР. Баракалла, шоирим! Аммо кўнгил истагидай қизни топиш ҳам вазифангизга киради... (Унга тақлидан қироат қилиб): «Қиз нетиб топгай мениким, мен қизимни топмасам!..»

ФОЛИБ. (унинг елкасига шапатилаб) Яшавор!

АЮБ. Тсс... Секинроқ!.. Чамамда анави ёқда бўрим, айиқми бир нарса юрганга ўхшайди...

ФОЛИБ. Бе, айиқ нима қилади бу ерларда? Йўл-барс десанг, бошқа гап!..

Шу пайт қандайдир бир жонивор қамишларни чайқатиб, кўриниб-кўринмаёқ яна тўқайзорга уриб кетади.

ИСКАНДАР. Кўрдинг?.. Қора айиқнинг худди ўзи!

ФОЛИБ. Бе, қоплон-ку!..

ШОДМОН. Ёввойи эшшак!

ИСКАНДАР, ФОЛИБ. Ёввойи эшшак?!

Шодмон оғиз жуфтлаб, тушунтирмоқчи бўлганда Аюб бетоқат қўл силтайди... Йирик кулранг ҳайвон қамишларни икки ёққа суриб, қорнини судраганча тўқайзор ичидан чиқиб келади. Лапанлаган, беўхшов юриш қилиб, соҳил бўйига тушади, шошилини сув ича бошлайди.

АЮБ. Тўнғиз!..

ФОЛИБ. Хумпарнинг семизлигини!.. Худди бодрон!.. Урғочиси бўлса керак...

АЮБ. Эркаги.

ИСКАНДАР. Қўштиғинг бўлса, гумбурлатиб ташланган!.. Дарёга шалолаб тушарди-да ўзиям!..

ШОДМОН. Чилдирманг борку!.. Гумбурлат!

ИСКАНДАР. Гумбурлатаман!

АЮБ. Қани, бўл!.. Кўрайликчи, қандай қочаркан!..

Искандар чилдирмани қўлига олиб, бор кучи билан гумбурлатиб чалади. Оқшом сукунатига чўмиб, қоронғиликка чўка бошлаган дарё устида чилдирма ваҳимали гумбурлайди... Тўнғиз жон ҳолатида орқага тисарилади. У семизлигидан бурила олмай, тўқайзорга тикка орқаси билан шўнғиб кетади.

ҚИРҒОҚДАН ОВОЗ: Ҳой, жинмисанлар? Одам-мисанлар?!

ҚАЙИҚДАН. Одаммиз!

ҚИРҒОҚДАН. Одам бўлсаларинг, бери келинлар-чи!..

Аюб қайиқни овоз келган томонга буради. Айқашиб ўсган ёввойи жийда остида бировнинг қораси кўринади. Қайиқ қирғоққа тиралиб тўхтайтиди. Овоз эгаси дарахт остидан чиқади. Бошида жун қалпоқ, елкасида милтиқ, соч-соқоли ўсиқ бақалоқ киши. Ғира-ширада

юзи кўринмайди. У қўлида чўғланиб турган папиросни ташлаб, баланд кўнжли этигининг пошнаси билан эзғилайди. Қайиқдагиларнинг салла-қулоҳларига кўзи тушиб, бирпас тараддуд ичида қолади.

«ДАРВЕШЛАР». Салом, амаки!

БАҚАЛОҚ. (атайин тетик, бепарво овоз билан) Салом, шоввозлар!.. Дарёда базм қилиб юрибсизларми?..

АЮБ. Сайр қилиб юрибмиз!

БАҚАЛОҚ. Йўл бўлсин сизларга?

АЮБ. Шундоқ... Бош оққан томонга.

БАҚАЛОҚ. Бош оққан томонга?.. Бу ҳам чаккимас... Баъзан бош оққан томонга кетишнинг ҳам гашти бўлади... Аммо, йигитлар, бир халал бердиларинг-да!.. Занғарни энди мушкага олувдимки, чўчитиб юбордиларинг... Устларингдан ошириб, бир ўтакаларингни ёрай, дедиму, яна аядим-да...

ИСКАНДАР. Тўнғиз овлаётганингизни қаёқдан билибмиз, амаки! Билганимизда, чўчитмасдик... Текин томоша кўрардик...

БАҚАЛОҚ. (қирғоқ лабига келиб, чўққайиб) Лекин текин томоша-да ўзиям!.. Бир-икки ўқ билан қуламайди хумпар... Бўкириб, ҳавога сакрайверади!.. Хоҳласаларинг, қарашиб юборишларинг мумкин... Савобга қоласизлар!.. Мана шу тўқай ортидаги экинни шудгор қилиб ташлаган лаънати!..

«Дарвешлар» бир-бирларига қарашади, сўнг «хўп, биздан нима кетди» дегандек қайиқдан қирғоққа тушишади. Аюб қайиқ занжирини тортиб, жийда бутоғига боғлайди.

БАҚАЛОҚ. Энди гап бундоқ, азаматлар. Тўнғиз узоққа кетмайди. Барибир дарёга қайтади. Кун бўйи тенти раб чанқаган. Бунинг устига тўнғиз у! Унча-мунча чўчитув билан шаштидан қайтадиганлардан эмас. Биргалашиб пойлаймиз... Хўш, сира ўқ узиб кўрган мисанлар? Қани, бу ёққа юринглар-чи...

Бироз қирғоқдан юриб, сув бўйига тушишади. Чувалиб, сувга энгашиб тушган ўт-ўланлар орасида қайиқ. Бақалоқ пахталик нимча, ҳар хил халта-хулта, латта-путталарни нари суриб қайиқ остидан иккита ов милтиғини олади.

БАҚАЛОҚ. Ҳар икковингга биттадан... Ҳа, нега бақрайиб қолдиларинг!.. Милтиқларгами?.. Ҳаммаси законний! Эгаси бор! Кечикишаяпти, хумпарлар! Ничего! Улар келгунча ишни саранжомлаб қўямиз. Хуфтондан кейинги ов-овмас!

Кейин чарм сумкага қўл суқади.

БАҚАЛОҚ. Иккитадан патрон!.. Лекин эҳтиёт бўласизлар. Худа-беҳудага пақиллатиш йўқ. Биринчи бўлиб ўқни мен узаман. Йиқитолмасам... Мендан қочиб, талвасага тушиб, устларингга урра бостириб келса, отасизлар!.. Акс ҳолда ўқ узиш – қатағон!.. Сен икковинг (Аюб билан Фолибни кўрсатиб) мен билан юрасан! (Тўқайнинг нариги чеккасини кўрсатиб) у ёқда бир пистирма бор, ўшанда пойлайсизлар... Сенларга (Шодмон билан Искандарга) пистирма мана шу жийданинг ости... Мен, ҳув, қаршида, дарёга эгилиб тушган олмурут тагида пойлайман... Тўнғизнинг сўқмоғи ўшанга яқин. Мендан қутулса ё сенларга, ёки сенларга қараб ўзини уради... Ҳазир бўласизлар!.. Қани, кетдик!..

У Аюб билан Фолибни бошлаб жўнайди. Жийда тагида Искандар билан Шодмон.

ШОДМОН. (милтиқни салмоқлайди, тўқайга ўқталади) Ёмонмас, пақ-пақ! (Ўйлаб туриб) Лекин, яхши ҳам эмас – пақ-пақ!..

ИСКАНДАР. Нима, яхшимас?

ШОДМОН. Пақ-пақ, тамом-вассалом!..

ИСКАНДАР. (тағин тушунмай) Нима тамом-вассалом?..

ШОДМОН. Бор-йўғи иккита: пақ-пақ, тамом-вассалом!..

ИСКАНДАР. Айн момент!..

У югуриб кетади, кўп ўтмай, изига қайтади. Ҳовучида патронлар.

ИСКАНДАР. Энди пақ-пақ эмас, пақа-пақа-пақа-пақ!.. Пақа-пақа-пақа-пақ!..

Иккови қотиб кулади.

* * *

Пистирмада Аюб. У милтиғини булоқ айрисига қўйиб, ўзи дарахтни паналаб турибди. Ён-вери – кичкина сайхон. Харсанг тош панасидан Голиб кийган туркман телпакнинг тепаси ва ирғай калтакнинг учи кўринади. Аюб ҳуштак чалади. Голиб тўнғиз бўлиб хуруллайди...

* * *

Қирғоқда эгилиб ўсган олмурут остида биров ерга қапишса-да, дўмпайиб ётибди. У қорни қисилиб, ўпкаси тиқилганидан, пишқириб нафас олади. Дам-бадам қашинади. «Кела қол энди!.. Келсанг-чи!» – деб шивирлайди. Жун қалпоқ остида унинг укки кўзлари совуқ йилтиллайди...

* * *

Дарё устида оқшом юлдузи ялтираб кўринади. Қоронғилик қуюқлашиб бормоқда. Балиқ сувни шалоплатиб, ўзини ҳавога отиб ўйнайди. Қурбақалар қуриллайди. Чигирткалар чириллайди. Ниҳоясиз туюлган сукунатни бузиб, ногаҳон гумбурлаб ўқ узилади. Унинг қизғиш яллиғи қамишзор қўйнида «ярқ» этиб сўнади. Шу замон кетма-кет қарсиллаб отилган милтиқлар унга жўр бўлади. Тўқайзор гўё жанггоҳ тусини олиб, «тасир-тусур» ўқ овозлари теваракни босиб кетади. Милтиқлар басма-бас бўшатилиб тураркан, ҳалиги номаълум кишининг ғира-шира қоронғиликда чангалзор

оралаб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қараб йиқила-қўла югургани кўзга чалинади. «Бас қилинглар, лаънатилар!» деган қичқириғи эшитилади. У кутилмаганда таққа тўхтаб, турган ерида қозидек қотиб қолади.

ОВОЗ. Ташла куролни!.. Ташла деяпман сенга!.. Қўлга тушдингми, аблаҳ!..

Бақалоқ милтиқни ерга ташлайди.

Экранда тўппонча ўқталиб турган милиция лейтенантининг қаҳрли қиёфаси.

ЛЕЙТЕНАНТ. Кўтар қўлингни!.. Туш олдимга!.. Лаънати браконьер!..

Бақалоқ қўлини кўтариб, унинг ёнидан олазarak бўлиб ўтабошлайди... Лекин тўсатдан шарт бурилиб, ўзини рақибнинг оёғи остига ташлайди. Кутилмаган зарбадан лейтенант чалқанча қулаб тушади. Қўлидаги тўппонча ҳавога отилиб кетади. Бақалоқ бир тепиб, уни нарига учуриб юборади. Олишув... Бир муддат браконьер устун келгандай туюлади. Аммо лейтенант икки оёқлаб тепиб, уни нарига улоқтириб ташлайди. Яна бир-бирига ташланишади.

БАҚАЛОҚ. Йигитлар! Ёрдам беринглар!..

ЛЕЙТЕНАНТ. Йигитлар! Бу ёққа!..

Қамишзор ичида Аюб ва Фолиб. Улар олишаётганларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолишади. Анграйиб бири иккинчисига қарайди. Фолиб орқага тисарилиб қочмоқчи бўлди, Аюб қўймайди. Аюб олишаётганлар томон юрмоқчи бўлади, Фолиб қўймайди.

БАҚАЛОҚ. Йигитлар! Ёрдам беринглар!..

ЛЕЙТЕНАНТ. Йигитлар! Бу ёққа!..

АЮБ. Боплаяпти, азамат! Боплаяпти!.. Ҳаҳ, ана шундай!..

Қўлларини ишқайди, ирғишлайди. Ниҳоят, чидаёлмай, югуриб боради. Қумга қоришиб ётган тўппончани олиб, милиционернинг қўлига тутқизади.

ЛЕЙТЕНАНТ, (тўппончани рақибининг тумшугига тираб) Энди типирчилама!.. Энди тамом!.. Қимир этсанг, итдай отиб ташлайман! Кўлингни тут! (Кишан солади. Қалдини ўнглаб, устидаги чанг-чунгларини қоқиб) Раҳмат, ука, қарашвординг!

Нафасини ростлаб, атрофга аланглайди, калтак кўтарган Голиб, милтиқ кўтарган Аюбга дурустроқ разм солади...

ЛЕЙТЕНАНТ. Ие, сенлар ҳам бормидиларинг ҳали?.. Ташла қуролни!

Аюб милтиқни, Голиб ирғай калтакни шувоқ устига ташлайди. Шу пайт буталар орасидан милтиқ ўқталиб Искандар, унинг орқасидан тасодифий «ов» – кўк қарғани кўлида осилтирганча Шодмон кўринади. Бирпас анграйиб туришади. Сўнг тортиниброқ келиб, улар ҳам қўлларидагиларни ҳалиги милтиқ ва калтак устига ташлашади.

ЛЕЙТЕНАНТ. (Аюбга) Булар... кимлар?

АЮБ. Шерикларимиз.

ЛЕЙТЕНАНТ. Кимсан ўзларинг?

АЮБ. Сайёҳлармиз.

ЛЕЙТЕНАНТ. Саёқлар?!

АЮБ. Йўғе, сайёҳлармиз, деяпман-ку...

ЛЕЙТЕНАНТ. Хўш, кейин-чи?..

АЮБ. Нима, кейин?

ЛЕЙТЕНАНТ. Қанақа сайёҳлар?!

АЮБ. Шунчаки оддий... абитуриент... яъни, конкурсдан ўтолмаган абитуриент сайёҳлар.

ЛЕЙТЕНАНТ. Ҳм, хўш, яна-чи? Янаям қолаверса-чи?

Аюб индамайди. Шериклари сукутда.

ЛЕЙТЕНАНТ. Буёғини мен айта қолай... Янаям қолаверса, давлат кўриқхонасини бир неча ойдан бери қийратиб келаётган манави браконьёрнинг шерикларисиз!.. Бу тулки роса чап берди менга. Йўқ,

ҳайтовур қўлга тушди... У қоровулнинг касаллигидан фойдаланиб, бугун бир яйраб ов қилмоқчи бўлди шекилли... Ҳаҳ, турқи совуқ!..

У кўк қарға билан калтакни оёғи билан суриб ташлаб, милтиқларни елкасига чапа-рост қилиб тақиб олади.

ЛЕЙТЕНАНТ. Қани, олдимга тушинглар.

«Дарвешлар» бир нима деб тушунтирмоқчи бўлишди.

ЛЕЙТЕНАНТ. Тартиб сақлансин! Бўлак гапни кейин гаплашамиз!

Тизилишиб чиқа бошлайдилар. Шодмон қайрилиб, бир чеккада қум устида қанотларини ёйиб, шалпайиб ётган «ов»га интилади, Искандар унинг елкасидан тутиб, жаҳл билан олдинга итаради...

* * *

Оперпункт. Ичкари хона. Шкаф. Сиртига чарм қопланган диван. Тўрда стол, устида телефон, электрчироқ. Деворда Держинскийнинг катта портрети... Бу – оперпункт бошлиғининг кабинети. Қамоқхона браконьер билан банд бўлганидан «дарвешлар»ни шу ерга қамашган. Улар диванга қатор тизилиб ўтиришибди. Ҳар бирида айри бир ҳолат. Шодмон ҳадеб ҳуштак чалиб, бошини чайқайди, оёғини ликиллатади... Искандар асабий ғижинади, бир нималар деб пичирлаб, юзини нари-бери буради... Фолиб туркман телпакни бурнига тушириб мудрайди, ғиқ этмайди... Аюб ғалати аҳволда. У диван чеккасида қаддини ғоз тутиб ўтирибди. Конфет кўрган боладай кўзлари катта-катта очилган. Юзида ёқимли бир хаёл ифодаси.

ИСКАНДАР. (Аюбга) Ҳамма бало сендан чиқди! Бир оғиз гапга лаққа тушдинг-қўйдинг!.. Келиб-келиб, тўнғиз овлашга бало бормиди? Жўрабоши бўлмайд ў!..

АЮБ. (паришонлик билан) Нима?

ИСКАНДАР. Ҳамма бало сендан чиқди, деяпман!..

АЮБ. Э, жириллайверма... Ундан кўра... (негадир илжайиб) қоринни ўйласанг-чи...

ИСКАНДАР. Нега энди фақат мен ўйлар эканман?! Нега энди сен...

АЮБ. Мени кўя туринглар!..

У илжайганча туриб, ўрта девордаги деразага яқинлашади. Искандар уни ҳайрон бўлиб кузатади... Дераза ойнаси орқали оперпунктда кираверишдаги биринчи хона кўзга ташланади. Стол орқасида милиция кийимида ўн олти-ўн етти ёшлар чамасидаги нозиккина бир қиз ўтирибди. Қора қуюқ сочи чува-либ, пешонасига тушган. Юзлари чироқ шуъласида шундай тиниқ кўринадики, Аюб термилиб, беихтиёр кўзларини юмиб олади... Қиз бир нима ёзиш билан банд. Телефон жиринглайди. Гўшакни олиб, қиз ким биландир гаплашади. Бошини шўх-шўх силкиб, чиройли жилмаяди... Унга қараб, беихтиёр Аюб ҳам илжаяди. Сўнг бир нарса эсига тушгандай, тўсатдан орқасида турган столга ташланади. Ойна остидаги рўйхатдан зарур рақамни ахтариб, телефонга қўл чўзади.

АЮБ. (гўшакка) Алло, оперпунктми?.. Ким бу?..

ГЎШАКДАН ОВОЗ. Навбатчи Зубайда Зарипова эшитади...

АЮБ. (гўшакни кафти билан бекитиб, шерикларига) Зубайда Зарипова!..

АЮБ. (гўшакка) Мен ҳалиги... Танимаяпсизми?

ГЎШАКДАН ОВОЗ. Йўқ, кимсиз?

АЮБ. Ҳалиги қамоққа олинган болаларни дарҳол қўйиб юборинг!.. Уларнинг ҳечам гуноҳи йўқ!.. Эшит-япсизми? Гуноҳи йўқ! Алло!..

Гўшакда жимлик. Ногаҳон дераза ойнаси қоқилади. Аюб чўчиб қарайди. Ойна ортида Зубайда Зарипова! У бармоғи билан пўписа қилади. Аюб гуноҳкорона илжаяди. Шериклари унинг ҳолига хандон ташлаб кулишади...

Искандар хонани гир-гир айланади, ниманидир чамалаб, бурчак-бурчакларда ивирсинади. Аюб тагин телефонга ёпишади. Нариги хона. Зубайда Зарипова столи устида телефон жиринглайди. Шу пайт ташқаридан лейтенант киради.

ЛЕЙТЕНАНТ. Гўшакни кўтармайсизми?

Зубайда имо қилади: «Анавилар!..» Лейтенант «Кўтараверинг» дегандай ишора қилади-да, сездирмай ўзини ичкари хонага олади... Ичкари хона. Аюб столга энкайиб, телефонда гаплашмоқда.

АЮБ. Зубайдахон... Танишиб олайлик, мен Аюбман... Йўқ, йўқ, Айиқ эмас, Аюб!.. Ҳа, Аюб!.. Бизларни нима қилмоқчисизлар? Пишириб ейсизлар?! Жуда соз!.. Аммо мен шахсан сизга ем бўлишни истардим. Ёлғиз сизга!.. Қайнатасизми, қовурасизми, ихтиёр башу-мо! Ёлғиз сизга!.. Ҳа, ўша лейтенантингизга айтиб қўйинг, мен кутқазиб қолдим уни! Критический моментда қўлига тўппонча тутқаздим, ҳа!..

ЛЕЙТЕНАНТ. (Аюбнинг боши устида) Баракалла!

АЮБ. (бошини кўтариб, саросимага тушиб) Аа?..

ЛЕЙТЕНАНТ. Баракалла, деяпман!.. Қутқариб қолганинг-ку муболаға, аммо ёрдамлашганинг рост!.. (Унинг қўлидаги гўшакка ишора қилиб) Қўй жойига! (илиқ бир назар билан Аюбга бошдан-оёқ разм солиб) Молодец!.. (Бошқаларга ўгирилиб) Йигитлар, гап бундоқ. Муҳим бир жинойтчини қўлга туширишда ёрдамларинг тегди. Бунинг учун раҳмат!.. Аммо мен сизларни қўйиб юборолмайман!.. Бир-икки кун шу ерда туришингизга тўғри келади. Ҳалиги ишда гувоҳликка ўтишларинг зарур!.. Бирпас туриб овқат келтиришади. Шу ерда тунайсизлар. Шкафда одеял, кўрпа-ёстиқ... Зерикманглар!.. Газета-журнал истаганча топилади...

Чиқади. Аюб дарҳол дераза ойнасига ёпишади. Нариги хонада лейтенант Зубайда билан гаплашмоқда.

Аюб кўзларини юмиб-очади. Лейтенант ўрнида милиция формасида ўзини кўради. Илжаяди...

ИСКАНДАР. Мана, дарвешлар, янгича ҳаёт ҳам бошланди... Газета-журнал истаганча топилади!.. Сен, айиқ, нега ҳадеб илжаясан?.. Сиз, шоирим, намунча шалвираб турибсиз?.. Сен-чи, сен, чилангар, нега аммамнинг сигиридай кўзинг очиғу, хуррак отасан? Бу ердан чиқишни ўйлайсанларми ўзи?! Ахир, қайиқ нима бўлди? Сафар нима бўлди? Каттақўрғон нима бўлди? «Чор дарвеш» нима бўлди?

ШОДМОН. Чор дарвеш ҳибсда!..

ИСКАНДАР. Ўйласак, бир чора топармиз ахир!..

ШОДМОН. Чора топилади!.. (Шкафдан одеял, ёстиқ олиб, полга тўшаётган Фолибни кўрсатиб) Мана чора!..

ИСКАНДАР. Чора – полга ағанашми?!

ШОДМОН. Сен диванда ёта қол!

Искандар гап уқтиролмаганидан аламли «ҳаҳ» деб, нари кетади. Аюб ойнадан мўралаш билан машғул. Фолиб тўшакка узала тушиб ётади. Аммо шу заҳоти бошини ёстиқдан узиб, бир зум гарангсиб туради-да, яна ёстиққа ташлайди. Лекин хиёл ўтмай, тағин бошини кўтаради, инқиллайди.

ШОДМОН. Қорнинг оғрияптими?

ИСКАНДАР. Роса жойини топдинг лекин!..

Фолиб гапирмайди. Полни ниқтаб кўрсатади.

ШОДМОН. Нима гап?

ИСКАНДАР. Гапирсанг-чи!

Улар шошилиш бориб Фолибнинг ёнига мук тушишади. Полга қулоқ босишади. Кўзларини чақчайтириб, бир-бирига қарашади.

ШОДМОН. Ариқ!..

ФОЛИБ. Ҳозир!..

Сакраб туриб, уй бурчагидаги темир печка ёнига келади, темир косов олади. Учовлашиб полни

қўпоришга тушадилар. Шу пайт эшик очилиб, биров орқаси билан кира бошлайди. Пол қўпоровчилар жон ҳолатда полга ташланиб, ўзларини ўйинқароқлик билан талашаётганга соладилар... Семиз ошпаз хотин. Қўлида кастрюл, фартуги чўнтагида бир даста қошиқ.

ОШПАЗ ХОТИН. Бай-бай-бай!.. Кап-катта йигитлар-а!.. Полга ағанашмасдан, манавини иссиғида ичиб олинглар...

Столга кастрюл ва қошиқларни қўйиб, калишини шалоплатганча чиқиб кетади. Учовлон яна ишга тушишади. Пол тахталарни қўпориб, одам сиққудек ўра очишади. Биринчи бўлиб пастга Искандар шўнғийди, кейин Ғолиб, кейин Шодмон... Кўп ўтмай, ўрадан Шодмоннинг боши кўринади.

ШОДМОН. Ҳой, галварс?..

АЮБ. (Ойнадан кўзини узмай) Нима?

ШОДМОН. Овқатни узат. Керак бўлади...

Аюб Шодмонга ўгирилиб, бирпас анграйиб қараб туради. Сўнг кастрюлни олиб узатади.

ШОДМОН. Қошиқларниям!..

Аюб қошиқларни узатиб, изига қайтади.

ШОДМОН. Ҳов, қаёққа?

АЮБ. Хайрлашаман.

ШОДМОН. Жиннилик қилма!

Аюб деразага келиб, ойнакни тикирлатади. Зубайда қоғоздан бошини кўтаради... Шодмон қўлидаги кастрюл ва қошиқларни чангаллаб, бош чайқаб, унсиз фиғон чекади... Аюб қўл силкиб, қиз билан хайрлашади. Зубайда ҳам кулимсираб қўл силкийди: у Аюбга хайрли кеч тилайди. Аюб кутилмаганда қўлини лабига тегизиб ғойибона бўса олади. Зубайда аразлаб, қошларини чимиради... Аюб Шодмоннинг ортидан ўнгирга шўнғийди.

* * *

Оперпункт биноси тагидан ўтган ариқ ҳув, узоқда қорайиб турган дарахтзорга томон тикка нишаб бўлиб оқади. «Дарвешлар» туфлиларини елкаларига ташлаб, почаларини шимариб, ялангоёқ ҳолда турнақатор сув кечиб боришади. Олдинда Искандар ва Ғолиб. Орқада Шодмон ва Аюб... Аюб дам-бадам қайрилиб, оперпункт деразасидан милтираб кўринган чироққа қарайди.

ШОДМОН. Нега қаққайиб қолдинг... Юрсанг-чи!..

АЮБ. Мунча ошиқмасанг!..

ШОДМОН. Жигардан урдими дейман... Қайтақол бўлмаса!

АЮБ. Ё қайтсаммикан-а?

ШОДМОН. Юр, тентак!..

Ариқ билан юриб, қоронғилик кўйнида ғойиб бўладилар.

* * *

Экран ёришади. Яна дарё. Тўлқинлар ярқираб кўринади. Шўх-шодон мусиқа янграб, таниш кўшиқ билан қайиқ яқинлашиб кела бошлайди. Аюб чилдирма чалади, Ғолиб тор чертади, Шодмон ғижжак тортади. Искандар – сурнайчи... Ора-сира машқни тўхтатиб, дам у қирғоқ, дам бу қирғоққа қараб муқом қилади. Қирғоқларда болалар югуриб чуввос солади. Хотин-халаж тўхтаб, ажабсиниш ҳам жилмайиш билан кузатиб қолади. Бир бола «дарвешлар»га олма отади. Искандар чаққонлик билан илиб, уни бир нималар деб кулиб, кўл силкиб турган қизларга «жўнатади». Қайиқ чайқалиб сузади. Кўшиқ авжга чиқади. Атрофда овозлар: «Чор дарвеш!.. Чор дарвеш!..»

Соҳилда икки отлиқ пайдо бўлади: бири эркак, бири бола. Улар дарё ёқалаб от кўйишади. Олдиндагиси бир нималар деб қичқиради, олға ўзиб, қайиқнинг йўлини

тўсмоқчи бўлади. Аюб такатумни тўхтатади. Бошқа созлар ҳам бири-биридан узилиб тинадилар.

ИСКАНДАР. (ташвишланиб) Ҳойнаҳой, таъқиб бўлса керак!

АЮБ. Ҳозир от миниб таъқиб этишмайди!

ИСКАНДАР. Нима, сени самолёт билан таъқиб этишсинми?..

АЮБ. Болани эргаштириб олгани-чи?

ФОЛИБ. Амаким бўлса керак...

АЮБ. Амакинг бу ёқларда лайлак ҳайдайдами?

ФОЛИБ. Шу ёқларда амакинг яшайди, деб ойим айтган.

ИСКАНДАР. Анавиниси жиянчангдир!.. Мирза Голиб амакижон деб бўйнингга осилса-я!..

ШОДМОН. Яқинроқ ҳайда-чи!

Отлиқ уларни пастак қирғоқда кутиб турибди. Шопмўйлов, кўзлари чақчайган, барзанги бир киши. Оёғини узангига, қамчисини эгар қошига тираб, қаҳр билан қараб турибди. Орқароқда янги дўппи кийиб, ёқаси каштали кўйлак устидан белбоғ боғлаб олган тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги бола кичкина тўриқ отнинг жиловини тортиб турибди. Қайиқ келиб, кирғоққа тақалади.

«ДАРВЕШЛАР». Ассаломмалейкум!..

Отлиқ бош қимирлатиб, алик олган бўлади. Бироқ важоҳатини бузмай, яна бир неча муддат қайиқдагиларни кўздан кечиради. Уларнинг ғалати кийим-бошларига ҳайрон қолади.

ОТЛИҚ. Нима, сенлар дарёи Зарафшонда таралла-бедод қилиб юрасанлару, биров бу ёқда куйиб қолаверадими?! (Орқасига ишора қилиб) Манави боласи бўлади!.. Хайрият, кўриб қопти!.. Шундоқ кунда болани раъйини қайтариш – гуноҳи азим-ку ахир!

ИСКАНДАР. (жиғибийрон бўлиб) Амакижон, бизнинг айбимиз нима? Шу ишни ўша оғайнингизнинг ўзи бошлаган бўлса...

ОТЛИҚ. Ўзи бошлайди-да! Нима, у дунёдан тирилиб келиб бувиси бошлармиди? Лекин сизларсиз иш чиқариб бўпти!

АЮБ. (отлиқнинг гапини бошқача тушуниб, тўнғиллаб) Қуллуқ! Бизга шу ёғи ҳам етарли!.. Кечгача Самарқандга етиб олишимиз керак...

ОТЛИҚ. Шунақами?! Самарқандга шошиляпсизми?.. У ёқда кўпроқ тўлашадими?.. Ёки микрофони бошқачароқми?! Ҳамманг Самарқандга ўтиб кетаверсаларинг, бизларга қолгани ғурбат экан-да?! Ёки бизнинг Тандирхонани назарларинг илмаяптими?!

«Дарвешлар» бу гапларнинг тагига етолмай ҳайрон.

ОТЛИҚ. Тирранчалар!.. Бир кечага чидамадиларингми, бас, ўн беш суткани бўйинларингга илмасам (Орқасидаги болага) Абдуманноп! Тоғанга югур! Унашмаяпти, де! Милтиқларни олиб, кечувга чиқсин! Яхши гапга кўнишмадими, отиб оламиз!..

Бола қишлоққа қараб от чоптириб кетади.

ШОДМОН. Ҳой, амаки! Нима қиляпсиз ўзи?! Милтиқларнинг нима кераги бор!.. Нима гап, тушунтирсангиз-чи бундоқ?

ОТЛИҚ. (отни нари-бери айлантириб) Мен тушунтириб қўяман сенга!.. Тушунтириб қўяман!.. (Яна таҳдидга ўтиб) Афтларингдан аллақандай алвастига ўхшайсанлар!.. Бирор жойни ўмариб келаётган бўлмаларинг тагин!..

Шодмоннинг кўзи қайиқ четидаги кастрюлкага тушади.

ОТЛИҚ. Охирги марта сўрайман: тушасанларми, йўқми?!

АЮБ. Эй, кўп ҳам дағдаға қилаверманг!..

ИСКАНДАР. Ҳайдасанг-чи! Отса, отавермайдими!..

Қайиқ сузиб кетади. Отлиқ қамчисини ўйнатиб, қичқириб қолади... «Дарвешлар» аччиқ устида яна ашулаҳонликка тушадилар. Манзара бир-икки бор

Ўзгаради. Аммо кўп ўтмай, мусиқа ва кўшиқ яна тақа-тақ тўхтади... Камера дам ўнг қирғоқ, дам чап қирғоқни ёритади. Ҳар икки қирғоқда милтиқ ўқталиб турган биттадан отлиқ... «Дарвешлар» саросима ичида бир-бирларига қарашади. Ўз ҳолига кўйиб кўйилган қайиқни сув чап қирғоққа қараб суриб кета бошлайди... Чап қирғоқдаги отлиқ милтиғи билан ўнг қирғоққа юринглар, деб ишора қилади. Аюб қайиқни беихтиёр ўша ёққа буради... Ўнг қирғоқ. Таниш шоп мўйлов от устида милтиқ ўқталиб, хўмрайиб турибди. Кутилмаганда у мулойим оҳангга ўтади.

ОТЛИҚ. Ҳа, баракалла!.. Ҳа, баракалла!.. Гап бундоқ бўпти!..

АЮБ. (бўғилиб) Ҳаққингиз йўқ!

ИСКАНДАР. (жиғибийрон бўлиб) Ҳа, ҳаққингиз йўқ!..

ОТЛИҚ. (уларнинг гап оҳангига эътибор қилмай) Бир кеча минг кеча эмас... Ўтади-кетади!..

АЮБ. Кимсиз ўзи?! Нима ҳаққингиз бор?

ИСКАНДАР. Ҳа, нима ҳаққингиз бор?!

ОТЛИҚ (ҳамон пинагини бузмай) Ҳа, созу гудозларинг эсдан чиқмасин тағин... Керак бўлади!..

* * *

Хуфтон. Қишлоқ йўлидан турнақатор бўлиб кетишяпти. Олдинда ва орқада милтиқларини елкаларига тақиб олган икки суворий. Ўртада чолғу-соз кўтарган «дарвешлар»... Улар чорасиз, мубҳам бир аҳволда.

Уларни катта-кичик дарвоза, равонлардан олиб ўтиб, боғ ҳовлига бошлаб киришади. Хирилдоқ мусиқа. Ясатилган столлар. Узук-юлуқ чапаквозлик.

ТЎРДАН ОВОЗ. Ҳай, ўчир!.. Ана, санъаткорлар ҳам келиб қолишди... Бошлайверсак ҳам бўлар энди!..

Бурчакда радиоланинг овози ўчади. «Дарвешлар» аланг-жаланг боқиб, «санъаткорлар»ни излашади. Гап-

нинг нимадалигини пайқаб, эркин нафас олишади. Улар ўтириши билан жиккак бир чол тавозе билан пиёла тутлади.

ЖИККАК ЧОЛ. (пиёлани чертиб, бидирлаб) Таомил-да, таомил!.. Аммо бошқа ичмайсизлар... Ёшсизлар, сизларга увол...

АЮБ. Мен ичмайман.

ИСКАНДАР. Мен ҳам.

ШОДМОН. Менга ҳам бўлмайди. Тутқаноғим тутлади...

Мажлис раиси микрофонга йўталиб, тўй маросимини оча бошлайди: «Азизлар! Оғайнилар! Қавму қариндошлар! Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар! Биродаримиз Абдунаввобхоннинг ўфилчалари... Э... э... отлари нимаийди... Абдуманнопжоннинг хатна тўйлари... Э...э... именинаси муносабати билан ўтказиладиган шу хурсандчилик кечамизга ташриф буюришингиз билан...»

ЖИККАК ЧОЛ. (ҳамон бидирлаб) Таомилдан қочиб қутулиб бўлармиди!.. Мана, Абдунаввоб таомил деб магазиндан битта-битталаб ташиганини ўртага уйиб, халққа едириб ўтирибди... Отасига раҳмат! Қандини урсин!.. Бўлмаса, ўғри ҳам шу, муттаҳам ҳам шу!

ЧЕТДАН ОВОЗ. Қори ака, нималар деб минфир-лаяпсиз?..

ЖИККАК ЧОЛ. Нима дердим?.. Қиттак-қиттак ичишсин, деяпман-да! (шивирлаб) Ҳамтовоқларидан... Менга қўшни... Ашаддий испикулон. У ёғи Масков, бу ёғи Валвасток – изғигани-изғиган!..

РАИСНИНГ ОВОЗИ. Оилада!.. Жамоат ўртасида!.. Меҳнат frontiда!.. Хуллас, кони ибрат!..

ЖИККАК ЧОЛ. (унга басма-бас тушиб) Ўқитувчиликдан қочган!.. Онасига нонини ўлчаб беради! Қилган иши куфр!..

ЧЕТДАН ОВОЗ. Қори ака, нималар деб жавра-япсиз тагин?

ЖИККАК ЧОЛ. Нима ҳам дердим!.. Отамлашиб ўтирибман-да! Шинаванда йигитлар экан!.. (Лабини буриб, кўзларини ола-кула этиб, «Кўраяпсизларми!» дегандай ишора қилади)

Қисир-бўғоз чапаквозлик ва унга туташиб тушган раиснинг тантанавор хитоби: «Навбат – санъаткорларга!..»

ИСКАНДАР. Навбат – санъаткорларга?..

ЖИККАК ЧОЛ. Шундоқ, болам, навбат – санъаткорларга...

Экранда таниш шопмўйлов. У «Бошланглар» дегандай имо қилади. «Дарвешлар» беихтиёр кўзғалишади. Кимдир микрофон келтириб кўяди.

АЮБ. (бўғилиб) Чилдирмани тополмаяпман!

ИСКАНДАР. Сурнай қаёқда қолди?

ШОДМОН. Камон йўқ, камон!..

Бу сўзларнинг ҳаммаси микрофонга кетади. Даврада кулги кўтарилади.

ЖИККАК ЧОЛ. Таомил шу-да, болам, таомил!

ИСКАНДАР. (бўғилиб) Қанақа таомил?

ЖИККАК ЧОЛ. Бизнинг қишлоққа келган отарчи қон қақшаб кетади.

ШОДМОН. Нега қон қақшайди?..

ЖИККАК ЧОЛ. Ноғора-сурнайини ўмариб кетишгандан кейин қон қақшайди-да!..

Даврада кулги, қаҳқаҳа.

ШОП МЎЙЛОВ. (Том лабида тизилишиб ўтирган болаларга қичқириб) Ҳой, зумрашалар, ҳозироқ қайтариб беринглар!

ЧЕТДАН ОВОЗ. Чилдирма топилгунча лаганни чертиб туришсин!

Кимдир мис лаган келтириб тутаяди. Аюб уни олиб, четга ирғитиб ташлайди. Лаган тош супага даранглаб тушади. Даврада қийқириқ, кулги... Ниҳоят, йўқолган созлар топилади. «Дарвешлар» ҳафсаласизлик билан чала бошлайдилар.

ДАВРАДАН ШИРАКАЙФ ОВОЗ. Қичиқ-қичигидан
бўлсин!.. Қичиқ-қичигидан!..

Аюб афтини бужмайтиради. Голиб илжаяди. Искан-
дар бир нима деб ғудурлайди. Шодмон унга кўзини
қисади... Муסיқа секин-секин изга тушиб, Хоразм
халқ ҳаволарига хос ўйноқи тус олади. Қўшиқни
Аюб бошлайди.

АЮБ.

Бир оғам бор анов ўрик остида,
Кўзи доим йўлнинг пана-пастиди.
Умри ўтиб жиғилдони қасдида,
Ўзни подшо санар, гумон айламас!

ШЕРИКЛАРИ. (баравар)

Отоди, ётоди,
Виждонини ярим пулга сотоди,
Номус билан маломатга ботоди,
Оғажоним, юрган йўлинг хатоди,
Оғажоним, бу йўлларинг хатоди!..
(Даврада жонланиш, сергаклик)

ИСКАНДАР. Бир оғам бор анов толнинг тагида,
Ҳар кун бозор борар миниб ҳангига,
Пулларини ўраб шолғом баргига,
Ўзни доно санар, гумон айламас!..

ШЕРИКЛАРИ. (баравар)

Отоди, ётоди,
Обрўйини ярим пулга сотоди,
Номус билан маломатга ботоди,
Оғажоним, юрган йўлинг хатоди,
Оғажоним, бу йўлларинг хатоди!..

(Даврада кулги, шивир-шивир...)

ҒОЛИБ.

Бир оғам бор анов анжир ёнида,
 Кўпларнинг ҳақи бор еган нонида.
 Балойи-нафс тўлқин уриб қонида,
 Ўзни ҳотам санар, гумон айламас!..

ШЕРИКЛАРИ. (баравар)

Отоди, ётоди,
 Виждонини ярим пулга сотоди,
 Номус билан маломатга ботоди,
 Оғажоним, юрган йўлинг хатоди,
 Оғажоним, бў йўлларинг хатоди!..
Даврада тўлқинланиш. «Раҳмат», «Баракалла», «Кам бўлманглар!» деган хитоблар.

ШОДМОН.

Бир оғам бор анов беҳи қошида,
 Маза йўқ, матра йўқ ичган ошида,
 Ҳар куни маст бўлиб элик ёшида,
 Ўзни одам санар, гумон айламас!..

ШЕРИКЛАРИ. (баравар)

Отоди, ётоди,
 Обрўйини яримтага сотоди,
 Номус билан маломатга ботоди,
 Оғажоним, бу ишларинг хатоди,
 Оғажоним, бу йўлларинг хатоди!..

Кўшиқ тугар-тугамас биров чайқалиб ўрнидан туради, «Кимга шама қиляпсан, зумрашалар!» деб бақиради. Бир ликопчани олиб, ош-поши билан ашулачиларга улоқтиради... Қий-чув... Тўполон... Гумбурлаб стол ағдарилади. Идиш-товоқ, шиша ва қадаҳлар супа бўйлаб сочилиб, жаранглаб синади... Кимдир ирғитган бутилка беҳи шохига илинган чироққа қарсиллаб те-

гади... Биров микрофонда: «Ҳой, тартиб сақлансин!.. Олиб чиқинглар анавини» деб бақиради. «Ҳофизларни уришаяпти!», «Тўйимизни буздинг, лаънати!» деган ҳайқириқлар... Жиккак чол бир томонда қорнини чангаллаб ирғишлайди, бўлаётган тўс-тўполонга ичаги узилгудек қотиб-қотиб кулади... Кутилмаганда ҳуштак чуриллайди. Шовқин-сурон босилади. Давранинг бир четида «Дарвешлар» олазарак бўлиб туришибди.

ИСКАНДАР. (ваҳима билан) Ўша!...

А Ю Б. Ким?!

ИСКАНДАР. Анави!..

Ҳовлига таниш милиция лейтенанти бир неча дружиначилар билан кириб кела бошлайди.

ШОДМОН. (алам билан) Қўлга тушдик!

ФОЛИБ. Қочамиз!..

Улар ўзларини ён томондаги уйнинг очиқ деразасига уришади. Ичкарида кимдир вой-войлайди... Қочаётганлар кўз очиб юмгунча уйдан боққа, боғдан кўчага чиқиб олишади. Экинзор дала. Кимлардир орқадан қувади. Кечки ғира-ширада қочаётганлар ва қуваётганларнинг шарпалари... Қия жарлик. «Дарвешлар» тийғаниб-думалаб пастга тушишади. Кутилмаганда жар тепасида чилдирма гумбурлайди. «Дарвешлар» таққа туриб қолишади...

ТЕПАДАН ОВОЗ. Ҳой, нега қочасизлар?

А Ю Б. Нега қувасиз?!

ОВОЗ. Қочганни қувадилар-да!

А Ю Б. Ташла чилдирмани!

ОВОЗ. Ўзинг чиқиб олақол...

Аюб шаҳд билан изига қайтиб, тиришиб-тирмашиб тепага чиқа бошлайди, уч-тўрт қадам қолганда тўхтади.

АЮБ. Қани, ташла!

Чилдирмани ғилдиратиб юборишади. Аюб илиб олади ва қайрилиб кетмоқчи бўлади.

ОВОЗ. Ҳой, тўхта-чи...

Аюб тўхтади. Жар ёқасидагилар энди кушод кўринишади: лейтенант ва дружиначилар.

ЛЕЙТЕНАНТ. Яна уч-тўрт кунга қололмайсанларми? Ҳалиги иш учун.

АЮБ. (пастга қичқириб) Яна уч-тўрт кунга дейишаяпти!.. Пастдагилар миқ этмайди, Аюб «бўлмайди» маъносида бош чайқайди.

ЛЕЙТЕНАНТ. Хўш, ўқишга нима дейсан?

АЮБ. Қанақа ўқиш?

ЛЕЙТЕНАНТ. Милиция мактабига.

А Ю Б. (пастдагиларга қичқириб) Милиция мактабига ўқишга, дейишаяпти!..

ЛЕЙТЕНАНТ. Уларгамас, хумкалла, сенга айтаяпман!

АЮБ. Менга?

ЛЕЙТЕНАНТ. Ҳа, сенга айтаяпман! Қани, чиқ бу ёққа, гаплашамиз.

Аюб истар-истамас чиқа бошлайди.

ЛЕЙТЕНАНТ. Чилдирмани жўнат.

Аюб чилдирмани ғилдиратиб юборади. Чилдирма диконглаб-диконглаб «дарвешлар»нинг нақ оёғи остига бориб, йиқилиб тушади. «Дарвешлар» дам чилдирмага, дам тепага ҳайрон бўлиб тикилишади.

Қуёш шарқ уфқида найза бўйи кўтарилади. «Дарвешлар» Зарафшонда балиқ овлашаяпти. Улар энди учовлон: Шодмон, Искандар, Ғолиб... Йирик зоғора балиқ қармоқ чўпини қайириб, сувни қаттиқ чайқатади. «Дарвешлар» устига дув-дув сув сачрайди. «Торт-торт»да қайиқ тўнқарилиб кетишига сал қолади... Яна балиқ! У кастрюлга тушиб ҳам тинчимайди, «тўполон» қилади...

«Дарвешлар» қирғоққа тушиб, ўт ёқишади, кастрюль осишади. Бир маҳал қайиқ занжири боғланган бута шарт узилиб, тўлқин қайиқни суриб кетади. Югур-югур, чоп-чоп!..

Кастрюлдан оппоқ буғ кўтарилади. Таом тай-ёр. Емоққа ўтирадилар. Шодмон беихтиёр нариги қирғоққа қарайди. Ўша ёқдан бир нима ялтираб кўринади. Шуъла Шодмоннинг худди кўзига тушади. У кўзларини беихтиёр юмиб олади. Очаркан, яна кўзини шуъла қамаштиради. Шунда у кафтини соябон қилиб тикилади: Кўза!.. Бир қиз эгилиб дарёдан сув олаяпти... Шодмон шерикларини туртади: «Кўрдинг? Аҳ-ҳа!..» Баравар тикилишади.

* * *

Нариги қирғоқ. Искандар қайиқ тўхташини ҳам кутмай, ўзини ерга отади. Зиналардан шошилинч баланда кўтарилади. Мана, солланган олма бутоғи ҳалиги гўзалнинг ҳозиргина шу ердан ўтганига ишорат қилган каби, ҳамон чайқалиб турибди. Яшил барглар ҳовучида жоноқи олмалар... Искандар биттасини узиб ҳидлайди. Етиб келган шериклари ҳам бутоққа қўл чўзишади... Олма чайнаб, ичкарига мўралайдилар. Уларнинг кўзлари олдида шинамгина боғ-ҳовли манзараси очилади: олдинда атрофи гулзор билан ўралган ёзги шийпон, нарироқда чоққина супа саҳнли уй-айвон, бир томонда ошхона, иккинчи ёқда бостирма. Уларнинг ён-вери ва орқаси кета-кетгунча олмазор, ишком...

Ҳалиги қизнинг ошхона деворига қўйилган бир неча катта-кичик хумлардан бирига сувни ағдариб, айвонга қараб юргани кўриниб қолади. Хумларнинг ёнбошида ола-чалпоқ офтобда ярқираган мис кўзалар...

ШОДМОН. (кўзаларга ишора қилиб) Қарашамизми?
ШЕРИКЛАРИ. Қарашамиз!

Улар қўлларига биттадан кўза олиб, дарёдан сув ташишга тушадилар. Экранда дам дарёга ботирилиб, дам хумларга бўшатилаётган кўзалар... Дарёда тўлқинларнинг шалоплаши, сув қуйганда хум қорнидан чиққан фўлдираган садолар...

Тўсатдан бошдан-оёқ оппоқ кийинган, соч-соқоли ҳам қордек бир қария пайдо бўлади.

ҚАРИЯ. (кўзлари яшнаб) Ҳай-ҳай-ҳай-ҳай. Ҳасанот!.. Ҳасанот!..

Кўза бирла эшигинга сув ташиб кечди умр, Соқие, раҳм айлаю, бир бора тутқил жом манго!..
Кутилмаган бу учрашув «дарвешлар»ни жиндак довдиратади. Искандар қоқилиб, кўлидан кўзасини тушириб юборади.

ҚАРИЯ. (давом этиб)

Ногаҳон тушса кўлимдан кўза, дашном этмаким, Ошиғи девонадирман, етмагай дашном манго!..

«ДАРВЕШЛАР» (ноқулай аҳволдан ўзларини аранг ўнглаб, ошиқиб-тошиқиб) Ассаломмалайкум, отахон!..

ҚАРИЯ. Ваалайкум ассалом!.. Ёш келса, ишга, деганлари оре рост! Баракалла!.. Баракалла!.. Қани, энди бўлди қилинлар. Қани энди бу ёққа!..

ШОДМОН. Раҳмат, отахон!.. Биз шунчаки, боғингизни бир томоша қилайлик, деб...

ҚАРИЯ. Боғ ташқаридан томоша қилинмайди. Боғ томошаси учун ичкарига кириш шарт!.. (Йигитларнинг тайсаллаганини кўриб, қистовни кучайтиради) Остонадан қайтиш йўқ!

Яхши меҳмон остонадан қайтмайди!... Қани, марҳабо!

Қария шийпонга бошлайди. Ўзи тўрга чиқади. Йигитлар ўтиргач, дуо қилиб, юзига фотиҳа тортади. Кулимсираган, тийрак назар билан меҳмонларни бир-бир кўздан кечиради.

ҚАРИЯ. Хуш, кўрдик!... Гап бундоқ бўпти! Ҳа, балли! Бир кўрган таниш, икки кўрган қариндош. Танишамиз, қариндош бўламиз! А, лаббай?.. Бу остонадан ҳеч ким қуруқдан-қуруқ қайтмаган... Малика бону!..

МАЛИКА. (ҳалиги қиз айвонда кўриниб) Лаббай, бобожон!

ҚАРИЯ. Меҳмонларга шинни чиқар, қизим! («Дарвешлар»га ўтирилиб) Бултурги шинни!.. (Хумларга ишора қилиб) Бу йилгисини энди соламиз... Уша Пирмастнинг машхур шиннисини ҳам бунинг қошида «Мен мураббومان» дейди.

Малика патнисда нон ва бир коса шинни келтириб ўртага қўяди.

ҚАРИЯ. Қани, олинглар... Ҳа, баракалла!.. Шинни дилга дармон, белга қувват, кўзга нур!.. Шиннини болалар, қизлар, қариялар хуш кўришади. Нега дейсизми? Бола, ширин бола бўлай, қиз, ширин қиз бўлай деб, қария, ширин қария бўлай деб, шинни ейди-да! Лаббай? Аммо йигитлар ҳам гоҳ-гоҳ шинни еб туришса, зиён қилмайди. Лекин кўпи зарар... Негаки, йигитликнинг ўзи шира! Унга шарбат чикора? (Шеър ўқийди):

Ёшликда эдим ошино йигитларга,

Қариганда этай жонни фидо йигитларга!..

Ҳа, баракалла, баракалла!.. Олинглар, олинглар!..

Йигитлар шиннидан тотиниб ўтиришади. Искандар юраги ичига сиғмаётгандай, гоҳ-гоҳ қимирлаб қўяди. Чол нафасини ростлайди, сўнг яна аввалгича, тирсақлари билан тиззалари устига мук тушиб, сўзида давом этади.

ҚАРИЯ. Қаёқлардан сўрайлик, қаёқларга юрайлик?.. Еган-ичганларинг ўзларингники, кўрган-билганларингдан гапиринглар...

ШОДМОН. (кулимсираб) Отахон, Зарафшонда сайр қилиб юрибмиз. Дарёнинг нариги бошигача бориш ниятимиз бор.

ҚАРИЯ. Баракалла! Шайх Саъдий ҳам бу ёғи Арабу Ажам, бу ёғи Ироқу Афғон, бу ёғи Ҳинду Туркистон яёв кезиб, сафар қилар эканлар. Ҳар манзилга бир қўниб, сабоқ олар, ҳар гўшада бир тўхтаб, ҳунар ўрганар эканлар... Дарвоқе, бирор

хунарларинг борми? (Меҳмонлар бир нима дейишга ҳайрон) Босқон босишни биласизларми? (Йигитлар бош чайқашади) Отга тақа қоқишни-чи? (Яна бош чайқаш) Гишт териш, деворга нақш чекиш қўлларингдан келар? (Искандарга қарашади, у хўрсиниб, бош чайқайди) Ия, мен нима деяпман ўзи!.. Сенлар қаёқдаю, босқон босиш, тақа қоқиш қаёқда!.. Қани, янги хунарларингдан сўрай-чи: машина ҳайдашни билсаларинг керак? (Ғолибга қарашади, у хўрсиниб калласини чайқайди. Қария ҳафсаласи пир бўлган каби кўзларини юмади) Баракалла!.. Баракалла!..

ШОДМОН. (бирдан эсига тушиб) Мусиқа чаламиз.

ҚАРИЯ. (кўзларини очиб) Мусиқа?.. Яъни, соз чалиш-да?

ШОДМОН. Ҳа, соз чалишни.

ҚАРИЯ. (бошини кўтариб) Чунончи, қай бирини?

ШОДМОН. Фижжак.

ҚАРИЯ. (тебраниб) Бай-бай-бай!..

ҒОЛИБ. Рубоб.

ҚАРИЯ. (тебраниб) Бай-бай-бай-бай!..

ИСКАНДАР. Чилдирма.

ҚАРИЯ. (тамом руҳланиб) Бай-бай-бай-бай-бай!.. Бай-бай-бай-бай-бай!.. Мана бу бошқа гап!.. Лекин ишонмайман!.. Кўрмагунча ишонмайман!..

Искандар туриб, қайиқ томон югуриб кетади. Шу пайт чолнинг кўзлари Ғолибнинг чўнтагида дўппайиб турган олмаларга тушади. У мийиғида кулимсираб, айвон томонга қараб чақиради.

ҚАРИЯ. Малика бону!..

МАЛИКА. (айвонда кўриниб) Лаббай, бобожон?..

ҚАРИЯ. Акаларингга олма келтир!

Кўп ўтмай, қирғоқ томондан чилдирма, фижжак, рубоб қўлтиқлаб Искандар, айвон тарафдан бир лаган олма кўтариб Малика кўринади. Кўзлар тўқнашади...

ҚАРИЯ. (чехраси яшнаб) Ёпирай, чинга ўхшаб қолди-ку!.. Ё кудратингдан, чинга ўхшаб қолди-ку!.. Қани бошланглар!.. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!..

«Дарвешлар» енгил бир куйни машқ қиладилар. Қария кўзларини аста юмади... Лекин кўп ўтмай, ўрнидан кўзғалиб, қўлларини кўтареди.

ҚАРИЯ. Сабр!.. Жиндак сабр! (айвонга қараб) Бону!.. Олиб чиқ!

Малика кумуш нақшлар солиб ишланган қадимий сурнайни чиқариб бобосига тутеди.

ҚАРИЯ. (ҳассослик билан сурнайни лабларига босиб) «Дилхирож» (Ўзи бошлайди. Аммо бошқалар эргашмаганига ажабланиб тўхтайди)

ҚАРИЯ. Ҳа, нима?.. Билмайсизларми? Бўлмаса, «Насруллоий».

Яна «дарвешлар» қимир этишмайди.

ҚАРИЯ. Ия, бунга ҳам билмайсизларми?.. «Савти Насрулло»ни-я?!

ИСКАНДАР. Тўғаракда ўргатишмаган...

ҚАРИЯ. (тушунмай) Тўғарак?!

ИСКАНДАР. Мактаб тўғарагида...

ҚАРИЯ. Чакки қилишибди!.. Чакки қилишибди!.. Қани, бўлмаса, эргашинглар... Эргашинглар!..

Қария тебраниб, завқ билан чалади. «Дарвешлар» аста-секин эргаша бошлайдилар. Ниҳоят, созлар кўшилиб, оҳанг тўкис тус олади. Қария ўзини унутиш ҳолатида. Мана, унинг кўзларидан боғ, шийпон ва ўзи билан юзма-юз ўлтириб, соз чалаётган йигитчалар қаёққадир ғойиб бўладилар... Энди унинг назарига бепоён далалар, осмон билан ўпишган тоғлар, тошқин дарёлар, муаззам қадимий шаҳарлар, юракка яқин ҳар турли хотиротлар жилваланиб кўринади. Қулоқларига бирваракай ўнлаб мақомчи ҳофизлар ижро этган «Насруллоий»нинг улуғвор оқими баралла урила бошлайди... Мақом ниҳоясига етаркан, у яна бир неча

дақиқа кўзларини юмиб, қимир этмай туради, сеҳрли куйнинг оташин нашъасини суради. Юзларидан ҳаловат ёшлари оқиб тушади... Сўнг кўзларини очиб, шодиёна табассум қилади. Урнидан тура келиб, қалтироқ кўллари билан йигитларнинг бошларини, юзларини, кўзларини силайди.

ҚАРИЯ. Баракалла, болаларим, баракалла!.. Шу дақиқа роса қирқ йилга яшардим!.. Ҳамро меҳтар деганда катта-кичик оёққа турарди!.. Эҳ-ҳе... Мен, Домла Ҳалим, Мулла Тўйчидек орифлар даврасида соз чалганман!.. (Бир нарса эсига тушгандай, ҳовлиқиб) Ҳо, Малика! Яктакни чиқар!.. Ҳай, тўхта! Жиға эсингдан чиқмасин!..

Малика чолнинг айтганларини чиқаради. Қария оқ яктак кийиб, оқ дастор ўрайди... Бошига меҳтарлик жиғасини кўндиради.

МЕҲТАР. (йигитларга) Қани, кетдик!.. Узоқ эмас, яқин! Шу қишлоқнинг нариги чеккаси... Меҳтарликнинг ҳам мазасини бир татиб кўринглар.

Чол сурнайини ички белбоғига қистириб, илдам қадамлар билан олдинга тушади. Шодмон, Искандар, Голиб чолғу кўтариб, унга эргашадилар...

* * *

Жимжит қишлоқ кўчаси. Йўл-гузар кимсасиз. Тўсатдан сурнай навоси янграб, унга бошқа созлар жўр бўлади. Ҳамро меҳтар ёш шогирдлари даврасида сурнай чалиб боради... Чол сурнайни қадимий усулга кўра, боши, елкаларини кескин чайқаб, кескин силтаниб чалади... Кимсасиз кўринган кўча хотин-халаж, бола-бақра билан тўлиб, байрам тусини олади. Сурнайчилар шинавандаларни эргаштириб, кўк бўёқ билан сирланган дарвоза томон юрадилар. Нуроний бир онахон уларни таъзим-тавозе билан қаршилаб, ичкарига бошлайди. Сурнай садоси ҳовли саҳнида тағин авжга

чиқади. У оламга эндигина келган инсонга саломлар йўллаб, унинг қадамини муборақбод этади!.. Энага кампир чақалоқни чиқариб, меҳтарга тутати. Чол уни қўлга оларкан, чеҳраси тамом ёришиб кетади. Кекса, қалтироқ қўллари билан гўдакнинг юзини очади. Экранда йўргакда ширингина ухлаб ётган гўдак. У меҳтарнинг оппоқ соқолли, тарам-тарам ажин босган ўйчан юзи билан алмашинади. Кексанинг нурсиз кўзларида бир дунё тафаккур ва хаёл... Яна чақалоқ чеҳраси... Яна меҳтар сиймоси... У бир нималар деб пичирлайди ва эгилиб, гўдакнинг мурғак юзларидан ўпади. Сўнг шогирдларига узатади. Шогирдлар халойиқнинг назари остида чақалоқни қўлга олиб, у билан «саломлашадилар»... Доя-кампир меҳтарнинг елкасига ипак яқтак ёпиб, шогирдларига шоҳи белбоғ боғлайди. Сурнай навоси яна авжга чиқади. Шогирдлар энди устозга эргашиб, «Дилхиरोж» чаладилар...

* * *

Ярим оқшом. Дарё шовуллайди, чирилдоқлар чириллайди. Меҳтар сўрида ёнбошлаб ётибди, баъзан чой хўплаб кўяди. «Дарвешлар» дарахтларга осилган қафасларни томоша қилиш билан банд.

- Майна.
- Бедана.
- Каклик.
- Тўти.
- Канарейка.
- Яна бедана.
- Каптар.

МЕҲТАР. (сўридан) Қумри.

ШОДМОН. Қумри?

МЕҲТАР. Кўзига қара.

«Дарвешлар» ғуж бўлиб, қумрининг кўзига тикилишади.

МЕҲТАР. Энди осмонга қаранглар.

«Дарвешлар» ажабланиб осмонга қарашади.

МЕҲТАР. Энди манавини ҳам кўринглар.

Яктаги чўнтагидан ялтироқ бир тош олиб, хонтахта устига ташлайди.

ИСКАНДАР. (қўлига олиб) Нима бу?

МЕҲТАР. Ложувард.

ШОДМОН. Ложувард?

М Е Ҳ Т А Р. Кошин.

ИСКАНДАР. Кошин?!

МЕҲТАР. Ложувард кошин... Нима, билмайсизларми ҳали? Ана холос! Уста Аълам бунни кўк гумбаздан узиб, кумрининг кўз ёши билан ювади... Қалай! Шунинг учун ҳам ложувард-да у!..

* * *

Супа тўридаги хонада чироқ ёқилади. Сочлари чиройли турмакланган қиз ўзини ойнага солмоқда. Тошойна рафида тиббиёт дарсликлари. Қиз тиббиёт институти толибаси.

ТАШҚАРИДАН. Малика бону!

МАЛИКА. Ҳозир!..

У манглайида салқиган сочларини шошилиб тузатади-да, тахмондан кўрпа-ёстиқ олиб чиқа бошлайди.

* * *

Кеча қоронғилиги қуюқлашган. Меҳтар ва «дарвешлар» сўрида тайёрланган тўшакда қатор ётишибди. Ён томондаги ишкомда нимадир шитирлайди. Меҳтар ёстиқдан бошини кўтариб, ҳассасини отади.

МЕҲТАР. Пишт, савил қолгур, пишт!

Жимжитлик. Лекин кўп ўтмай яна шитирлаш эшитилади.

Искандар сакраб туриб, мушукни қувиб кетади. Уй орқасига ўтади. Шу ерда бирпас туриб, ним

очиқ деразага секин кўз ташлайди. Оқ ҳарир парда назарида қимирлагандай бўлади... Сўнг у шарпасиз қадамлар билан сўрига қайтади. Меҳтар уйғоқлигига ишора қилмоқчидай томоқ қириб, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилади...

Субҳидам. Бедана сайрайди. Меҳтар намоз ўқиб, юзига фотиҳа тортади. Кейин ҳассаси билан сўрини дўқиллатади...

* * *

Самарқанд. Регистон майдонига келиб тўхтаган автобусдан Меҳтар ва «дарвешлар» тушишади. Улар майдонни кесиб ўтиб, чоққина бир ҳовлига киришади.

МЕҲТАР. Уста Аълам!..

Ҳовлининг уч тарафи туташ айвон. Ҳамма ёқда фивир-сивир одам, устанинг шогирдлари иш билан машғул. Улар орасидан новча, чайир, қўллари гил-мояга ботган уста Аълам чиқиб келади.

МЕҲТАР. Ассаломмалейкум - ваалейкум ассалом!.. Ҳай-ҳай-ҳай, қўлингдан эҳтиёт бўласан, яктагим оҳорли, кеча неварам ювиб берган... (Қучоқлайди) Бардаммисан, азизим, тетикмисан? Лойдан гул ундириб юрибсанми? Қара, қандай шогирдлар олиб келдим сенга! Кошин нима, билишмайди-я, вой тавба!..

Уста Аълам – камгап, камсуқум одам, Меҳтарнинг сўзларига бош қимирлатиб, жилмайиб тураберади. Меҳтар ўзи фармойиш юритади.

МЕҲТАР. Ҳой, халфабоши, бу ёққа кел-чи!..

Бошига белбоғ танғиб, белига пешгир тутган хуш мўйлов йигит тавозе билан ҳозир бўлади.

МЕҲТАР. Баракалла! Уйланиб олдингми?.. Байбайбай, сара иш бўпти-ку!.. Манави укаларинггаям ҳунарингни кўрсатиб қўй. Эҳтиёт бўл, тандирга йиқилиб тушишмасин тағин!..

Халфабоши дарвешларни бир ёққа бошлайди. Меҳтар ва уста Аълам бир чеккада курсиларга ўтиришади.

МЕҲТАР. Жиғилдонинг нечук, қайнамаяптими? Оёқ қалай, оёқ? Биласанми, оёқ боди хусусида машоъихлар нима дейишган?..

* * *

Халфабоши «дарвешлар»ни айвондан айвонга олиб ўтади. Бир жойда кошинга лой қоришаяпти. Бошқа жойда лойни тахмин – қолипларга солиб, кошин кесишаяпти. Бир тандирда «яланғоч» кошин пиширилмоқда. Бошқасида – сирланган кошин...

* * *

Меҳтар ва уста Аълам... Меҳтар яктаги чўнтагидан халтача олиб, пиёлага чой кўяди.

МЕҲТАР. Ҳадеб дўхтирларга ружу қилавермай, туркана дорилардан ҳам тановул қилиб тур. Мана, манавини капалаб юбор-чи...

Уста Аълам «туркана дори» капалайди..

* * *

«Дарвешлар» кошинпазликка шўнғиб кетишган. Искандар лой қоради... Фолиб тандирга ўт қалайди... Шодмон кошин сирлайди.. Улар гоҳ-гоҳ бир-бирларига имлашади: Искандар лойга ботган кўлларини, Фолиб узун қора косовини, Шодмон бўёқли чўткасини силкиб жилмаяди... Айвонда, ранг-баранг кошинлар жойлаб кўйилган қутилар олдида халфабоши пайдо бўлади.

ХАЛФАБОШИ. Йигитлар!..

У «дарвешлар»ни чақиради.

ХАЛФАБОШИ. (қутиларни кўрсатиб) Нариги бинога ташийлик. Ўзи кошинли бир қутини елкасига олади.

* * *

Кўча. Халфабоши ва «дарвешлар» елкаларида биттадан қути, турнақатор бўлиб кетишяпти. Кошинлар офтобда ялтирайди. Гумбазлар ва мадраса пештоқлари ҳам ярқираб, кўзни қамаштиради... Одамлар ва машиналар...

Кўчани кесиб, йўлнинг нариги бетига ўта бошлайдилар. Уларни бир гуруҳ чет эллик туристлар ўраб олишади. Бир машина сал нарида чийиллаб тўхтади. Искандар беихтиёр қайрилиб қарайди. Қарайди-ю, қутини ерга қўяди.

МАШИНАДАН ТУШГАН ҚОРА КЎЗОЙНАКЛИ КИШИ. Бу сенмидинг ҳали!.. Бери кел!.. Қаяққа йўқолдинг, десам, бу ёқларда ҳаммоллик қилиб юрган экансан-да!

Бўйнини эгиб борган Искандарнинг чаккасига шاپалоқ тортиб юборади ва машинага қараб судрайди. Машина эшиги қарсиллаб ёпилади.

ҒОЛИБ. (Шодмонга) Даласи!..

Улар беихтиёр машинага қараб югуришади. Бироқ кеч. Ўрнидан кўзғалган машина физиллаганича ён кўчага бурилиб, кўздан ғойиб бўлади. Шодмон билан Ғолиб йўл устида қаққайганча туриб қолишади...

* * *

Қирғоқ. Таниш зинапоя. Ғолиб тиззасигача сув кечиб, қайиққа миҳ қоқмоқда. Бедана қафас кўтарган Шодмон, белбоғини елкасига ташлаб олган Меҳтар, тугунча кўтарган Малика боғ тарафдан тушиб келишади.

МЕҲТАР. Ҳой, чакки қилаяпсизлар, чакки!.. Яна бир-икки кун қолсаларинг, нима қиларди!.. Борадиган жойлар бор эди...

Ғолиб билан Шодмон қайиққа ўлтиришади, Малика қўлидаги олма солинган тугунни уларга тутлади.

МЕҲТАР. (муҳим бир сирни айтаётганда товушини пасайтириб, кўзларини ола-кула қилиб) Кейин... шундоқ нағма-усулларим борки, ҳатто ўша Юнус Ражабийга ҳам айтмаганман!..

Йигитларда қизиқсиниш.

ШОДМОН. Раҳмат, отахон!.. Кетмасак бўлмайди... Ўзингиз юра қолинг биз билан, Зарафшонда гашт қилиб қайтасиз...

ФОЛИБ. Ҳа, юра қолинг.

МЕҲТАР. (уларга синчковлик билан тикилиб). Чини билан айтаяпсизларми?

ШОДМОН. Чини билан!

ФОЛИБ. Чини билан!

МЕҲТАР. Чини билан айтаётган бўлсаларинг, бораман. Эл орасида Ҳамро меҳтар доврўғини бир кўриб кўясизлар!..

У шошилинч қайиққа туша бошлайди. Малика ҳовлиқиб, турган жойидан бир-икки қадам юриб келади. Экранда қизнинг ташвишли чеҳраси, пирпираётган лаблари.

МАЛИКА. Бобожон, мен нима қиламан? Бозорга деб узиб қўйган олмаларимиз нима бўлади?..

МЕҲТАР. (бирдан ҳушёр тортиб) Ҳа-я!.. Ҳа-я!.. Эсим қурсин! Қарилик қурсин! Ёлғиз неварамни ташлаб, қайиққа бораман? (Апил-тапил қирғоққа тушиб, кўлини дуога очади) Хайр, болаларим. Паноҳида асрасин! Сафарларинг бехатар бўлсин! Ўтганда Меҳтар отани ҳам йўқланглар!..

Чол ва унинг невараси қирғоқда қолиб, тобора кичрайиб боради. Қайиқ узоқлашиб кетади.

* * *

Дарё устидан пастлаб самолёт учиб ўтади. Қайиқдагилар бир нафас унинг ортидан қараб, яна ўзларича машғул бўладилар. Шодмон мук тушиб,

китоб варақлайди. Голиб гоҳ-гоҳ эшкак эшиб, шалоқ магнитафонни тузатишга уринади. Магнитафон хириллайди, фингшийди, бироқ «уста»нинг айтганича юрмайди. Голиб ўчакишгандай, баттар ёпишади. Ниҳоят, ҳафсаласи пир бўлиб, уни четга улоқтиради.

ГОЛИБ. Батареяси адо бўпти!..

ШОДМОН. Ўзи адо бўлганидан бежабармисан?

ГОЛИБ. Ишлатса бўлади. Батарея керак...

ШОДМОН. (тегажаклик қилиб) Зарафшоннинг бўйлариди батарея экишармиш... Голибжон қачон келади, деб батареялар ўсиб ётганмиш... Тушиб, бир қучоқ ўриб келмайсанми?

ГОЛИБ. (бироз жаҳли чиқиб) Ўриб келаман!..

Шодмон қотиб кулади. Голиб дабдурустдан қайиқни кирғоққа бура бошлайди.

ШОДМОН. Ҳой, жинни!.. Қаёққа?..

Қайиқ қумга тақалади, Голиб қирғоққа сакрайди.

ШОДМОН. Ҳой, чилтон, тўхта!.. Манавини ола кет (У қайиқдан ичига кастрюл солинган сеткани олиб узатади). Батарея топилмасаям, қатиқ топилар...

Ўзини қайиққа ташлаб, яна китоб варақлашга тушади. Силтанган қайиқ бир оз лопиллаб туради.

* * *

Голиб кимсасиз қишлоқ кўчаси бўйлаб бормоқда. У кичкина бир дарвоза ёнидан ўта бошлайди. Бир бурилиб, тақиллатмоқчи ҳам бўлади. Бироқ негадир кўл силтаб, йўлида давом этади. Аммо тўхтаб, изига қайтади. Бепарво тақиллатади. Ҳеч ким жавоб бермайди. Тақиллатишда давом этади. Дарвозанинг чап қаноти секин очилиб, унда сочини ювиб, бошини катта тивит рўмол билан танғиб олган қиз кўринади. Кўзи бошқа ёқда бўлганидан, Голиб пайқамайди, тақиллатаверади. Қиз унга қизиқсиниб қараб туради.

ФОЛИБ. (бирдан кўзи тушиб, хижолат чекиб)...
Э... э... кечирасиз...

ҚИЗ. Йўқ, тақиллатаверинг.

ФОЛИБ. (ҳайрон бўлиб) Нега энди?

ҚИЗ. (ёлғондакам жиддият билан) Карқулоқ бир бувим бор. Ҳойнаҳой, «Бу не аросат» деб чиқиб келаётгандирлар. Сизни кўриб, хурсанд бўладилар...

ФОЛИБ. (тамом терга ботиб) Кечирасиз... Мен ҳалигидай... Ҳа, қатиқ топиладими?

ҚИЗ. Топилади!

ФОЛИБ. Сотиладими?

ҚИЗ. Сотилмайди!

ФОЛИБ. Топиладию сотилмайдими?

ҚИЗ. Топиладию сотилмайди!

ФОЛИБ. Узр (кетмоқчи бўлади).

ҚИЗ. (кулимсираб) Сотилмайдию топилади!..

Фолиб сўз ўйинига тушуниб, изига қайтади. Қизга қараб илжаяди. Қиз ҳам бир зум кулимсираб қараб туради-ю, сўнг бурилиб ичкарига жўнайди. Кўп ўтмай, бир халта қатиқ кўтариб, эшикда пайдо бўлади.

ҚИЗ. (халтани узатиб) Ола қолинг.

ФОЛИБ. (халтани олиб) Раҳмат!

Қайрилиб кетмоқчи бўлади.

ҚИЗ. Халтасини ташлаб кетинг.

Фолиб тушунмай, ҳайрон.

ҚИЗ. (дона-дона қилиб) Қатиқни олиб, халтани ташлаб кетинг.

ФОЛИБ. (яна ҳайрон) Қатиқни қаёққа оламан?

ҚИЗ. Сеткага.

ФОЛИБ. Сеткага?! Э... э... ҳа!..

Фолиб елкасидаги сетка эсига тушиб, ундан кастрюлни ола бошлайди. Қиз хандон ташлаб кулади. Фолиб унга жилмайиб қараб қўяди. Қиз қатиқни кастрюлга ағдаришга кўмаклашади.

ФОЛИБ. Раҳмат, Ҳа, анави... магазинларинг қаёқда?
ҚИЗ. Тўғрига юриб, ўнгга буриласиз.

ФОЛИБ. Раҳмат!

У хурсанд бир қиёфада, орқасига аланглай-аланглай йўлга тушади. Назарида мўъжаз дарвоза бекилиб, яна оҳиста қия очилгандай, ҳалиги қиз унинг ортидан ҳамон кулимсираб қараб тургандай... Бехосдан дўриллаган овоз: «Ҳой, бола, кўзинг қаёқда!..» Фолиб чўчиб тушади. Қаршисида – тунд юзли, новча бўйли, қотма бир киши.

ФОЛИБ. (маъносиз илжайиб) Ассаломмалейкум!..

НОВЧА. (тундлик билан) Нега оғзингни таноби қочган? Лайлак кўрдингми? Тўғрилаб ол, тўкиляпти!..

Экранда: сеткада қийшайган кастрюл, ундан қатиқ оқиб тушмоқда.

ФОЛИБ. (баттар илжайиб) Э-э... Ҳа... Раҳмат!.. Ассаломмалейкум, амаки!

НОВЧА. (дўнғиллаб) Ёмонга минг салом, деганлар... Нима ёмонлик қилдим сенга?

ФОЛИБ. (шошинқираб) Ҳалиги... магазин керак эди.

НОВЧА. (баттар тундланиб) Менга очмаган магазинни сенга очадими? Овора бўласан! Чори чўлоқ дейдилар уни!.. Яна устига шип-шийдам кал!.. Хўш, калга чўлоқ қўшилса, нима бўлади? Расво бўлади! Ҳам айёр, ҳам қайсар! Ана шунақа у!.. Ҳмм... Шу ёшда ичишга бало борми?

ФОЛИБ. Батарея керак эди.

ШОКИР ПИЁН. (аввалги шаштидан тушмай) Ҳа, нима, фаноринг ёнмай қолдими?!

ФОЛИБ. Йўқ, магнитафон...

ШОКИР ПИЁН. Ҳа, дискаси айланмаяптими?!

ФОЛИБ. Айланади... овози чиқмайди.

ШОКИР ПИЁН. Овозини чиқазиб кўямиз! Юр бу ёққа!..

* * *

Бир жўжахўроз қоқоғлаб учиб, экранни кўндалангига кесиб ўтади. Унинг ортидан қулочини ёйганча, «биҳ-биҳ»лаб бир кампир кўринади.

КАМПИР. (кемшик даҳан бўлганидан хуштак чалиб, чайналиб гапиради) Вой, жу-вон-марг нақ ош-хо-нага ет-ган-да пат-тил-лаб, қў-лим-дан ту-шиб қоч-са бў-ла-ди-ми!..

ШОКИР ПИЁН. (баланд овозда) Жон савил ширин-да, опа!..

Қозонга тушишга кимнинг тоби бор. (Ғолибга) Қани бўл, ўнг томондан ўт... Чип-чип-чип... (Кампирга) Невараларни физиллатмабсиз-да бундоқ... Чип-чип-чип...

КАМПИР. Ҳай, шу тоб-да бит-та-си то-пил-са-чи... Бош-қа ма-ҳал бо-шинг-да нақ ён-ғоқ ча-қи-ша-ди... Киш-киш-киш...

ШОКИР ПИЁН. (Ғолибга кўзини қисиб) Чори акамни чақиртирмабсиз-да, бирпасда чопқиллаб тутиб берарди...

КАМПИР. Вой, Чо-ри и-сит-ма-лаб ё-тиб-ди-ю. Ҳали чи-қиб хо-ти-ни айт-ди... Биҳ-биҳ-биҳ.. Биҳ-биҳ-биҳ. Пасс. Пасс...

ШОКИР ПИЁН. (овозини пасайтириб Ғолибга). Тарафини олишини қара. Опаси-да... Менга деса, куйиб адо бўлмайдими ўша калчўлоқ. (Овозини баландлатиб, кампирга). Хидир отам бардаммилар ишқилиб?

КАМПИР. Шу-кур бир на-ви ю-риб-ди-лар... Киш-киш-киш...

ШОКИР ПИЁН. Ҳар куни жўжа хўплама хўплайвергандан кейин... у киши бардам бўлмай, мен бўлайми! (Ғолибга) Лекин малалес кампир. Эрни боқишда баҳоси йўқ... Ҳовлисида товуқ ферма очган. Ҳар куни товуқ шўрва, хўроз шўрва... Шунинг шарофатидан тўқсон тўртта кирган чолнинг мана бундоқ икки елкасига биттадан Шокир Пиён бемалол чилла қуриб ўтиради.

Вақтида шу майда қаламни танлаб, отанинг адашмаганига қойилман-ей... Сурункасига қирқ етти йил товук шўрва билан боқса... Яна сурункасига ўн еттита бола туғиб берса... Хўш, эркакка тагин нима керак? Сен ҳам, бола, шунақасидан топасан лекин. Лўлининг хотинидай атрофидан қирқ айланиб, умр бўйи товук шўрва билан боқаман, демагунча, ўрнингдан қимирламай ётаверасан, ҳа... Хўв, нега шалвираб қолдинг! Нариги ёқдан ўтсанг-чи. Чип-чип-чип... Пасс... Пасс... Вой, хумпарей... Товуқдай аҳмоғи йўқда дунёда...

Кампир, Шокир пиён, Фолиб жўжаҳўрозни тутолмай хуноб бўлишади. Кутилмаганда пайдо бўлган олапар хўрозни бир ёққа қувиб кетади. Хўроз жон ҳолатда қақағлайди. Кампир ҳай-ҳайлаб, уларнинг изидан югуради...

* * *

Фолиб Шокир пиёнга эргашиб, каттакон бир гараж-ҳовлига киради. Қаторлашган, хилма-хил машина ва тракторларни кўриб, бирпас анқайиб туриб қолади... Шокир пиён бостирма остидаги бир қутини ковлаштириб, турли-туман батареяларни стол устига қалаштириб ташлайди.

ШОКИР ПИЁН. (бошини кўтармай). Ол хоҳлаганингни...

Фолиб сеткасини осилтирганча машиналар атрофида гир-гир айланади. Қай бирини силаб-сийпайди, қай бирини енгил шапатилаб кўради. Шокир пиён уни диққат билан кузатади, ўзича мамнун жилмайиб кўяди.

ШОКИР ПИЁН. Ҳов, умрингда кўрмаганмисан?

ФОЛИБ. Кўрганману... лекин барибир яхши-да.

ШОКИР ПИЁН. Машина жиннисимисан?

ФОЛИБ. Шунақароқ...

ШОКИР ПИЁН. Бўлмаса, олақол биттасини... Йўқ, иккитасини ол...

ГОЛИБ. (хайрон бўлиб). Бе, машиналар колхозники-ку...

ШОКИР ПИЁН. А, сен кимникисан? Сен ҳам колхозникисан... Хўш, олмайсанми?.. Бўлмаса, қол...

Голиб яна анграйиб қарайди.

ШОКИР ПИЁН. Ҳазилакам иш эмас бу – колхоз машина-трактор парки мудирининг ёрдамчиси бўлиш... Хўш, қолмайсанми?.. Қанақа дарди бедавосан ўзинг? На оласан, на қоласан...

ГОЛИБ. Қайдам...

ШОКИР ПИЁН. Ойдин чўлни эшитганмисан? Ана шуни ўзлаштираяпмиз... Тракторчига шогирд тушасану, ҳаш-паш дегунча трактор ҳайдашни ўрганиб оласан. Бироқ бир шартим бор... Ичаётганимда атрофимда ўралашмайсан... Четроқда турасан... Бир қишлоққа битта пиён етиб ортади (Голибнинг батареяларни олиб, эшикка томон юрганини кўриб). Ҳов, қаёққа? Қўриқни эшитиб, жуфтакни ростлаяпсан шекилли?

ГОЛИБ. Ўртоғим бор...

ШОКИР ПИЁН. У ҳам машина жиннисими?

ГОЛИБ. Йўқ, шеър жинниси.

Шокир пиён ҳафсаласи пир бўлиб, қўл силтайди.
Голиб эшикдан чиқади.

* * *

Қайиқ. Берилиб китоб ўқийтган Шодмоннинг ёнига «тақ» этиб бир нарса келиб тушади. Бу – магнитофон батареяси. Шодмон бошини кўтаради. Қаршисида бир қўлида сетка, иккинчи қўлида бир ҳовуч батарея билан Голиб турибди.

ШОДМОН. Топдингми?

ГОЛИБ. (ғалати илжайиб) Шунақароқ...

ШОДМОН. Иккаласини ҳамми?

ГОЛИБ. Иккаласини ҳам.

Ш О Д М О Н. Яшавор... Топганга нима етсин...
(Бирдан шоирлиги тутиб)

Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам!

Қиз нетиб топгай мениким, мен қизимни топмасам!..

Биз топамиз, Мирзо Ғолиб, албатта, топамиз! Фақат сабр, ирода, ғайрат, интилиш, изланиш ва ҳоказо!.. Қани, туш қайиққа?

ҒОЛИБ. Ийе, нега тушар эканман?

ШОДМОН. Ийе, нега тушмас экансан?!

ҒОЛИБ. Топгандайман, деб айтаяпман-ку сенга...

ШОДМОН. *(гапнинг тагига етиб)* Вой, Ғолиб бало-ей! Вой Ғолиб бало-ей!.. Боядан бери айтмайсанми шуни!.. Ростданам топдингми, а?

ҒОЛИБ. Топгандайман...

ШОДМОН. Анавини ҳамми?

Ғ О Л И Б. Анавини ҳам...

ШОДМОН. Ҳалигини ҳамми?

ҒОЛИБ. Ҳалигини ҳам... *(яна бир нима демоқчи бўлади)*

ШОДМОН. *(иккала қўлини баравар кўтариб)* Тамом! *(яна шоирлиги тутиб)* Қани қўлингни кўтар!.. Омин, раббул олабийн, илоҳи омадингни берсин! Қани, бор, жўна энди!

ҒОЛИБ. *(жилмайиб)* Мен қоладиганман, сен жўна.

ШОДМОН. Тўғри, мен жўнашим керак. Хайр!.. *(Эшкакни қирғоққа тираб, қайиқни дарёга суради).*

ҒОЛИБ. *(қўлидагиларни кўрсатиб)* Ҳой, манавилар колди-ку!

Шодмон қайиқни яна қирғоққа буради.

ШОДМОН. Ташла!

Ғолиб батареяларни унга ирғитади, Шодмон уларни ҳовучлаб олади, сўнг эшкакни чўзиб, кастрюл солинган сеткани ҳам илиб олади.

ШОДМОН. Яна бир карра хайр, бўлмасам!

ҒОЛИБ. Хайр!.. Ҳай, шошма-чи!

Шодмон унга «яна нима гап» дегандай ялт этиб қарайди. Ғолиб «яқинроқ кел» деб имлайди. Шодмон

сув суриб кета бошлаган қайиқни тағин қирғоққа буради.

ШОДМОН. Хўш?..

Ғолиб кутилмаганда сакраб, қайиққа чиқиб олади.

ҒОЛИБ. Ҳайда!

ШОДМОН. (унга ҳайрон бўлиб қараб) Вой, чилтон-ей!.. Лақиллатдингми-а? (Эшкакни кўтариб ўдағайлайди) Кўтар кўлингни! (Ғолиб беихтиёр кўллари кўтаради) Ана шундоқ!.. То янаги манзилгача кўтариб тураверасан! Финг, десанг, бошим пачоқ, деявер!.. Тентак! Чиппа-чин ишонибман-а!..

Ғолиб илжайганча кўллари туширмоқчи бўлади.

ШОДМОН. Ҳай-ҳай!.. Алдадингми, торт жазо-йингни!

Улар шу алпозда йўлга тушишади. Анча маҳалгача дарёда узоқлашиб бораётган қайиқ ва унда кўллари боши узра баланд кўтариб олган Ғолибнинг қаққайма ҳолати кўзга чалиниб туради...

* * *

Тун. Соҳил бўйи. Аввал ечиб қўйилган туфлилар, сўнг майсага чалқанча ётиб олган Шодмон билан Ғолиб кўринади. Узоқ-узоқларда итлар ҳуради... Дарё шовуллайди. Шодмон кўтаринки кайфиятда, Ғолиб хомуш, уйқучан.

ШОДМОН. Биласанми, Ғолиб – бало, киши ҳар гал остона ҳатлаб, эшикдан чиқаркан, беихтиёр осмонга қарайди. Нега?

ҒОЛИБ. Нега?

ШОДМОН. Инстинкт! Инсон ҳаёти фақат ергамас, кўкка ҳам боғлиқ. Шунинг учун у беихтиёр осмонга қарайди. Шунчакимас, бош устидаги ўша кўк гумбаз тинчми, осойиштами, бирор ўйин кўрсатмаяптими, деб қарайди. Бу масаланинг бир томони. Тушундингми?

ҒОЛИБ. Ҳмм...

ШОДМОН. Иккинчи томони шундаки, осмон ўзининг гўзаллиги, чексизлиги билан юракни талпинтиради... Фаэтонни эшитганмисан?

ФОЛИБ. Арава.

ШОДМОН. Сайёра! Тўғри, файтон деган арава ҳам бор. Эҳтимол ўша сайёранинг номига қўйишгандир. Лекин Фаэтон ҳозир йўқ.

ФОЛИБ. Ўзинг бор дедингку...

ШОДМОН. Бор эди, лекин ҳозир йўқ... Йўқолиб кетган. Юпитер билан Сатурн ўртасидаги ўрни ҳозир ўрадай ўйилиб ётибди. Қоп-қора бўшлиқ, ҳа, қоп-қора! Қарасанг, юрагинг орқанга тортиб кетади! Ажабо...

Фолибни уйқу элитади, у кутилмаганда хуррак тортиб юборади ва бир нималар деб ғудурлайди.

ШОДМОН. Нима дединг?

ФОЛИБ. *(уйқу аралаш)* Бувиси...

ШОДМОН. Бувиси? Қанақа бувиси?

ФОЛИБ. *(тамшаниб)* Карқулоқ...

ШОДМОН. Хўш, карқулоқ бувиси бўлса, нима қипти?

ФОЛИБ. *(лабларини чапиллатиб)* Батарея...

ШОДМОН. Карқулоқ бувисига батарея керак бўптими?

ФОЛИБ. Шокир пиён...

ШОДМОН. Э, ўргилдим сендан!...

У Фолибга орқасини ўгириб олади. Алламаҳалгача юлдузларга термилиб, ҳайратланиб ётади. Лаблари гоҳ-гоҳ шивирлаб кўяди...

Тонг. Бедана сайрайди. Унинг сайроғини тракторнинг гуриллаши босиб кетади. Шодмон чўчиб уйғонади. Фолиб йўқ. Туфлисини апил-тапил оёғига илиб, трактор тариллаётган томонга юради, дўнг ошиб, «вой-буй» деганча туриб қолади.

Дов-дарахтсиз қип-қизил дашт то уфққа қадар чўзилиб, вазмин ястаниб ётибди. Чақирим-чақирим

масофада ўнлаб тракторлар қўнғиздек ўрмалаб юрибди... Бир трактор кучаниб, лапанглаб, ингичка қувуридан қуюқ тутун пуркаб, яқинлашиб кела бошлайди. Кабинадан биров Шодмонга қараб қўл силкийди: Голиб!.. Шодмоннинг чеҳраси ёришиб кетади: «Вой, Голиб-бало-ей, қачон улгурди экан-а?»

Трактор яқинлашиб тўхтаydi. Шодмонни кабинага имлашади. Шодмон кабинага чиқиши билан юзлари чанг-тўзондан қорайиб кетган, соқол-мўйлови ўсиқ тракторчи унга чайир қўлини чўзади. Шодмон Голибнинг ёнига суқилади. Тракторчи яна ричагларни ишга солади. Трактор тагин қулоқларни қоматга келтириб, лапанглаб юриб кетади.

ГОЛИБ. А-ма-ким!..

ШОДМОН. Ни-ма?!

ГОЛИБ. А-ма-ким, де-яп-ман!..

Шодмон ҳайрон бўлиб дам тракторчига, дам Голибга қарайди. Ишонқирамайди шекилли. Энди Голиб бир нималар деб тракторчининг қулоғига бақиради. Тракторчи бошини силкиб, Шодмонга ҳар замон-ҳар замонда бир жилмайиб қараб қўяди. Тракторга, кабина ойнаси оша қўриққа ишора қилиб, бир нималар дейди. Шодмон эшитмайди. Лекин чор-ночор бошини қимирлатиб, унинг гапини маъқуллайди. Трактор ўшқириб, пишқириб олға интилади...

Трактор иккинчи давра айланганда Шодмонни кабинада эмас, плуг темирига ўтириб олган ҳолда кўрамуз. У гоҳ даштнинг қақроқ, кўрч сийнасини тилиб бораётган плуг тишларига, гоҳ атласдек товлашиб, тўлқин-тўлқин бўлиб орқада қолаётган, тобора кенгайиб бораётган шудгорга тикилади. Аллақайдан пайдо бўлган зағчалар учиб-қўниб, тракторни изма-из таъқиб этади...

* * *

Дала шийпони. Қўриқчилар тушликка чиқишган. Устига брезент соябон тортилган каттакон сўрида биров ўлтирган, биров чўзилган. Ўртада дастурхон. Бир-икки киши ярқираган умивальникни шарақ-шуруқ қилдириб, қўл-бет ювишаяпти...

Ғолиб ва Шодмонни эргаштириб, таниш тракторчи пайдо бўлади...

СЎРИДА ЎТИРГАНЛАРДАН БИРИ. Бегимқул, ўзингга ёрдамчилар топиб олибсан шекилли.

БЕГИМҚУЛ. Жиянлар... меҳмон бўлиб келишибди.

БОШҚА БИРИ. Авваллари қиз жиянларинг келгувчи эди. Энди бўлса... Хуллас, қарияпсан, оғайни!

Даврада енгил кулги.

БЕГИМҚУЛ. (бўш келмай) Қариганда ҳам сенга ўхшатмасин! Башарангни кўрган маймун Майманага қараб қочади...

Тағин хушчақчақ кулги. Бир чеккада турган Ғолиб билан Шодмонни очик юз билан даврага чақиришди.

– Қани, келинлар, йигитлар, келинлар!

– Қани, кўришиб қўяйлик. Ҳа, балли!

– Булар ўзи шунақа: ит-мушук. Бир-бирини кўрганда тек туролмайди.

– Вой, хумпар! Ўзинг итсан, ўзинг мушук!

– Во-ҳа-ҳа-ҳа!..

Ҳазил-ҳузул билан нон-чойга унашади. Макарон шўрва тортилади.

ДАВРАДАН. (ўчоқбошига қараб) Ғойибназар, меҳмонларга ҳам қарашвор!

ОВОЗ. Хўп, бўлади.

Белбоғни бошига саллача қилиб олган қотма тракторчи шўрвани жуда ҳам хўриллатиб ичади. Унга рўпара ўлтирган йигит гап қотади.

РУПАРАДАГИ ЙИГИТ. Каримберди, дейман, ўзинг ҳам хўриллатишни қойил қиласан-да!

КАРИМБЕРДИ. Бе, шу ҳам хўриллатиш бўптию!..
«Тошкент» ресторанида хўриллатганимни десанг,
бошқа гап.

ДАВРАДАГИЛАР. Қани, гапир! Хўш-хўш...

КАРИМБЕРДИ. Бултур поччам касалхонага тушганда божам билан кўргани борувдик. Биласиз, божам ундай-бундай ошхоналарда овқат емайди. Тўғри катта ресторанга судради. Хўш, десангиз, ҳамма ёқ ярақ-юруқ, посон. Бир чеккада тарақ-туруқ қилиб мусиқа чалиб турибди... Биринчисига шўрва буюрдик... Шу, ишонасизми, хўриллатиб бир тортувдимки, атроф тинчиди-қўйди. Ҳалиги ноғорачилар ҳам! Нима гап деб, секин атрофга қарасам, бутун рестораннынг кўзи менда. Божам, азбаройи кўкариб кетганидан, дағ-дағ титрайди. Нима дейди денг: «Қишлоқчилик ҳам эви билан-да!»

Даврада кулги.

РЎПАРАДАГИ ЙИГИТ. Лекин бугунги хўриллатишинг ҳам чакки бўлмади. Менинг тракторим чимзорга тушганда шунақа овоз чиқаради...

КАРИМБЕРДИ. Карбаратирни қара, винти бўшган!

Икки қўлида иккита қовун билан ошпаз Ғойибназар кўринади.

ҒОЙИБНАЗАР (қовунларни ўртага думалатиб) Бегимкулга – бегзоти, Бўривойга – бўрикалла!

БЎРИВОЙ. (қовунларни алмаштириб) Йўқ, бу сафар Бегимкулга – бўрикалла, Бўривойга – бегзоти!

БОШҚА ТРАКТОРЧИ. Бизга «Қирқин хўжа» бўлса ҳам йўқ демасдик.

БЎРИВОЙ. Сиз «Қирқин хўжа»ни қирқасизу, Соливой тракторни дарёга ағдаради. Балоба қолган – Шокир пиён!..

Даврада шўх-шодон кулги. Бўривой камаридан дандон сопли пичоқ олиб, қовун сўяди...

* * *

Ошпаз Ғойибназар ва Шодмон.

ҒОЙИБНАЗАР. (иккита челакни тутқазиб) Аввал анави бакни тўлдирасан... Бир-иккитаси бор, кечқурун дарёдамас, шу ерда чўмилишади... Кейин картошка тозалайсан. Тамом, бугунги ишинг шу билан тугайди.

Шодмон икки челаклаб дарёдан сув ташийди. Кейин сўрига ўлтириб, картошка арчишга тутинади. Юзи япалоқ, қорни бақалоқ Ғойибназар қўлида дам пичоқ, дам эгов, атрофда ғивирлайди. Гоҳ-гоҳ Шодмоннинг ишига кўз ташлаб минғирлайди.

ҒОЙИБНАЗАР. Бай-бай-бай!.. Шунақа ҳам арчадими! Бир қассоб эчки сўйганда ҳаммасини думга чиқазган экан... Бунақада картошка чидайди!

Шодмон нохушланади, афтини бужмайтиради...

* * *

Қуёш шарқдан ғарбга қараб думалайди.

Ғолиб амакиси Бегимқул ёнида ўлтириб, трактор ҳайдайди... Шодмон катта тоғорада хамир қоради.

ҒОЙИБНАЗАР. (қозонга капкирни уриб) Вой, укам-ей, вой, укам-ей! Қозонни шунақа ювадими!.. Қирмочи тошга айланиб қопти-ку!.. Ҳой, бакни сувга тўлдирдингми? Илиб турсин учун ҳалитдан тўлдириб қўйиш керак-да! Қани, хамирни қўй, сувга югур!

Шодмон тоғорани қўйиб, челакларга қараб юради.

ҒОЙИБНАЗАР. Ҳой, тўхта, қўлларингда бир ботмон хамир олиб кетаяпсан-ку! Тоғорага сидириб ташла! Қанақасан ўзи! Картошка арчолмасанг, қозон юволмасанг, хамир қоролмасанг! Қўлингдан келади-гани беданавозликми?

Шодмон аввал хамирга ботган қўлларига, сўнг беихтиёр шийпон шипига осилган қафасга қарайди. Бедана типирчилаб, қафасни чайқатади.

ШОДМОН. Совға қилишган... Ұзим унча ишқи-бозмасман... Челакларни олиб, шудгор бўйлаб дарё томон юради.

* * *

Қирғоқ. Шодмон челакларни сувга тўлатиб, қаддини ростлайди. Дарёга, сув лабида енгил чайқалиб турган қадрдон қайиғига тикилиб қолади... Бир нималарни ўйлайди, чамалайди, қарор қилади. Кейин шахдам қадамлар билан изига қайтади. Челакларни бочкага ағдариб, шудгорчилар тарафга юради...

* * *

Гуриллаб келаётган трактор. Кабинада Бегимқул кўринмайди. Рулда ёлғиз Фолиб. У кўтаринки бир кайфиятда. Шодмон «тўхта» деб ишора қилади. Лекин Фолиб «сабр қил» дегандай, илжайганча, унинг ёнидан тракторни вариллатиб ўтиб кетади. Бу аҳвол бир - икки бор такрорланади. Шодмон, ниҳоят, трактор билан ёнма-ён югуриб, Фолибга дарё томонни ишора қилганча, бир нималар деб қичқиради. Фолиб унинг ҳолатини пайқамайди, у ўз ишига маҳлиё.

Шодмон қош-қовоғи солиниб, шийпонга қайтади.

* * *

Трактор яна бир айланиб, ҳалиги жойга етганда, тагин биров кўл силкийди. Фолиб уни Шодмон деб ўйлаб, илжайиб қарайди-ю, авзойи ўзгариб, шартта тормозни босади.

ШОКИР ПИЁН. Қани туш бу ёққа!

Уст-боши қора мойга беланган Фолиб трактордан тушиб яқин келади.

ШОКИР ПИЁН. Ийе, бу сенмисан ҳали? Қаёққа йўқолдинг, десам, бу ёқда экансан-да! Ҳа, маладес!..

(Бирдан дағдағага ўтиб) Ким топширди сенга рулни?!
(Голиб индамайди) Кимнинг трактори бу?

ГОЛИБ. Бегимқул аканики.

ШОКИР ПИЁН. Ўзи қаёқда?.. Бир чеккада ағанаб
ётгандир-да, а? Топ дарров!

Голиб Бегимқул ётган жойга югуради. Уни уйғотиб,
Шокир пиённи кўрсатади. Кейин Шодмонни эслаб,
шийпонга қараб чопади. Шодмон шийпонда йўқ.

ГОЛИБ. Шодмон қаёқда?

ГОЛИБНАЗАР. Анави хатни ташлаб кетди.

Голиб сўрида чойнак остидан хатни олиб ўқийди.

«Голиб, сен амакингни топдинг. Мен эсам аммамни
топишим керак. Омадингни берсин! Шодмон».

Голиб дарёга қараб югуради. Қирғоқ. Дарё сатҳи
бўм-бўш... Қайиқ ҳам, Шодмон ҳам кўринмайди.

Хатни фикимлаганча, шу кўйи бироз туриб қолади.
Сўнг ўй-хаёлга чўмиб, изига қайтади.

* * *

Яна дарё... Дарёда ёлғиз қайиқ... Қайиқда ёлғиз
Шодмон... У шалвираб қолган елканни шамолга
тўғрилашга уринади. Оёқ остида ётган магнитофон,
чилдирма, фикжак, рубоб, сурнай ва тўрқафасни на-
ри-бери суриб, тартибга солган бўлади. Кастрюлнинг
қопқоғини очиб, бармоғи билан қатиқ ялайди, битта
олма олиб «қарс-курс» чайнайди... Кейин қўлларини
қўлтиғига суқиб, хаёлга толади. Экранда унинг хаёл-
чан чеҳраси. Экран ортидан овози эшитилади.

«Дарё... Икки қирғоқ, орасида сув... Шунчаки
сув Н₂О!.. (Ўзича давом этиб) Н₂О устида қайиқ...
Қайиқда шоир... Бошида елкан... Елканда шамол...
Орқада кечмиш... Олдинда... белгисиз соҳиллар... ис-
тиқбол! (Оёғи остида ётган чолғу-созларга кўзи тушиб,
хўрсиниб) Бизни ташлаб кетишди!.. (Бирдан қизғин
хитобга ўтиб) Сизларни сарбони – чилдирмахон, соз-

ни ҳам, чолғуларнинг жонони – гижжакхон, сизни ҳам, давраларнинг булбули бийрони – рубобжон, сизни ҳам, жамики нағмаларнинг пири, бобокалони – сурнайбек, сизни ҳам... сизлар қатори... мени ҳам ташлаб кетишди! Улар шунақа!.. Шовқин-сурон кўтариб, бир ишни бошлашадию ярим йўлга етар-етмас, пана-панага уриб кетишади... Майдонда шўппайиб, сиздек-биздек шоирлар қоламиз!.. Азалдан шундоқ бўлган!.. Азалдан шоирларни ярим йўлда ёлғиз ташлаб кетишган... (Қайиқ тумшуғида турган бедана қафасга қараб) Шундоқ эмасми?..»

БЕДАНА. Ве-вев!.. Пит-пилдиқ!.. Пит-пилдиқ!..

ШОДМОН. «Баракалла!.. Лекин ничего... Биз бўш келмаймиз!.. Охиригача борамиз!.. Ва топамиз!.. Улар ҳам топишсин-да ишқилиб».

Овоз аста пасайиб, ниҳоят, тинади... Шодмоннинг кўзларини мудроқ босади... Қайиқ тўсатдан катта шаршарага дуч келади.

Кучли оқим уни баланддан пастга чирпирак қилиб отади. У буралиб, чарх урган оппоқ тўлқинлар гирдобига тушиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлиб кетади...

* * *

Қиём чоғи. Азим мажнунтоллар қуюқ соя солган соҳилда бир тўда қизлар яйраб дам олишяпти. Қай бирлари чўмилиб олиб, тушликка дастурхон ёзиш билан машғул. Қай бирлари ҳамон чўмилишнинг завқига қонмай, дарёда чуввос кўтариш билан банд.

ҚИРФОҚДАН ОВОЗ. Санобар! Хув, Санобар!.. Чиқа қолинглар энди! Чой совиб қолмасин!..

ЧЎМИЛАЁТГАН ДАВРАДАН. Ҳозир!.. Манави жодугарни сувга бир пишитиб олай!..

Қиз дугонасига човут солиб, сувга босмоқчи бўлади... Қий-чув, тўполон...

ЧҶУМИЛАЁТГАН ҚИЗЛАРДАН БИРИ. Вой, олмалар оқиб келаяпти, олмалар!..

Сув бетида ботиб-қалқиб келаётган жоноқи олмалар... Қизлар қийқиришиб, уларни теришга тушадилар.

ЯНА ОВОЗ. Вой, қаранглар, нималар оқиб келаяпти!..

Сув бетида оқиб келаётган сурнай... Унинг изидан чўкиб-қалқиб фикжак, унинг изидан рубоб, унинг изидан чилдирма ва ниҳоят, тўр қафас кўринади... Қизларнинг сурони авжга чиқади... Тўсатдан қий-чув тинади. Дарёда бир ёнбошига тўнкарилиб, қайиқ пайдо бўлади... Қайиқ яқинлашган сайин қизларда ҳаяжон ортади. Улар ёпирилиб, уни қирғоққа қараб судрай бошлайдилар.

БИР ҚИЗ. (тасодиф билан қайиқ ичида қолган магнитофонни топиб) Вой, қизлар, транзистор!..

БОШҚА БИР ҚИЗ. (қайиқ тумшугидаги ёзувни ўқиб) «Чор дарвеш»... Қизлар, шунақа бир ансамбль бўлса керак!.. Вой, битта қолмай чўкиб кетишибди-я!

ҚИЗЛАР. Вой, чўкиб кетишибди-я!.. Вой, чўкиб кетишибди-я!..

КУТИЛМАГАН ОВОЗ. Йўқ, чўкмаган!.. Чўкмаган!.. Тирикман!.. Тирик!..

Қирғоқ бўйидаги дарахтлар орасидан ўт-ўланларни шатир-шутир босиб, чопиб келаётган бировнинг қораси кўринади. Бу – уст-боши жиққа ҳўл Шодмон!.. У тўппа-тўғри қизлар устига бостириб келади. Ярим яланғоч қизлар чинқиришиб, ўзларини дарёга отишади. Довдираб қолган Шодмон ўзини дарахт панасига олади. Дастурхон тузаётган қизлар қотиб-қотиб кулишади.

ШОДМОН. (тол орқасидан) Раҳмат, қизлар!.. Ташаккур!.. Қутқариб қолдиларинг!.. Бўлмаса!

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Шерикларингиз қани?..

ШОДМОН. (ҳамон нафасини ростлаёлмай) Шерикларим?.. Шерикларим... йўқ!

ҚИЗЛАР. Вой, чўкиб кетишдими ҳаммаси?..

ШОДМОН. Қолиб... кетишди!..

Қизлар тушунолмамай ҳайрон.

ШОДМОН. Уларни кўятуринглар!.. Сизларга раҳ-
мат!.. Кутқариб қолдиларинг... Бўлмаса...

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Концертни... ўзингиз
кўяверасизми?

ШОДМОН. Қанақа концерт?..

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Ҳар қалай ҳалигидақа
аросат концертмас, чинакам концерт! *(кулишади)*
Бирйўла тўртта соз кўтариб юрганингиз бежизмас-
дир!..

ШОДМОН. Мен мухбирман!

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Вой, анавини... Мухбир
деган дарёда чилдирма чалиб юрадими? *(кулишади)*

ШОДМОН. *(илжайиб)* Ҳозир шунақаси чиққан...

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Вой, шунақаси чилдир-
масини сувда оқизиб, ўзи изидан қувиб юрар экан-да
(кулишади).

ЯНА ОВОЗ. Кейин уни дарёдан қизлар тутиб
беришаркан *(кулишади)*.

ЯНА БИР ОВОЗ. Сўнгра-чи, қизлар, «шунақа
мухбир» уялмай-нетмай чўмилаётган қизлар устигаям
тикка бостириб келаверар экан *(кулишади)*.

БОШҚА БИР ОВОЗ. Кейин-чи, қизлар, «шунақа
мухбир» манави панага ўтиб, кийимларини қуритиш
ўрнига, дарахт ортида дилдираб тура берар экан!..

*Шодмон бир чеккада парда қилиб тортиб қўйилган
чойшаб орқасига ўтади. Кийимларини ечиб, майсага
ёябошлайди. У ўзини анча тутиб олган. Гап-сўз, ҳа-
зил-ҳузулга мойил.*

ШОДМОН. *(чойшаб орқасидан)* Ҳой, қизлар!.. Боя
дарёда бир халта учрамадими?..

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Ичида нимаси бор эди?

ШОДМОН. Кастрюл.

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Кастрюлнинг ичида-чи?
ШОДМОН. Қатиқ.

Қизлар қаҳ-қаҳ отиб кулишади.

БОЯГИ ОВОЗ. Қатиқни қозонга ағдариб, кастрюлда чой қайнатиб ўтирибмиз!.. Халтани ола сигир ямлаб кетди...

Қизлар тагин кулишади.

ШОДМОН. Мен шўрлик куйиб қолаверибман-да...

У кула-кула магнитофон ва чолғу-созларни бир четдан олиб, жиққа ҳўл кийим-бошлари қатори офтобга тиза бошлайди.

ПАРДА ОРҚАСИДАН ОВОЗ. Мухбир ака, олинг, куйганингиз ҳақи...

Чойшаб остидан пиёла ва унга қопқоқ қилинган кулча узатилади. Шодмон шошиб, парда устидан қарайди. Янглишганини пайқаб, пастга энгашганда, парда устида қизнинг пиёла тутган кўли кўринади. Ниҳоят, «адашганлар» парда остида «топишади». Бу – кўзлари кулиб турган, кўҳликкина, дўмбоққина, қорача бир қиз. Шодмон унга тикилиб қарайди. Қиз уялиб, киприклари билан кўзларини яширади...

ҚИЗЛАР ДАВРАСИДАН. Ҳув, Бодомгул, қаймоқ едираяпсанми?

Қиз кетмоқчи бўлади.

ШОДМОН. Шошманг, сиз Бодомгул Каримова эмасмисиз?

БОДОМГУЛ. Йўқ, мен Латиповаман...

ШОДМОН. Ҳа-я!.. Адашганимни қаранг!.. Албатта, Латиповасиз-да!.. Менга таҳририятда тайинлашган. Сиз тўғрингизда очерк ёзишни... Ўзингиз айта қолинг, қачон, қайда учрашамиз?..

БОДОМГУЛ. Вой, анави кишини!..

Қиз ўртоқлари ёнига чопқиллаб кетади. Шодмон кўлида бир пиёла қаймоқ билан унинг изидан термилганча қолади...

* * *

Қош қорайиб, қоронғилик куюқлашиб бораётган пайт. Олдинда майсазор – ўтлоқ, орқада йироқларга ҳорғин ёнбошлаб, хуфтоннинг ғира-шира ёғдусига бурканиб, жимгина мудраётган кимсасиз далалар. Дарахтлар сирли кўланкалардай қорайиб, қилт этмай туради. Теп-текис майсазор бағрида биров танҳо ўтирибди. Бу – Шодмон... У қадрдон созини бағрига босиб, уфқнинг ой оҳиста мўралай бошлаган кумуш қирғоғига термилиб туради. У қандайдир гўзал ва янги, ҳам ўзига унча аён бўлмаган, ғалати сезгилар оғушида... Вужудида ажиб бир орзиқиш... Назарида, яна бир неча дақиқа кутса, ўша нилуфар туйғуларга чўмиб, ўзини яна бир неча дақиқа унутса, қоронғиликка чўкиб бораётган шу осмон, шу замин, шу сўнгсиз табиатнинг буюк бир асрорини илғаб оладигандай... Ана уфуқ юзига шафақранг шуълалар югурди. Унга жўр бўлган каби, атроф-сукунатни майин титратиб, ўтлоқда ғижжак нола бошлади. Ҳазин, хаёлчан, юракни талпинтирувчи бир куй... Шодмон чалмоқда. Унинг кўзлари уфуқнинг ўша шуълалар ўйнаётган алвон ҳошиясида... Кечанинг мовий кўйнида барра ўтлоқ бўйлаб бир-бир, икки-икки бўлиб ошиқиброқ келаётган қизларнинг «лип-лип» этиб гоҳ унда, гоҳ бунда кўринган унсиз ҳарир шарпалари... Улар шийпон тарафдан келишаяпти.

Ғижжак нола чекмоқда. Бу нолани уфуқ ортида туриб тинглашга ортиқ бардоши етмаган ой ҳам энди ётоғидан аста бош кўтаради... Латиф бир манзара: уфуқдан қизариб, бўғриқиб чиқаётган ой ва ўша тўлин ойга юзма-юз ўлтириб, машшоқ атрофида маржондек тизилиб, наво тинглаётган қизлар... Ой кўтарила боради, ғижжак ноласи авжга чиқади. Қай бир ерида тингловчилар унга беихтиёр жўр бўладилар, қадимий қўшиқни ним овоз билан, қизларга хос ноз-истифно маромида куйлайдилар...

Дарёдан оқиб келоди шода-шода марварид,
Рўпарамда ўлтирибди қош қаро, барно йигит.
Қош қаро, барно йигит, ҳаргиз ололмайсан мани,
Кокилим қимматбаҳо, ташлаб кетолмайсан мани...

Кўшиқ узоқ давом этмайди, тезда тинади. Унинг мавжларидан узилиб чиққан гижжак ноласи яна авжга чиқади... Ой ёруғида бошини сал эгиб, кўзларини юмиб, соз чалаётган Шодмоннинг ошифта ҳолати... Қизларнинг турфа-турфа қиёфалари... Улар орасида Бодомгулнинг ҳайратдан катта-катта очилиб, Шодмонга термилиб турган кўзлари «ярқ» этиб бир лаҳза кўриниб қолади...

* * *

Адил, оқ бадан тераклар билан доирасимон ўралган тепалик. Ҳар теракка биттадан чолғу илиб қўйилган, бирида тўр-қафас. Ўртада, кўкат устида Шодмон чалқанча ётибди. Болиши – майсадан. Тонг. Бедана сайрайди. Машина мотори гуриллайди. Шодмон кўзларини очади. Бошини кўтаради. Ҳув пастликда, тош йўлда иккита сут машинаси ферма тарафдан кетма-кет гувиллаб келмоқда. Кўп ўтмай ўша ёқдан бир гуруҳ қизлар кўринади. Кўлларида ялтираган ўроқлар. Улар узоқда қорайиб турган маккажўхори пайкали томон боришяпти. Шодмон кўзлари билан Бодомгулни қидиради... Топгандай бўлади. Кечинмаларга берилиб, ўзини «тўшакка» ташлайди, сўнг майсазор қияликдан пастликка қараб думалайди...

* * *

Маккажўхоризор. Қизлар эгат олиб макка ўришяпти. Камера жўхори пояларини оралаб қизларнинг оёқларини ёритади. Улар бир хил кийинишган.

Маккажўхори поялари орасидан узатилган қўл бир қизнинг оёғини секин ушлайди. Қиз жон ҳолатда ўзини орқага ташлайди.

– Вой!..

Қизлар бир нафас ишдан тўхташади:

– Нима бўлди, Мукар, нега қўрқдинг?

– Илонми, бир бало оёғимга ёпишди!..

Шовур-шувур гап.

– Вой, илондан қўрқаман!..

– Ваҳима қилмасанг-чи!..

– Сенга шунчаки туюлгандир...

Яна ишга унашади. Маккажўхоризор орасидан отилган кичкина кесак бир қизнинг қуймичига тегиб, увадаланиб тушади. Қиз аланглайди.

– Қилиғинг қолмади-қолмади-да, Мукар!

– Вой, нима қилдим?

– Нега кесак отасан?

– Қачон отибман?

– Ҳозир отдинг!

– Тавба! Уйғоқмисан, ухлоқмисан? Туш кўраётган бўлма тагин...

Яна ишга тутинишади. Бодомгул. Хаёлчан чехрасида ширин бир хотирот шуъласи. Кутилмаганда у ҳам орқага тисарилади. Аммо маккалар орасидан узатилган қўл унинг оёғига чиппа ёпишади. «Вой!» деб қичқиришга чорланган қиз беихтиёр кафтини лабларига босади... Таниш кўзлар! Бошига маккапоядан «тож» тақиб олган Шодмон! Қиз ҳансираб-шивирлаб гапиради:

– Қўйворинг!..

– Аввал гапимни эшит...

– Қўйворинг, дейман!

– Биз учрашишимиз керак!

– Қўйворинг, ахир!

– То айтганимга кўнмагунигча қўйвормайман!..
Кечаси дарё бўйида кутаман!.. Хайрлашгани... Икки
оғиз гапим бор, холос...

- Қўйворинг, сезиб қолишади!
- Хўп, демагунигча қўйвормайман.
- Хўп!..

Шодмон маккапоялар орасига орқаси билан шўнғиб
кетади.

* * *

Маккажўхори пайкали орқада қолган. Шодмон
майсазор қияликдан сирғаниб-тийғаниб, элан-қаран
тушиб бормоқда. Ўзича берилиб шеър ўқийди:

... Қизлар, фақат қизлар,
Қушлар, фақат қушлар...
Қўйинг, бошқасини айтмадим.
Хуллас, шундоқ эди олам ва ишлар,
Сени танимаган пайтларим...

Сени танидиму,
Олам нурга тўлди,
Япроқни китобдай ўқий бошладим.
Қалбимда булбуллар сайрайдиган бўлди,
Ойга қараб туриб, кўзим ёшладим...

Сени танидиму...
Дилда сеҳрли ганж,
Олам гўзаллиги – кўнглимнинг мулки,
Одам гўзаллиги – кўнглимнинг мулки,
Сени танимаган шўрликлар – аянч...

Чойнак ва тугунча кўтариб, кутилмаганда рўпара-
дан чиқиб қолган қиз унга ҳайрон бўлиб тикилади:

ҳамма ёғи чанг-чунг, бошида америка ҳиндулариникига ўхшаш «попилдириқ – тож»...

– Вой, Шодмон ака!.. Ўришгани келувдингизми?

Шодмон бир чўчиб, довдираб қарайди.

– Ўришгани келувдингизми, дейман?

– Ҳмм...

– Бирам чиройли ясабсизки...

– Нимани?

– Анавини.

«Тожи» эсига тушган Шодмон сири фош бўлгандай саросимага тушади.

– Ясашни ўргатасизми?

– Ясашни?.. Жоним билан!..

Бодомгул йўл устида Шодмон билан гаплашиб турган дугонасига кўзи тушиб, алланечук нохушланади. Уларнинг ёнма-ён келишаётганини кўриб, маккапояларга шоша-пиша ўроқ солади.

* * *

Қоқ ярим кеча. Дарё. Қайиқ соҳилга тақалиб, оҳиста чайқалиб турибди. Қайиқда ёлғиз Шодмон. У ухламай, чўққайиб ўтирибди. Ҳар замонда бошини кўтариб, олазарак аланглайди... Теваракда сукунат. Дарёда тўлқинларнинг шалдираши, қирғоқда чигирткаларнинг чириллашидан бўлак садо йўқ. Фақат нариги соҳилда қурбақалар қуриллайди. Гоҳ-гоҳ сув кавлаб ўпирган қирғоқдан бир нима «чўлп» этиб дарёга тушади... Яна жимжитлик. Бир пайт сукунат қўйнида энгил қадам шарпалари эшитилиб, биров соҳилда пайдо бўлади... Шодмон сапчиб оёққа туради, лопиллаган қайиқда йиқилиб тушишига сал қолади.

ШОДМОН. (қўлларини чўзганча, қизғин шивирлаб) Хайрият!.. Буёққа!..

БОДОМГУЛ. (шивирлаб) Вой, оёқларим лой!.. Билмасдан, сув қўйилган бедазордан кириб келаверибман!..

ШОДМОН. Зарари йўқ!.. Тушинг!..

Бодомгул қайиққа тушади. Улар бир-бирларининг пинжларига суқилиб, бир лаҳза жим қолишади.

ШОДМОН. (нафаси бўғилиб) Юрагимнинг дукилладини эшитаяпсизми?..

БОДОМГУЛ. (ҳансираб) Эшитаяпман!.. Сиз-чи? Сиз ҳам эшитаяпсизми?!

ШОДМОН. Эшитаяпман!..

Шу алпозда бир неча дақиқа жим қолишади.

ШОДМОН. (қизнинг лойга ботган оёқларига кўзи тушиб) Қани, бу ёққа узатинг!..

БОДОМГУЛ. Вой, қўйинг!.. Кейинроқ ўзим юварман!.. Шодмон қизнинг унамаганига қарамай, дарёдан ҳовучлаб сув олиб, унинг оёғи ва туфлиларига қуя бошлайди.

ШОДМОН. Келмассиз деб қўрқувдим...

БОДОМГУЛ. Вой, анави кишини!.. Ўзингиз хайрлашишга дедингиз-ку!..

ШОДМОН. Ҳаялладингиз...

БОДОМГУЛ. Мукар ўлгур афанди айтавериб, ҳеч кимни ухлатмади...

ШОДМОН. Нима дейди?

БОДОМГУЛ. (истамай) Э-э... шунчаки... Сизни гапириб...

ШОДМОН. Ишонма, дейдими?.. Аллайди, дейдими?.. Бодомгул, сиз шундай бир кишига дуч келдингизки, у ҳеч қачон, ҳеч қачон алдамайди!.. Вассалом!.. Биз бир-биримизни шундай севайлик, шундай севайликки!.. Номларимиз Тоҳир-Зухра, Лайли-Мажнунлардай оғиздан оғизга кўчиб юрсин!.. Менинг орзуларим кўп!..

БОДОМГУЛ. Менинг ҳам!..

ШОДМОН. Бодомим, оингизни кўндиринг. Келгуси йил университетга бирга борайлик... Имтиҳонларга ўзим қарашаман!..

БОДОМГУЛ. Вой, қандоқ яхши!..

ШОДМОН. Беш йил мардона ўқиш!.. Кейин мен... китоблар ёзаман... Улар орасида сизга бағишланганлари ҳам бўлади!..

БОДОМГУЛ. Вой, ёзувчимисиз?

ШОДМОН. Йўқ, шоирман... Шоирлар ҳам том-том китоб ёзишади.

БОДОМГУЛ. *(унга тамоман маҳлиё бўлиб)* Вой, қандоқ яхши!..

ШОДМОН. Шундоқ қараб туринг! Киприк қоқманг!.. Менинг юрагимга мана шу юзларингиз, мана шу кўзларингиз, мана шу лабларингиз умрбод нақшланиб қолсин!.. Энди қирғоққа чиқинг!.. Соҳилда сув парисидек яшнаб, узоқларга термилиб туринг!.. Токи мен бутун қиёфангиз билан қалбимга кўчириб олай!..

Бодомгул қирғоққа чиқиб, тикка туради. Унинг чеҳрасида тантанали севинч, ҳаяжон...

ШОДМОН. Шундоқ тура туринг! Мен тамом узоқлашиб кетмагунимча қимирламанг!.. Сиздан кўзларимни узмай, йўлга тушаман... *(Қайиқни қирғоқдан суради)* Хайр, Бодомгулим!.. Кўришгунча, хайр!..

БОДОМГУЛ. *(бирдан саросимага тушиб)* Вой, кетаяпсизми?!

ШОДМОН. Қанчалик оғир бўлмасин, кетаяпман, Бодомгулим, кетаяпман!.. Мендан хатлар кутинг!.. Исминини ўзингиз айтгандай «Шодия» деб ёзаман...

БОДОМГУЛ. *(кутилмаганда қалтироқ овоз билан)* Шодмон ака!.. Вой, тўхтанг!.. Мени ҳам ола кетинг!

Шодмон қулоқларига ишонмай, оғзини очганча, бирпас анграйиб туради... Сўнг қайиқни шиддат билан қирғоққа буради.

ШОДМОН. Бодомим! Гулим!.. Жоним!.. Келинг!..

Бодомгул қайиққа тушади. Тўлқин уларни дарёнинг ўртасига суриб кетади.

ШОДМОН. Мана бу ишқ!... Мана бу муҳаббат!..
 Ҳай агар кутмагандим!..

БОДОМГУЛ. Йўқ, мени қишлоққача олиб кетинг,
 демоқчийдим. Ойимни соғиндим, уч кундан бери
 кўрмадим...

Шодмон қизга термилиб қолади... Сўнг кўлига
 чилдирма олиб куйлайди:

Ёнар оташда жоним лаҳза-лаҳза,
 Куяр ҳаттоки қоним лаҳза-лаҳза,
 Нигоҳ ташлаб, нелар қилдинг, аё гул,
 Куяр энди жаҳоним лаҳза-лаҳза...
 Кўзимдан ою юлдузни яширма,
 Карам қил, осмоним, лаҳза-лаҳза!
 Ҳзинг Ҳйлаб, адолат қил, жафодир,
 Бу янглиғ имтиҳоним лаҳза-лаҳза.
 Қилиб ҳижрон, мени ёр этмасанг, ёр,
 Келур тилга фиғоним лаҳза-лаҳза!..

Бодомгул кўшиқ сеҳрига берилиб, ой нурида
 жимиллаб, қайиқ атрофида чарх уриб оқаётган
 тўлқинларга тикилиб қолади... Сўнг Ҳўрсиниб бошини
 кўтаради.

БОДОМГУЛ. Вой!.. Қишлоқдан Ҳтиб кетибмиз-ку!

ШОДМОН. Бир кун қишлоғингизга икковлашиб
 қайтсак, нима қилади? Ҳтинаман, ташлаб кетманг!..

БОДОМГУЛ. Ойимга нима дейман, ахир?

ШОДМОН. Йўлда учраган биринчи почтадан хат
 жўнатамиз. Ҳ киши тушунган одам...

БОДОМГУЛ. Сиз ойимни билмас экансиз!..

ШОДМОН. Ҳўп дея қолинг! Бўлмаса жинни бў-
 либ қоламан! Сиз билан учрашиш ё насиб қилади,
 ё қилмайди...

БОДОМГУЛ. Вой, нега ундоқ дейсиз?

ШОДМОН. Ҳа, худди шундоқ бўлади! Кўнглим сезиб турибди. Шунинг учун ҳам «хўп» дея қолинг!..

Бодомгул юзини қўллари билан бекитиб йиғлайди ва кутилмаганда Шодмоннинг кўксига бошини қўяди. Қайиқ дарахтлар соясига кириб, кўздан ғойиб бўлади...

* * *

Қайиқ дарахтлар соясидан чиқиб келади.

БОДОМГУЛ. Энди қаёққа борамиз?

ШОДМОН. Каттақўрғон оша тўғри Вобкентга!.. Унда аммам бор. Дарё худди дарвозасининг, йўқ, худди остонасининг тагидан оқади! Шундоқ тушамиз-қўямиз!.. Кўрасан, қандоқ хурсанд бўлади... То келаси йил ёзгача сен фермада ишлайсан, йўқ истасанг, ишлашинг шартмас!.. Аммамнинг иккита сигири бор, шохлари мана мундоқ!.. Хўкиз дейсан! Қаймоғи Вобкент бозорида талаш. Мазза қилиб қаймоқфурушлик қилиб юраверасан!.. А мен... мен, масалан, курсда ўқиб, машинада пахта теришни ўрганиб олишим мумкин...

БОДОМГУЛ. Вой, сиз мухбирсиз-ку!..

ШОДМОН. Нима қипти... Ҳозир мухбирлар ҳам, шоирлар ҳам машинада пахта териб, намуна кўрсатишлари керак! Ўзбекистонда яшайсанми, тамом – пахтакорсан!.. Ҳа-я, сал бўлмаса, эсимдан чиқаёзибди... Биз, дарвешлар бир кунда тўй қилишга қасам ичганмиз!..

БОДОМГУЛ. Дарвешлар?..

ШОДМОН. Чор дарвеш!.. Вой, гапириб бермадимми ҳали! Лекин аломат йигитлар... Бу, аввало, Аюб, яъни Айиқ полвон... Эҳтимолки, ҳозир манавини машқ қилиб юрганدير (*Дам ўнг қўли, дам сўл қўли билан милиционерларга ўхшаб честь бериб кўрсатади, Бодомгул кулади*) Кейин Искандарбек, яъни Исканда-

ри гулкор... Шўрлик кошинпазликни ўрганаман деб дадасидан шапалоқ еди...

БОДОМГУЛ. Вой!..

ШОДМОН. Ҳа, шапалоқ еди!.. Лекин ўз йўлидан қайтадиганлардан эмас у!.. Кейин Мирза Голиб, яъни чилангари чилтон...

БОДОМГУЛ. Чилтон?

ШОДМОН. Ҳа, чилтон. Ҳозир кўриқда вариллатиб трактор ҳайдаб юрибди... Кейин мен... анақа... шоири шабистоний...

БОДОМГУЛ. Шоири шабистоний?!

ШОДМОН. Ҳа, шоири шабистоний! Яъни, тунда сайр қилиб юрувчи шоир, дегани. *(Кўлларини ёзиб, мана ўзингиз кўриб турибсиз-ку, дегандай ишора қилади, Бодомгул кулади)*. Лекин, менимча Голибни энди Голиб-бало деб аташга тўғри келади.

БОДОМГУЛ. Нега?

ШОДМОН. Кўриқда амакисини топиб олди-я! Йўқ, йўқ, ёлғиз амакисинимас, назаримда, кўпроқ ўзини топиб олган ҳам ўша бўлди.

БОДОМГУЛ. Ўзини?

ШОДМОН. Ҳа, ўзини топиб олди... Биз, дарвешларнинг шунақа шиоримиз бор: ҳар ким ҳаётда ўзини, яъни ўз ўрнини топиши шарт!.. Буни мен... йўғ-е, аслида-ку Алишер Навоий айтганлар, аммо мен доим такрорлаб юраман. Бундоқ:

«Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам...»

Қалай, Зўр-а! Шундоқ дедимми, тамом, баравар қичқиради:

«Қиз нетиб топгай мениким, мен қизимни топмасам!..»

Вой, хумпарлар-ей! Мен ўзимни десам, улар қизимни дейди.

Сенларни қараю!.. *(Тўхтаб, кутилмаганда кула бошлайди)*.

БОДОМГУЛ. Нега куласиз?

ШОДМОН. Кулмай бўларканми? Уларники мен айтганча, меники улар айтганча чиқиб қолди-ку!

БОДОМГУЛ. Қандай... чиқиб қолди?..

ШОДМОН. Қандай бўларди... Шундай... чиқди-қўйди! Улар ўзларини топишди, мен эсам...

БОДОМГУЛ. Хўш, сиз-чи?

ШОДМОН. Мен қизни... сизни топдим!..

БОДОМГУЛ. Аҳа!..

ШОДМОН. Хўш, кимнинг ютуғи зўр?..

БОДОМГУЛ. Кимнинг ютуғи зўр?

ШОДМОН. Албатта, меники-да! Аслида Фолиб баломас, мен – бало! Ҳа, шундоқ! Нега, дейсизми? Хўш, улар ўзларини-ку топишди. Энди якка-ёлғиз юриб, сарсон-саргардон бўлиб қизларини топишади. Хўш, унгача биз қараб турамизми? Йўқ, албатта. Биз икковлашиб, қўлни қўлга бериб, ўзимизни топамиз!.. Ё тополмаймизми?

БОДОМГУЛ. Топамиз.

ШОДМОН. Албатта, топамиз! (Қизнинг қўлларини кафтлари орасига олиб ўпади) Ҳали, нимани гапирётувдим? Ҳа, тўйни!.. Биз, дарвешлар бир кунда тўй қилишга қасам ичганмиз. Шундоқ аломат, шундоқ аломат бўлсинки!..

У кўзларини юмади. Карнай-сурнай садолари унинг овозини босиб кетади. Экранда Шодмоннинг хаёли: кўёвтура сарполарини кийиб, ясанишиб олган «дарвешлар» ўз жуфтлари билан аввал тўрт қайиққа, кейин тўрт машинада, сўнг тўрт самолётда, ниҳоят, тўртта туяга миниб, тантанавор бир қиёфада кўринадилар... Шодмон хўрсиниб кўзларини очади.

ШОДМОН. Булар келаси йил ёзигача!.. Ёз бошландими тамом, жомадонни шарт кўтариб университетга жўнаймиз... Бодомим!.. Гулим!.. Жоним!.. (Қизни бағрига босади).

* * *

Экран қоронғилашиб, яна ёришади. Субҳидам. Бедана сайрайди. Қайиқ енгил чайқалиб, бир маромда сузиб бормоқда. Ошиқ-маъшуклар бир-бирларининг пинжиларига суқилиб, маза қилиб ухлаб ётишибди... Кутилмаганда сўкиниш, қарғиш овозлари эшитилади. Бодомгул эринибгина кўз очиб, қайиқдан бошини кўтаради.

БОДОМГУЛ. Вой, ўлай!..

ШОДМОН. Нима қилди? Нима?!

БОДОМГУЛ. (қаршисига имлаб, шивирлаб) Ойим! Амаким!

Унгача тўрга тушган қайиқни қирғоққа қараб судрай бошлайдилар. Барваста, қора хотин қайиқнинг устига дод солиб, бостириб келади.

БОДОМГУЛНИНГ ОЙИСИ. Вой, шарманда! Вой, юзгинанг курсин! Вой, қиз бўлмай қаро ер бўл! Вой, эрсирамай ўл! Вой, қонинг оғзингдан келсин! Нима қилиб қўйдинг, а?! Нималар қилиб қўйдинг?! Сендан сўраяпман! Нима қилиб қўйдинг, жувонмарг! (Бодомгулнинг сочидан чангаллаб, қайиқдан судраб чиқаради)... Эсингни едингми?! Шайтон васваса қилдими?! Қайси номард йўлдан урди сени?! Қайси ҳароми йўлдан урди?! Мен уни кўзларини ўйиб олай! (Қизни қўйиб, қаққайиб турган Шодмонга ташланади. Ёқасидан бўғиб, қирғоққа судрайди)... Ҳу, кўзларинг ўйилсин, бойўғли! Бировнинг қизига зўрлик қиласанми, а?! Сўрамай-нетмай олиб кетаверасанми? Отанг шундай деб ўргатганми?! Онанг шундай деб ўргатганми?! Шошмай тур, сени оттираман! Ҳукуматга арз қилиб, остираман сени!

БОДОМГУЛ. (секин) Ойи, унда гуноҳ йўқ... Ўзим айтганман...

ОЙИСИ. Ўзинг айтгансан?! Нимани айтгансан?! (Бирдан тушуниб) Вой-дод, мусулмонлар, ноқобил

фарзанднинг дастидан дод!.. Отанг бўлганда бунақа қилмасдинг!.. Бу кунингни кўриб, шўрлик юраги ёрилиб, яна бир бор ўларди!.. Вой-дод!..

Хўппа семиз, қорни юм-юмалоқ эркак хўмрайиб, унга яқин келади. Бу – Бодомгулнинг амакиси.

АМАКИ. Янга!.. Бас!.. Бўлди қилинг энди! Фалва кўтаришдан не фойда?! (Шодмон билан Бодомгулга зарда билан) Қани, чиқинглар!..

ШОДМОН (бир қадам олдинга ўтиб, лаблари титраб) Бизни... қаёққа элтмоқчисиз?

Амаки унга бир зум хўмрайганча тикилиб туради. Ёмон сўз билан сўкиб бермоқчи бўлади-ю, лекин ўзини тияди.

АМАКИ. (бўғилиб) Қаёққа элтмоқчисиз?! Милицияга!.. Сендака безори, қиз ўғрисининг жазосини ўша ерда беришади!.. Қани, чиқ машинага!..

«Газик»ка чиқадилар. Амаки бир четда каттакон тўрни офтобга ёйиб турган балиқчиларга бош ирғаб, рулга ўтиради. Машина йўлга тушади... Шодмон ёнида бошини эгиб, ер билан битта бўлиб ўлтирган Бодомгулга яширинча кўз ташлайди. Уф тортади... Сўнг пайт пойлаб, қулоғига шивирлайди.

ШОДМОН. Кўрқма... Дадил бўл... Майли, милицияга элтишсин. У ерда нима дейишимни биламан...

Машина катта тош йўлга тушиб, бир зумда узоқлаб кетади...

* * *

Яна дарё. Узоқда ёлғиз қайиқ. Елкани қийшайиб қолган. Тўлқин гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа суради... Қайиқ кимсасиз, эгасиз.

У жимгина сузиб боради. Экранда дарё манзаралари неча бор алмашади. Қайиқ ҳамон бир маромда сузиб бормоқда. Ногоҳ қий-чув кўтарилади, экранда қирғоқ бўйлаб чопқиллаб бораётган болаларнинг ин-

гичка оёқлари пайдо бўлади. Пилдираб бораётган ана шу оёқчалар орасидан сокин дарё ва ундаги ёлғиз қайиқ бир муддат кўзга чалиниб туради.

ОВОЗЛАР: «Чор дарвеш»... «Чор дарвеш»...

Нишаб қирғоқ панорамаси. Қий-чув кўтариб, югуришиб бораётган қора-қура болалар. Уларнинг боягина дарёда чўмилиб, ҳалигина қумлоқда ағанаб ётишгани устларидан кўриниб турибди. Бир нечаси ўзини дарёга отиб, қайиқнинг йўлини тўсади ва унга тиришиб-тирмашиб чиқиб олади. Қайиқда тўр-қафас ва чолғу-соз топиб, баттар сурон солишади... Экранда қайиққа чиқиб олган тўртта қип-яланғоч бола. Ҳар бирининг қўлида бир соз. Бироқ улар тартибсиз «дап-дуп», «данғир-дунғир»дан нарига ўтишолмайди... Шунда бировнинг кўзи тўсатдан қайиқ ўриндиғи остида ётган магнитофонга тушади. Бола оғзи қулоғига етиб, оёқ учи билан магнитофон тугмасини босади. Таниш «Чор дарвеш» кўшиғи яна янграб кетади... Болакайлар қийқиришиб, бир-бирларини чимчилашади. Дилрабо кўшиқнинг қанотлари остида «Чор дарвеш» дарё бўйлаб узоқлашиб боради. У янги манзиллар сари сузади...

* * *

Қуёш уфуқдан думалаб чиқиб, ярим йўлдан ўтганда, қимирламай туриб қолади. Бир қушча унинг атрофидан чарх уриб, қанотлари билан «Сентябрь» деб ёзади...

ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон халқ шоири Жамол КАМОЛга

Муҳтарам Жамол ака! Гапнинг сирасини айтганда, мен Сизнинг гўзал шеъриятингиз, соҳир нафасингиз, ўта жозибадор назмингиз таъсирида ўсдим, улғайдим. Шеърятга бироз ошнолигим, ёшлигимдан адабиётга қизиқишим қатор буюклару улуғлар, таниқлиқу номдор шоирлар қаторида Сизнинг ҳали китобингиз чоп этилмаган пайтларда турли нашрларда шеърларингизни зўр ҳаяжон билан ўқирдим. Талабалик йилларимда эса ўртоқларим билан китобларингизни жуда катта орзиқиш билан, соғинч билан кутардим.

Вақти келиб орзиқишлар маълум даражада қондирилди. Китобларингизни мутолаа этиш, шеърларингизни ёдлаш, турли давраларда фахру ифтихор билан айтиш имконига эга бўлдим.

Умуман олганда, Сизнинг шеърятнинг турли жанрларида яратган ўта жарангдор, ўта жозибадор, айна пайтда латиф ва ҳузурбахш туйғулардан иборат шеърларингиз қалбимизга жуда яқин, руҳиятимизга ҳамоҳанг. Сўз санъатининг нодир намояндаси сифатида сўзнинг сеҳри, жозибаси, сиру синоатли олами Сизнинг бадиий талқинингизда ўта бетакрор, ғоят ўзига хос, хуллас, фақат ўзингизга хос бўлган ёниқ бир қалбнинг, жўшқин ва исёнкор руҳиятнинг баёни сифатида беқиёс қудратини намоеън этади. Бундай ноёб имконият очиқ айтиш керакки, ҳамма ижодкорга ҳам хос эмас.

Йиллар ўтиб ижодингиз сарҳадлари мисли кўрилмаган даражада кенгайди. Шеърнавислик, дostonнавислик қаторида таржимачилик йўналиши ҳам пайдо бўлдики, бу ўзбек таржимачилигида мутлақо янги, мутлақо бетакрор, ғоят залворли ва маҳобатли чўққига айланди.

Дарҳақиқат, биз жаҳон адабиётининг турли йирик намояндалари ижодидан танлаб ўзбек тилига ўгирган таржималарингизни ўқирдик. Вақт ўтиб дунёвий адабиётнинг буюк чўққиларидан бири Вильям Шекспирнинг драматик асарларини қойилмақом қилиб ўзбек тилига ўгирганингиз нафақат адабиётимизда, балки умуман маданиятимизда катта воқеа бўлди. Зотан, Шекспирдек буюк файласуфнинг ғоятда оғир ва сермаъно, зиддиятли тафаккур оламини ўзга тилда қайта яратиш, хусусан, унинг даражасида таржима қилиш осон иш эмас.

Ўзингизга маълум: таржимашуносликнинг қатъий қонунияти бор. Таржимоннинг бадиий салоҳияти, ижодий имконияти таржима қилинаётган асар муаллифининг бадиий маҳорати, туйғулар темпераменти ва тафаккур миқёсига тенг келмаса, ҳар қандай шоҳ асар ўзга тилда қийматини йўқотади. Оддий, жўн баёнга, сўник ҳиссиётлар тафсилотига айланади. Бу айтиш мумкинки, ўша шоҳ асар учун ўлимдир.

Ҳайратланарли томони шундаки, Сизнинг қаламингиз, улкан қалбингиз, катта ҳиссиётлар ва эҳтирослар оламингиз орқали ўзбек тилида буюк инглиз адиби бутун буюклиги билан, салобати ва маҳобати билан қайтадан туғилди ва у ўзбек халқининг бебаҳо мулкига айланди.

Таржимачилик ижодингизнинг катта ва салмоқли йўналишига айланди. Форс-тожик адабиёти намоёндаларидан қилган таржималарингизни «Жамол Камол таржимонлик мактаби»нинг салмоқли натижалари дейиш мумкин. Хусусан, буюк сўфий шоир ва файласуф Жалолиддин Румийнинг салмоқдор «Маснавийи маънавий» китобини таржима қилганингиз улкан воқеадир. Зотан, ушбу нодир асар ҳажм жиҳатидан маҳобатлигина эмас. У бутун мазмун-моҳияти билан тасаввуф фалсафасининг «Эверест» чўққиси. Унда

инсон ва табиат, олам ва одам, моддий дунё билан кайҳоний хилқат ўртасидаги муносабатлар ғоятда жим-жимадор, тагдор, образли тасвирлар орқали ифода этилганки, бу Румий тафаккурининг кенгликларини, бадиий қудратининг ҳам, қувваи ҳофизасининг ҳам нақадар улугворлигини, чексизлигини кўрсатади. Сиз эса катта журъат билан ана шундай маҳобатли асарни маҳорат билан ўзбек тилига ўгирдингиз.

Албатта, бундай ҳам қутлуғ, ҳам ғоят масъулиятли ишга қўл уришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун Сиз махсус тайёргарлик даврини бошдан ўтказдингиз. Радий Фишнинг «Жалолоiddин Румий» номли асарини таржима қилганингизнинг ўзи ушбу тайёргарликнинг ўзига хос даври бўлди. Жуда катта ихлос ва улкан истеъдод билан ёзилган ушбу асар ўзбек тилида шу даражада самимий, табиий ва ғоятда таъсирчан ўгирилдики, гўёки Фишнинг ўзи уни ўзбек тилида ёзгандек. Бошқа бир қатор форсий адабиёт намуналаридан қилган таржималарингиз Сизни Румийга тайёрлади десам хато қилмаган бўлсам керак.

«Маснавий» таржимаси бу алоҳида масала. Бунинг учун алоҳида уқув, алоҳида кўникма, алоҳида тайёргарлик керак бўлади. Кайҳоний тасаввур ва илоҳий тафаккур билан фалсафий мушоҳада ва бадиий ифода қоришиб кетишни тақозо этадиган мураккаб ижодий-руҳий ҳолат. Бундай ҳолатга тушиш осон эмас. Аниқроғи, ҳар қандай ижодкор ҳам истеъдодидан қатъи назар бундай ҳолатга туша олмайди. Чунки, юқорида айтганимиздек, таржимоннинг руҳий ва бадиий олами асл нусха муаллифининг руҳий-бадиий темпераментига мос келмоғи шарт. Ана шу жиҳатдан Сиз Румийнинг сирли, синоатли оламига, фалсафий ва бадиий тафаккур дунёсига тўла кириб борган, бу рангин ва сержило оламда ижод заҳматини завқли, шавқли, шукуҳли жараёнга айлантира олган бахтиёр адибсиз.

Албатта, Румийни тушуниш осон эмас. Хусусан, «Маснавий»ни. Ушбу нодир асар ҳаммага бағишланган, одам зоти уни ўрганмоғи шарт. Бироқ ҳамма ҳам уни тушунавермайди, тушуна олмайди. Худди таниқли олим Иброҳим Ҳаққул биргина «ойна» тушунчаси атрофида фикр юритгани сингари. Лекин Румийни тушунишга, уни англашга, уни қалбимизга жо этишга интиломғимиз ва бунга эришмоғимиз лозим. Зотан, илоҳий ишқ қалбимизни забт этмоғи керак.

Дарвоқе, Румий:

Аҳли мўмин кўнгли умрим маскани,
Аҳли мўмин кўнглидин ахтар мени, –


дейдилар ва бир умр мўмин аҳли қалбига интилиб, бу илоҳий маъвони забт этиш умиди билан яшаганларини, охир-оқибатда одамлар қалбидан абадий макон топганларини таъкидлагандай бўляптилар. Бироқ, ҳақиқат шундаки, ул муҳтарам зот орқали қалбимизга илоҳий ишқ, илоҳий нур кирмоқда.

Дарҳақиқат, инсоннинг кўнгли – Аллоҳнинг макони. Инсоннинг кўнгли – Худонинг уйи. Агар қалбимиз ана шундай имкониятга эга бўлсагина вужудимиз нурларга чулғанади, ҳаётимиз нурафшон бўлади. Бироқ ҳали бунга бор...

Жамол ака! Қуръони каримнинг шеърий таржимасини зўр маҳорат билан амалга оширганингиздан хабарим бор. Бу ижодкордан катта маънавий ва руҳий жасорат талаб этадиган иш. Румийнинг ушбу асарини шу даражада самимий, ғоят нафис, жозибадор ва жимжимадор қилиб ўзбек тилига ўгирдингизки, бу ҳам Сизнинг шеъриятингиздаги услубингиз яққол устуворлик қилаётганини, демак, ижодий ва руҳий имкониятларнинг Румий имкониятларига нақадар яқинлигидан, уни жуда ҳам чуқур ўзлаштирганингиздан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Сиз улуғ ва хайрли, савобли ва марҳаматли ишни амалга оширдингиз. Халқимиз учун ва умуман маданиятимиз учун ғоятда катта хизмат қиляпсиз. Улуғ боболаримиз руҳи Сизни ҳамиша қўллашини ва хайрли ишларингизнинг роҳатини узоқ йиллар кўришингизни тилаб қоламан.

*Салом ва эҳтиром ила
Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор*



Шегрийат сўтоқи Жамол Жамолга
 Қотиласок Одиҳок Ҳизовак*

Қуртқилида шегрдан ўзга баҳо йўқ...

Қуртқилида шегр эмас, у гавҳар, шижо,
 Дуру, олтинлардан у ақло эрур.
 Шундай шегрлар ёзган Жамол Жамолнинг
 Ҳоймиа били нисам елими бор арзийдур.

Уйрили давомида кўн шегр ўқидими,
 Шегра ошиқ эгак ёлмиқдан отам,
 Шегрларингиз ўқиб мен Ҳойми буюдим,
 Сиздака шогир йўқ, ҳез бўлмаган ҳам.

Тю уйрили бор экак мен энди фарақат
 Сизники шегрларингиз ўқиб тураман.
 Ёшим шегрларига гавҳаран эдиле,
 Ганговили қонсоқда шегрларингиздан.

Аллоҳга шукрқили уйрили сўнгида,
 Анвар Мирзо уграб йўшмида, қарам.
 Китобингиз бердишар, бунга ўқиме деб,
 Ток-ток деб ўқимемак, торсаида арам.

Энди Сиз кўн ешак, саксок ке бўйми!
 Аллоҳ ва Анвар Мирзо гўлаб турганда,
 Ишодимиз ешак гўлаб ешакени,
 Муҳимларингиз хатлар йўлаб турганда.

2007.01.18

* Ҳожияхон ая – тошкентлик меҳнат фахрийси, инглиз тили ўқитувчиси. Эрлари Фарҳодхўжа Иброҳимов иқтисодчи олим. Ешлари бир жойга етганига қарамай, уларнинг китобхонлигига тенг келадигани йўқ.

МУНДАРИЖА

Умид чироғи қачон ёнади?.....	5
Эшиксиз қўрғон... ..	18
Жаҳон тарозисининг икки палласи.....	32
Тил – халқнинг номуси, тарих – унинг қомуси	48
Дунёнинг саволлари.....	61
Слова, слова, слова... ..	77
«Марҳаболар, афандим, бураси – Истанбул!..»	80
Абадият остонасида.....	98
Қуёшдек равшан ҳақиқат.....	118
Чирчиқдан чиққан тутун... ..	123
Дунёга чиқиш керак!.....	130
Тоққа чиқиш санъати	142
Шакарпарийёнда экилган чинор	153
Миллатнинг қўрғони... ..	166
Миллатнинг ҳусни.....	176
Миллатнинг шарафи	183
Бир пиёла оғу.....	191
Америка чироқлари.....	198
Аждаҳони жиловлаш керак... ..	219
Етук жамият орзуси.....	233
Севайлик, ўрганайлик.....	240
Руҳият юлдузи	247
Навоий ва биз.....	253
Мавлоно Жалолиддин Румий ва ўзбек адабиёти.....	262
Достон масъулияти.....	270
Драма – руҳий олам кашфиёти.....	283
«Қизил, сориг, яшил...»	289
Гулчеҳранинг умр гули.....	294
Тиниқ шахсият, дилрабо шеърят.....	298
Маънавиятимизнинг Иззат Султони.....	303
Адолат куйчиси.....	310
Ҳалима Носировани эслаб... ..	313
Юрагида меҳригиёси бор эди.....	320
Ҳинд диёрида ижодий мулоқотлар	324
Қирғизистон маданият арбоблари, қайдасиз?	328
Бухоро – жаҳонга оро.....	333
Фикрсизлик фожиаси	341

Жамият ҳавосининг озон қатлами.....	349
Сурат нимаю сийрат нима?.....	355
Шароф Рашидов ғалабаси.....	360
Шароф Рашидов абадияти.....	364
Қуръони карим ҳақиқати ва унинг қисмати.....	367

КИНОҚИССА

Чор дарвеш ёки Зарафшон ёди.....	376
----------------------------------	-----

МУАЛЛИФГА МАКТУБЛАР

Эҳтиром	456
Хуржунимда шеърдан ўзга вақо йўқ.....	461

Адабий-бадший нашр

ЖАМОЛ КАМОЛ

АБАДИЯТ ОСТОНАСИДА

САЙЛАНМА

III жилд

*долзарб мақолалар, адабий мушоҳадалар,
хотиралар, киноқисса*

Муҳаррир

Гавҳар МИРЗАЕВА

Мусахҳиҳ

Мадина МАҲМУДОВА

Бадий муҳаррир

Нигора УМАРҚУЛОВА

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Дилдора ЖҶРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АI № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 14.08.2018 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 14,5+вкл 0,5.

Шартли босма табағи 24,36+вкл 0,84.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 100.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 147-00-14, 129-09-72.

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87.

факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН



ISBN 978-9943-20-449-2



9 789943 204492